ҲИКМАТЛАР ШОДАСИ

ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2013

УЎК 821.512.133
КБК 94.8
Х-47 Афоризмлар

Ушбу тўпламни ҳикматли сўзларнинг чуқур билимдони бўлган Ўрозгул онамизнинг муборак руҳларига бағишлаймиз.

Тақризчи:
Сафарбой Рўзимбоев — филология фанлари доктори, профессор.

Тўпловчи ва таржимонлар:
Абдулла Раимов,
Нилуфар Раимова

N1 31797
291

Ҳикматлар шодаси: тўпловчи ва таржимонлар: А. Раимов,
Х-47 Н. Раимова. — Тошкент: «O'zbekiston», 2012. 400 б.

ISBN 978-9943-01-957-7

Жамиятимиз янада шаклланиши ва равнақ топиши учун ёшларнинг ҳар томонлама камолотга эришишида, чуқур билимли, ахлоқ-одобда бошқаларга ўрнак бўла оладиган, Ватанни севувчи, пок виждонли бўлишида маънавий ҳамроҳ доимо зарур.

Мазкур китоб эзгуликка, меҳнатсеварликка, инсонпарварликка чорловчи афоризмлар, яъни ҳикматли сўзлардан таркиб топган. Тўплам минг йиллардан бери сайқал топиб келаётган Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг ҳикматли сўзларидан, замондош истеъдод эгалари ва адибларнинг ижодларидан олинган намуналар асосида тузилган.

«Ҳикматлар шодаси» китоб жавонингиздаги энг кўп фойдаланиладиган маънавий қўлланмолар сафига қўшилса, биз ўз олдимизга қўйган вазифамизни бажарилган деб ҳисоблаймиз.

2013/143
A 11310
Alisher Navoiy nomli O'zbekiston MK

ISBN 978-9943-01-957-7

УЎК 821.512.133
КБК 94.8

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2013

ҲИКМАТГА АЙЛАНГАН ЭЗГУ ТУЙҒУЛАР

«Саньат ва маданиятдек қудратли куч орқали инсон қалбига йўл топиш ҳақида сўз юритар эканмиз, ҳаммамиз яхши тушунамизки, ҳар қайси истеъдод эгаси ўзига хос бир олам, шу сабабли ижод аҳлига қандайдир ақл ўргатиш, энг асосийси, уларни бошқаришга уриниш мумкин эмас. Лекин бу ҳаётда уларни бирлаштирадиган, янги ижодий марралар сари илҳомлантирадиган муқаддас тушунчалар борки, улар Ватан ва халқ манфаати, эзгулик ва инсонийлик тамойиллари билан узвий боғлиқдир. Агарки ҳар қайси ижодкор ўз асарларида ана шу ўлмас гояларни бош мақсад қилиб қўйса, уларни бадиий маҳорат билан ифода эта олса, ҳеч шубҳасиз, адабиёт ҳам, маданият ва саньат ҳам том маънода маънавий юксалишга хизмат қилиб, ўзининг ижтимоий вазифасини тўлиқ адо этишга эришган бўлади».

Ислом КАРИМОВ

Афоризмлар доимо қисқа ва лўндалиги билан киши эътиборини ўзига жалб этади. Донолар қалб туғёнлари акс этган сўзлар инсонни эзгу ишларга бошловчи ва илҳомлантирувчи кучга эга. Шунинг учун бўлса керак, каерда ҳикматли сўз эшитсак, уни хотирада қолдиришга ёки ён дафтарчамизга ёзиб олишга ҳаракат қиламиз.

Мазкур китобнинг «Ҳикматлар шодаси» деб номланиши ҳам бежиз эмас. Чунки унда жаҳон донишмандларининг ҳикмат боғидан танлаб олинган дурлар бир ипга тизилган.

«Афоризм» сўзи юнон тилидан олинган бўлиб, аниқ ва ихчам ифодаланган тугал фикрни англатувчи ҳикматли сўз маъносини билдиради. Халқ мақолларида ҳам ҳикматли сўзлар яшириндир. Аммо улар муаллифи аниқ бўлган афоризмлардан фарқ қилади. Яъни, ёзма адабиёт намояндаси мақоллардагидек бирор нимани исботлаб асосламасдан, ўзининг асосий фикрини кутилмаган бир йўсинда изҳор қилиш орқали эшитувчининг онгига таъсир кўрсатади. Ўз ўрнида афоризм орқали ифодалаб айтилган фикр ҳикматга айланади.

Афоризмлар кадимдан пайдо бўлган, улар дастлаб юнон фалсафасида куртак ёзганлигини тадқиқотчилар исботлаб келади. Она Ватанимиз ҳудудида пайдо бўлган «Авесто» китобида илк бор ёзма ҳикматли сўзлар пайдо бўлган эди. Чин файласуфи Конфуций битиклари ҳам афоризмлар сирасига кирувчи ёзма манбалардан ҳисобланади.

Ҳикматли сўзлар шодасида Шарқ мумтоз адабиёти вакилларининг салмоқли ҳиссаси бор. Кайковуснинг «Қобуснома», Саъдий Шерозийнинг «Гулистон», Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» ахлоқий-таълимий рисолаларида ҳикматли сўзларнинг жозибаси кўзга яққол ташланади. Бу асарлар инсониятнинг маънавий мулкига айлангани ва ҳозиргача қадрланиб ўқилиши бунинг ёрқин мисолидир. Шарқ ҳикматлари асарлардан асарларга, минтақалардан минтақаларга муттасил кўчиб юриб жаҳон халқлари маънавий дурдонасига айланган. Г. Гёте ва Ф. Ницше асарларида Шарқ ҳикматли фалсафасига ихлос ва эҳтиром борлиги сезилиб туради.

XVII—XX асрларда Европа ва Америка адабиёти янада ривожланди. Шунга кўра китобга шу даврларда яшаб ижод қилган Ғарб мамлакатларининг атоқли шахслари, адиб ҳамда шоирларининг афоризмларидан намуналар киритилди.

Китобда буюк шахсларимиз ва маърифатпарвар арбобларимиз ёзиб қолдирган битикларга алоҳида тартиб берилган. Шунингдек, араб мамлакатлари, Ўрта Осиё, Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Хитойда турли даврларда яшаб ижод этган файласуфлар, илм-фан намояндалари, шоирлар ва бошқа мутафаккирларнинг афоризмлари, ҳикматли сўзлари келтирилган.

Тўпловчилар нашр сифатини ошириш ва мазмунини бойитиш учун кўп меҳнат сарфлаганлар. Нашрнинг қимматини янада оширишни назарда тутиб, китобнинг «Тома-тома кўл бўлур» бўлимида атоқли адиблар, таниқли шахсларнинг ҳикматли сўзлари ҳам киритилди.

Ўрта асрларда Хоразм заминида таваллуд топган аллома Абулқосим Маҳмуд аз-Замахшарий ўзининг «Нозик иборалар» рисоласида: «Аҳмоқ киши ҳикмат лаззатини билмайди, бамисоли тумов киши гулнинг ҳидини билмаганидек», деб ёзади. Бир қарашда, бу фикр илк эшитган кишининг ақлини шоширади. Аллома айтган ҳикматнинг лаззати эса ўша гул ҳидига яшириниган. Эзгу туйғулар ҳикматга айланади. Эртасига тингловчи тумовдан тузалиб, албатта ўша гулни яна бир бор ҳидлаб кўришига умид бор.

Нашриётдан

Алишер Навоий

(Низомиддин Мир Алишер Навоий, 1441—1501 йилларда яшаб ижод қилган буюк ўзбек шоири, мутафаккири ва давлат арбоби)

Ақл ила олам юзин обод қил,
Хулқ ила олам элини шод қил.

* * *

Айтур сўзни айт,
Айтмас сўздан қайт.

* * *

Ақллилар подшоҳлар сўзига ишонч билдирмайдилар, билимдонлар жиннилар гапига эътибор қилмайдилар, чунки бири соҳиб ихтиёрдир, иккинчиси беихтиёрдир. Ақллига ҳар иккаласидан ҳам нарироқ юриш яхшидир.

* * *

Барча лаззатни тотдим,
Офиятдан чучукроқ лаззат
топмадим.

* * *

Бир дирам олмоқ чекибон
даст ранж,
Яхшироқ андинки биров берса
ганж.

* * *

Бахтли агар олим бўлса, нодонлар сўзи унга ибратли ва эътиборли бўлади; бахтсиз агар жоҳил бўлса, олим сўзидан ор қилади.

* * *

Билмаганни сўраб ўрганган олим,
Орланиб сўрамаган ўзига золим.

* * *

Бировким эрур ростликдан йироқ,
Онингдек киши бўлмагани яхшироқ.

* * *

Бу доғи топмагунча ҳазми комил,
Баданни қилма ортиқ юкка ҳомил.

* * *

Бошни фидо айла ато кошиға,
Жисмни қил садқа ано бошиға!

* * *

Ватан таркини бир нафас айлама,
Яна ранжи ғурбат ҳавас айлама.

* * *

Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ.

* * *

Душман фирибин ема,
Ва маддоҳ хушомадин чин дема.

* * *

Ёмон била яхши орасида фарқдур,
Икки кеманинг учин тутган ғарқдур.

* * *

Илм ўқуб қилмаган амал мақбул,
Дона сочиб, кўтармади маҳсул.

* * *

Оз-оз ўрганиб доно бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.

* * *

Бу гулшан ичраки йўктур бақо
гулига сабот,
Ажаб саодат эрур қолса яхшилик
била от.

* * *

Бу сўзни ахли хикмат дебтурур хўб,
Ёмондин оз бехким яхшидин кўб.

* * *

Бу дин илмики хомам қилди тахрир,
Эру фикху хадису сўнгра тафсир.
Чу такмил ўлди бу уч илм, сен, бил,
Яна хар илм майлин қилма, ё кил.

* * *

Гавхару дурни қулоқ озори бил,
Сўзни кулокнинг дури шахвори бил.

* * *

Ишксиз — эшак, дардсиз — кесак.

* * *

Ёлғончи киши эрмас,
Ва ёлғон айтмоқ эранлар иши эрмас.

* * *

Ёмон сўзки келиб жонға ургай,
Ки жондин хам ўтиб, имонға ургай.

* * *

Ишда ошуккан кўп тойилур,
Кўп тойилган кўп йиқилур.

* * *

Ёмонларга мархамат ва яхшилик яхшиларга зарар ва алам келтиради.

* * *

Йигитликда йиғ илмнинг мағзини,
Қарилик чоғи харж қилғил ани.

* * *

Кимки улуғроқ, анга хизмат керак,
Кимки кичикроқ, анга шафқат керак.

* * *

Ки хар ким аён этса яхши қилиқ,
Етар яхшиликдан анга яхшилик.

* * *

Кулгуки, ўз хадидин ўлди йироқ,
Йиғламоқ андин кўп эрур яхшироқ.

* * *

Кўзни ўз айбингдин олма ва ўзгалар айбига кўз солма!

* * *

Кўнгил бадан мулкининг подшохидир. Унга соғлиқ бунга хам соғлик, унга нохушлик бунга хам нохушликдир.

* * *

Менга не ёру не ошик хавасдур,
Агар мен одам эрсам, ушбу басдур.

* * *

Одам ўлгон зеби зохирдин эмас,
Кимки андин фахр этар одам эмас.

* * *

Сихат тиласанг, кўп ема,
Иззат тиласанг, кўп дема.

* * *

Сўзи хисобсиз — ўзи хисобсиз.

* * *

Нодонлик эрур элда маломатга далил,
Доно улус олдида хижолатга далил.

* * *

Одами эрсанг, демагил одами,
Ониким, йўк халқ ғамидин ғами.

* * *

Улки, зарар шевасини тавр этар,
Элга демаким, ўзига жавр этар.

* * *

Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз.

* * *

Такаббурлик — шайтон иши, ўзини катта олиш — нодон иши.

* * *

Ушоқ қанд оқ тузга монанд эрур,
Ва лекин бири туз, бири қанд эрур.

* * *

Ўз бошингга ўзинг солма ҳайронлик,
Бир «йўқ» келтиради минглаб осонлик.

* * *

Фано аҳлига кўп сўзламоқ — мақбул эмас, кўп эшитмоқ — матлуб ва яхшидир. Эшитмоқ кишини тўлатади, айтмоқ бўшатади.... Кўп деган кўп янглишади, кўп еган кўп йиқилади. Тан касалликларининг асоси кўп емакдир, кўнгил касалликларининг асоси кўп демакдир. Кўп демак сўзга бино қўйганлик, кўп емак нафсга бўйсунганликдир. Кишига бу сифатлар ортиқчалик қилади, барчаси ўзига берилганликка олиб боради.

* * *

Ясанчоқ мардона бўлмас, кўпалак парвона бўлмас.

* * *

Яхшилик — бир жабрланганнинг оғир юкини кўтармоқ ва уни ўша қийинчиликдан қутқармоқдир. Карам — бировнинг машаққат тикани оғирлигини кўтармоқ ва у тикан учидан гулдек очилмоқ ва ўша қилинган ишни қайтиб тилга келтирмаслик, оғизга олмаслик, ўша кишига миннат қилмаслик ва унинг юзига солмасликдир.

* * *

Яхшилик қила олмасанг, бори ёмонлик ҳам қилма.

* * *

Ҳар кимки биров билан дўст тутинса ёки дўстлик даъвосини қилса, ўзига раво кўрмаганни дўстига раво кўрмаслиги керак.

* * *

Қачон сочса тупроққа буғдой биров,
Йўқ имконки ул арпа қилғай даров.

* * *

Ҳар кимсаки, айламас ошуқмоқни хаёл,
Яфроғин ипак қилур, чечак баргини бол.

Абдулла Қаҳҳор

(1907—1968 йилларда яшаб ижод қилган адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси)

Бахтни бировларнинг остонасидан қидиришнинг ўзи бахтсизликнинг боши.

* * *

Бакиргандан кўра маромн билан секинроқ қилинган таъна кулоққа яхшироқ киради, зехнга яхшироқ ўрнашади.

* * *

Беихтиёр қилинган гуноҳни кечирса бўлади. Аммо билатуриб, ростини қўйиб, ёлғон гапирган одамнинг гуноҳини кечириб бўлмайди.

* * *

Биз кўпинча «ёшларимизнинг тарбияси бузилаётибди» — деймиз, холбуки, бузуқ тарбия осмондан тушаётгани йўқ, ўтмиш қолдиғи маълум шарт шароит бўлмаса, давом этолмайди.

* * *

Бирон ҳодисанинг яхши ва ёмон эканини билдириш билан унга нисбатан нафрат ёки муҳаббат ҳисси туғдириш орасида жуда катта фарқ бор.

* * *

Бошига иш тушган одамни шилиш — ўликнинг кафанини ечиб олишдай гап.

* * *

Бўлдирадиган ҳам хотин, ўлдирадиган ҳам хотин.

* * *

Гап қанча яхши бўлса, у шунча қисқа бўлади.

* * *

Ёш боланинг кучи оёғида, юриб чарчамайди. Йигитнинг кучи билагида, ишлаб чарчамайди. Аммо кексанинг кучи юрагида бўлади. Ҳар қандай оғир дардни кўтара олади.

* * *

«Мумкин эмас»ни «қийин»дан ажратиш керак. Қийин — кўпрок меҳнат талаб қилинади, деган сўз.

* * *

Нима учун кўча харакати қоидасини бузган кишига милиция хуштак чалади-ю, бутун бир тилни бузаётган одамларга ҳеч ким хуштак чалмайди?

* * *

Одамзод ҳасад қилмаслиги керак. Ҳавас қилиши керак. Ҳавас қилган одам муродига етади.

* * *

Одамнинг ёмони бўлмайди. Биров тош, биров гул, ўз жойида иккови ҳам яхши.

* * *

Ота-онаси эрка ўстирган бола кўпинча худбин бўлади.

* * *

Раҳбар томоғига зўр бердими, обрўдан путур кетгани бўлади.

* * *

Талант учун энг хавфли шира «офарин»чиликдир.

* * *

Таъна, дашном, танқид ва бошқа минг турли дўстона, хайрихоҳона товушларга таҳсин аралашса, кулоққа фақат таҳсингина киради.

* * *

Тошкин сув... тегирмонни бузиши ҳам мумкин, юргизиши ҳам.

* * *

Тўй қилиш учун эр-хотин бўлинмайди, эр-хотин бўлиш учун тўй қилинади, орзу-ҳавасни тўйда бир маротаба эмас, тўйдан кейин ҳар куни кўриш керак.

* * *

Уят фақат инсонга хос туйғудир. Ҳайвон уят пайдо қилолмагани учун инсонга якинлаша олмайди, лекин инсон уятини йўқотиб ҳайвонга яқинлашиб қолиши мумкин.

* * *

Халқ порахўр рахбарнинг юзига тупуради. Лекин бу рахбар билан халкнинг ўртасида хукумат столи бор. Баъзан тупук порахўрнинг юзига етиб бормай, ўша табаррук столга тушади.

* * *

Хушомадгўй — лаганбардор деган махлуқ мансабдорни сигирдай ялаб, жунини тескари қилиб ташлайди. Мансабдорга хам хуш ёкиб, бузоқдай бўйнини эгиб турaверади.

* * *

Юрагида кўри бор одамнинг кўллари хам иссиқ бўлади.

* * *

Чаласавод киши ўзидан паст, нима деса «хикмат» деб турадиган одамлар билан улфатчилик қилишга мойилроқ бўлади.

* * *

Чиройли лоф-кофдан хунук хакикат яхши.

* * *

Шундай одамлар хам бўладики, туғилганда хеч ким севинмаган бўлса хам, ўлганда бутун юрт аза тутади.

* * *

Юртни обод киламан деган киши ўзи обод бўлади.

* * *

Кокилган одам йўлда ётган тошдан ўпкаланмайди.

* * *

Ғараз билан килинган яхшилик ёмонликдан фарк килмайди.

* * *

Хар кандай конунга хам чап бериш мумкин, лекин уятга чап бериб бўлмайди, чунки конун одамдан ташқарида, уят эса одамнинг кўксида бўлади.

* * *

Хакикат канчалик кўп каршиликка учраса, кишиларнинг калбидан шунча чуқуррок ўрин олади.

* * *

Хунарли одам хеч качон оч колмайди.

Абдулла Кодирий

(Абдулла Кодирий (Жулқунбой), 1894—1938 йилларда яшаб ижод қилган адиб, ўзбек романчилигининг асосчиси)

Аксар ялковлар ўзлари учун фойдали бўлган ишларга дангасалик қилиб, фойдасиз бўлган ишлар оркасинда умр ўтказарлар.

* * *

Биз хакикатни хаётдан олдик. Хаммадан илгари шахс ўзини танисин, сўнгра бошкани! Зеро, «ўзини билмаган, ўзгани билмас» сўзи турмуш онасининг дард чекиб туккан тўнғич ўғлидир.

* * *

Бир соатда эмас, ўн соатда ёзиш, бир қайта эмас, ўн қайта тузатиш кишининг ёрдамига термулишга қараганда ҳам фойдали, ҳам умидлидир.

* * *

Ёмон ёмонлиғини, яхши яхшилиғини ташлай олмайдир. Мабодо ташласа боши оғрийдир, кўзи чиқадир.

* * *

Кўкармаган дарахтни, албатта, кесиш ва ўрнига янгисини экиш керак.

* * *

Маним мезоним виждоним бўлиб келди, бундан сўнг ҳам жиловим ўшанинг қўлида. Демак, маним истиқболим таъмин қилинғандир.

* * *

Сўз сўйлашда ва улардан жумла тузишда узоқ андиша керак.

* * *

Сўз қолип, фикр унинг ичига қўйилган ғишт бўлсин, кўпчилик хумдонидан пишиб чиққач янги ҳаёт айвонига асос бўлиб ётсин.

* * *

Яхшиликка ўрганған бир банда осонлиқ билан ўз яхшилиғини қўймайдир.

* * *

Ҳажвий танкид авомнинг руҳига яқин ва унинг ҳис этган, аммо ифода қила олмаган масалаларига таржимондир.

* * *

Ҳажвий танкиднинг табиатидаги кулгулук унсури авомнинг маҳбуби, тағин тўғриси унинг ўз ижодидир.

* * *

Ҳақиқат олдида бўйин эгиш тавбадир, ўзгаси ғовғадир!

* * *

Ҳақиқатдан қочиб, тилга янги қоидалар тузиш разолатдир.

Абдулла Авлоний

(1878—1934 йилларда яшаган ўзбек маърифатпарвар адиби, давлат ва жамоат арбоби)

Бошимизга келадурган кулфат ва заҳматларнинг аксари ёмон тилимиздан, андозадан ортуқ сўйлаганимиздан келур.

* * *

Виқор деб, кибр ва ғурурдан, манманликдан ўз нафсини сақламакни айтилур.

* * *

Интизом деб, қиладурган ибодатларимизни, ишларимизни ҳар бирининг ўз вақтида тартиби ила қилмакни айтилур. Агар ер юзида интизом бўлмаса эди, инсонлар бир дақиқа ҳам яшолмас эдилар.

* * *

Иффат деб, нафсимизни гуноҳ ва бузуқ ишлардан сақламоқни айтилур. Бизларни гуноҳ ва маъсиятдан саклагувчи, харом-ҳаришдан нафсимизни асровчи фақат иффатимиздур.

* * *

Тарбия бизлар учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидур.

* * *

Тарбият қилғон била ноасил одам бўлмағай,
Ифни юз алвон ила ранг этсалар бўлмас ифак.

* * *

Тирикликда кишиким килса хар кор,
Анинг осонлиғина илм даркор.

* * *

Халқи олам суйгусидур тозалик ва покни,
Поклик оргтиргусидур фахм ила идрокни.
Хар кишини кўксида поклик нишони бўлмаса,
Тозалик майдонидан кувғайлар ул бебокни.

* * *

Яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар ила баён қиладурғон китобни ахлоқ дейилур.

* * *

Ғазабнинг аввали жиннилик, охири надоматдир.

* * *

Ҳаё деб, ишда, сўзда адабга риоя қилмакни айтилур. Ҳаё дилни равшан қиладурган бир нурдурки, инсон хар вақт шул маънавий нурнинг зиёсига мухтождур.

* * *

Хар бир кишига синамасдан, билмасдан дўстлик қилмак, сир айтмак зўр ақлсизликдур.

Абу Мансур ал-Мотуридий

(Шайх Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳанафий ал-Мотуридий ас Самарқандий, 870—944 йилларда яшаган етук олим)

Аёллардан устун бўлишга интилма.

* * *

Ажални хеч качон эсдан чикарма.

* * *

Бировнинг миннатини кўтар-у, миннат қилувчи бўлма.

* * *

Доно кўринган нодондан хазар кил.

* * *

Душманинг билан иноқлашган дўстдан кўрк.

* * *

Душманингнинг душмани билан дўст тутин.

* * *

Жонни омонат, умрни иноят бил.

* * *

Жоҳил зоҳидга инонма.

* * *

Кам гапир, оз егину кам ухла.

* * *

Мартабаю иззатни илмдан изла.

* * *

Нокасдан қарз олма.

* * *

Номард суҳбатидан пархез кил.

* * *

Одамларнинг олдида нима десанг, орқасидан ҳам ўшани гапир.

* * *

Отанг хатоси учун танбеҳ берувчи бўлма.

* * *

Сабрли бўл, муродга етасан.

* * *

Сенга иши тушган одамни ранжитма.

* * *

Тўғри йўлнинг очкуси илмдир.

* * *

Халққа қилган яхшилигингни айтиб юрувчи бўлма.

* * *

Хорлик истасанг хиёнатчи бўл.

* * *

Чин эътиқод бебаҳо ганждир.

* * *

Яхшилар билан дўстлаш.

* * *

Ўрган ва ўзгаларга ўргат.

* * *

Ўтган хаётингни ўз муаллиминг бил.

* * *

Ҳар бир ишда ҳамкор иста.

* * *

Ҳар кимнинг нонини ема, аммо ҳаммага нон бер.

«Авесто»дан

(Мил. ав. 1 минг йилликнинг 1-ярмида Ўрта Осиёда, хусусан Хоразмда вужудга келган зардўштийлик динининг муқаддас китоблари тўплами

Агар бировларнинг ҳақи эвазига бойлик орттирган бадавлат киши хайр-садақа берса, унинг савоби бойлик кимнинг ҳақи эвазига орттирилган бўлса ўшанга тегади.

* * *

Аждодларингнинг обрўсига суянма, чунки охир оқибат суянчиғинг фақат ўз ишларинг бўлиб қолади.

* * *

Аёлларни мукаррам тутинглар.

* * *

Ақли бўлиб яхшиликни билмаса буни оқил деб бўлмайди, қобилияти бўлиб ақли бўлмаса буни қобилият деб бўлмайди.

* * *

Балоғатга етмаган фарзандингни, хотинингни, молингни ва оловни доим қаттиқ назорат остида тутиш керак ва ҳаммасидан ҳам кўпроқ ҳимоя қилиш зарур.

* * *

Бахтсизликка қарши дори — унинг тўғрисида ўйламаслик. Бахтсизлик тўғрисида ўйлаганингда у камаймайди, балки кўпаяди.

* * *

Баъзи сирларингни хотинингга ишон, баъзисини дўстларингга, баъзиларини фарзандларингга — уларнинг ҳаммаси ишончга лойиқ.

Лекин ҳеч кимга ҳаммасини айтиб бўлмайди.

* * *

Баҳор ойининг бир куни аёллар ийди — байрами қилиб белгилаб қўйилсин.

* * *

Бошқаларга боғлиқ бўлган ишдан узоқлаш; фақат ўзингга боғлиқ нарсаларгагина интил.

* * *

Бошқаларга яхшилик қилиш — бу мажбурият эмас, бу қувонч, чунки у сизга саломатлик ва бахт инъом қилади.

* * *

Бутун фикри ўйи, сўзи ва иши доим ҳалоллик бўлган кишига бу дунёда қилинадиган барча эзгу ишлар ва яхшиликларнинг савоби тегади.

* * *

Гуноҳ йўл билан бойлик орттириб бунга қувонган кишининг қувончи — бахтсизликдан ҳам ёмон.

* * *

Ёлғон гапириб тирик қолгандан кўра рост сўзлаб ўлган яхши.

* * *

Ёмонлик қилинишини била туриб, уни тўхтатишга кучи етгани ҳолда бу ишни қилмаган киши, шу ёмонликка шерикдир.

* * *

Душманларинг билан адолатли кураш, дўстларинг билан самимий бўл.

* * *

Жангда биров мардлик кўрсатса ҳамма жангчилар мардга айланади; агар биров қўркоқлик қилса, ҳамма қўркок бўлиб қолади.

* * *

Икки нарсани суиистеъмол қилмаслик зарур: истеъмол қилишни ва истеъмол қилишдан сақланишни.

* * *

Илм ўқишга боғлиқ, фахр — ишга, фаровон ҳаёт — тиришқоқликка, мукофот — тақдирга.

* * *

Ишониб бўлмайдиган дўст, мухтожликда ёрдам қилмайдиган қариндош, тотувликда яшаб билмайдиган хотин, отасининг номини давом килдирмайдиган фарзанд, хотиржамликда ва хавфсиз яшаб бўлмайдиган мамлакат ёмондир.

* * *

Кек сақловчи киши билан олишма ва асло уни хафа килма.

* * *

Мавқеи сендан пастни ўзинг билан тенг хисобла, сен билан тенгни ўзингдан баланд хисобла, мавқеи сендан баландни бошлиқ хисобла, бошлиқни эса хўжайин хисобла.

* * *

Манфаат ва бойлик тўплашга мукканглан кетма, чунки барибир уларнинг ҳаммасини охирида ташлаб кетасан.

* * *

Маслаҳат бериш керак бўлганида ҳамма донишмандга айланади. Ушбу маслаҳатга ўзинг амал қилишинг лозимлигида донишманд ҳам нодондек туюлади.

* * *

Нодон билан ҳамкорлик қилма, тентак билан баҳслашма, маст кипи билан йўлга чиқма, пасткаш кишидан қарз олма.

* * *

Олимнинг чарчашини фақат олим билади; туғмаган туғиш азобини тушунмайди.

* * *

От, курол, илм, гап, эркак ва аёл яхши ёки ёмон бўлиши мумкин. Ҳаммаси уларга кандай муносабатда бўлишингга боғлиқ.

* * *

Очкўз киши билан бирга бўлма ва унга ҳукмронликни ишонма.

* * *

Соғлиқ учун кам еб, танангни иш билан банд кил.

* * *

Тухматчи билан шоҳ саройига борма. Беобрў киши билан якин улфат бўлма.

* * *

Тинчлик ва мехнат — фаровон яшашнинг манбаи шулар.

* * *

Фойдали сўз гўдакдан чикса ҳам унга кулок сол; ёмон сўз мўйсафиддан чикса ҳам унга кулок солма.

* * *

Яхшилик камчиликдай кўзга яккол ташланмайди.

* * *

Ўз бойликларидан коникмасдан фақат уни кўпайтириш тўғрисида ўйлайдиган бой кашшокдир. Ўзида борига кувониб, уни кўпайтириш тўғрисида ўйламаган кашшок бойдир.

* * *

Ўзингдан катталар олдида мулойим ва камтар бўл, ўзингдан кичиклар олдида токатли ва хушмуомала бўл.

* * *

Кахрга кахр билан жавоб кайтармаган икковини ҳам кутқаради — ўзини ҳам, ўзгани ҳам.

* * *

Кудратлиларга яхшиси миннатдорчилигингни изҳор кил ва яхши ахлокингни намоён кил, якинларингга эса мехрибонлигингни кўрсат.

* * *

Кўл остидагиларидан норози бўладиган, издошларини ҳимоя килмайдиган, уларни дўсти деб билмайдиган раҳбар ношуддир.

* * *

Кўркув ва ёлғондан иборат бўлган ҳаёт ўлимдан ҳам ёмон, чунки ҳар кимга ҳаёт кувонч ва дунё неъматларидан лаззатланиш учун берилади.

* * *

Ҳаёт сенга бемаза бўлиб кол маслиги учун хасад гунохига ботма.

* * *

Ҳеч ким маълум бир йил яшагани учун кексаймайди, кишилар ўз ғояларидан чекинганликлари учунгина каришади.

* * *

Ҳукмдорлар олдида улар билан якдиллигингни ва уларга наф тилашингни билдир. Кўл остингдагилар-

га ва хизматкорларингга эса яхши ахлоқингни ва талабчанлигингни кўрсат.

* * *

Хукмдорлар учун доно ва яхши кишилар билан мулоқот килиш фойдали, ғийбатчи ва айёр кишилар билан сухбатлашмоқ зарарлидир.

* * *

Хукмронлигингга ишонма, охир бир кун хукмронлик қўлингдан кетади.

Августин

(Августин Аврелий, 354—430 йилларда ҳозирги Жазоир ҳудудида яшаган файласуф)

Биз, тушунганимизга караганда кўпроқ нарсани биламиз.

* * *

Бировлар бахтли хаёт кечираётганликлари учун бахтлилар, бошка бировлар бахтли хаётга бўлган умидлари билан бахтлидирлар. Кейингилар гарчи бахтли хаёт кечираётганларга караганда камроқ бахтли бўлсалар хам, бахтли хаёт кечирмаётган ва унга умиди хам йўкларга караганда бахтлидирлар.

* * *

Бошка ўгрининг ўгирликларига бемалол чидайдиган ўгри бормикан?

* * *

Буюрувчига караганда ўргатувчига кўпрок ишониш зарур.

* * *

Вакт хотира билан ўлчанади.

* * *

Вактнинг ўзи нима? Агар хеч ким сўрамаса, вактнинг нималигини биламан, агар уни тушунтириш сўралса — тушунтира олмайман.

* * *

Гапирувчининг хаёти унинг нутқига караганда хам кўпроқ ахамиятли.

* * *

Гунохни кечирмайдиганларни Тангри кечирмайди.

* * *

Донишмандликни эмас, унга бўлган мухаббатни фалсафа деийишади

* * *

Дунё вакт билан бирга яратилган.

* * *

Дўстлик конуни дўстингни ўзингдан кўп хам эмас, кам эмас, севишни талаб килади.

* * *

Ёмон киши ёмонликни бошкага эмас олдин ўзига килади.

* * *

Жимлик хеч кандай товушнинг йўклигини, яланғочлик — кийимнинг йўклигини, касалланиш — соғликнинг йўклигини ва коронғилик ёруғликнинг йўклигини билдирганидай, ёмонлик хам яхшиликнинг йўклигини билдиради ва у ўз-ўзидан мавжуд бўлмайди.

* * *

Идрок етишмаган ерда дин бошланади.

* * *

Излаган — янглишмайди.

* * *

Истагимиз доим эркин, аммо хамиша яхшиликка эмас.

* * *

Инсон томонидан яратилаётган мўъжизаларга қараганда хам инсоннинг ўзи буюк мўъжизадир.

* * *

Инсоннинг ўзи буюк сир, унинг хиссиётини, қалбининг харакатини англашга қараганда сочининг толаларини санаш осон.

* * *

Кишилар азобга канча ён босишса, шунча азоб чекадилар.

* * *

Кишининг бошига келадиган фикр ўзига боғлиқ эмас.

* * *

Кишининг яхши фойдаланишни истамай, ажралган нарсаси, унинг гунохи учун муносиб жазодир. Қўлидан келган пайтда тўғри иш килишни истамаган киши тўғри иш қилишни истаган пайтида бу имкониятдан махрум бўлади.

* * *

Мукаммаллик, киши ўзининг мукаммал эмаслигини билганидадир.

* * *

Нима учун қалб йўқотилган зарур нарсалар топилганида, уларнинг бор вактидагидан хам кўпрок кувонади?

* * *

Нодонлик (буни хатто нодонлар хам тасдиклашади) — бахтсизликдир.

* * *

Одат, агар унга каршилик кўрсатилмаса, тез орада заруриятга айланади.

* * *

Очкўзлик бу заруридан ортиқга эга бўлиш истагидир.

* * *

Умуман нотаниш нарсани хеч качон, хеч ким яхши кўрмайди.

* * *

Умумий заруриятдан шахсийга кўчган истак гунох қилади.

* * *

Яхшилик ёмонликсиз хам мавжуд бўлиши мумкин, лекин ёмонлик яхшиликсиз мавжуд бўла олмайди.

* * *

Ўз меъёрини билган хар ким хушбахтдир.

* * *

Ўзимизга кўпрок шодлик келтирадиган ишни бажаришимиз зарур.

* * *

Қалбга уни кувонтирадиган сабаб кувват беради.

* * *

Қараш — бу кўриш дегани эмас.

* * *

Ҳақиқат ва ёлғонни ажратиш жуда хам кийин, шу боис адашган кишига жахл қилиш ярамайди.

* * *

Ҳақиқатни яширишнинг ўзи бизни синовдан ўтказиш ёки ғуруримизни камситишдир.

Авраам Линкольн

(1809—1865 йилларда яшаган Америка сиёсий арбоби, АҚШ нинг 1861—1865 йиллардаги 16-президенти)

Агар сиз филнинг орка оёғидан ушлаб турган бўлсангиз ва у қўлингиздан чиқиб кетишга уринаётган бўлса, яхшиси — уни қўйиб юборинг.

* * *

Агар Тангри кишиларни ишламай фақат ейиш учун яратганида эди, уларга қўл бермай фақат оғиз берган бўларди, агар уларни фақат иш учун яратганида оғиз бермай фақат қўл берар эди, деб ўйлайман.

* * *

Биз кишиларга уларнинг ўзлари бажара оладиган ишини бажариб бериб ёрдам кила олмаймиз.

* * *

Биз ҳаммамиз хушомадга сезгирмиз.

* * *

Китоблар кишиларга уларда пайдо бўладиган фикрлар унчалик ҳам янгилик эмаслигини эслатиш учун зарурдир.

* * *

Кўпчилик кишилар ўзлари истаган даражагача бахтлилар.

* * *

Мени ҳаёт тажрибаларим шунга ишонтирдики, камчилиги йўқ кишиларнинг яхши томони жуда ҳам кам бўлади.

* * *

Мунофик менга, ота-онасини ўлдириб, ўзининг етимлиги сабабли суддан рахм килишларини сўрайдиган кишини эслатади.

* * *

Тангри бизнинг томонимизда эканлигига ишонамиз. Лекин бизнинг Тангри томонида эканлигимизни билиш яна ҳам муҳимрок.

* * *

Фирибгарлик ва хушомад — якин қариндош.

* * *

Характер дарахтга, обрў бўлса унинг соясига ўхшайди. Биз дарахт колиб, унинг сояси ташвишини кўпрок киламиз.

* * *

Яхшилик килаётган вактимда мен ўзимни яхши ҳис киламан, ёмонлик килаётган вактимда эса ёмон.

* * *

Кўй ва бўри «озодлик» сўзини ҳар хил тушунади, инсоният жамиятида ҳукм сураётган келишмовчиликларнинг асосий моҳияти ҳам шунда.

Аврелий

(Марк Антоний Аврелий, 121—180 йилларда яшаган Рим императори, файласуф)

Агар бирор нарса сизни асабийлаштирса, бунга ўша нарса эмас, балки ўша нарса тўғрисида сизнинг фикрлашингиз сабаб бўлади. Фикр-

20 3143
A 11310
nomidagi
O'zbekiston MK

лашни ўзгартиришга эса сизнинг кучингиз етади.

* * *

Агар сени бировнинг уятсизлиги ғазаблантирса, шу заҳоти ўзингга-ўзинг савол бер:

«Дунёда уятсиз кишиларнинг бўлмаслиги мумкинми?» Йўқ, мумкин эмас. Унда ўзингдан мумкин бўлмаганни талаб қилма.

* * *

Бахтли яшаш учун кўп нарса керак эмас, фақат ақлни чархлай билиш лозим.

* * *

Вайсақининг гапига кўшилишга шошилма.

* * *

Инсон кандай бўлиши кераклиги тўғрисида қанча гапириш мумкин? Аллакачон инсон бўлишимиз керак эди.

* * *

Инсонлар бир-бирига ёрдам бериш учун туғилишган. Худди бир кўл иккинчисига, оёк-оёққа, юкори жаг пасткисига ёрдам килганидай.

* * *

Куч билан эгаллаб олинмаганни ақл билан эгаллаш лозим.

* * *

Мақсад ва сабабсиз ҳеч нима қилма.

* * *

Нотўғри иш ҳар доим ҳам бирор-бир харакатга боғлиқ эмас, кўпинча у харакатланмасликка боғлиқ.

* * *

Сени хавотирга солаётган нарсаларга муносабатингни ўзгартир, шунда бехавотир яшайсан.

* * *

Яхши, пок ниятли ва самимий кишини кўзидан ҳам билса бўлади.

* * *

Якин келажакда сен хамма нарсани эсдан чиқарасан ва хамма ўз навбатида сени хам эсдан чиқаради.

* * *

Ўзинг учун ўч олишнинг энг яхши усули — сени хафа килган одамга ўхшамасликдир.

* * *

Ҳар бир ишни худди ҳаётингдаги энг охирги ишдай бажар.

Агата Кристи

(Кларисса Миллер, 1890—1976 йилларда яшаган инглиз ёзувчиси)

Аёллар бир-бири тўғрисида фикр юритсалар, жуда кам холлардагина янглишадилар

* * *

Аёллар кутишни билмайдилар, буни эсдан чиқарманг.

* * *

Аёллар ҳар юзтанинг тўксон тўккиз вазиятида ўзини овсаррок килиб кўрсата олишади, лекин юзинчи марта эркаклардан айёррок эканлиги билиниб колади.

* * *

Вакт — шундай ноаник нарсаки, бировга у жуда узок туюлса, бошкага тескариси.

* * *

Врачнинг буюк устунлиги шундан иборатки, у ўзининг маслахатига амал килишга мажбур эмас.

* * *

Жиноятга мойиллик тасаввурнинг етишмаслигидан бўлади.

* * *

Изланиб ҳақиқатнинг тагига етмоқ ҳеч қачон кеч эмас.

* * *

Кишиларнинг ўйлашларига халақит бериш мақсадида гапиришиш ихтиро қилинган.

* * *

Кишининг ҳар доим ҳақ бўла вериши ҳам зерикарли.

* * *

Сирни иккидан кўп киши билса, у сир эмас.

* * *

Фирибгар учун энг зарури — юқори обрў.

* * *

Эркак киши ўз аёлининг ўтмишига доимо катта эътибор беради.

* * *

Ўзингни бирор нимани биладигандай кўрсатиш уни билишдан ҳам қийин.

* * *

Ўлим марҳумларнинг фойдасига янглиш фикрларни яратади.

* * *

Ҳаёт қизиқ, икки киши бир нарсага қараб қарама-қарши нарсани кўришади.

* * *

Ҳар бир қотил кимнингдир яқин таниши бўлиши мумкин.

* * *

Ҳеч нима содиқликдек азобли эмас.

Аддисон

(Жозеф Аддисон, 1672—1719 йилларда яшаган инглиз ёзувчиси)

Агар кўп илм кишини ақлли қила олмаса, уни шуҳратпараст ва баландпарвоз қилишига ажабланмаса ҳам бўлади.

* * *

Аждодлар номи ва шарафи унга муносиб бўлганларга ярашади, уларга шак келтирадиганлардан эса жиркантиради.

* * *

Жимлик, гоҳида энг ифодали, энг қимматли нутқдан ҳам маъноли ва улуғроқ бўлади.

У кўп ҳолларда катта ақлдан дарак беради.

* * *

Жисмоний машқ тана учун қандай зарур бўлса, ўқиш ҳам ақл учун шундай муҳим.

* * *

Жисмоний машқлар ва ўзини тута билиш орқали кишиларнинг кўп қисми тиббиётга мурожаат қилмасликлари ҳам мумкин.

* * *

Илм бир кишини бошқа кишига нисбатан анча улуғлайди.

* * *

Икки томонда ҳам ўзини оқлаш учун сўз доим топилади.

* * *

Файласуфларимизнинг фикрича, инсон бошқа мавжудотлардан кула олиши билан фарқ қилади.

* * *

Шовқинсиз, иложи борича камтарона дўстлик фойдали бўлади. Шунинг учун мен ўзини қўлга ола биладиган дўстни жўшқин дўстдан якинроқ биламан.

* * *

Шодлик касаллик, қашшоқлик ва ғамни енгиллаштиради.

* * *

Яхши китоб — муаллифнинг инсониятга мерос қилиб қолдирадиган совғасидир.

* * *

Ўрганиш, саёҳат ва бошқа шунга ўхшаш илм олишга ёрдамлашувчи воситалар соғлом ақл эгаларини мукаммаллаштирса, ахмоқларни аввалгисидан ўн минг маротаба чидаб бўлмас даражага етказади, чунки ўша воситалар уларнинг нодонлигини турли хил омиллар билан таъминлайди ва уларга ўз номаъқулчилигини намойиш қилишга туртки бўлади.

* * *

Ҳақорат ким томонидан қилинаётганлиги билан эмас, кимга йўналтирилаётганлиги билан ўлчаниши кераклигини эсдан чиқармаслик зарур.

Аз-Замахшарий

(Абулқосим Маҳмуд ибн Умар ибн Аҳмад аз-Замахшарий 1075—1144 йилларда яшаб ижод қилган хоразмлик улуғ аллома)

Агар бирор қайғу-алам юз берган ёки таъзияли жойни эшитсанг, дархол у ерга бор, агар зиёфату меҳмондорчиликка чақирилсанг, унда ўзинг биласан.

* * *

Агар тилингни тиймасанг, жиловингни душманингга бериб қўясан.

* * *

Ахмоқ киши ҳикмат лаззатини билмайди, бамисоли тумов киши гулнинг ҳидини сезмаганидек.

* * *

Баъзи одамлар ўз якин қавм-қариндошларига хайру эзгулик кўрсатмай, якин (қариндошлиги) бўлмаганларга эҳсон қиладур туякуш ўз тухумларини ташлаб, бошқалар тухумларини босиб ётгани мисоли.

* * *

Баъзида икки ярамасдан Ҳасан мисоли гўзал бир ўғлон дунёга келади, чунончи, қон билан этнинг орасидан сут чиқади.

* * *

Бир лаҳза назар билан ишкал ишлар тўғри бўлур, бош бармоқ калта бўлишига қарамай бутун қўлни боғлаб туради.

* * *

Бошингизга мушкул иш ва ташвиш тушганда мунис бўлиб, одамларга меҳр-муҳаббатлирок бўласиз, аммо давлату неъматларга эришганингизда бағритошликка мойилроқ бўласиз.

* * *

Бу дунё ибратли ишлару панд-насиҳатларга тўладур, айни пайтда кўз ёшларига ҳам сероб.

* * *

Вақти соати ўтгандан сўнг ижро бўладиган ваъдадан хеч бир хайр бўлмас.

* * *

Виждон азобию таънадан тўғри бўлмаган одамни таълим-тарбия ва кийнаш хам тўғрилаши амримахол.

* * *

Виждонли киши хавфдан холи яшаса, хиёнат қилувчи киши бехаловат яшайди.

* * *

Ёлғончининг касами бор (ҳакикий) илмининг хам сохталигини оширади.

* * *

Ёлғончи ғудурлаганда сен хаммадан кўра хам кўп эшитгувчисан, хак гап сўйланса сен гўё эшитмагандай бўласан.

* * *

Зиммангда фарз бўлган нарсани қарз ва бурч ўрнида қўй. Бу хол қалбингу дилингга рохат бахш этиб, шону шарафинг ва обрўйингни сақлаш учун энг тўғри йўлдир.

* * *

Калтафахм ва бетавфик одамни фиску фасоддан кайтарувчи нарса йўқ. Унинг жиловини ўз холига қўйиб юбориш уни янада баттар қилади.

* * *

Кимки адовату хусуматни экса, албатта у ташвишу машаққат ўради.

* * *

Кимки бахт-иқболли, солих кишиларнинг этагига ёпишса, у ал батта муроду мақсадига эришиб, хайру барака топар.

* * *

Кимки денгиз тўлкинларини бошидан кечириб сафар қилмаса, турли-туман ташвишу машаққатларнинг сувидан ичмаса, у инсон рохату фароғатга муяссар бўла олмас.

* * *

Кимники химматию муруввати қанчалик кўп бўлса, шунга яраша одамлар унинг кайғусига шерик бўларлар.

* * *

Кўп вақтда зиёдалик, ортиқлик зиён келтиради. Масалан, бир қўлда олтита бармоқ бўлса бу ортиқлик бўлмай камчилик хисобланади.

* * *

Кўп ортиқча сўзлашув эшитувчини ранжитади.

* * *

Кўпинча вақтида ишлатилган хийлаю тадбиркорлик кучу қувватдан ғолиб келур.

* * *

Кўпинча тил билан етказилган жарохат қилич билан етказилган жарохатдан оғиррокдир.

* * *

Неъматию мурувватн доимий бўлган зотга итоату изм билдириш вожибдир.

* * *

Низо қилиш хақида сенга фатво берсалар-да, тажрибадан ўтиб синалган киши билан низо, бахс ва мунозара қилишдан сақлан.

* * *

Одамлар ичидаги энг ярамаси хасисидир, уларнинг ичидаги энг ялқови — пасткашидир.

* * *

Одамлар турли туман бўладилар, афсуски уларнинг аксарияти нопок дирлар.

* * *

От учун ҳар доим қамчи лозим дир. У гарчанд елиб-югурадиган тулпор бўлса ҳам

* * *

Риё бор ҳар қандай ишда равонлигу зиё йўқдир.

* * *

Савдогарнинг шухрати чўнта гида.

* * *

Сенга энг яхши маслаҳат: мута каббирлик билан юзингни тескари бурма ва шон-шухратинг билан фахрланма

* * *

Сотиб олган нарсангда алданиб, молиявий зиён-зарар кўрувинг, кел гусида кўрадиган зиёнларингдан анча енгилроқ ва осонроқдир.

* * *

Таомга ортиқ даражада ҳирс қўйишлик худбину пасткаш кишиларнинг ахлоқларидандир.

* * *

Тилию дили тўғри ва ҳақгўй бўлган одамнинг хатою нуксони кам бўлур.

* * *

Тилингдан чиққан садақа (яъни панду насиҳатинг ва мавъизаю ҳасананг) баъзан қўлингдан (молдунёнгдан) чиққан садакангдан кўра хайрлироқдир.

* * *

Тоғнинг энг тепасига чиққан киши ундан йиқилувдан ғоят кўп огоҳ бўлмоғи лозим.

* * *

Урушқоқ ва жанжалкаш киши хафалик билан шодлик орасида яшайди.

* * *

Фиску фасод қилувчилар ва фожирлар кўпайса, Аллоҳ таоло вабо юборади.

* * *

Хайр саховат ва фазилат соҳибининг фарзанди ҳурмат ва шону шарафга сазовор ва муносибдир, чунончи дур садафга қараганда юқори даражададир.

* * *

Хасталик ва мухтожлик — булар иккаласи шундай бир балоки, хатто хутбон ичимлигидан кўра ҳам аччиқдир.

* * *

Хатолар қилишда оворалардир,
Хато — алар тушган аробалардир.

* * *

Чайқовчи — овчи ити.

* * *

Эй бўтам, тилингни ёмон сўзлардан сакла!

* * *

Яхшилик билан инсон камоли,
Ани қилургача йўқтир мажоли.

* * *

Ўз ваъдасида турмаганда турли-туман важ-карсонлар кўрсатувчи

кимса хеч качон мард ва химматли инсон бўлолмайди.

* * *

Ўзингга зарур бўлган хар кандай керак нарсани сотиб ол — бу эркак кишининг мурувватини, кудратини, эрлигини кўрсатади. Чунки ўша нарсани бировдан сўрасанг, у сен сўраганни эмас, бошкачароғини беради (инсоннинг табиати шундай), сотиб олганингда эса ўзингга керагини танлаб оласан.

* * *

Куёш нурларини беркитиб бўлмаганидек, хакикатнинг чироғини хам сўндириб бўлмас.

* * *

Кўркувга мубтало бўлган киши фақат кочишдан нажот излайди.

* * *

Халол-покиза киши доимо хотиржаму тинчликдадир, бировга хиёнату ёмонлик киладиган киши эса халокатга гирифтордир.

* * *

Хар бир вазир кайчи мисолидир (агар кайчининг бир таянч томони бўлмаса, иккинчи томони хеч нарсага кодир бўлмайди), чунончи Мусо пайғамбар вазири Хорун билан мукаммал бўлган.

* * *

Хар бир тирик кимса вакти келиб вафот этади, бас шундай экан энг яхши савоб ва солих ишларни килиш ўлаётган киши учун ўта савобдир.

* * *

Хакикат ва адолат билан тўғри сиёсат юргизмаган хар бир рахбар ва бошлик каттик азоб-укубат ва балога гирифтор бўлур.

* * *

Хунарманду косиблар кўпдир, бирок мохиру кобилиятлилари оздир (яъни, уста кўпу устаси оздир).

Аксель Оксеншерна

(Граф Сёдермере, 1583—1654 йилларда яшаган швед давлат арбоби, Швециянинг 1612—1654 йиллардаги канцлери)

Бахт ва бахтсизликнинг ўлчами — кишининг улар тўғрисида кандай тушунчага эга эканлигига боғлиқ.

* * *

Бизга нисбатан бефарклиги ва нафрати билан дўстдан хам шарафлирок кишилар бўлади.

* * *

Бойликни хамма истайди, лекин ундан фойдаланишни хамма хам билмайди.

* * *

Ваъдани бажарилмаслигининг энг аник белгиси, бу унинг жуда хам енгил берилишидадир.

* * *

Виждонингиз билан ярашиш мумкин, лекин мустахкам тинчлик ўрнатиб бўлмайди.

* * *

Дўстларимиз учун шунча кўп бажарган ишимизни, хатто ўзимизга хам килмаймиз.

* * *

Ёктириш дўстликни туғдиради, илтифотлилик унга кувват беради, бетакаллуфлик эса ўлдиради.

* * *

Кишилар тақдирни ўз нодонликларини унинг эиммасига юклаш учун қудратли маъбуда қилишди.

* * *

Машҳурлик хар доим хам ўзимизга боғлик эмас, у ўзгаларнинг биз тўғримизда яхши ёки ёмон фикрларга келишига боғлик.

* * *

Рад қилиш эмас, кандай тарзда рад қилинганлиги бизни кўпроқ ранжитади.

* * *

Ростгўйликнинг хам ўз чегараси бор, ундан кейин у мулоҳазасизликка айланади.

* * *

Тарихда қолиш учун хаётни хавфга қолдириш — бу бир том чи сиёҳ учун жон билан ҳисоблашишдир.

* * *

Ташқи кўриниш бугун шундай шахсларни хам яхши кўришга ундайдики, кейинги куниёқ уларнинг ҳақиқий башараси бизни жиркантиради.

* * *

Эллик ёшда хаёт бизни чарчата бошлайди, олтмиш ёшда хаёт биздан чарчай бошлайди.

* * *

Ўзига бино қўйиш — дидсизликнинг аниқ белгисидир.

* * *

Қиморбоз — бу камалмаслигини аниқ биладиган ўғри.

Ален

(Ҳақиқий исми Эмиль Шартье, 1868—1951 йилларда яшаган француз мутафаккири)

Аёллар зебу зийнати, эркаклар шухратпарастлигини намойиш қилади.

* * *

Ажабланарли парадокс: кишилар ўз пулидан ажралишга қараганда, ўз хаётидан ажралишни маъқул кўришади.

* * *

Бахт хотиржамликнинг меваси эмас, унинг ўзи хотиржамлик.

* * *

Биз фақат кечириб бўлмайдиган хатоликлардангина ўрганамиз.

* * *

Врачларнинг ишонмасликлари сабабли баъзи касалликларнинг йўқолганлигини тан олиш зарур.

* * *

Дунёни манфаатлар эмас, эҳтиросларр бошқаради.

* * *

Ёвуз кишиларнинг кучи шундаки, улар ўзларини яхшиман деб ҳисоблашади.

* * *

Ихтиролар тарихининг энг асосий қонуни: ихтиролар тўғрисидаги фикр иш жараёнида келади.

* * *

Кўпинча яшаш учун ўлишга қараганда ҳам кўпроқ мардлик керак бўлади.

* * *

Нодон беҳосдан ҳақиқатни гапириб қолса, барибир янглишади.

* * *

Очиқчасига ёлғон ҳақоратли бўлади.

* * *

Сиёсатдаги шуҳрат — ноҳаклик учун мукофот.

* * *

Хасис киши жамиятга фойда келтиради, чунки у мол тўплаб ундан фойдаланмайди. Эртами, кечми хасиснинг тўплагани жамиятга қайтади.

* * *

Ўзингни қул деб ҳисоблашнинг ўзи қул бўлиш учун етарли.

* * *

Ҳалол кишилар жамиятини ташкил қилсанг, унга барча ўғрилар аъзо бўлишади.

* * *

Ҳар қандай очиқчалик, алдовдир.

* * *

Ҳеч қачон тақлид қилмаган киши, ҳеч нимани ихтиро қилмайди.

Александр Дюма — ота

(1803—1870 йилларда яшаган француз ёзувчиси)

Агар уларнинг даврасида мен бўлмаганимда ўлардай зерикардим.

* * *

Бажара олишингга ишончинг комил бўлганни бажариш осонроқ бўлади.

* * *

Бир киши ҳамма учун, ҳамма — бир киши учун.

* * *

Бутун инсониятнинг донишмандлигини икки сўз билан ифодаласа бўлади: кутиш ва умид қилиш.

* * *

Ёлғизликдаги бахт тўлиқ бахт эмас.

* * *

Ёшлик — ёши ўтганлар учун катта камчилик.

* * *

Зиқналик юракни тош қилиб қўяди.

* * *

Кексайган сайин ёшлигинг тўғрисида кўпроқ ўйлайсан.

* * *

Табибларнинг энг яхшиси умиддир.

* * *

Ўзингни ўзинг хурмат қилади гандай тут, шунда бошқалар сени ҳурмат қилади.

* * *

Қанчалик яхши гапирсанг ҳам, агарда кўп гапирадиган бўлсанг бир кунмас-бир кун нодон гапирувчан бўласан.

* * *

Қасос олган киши баъзида қилган иши учун афсусланади, кечирган киши эса бунинг учун ҳеч қачон афсусланмайди.

* * *

Қизикконлик — ожизлик белгиси.

* * *

Хеч қачон ажралиб туриш керак эмас. Жиннилар орасида яшаган тақдирингда ҳам, телба бўлишни ўрганишинг зарур.

* * *

Хеч қачон хеч нима тўғрисида сўрамайдиган кишилар энг яхши юпатувчи хисобланишади.

Александр Дюма — ўғил

(1824—1895 йилларда яшаган француз ёзувчиси)

Агар нодонлик уларга йўл очмаса, ғийбат ва тухмат бунчалик куч олмаган бўлар эди.

* * *

Алдаётганингни билганингда гапирмаслик хеч қачон кеч бўлмайди.

* * *

Биз ўзгалар бахтини кўтарадиган даражада кучли эмасмиз.

* * *

Бўш коп тик турмаганидай, камбағаллик ҳам ғурурни пасайтиради.

* * *

Донишманд учун чегара борлиги, нодон учун йўқлиги тўғрисидаги фикр баъзан мени ташвишлантиради.

* * *

Кишидаги энг буюк ва энг беназир хислат — раҳм қилиш ва кечира олиш қобилиятидир.

* * *

Никохнинг мақсади шундай оғирки, уни икковлашиб тортишга тўғри келади.

* * *

Ўз бурчини бажариш баъзан жуда азобли бўлади, бажармаслик эса ундан ҳам азобли.

* * *

Ўқиладиган асарнинг бугуни бор. Қайта ўқиладиган асарнинг келажаги бор.

* * *

Қалб жуда ҳам осон узилади ган ва жуда ҳам осон ямаладигаг матодан тўқилган.

* * *

Қарилик яқинлашаётганлиги эмас, ёшлик узоқлашаётганлиги қайғули.

* * *

Хеч бир иш қилмаётган пайтдагина кутишнинг имконияти бўлмайди.

Альбер Камю

(1913—1960 йилларда яшаб ижод қилган француз ёзувчиси ва файласуфи)

Алдай олмайдиган кишигина озоддир.

* * *

Аклнинг бирламчи вазифаси ҳақиқат ва ёлғонни ажратиб билишдадир.

* * *

Баъзи кишилар билан ҳақиқат асосида муносабат ўрнатамиз, баъ-

зилар билан эса ёлғон, кейингилари билан ўрнатган муносабатларимиз ҳам ожиз бўлмайди.

* * *

Биз, Тангрига фақат иложи йўқ нарсаларга эришиш учун илтижо қиламиз.

* * *

Киши ўз истагини енга олмагунча, ҳеч нимани енга олмайди.

* * *

Кишининг ғаразли ниятини билганингдан кейин у билан яшаб бўлмайди.

* * *

Инсон қалби фақат ўзини каттиқ қайғуртирадиганнигина тақдир деб ҳисоблайдиган аламли мойилликка эга.

* * *

Иштиёқ билан иштиёқни енга олганларгина яшай олишади.

* * *

Мактаб бизни дунёда мавжуд бўлмаган ҳаётда яшашга тайёрлайди.

* * *

Мен билишни истайман, чунки мен билганим учунгина тирикман

* * *

Нимага мен файласуф эмас ёзувчиман? Чунки мен сўзлар билан фикрлайман, ғоялар билан эмас.

* * *

Ноҳақлик билан ё курашишади, ё ҳамкорлик қилишади.

* * *

Тарих олдидаги жавобгарлик инсонлар олдидаги жавобгарликдан озод қилади. Унинг қулай томони ҳам шунда.

* * *

Фикри оламни ўзгартириши учун ижодкор, аввало, ўзининг ҳаётини ўзгартирмоғи лозим.

* * *

Энг хавфли хавас: ҳеч кимга ўхшамаслик.

* * *

Ҳар бир авлодга ўзини дунёни ўзгартириш учун келган деб ҳисоблаш хосдир.

Альберт Эйнштейн

(1879 – 1955 йилларда яшаган немис физик олими)

Агар a — ҳаётдаги муваффақият бўлса, унда унинг формуласи $a=x+y+z$ бўлади, бу ерда: x — ишла, y — ўйна, z — тилингни тий.

* * *

Агар муаммони пайдо қиладиганлардай ўйласанг, сен уни ҳеч қачон еча олмайсан.

* * *

Агар эҳтимоллар назарияси тасдиқланса, немислар мени немис деб, французлар эса дунё фуқароси деб айтишади, агар менинг назариямни инкор қилишса, французлар мени немис деб, немислар эса — яҳудий деб эълон қилишади.

* * *

Атомнинг кудрати маълум бўлганидан кейин, у бизнинг фикрлашимиздан ташқари ҳамма нарсани ўзгартирди... Агар инсоният омон колишни истаса, унга бутунлай янгича фикрлаш тизими зарур бўлади.

* * *

Атроф-мухит — бу мендан ташқари ҳамма нарса.

* * *

Барча фанлар мукаммаллашган кундалик фикрлардан бошқа нарса эмас.

* * *

Биз миямиз имкониятининг 10 фоизидангина фойдаланамиз.

* * *

Билишни ҳамма нодон ҳам эплаши мумкин. Энг асосийси тушунишда.

* * *

Дунёдаги ҳамма нарса йўколиб кетса ҳам коинот ва вакт колади.

* * *

Илм — бу бизга ўргатилганларнинг хаммаси эсдан чиққанидан кейин хотирамизда колгани.

* * *

Илмдаги барча ғоялар ҳакикат ва уни тушунишга интилиш ўртасидаги зиддият натижасида пайдо бўлган.

* * *

Кишиларни ўргатишнинг энг маъкул усули — уларга ўрнак бўлиш.

* * *

Кўриш ва тушуниш кувончи табиатнинг буюк инъоми хисобланади.

* * *

Мантик илми сизни А дан Б га олиб боради. Тасаввур эса сизни қаерга десангиз ҳам олиб бораверади.

* * *

Мен келажак учун ҳеч хавотирланмайман — у жуда ҳам тез келади.

* * *

Мактабнинг вазифаси мутахассисни эмас хар тарафлама етук шахсни тарбиялаш бўлиши лозим.

* * *

Мен келдим, мен фикр юритдим ва мен ғайратга тўлдим.

* * *

Мен учинчи жахон урушида кандай курол ишлатишларини билмайман-у, тўртинчи жахон урушида таёк ва тошлар ишлатишади.

* * *

Мен ўлимга эски карздай карашга ўрганганман, эртами ёки кечми барибир у билан хисоблашасан.

* * *

Назария кандай натижаларни кўришингизни аниклайди.

* * *

Нодонлик — бир хил нарсани килиб, хар сафар ундан бошкача натижани кутишдан иборат.

* * *

Оч корин сиёсатда яхши маслахатчи бўлмайди.

* * *

Подадаги энг намунали қўй бўлиш учун, энг аввало, қўй бўлиш лозим.

* * *

Соғлом фикрга карши борилмаса, хеч нимага эришиб бўлмайди.

* * *

Тасаввур билимдан мухимрок.

* * *

Тинчликни куч билан сақлаб бўлмайди. Унга фақат тушуниш оркали эришиш мумкин.

* * *

Фақат коинот ва кишиларнинг нодонлиги чексиздир, шунда хам биринчисининг эхтимолига менда шубҳалар бор.

* * *

Энг мухими савол беришдан тўхтамаслик. Қизикувчанлик кишига бежиз берилган эмас.

* * *

Эхтимоллар назарияси билан математиклар шуғуллана бошлаганидан бери унга менинг ўзим хам тушунолмай колдим.

* * *

Яхши имконият кийинчилик ва муаммолар орасида яширинган бўлади.

* * *

Яхши фикр ва ишларга йўнал тирадиган ягона йўл — бу буюк ва ахлокли шахслардан ўрнак олиш.

* * *

Ўз мехнатининг натижасини дархол кўришни истаган киши этикдўз бўлиб ишлаши лозим.

* * *

Қўркув ва нодонлик доимо ки шилар камчиликларининг сабаби бўлган.

* * *

Хамма нарса имкони борича содда ифодаланиши зарур, лекин ундан хам содда эмас.

* * *

Кўпчилик ёшлигидан фалон-фалон нарсаларнинг бўлиши мумкин эмаслигини билишади. Лекин хар доим буни билмайдиган бесаводлар хам топилади. Ана ўшалар кашфиётлар яратишади.

* * *

Хар бир киши хеч бўлмаганида дунёдан олганига тенг микдорда унга кайтариши лозим.

Ал-Хоразмий

(Абу Жаъфар (Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, 783—850 йилларда яшаган буюк математик, қомусий олим)

Инсон эхсони билан, эхсон султони билан, султон замони билан, замон имкони билан, имкон эса маконини белгилаб бериши билан.

* * *

Истеъдод эгаси чалғиб, мансабга, давлатга интилса, устунга чирмашаётган илонга ўхшаб колади.

Билмайдики, тепадаги кўвачада сут аллақачон куриб битган, унда ўзидан аввал тирмашганларнинг аламли захри тўла! Бундан у изтироб чекади, тўлғанади... Кўвача чайқалиб пастдагиларнинг бошига бот-бот заҳар тўкилади.

* * *

Разолат тўнғизга ўхшайди: туғса кетма-кет, эгиз-эгиз туғаверади. Эзгулик — минг минглик сурувда камёб туғиладиган антика терили кўзичоқ.

* * *

Рақамни чексиз кўпайтира ва камайтира оладиган тўрт амални туздим. Бунда имкон кенг. Лекин бу амални фақатгина оловга хизмат қилдирилса, олам ёниб кетади! Фақат сувга хизмат эттирилса, дунёни сув босади!

Уни борлиқ замирида ётган тўрт унсурга тенг тобе этмак керак!

* * *

Саховатли киши буғдой сотиб олмайди, яхшиликни харид қилади.

* * *

Сўз — гул, иш — мева.

* * *

Эъзозламоқ имкони борида салтанатни ёш меросхўрга топширмай, салласига чувалиб, йиқилиб тушгунча тахтга ёпишиб оладиган шоҳлар замонида одамларда зътикод ва истак ўти сусаяди, ёшларнинг ахлоқи бузилади.

* * *

Ҳамма бир таом истеъмол қиладиган даврада кучли ихтилофлар зоҳир бўлмас дейман.

Аммо барчага бир хил сўзларни мажбуран такрорлатиб қўйилган анжуманлардан окибат ва гаплар чиқишига ақлим бовар қилмайди.

* * *

Ҳикмат дарахти! Ундаги меваларни кўролмайдиган кишилар ғаразли ва зиёнкор бўладилар. Улар қўлларида бесўнақай ҳода билан кечаси ўрик қоқишга чиққан кимсага ўхшайдилар.

* * *

Ҳисоблашнинг оддий ва мураккаб масалаларини ечиш учун «Алкитоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр ва ал-муқобала» китобини яратдим, чунки бу одамлар учун зарурдир.

Амброз Бирс

(1842—1913 йилларда яшаб ижод қилган Америка ёзувчиси)

Агар сизни замондошларингиз буюк деб тан олишларини истасангиз, уларнинг буюклигидан салгина баландроқ бўлишга харакат қилинг.

* * *

Баҳо — таннарх ва баҳо белгиланаётгандаги инсофсизликка монанд бериладиган мукофот йиғиндиси.

* * *

Никоҳ — хўжайин, бека ёки иккита қул, жами икки кишидан иборат уюшма.

* * *

Беладонна: итальянча — гўзал аёл, инглизча — ўлдирадиган за-

ҳар дегани. Икки тилнинг чукур ўхшашлигининг ажойиб мисоли

* * *

Бемаъни — бу тўғрисида бизнинг ўйлашимизга очиқчасига қарама-қарши бўлган фикр.

* * *

Дўстлик — яхши об-ҳавода икки кишини, ёмон об-ҳавода бир кишини кўтарадиган кема.

* * *

Жаррох — олдиндан кўлини ювадиган киши.

* * *

Ибодат — бу дунё қонунларини бекор қилиш тўғрисида илтижо қилувчининг, ўзининг нолойиқлигини тан олган кишининг илтимоси.

* * *

Илм — билими етарли эмаслигини оқилга кўрсатадиган, нодондан эса яширадиган восита

* * *

Имконият — кўнгил колишини пайдо қиладиган кулай вокса.

* * *

Кечирим сўраш — кейинги айбларга пойдевор кўйиш.

* * *

Кишининг кимлигини унинг кимлар билан улфат бўлганлиги кўрсатади.

* * *

Корпорация — шахсий жавобгарлиги бўлмай, шахсий фойда олиш мақсадида яратилган айёрона ихтиро.

* * *

Кундалик — киши эслаганида кизармайдиган ҳар кунги фикр ва ишларини ёзиб бориш.

* * *

Кўролмаслик — одатда нимаси биландир сизга нисбатан устун бўлган кишига карши хиссиёт.

* * *

Мажбурлаш — кучнинг устунлиги.

* * *

Маслахатлашиш — кабул қилинган қарорга хайрихох иэлаш.

* * *

Мифология — кейин ўйлаб чиқарилган ишончли манбалардан фаркли ўларок, халқнинг эътиқоди, унинг пайдо бўлиши, тарихи, қахрамонлари ва худолари тўғрисидаги тўплам.

* * *

Мия — биз ўйлаймиз, деб ўйлайдиган органимиз.

* * *

Муваффакият — жасоратнинг ўлими ва тўйинишнинг туғилиши.

* * *

Мунозара — мухолиф томонни янглишишини мустахкамлаш.

* * *

Мутахассис — баъзи бир масалаларда тўлиқ, бошка масалаларда хеч нарса билмайдиган шахс.

* * *

Нафрат — оқил кишининг очиқ часига каршилик кўрсатиш хавфли бўлган душманига нисбатан бўлган хиссиёти.

* * *

Орка — ишингиз чаппасига кетганида, дўстингиз танасининг кўришингиз мумкин бўлган бир қисми.

* * *

Сиёсат — алоҳида бир шахснинг фойдаси учун жамият ишларини бошқариш.

* * *

Таниш — қарз олаётган пайтимизда етарли даражада биладиган, қарз бераётганимизда етарли даражада билмайдиган кишимиз.

* * *

Тасалли — сизга қараганда ҳам муносиброқ бўлган кишининг омади сизникидан камлигини ҳис қилиш.

* * *

Телефон — сизга ёқмайдиган кимсаларни эшитмаслик имкониятидан махрум қилган шайтон қурилмаси.

* * *

Ультиматум — муросага келишдан олдин дипломатлар томонидан қўйиладиган охирги талаб.

* * *

Уруш — тил билан ечиб бўлмаган сиёсий тугунни тиш билан ечиш усули.

* * *

Хушмуомалалик — тилёғламаликнинг энг маъқул тури.

* * *

Цитата — бировларнинг сўзини нотўғри талқин қилиш.

* * *

Шижоат — биз маъқуллайдиган мақсадга етишишга интилиш.

* * *

Қайсарлик — биз маъқулламайдиган мақсадга етишишга интилиш.

* * *

Қойил қолиш — баъзи нарсаларни бизникига ўхшашини тан олишнинг бир шакли.

* * *

Қўрқоқ — хавфли дақиқаларда оёғи билан ўйлайдиган киши.

Амир Темур

(Амир Темур ибн Амир Тарағой ибн Амир Барқул, 1336—1405 йилларда яшаган йирик давлат арбоби, кучли, марказлашган давлат асосчиси)

Агарда вазир золим бўлса, кўп вакт ўтмай салтанат уйи кулайди.

* * *

Адоват эмас адолат енгади.

* * *

Бир калима ширин сўз килични кинга киритар.

* * *

Давлат ишларининг тўккиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, колган бир улуши эса килич билан бажо келтирилур.

* * *

Душмандан кўркма, мунофиқдан кўрк.

* * *

Куч — адолатдадир.

* * *

Подшоҳ ишларини тамоман бошқага топшириб, эркни унга бериб

қўймасинким, дунё хиёнатчи хотин сингари, унинг хуштори кўпдир. Агар шундай қилар экан, ўзганинг нафси тез орада подшох бўлишни тилаб, салтанат тахтини ўзи эгаллашга киришади.

* * *

Подшох хар ишда ўзи хукм чиқарсин, токи хеч ким унинг хукмига аралашиб, ўзгартира олмасин.

* * *

Подшох хар ишда карорида қатъий бўлсин, яъни хар қандай ишни қилишга қасд қилар экан, то битирмагунича ундан қўл тортмасин.

* * *

Подшох хукми жорий этилиши даркор. Бирон кимса гарчи хукмни зарарли деб билган бўлса хам, унга монелик қилолмасин.

* * *

Сўзлагувчи гар нодон эрур, тинглагувчи доно ўлсин.

* * *

Юз минг отлиқ аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин.

* * *

Яхшини — ёмон кунда сина.

* * *

Кўркмасанг — ёв қочар.

Амьель

(Анри Фредерик Амьель, 1821—1881 йилларда яшаган Швейцария ёзувчиси, файласуфи ва танқидчиси)

Виждоннинг йўқолаётганини инсониятга берилаётган зарарни билиб унга қарши чиқмасликдан билса бўлади.

* * *

Ишонч — бу исботсиз аниқлик.

* * *

Кексая билиш — донишмандлик чўққиси ва буюк хаёт санъатининг энг кийин томонидир.

* * *

Киши ўзидан норози бўлган пайтда, ўзгалардан кўпроқ норози бўлади.

* * *

Мехрибон бўлиш етарли эмас, эътиборли хам бўлиш зарур.

* * *

Минг қадам олдинга, тўққиз юз тўқсон саккиз қадам орқага — тараққиёт дегани шу.

* * *

Дақиқалар узун, йиллар эса тез.

* * *

Оилани халос қилувчиси хам, халок қилувчиси хам аёл.

* * *

Тақдир бизни икки томони билан лол қолдиради: бизнинг истакларимизни бажармай ва уларни бажариб.

* * *

Янглишиш таркибидаги ҳақиқат канча кўп бўлса, у шунча хатарли бўлади.

* * *

Ўзингизни жиннихонада деб тасаввур қилиш учун ракс тушилаётган хонада қулоқларингизни зич қилиб бекитсангиз бас.

* * *

Ўзини соғлом деб ҳисоблайдиган касални даволаб бўлмайди.

* * *

Ўзининг ички ҳаёти билан яшамаётган киши — ўз атрофдагиларининг қули.

* * *

Ўн билимдон бир талантча, ўн талант эса бир дахочалик бўлолмайди.

* * *

Ҳар бир манзара — бу қалбнинг ҳолати.

* * *

Ҳаёт тартиби учун одатланиш қоидалардан муҳимроқдир, чунки одат бизнинг қонимизга сингиб кетган. Ҳаёт — одатлардан тўқилган газламадан бошқа нарса эмас.

Анатоль Франс

(Анатоль Франсуа Тибо, 1844—1924 йилларда яшаб ижод қилган француз ёзувчиси)

Агар бутун оламнинг ҳамма сирларини билганимизда, шу заҳоти бедаво зерикишга мубтало бўлар эдик.

* * *

Аёл — эркакнинг буюк тарбиячисидир.

* * *

Доно фикрлаб ахмоқона иш қилиш инсонга хос.

* * *

Дунёни тушунишга қараганда яратиш осон.

* * *

Ёмон тушунгандан оз тушунган афзал.

* * *

Зарур бўлмаган пайтда алдамайдиган аёлнигина биз самимий деймиз.

* * *

Илм ҳақдир, лекин кўпинча олимлар янглишишади.

* * *

Илмни ҳазм қилиш учун, уни иштаҳа билан ютмоқ зарур.

* * *

Ишни ютқазилган деб ҳисоблаганингдагина, у тамомила ютқазилади.

* * *

Иштиёкни ёмонламаслик керак. Бу дунёда қилинадиган барча буюк ишлар у сабабли бунёд қилинади.

* * *

Кексаларнинг зиқна бўлишига оқилона асос бор. Улар бирор нимани қўлга киритишга умид қилишмаганидан ҳар қандай йўқотишдан қўрқишади.

* * *

Келажак, ҳатто уни яратувчилардан ҳам яширингандир.

* * *

Киши, то бунга ўзи ишонч ҳосил қилмагунча алданмайди.

* * *

Киши шундай тузилганки, у бошқа ишга қўл урганидагина олдинги ишидан дам олади.

* * *

Кишилар одатда жуда эҳтиётсизлик билан тилак тилайдилар ва

уларнинг орзулари амалга ошса, ўзларини жуда ҳам бахтсиз ҳис қилишади.

* * *

Кишиларни ўйлашга мажбурланг ва улар бу айбингизни кечирмайдилар.

* * *

Ёмон муносабатда бўлганда кишининг характери нозик жойидан букилади.

* * *

Кишининг фазилатлари унинг ҳаётига ҳар доим ҳам мутаносиб бўлавермайди.

* * *

Кўп нарсани тушунмагандан оз нарсани тушунган афзал.

* * *

Мантиқий далиллар ҳали ҳеч кимни ишонтирмади.

* * *

Саёҳат ҳар нарсадан ҳам кўп сабоқ беради. Баъзан ўзга ерда бир кун бўлиш ўз уйингда ўн йил яшагандан ҳам кўпроқ нарсага ўргатади.

* * *

Табиатда принцип йўқ. Яхши билан ёмонни фарқламайди.

* * *

Тасаввур ҳиссиётли кишини рассомга, мард кишини қаҳрамонга айлантиради.

* * *

Уруш — бу жиноят, уни ғалаба билан оқлаб бўлмайди.

* * *

Янглишиш ва хато ҳаёт учун худди нон ва сувдек зарур.

* * *

Ярашишларнинг ҳаммасига чарчаш сабаб бўлади.

* * *

Фақат тушуниш қийин бўлмаган нарсагина гўзал бўлишига мен яшаган сайин ишончим ортаётир.

* * *

Ўзгартиришга кучинг етмайдиган бўлса, тан бериб яшаш зарур.

* * *

Ўзини аямайдиганлардан эҳтиёт бўлинг, улар билмасдан сизга ҳам шикаст етказишлари мумкин.

* * *

Қалб ақлни кенгайтириши мумкин, лекин ақл қалбни кенгайтира олмайди.

* * *

Қалбимиздан жой берган нарсаларни енгилтаклик билан юлиб ташламаслигимиз керак.

* * *

Қизиқувчанлик — олимлар ва шоирларни яратади.

* * *

Қонунлар адолатли бўлганида кишилар ҳам одил бўлишади.

* * *

Ҳаёт қиска, лекин киши унда ўз иши билан қайта яшайди.

* * *

Ҳар нарсада меъёрни билиш зарур, ҳатто камтарликда ҳам.

* * *

Ҳеч нимага ишонмаслик — бу ҳамма нарсага ишонувчанлик билан бир.

Андре Моруа

(Эмиль Саломон Вильгельм Эрзог, 1885—1967 йилларда яшаб ижод қилган француз ёзувчиси)

Агар биров дабдурустдан нима ўйлаётганини очиқ айта бошласа, унга ишонишмайди. Тўғри қилишади. Қандай киши ўз ўйлаганини очиқ айтади.

* * *

Бахсда канча ютилса, дўстлар шунча камаяди.

* * *

Бахсдаги энг қийин иш, ўз нуқтаи назарингни ҳимоялаш эмас, унинг тўғрисида аниқроқ тасаввурга эга бўлиш.

* * *

Бошқариш — имтиёз эмас, бу бурч ва шараф.

* * *

Ёлғон муғамбирликка қараганда ҳам кўпроқ эътиборсизликдан келиб чиқади.

* * *

Жуда ҳам кўп такрорланавергани-дан, тўғри фикр ҳам ўз кучини йўқотади.

* * *

Зарур бўлмаган ерда гапга чечанлик — нодонликдир.

* * *

Кам биладиган кишилар кўп бахслашишади.

* * *

Кишига эришганларига муносиб баҳо бериш кобилияти берилган эмас.

* * *

Нодон ёки бахтсиз кишилар деярли доим жоҳил бўлишади.

* * *

Ота-онага қараганда ҳам ўртоқлар яхши тарбиялашади, чунки уларга раҳмдиллик хос эмас.

* * *

Характерга ташқи кўринишдай муносабатда бўлиш зарур.

* * *

Шижоат ўлган куни қарилик бошланади.

* * *

Ўзингиз тўғрингизда ёмон гапирманг бошқалар сўзингизга ишонишлари мумкин.

* * *

Ўлим ҳаётни тақдирга айлантиради.

* * *

Кўполлик — нодонлар донолиги.

* * *

Ҳаёт қисқа, бу тушунарли, лекин нимага нисбатан?

Антисфен

(Милоддан аввалги тахм. 450—360 йилларда яшаган юнон файласуфи)

Босиқлик, ўзига тош отилаётган кишига қараганда ҳам, ўзи тўғрисида нобоп гаплар эшитаётган кишига кўпроқ зарур.

* * *

Бошкалардан қўркувчи киши қулдир, гарчи буни ўзи сезмаса ҳам.

* * *

Донишмандлар ўз душманидан ҳам кўп нарсани ўрганишади.

* * *

Жуда кўп нодонлар сафида туриб оз яхшиларга қарши жанг қилишдан, оз яхшилар сафида туриб кўп нодонларга қарши жанг қилиш афзал.

* * *

Занг темирни емирганидай, ҳасадчини унинг ҳулқи емиради.

* * *

Кексаларнинг хатосига кўп танбеҳ берма: қари дарахтни кўчириб ўтказиш бефойда.

* * *

Нимани ўрганиш керак эмаслигини ўрганиш учун ҳам ўрганиш зарур.

* * *

Нодонга қилич, обрўсизга ҳукмронликни бериш бирдай хавфли.

* * *

Одил кишини тукканингдан ҳам юқори баҳола.

* * *

Фалсафа ўзинг билан ёлғиз қолишга ўргатади.

* * *

Халос бўлишни истаганларга чин дўст ёки ашаддий душман ёрдам қилади: биринчилар янглишганга маслаҳат бериб тўғри йўлга солса, иккинчилари ҳақоратли сўзлар билан янглишишдан жиркантиради.

* * *

Эзгуликнинг кўп гапга эҳтиёжи йўқ, унга ёвузликнинг эҳтиёжи бор

* * *

Энг зарур илм — зарур эмасларни эсдан чиқариш илмидир.

* * *

Яхши ва ёмон кишиларнинг фарқига бормаган жамият барбод бўлади.

* * *

Яхши иш қилиб, ёмон гап эшитиш — шоҳлар қисмати.

* * *

Қийинчилик итга ўхшайди, у фақат ўрганмаганларни тишлайди.

* * *

Ҳамма учун суюкли бўлиш доим ҳам бизнинг истагимизга боғлиқ эмас, лекин жирканч бўлиш доим бизга боғликдир.

Аристотель

(Милоддан аввалги 384—322 йилларда яшаган юнон файласуфи, қомусий олим)

Агар киши ҳеч нарсадан қўркмаса, у эҳтимол қутурганрок ёки тентакдир.

* * *

Адашиш турлича бўлиши мумкин, лекин тўғри иш фақат бир йўл билан бажарилади, шунинг учун биринчиси осон, иккинчиси

қийин: мўлжални ола билмаслик осон, мўлжалга тегизиш эса кийин бўлади.

* * *

Аёл бошкараётган кишининг бошқариши билан аёл бошқариши ўртасида фарқ борми?

Натижа иккаласида ҳам бир хил бўлади.

* * *

Ахлоқий фазилатлар одамнинг ниятида акс этади.

* * *

Ақлли киши кўнглига ёққан нарсанинг ортидан эмас, кўнгилсизликдан куткарадиган нарсанинг ортидан қувади.

* * *

Бажариладиганидан ўн баробар кўп, лекин ёмон бажарилган ишдан унинг озгина қисмини мукаммал бажарилгани яхши.

* * *

Барча олийжаноб ва буюк кишилар босиқ бўлишади.

* * *

Бахт — қаноатли киши томонида.

* * *

Бахтни ҳар ким ўзича тушунади ва тасаввур қилади. Кимдир уни аниқ ва кўз илғайдиган нарсада деб ўйласа, яна кимлардир мавҳум нарсада деб билишади. Касалланган киши бахтни соғайишда, камбағал бойликда деб билса, билимсизлигини билган киши бировларнинг бирор-бир буюк масала устида юритадиган бахсларига ҳавас қилади.

* * *

Биз дўстларини севувчи кишини мактаймиз.

* * *

Билиш қизиқишдан бошланади.

* * *

Бир нарсанинг барбод бўлиши — бошқасининг туғилиши.

* * *

Бир хил сабабдан бир хил оқибат юзага келади.

* * *

Бировларга доим ноҳақ азоб берадиган кишига нисбатан ноҳақлик қилинса, у деярли ноҳақлик деб ҳисобланмайди.

* * *

Бирор-бир ишга баҳо бериш учун уни ўзимиз қила билишимиз зарур.

Бирор-бир ишнинг бошланиши — унинг ярмидан кўпидир.

* * *

Бойваччада дўстлик, ёлғончида вафо, ҳасадчида роҳат, пасткашда мурувват, эгри ниятли кишида улуғлик бўлмайди.

* * *

Бузуқ киши ёмон ҳайвондан ҳам минг баробар кўп ёвузликларни қилиш қобилиятига эга.

* * *

Ватаннинг тақдири ундаги ёшлар тарбиясига боғлиқлиги кишиларни бошқариш санъати тўғрисида фикр юритадиганларнинг ҳаммасига маълум.

* * *

Воқеа бирор нима сабабли содир бўлганлиги ёки бирор нимадан

кейин содир бўлганлиги ўртасида катта фарқ бор.

* * *

Гўзаллик хар ёшда турличадир. Ёшликдаги гўзаллик баданнинг шаклланиши билан боғлиқ бўлиб, у қийинчиликларни енга олиш кобилиятида, кучда, чаққонликда, хузур бағишлайдиган чиройли кўриниш билан намоён бўлади. Балоғат ёшидаги гўзаллик эса харбий ва бошқа қийинчиликларни енга олиш, чиройли ва шунинг билан бирга савлатли кўриниш сифатида намоён бўлади. Қариликдаги гўзаллик эса ўзи учун зарур ишларни бажаришга кучи етишда ва қариликнинг обрўсини тўкадиган даражада яшашга тўсқинлик килувчи сифатларнинг йўклигида намоён бўлади.

* * *

Дўст — бу икки вужудда яшаётган бир қалбдир.

* * *

Дўстлари кўп кишининг дўсти йўк.

* * *

Дўстни унинг олдида мақташ — хушомад белгисидир.

* * *

Ёшлар жуда тез дўстлашишади, кексалар эса завкланмайдиган кишиси билан дўст бўлишмайди.

* * *

Ёшлар жуда хам осон хафа бўлишади, чунки улар ҳаммани ҳалол ва жуда яхши деб ҳисоблашади, улар ўз якинларини ўзининг ахлоки билан ўлчашади.

* * *

Ёшларнинг кўнгли очиқ бўлади, чунки улар кўп пасткашликларни билишмайди. Улар ишонувчан бўлишади, чунки улар кўп ҳолларда алданишмаган. Улар ҳиммати бўлишади, чунки ҳаёт уларни таҳқирламаган ва улар мухтожликни билишмайди.

* * *

Жамиятдан четлашган киши — ё авлиё, ё махлуқ.

* * *

Жиддийликни кулги билан, кулгини эса жиддийлик билан енгмоқ зарур.

* * *

Жиннилиги йўқ даҳо бўлмайди.

* * *

Жиноятга фақат баҳона зарур.

* * *

Ижирғаниш — неъматларнинг нолойиқларга тегаётганини кўриб оғриниш, ноўрин азобланаётганларни кўриб куюниш. Бахиллик эса унинг тескариси, яъни хар қандай кишининг унга лойиқ ёки нолойиқ эканлигидан қатъи назар ютуғидан куюниш.

* * *

Инкилоб оддий иш эмас, лекин у оддий сабабларга кўра бўлади.

* * *

Инсон — сиёсий жонзот.

* * *

Инсон барча тирик мавжудотларнинг мукаммали ҳисобланади. Лекин у хеч кандай конунларсиз ва хак-хукуксиз яшаса барча мавжудот

ларнинг тубанидир. Ҳақиқатан ҳам, ноҳаклик билан куролланишдан дахшатлироқ нарса йўқ.

* * *

Инсонни узоқ харакатсизликдан хам кўпроқ емирадиган ва кучсизлантирадиган нарса йўқ.

* * *

Кам билган ўз фикрини тез билдиради.

* * *

Камбағаллик, севиш ёки шунга ўхшаш бошқа азобларга чидай олмай ўз жонига суиқасд қилиш мардлик эмас, аксинча, қўрқоқлик белгисидир. Чунки бу ожизлик, қийинчиликлардан қочишдир. Ожиз киши ўлимни яхшилиги учун эмас, азоблардан қутулиш учун бўйнига олади.

* * *

Камбағалликдан, касалланишдан, умуман, инсоннинг ўзига боғлиқ бўлмаган нарсалардан қўркиш керак эмас.

* * *

Керак бўлмайдиган ишга керак бўлмайдиган вақтда, керагидан хам ортиқ харжлайдиган киши исрофгар, керак ишга керак вақтда, керак миқдорда харжламайдиган киши эса зиқна.

* * *

Кишини ғазаб ёки шунга ўхшаш хис эгалласа, унинг қабул қилган карори, албатта, нотўғри бўлади.

* * *

Кишининг гўзаллиги либосида эмас, балки тилида.

* * *

Комедия ёмон кишиларни ифодалашни максад қилади, трагедия бўлса — яхши кишиларни.

* * *

Кўпчилик лаганбардорлар билан дўст тутинишади, чунки лаганбардор шундай дўстки, ундан у ёки бу жихатдан устун бўлади.

* * *

Кўпчилик золим хукмдорлар машхур кишиларни қоралаб халқ ишончини қозонишган.

* * *

Макол — қадимий фалсафанинг сақланиб қолган синик бўлаги.

* * *

Мактов ва танқид иш мажбурий ёки ихтиёрий бажарилганлигига қараб берилади.

* * *

Мардлик — кишиларнинг хавф-хатардан қўрқмай бажарадиган эзгу иши.

* * *

Маълумотли ва маълумотсиз кишилар орасидаги фарк, худди ўлик ва тирик орасидаги фарқдай бўлади.

* * *

Миннатдорчилик тез эскиради.

* * *

Муаллифи нима айтишни ва қандай баён қилишни билган китоб яхши китобдир.

* * *

Мулоқотдан хузурланиш дўстликнинг асосий белгисидир.

* * *

Нима учун ота ўғлини ўғли отасини яхши кўрганидан кучлирок яхши кўради?

Чунки ота — ўғилнинг яратувчисидир, хар кимнинг ўзи яратганига майли кучлирок бўлади.

* * *

Нотўғри фикрлардан хам тўғри хулоса чиқариш мумкин.

* * *

Ноҳақ ишлар қилганлиги учун жазоланмаслиги мумкинлигини кўпинча, гапга чечан кишилар, бундай ишларни олдинлари ҳам кўп марта қилганлар, танишлари ва пули кўп кишилар билишади.

* * *

Нутқнинг асосий баҳоси — унинг аниқлигида.

* * *

Одатда хеч ким ўз ихтиёри билан ёмонлигини била туриб ёмон иш қилмайди, тубан киши эса ёмонлигини билса ҳам ёмонликни иштиёқ билан қилади.

* * *

Оддий одамларга оддий гапир, донолар билан доноликка хос гаплаш, хар одамнинг фахму фаросатига мослаб гапир, одамнинг фахму фаросатини эса унинг гапидан билиб оласан.

* * *

Олдинга кетганларни кувиб етадиган ва ортда колганларни кутмайдиган шогирд хар нарсага улгуради.

* * *

Оломон назарида бесаводлар илмли кишилардан анча ишончлирок туюлади.

* * *

Ором топиш учун оромимиздан кечамиз, тинч яшаш учун уруш олиб борамиз.

* * *

Сахий — бу, зарур кишига зарур нарсани зарур пайтда берадиган кишидир.

* * *

Тавба қилишга майли бўлмаган кишини тузатиб бўлмайди.

* * *

Тажриба — якканинг илми, санъат бўлса — кўпчиликнинг илми.

* * *

Тарбия — бахтда безак, бахтсизликда ҳимоя.

* * *

Тепадан пастга табиий равишда тушадиган тошни, пастдан юқорига кўтарилишга қанча ўргатсанг хам бефойдадир.

* * *

Уялиш — ёмон ном чиқаришдан қўрқишнинг бир тури ва у деярли катта бир фожиа олдида қўрқиш даражасига хам етиши мумкин. Одатда уялишдан кизарадилар, ўлим хавфидан эса окарадилар.

* * *

Фикрда одил бўлиш — бу хали амалда одил бўлиш эмас.

* * *

Фикрлаш хаётдаги кувонч ва кагта бахтдир, у кишининг кудратли машғулотидир.

* * *

Фикрловчи киши ғам ташвишни келтириб чикармайдиган ишга интилади, кайфу сафога эмас.

* * *

Хатони турлича қилиш мумкин. Қолбуки, тўғри ҳаракат фақат биргина йўл билан қилинади.

* * *

Хафа бўлганлар сирни ошкор қилишга кўпроқ мойилдирлар.

* * *

Чин инсон бошқаларга хайр берганидан шодланади, лекин у бировлардан хайр олишга номус қилади. Улуғ шахслар яхшилик яратади, тубан шахслар уни олади.

* * *

Шундай зиқна кишилар хам борки, тўё хеч качон ўлмайдигандай, шундай исрофгарчиликка йўл қўядиган кишилар хам борки, худди эртагаёқ ўлиб қоладигандай.

* * *

Шоҳ хукуматининг ваколати қанча кам бўлса, у шунча узоқ яшайди.

* * *

Шухратпараст бўлмаган кишиларга қараганда шухратпараст кишилар бахил бўлишади.

Тубан кишилар хам бахил бўлишади, чунки уларга хамма нарса буюк кўринади.

* * *

Худбинлик — бу ўз-ўзини яхши кўриш эмас, бу яхши кўришнинг керагидан хам зиёдлигидир.

* * *

Энг катта жиноятлар зарур нарсаларга эга бўлиш учун интилишда эмас, керагидан ортиғига эга бўлиш учун интилишда содир қилинади.

* * *

Юморга хиссиётли кишилар ҳазил қила оладиган ва ҳазилни кўтара оладиган кишилардир.

* * *

Ярамаснинг орини уйғотиш учун шапалоқ тортиб юбориш керак.

* * *

Яхшилик келтирадиган иш хавфли эканини билса-да, кўркмасдан унга эришиш учун ҳаракат қиладиган киши марддир ва мардлик хам шундан иборат.

* * *

Яхшилик кўрсатаётган кишининг кўрсатилаётган кишига нисбатан дўстлик хисси яхшилик кўрсатилаётган кишининг кўрсатаётган кишига нисбатан бўлган дўстлик хиссидан устун бўлади.

* * *

Яхшилик қилиш учун, аввало, унга эга бўлиш зарур.

* * *

Яшаш — демак нимадир ясаш, лекин сотиб олиш эмас.

* * *

Ўз айбингни билишга интил, чунки айбли одам хар ерда ожиз бўлади. Ҳамма ерда фикр ва тадбир юзасидан иш тут, айбингдан огоҳ қилган кишиларга ғазаб қилма.

* * *

Ўз қобилиятини хеч қандай тўсиқларсиз ривожлантириш ва татбиқ қилиш имконияти, бу инсоннинг бахтидир.

* * *

Ўз сохасида баҳоси ва қадри билан бошқалардан устун бўлиш мукаммалликдир.

* * *

Ўлим муқаррар эканини ҳамма билади, лекин у яқин эмаслиги сабабли, ҳеч ким у тўғрида ўйламайди.

* * *

Ўргата олиш қобилиятининг борлиги — билимдонликнинг белгисидир.

* * *

Ўта гапга чечанлик характерни ҳам, фикрларни ҳам сездирмайди.

* * *

Қандай латифаларни эшитишдан уялишмаса, шундайларни ўзлари ҳам айтишади.

* * *

Қанчалик доно бўлмагин, ўзингни доно дея тасаввур қилма, шунда яна ҳам донороқ бўласан. Нима билсанг, уни бошқаларга ўргат, аммо илмни ўз жойида ишлатишни бил.

* * *

Қасос ва жазолаш орасида фарқ бор, жазо жазоланувчининг айби учун берилса, қасос қасоскор учун, унинг ғазабини бўшаштириш учун олинади.

* * *

Қийинчилик билан эришилган нарса қадрли бўлади. Фарзандни отасига нисбатан онаси кўпроқ севиши ҳам бежиз эмас, чунки фарзанд туғилишида оналар кўпроқ азоб кўришади.

* * *

Қул қулни, тўра тўрани афзал кўради.

* * *

Қўл — қуролларнинг қуролидир.

* * *

Қўрқадиган кишисини ҳеч ким яхши кўрмайди.

* * *

Қўркув бу ёмонликни кутишдир. Албатта, биз кўп нарсадан қўркамиз, масалан, обрўсизланишдан, камбағалликдан, нафратдан, ўлимдан... Обрўсизланишдан қўркмаган киши шарм ҳаёли бўлса, ундан қўркмаган киши фаҳм-фаросатсиздир.

* * *

Ғазабни вакт даволайди, нафрат эса бедаво.

* * *

Ҳаёт харакатни талаб қилади.

* * *

Ҳаётнинг мазмуни нимада? Бошқаларга хизмат ва яхшилик қилишда.

* * *

Ҳазил жиддий ишларни амалга оширишда зарур бўлади.

* * *

Ҳазил кескинликни юмшатади, чунки у дам олишдир.

* * *

Ҳар бир давлат тузумида фуқаро тушунчаси ҳар хил бўлади.

* * *

Ҳар киши ўзига ёққан ва кулидан келадиган ишга уриниши зарур.

* * *

Ҳар нарсага адолат кўзи билан боқ, окибат ҳақни нохақдан ажратишни ўрганасан.

* * *

Ҳар нарсанинг фақат кулгили томонларини топиш одати енгил табиатлиликнинг, фикри саёзликнинг белгисидир, чунки кулгили нарса юзада ётади.

* * *

Ҳар қандай давлат тузумида энг мухими ишни шундай ташкил килиш керакки, мансабдор шахсларнинг бойлик орттиришига имкони бўлмасин.

* * *

Ҳатто маълум нарсалар ҳам ҳаммага маълум эмас.

* * *

Ҳатто обрў ҳам ахамиятсиз бўлган киши учун бошка хамма нарса арзимас хисобланади.

* * *

Ҳурмат кимга кўрсатилаётганига эмас, ким томонидан кўрсатилаётганига кўпроқ боғлик.

Ахмад Югнакий

(XII аср охири — XIII аср бошларида яшаб ижод қилган шоир, мутафаккир)

Агар ширинлик еган бўлсанг, аччиққа хозир тур, бир марта рохат келса, ўн қайта ранж келади.

* * *

Бало келса, севинчга йўйиб сабр кил, қийинчиликни ичингда сақлаб, шодлик келишини кутиб тур.

* * *

Билим билан саодат йўли очилади, шунга кўра, илмли бўл, бахт йўлини изла.

* * *

Бирор кишига зўравонлик ва зулм қилма, агар киши қийинчиликка тушса, сен унга кўмак бер.

* * *

Гуноҳкор кишининг ёзиғини (гуноҳини) кечир, адоват илдизини қазиб ташла, кес ва кўчириб от.

* * *

Ёмон одатдан тийиб турувчи кишилар колмади, шунинг учун, бу бидъатлар кундан-кунга ортиб бормоқда.

* * *

Ёмонга якин юрма, ёмоннинг суҳбати тезлик билан сени ярамас киликка ўргатади.

* * *

Ёмонлик қилган кишига сен яхшилик кил, бу карам — шафкатнинг бошланишидир, буни яхши англа.

* * *

Кимда-ким ман-ман деб, ўзини юкори кўйса, уни на халк, на Тангри ёктиради.

* * *

Мингта дўстинг бўлса, уни кўп кўрма,
Битта душманинг бўлса, уни оз дема.

* * *

Атодан хато келса, кўрма хато,
Савоб бил, хато килса доғи ато.
Атонинг хатосини билгил савоб,
Сени юз балодин қутқарғай Худо.

* * *

Улуғликка етишсанг — янглишма, атлас кийсанг, бўз кўйлагингни унутма.

* * *

Улфати яхши кишининг ўзи ҳам яхши бўлади, яхши улфатли кишидан кўп яхшилик келади.

* * *

Халкингни кўйиб замонангни айблама, замонангни эмас, балки кишиларни айбла.

* * *

Юмшамас кўнгилни сахий юмшатади, етиб бўлмайдиган муродга сахий киши эриша олади.

* * *

Яхши киши қўлидан ёмонлик келмайди, ёмон киши эса яхшилик қайтариш учун жавоб топа олмайди.

* * *

Ўйлаб сўзлаган кишининг сўзи тўғридир, ўринсиз кўп вайсаган тил шафкатсиз ёвдир.

Аҳмад Яссавий

(XI асрнинг 2 ярми — 1166 йилларда яшаб ижод қилган ўзбек мумтоз адабиётининг буюк намояндаларидан бири, олим ва шоир)

Аё дўстлар, нодон бирла улфат бўлиб,
Бағрим куюб, жондан тўюб, ўлдим мано.
Тўғри айтсам, эгри йўлга бўйин тўлғар,
Қонлар ютуб ғам захрига тўйдум мано.

* * *

Банда бўлсанг манманликни зинҳор ташла,
Сахарларда жонинг қийнаб, тинмай ишла.
Йўлдан озғон гумроҳларни йўлга бошла,
Бир назарда дилларини сафо қилдим.

* * *

Бешак билинг, бу дунё борча халкдин ўтаро,
Ишонмагил молингга, бир кун қўлдан кетаро.
Ота-она, қариндош қаён кетди — фикр кил,
Тўрт оёғлиғ чўбин от бир кун санга етаро.

* * *

Дунёдорлар молин кўруб ҳаво қилур,
Манманликдин ул даъвойи худо қилур.
Ўлар вактда имонидин жудо қилур,
Жон берурда хасрат бирлан кетур, дўстлар.

* * *

Дунёпараст ножинслардин бўйин товла,
Бўйин товлаб, даре бўлиб тошдим мано.

* * *

Нафсдан кечиб, каноатни пеша килғон,
Хар ким топса, рози бўлуб, бўйин сунғон.

Яхшиларга хизмат қилиб, дуо олғон,
Андоқ ошиқ маҳшар куни армони йўқ

* * *

Тамаъ қилма нодонлардин, қадринг билмас,
Зулмат ичра йўл одашсанг, йўлға солмас.
Бўйнунг кашиб зори қилсанг, қўлунг олмас,
Нодонларни шиква айлаб келдим мано.

* * *

Эй биродар, мунофиққа бўлма улфат,
Ким улфатдур, боши узра юз минг кулфат.

* * *

Нафс йўлига кирган киши расво бўлур,
Йўлдан озиб, тойиб, тўзиб, гумроҳ бўлур.
Нафсинг сени охир дамда гадо қилғай,
Дин уйини ғорат қилиб, адо қилғай,
Оқил эрсанг нафси баддин бўлғил безор.

* * *

Аё дўстлар, хеч билмадим мен йўлимни,
Саодатға боғламадим мен белимни.
Ғийбат сўздин хеч йиғмадим мен тилимни,
Нодонлиғим мени расво қилди, дўстлар.

* * *

Дунё менинг мулким деган султонларға,
Олам молин сонсиз йиғиб олғонларға.
Айшу ишрат бирла машғул бўлғонларға,
Ўлим келса бири вафо қилмас эрмиш.

* * *

Дуо қилинг нодонларнинг юзин кўрмай,
Ҳақ таоло рафиқ бўлса, бир дам турмай.
Бемор бўлса нодонларни ҳолин сўрмай,
Нодонлардин юз минг жафо кўрдим мано.

* * *

Оқил эрсанг, гўристондин хабар олғил,
Мен ҳам шундоғ бўлурмен деб ибрат олғил.

* * *

Суннат эрмиш кофир бўлса, берма озор.
Кўнгли қаттиғ дилозордан худо безор.
Оқил эрсанг эранларга хизмат қилғил,
Амри маъруф қилғонларни иззат қилғил.

* * *

Ғарибларни кўргон ерда оғритмангиз,
Ғарибларга очиғланиб сўз котмангиз.
Заиф кўриб ғарибларга тош отмангиз,
Бу дунёда ғарибликтек бало бўлмас.

* * *

Ҳайфи одам ўз қадрини ўзи илмас,
Манлик қилиб, яхшиларни кўзга илмас.

Байрон

(Жорж Ноэл Гордон, 1788–1824 йилларда яшаб ижод қилган инглиз шоири)

Агар Лаура Петрарканинг хотини бўлганида, у бутун умр унга бағишлаб сонетлар ёзармиди?

* * *

Агар янглишадиган бўлсак, бу қалб амри билан бўлгани маъқул.

* * *

Банд кишининг йиғлашга вакти бўлмайди.

* * *

Барча комедиялар тўй билан якунланади.

* * *

Баъзан жасорат пайдо бўлишига кўркув сабаб бўлади.

* * *

Биз бошкараяпмиз деб ўйлаётганимизда, кўпинча бизни бошкаришади.

* * *

Бир кўз ёшини тўхтатиш учун денгиздай кон тўкишдан ортик жасорат талаб қилинади.

* * *

Давлатни барпо қилиш учун минг йиллар ҳам камлик қилади, унинг кулини кўкка совуриш учун эса бир соат ҳам етарли.

* * *

Дунёда тортиб олинган шодликнинг ўрнини босадиган шодлик йўк.

* * *

Ёлғизликда киши ўзини кўп холларда жуда ҳам танхо сезавермайди.

* * *

Ёшлик шон-шухратни орзу килади.

* * *

Кашфиётлар кўп, бунинг сабаби – эўр қобилият ва бўш чўнтак.

* * *

Ким бахтга эришса, уни бошкалар билан бахам кўриши зарур, шунда бахт эгизак бўлади.

* * *

Кўз ёши – аёлларнинг қилич ва қалқони.

* * *

Кўп билган кўп азобланади.

* * *

Максадга етишиш учун аввало унга интилиш зарур

* * *

Пинҳона йиғлаётганнинг қайғуси самимийдир.

* * *

Шайтон ўқдонида юрак учун майин овоздан яхширок ўк йўк.

Бальзак

(Оноре де Бальзак, 1799–1850 йилларда яшаб ижод қилган француз ёзувчиси)

Агар ҳамма вакт ўзинг гапирадиган бўлсанг – доим хак бўласан.

* * *

Аёлни бошқаришни уддалаган давлатни бошқаришни ҳам уддалайди.

* * *

Ақлли кишиларнинг бахтсизликларидан бири — бу уларнинг ҳамма нарсани беихтиёр тушунишидадир.

* * *

Бахтни биз нимада деб ҳисобласак, бахт ўшанда.

* * *

Бахтнинг ортидан қувиш учун кишининг юки енгил бўлиши зарур.

* * *

Бизни ҳеч нима ўз камчиликларимиздай бир-биримизга боғламайди.

* * *

Вақт — бу ақлий меҳнат кишисининг капитали.

* * *

Даҳо ҳаммага ўхшайди, лекин ҳеч ким даҳога ўхшамайди.

* * *

Дидли бўлиш — ақлли бўлишдан устун.

* * *

Ёлғиз киши ҳалок бўладиган жойда икки киши бир-бирини қутқариши мумкин.

* * *

Зиқналик қаншоқлик ўтганидан кейин бошланади.

* * *

Золимлик ва қўркув бир-бирининг қўлини сиқишади.

* * *

Иккита риёкор ўнта муттаҳамнинг очиқча душманлигидан кўпроқ зарар келтириши мумкин.

* * *

Инсоният эришган барча ютуклар сабр ва вақт мевасидир.

* * *

Йўқотилган умидлар қайғунинг ўзига қараганда ҳам бизни кўпроқ рухсизлантиради.

* * *

Кишилар вабодан қўркишади, лекин ичкилик ундан анча хавфли.

* * *

Кулги орқали кишининг тартиб-интизоми тузатилади.

* * *

Кулфат характернинг синов тошидир.

* * *

Кутишни эплаган кишига ҳамма нарса ўз вақтида келади.

* * *

Миллат келажаги оналар қўлида.

* * *

Миллионни излаган кам ҳоллардагина уни топади, изламаган эса ҳеч қачон топмайди.

* * *

Мақсадга етишиш учун унга қараб юриш зарур.

* * *

Нодонлар икки хил бўлади: индамас ва эзма.

* * *

Нодоннинг ёнида фирибгар доимо топилади.

* * *

Она қалби тубсиздир, унинг қаърида доим кечирим топилади.

* * *

Пул ишида софдиллик, халоллик, эзгулик табиий офатга тенг.

* * *

Сўроқ белгиси барча фанларнинг калитидир.

* * *

Тухмат нуфузсиз кишиларга беэътибор бўлади.

* * *

Фуқаролик жасоратининг ҳам, харбий жасоратнинг ҳам келиб чиқиш манбаи бир.

* * *

Шон-шараф — бу фақат майда дозаларда фойда қиладиган заҳар.

* * *

Шухрат ёмон махсулот, киммат туради, яхши сақланмайди.

* * *

Шухратпарастлик аралашган ерда самимийликка ўрин йўқ.

* * *

Эзгу қалб соткинлик қила олмайди.

* * *

Ўзини хурмат қиладиган кишини бошқалар ҳам хурмат қилади.

* * *

Ғояни фақат ғоя билан енгиш мумкин.

* * *

Ҳаёт — бу пул ёрдамида харакатга келадиган машина.

* * *

Ҳаётда худди табиатдагидай, булутли кунлар булутсиз кунларга қараганда анча кўп бўлади.

* * *

Ҳамма букри бўлган жойда, тик коматлик майиблик хисобланади.

* * *

Ҳар қандай катта бойлик асосида жиноят ётади.

* * *

Ҳасад — нафратнинг асосий таркибий қисмидир.

* * *

Ҳақиқат худди аччиқ дорига ўхшайди, таъми ёқимсиз, лекин совлиқни тиклайди.

* * *

Ҳеч қачон сўралмаган хизматни бажарманг.

Бедил

(Мирзо Абдулқодир Бедил, асли ота-боболари ўрта осиёлик бўлиб, 1644—1721 йилларда Ҳиндистонда яшаб ижод қилган шоир, мутафаккир)

Аввал ғиштни қийшиқ қўяркан меъмор,
Юлдузга етса ҳам қийшиқдир девор.

* * *

Адоват меваси фитнадир ҳар чоқ,
Оқиллардан чиқса яна ёмонроқ.
Тутуни шунчалар қора бўлади,
Қанчаларки равшан бўларкан чирок.

* * *

Бетамиз бўлади дарди йўқ одам,
Ундайга ўлимдан ўзга таъсир кам.
Соч ва тирноқларга қараб ибрат ол,
Қон йўқ жойда йўқдир хис ҳам,
туйғу ҳам.

* * *

Бу мукофот мулкин паст-баланди
бор,
Тажриба қилмишлар донолар
бисёр,
Дерлар: кодирликда золим
бўлмаган,
Токи заифликда кўрмагай озор.

* * *

Иттифоқ кучидан бўлмағил ғофил,
Бирлашиб тиш тошни синдирар
чил-чил.

* * *

Мумсик бой олдида ўлим нақд
бўлди
Заридан бир табиб сикими тўлди.
Олтини сарф бўлиб кетганидан
бой,
Сиҳат топган чоғда қайтадан ўлди.

* * *

Тошюракларга шиоринг сахт қил,
Қизиган темирни темир билан ил.

* * *

Эшак керилади, тўкими заррин,
Бўлмаса на одоб бор унда, на дин.
Султон амалидан керилган одам,
Камолга етказар ўз қабоҳатин.

* * *

Кишига фақат ҳунар
Иқбол эшигин очар.

* * *

Атласу юнгдан либос эрмас
одамнинг шавкати,
Бу матолар аксарият от-уловнинг
зийнати.

* * *

Баланд-пастлар қўшилиб қолсалар
агар,
Паст табиати ғолиб келар ҳар
сафар.
Тоза сув тиндиролмас лойка сувни
хеч,
Лойқа сув тиниғин зумда лойқатар.

* * *

Бойлигин орттирмоқ бўлиб оху
вох
Қилган бой, билсайди тинчлик
йўлин, оҳ.
Шам шодлиги бошда қалпоғидандир,
Билмаски, жонининг ёви шу кулоҳ.

* * *

Кимдаки дағал феъл бўлмиш
намоён,
Билимдон бўлса ҳам нафратга
нишон.
Оламни забт этар гўзаллик,
билсанг,
Ахлоқий ҳуснидир, шуни де ҳар он.

* * *

Кимки сутга сув қотар,
Ғовға-ла мактаб сотар.

* * *

Фитна қўзратади кина, адоват,
Оқиллардан чиқса баттар қабоҳат.
Энг равшан чироқдан кўтарилган
дуд,
Бошқа ҳамма дуддан кародур
албат.

* * *

Шер ила йўлбарсни енгган мард
киши,
Бўйин эгиб турса, бу ҳаё иши.

* * *

Қайда ҳақу ноҳақ ажратилмайди,
Кишилар таъбида софлик бўлмайди.

Бир пастга пастлигин айтсалар,
деди:
«Хар кимга бу давлат насиб
қилмайди».

* * *

Химмат камарини боғлаган хамон,
Чумоли енгади шерни бегумон.

Белинский

(Виссарион Григорьевич Белинский, 1811—1848 йилларда яшаб ижод қилган рус файласуфи ва адабий танқидчиси)

Акл кишига фақат ўзининг номаъқул яшаётганини билиш учунгина эмас, балки оқилона яшаш учун хам берилади.

* * *

Барча ёмон одатларнинг энг ёмони, кишининг билимсизлигини, беодоблигини кўрсатувчи белги — бу хар нарсани ўз номи билан атамасликдир.

* * *

Бировнинг ишига гап топган киши, ўзини ўзгалардан шу ишни яхши бажаришга махкум килади.

* * *

Вакт барча мойиллик, хис ва алоқаларнинг текшириш ўлчамидир.

* * *

Гапирадиган гапи бўлмаган кишининг гапирмагани маъқул.

* * *

Инсонни табиат яратади, лекин уни жамият тарбиялайди ва ўстиради.

* * *

Киши ўзи билмайдиган нарсадангина қўркади, илм билан барча кўркув енгилади.

* * *

Кўпчилик кишилар яшаб яшашмайди, факат яшашга шайланишади.

* * *

Меҳнат кишини улуғлайди.

* * *

Одатда кишилар ўзида бори билан роҳатланмай, ўзида йўқ нарсанинг ғамини ейишади.

* * *

Олим бўлиш хам, шоир бўлиш хам, харбий, қонун ижодкори ва бошқа касбларда бўлиш хам яхши, лекин шу вақтнинг ўзида инсон бўлмаслик ёмон.

* * *

Пул — бу хаёт қуёши, усиз хаёт оғир, коронғи ва совуқдир.

* * *

Соғлик бўлмай бахт бўлиши мумкин эмас.

* * *

Тарбия — буюк неъмат, у киши тақдирини белгилайди.

* * *

Энг аччиқ хақиқат энг ёқимли адашишдан афзал.

* * *

Яхши тарбия таъсир қилмайдиган даражада нодон киши бўлмайди.

* * *

Қизиқишсиз максад, максадсиз фаолият, фаолиятсиз эса хаёт бўлмайди.

Бенедикт Спиноза

(1632—1677 йилларда яшаб ижод қилган голланд файласуфи)

Агар сизга ҳаёт кулиб боқишини истасангиз, аввало, унга ўзингизнинг яхши кайфиятингизни совға қилинг.

* * *

Бошқаларга ёқиш учунгина бирор нарсани қилишга ёки қилмасликка интилишни шухратпарастлик дейдилар.

* * *

Йиғлаш ҳам, кулиш ҳам керак эмас, тушуниш керак

* * *

Кишининг қандайлиги унинг истагида намоён бўлади.

* * *

Кўпчилик тан олмагани билан ҳам нарса ўзининг ҳақиқий қийматини йўқотмайди.

* * *

Маълум бир ишни бажара олмаслигингизни тасаввур қилганингиз ҳамони, шу ишни бажариш сиз учун маҳол бўлиб қолади.

* * *

Номусли кишида ҳалол яшаш истаги кучли бўлади.

* * *

Обрўга таяниш далил-исбот эмас.

* * *

Пётр тўғрисидаги Павелнинг гаплари Пётрга қараганда ҳам Павелнинг кимлигини кўпроқ аён қилади.

* * *

Табиатдаги нарсаларнинг кулгили, ортиқча ёки нозарур бўлиб туюлишининг сабаби шундаки, биз табиатни етарли даражада билмаймиз.

* * *

Тушуниш — маъқуллашнинг боши.

* * *

Қўркув — биз қўркадиган катта кулфатдан кичикроғининг ёрдамида қочиш истаги.

* * *

Қўркув рухий ожизлик натижасида пайдо бўлади.

* * *

Ҳар қандай таъриф — чеклашдир.

* * *

Ҳасад нафратдан бошқа нарса эмас.

* * *

Ҳақиқат — ўзининг ва ёлғоннинг синов тоши.

Бенжамин Дизраэли

(Граф Биконсфилд, 1804—1881 йилларда яшаган инглиз ёзувчиси ва давлат арбоби, Буюк Британиянинг 1868, 1874—1880 йиллардаги Бош министри)

Агар бировга яқин бўлишни истасангиз, унга бахсда ютқазинг.

* * *

Агар киши кутса ва умид қилса, ҳамма нарса амалга ошади.

* * *

Агар эслаш фойдали бўлса, ҳеч ким эсдан чиқармайди.

* * *

Айрилиқ тўсатдан бўлгани яхши.

* * *

Барча умумлаштирилган хулосалар хато, шу жумладан ушбу ҳам.

* * *

Бахтсиз ҳодиса билан бахтсизлик ўртасидаги фарқ нимада? Айтайлик, сэр Гладстон Темза дарёсига чўкиб кетса, бу бахтсиз ҳодиса ҳисобланади. Лекин уни кутқариб қолишса, бу бахтсизлик ҳисобланади.

* * *

Бахтсизликдан яхширок ўкитувчи йўк.

* * *

Билимсизлар ҳеч қачон савол беришмайди.

* * *

Билимсизлигингизни тан олиш — илм томонга қўйилган катта қадам.

* * *

Бирор-бир киши билан ҳар куни очиқ чеҳрали ва хушмомала бўлиш учун метиндай асабга эга бўлиш зарур.

* * *

Бирор-бир фан билан танишишнинг энг яхши усули — унинг тўғрисида китоб ёзиш.

* * *

Буюк нарсаларнинг деярли бариси ёшлар томонидан бажарилган.

* * *

Вақт қиммат, лекин ҳақиқат вақтдан ҳам қиммат.

* * *

Баъзан газеталарда бирорта ҳам ҳақиқат ёзилмайди. Шунинг учун ҳам уни ўқишади.

* * *

Ёлғоннинг учта тури мавжуд: ёлғон, жирканч ёлғон ва статистика.

* * *

Ёшлик — янглишиш, навқиронлик — кураш, кексалик — афсусланиш.

* * *

Жиддий нарсаларнинг ҳаммаси ҳам тўғри бўлавермайди.

* * *

Киши қилинган ишни қанча кўп билса, бундан кейин нима қилиш кераклигини у шунча кўп тушунади.

* * *

Қулбалар бахтсиз бўлган ерда, саройлар хавфсиз бўла олмайди.

* * *

Майда ишлар майда кишиларни ҳам пайдо қилади.

* * *

Мактов ҳаммага ёқади.

* * *

Муваффақият сири — ўнғай имкониятдан фойдаланишга доим тайёр туришдадир.

* * *

Нотиқлик — илм маҳсули.

* * *

Овоз — характернинг энг аниқ кўзгуси.

* * *

Одатда кўп маълумотларга эга киши катта муваффақиятларга эришади.

* * *

Саёхат сабр қилишни ўргатади.

* * *

Табиат ҳам худди инсонлардек баъзида шодлигидан йиғлайди.

* * *

Тажриба — фикр махсули, фикр бўлса — ҳаракат махсули.

* * *

Танқидчилар — бу адабиёт ва санъатда муваффақият қозона олмаган кишилардир.

* * *

Тепага қарамаган киши, албатта ерга қарайди.

* * *

Худди турли сайёраларда яшайдиганлардек, бир-бировининг одатлари, фикрлари ва ҳисларини билмайдиган, ораларида алоқа ва хайрихоҳлик бўлмаган, фарзандларига турлича тарбия берадиган, турлича овқатланиб, турлича ҳаёт тарзига ва турли қонунлар бўйича яшайдиган иккита миллат... Бойлар ва камбағаллар

* * *

Эркин савдо — бу бир принцип эмас, мақсадга етишиш воситасидир.

* * *

Қатъийлик — сиёсат тили эмас.

* * *

Ҳаёт бехуда ишларга сарфлаш учун жуда ҳам қисқа.

* * *

Ҳаммасидан ҳам тонготар олдидан коронғилик кучлирок бўлади.

* * *

Ҳаракат ҳар доим ҳам бахт келтиравермайди, лекин ҳаракатсиз бахтга эришиб бўлмайди.

* * *

Ҳеч қачон шикоят қилма ва ҳеч кимга тушунтириб ўтирма.

Бенжамин Франклин

(1706—1790 йилларда яшаган америкалик олим ва давлат арбоби)

Агар бирор кизнинг камчилигини билмоқчи бўлсангиз уни дугоналари олдида мактанг.

* * *

Агар тез-тез меҳмонга келавериб безор киладиган кишидан кутулмоқчи бўлсанг, унга қарзга пул бер.

* * *

Агар фирибгарлар халолликнинг барча афзалликларини билишганида, улар ўз фойдалари учун ҳеч қачон муттаҳамлик қилмаган бўлар эдилар.

* * *

Агар ҳаётни севсанг вақтни бехудага ўтказма, чунки ҳаёт вақтдан таркиб топади.

* * *

Агар хамёнингда борини ботингга қуйсанг, уни хеч ким сендан тортиб ола билмайди.

* * *

Банд кишиникига бекорчилар меҳмонга кам боришади — қайнаётган қозонга пашшалар яқинлашмайди.

* * *

Бахона топишга уста киши камдан-кам ҳоллардагина бошқа биронбир ишга уста бўлади.

* * *

Биз ўз ҳузуримиз учун овқатланамиз, бошқалар учун эса кийинамиз.

* * *

Бизнинг айбларимиз ўзимизни ҳукуматникидан ҳам кўп солиқларга тортади.

* * *

Бой бўлишни истасангиз фақат пул ишлашнигина ўрганиб колмасдан, тежамкор бўлишни ҳам билиш даркор.

* * *

Бойлигини кўпайтирган ташвишини орттиради.

* * *

Бугун бажаришинг мумкин бўлган ишни эртага колдирма.

* * *

Бўш қонунларга камдан-кам риоя қилишади, кучли конунлар эса камдан-кам бажарилади.

* * *

Вақт ҳам — пул.

* * *

Дарёларда ва ёмон ҳукуматларда фақат вазни энг енгилларгина юкорида сузиб юришади.

* * *

Даромадингиздан харажатингиз кам бўлсин — мана сизга фалсафа тоши.

* * *

Дориларнинг энг яхшиси — ором олиш ва ўзингни тийиш.

* * *

Димоғдор киши бошқаларнинг кеккайишини ёмон кўради.

* * *

Душманингга қарз берсанг, бир дўст орттирасан, дўстингга қарз берсанг бир душман орттирасан.

* * *

Ёш врач ва кекса сартарошдан эҳтиёт бўл.

* * *

Иш ҳақини тадбиркор тўламайди — у фақат пулни беради: иш ҳакини товар тўлайди.

* * *

Йигирма ёшида — кишида истак ҳукмронлик қилади, ўттиз ёшида — акл, кирк ёшида — мулохаза.

* * *

Катта империя худди катта пирогдай четидан майдаланади.

* * *

Кичик душман бўлмайди.

* * *

Кичик харажатлардан эҳтиёт бўлинг: кичкина тешик катта кемани ҳам чўктиради.

* * *

Киши егани билан эмас, ҳазм қилгани билан яшайди. Бу ақл учун ҳам, тана учун ҳам бирдай тегишли.

* * *

Кишилар қандай вазиятларга тушиб қолишмасин, улар ўзлари учун қулай ва ноқулайликларни топишлари мумкин.

* * *

Кишиларга ёмонлик қилишдан қўрқ ва шунда сен ҳеч нарсадан қўркмасанг бўлади.

* * *

Кишининг кўзи қўлига қараганда кўп иш бажаради.

* * *

Кишининг пули кам бўлса, у кўпроқ сахий бўлади, балки бошқалар унда умуман пул йўқ экан деб ўйламасликлари учундир.

* * *

Кўзингни уйлангунча катта оч, уйланганингдан кейин юмиб юр.

* * *

Кўп дориларнинг фойдасизлигини биладиган табиб энг яхши табибдир.

* * *

Кўриш осон, кўра билиш қийин.

* * *

Маслаҳатни эшитишни истамайдиган кишига ёрдам қилиб бўлмайди.

* * *

Менинки бизникидан яхши.

* * *

Меҳнат — бахтнинг отаси.

* * *

Норози киши учун ҳар қандай курси ҳам ўнғайсиз.

* * *

Пул ҳамма нарсага қодир деб ҳисоблайдиган кишини пул учун истаган нарсага тайёр деб гумонсираса бўлади.

* * *

Сабр қилишни билган истаган нарсасига эришишни ҳам билади.

* * *

Савдо ҳозирча ҳеч бир халқни қашшоқлаштирмади.

* * *

Сени ўзингдан кўп алдаган бор микан?

* * *

Узоқ яшашни орзу қилма, яхши яшашни орзу қил.

* * *

Фақат умид билан яшайдиган очидан ўлади.

* * *

Фойдаланиладиган калит доим ялтирайди.

* * *

Хавфдан қисқа муҳлатга сақланиш учун ўз озодлигини беришга тайёр киши, хавфсизликка ҳам, озодликка ҳам лойиқ эмас.

* * *

Эзгу иш қиёфани ҳар доим ҳам гўзал қилавермайди, лекин айбли иш уни ҳар доим ҳунук қилади.

* * *

Эринчоқлик зангга ўхшайди: у буюмни кўп ишлатилиб эскиришидан тезроқ емиради.

* * *

Эринчоқлик ҳар қандай ишни ҳам қийинлаштиради.

* * *

Эринчоқлик шундай имиллайдики, қашшоқлик уни жуда ҳам тез кувиб ўтади.

* * *

Ўз фарзандларингни жим бўлишга ўргат. Гапиришни ўзлари ҳам ўрганишаверади.

* * *

Ўз истагингиз билан маслаҳатлашишдан олдин, ҳамёнингиз билан маслаҳатлашинг.

* * *

Ўзгартириб бўлмайдиган нарса учун куйиниш керак эмас.

* * *

Ўзингга керак бўлмаган нарсани сотиб олсанг, тез кунда ўзингга зарур бўлган нарсангни сотасан.

* * *

Қарз берганларнинг қарз олганларга қараганда хотираси кучли бўлади.

* * *

Қарздор бўлиб уйғонгандан овкат емай оч ухлаган афзал.

* * *

Қашшоқлик кишини барча маънавий куч ва яхши хислатларидан маҳрум қилади. Бўш қопнинг тик туриши қийин.

* * *

Ҳаёт — вақтдан тўқиладиган мато.

* * *

Ҳаётингни узайтирмоқчи бўлсанг ейишни қисқартир.

* * *

Ҳазил билан душманни дўстга айлантириб бўлмайди, лекин дўстни душманга айлантириш мумкин.

* * *

Ҳеч нимани кутмаган киши бахтлидир, чунки ҳеч нима унинг хафсаласини пир қилмайди.

Бертран Рассел

(1872—1970 йилларда яшаган инглиз файласуфи, жамоат арбоби)

Аслида инсон илмни эмас, аниқликни билишни истайди.

* * *

Бўш вақтни оқилона ўтказиш қобилияти — киши шахсий маданиятининг олий даражасидир.

* * *

Гадолар миллионерларга ҳасад қилишмайди, аксинча, улар садақани кўпроқ олаётган гадоларга ҳасад қилишади.

* * *

Демократияда нодонларга овоз бериш ҳуқуқи берилади, диктатурада эса — бошқариш.

* * *

Диагностика шундай муваффақиятларга эришдики, натижада саломат кишилар деярли қолмади.

* * *

Дўстларни яхши кўрганга қараганда, душманлардан нафратланиш осонроқ.

* * *

Жентльмен — бу шундай кишики, у билан муомалада ўзингни жентльмендай хис қиласан.

* * *

Илм — бу сизнинг биладиганингиз, фалсафа — бу сизнинг билмайдиганингиз.

* * *

Кўпчилик ўйлашдан ўлимни афзал кўришади. Баъзида шундай қилишади хам.

* * *

Кўпчиликнинг нодонлигини эътиборга олсак, кенг таркалган нуқтаи назар оқилона эмас, аҳмоқона хисобланади.

* * *

Оталарнинг энг катта камчилиги шундаки, фарзандлари улар билан фахрланишларини жуда исташади.

* * *

Сухбатдошингиз қайта-қайта тўғрисини гапираётганлигини таъкидласа, унинг алдаётганлигига шубхаланмасангиз хам бўлади.

* * *

Яшаш учун нон топа олмаса, демак, ақлга эрк берилган эмас.

* * *

Хар кандай аниқ фан тахминга асосланган.

* * *

Хатто хамма экспертлар маъкуллашган бўлсалар да, уларнинг хам янглишиши эхтимолдан холи эмас.

* * *

Хеч ким бировнинг яширинча қилган яхшиликларини ғийбат қилмайди.

Беруний

(Абу Раиҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний, 973—1048 йилларда яшаган хоразмлик буюк олим ва мутафаккир)

Агар таржималаримизда ишлатган сўзларимиз одатда ишлатиладиганга тўғри келмаса, маъноларига эътибор берилсин, чунки максад маъноларни билдиришдир.

* * *

Баъзи бир сўзлар борки, уни қўллаш бир дин ва бир тилда бемаъни бўлса хам, бошқа бир дин ва тилда бемаъни бўлмайди.

* * *

Билим — такрорлаш мевасидир.

* * *

Билиминг шундайки, у яланғоч бўлганингда хам ўзинг билан қолади, уни хаммомга кирганингда сув хам йўқота олмайди.

* * *

Билимсиз кишиларнинг кўнгли хурофотга мойил бўлади.

* * *

Бир масалани жуда хам кўп ўрганиш зерикиш ва бесабрликни пайдо қилади.

* * *

Бу куннинг тадбири сабабли эртанинг тадбирига эхтиёжи қолмаган киши акллидир.

* * *

Дўстлар ва хайрихоҳлик қилувчилар ёмонни яхши қилиб кўр-

сатишга, халал етадиган йўлни тўсишга, гўзалликни изҳор этишга ва яхшиликларга нисбат беришга тиришадилар.

* * *

Ёлғон доим ростдан енгилади, у худди сув юзасидаги кўпикдек йўқ бўлиб кетади.

* * *

Ёлғончилик кишини адолатдан юз ўгиртиради.

* * *

Ёмонликнинг шохобчалари кўп бўлса ҳам, уларнинг асоси тама, ғазаб ва илмсизликдир.

* * *

Жонли мавжудотнинг барчаси, шу жумладан инсоннинг ўзи ҳам табиий равишда пайдо бўлган ва у табиатнинг ривожланиши ва ўзгаришининг натижаси ҳисобланади.

* * *

Инсон фаннинг у ёки бу соҳаси ҳақида илмий амалиётга ва аниқ тадқиқотларга суянган ҳолдагина мулоҳаза юритишга ҳақлидир.

* * *

Инсон ҳаётидаги зарурат, эҳтиёжлар уларнинг илмларга бўлган талабларини келтириб чиқаради. Шу эҳтиёжларга кўра илмлар ҳар хил тармоқларга бўлинади. Илмларнинг фойдаси очкўзлик билан олтин-кумуш тўплаш учун бўлмай, балки у орқали инсон учун зарур нарсаларга эга бўлишдир.

* * *

Иштиёқ ўткир кўзни ожизлаштиради, сезгир қулоқни оғирлаштиради ва ақл тан олмайдиган нарсани фикрлашга ундайди.

* * *

Кимда-ким ўз изланишларининг афзаллиги қонуниятларни излаб топишда деб биларкан, ул албатта, ҳамиша ўз қарашларини амалда исботлаш йўлидан боради.

* * *

Киши ўз меҳнат ва машаққат чекишлари жараёнида гарчи у инсонларнинг энг акллиси ва энг зийраги бўлса ҳам, ҳамиша шоду хурсандликни орзу қилиб, севинч келтирадиган нарсаларга мойил бўлади ва ёмон кўриладиган нарсалардан тортинади.

* * *

Кишининг кўнгли чиройли ва тартибли нарсаларга мойил бўлади, тартибсиз нарсалардан эса нафратланади.

* * *

Марди майдон шундай одам бўладики, эртаю кеч душманга зарару дўстга фойда келтиради.

* * *

Нодонлик бедаво дарддир.

* * *

Номуродларни камситма.

* * *

Одамлар ўрганган, одатланган ва кўпчиликка маъқул бўлган нарсага кўр-кўрона қаршилик кўрсатма.

* * *

Севимли нарсаларга машаққат билан, яхшиликка эса ўзига севимли бўлган нарсаларни сарфлаш билан эришилади.

* * *

Сезувчи ва зарарсиз нарсаларга алам етказишдан лаззат олувчи ҳар бир кишидан худо ўч олсин!

* * *

Ташқи ва ички кийимларнинг озода ва тартибли бўлиши инсон қалби ва рухининг тозалигини билдиради.

* * *

Тенглик ҳукм сурган жойда соткинлик, алдамчи эҳтиросларнам-ғусса бўлмайди.

* * *

Тил — сўзловчи истагини эшитувчига етказадиган таржимондир.

* * *

Шубҳани аниқ ва номаълумни маълумга қўшиш биз юрган йўлга лойиқ эмас.

* * *

Эҳсон қилган кишининг миннати эҳсонини йўққа чиқаради.

* * *

Яхши ҳулқ яхшилик аломатидир.

* * *

Ҳар бир инсоннинг қадр-қиммати ўз ишини қойил қилиб бажаришида.

* * *

Ҳаракат бирон эҳтиёж ва заруратучун содир бўлади: чарчаш заруратдан кейин келади, демак чарчаш ҳаракат натижасидир.

Биант

(Милоддан аввалги VI аср да яшаган файласуф, қадимги Юнонинг «етти донишманди»дан бири)

Дўстларинг орасидаги бахсни енгганингдан, душманларинг орасидаги бахсни енгганинг афзал, чунки ундан кейин дўстларингдан бири сенга душман, душманингдан бири дўст бўлиб қолади.

* * *

Бахтсизликни кўтара олмайдиган киши бахтсиздир.

* * *

Ёмонлар ҳамма ерда кўп.

* * *

Ишинг билан — эсда қолишга, меъёр билан — эҳтиёткорликка, феъл-атвор билан — улуғворликка, меҳнат билан — сабрга, кўрқув билан — тақводорликка, бойлик билан — дўстликка, сўз билан — ишончга, сукут билан — одобга, фикрлаш билан — адолатга, жасорат билан — мардликка, хатти-ҳаракат билан — ҳукмронликка, шуҳрат билан устунликка эришасан.

* * *

Кемада сузаётган киши тириклар қаторида ҳам, ўликлар қаторида ҳам бўлмайди.

* * *

Кишига куч табиат томонидан берилади, ватан равнақи учун ҳаракат — қалбдан ва илмдан, бойлик эса кўп ҳолда оддий тасодиф туфайли қўлга киритилади.

* * *

Нима қилаётганингни бил.

* * *

Нолойиқни бойлиги учун мақтама.

* * *

Олдин ўйлайман, кейин ҳаракат қиламан.

* * *

Шошмай гапир: шошқалоқлик — нодонлик белгиси.

* * *

Ўзгалар қайғусига севинма.

Бисмарк

(Отто Эдуард Леопольд Бисмарк фон Шенхаузен, 1815—1898 йилларда яшаган немис давлат арбоби, канцлери)

Биз ҳаммамиз халқмиз, ҳукумат ҳам

* * *

Дипломатия заруриятига қараб урушнинг олдини олиш, тўхтатиб туришга ёрдам килиш ёки унинг бошланишини маълум қилиш лозим.

* * *

Ёмон қонунлар ва яхши амалдорлар билан давлатни бемалол бошқарса бўлади. Лекин амалдорлар ёмон бўлишса, энг яхши қонунлар ҳам бефойдадир.

* * *

Инкилобни даҳолар тайёрлашади, фанатиклар амалга оширишади, мевасидан эса ярамаслар фойдаланишади.

* * *

Мағлубларга йиғлаш учун фақат кўз ёшини қолдирамиз.

* * *

Менинг сиёсатчи бўлишимни табиатнинг ўзи белгилаб берган. Гап шундаки, мен биринчи апрелда туғилганман.

* * *

Нодонлик — Тангри мархамати, лекин бу мархаматни суиистеъмол қилмаслик зарур.

* * *

Поляклар сиёсатда шоир ва шеъриятда сиёсатчидирлар.

* * *

Сиёсат аниқ фан эмас.

* * *

Сўз канча содда бўлса, у шунча таъсирчан бўлади.

* * *

Урушни бошлаш учун урушдан кейин ҳам ўз ахамиятини йўкотмайдиган қандайдир бир бахона топа олмайдиган давлат арбобининг ҳолига вой.

* * *

Кирол ҳукмронлик килади, лекин бошқармайди.

* * *

Ҳаёт мени кўп марта кечиришга ўргатди, кечирим сўрашга эса ундан ҳам кўп.

* * *

Ҳар қандай топшириқнинг бажарилишига бир киши ва фақат биргина киши жавобгар бўлиши лозим.

* * *

Ҳеч қачон уруш пайтидагидай, сайловдан олдингидай ва овдан кейингидай кўп ёлғон гапиришмайди.

Блез Паскаль

(1623—1662 йилларда яшаб ижод қилган францияли математик, физик, файласуф ва ёзувчи)

Адвокатга канча кўп ҳак тўлашса, унга химоясидаги иш шунча адолатли туюлади.

* * *

Адолат кучли, куч эса адолатли бўлиши керак.

* * *

Айбни ортиқча кўнгилчанликдан зиёд рухлантирадигани йўқ.

* * *

Барча фанларнинг тадқиқот майдони чексиздир.

* * *

Бахтсизликнинг маъноси истаганингни бажара олмаслигингдир.

* * *

Бизнинг қулоғимиз хушомадга ланг очилган эшик, ҳақиқатга эса — игнанинг тешиги.

* * *

Вақт оқими биздаги бор нарсанинг хаммасини олиб кетади.

* * *

Инсон фаришта ҳам эмас, ҳайвон ҳам. Унинг бахтсизлиги шундаки, у қанчалик фаришта ўхшашга ҳаракат қилса, у шунчалик кўп хайвонга айланади.

* * *

Инсон ўйлаш учун яратилган.

* * *

Киши қанчалик ақлли бўлса у шунча кўп асл инсонларни топади. Ўртамиёна кишилар эса инсонлар ўртасидаги фарқни билмайдилар.

* * *

Киши қанчалик ақлли ва фаросатли бўлса, одамлардаги яхшиликни шунча тез англайди.

* * *

Киши учун уни шарманда қиладиган ҳақиқат очилишидан кўркиб яшашдан ортиқ бахтсизлик йўқ.

* * *

Кишилар ўзини гуноҳкор хисоблайдиган тақводорларга ва тақводор ҳисоблайдиган гуноҳкорларга бўлинишади.

* * *

Кишининг арзимаган нарсаларни ҳис қилиб, катталарини фаҳм ламаслиги — қанчалик аянчли бузуқлик.

* * *

Кишининг инсонийлик сифатларига унинг айрим ҳаракатларига қарабгина эмас, балки унинг бутун ҳаёт тарзига қараб баҳо бериш зарур.

* * *

Кўришни истовчиларга атроф ёп-ёруғ, кўришни истамайдиганларга атроф зим-зиё.

* * *

Нодонга айланиш учун ишонишни бошланг.

* * *

Нутқнинг ҳаддан ташқари қисқалиги уни баъзида топишмоққа айлантириб қўяди.

* * *

Одатда ишнинг охиридагина биз уни нимадан бошлашимиз зарур бўлганлигини билиб оламиз.

* * *

Олдиндан кўра билиш — бошқариш дегани.

* * *

Тасодифий кашфиётни фақат тайёрланган оқиллар яратишади.

* * *

Уят ва виждон — биздаги ахлоқ ўргатувчи китобларнинг энг яхшиси, унга тез тез қараб туриш лозим.

* * *

Фикр қандай сўз билан ифодаланишига қараб ўзгаради.

* * *

Фақат ўзини яхши кўрувчи киши учун энг қийини — ўзи билан ёлғиз қолиш.

* * *

Энг ёркин нутқ ҳам, агар чўзилиб кетса меъдага тегади.

* * *

Яхши ахлоқ қоидалари алла качон ёзилиб бўлинган, бизга кичкинагинаси — унга итоат қилишгина колган.

* * *

Ўзингиз тўғрингизда яхши гапиришларини истасангиз — ўзингиз тўғрингизда яхши гапирманг.

* * *

Ўтмиш ва ҳозир — бизнинг воситамиз, фақат келажаккина мақсадимиз.

* * *

Қалб амри ҳар қандай ҳукмрон амридан юқоридир: кейингига итоат қилмаслик кишини бахтсиз қилса, дастлабкига итоат қилмаслик нодон қилади.

* * *

Қаршилик кўрсатадигангагина суяниш мумкин.

* * *

Қизиқ, аслига ўхшаган санъат асарига қойил қолишади, лекин унинг асли эса ҳеч қандай завқ пайдо қилмайди.

* * *

Қизиқувчанлик — бу ҳам манманликнинг бир тури, жуда кўп ҳолларда фақат шу тўғрида айтиб юриш учунгина билишни исташади.

* * *

Қиска хат ёзишга вактим бўлмагани учун узун хат ёздим.

* * *

Ҳаммадай гапиринг, ўзингизча ўйланг.

* * *

Ҳақиқат уни айтаётганга караганда ҳам эшитаётганга кўпрок фойдали.

* * *

Ҳакконийлик тушунчаси худди аёллар пардози каби ўзгаришга мойил.

Бобур

(Заҳириддин Муҳаммад ибн Умар шайх Мирзо 1483—1530 йилларда яшаган буюк шоир ва давлат арбоби)

Агар юз йил ва агар биргина кун яшасанг ҳам, кўнгил очувчи бу қасрдан кетиш керак бўлади.

* * *

Бекайд мену хароби сим эрмасмен,
Ҳам мол йиғиштурар лаим
эрмасмен.

* * *

Бировнингким бировдин кўнгли
қолур,
Киши юз сўз била кўнгулни олур.

* * *

Бори элга яхшилиғ қилғилки,
мундин яхши йўқ —
Ким, дегайлар даҳр аро қолди
фалондин яхшилиғ!

* * *

Бўлмадим умримда бир дам хотири
хуррам била,
Гар иликдин келса бир дамни
кечирманг ғам била.

* * *

Давлат учун кўнгулни зор этма!
Иззат учун ўзунгни хор этма!

* * *

Ёд этмас эмиш кишини ғурбатда
киши,
Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатда
киши.
Кўнглум бу ғарибликда шод
ўлмади, ох,
Ғурбатда севинмас эмиш албатта
киши.

* * *

Ёлғон сўз ила итоб этарсен,
Юз қаҳр бирла хитоб этарсен.
Гар ёлғони бўлса зоҳир, эй дўст,
Шарманда бўлурсен охир, эй дўст.

* * *

Ёмонлик қилганингдан кейин офатлардан эмин бўлма, чунки табиатнинг берадиган жазоси аниқдир.

* * *

Нафснинг касбидур ҳавою ҳавас,
Рух оллидадур булар ярамас.
Нафс душман дурур, яқин билгил,
Дўстум, бу сўзумни чин билгил.

* * *

Нечаким, қилдим вафо, кўрдум
жафо,
Нечаким кўрдум жафо, қилдим
вафо.

* * *

Шукр қилсанг неъмат фаровон бўлади.

* * *

Шухрат билан ёдланишни ҳакимлар иккинчи умр демишлар.

* * *

Шўр тупроқ ерда сунбул битмайди, ундай ерда умид уруғини нобуд қилма. Шунга ўхшаш, ёмонларга яхшилик қилиш ва яхшиларга ёмонлик қилиш ҳам ўрнида бўлмайди.

* * *

Юз ҳайфки зоеъ ўтибдур умри
азиз,
Афсуски ботил борадур умри азиз.

* * *

Яхши кишининг хонасидаги ёмон хотин шу дунёнинг ўзидаёқ дўзахдир.

* * *

Қолмади ҳурмат аҳли оламда,
Оламу олам аҳлидин юв илик.

* * *

Қўлдан келганича ҳеч бир дилга озор берма! Дилдан чиққан бир ох бир жаҳонни барбод қилади.

* * *

Ғафлат уйқусидан уйғон гар тилар
бўлсанг мурод,
Ким, етар мақсадга ҳар ким бўлса
ул бедоррок.

* * *

Хамма нарса: хоҳ соф олтин, хоҳ кумуш ва хоҳ қўрғошин бўлсин, барибир ўз аслига қайтади.

* * *

Ҳар бир юзага келган яхши-ёмонликни текшириб қарасанг, турмуш учун хайриятлидир.

* * *

Ҳар кимки вафо қилса вафо
топғусидир,
Ҳар кимки жафо қилса жафо
топғусидир.
Яхши киши кўрмагай ёмонлик
ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса жазо
топғусидир.

* * *

Ҳар кимдан яхши қоида қолган бўлса, анинг била амал қилмоқ керак, агар ота ёмон иш қилғон бўлса, яхши иш билан бадал этмоқ керак.

* * *

Ҳар кимки бу жаҳонга келаркан, охирида йўқликка кетади, абадий қолувчи ёлғиз Худодир.

Бюффон

(Пьер Огюстен Кароп, 1732—1799 йилларда яшаган француз комедиографи)

Агар бошлиқ бизга ёмонлик қилмаса, шунинг ўзи катта яхшилик.

* * *

Агар ҳаммани ўз иши билан машғул қилсак, бошқаларнинг ишига бурун суқишмас эдилар.

* * *

Аёлларни шафқатсиз дейиш уларга жуда ҳам ёқади.

* * *

Айби катталарнинг ҳиммати кичик бўлади — бу ҳаммага аён бўлган қоида.

* * *

Ақлли кишилар намунча нодон бўлишади!

* * *

Ақлни камситишнинг имкони йўқлиги учун сиқувга олиш йўли билан ундан қасд олишади.

* * *

Бизнинг давримизда айтмаслик керак бўлган гап ҳам куйланади.

* * *

Бирор нима тўғрисида фикр юритиш учун унга эга бўлиш шарт эмас.

* * *

Вақт ўтиши билан эски бемаъни гаплар ҳикматга, эски кичик уйдирмалар жуда катта ҳақиқатга айланади.

* * *

Вақт — ҳалол киши.

* * *

Ёмонлик олдида қўркувга берилсанг, қўркувнинг ёмонлигини сезасан.

* * *

Журъатсиз кишига ҳар қандай муттаҳам зулмини ўтказади.

* * *

Келаётган томонингга эмас, бораётган томонингга қара, ҳамма учун бу муҳим бўлиши зарур.

* * *

Киши мутлақо истамаган нарсасининг аниқлигини билишни ҳаммасидан ҳам кучлироқ истайди.

* * *

Кишиларнинг хулқини фақат ҳақиқатда улар ким эканликлари-

ни ўзига кўрсатибгина тўғрилаш мумкин.

* * *

Кўзланган мақсадга эришиш учун ишбилармонлик ҳам илмдан кам бўлмаслиги зарур.

* * *

Лаганбардор истеъдодсиз бўлсада ҳамма нарсага эришади.

* * *

Манманлик ва нодонлик доим бирга бўлишади.

* * *

Матбуотда босилган нодонлик фақат уни таркатиш қийин бўлган ерда куч олади.

* * *

Муваффакиятга эришиш қанча қийин бўлса ишга шунча дадил киришиш лозим.

* * *

Одат кўпинча камчилик ҳисобланади.

* * *

Оқил кишига ҳамма нарсани бир бошдан эшитиш шарт эмас, у бусиз ҳам кўп нарсани фахмлайди.

* * *

Фитна эртами кечми, уни бошлаганни ҳалок қилади.

* * *

Чиройли бўл, агар қўлингдан келса, камтар бўл, агар истасанг, лекин одамлар ўртасида фақатгина яхши ном чиқаришинг зарур.

* * *

Шамни ўчирадиган шамол манқалдаги оловни кучайтиради.

* * *

Эсингда бўлсин, ақлли киши ҳеч қачон ўзидан кучли билан курашмайди.

* * *

Яхши кишилар зарда қилишса — бу уларда кечиришга эҳтиёжнинг зўрлигини кўрсатади.

* * *

Яшаш — бу курашиш, курашиш — бу яшаш.

* * *

Ўнг қўли билан оладиган кишининг чап қўли тоза эмас деб шубҳаланса бўлади.

* * *

Қандай қилиб бўлса ҳам айбини топиш лозим бўлганнинг ҳамма нарсаси шубҳали кўринади.

* * *

Қонуний асосда исботлаш имконияти бўлмай тасдиклаш — тухмат қилишдир.

* * *

Ғариб кишининг ҳеч қандай камчилиги бўлмаслиги керак.

* * *

Ҳамма нарсадан камчилик топишни истасанг, ҳамма нарсадан шубҳаланаверасан.

* * *

Ҳамма нарсани пайқайверадиган бўлсанг, ёмон деб ном чиқарасан.

* * *

Ҳамма дардни даволайдиган восита йўқ.

* * *

Ҳар бир киши доимо кимнингдир фарзанди.

Буаст

(Пьер Клод Буаст, 1765—1824 йилларда яшаган француз олими)

Агар инсонларнинг хамма истаклари рўёбга чиққанида дунё дўзахга айланарди.

* * *

Баъзида хақиқатни билиш учун сир сифатида ёлғонни айтишади.

* * *

Бахт таърифининг турли-туманлиги шуни кўрсатадики, у бизга нотаниш нарса.

* * *

Биз бутун хаётимизни ундан оқилона фойдаланишни ўрганишга сарфлаймиз.

* * *

Билимсиз тасдиқлайди ёки ин кор қилади. Билимли иккиланади.

* * *

Илмнинг чегараси уфққа ўхшайди, унга қанча яқинлашсанг, шунча узоқлашади.

* * *

Илм — хазина, меҳнат унинг калити.

* * *

Инсонлар бошига ёғиладиган кулфатларнинг деярли барчаси чексиз бахт, хузур ва хукмронликка эришиш истаги оқибатида содир бўлади.

* * *

Келажакда бизни нима кутаётганини билмаганимиздан баъзида келаётган бахт билан хам курашамиз.

* * *

Китоб китоблар ёрдамида ёзилади.

* * *

Мард киши қийналса хам нолимайди, номард эса қийналмасидан олдин хам нолийди.

* * *

Мардлик — қаршилик кўрсатиш учун куч, жасурлик эса — ёмонга карши хужум учун.

* * *

Мақтаниш — лўнда қилиб айтиладиган бўлса, мен сендан яхшиман дегани.

* * *

Мехнатсиз, умидсиз ва одатсиз, хаётда нима қиларимизни билмас эдик.

* * *

Ношукурликнинг биринчи қадами — ўзига қилинган яхшилик сабабини текширишдир.

* * *

Нодонлар қайсарлиги зарурияттандир, уларнинг ғояси қанча кам бўлса унга шунча маҳкам ёпишишади.

* * *

Одатда, бугунни келажакка зарар билан алмаштирамиз.

* * *

Очкўзнинг қалби ёмғир истаб турган уммонга ўхшайди.

* * *

Разилнинг қувончи халол кишини ташвишлантиради.

* * *

Саранжомлик — бу ўзингга нисбатан хурматдир.

* * *

Сукут сақлаш ҳар доим ҳам ақллиликни тасдиқламайди, лекин нодон эмасликни тасдиқлайди.

* * *

Табиий бўлишга, худди шундай туюлиш истагидан ортиқ халақит берадиган нарса йўқ.

* * *

Таржима кўп ҳолларда матога тикилган сўзананинг орқа томонига ўхшайди.

* * *

Тақдир ҳаммани — кучлини ҳам, ожизни ҳам бир хилда олиб кетади, лекин эман дарахти шовқин солиб йиқилса, хас-чўп шовқин чиқармайди.

* * *

Турмушда ҳам худди табиатдагидек, биринчи совуқлик таъсирчан бўлади.

* * *

Фақат амалга ошадиганини истанг, шундагина сиз ўз ожизлигингиз туфайли бахтсиз эканингизни ҳис қилмайсиз.

* * *

Фақат умид ўлгандагина тақдирга тан берилади.

* * *

Фикрлайдиган бош ҳеч качон зерикмайди.

* * *

Хафа бўлиш кувончга караганда эсда узоқроқ сақланади.

* * *

Хушмуомалаликнинг етишмаслиги тарбия ва яхшиликнинг етишмаслигидан далолат беради.

* * *

Шартномани бузган томон иккинчи томонни ҳар кандай мажбуриятдан озод қилади.

* * *

Эски дўстларимиз бизни жуда ҳам яхши билишганидан кейин, биз янги дўстлар излаймиз.

* * *

Юқори мансабда, худди жуда баланд тепаликда бўлганидай, кишиларнинг боши айланади.

* * *

Ўз ноҳаклигини тан олиш — олдингидан ақллироқ бўлишдир.

* * *

Қалб ва тана соғлиги учун нафс ва иштаҳа ҳеч қачон тўла қаноатланмаслиги лозим.

* * *

Ҳаёсизлик киши камчиликларининг энг сўнгги босқичидир.

* * *

Ҳаёт бу тоғ, унга тик туриб чиқилади, ўтириб тушилади.

* * *

Ҳаёт йўли тўғрисида, одатда, унинг ярмидан кўпи босиб ўтилганидан кейин сўрашади.

* * *

Ҳар нарсага тайёр кишини ҳеч ким синдира олмайди.

* * *

Ҳеч качон муваффақиятсизликка учрамаган генерал, етарли даражада тажрибали эмас.

Виктор Гюго

(Гюго Виктор Мари, 1802—1885 йилларда яшаб ижод қилган француз ёзувчиси)

Агар ноумидлик бўлмаганида, умид киши қалбининг энг буюк кучи бўлар эди.

* * *

Айбдор ўз айбига иқрор бўлганида, у энг аввало ўз обрўсини сақлаб қолади.

* * *

Бахтсизларга илтифотингизни аямангглар, бахтлиларга мархаматли бўлинглар.

* * *

Буюк кишилар шохсупани ўзлари қуришади, хайкалини келажак ясайди.

* * *

Буюкликка энг якин турадигани — халолликдир.

* * *

Ватанга етказилган жарохатни хар ким ўз қалбининг тўри билан хис қилади.

* * *

Ватанига карши урушиб қахрамон бўлмайдилар.

* * *

Ватанни обрўсизлантириш уни сотиш билан тенгдир.

* * *

Денгиздан хам буюкроқ ягона чиройли манзара — бу осмон.

* * *

Дўстларнинг кўпчилиги қуёш соатларига ўхшашади, улар вактни кундузи, фақат қуёш чиқиб турганидагина кўрсатишади.

* * *

Золим кишилар эзгу ғояларга содиқ хизмат қила олмайдилар.

* * *

Инсон ақлининг хамма нарсани очувчи учта калити бор — билим, фикр ва тасаввур.

* * *

Камбағал бўла олмайдиган киши, озод бўла олмайди.

* * *

Келажак бундан кейин икки тоифадаги кишиларга тегишлидир: фикрловчи кишиларга ва меҳнат кишисига. Мохиятан улар бир бутунни ташкил қилади, чунки фикрлаш — меҳнат қилиш демакдир.

* * *

Кишига унинг фикридан кўра орзусига караб аниқроқ бахо берса бўлади.

* * *

Кишилар алдашга мажбур қилганни ёмон кўришади.

* * *

Кишиларда куч эмас, ирода етишмайди.

* * *

Кишини ўзгартиришни унинг момосидан бошлаш керак.

* * *

Кишининг буюклиги бўйининг баландлиги билан ўлчанмаганидай, халкнинг буюклиги хам унинг сони билан ўлчанмайди. Бунда ўлчам

сифатида унинг ақлий камолоти ва маънавий савияси хизмат қилади.

* * *

Кишининг ички дунёсида яхшилик — бу қуёш.

* * *

Кулги — бу қуёш, у кишининг юзидаги совуқни хайдайди.

* * *

Мактабларни очган қамоқхоналарни ёпади.

* * *

Манманлик — жисмимизда яшаб, ўзимизга қарши бўлган дахшатли куч.

* * *

Менинг учун куч ким томонда эканлиги эмас, ҳақиқат ким томонда эканлиги муҳим.

* * *

Музика — бу фикрловчи шовқин.

* * *

Мулоҳазали киши учун ҳаёт — комедия, таъсирчан киши учун эса — трагедия.

* * *

Ноумидлик бўлмаганида, умид киши қалбининг энг буюк кучи бўларди.

* * *

... Осмондан ҳам буюкроқ ягона гўзал манзара — бу инсон қалби.

* * *

Рухнинг кучлилигини таъминлаш учун танани тетик сақлаш зарур.

* * *

Сир тўрга ўхшайди, унинг бир катаги узилса бас, ҳаммаси тарқаб кетади.

* * *

Тақдир бир эшикни ёпмасдан, хеч қачон бошқа эшикни очмайди.

* * *

Тўла бахтли бўлиш учун бахтга эгалик қилиш етарли эмас, унга муносиб ҳам бўлиш зарур.

* * *

Фақат ёлғон билан яшайдиган кишига ҳақиқат бадбўйдай туюлади.

* * *

Чиройли иборалар чиройли фикрларни гўзаллаштиради.

* * *

Шоир — бу аниқ маънода файласуф, мавҳум маънода рассом.

* * *

Ялқовлик она бўлса, унинг ўғли — ўғирлик, қизи — очликдир.

* * *

Яхши бўлиш қийин эмас, одил бўлиш қийин.

* * *

Қирқ ёш — ёшликнинг кексайгани, эллик ёш — кексаликнинг ёшлиги.

* * *

Қўркув устидан қозониладиган ғалаба бизга куч бағишлайди.

* * *

Ҳақиқатдагисини ошириб кўрсатиш қўркувга хосдир.

Вовенарг

(Люк де Клапье Вовенарг 1715—1747 йилларда яшаб ижод қилган француз файласуфи ва ёзувчиси)

Агар афоризм тушунтиришни талаб қилса, демак у муваффақиятсиз чиққан.

* * *

Агар жиддий фикрлар изҳор қилмоқчи бўлсангиз беҳуда гапларни гапиришдан сақланинг.

* * *

Агар фикрни оддий сўзлар билан ифодалаб бўлмаса, у фикр кераксиздир ва уни айтмаслик зарур.

* * *

Ахлоқни бузиш уни тузатишдан осон.

* * *

Ақл билимнинг ўрнини босмайди.

* * *

Бахтсизликдаги энг ишончли суянчик ақл эмас, мардликдир.

* * *

Баъзилар ўзлари сезмаган холда бахтли яшашади.

* * *

Бекорчилик, меҳнат қилгандан ҳам кўпроқ чарчатади.

* * *

Биз баъзида самимийлигига ўзимиз ҳам ишонмайдиган мақтовларни ҳам ёқтирамиз.

* * *

Биз зарурига караганда ҳам бефойда нарсаларни кўп биламиз.

* * *

Биз кишилардаги кўп камчиликларни осонгина пайқаймиз, лекин уларнинг яхши томонларини кам тан оламиз.

* * *

Бир кишини бошқариш баъзида бутун бир халқни бошқаришдан ҳам қийин бўлади.

* * *

Буюк ишларни ижод қилиш учун худди ҳеч қачон ўлмайдигандай яшаш зарур.

* * *

Буюк кишилар, ҳатто майда ишларда ҳам буюк бўлишади.

* * *

Буюк фикрлар қалбдан чиқади.

* * *

Виждон ҳукмронлик қилади, лекин бошқармайди.

* * *

Камчиликлари ҳаммага аён бўлиб қолган кишилар билан дўст бўлганлигидан уяладиган киши паст кишидир.

* * *

Кишилар ўзи ёмонлик қиладиган кишисига доим нафрат билан қарашади.

* * *

Кўрнамакликнинг энг аянчлиси ва шунинг билан бирга энг кексаси — бу фарзандларнинг ўз ота-оналари қадрига етмаслигидир.

* * *

Мақтовга ҳаддан зиёд зиқналик — ақли камликнинг аниқ белгисидир.

* * *

Нодонлар сиз ўйлаганингизча кўп эмас, фақат кишилар бир-бирини тушунишмайди.

* * *

Овқатланишдан сақланиш тана учун қанчалик зарур бўлса, ёлғизлик ҳам ақлга шунчалик зарур, лекин у ҳаддан зиёд узоқ давом қилса фожиали тугаши мумкин.

* * *

Одам бўлмай туриб, одил бўлиб бўлмайди.

* * *

Одатда кишилар ўз якинларини яхшилик қиламан деган баҳона билан азоблайдилар.

* * *

Ожизлар нафрати уларнинг дўстлигига қараганда хавфсизроқ.

* * *

Олий мансаб баъзида истеъдодли бўлиш заруриятидан ҳам халос қилади.

* * *

Раҳмдиллик одилликдан афзалдир.

* * *

Сабр-тоқат — бу умид қилиш санъатидир.

* * *

Уйдирма тўқишни билмайдиганнинг имкони битта — тўғрисини гапириш.

* * *

Умидсизлик бизнинг энг катта янглишишимиздир.

* * *

Фақатгина ёзувчининг хатосини топиш учун ўқийдиганлар ҳам бўлади.

* * *

Хотиржамлик мулоҳазалилик йўлини ёритади.

* * *

Энг фойдали маслаҳат — осон бажариладиганидир.

* * *

Ялқовлар ҳар доим ниманидир қилмоқчи бўлишади.

* * *

Янгиликни татбиқ қилишнинг жуда ҳам қийинлиги унга зарури ятнинг йўқлигини билдиради.

* * *

Ўз туйғунгни англаш ҳис қилишни кучайтиради.

* * *

Қариганда дўстлар сони кўпаймайди, у пайтдаги йўқотиш абадийдир.

* * *

Қашшоқлик кишиларни шундай хўрлайдики, улар ҳатто ўзларининг эзгу ишлари учун ҳам уялишади.

* * *

Қўрқув ва умид кишини ҳамма нарсага ишонтириши мумкин.

* * *

Ҳамма кишилар самимий бўлиб туғилиб, ёлғончи бўлиб оламдан ўтадилар.

Вольтер

(Мари Франсуа Аруэ, 1694—1778 йилларда яшаган француз файласуфи, ёзувчиси ва маърифатпарвари)

Агар киши ўзини ёшига монанд тутмаса, бунинг учун доим жазосини олади.

* * *

Айтишга гап топилмаганида, доимо ёмон гапирилади.

* * *

Ақли йўқ кишилар билан тинч яшашлик — бу ақлнинг тантанаси ҳисобланади.

* * *

Бахт — бу орзу, ғам бўлса ҳақиқат.

* * *

Биринчи қаторда фойдасиз бўлган, иккинчи қаторда ўзини яққол намоён қилиши мумкин.

* * *

Бу дунёда муваффақиятга эришиш учун фақат нодон бўлиш камлик қилади, яхши одатларга ҳам эга бўлиш даркор.

* * *

Буюк кулфатлар доимо очкўзликнинг меваси бўлиб келган.

* * *

Буюк тўсқинликларсиз буюк ишлар бўлмайди.

* * *

Ватан киши қалби асир бўлган ўлка.

* * *

Дунёларнинг энг яхшиси бўлган бизнинг оламимизда ҳамма нарсани яхшиликка йўйиш даркор.

* * *

Дунёнинг барча иззат ва эҳтироми биргина яхши дўстчалик бўлмайди.

* * *

Ер Тангри масканларидан бири.

* * *

Жуда ҳам паст кишиларнинг кибру ҳавоси жуда ҳам баланд бўлади.

* * *

Зерикарли бўлиш санъати ҳамма нарсаларни гапиравериш дан ташкил топади.

* * *

Камтар бўлиш яхши, лекин бепарво бўлмаслик керак.

* * *

Кишилар зиқнадан ҳеч нима олиб билмаганликлари учун ҳам уни ёмон кўришади.

* * *

Кишининг жавобига эмас саволига қараб баҳо бер.

* * *

Кўнгли очиқлик ва меҳнатсевар камбағаллик — кишининг табиий ҳолатидир.

* * *

Кўп тилларни билиш — бир қулф учун кўп калитга эга бўлишдир.

* * *

Миннатдорчилик ҳар доим ҳам чиройли сўзлар билан изҳор қилинавермайди.

* * *

Одат тусига кириб колган ҳамма нарса кам баҳоланади.

* * *

Озодлик фақат конунларга итоат килишга боғлиқ.

* * *

Олдиндан тушунтирилган ҳазил ҳазил бўла олмайди.

* * *

Тарбия кобилиятни яратмайди, уни фақат ўстиради.

* * *

Уруш оға-ини бўлиб яшаш учун туғилган кишиларни ёввойи хайвонларга айлантиради.

* * *

Фақат бирон-бир янгилик айтиш истагида бўлган кишилар томонидан қанчалик ахмоқона гаплар айтилади.

* * *

Фақат ожизларгина жиноят қилишади: кучли ва бахтли кишига у зарур эмас.

* * *

Фақат табиий нарсаларгина гўзал бўлади.

* * *

Фойдаланинг, лекин суиистеъмол қилманг — донишмандликнинг қоидаси шундай.

* * *

Хулқларни ўзгартириб миллатни улуғлаш ёки обрўсизлантириш хукуматга боғлиқ.

* * *

Яхши ёзадиган муаллифларни ўқиб кишилар яхши гапиришга кўникишади.

* * *

Ўзгалар сирини айтиш сотқинлик, ўз сирини айтиш нодонликдир.

* * *

Ўзингни ўзгартириш қанчалик қийинлигини ўйла, шунда сен ўзгаларни ўзгартира олиш имкониятинг қанчалик пастлигини тушунасан.

* * *

Ўқувчиларинг мамнун бўлишлари учун ўзингдан жуда ҳам мамнун бўлма.

* * *

Қонунларнинг кўплиги, худди табибларнинг кўплиги каби касалликнинг кўплиги ва ожизликнинг белгисидир.

* * *

Қонунлар фуқароларни нафақат кўркитиш учун, балки уларга ёрдамлашиш учун ҳам зарур.

* * *

Ҳаётнинг охири қайғули, ўртаси хеч нимага арзимайдиган, бошланиши эса кулгили.

* * *

Ҳар бир ота ўз уйида хўжайин бўлиши керак, қўшнининг уйида эмас.

* * *

Ҳақиқатни яхши кўр, лекин янглишишга илтифотли бўл.

* * *

Ҳақиқий мардлик кулфат тушганида аниқланади.

Гегель

(Георг Вильгельм Фридрих, 1770 – 1831 йилларда яшаган немис файласуфи)

Ахлоқсиз муносабатларнинг энг ахлоқсизи болаларга ва кулларга қилинган муносабатдир.

* * *

Бахт сири кишининг «мен» доирасидан чиқиш қобилиятидан иборат.

* * *

Бойўғли коронғилик туша бошлагандан кейингина учади.

* * *

Виждон қонунлардан фарқли равишда, давлат тизимида хукукга эга эмас, чунки киши ўз виждонига мурожаат қилганида, бировда у бир хил, бошқасида эса бошқа хил виждон бўлиши мумкин.

* * *

Дунёга оқилона қарамаган кишига, у ҳам оқилона қарамайди.

* * *

Дунёдаги ҳеч бир буюк иш катта иштиёқсиз амалга ошмайди.

* * *

Ёрдам ёрдам олаётган кишининг истагига қарши бўлмаслиги керак.

* * *

Киши эркин бўлиши учун тарбияланади.

* * *

Менинг хамма шогирдларимдан фақат биргинаси мени тушунди, лекин у хам мени нотўғри тушунди.

* * *

Нутқ — ғоят кучли восита, лекин ундан фойдаланиш учун кучли ақл зарур.

* * *

Озод бўлмаган киши учун ўзгалар хам озод эмас.

* * *

Совлом фикр — бу ўз даври хурофотларининг йиғиндиси.

* * *

Хушмуомалалик хайрихоҳлик ва хизматга тайёрлик белгисидир, айниқса, бу яқин таниш ёки дўст бўлмаганлар муносабатига тааллуқлидир.

* * *

Ҳеч нимани ҳал қила олмайдиган эрк ҳақиқий эрк эмас: бўшанг киши ҳеч қачон бирор нимани ҳал қила олмайди.

Генри Бичер

(Бичер Генри Уорд, 1813—1887 йилларда яшаган Америка жамоат арбоби)

Бу дунёда бизни олаётганимиз эмас, бераётганимиз бадавлат қилади.

* * *

Буюклик кучли бўлишда эмас, балки ўз кучидан тўғри фойдалана билишда.

* * *

Димоғдор киши миннатдор бўлмайди, у доимо ўзининг хизматига лойиқ олмаётганига ишонади.

* * *

Кишиларни иш эмас ғам ташвиш ўлдиради. Ғилдиракни айланиш эмас, ишқаланиш ишдан чиқаради.

* * *

Кишининг бирор-бир сирни билишини билмоқ, сирнинг ярмини билмоқдир.

* * *

Лозим бўлганда ўзини қўлга ола билмаган кишини оқил киши деб бўлмайди.

* * *

Мамлакатда нима содир бўлаётганини газеталардаги мақолаларга қараганда эълонлардан аниқроқ билса бўлади.

* * *

Энг азоблиси — ёмонлик қилинган кишидан раҳмат эшитиш.

* * *

Она алласи кишига то умрининг охиригача ҳамроҳлик қилади.

* * *

Тангри бизни кўпинча бахтсизлик воситасида тоблаб, мукаммалроқ қилади.

* * *

Тасаввурсиз қалб худди телескопсиз обсерваторияга ўхшайди.

* * *

Уйланишда омади келган гўёки бир қанотга эга бўлади, омади келмаган эса — кишанга.

* * *

Шафқат қилиш айблашга қараганда кўпроқ гунохни даволайди.

* * *

Худбинлик шундай жирканч иллатки, бировникини хеч ким кечирмайди ва ўзида бўлса хеч ким тан олмайди.

* * *

Яхши иш қилган бирорта ҳам киши унинг мукофотига берганидан кам олган эмас.

* * *

Ғайрат ва қайсарликнинг фарқи шундаки, биринчисида истак устунлик қилса, иккинчисида аксинча, истамаслик устунлик қилади.

Генрих Гейне

(1797—1856 йилларда яшаган немис шоири ва публицисти)

Ахлоқ — бу қалбнинг ақли.

* * *

Ақлли кишилар баъзида нодон бўлишганидай, нодонлар баъзида жуда ақлли ҳам бўлишади.

* * *

Бекорчи киши хеч қачон бахтдан тўлиқ ҳузурлана олмайди, унинг юзида доим норозилик ва лоқайдликни кўриш мумкин бўлади.

* * *

Бу дунёда нодонлик кишилардан кўп.

* * *

Бундай қараганда нима учун ўлишинг барибирдай туюлади, лекин бирор яхши кўрган нарсанг учун ўлсанг, бундай содиқ ва ёқимли ўлим совуқ ва бевафо яшашдан афзалдир.

* * *

Бу жуда ҳам олдин бўлган эди. У пайтлари мен ёш ва нодон эдим. Ҳозир эса кекса ва нодонман.

* * *

Донишмандлар ўз фикрларини ўйлайдилар, нодонлар эса сўзлайдилар.

* * *

Дунёдаги барча чиройли ва яхши нарсаларнинг охири яхшилик билан тугамайди.

* * *

Ер ва осмон орасида шундай нарсалар ҳам борки, уларни нафақат файласуфларимиз, ҳатто оддий тентакларимиз ҳам тушунишмайди.

* * *

Ёнингда қилич тақиб юриш одатдан чиққанидан бери ўткир тилга эга бўлиш мутлақо зарур.

* * *

Инсон — жонзотларнинг энг мағрури, шоир эса — инсонларнинг.

* * *

Камчилик жуда ҳам катта бўлса у кам ғазаблантиради.

* * *

Кексаларни даволашга серғайрат врачлар киришишса, улар ўз кунидан олдин ўлишади.

* * *

Киши қанча буюк бўлса, унга танқид ўқини тегизиш шунча осон бўлади, тубан кишиларга тегизиш қийинроқ.

* * *

Маймунлар одамларга маймунлар зотининг бадбашарасидай қарашади.

* * *

Мен аёлларни характерга эга эмас деб айтмоқчи эмасман, улар фақат ҳар куни бошқа характерга эгалар.

* * *

Мен билган ягона гўзаллик бу — саломатлик.

* * *

Меҳрибонлик гўзалликдан яхши.

* * *

Оқил ҳамма нарсага эътибор қилади. Нодон ҳамма нарсага гап топади.

* * *

Талантни биргина кўринишидан билса бўлади, лекин характерни билиш учун узоқ вақт ва доимий муносабат зарур бўлади.

* * *

Фақат биргина оқиллик мавжуд ва у ўзининг чегараларига эга, лекин минглаб нодонликлар мавжуд ва уларнинг ҳаммасининг чегараси йўқ.

* * *

Чиройли сўзлар, кўпинча, оқсоқ фикрларга қўлтиқтаёқ бўлиб хизмат қилади.

* * *

Эзгулик гўзалликдан афзал.

* * *

Яхшилар ўлган ерда ёмонлар ғалаба қозонади.

* * *

Яҳудийлар юртини мен доим Шаркга тушиб қолган Ғарбнинг бир бўлагидай тасаввур қилганман.

* * *

Ўзининг ожизлигини ота-боболарининг хизматлари билан ёпувчи киши нодондир.

* * *

Ўтмиш — киши қалбининг ватанидир, баъзан бизни ўтмиш дамларига соғинч ҳислари чорлайди, ҳатто у ғамли бўлса ҳам.

* * *

Қарз сўрашни ва ҳазилни тўсатдан қилмоқ зарур.

* * *

Қаҳрамонлар сахнани тарк этганларидан кейин масхарабозлар пайдо бўлишади.

* * *

Қонунларга бўйсунмаслик энг қутқарувчи ҳимоядан маҳрум бў-

лишдир. Чунки қонунлар бизни нафақат бошқалардан, балки ўзимиздан ҳам ўзимизни ҳимоя қилиши зарур.

* * *

Қулнинг ватани қамчи бор ерда.

* * *

Ҳамма замонларда ярамас кишилар ўзларининг қабих ишларини дин, ахлоқ-одоб ва ватанпарварликка содиқлиги билан никоблаб келишган.

* * *

Ҳамманинг ҳам нодон бўлиш ҳуқуқи бор.

* * *

Ҳар бир даврнинг ўз муаммолари бор, уларни ечиш инсоният тараққиётини таъминлайди.

* * *

Ҳар ким ўзича буюк ва азамат.

* * *

Ҳеч нарса билан банд бўлмаган киши ҳеч қачон тўлиқ бахтдан бахраманд бўлмайди, бекорчининг башарасидан ҳар доим норозичилик изини кўрамиз.

* * *

Ҳукмдорлар келишади ва кетишади, халқ қолади, фақат халқ абадийдир.

Генри Дэвид Торо

(1817—1862 йилларда яшаб ижод қилган америкалик ёзувчи ва мутафаккир)

Агар киши атрофдагилари билан бирга қадам ташламаса, эҳтимол бу унинг бошқа барабан товушига қулоқ солаётганидандир. Унга эшитаётган мусиқасига монанд қадам ташлаш ижозатини беринг.

* * *

Барча яхши нарсалар арзон, ёмон нарсалар эса жуда қиммат.

* * *

Биринчи навбатда мумтоз асарларни ўқинг, акс ҳолда бунга улгурмай қоласиз.

* * *

Бировнинг жаҳлини чиқармай туриб ундан ўткир танқидни эшита олмайсиз: аччиқ ҳақиқат доимо зарда билан айтилади.

* * *

Ёшлигимизда юқори ва осон қўлга киритиладигандай кўринган мақсадлар, ёш ўтган сайин узоқлашаверади, узоқлашаверади.

* * *

Инсон — ўз бахтининг ижодкори.

* * *

Китобни худди ёзилган пайтидагидай шошмасдан, авайлаб ўқиш зарур.

* * *

Кимнинг қувончи кам маблағ талаб қилса, у ҳаммадан бадавлат.

* * *

Киши ҳеч қачон ҳалол ва шу билан бирга мўл-кўлчилик ҳамда хурматда яшай олмайди.

* * *

Кишини ёмон яшаётганлигига ишонтиришни истасангиз, яхши яшанг: лекин уни сўз билан ишонтиришга ҳаракат қилманг. Кишилар кўрганига ишонишади.

* * *

Орзулар бизнинг характеримизнинг асосидир.

* * *

Ортикча пулга ортикча нарсаларни сотиб олиш мумкин. Қалбга зарур нарсалардан ҳеч бирини эса пулга сотиб олиб бўлмайди.

* * *

Тун коронғилиги кўкдаги ёриткичлар жилосини кўрсатганидай, бизни ўраб олган қашшоқлик ва хўрлик коронғилиги ҳаётнинг маъноси ва гўзаллигини кўрсатиб беради.

* * *

Эътиқодим ҳам, тажрибам ҳам менга шуни англатдики: дунёда яшаш машаққатли меҳнат эмас, агар оддий ва оқилона яшасанг, бу вақтичоғликдир.

* * *

Ҳатто дунёдаги энг яхши нарсалар ҳам ўз мактовига лойик эмас.

Генри Форд

(1863—1947 йилларда яшаган Америка автосаноатчиси)

Биз учун қизиқарли бўлган ҳар нима ҳеч қачон оғирлик қилмайди.

* * *

Ишонч — кишининг энг фойдали куролларидан бири.

* * *

Капиталнинг асосий максади, имконияти борича кўп пул топиш эмас, пулни ҳаётни яхшилаш учун йўналтиришга эришишдир.

* * *

Мен ҳеч қачон «Буни қилишингиз шарт» демайман. Мен «Буни қила олармиксиз?» дейман.

* * *

Муваффакиятларимнинг сири бошқа кишининг фикрини тушуна олганимдан ва ишга унинг нуқтаи назаридан ҳам, ўзимнинг нуқтаи назаримдан ҳам қарай олишимдан иборат.

* * *

Омадсизлик ишни фақат онгли равишда, қайта бажаришга сабабчи бўлади. Омадсизлик уят эмас, унинг олдидаги кўркув уят.

* * *

Очкўзлик — кўзи ожизликнинг бир тури.

* * *

Талон-торожлик кўпинча ўз ишимизга етарли даражада эътиборсиз карганимиздан ёки уни палапартиш бажарганимиздан келиб чикади.

* * *

Фақат иккита омил — яхши маош ва иш жойини йўқотишдан кўркиш кишиларни ишга рағбатлантиради.

* * *

Ўйланиш — жуда ҳам кийин иш. Эхтимол, шунинг учун ҳам жуда оз кишилар бу иш билан шуғулланишади.

* * *

Ўтмиш фақат ривожланиш йўли ва омилини кўрсатиш билангина фойдали.

* * *

Ҳар қандай машина элликта оддий кишининг бажарган ишини бажариши мумкин. Лекин ҳеч қандай машина биттагина атоқли кишининг бажарган ишини бажара олмайди.

* * *

Ҳеч қачон билган нарсаларингнинг ҳаммасини бировга айтишга ҳаракат қилма. Бу қутилмаганда жуда ҳам кам вақтни олиши мумкин.

Генри Шоу

(Генри Уилер Шоу, тахаллуси Жош Биллингз, 1818—1885 йилларда яшаб ижод қилган Америка ёзувчиси)

Бизни, айниқса, майда нарсалар кўпроқ ташвишга солади ва азоб беради, биз пашшага қараганда филдан ўзимизни осонгина четга олишимиз мумкин.

* * *

Бошқаларига қараганда кўпроқ товуш чиқарган ғилдираккина мойланади.

* * *

Жимлик — энг қийин инкор қилинадиган далиллардан бири.

* * *

Инсон ғиштга ўхшайди, пишган сайин қотади.

* * *

Ит — сизни ўзингиздан ҳам яхшироқ кўрадиган ягона жонзот.

* * *

Ишонмаслик — нодоннинг донолиги.

* * *

Кўнгилсизликларимизнинг ярми «ҳа» сўзини жуда ҳам тез айтишимиздан, «йўқ» сўзини етарли даражада тез айтмаслигимиздандир.

* * *

Меҳр телескоп орқали кўради, ҳасад — микроскоп орқали.

* * *

Муз қанчалик юпқа бўлса, унинг кўтара олишига қизиқувчилар шунча кўп бўлади.

* * *

Ожиз киши дўстингиз бўлганидан, душманингиз бўлгани яхши.

* * *

Пулга яхши итни сотиб олиш мумкин, лекин ҳеч қандай пулга уни думини ликиллатишга мажбур қилиб бўлмайди.

* * *

Табиат ҳеч қачон янглишмайди, агар у нодонни яратса, демак, у шуни истайди.

* * *

Тажриба шундай мактабки, унда киши олдин қанчалик нодон эканлигини билади.

* * *

Яхши обрўга эга бўлиш учун намойишкорона сарфла ва яширинча ўғирла.

* * *

Қанча кам билсак, шунча кўп шубҳаланамиз.

* * *

Ҳеч қачон башорат қилманг: башоратингиз нотўғри бўлиб чиқса, уни ҳеч ким эсдан чиқармайди, агар тўғри бўлса, уни ҳеч ким эсламайди.

Гераклит

(Милоддан аввалги 530—470 йилларда яшаб ижод қилган юнон файласуфи)

Агар қуёш бўлмаса, туннинг нималигини биз билмаган бўлардик.

* * *

Касаллик — саломатликни, очлик — тўқликни, чарчаш — оромни ёқимли қилади.

* * *

Кишиларнинг ҳамма истаклари амалга ошганида улар учун яхши бўлмаган бўларди.

* * *

Кўз қулоққа қараганда аниқроқ гувоҳ.

* * *

Кўп билмоқ, бу кўп тушунмоқ дегани эмас.

* * *

Кўпбилармонлик кишини ақлли қилмайди.

* * *

Маймунларнинг энг чиройлиси ҳам бадбашарадир.

* * *

Совуқ нарса қизийди, иссиқ нарса совийди, нам нарса қурийди, қурук нарса нам бўлади.

* * *

Табиат яширинишни яхши кўради.

* * *

Уруш ҳамма нарсанинг отаси. У баъзи бировларни бой қилди, бошқаларни эса инсон, баъзиларни қул, бошқаларни эса озод.

* * *

Халқ, худди қалъа деворини душмандан ҳимоя қилганидай, қонунни ҳам бузилишидан асраши лозим.

* * *

Характер тақдирни яратади.

* * *

Ўзбошимчаликни ўтдан ҳам олдин ўчириш зарур.

* * *

Ҳайвонлар биз билан бирга яшаб хонакилашади, кишилар эса бир-бири билан муомалада бўлиб вахшийлашади.

* * *

Ҳақиқат ёлғончи ва алдамчиларни фош қилади.

* * *

Ҳамма нарса ҳаракатда.

* * *

Ҳаммаси ўтади, ҳаммаси ўзгаради.

Гердер

(Гердер Иоганн Готфрид, 1744—1803 йилларда яшаган немис файласуфи ва адабий танқидчиси)

Гўзаллик қўшимча зийнатларга муҳтож эмас — уни ҳаммасидан ҳам зийнатлар йўқлиги гўзаллаштиради.

* * *

Дунёни иккита золим ҳукмдор бошқаради: тасодиф ва вақт.

* * *

Ёлғиз киши — ожиз жонзот, бошқалар билан бирлашгандан кейин эса — кучли.

* * *

Жазо шармандалик эмас, жиноят шармандалик.

* * *

Индамасдан рози бўлиш, кўпинча кучли истаган нарсасини олишини, ожиз эса қўлидан ҳеч нарса келмаганидан кейин чидаб, ўзида борини унга беришини билдиради.

* * *

Кишининг иштиёқи ўзига ўлжа излаб доимо уйғоқ бўлади, ақли эса, то уйғотгунларича доимо уйқуда.

* * *

Кўп нарсани бошидан кечирган киши кўп нарсани билади. Ялқов ва бекорчи киши ўз кобилиятини ҳам, нимага қодир эканини ҳам билмайди.

* * *

Мақоллар — бу халқ кўзгуси.

* * *

Муҳтожлик ва вазият кишини ҳар қандай йўлга солиши мумкин.

* * *

Сабабини кўрмай фақат камчилигини кўрадиган киши фақат ярмисини кўради, агар у сабабини ҳам кўрганида эди, унинг қаҳри раҳмдилликка айланган бўларди.

* * *

Ўткир оқиллар фикри билан танишиш ақл учун яхши машқдир: у онгни ўстиради ва фикрни равшанлаштиради.

* * *

Ҳар қандай аёлнинг хатосида эркакнинг айби бор.

* * *

Ҳақиқий буюклик ўз кучини ҳис қилишга асосланади, сохта буюклик эса — бошқаларнинг ожизлигига.

Геродот

(Милоддан аввалги 484—425 йилларда яшаган юнон тарихчиси)

Агар бир куни ҳамма ўз гунох ва камчиликларини бозорга олиб чиққанларида эди, қўшнисининг камчиликларини кўрган ҳар ким ўз камчиликларини қувона-қувона уйига қайтариб олиб кетган бўлар эди.

* * *

Агар қарши фикр билдирилмаса яхшисини танлашнинг имкони йўқ.

* * *

Ачинишга сабаб бўлганингиздан ҳасадга сабаб бўлганингиз яхши.

* * *

Бажаришга қарор қилган кишига одатда омад йўлдош бўлади, аксинча, фақат иккиланадиган ва сусткаш кишиларнинг иши камдан-кам вақтларда ўнгидан келади.

* * *

Вазият кишиларни бошқаради кишилар вазиятни эмас.

* * *

Дунёдаги барча халқларга энг яхши урф-одат, расм-русумларни танлаш сўралганида эди, ҳар бир халқ уларни диққат билан ўрганиб чиқиб шубҳасиз ўзиникини танлаган бўларди.

* * *

Киши учун энг оғир азоб — ҳаммасини билиш, тушуниш ва унга қарши курашишга кучи етмаслик.

* * *

Мерган ўкланган камонининг ипини фақат зарур пайтдагина тортади. Агар камоннинг ипи доимо таранг тортилиб турилганида у узилиб кетган бўлар эди. Инсон табиати ҳам шундай. Агар киши ҳеч қандай ўйин-кулги ва ҳазилсиз фақат жиддий ишлар билан шуғулланганида, у шубҳасиз ё жинни бўлиб қолади, ё фалаж.

* * *

Одатда кишилар тушида кунду зи ўйлаганларини кўришади.

* * *

Тинчлик кунлари ўғиллар оталарини дафн қилишади, уруш пайтида оталар ўғилларини.

* * *

Тухмат шуниси билан ҳам аянчлики, унинг қурбони бир киши бўлади, ижодкори эса икки: тухматни тарқатувчи ва унга ишонувчи.

* * *

Ғамни ғам билан тузатма.

* * *

Мен айтилган ҳамма гапларни эшитишга мажбурман, лекин ҳаммасига ишонишга мажбур эмасман.

* * *

Ҳар қандай мажбурлаш ҳам имконияти йўқни бажартира олмайди.

Герцен

(Александр Иванович Герцен, 1812—1870 йилларда яшаб ижод қилган рус ёзувчиси)

Азоб, оғрик — бу курашга чорлаш, бу эътиборни хавфга қаратувчи ҳаёт кичқириғи.

* * *

Бемаъни жавоб ўринли саволларни ўлдиради ва ақлни чалғитади.

* * *

Гап билан иш бир хил бўладиган характер кучига эга бўлиш зарур.

* * *

Дахшатли жиноятлар дахшатли оқибатларга олиб келади.

* * *

Душманларни кечириш — улкан мардлик, лекин ундан ҳам улканроқ ва инсоний мардлик борки, бу душманларни тушунишдир, чунки тушуниш — бу бир вактнинг ўзида ҳам кечириш, ҳам оклаш, ҳам ярашишдир.

* * *

Инсониятнинг бутун ҳаёти бирин-кетин китобларда ўрнашиб қолган: қабилалар, давлатлар, кишилар йўқолиб кетган, китоб бўлса қолган.

* * *

Киши ҳаётининг уфқи кўринганидан ҳам дахшатлироқ нарса йўқ.

* * *

Оддий ва тушунарли қилиб айтилмайдиган фикр йўқ.

* * *

Оила фарзандлардан бошланади.

* * *

Сўз ўлмаган ерда иш ҳам ўлмайди.

* * *

Чидай олмаслик муросага келиш билан тарбияланади.

* * *

Шахсни жамиятга, халққа, инсониятга, ғояга бўйсундириш — инсониятни қурбон қилинишининг давомидир.

* * *

Ўз даври ўтиб кетганидан кейин орадан ҳам чиқиб кета олмайдиган, олдинга ҳам ҳаракатлана олмайдиган киши учун вақтида ўлиш қанчалик бахт

* * *

Ўтмишни тўлиқроқ англаб бугунни тушунамиз, ўтмиш маъносига чуқурроқ тушунсак келажак маъносини очамиз, орқага қараб олдинга қадам ташлаймиз.

* * *

Қийин фан йўқ, фақат фаннинг моҳиятини баён қилишда қийинчилик бор.

* * *

Ҳақиқатни тан олиш — доноликнинг бошланишидир.

Гёте

(Иоганн Вольфганг, 1749—1832 йилларда яшаб ижод қилган немис шоири, олими ва мутафаккири)

Агар ақлли киши нодонлик қилса, унинг қиладиган нодонлиги кичик бўлмайди.

* * *

Агар камалак узоқ туриб қолса, унга қарамай қўйишади.

* * *

Агар киши янглишса, буни ҳамма сезади, агар у алдаса, буни ҳамма ҳам билавермайди.

* * *

Агар киши ўз организми ёки руҳий ҳолатини ўрганиш билан шуғулланса, шубҳасиз у ўзини касал деб тан олади.

* * *

Барча оталар ўзларининг эриш маганига фарзандлари эришишларини исташади.

* * *

Биз ҳеч қачон истагимизга етишдик деб фараз қилган пайтимиздагидай истагимиздан узоқда бўлмаймиз.

* * *

Бизни ўқитаётган кишиларни ўқитувчи деб тўғри номлашган, лекин бизни ўқитаётганларнинг ҳаммаси ҳам шу номга лойиқ эмас.

* * *

Биринчи тугмани тўғри қадамаган, бошқаларини ҳам тўғри қадай олмайди.

* * *

«Бўлиб ол ва эгалик қил» — оқилона қоида, лекин «бирлаштир ва йўналтир» — ундан ҳам яхши.

* * *

Вақтни йўқотиш унинг қадрига етадиган киши учун ҳар нарсадан оғир.

* * *

Дадил фикрлар худди шашка ўйинидаги шашкалар ролини бажаришади: улар қурбон бўлишади, лекин ғалабани таъминлашади.

* * *

Дунёда нимани кўриш хаммасидан қийин? Кўз олдимизда ётган нарсани.

* * *

Ёмон кайфият ялқовликнинг бир тури.

* * *

Ёш шоирлар сиёҳга сувни кўп қўшишади.

* * *

Жиноятчиларга жазо бера олмайдиган судья уларнинг жиноятига шерик бўлиб қолади.

* * *

Иккита қарама-қарши фикрлар орасида ҳақиқат ётади дейишади. Асло ундай эмас, улар орасида муаммо ётади.

* * *

Илм чўққисини эгалламоқчи бўлган олдиндан унга кўпчилик қарши бўлишини билиши лозим.

* * *

Илми саёз бўлганлигидан ҳар ким бошқани ўзига ўхшатиб тарбиялашга ҳаракат қилади.

* * *

Истак етарли эмас, ҳаракат қилиш ҳам зарур.

* * *

Йўқотадиган нарсаси қолмаган киши даҳшатлидир.

* * *

Кексаликка ўзинг билан ёшликдаги хатоларингни судраб келма, кексаликнинг ҳам ўз кусурлари бўлади.

* * *

Киши тушунмовчиликларни тушуниш мумкинлигига ишониши лозим.

* * *

Кишини танлаган қаллиғига қараб қандайлигини ва ўз қадрини билиш-билмаслигини аниқласа бўлади.

* * *

Кишининг кимлигини бизникига келганида билишимиз қийин, унинг кимлигини билиш учун уникига бориш зарур.

* * *

Кишининг қалби маълум миқдордагина ғамни кўтара олади, ундан ортиғи уни ё ўлдиради, ё бепарво қилади.

* * *

Кўп нарсага эришмоқчи бўлган киши, ўзига катта талаблар қўймоғи лозим.

* * *

Кўп ўйлаган ҳар доим ҳам тўғри қарор қилавермайди.

* * *

Майдалар орасида ишласанг майдалашасан, буюклар орасида бўлсанг ўзинг ҳам ўсасан.

* * *

Нафрат — бу норозичиликни фаол хис қилиш, ҳасад эса — аксинча. Шунинг учун хасаднинг нафратга айланишига ажабланмаса ҳам бўлади.

* * *

Нодонлик намуна қилинган ерда ақл — телба.

* * *

Олийҳимматлилик ҳаммага ёқади, айниқса, у камтарлик билан қилинганида.

* * *

Онгли равишда ўзини етарли даражада мукаммал ҳисобламайдиган киши мукаммалликка яқиндир.

* * *

Рақамлар дунёни бошқаради дейишади. Йўқ, улар фақат дунё қандай бошқарилаётганини кўрсатади.

* * *

Режаси йўқ фаолият охир оқибат инкирозга олиб келади.

* * *

Санъатнинг буюклиги, айниқса, мусиқада намоён бўлади.

* * *

Сув бўлган ҳамма ерда ҳам қурбақа бўлавермайди, лекин қурбақа бўлган ерда сув доим бўлади.

* * *

Табиат — барча бунёдкорларнинг бунёдкори.

* * *

Тангри мени бошқача бўлишимни истаганида эди, у мени бошқача қилиб яратарди.

* * *

Уйида тинчлик топган киши инсонларнинг энг бахтлисидир.

* * *

Умид қилиш ҳар доим ноумидликдан афзал.

* * *

Фақат яхши кўрганингни ўрганиш мумкин.

* * *

Хатони топиш ҳақиқатни топишдан анча осон.

* * *

Хулқ — киши қиёфасини кўрсатувчи кўзгу.

* * *

Чин юракдан аждодларини ёдлайдиган киши хушбахтдир.

* * *

Энг катта қуллик — озодликка эга бўлмай, ўзини озод деб ҳисоблаш.

* * *

Энг қулгили истак — ҳаммага яхши кўриниш истагидир.

* * *

Янги ҳақиқат учун эски янглишишдан ҳавфлиси йўқ.

* * *

Яхши кишиларнинг ҳаммаси ҳам қаноатли бўлишади.

* * *

Ўз билганини бажармай, тушунмаганига кўл урадиган киши бахтсиздир.

* * *

Ўзимизнинг мукаммал эмаслигимизни англаш мукаммалликка яқинлаштиради.

* * *

Ўзини ақлли қилиб кўрсатишга ҳаракат қиладиган нодондан хавфлиси йўқ.

* * *

Ўзини катта тутмайдиган киши ўзи ўйлаганига қарагандан яхшидир.

* * *

Ўзингни катта ҳисоблаш ҳам, ўз қадрингни кам баҳолаш ҳам катта хато.

* * *

Ўлимдан қўрқса ҳам бўлади, қўрқмаса ҳам, чунки унинг келиши муқаррар.

* * *

Қўрқоқ ўз хавфсизлигига ишонганидан кейингина қўркитишни бошлайди.

* * *

Ғамдан қутулмоқчи бўлган киши нима қилиши кераклигини билади, бахтга етишмоқчи бўлган киши нимага интилиши лозимлигини билмайди.

* * *

Ғамдан қўрққан бахтга эриша олмайди.

* * *

Хавфни билса ҳам гапирмаган — душман.

* * *

Ҳаммасини бошидан, қайтадан бошлаш истаги кишиларга хос хусусиятдир.

* * *

Ҳар ким фақат тушунганини эшитади.

* * *

Ҳақиқатни излаганга янглишиш ҳам бегона эмас.

Гиппократ

(Милоддан аввалги 460 — 377 йилларда яшаган юнон табиби ва табиатшуноси)

Агар уйқу оғриқни пасайтирса касаллик хавфли эмас.

* * *

Баъзи беморлар ўзларининг ўлимга маҳкумлигини билишса ҳам табибнинг маҳоратига бўлган кучли ишонч туфайлигина соғайишади.

* * *

Бемор табиб билан ҳамкорликда касаллик билан курашмоғи лозим.

* * *

Бизнинг овқатимиз даволаш воситамиз, даволаш воситамиз эса овқатимиз бўлиши зарур.

* * *

Ейиш ва ичишга сифатсизроқ бўлса ҳам ёқимлиларни танлаш сифатли бўлса ҳам ёқимсизларни танлагандан фойдалироқдир.

* * *

Инсон қалби то ўлимигача ривожланади.

* * *

Меъёридан ортиқ уйқу ва уйқусизлик — яхшилик аломати эмас.

* * *

Мовутфурушлар мовутни кокиб чангини тозалаганларидай, гимнастика хам организмни тозалайди.

* * *

Пархез воситаларининг таъсири узоқ, дори дармонлар таъсири эса қиска бўлади.

* * *

Сабабсиз чарчаш касаллик белгиси.

* * *

Танасининг бирор ери шикастланиб хеч хам оғрикни сезмайдиган кишиларнинг ақли носоғлом.

* * *

Тескари тескари билан даволанади.

* * *

Шифокор даволайди, лекин табиат соғайтиради.

* * *

Хар қандай касалликда кайфият тушмай, овқатга иштаха бўлса — соғайишнинг белгиси.

Гоголь

(Николай Васильевич Гоголь, 1809—1852 йилларда яшаб ижод қилган рус ёзувчиси)

Агар Тангри бировни жазоламокчи бўлса, аввало унинг ақлини олиши хак.

* * *

Архитектура — бу хам бир тарих, у қўшиқ ва афсоналар тўхтаганидан кейин сўзлайди.

* * *

Ақл иштиёқларни енгиш билан қўлга киритилади.

* * *

Бугун хамманинг эркаси бўлган эртага қашшоқ кишига айланади.

* * *

Дунёда бўлиб ва ўзинг хақингда хеч қандай из қолдирмаслик — бу менимча жуда хам аянчли.

* * *

Ёшликнинг келажаги борлиги учун хам у бахтли.

* * *

Ижоддан завқланишдан ортиқ олий завқланиш йўқ.

* * *

Музика хам бизни ташлаб кетса, унда дунёмизнинг тақдири нима бўлади?

* * *

Нодоннинг гапи қанчалик ахмоқона бўлса хам, баъзида у оқил кишини хижолатга қўя олади.

* * *

Сўзлардан эхтиётлик билан фойдаланиш лозим.

* * *

Театр шундай минбарки, ундан оламга жуда хам кўп яхши гапларни айтиш мумкин.

* * *

Турли хил мактаблар кўп бўлса хам, яхши оталарсиз яхши тарбия бўлмайди.

* * *

Яқинлик туйғусидан ортиқ мукаддасрок боғлиқлик йўқ! Ота ўз фарзандларини яхши кўради, она

ўз фарзандларини яхши кўради, фарзандлар ўз ота-оналарини яхши кўришади. Лекин бу ҳаммаси эмас: ҳайвонлар ҳам ўз болаларини яхши кўришади. Фақат инсонгина қондан эмас, қалбдан яқин бўла олади.

* * *

Қаердадир, қандайдир ёдгорлик ўрнат ёки бирон-бир оддий девор тикла, шу захоти унга кимлардир турли бемаъниликларни ёзиб кетишади.

* * *

Қўркув ўлатдан ҳам юқумлирок.

* * *

Ҳатто ҳеч нарсадан қўрқмайдиган ҳам масхара бўлишдан қўрқади.

Гомер

(Тахминан милоддан аввалги XII – VIII асрлар ўртасида яшаган юнон шоири)

Аёлни камгаплик гўзаллаштиради.

* * *

Гўзаллик, афсуски, узоқ яшамайди.

* * *

Ёшлик ва гўзалликда ақл жуда кам бўлади.

* * *

Инсоннинг тили бўш, унда гаплар битмас-туганмас.

* * *

Истаган нарсангга эга бўлишинг мумкин, серсут сигирга ҳам, калин жунли қўй-қўзига ҳам. Олтин ёлли отингга олтин тушов ҳам сотиб олишинг мумкин, лекин ўтган умрни орқага қайтариб бўлмайди.

* * *

Кўп ухлаш зарарли.

* * *

Мен — сенга, сен — менга.

* * *

Меҳнат ҳамма нарсани енгади.

* * *

Нодон фақат амалга ошган нарсаларнигина билади.

* * *

Нодонлар кулфатни содир бўлганидан кейингина кўришади.

* * *

Тугатилган иш ёкимли бўлади.

* * *

Хотиннинг содиклигига ишониш хавфли.

* * *

Худо айбдорни топади.

* * *

Ўз отасини билган фарзанд ақлли.

* * *

Ўзга юртларда дайдиб юришдан ёмони йўқ.

* * *

Ўзинг ўйла, лекин ўзгалар маслаҳатини ҳам эшит.

* * *

Қандай сўз айтсанг, шундай жавоб ҳам эшитасан.

Гораций

(Квинт Гораций Флакк, милоднинг 65—8 йилларида яшаб ижод қилган Рим шоири)

Агар бугунимиз ёмон бўлса, келажак хам худди шундай бўлавермайди.

* * *

Агар ишнинг мохияти олдиндан ўйланса сўз ўз-ўзидан келади.

* * *

Агар сенда бирор-бир яхши фикр бўлса таклиф кирит, агар хеч кандай фикр бўлмаса — итоат кил.

* * *

Айбсиз киши йўк. Бизларнинг орамиздаги энг яхши киши камчилиги ками.

* * *

Айтган гапингни тўхтатиб бўлмайди.

* * *

Ақлдан махрум бўлган куч ўз-ўзидан ўлади.

* * *

Барча нуқтаи назардан қаралганида чиройли кўринадиган нарса бўлмайди.

* * *

Бугунги кунингдан хузурлан, эртадан камроқ умид кил.

* * *

Ваъданинг каттаси ишончни камайтиради.

* * *

Доноликнинг биринчи шарти — бемулохазаликдан озод бўлиш.

* * *

Ёкимлини фойдали билан кўшган киши хамманинг олкишига сазовор бўлади.

* * *

Жиноят ортидан жазо келади.

* * *

Зиқна хар доим мухтождир.

* * *

Ифлос идишга нима куйсанг хам ачийди.

* * *

Йиллар шиддат билан ўтмоқда ва ўзи билан биздаги бор нарсалар: ўйинкарокликни, хазилкашликни, юзимизнинг қизиллигини, улфатсеварликни ўғирлаб кетмоқда.

* * *

Кишилар учун имкони йўк нарсанинг ўзи йўк.

* * *

Кўп нарсага эришганга кўп нарса етишмайди.

* * *

Май қалб сирини очади.

* * *

Озга каноат килиб яшашни ўрганмаган доим кул бўлиб колади.

* * *

Пул уни йиккан кишига ё шох, ё кул.

* * *

Римда кишлок сени завклантиради, кишлокда эса Римни кўкларга кўтариб мақтайсан.

* * *

Соғ пайтингда югурмасанг, касалланганда кейин югуришга мажбур бўласан.

* * *

Тажрибадан ўтказган эҳтиёткорроқ бўлади.

* * *

Тежамкор зиқнага ўхшамайди.

* * *

Хатодан қочиш истаги бошқа хатони келтириб чиқаради.

* * *

Хизматига лойиқ ҳиммат кўрсат.

* * *

Эринчоқ ҳўкиз эгар тақишларини, эринчоқ от ер ҳайдашни орзу қилади.

* * *

Эҳтиёткорлик ҳеч қачон ортиқча бўлмайди.

* * *

Яхши бошланиши — ишнинг ярми.

* * *

Ўз камчиликларига шафқат истаган, ўзгалар айбига мурувватли бўлиши лозим.

* * *

Ўзимизни доим ёшимизга монанд тутамиз.

* * *

Ўтакетган хасис киши нодонга яқин бўлади.

* * *

Қандай маслаҳат берсангиз ҳам лўнда қилиб беринг.

* * *

Қаҳр, бу қисқа муддатли ақлсизлик, шунинг учун ўз ҳисларингни жиловла, бўлмаса улар сени жиловлашади.

* * *

Қийин дамларда ақлингни йўқотма.

* * *

Қисқасини гапиришга интилсам тушунарсиз бўлиб қоламан.

* * *

Қўшнининг уйи ёнганида сизнинг мулкингиз хавф остида қолади.

* * *

Ҳаётда ҳеч нарсага катта меҳнатсиз эришиб бўлмайди.

* * *

Ҳамма нарсани ҳеч ким билмайди.

* * *

Ҳаммамизнинг борадиган манзилимиз бир жой.

* * *

Ҳар бир кун сенинг учун охирги бўлиши мумкин, шуни эсингда тут.

* * *

Ҳар нарсанинг ўз чегараси бор.

* * *

Ҳеч нима ҳар томонлама мукаммал эмас.

Грасиан

(Грасиан Моралес Бальтасар, 1601—1658 йилларда яшаб ижод қилган испан ёзувчиси)

Афтни кўриш учун кўзгу мавжуд, қалбни кўриш учун эса кўзгу йўқ. Бу етишмовчиликни тўлдириш

учун ўзинг тўғрингда жиддий фикрлаш лозим.

* * *

Ақли йўқлиги сабабли уни йўқотмайдиган кишилар жуда ҳам кўп.

* * *

Ахмоқона хатти-ҳаракатни ҳимоя қилиш уни қилгандан ҳам ёмон.

* * *

Баъзи бировлар билан яқиндан, баъзилар билан эса узоқдан дўст тутинган яхши, чунки яқин мулоқотда кўринадиган унинг кўп камчиликларини масофа юмшатиброк кўрсатади.

* * *

Бировга сўз отганида гапирган кишига енгил бўлиб туюлиши мумкин, сўз теккан кишига эса оғир.

* * *

Бўрттирилган мулойимлик ҳакоратомуз кўринади.

* * *

Дунё телбаларга тўла, лекин ҳеч ким ўз нодонлигини сезмайди, ҳатто шубҳа ҳам қилмайди.

* * *

Дўстлик ҳам, душманлик ҳам абадий бўлмайди.

* * *

Иш — фикрлаш маҳсулидир. Фикр яхши бўлса, иш ҳам яхши бўлади.

* * *

Киши тўғрисида унинг дўстларига қараб баҳо беришади.

* * *

Кишида йигирма ёшида — ҳистуйғу, ўттиз ёшида — талант, кирк ёшида ақл ҳукмронлик қилади.

* * *

Кишининг ҳаёти: йигирма ёшида — товус, ўттиз ёшида — арслон, кирк ёшида — туя, эллик ёшида — илон, олтмиш ёшида — ит, етмиш ёшида — маймун, саксон ёшида — ҳеч нима.

* * *

Кишининг ҳаёти кишилар ҳийласига қарши курашишдан иборат.

* * *

Металлни жарангидан, кишини сўзидан аникласа бўлади.

* * *

Найза танни яралайди, ёмон сўз эса қалбни.

* * *

Нодон бўлиб туюлганларнинг бариси, туюлмаганларнинг эса ярмиси нодон.

* * *

Нодон охирида қиладиган ишни донишманд олдин қилади.

* * *

Нодонлик қилган нодон эмас, уни яшира олмаган нодон.

* * *

Окил ёвдан нодоннинг дўстидан оладиган фойдасидан ҳам кўп фойда ола билади.

* * *

Самимий кишини яхши кўришади, лекин кўп алдашади.

* * *

Сен бир кишига боғлиқ бўлганингдан, кўпчилик сенга боғлиқ бўлсин.

* * *

Сенга ташаккур билдиришганларидан, илтимос қилганлари афзал.

* * *

Сенинг кўз олдингда бошқага рад қилинган нарсани сўраб илтимос қилма, иккинчи марта «йўқ» сўзини айтиш осонроқ бўлади.

* * *

Сирингни бировга айтдингми — унинг қули бўлганинг. Бировнинг *сирини* ҳам *эшитма, бировга сирингни* ҳам айтма.

* * *

Табиат оқилга ён босади, лекин омад уни рашк қилади.

* * *

Тил бошни сақлайди.

* * *

Тил — ёвойи ҳайвон мисоли: озод бўлса қайта занжирлаш қийин.

* * *

Хушомадгўйлик душманликдан ҳам хавфли.

* * *

Энг ёмон душман — дўстдан чиққан душмандир. Чунки у ҳеч ким билмайдиган, фақат унга аён бўлган ожиз ерингга зарба бериши мумкин.

* * *

Эсдан чиқариш зарур бўлган нарсаларни биз жуда ҳам яхши хотирлаймиз.

* * *

Яхшилик қила олишни биладиган кишилар жуда ҳам оз, лекин ёмонлик қилишни ҳамма билади.

* * *

Яшашни билсанг кутилаётган ташвиш қувончга айланиши мумкин.

* * *

Ғам ёлғиз келмайди: худди қувончдай қаторлашиб келади.

* * *

Ҳамма нодонлар қайсар бўлишади, қайсарлар эса нодон.

* * *

Ҳар кимга ва ҳаммага ўзингни мажбуриятлар билан боғлашларига йўл қўйма — қул бўлиб қолишинг мумкин, бунинг устига ҳаммага.

* * *

Ҳар қандай кўнгилсизликдан маъно излаш — маъносиз ишдир.

* * *

Ҳасадчи бир марта ўлмайди, унинг рақиби қанча мақталса шунча марта ўлади.

* * *

Ҳеч қачон шикоят қилма. Шикоят ҳар доим зарар келтиради: у хайрихоҳлик ва ачиниш ўрнига ғазаб туйғуларини уйғотади.

* * *

Ҳеч нарсасини йўқотмайдиган билан ҳеч қачон жанжаллашма, бу тенг жанг бўлмайди.

* * *

Ҳурматга лойиқ бўлмаган киши ўзгаларни ҳурмат қилиши қийин.

Гюстав Флобер

(1821—1880 йилларда яшаб ижод қилган француз ёзувчиси)

Аниқ фикр аниқ иборани яратади. Фикр қанча чиройли бўлса, ибора ҳам шунча жарангли чиқади.

* * *

Бахслашиш тушунишдан анча осон.

* * *

Ёлғизликни хотира билан тўлдириб бўлмайди, бу уни яна ҳам чуқурлаштириши мумкин.

* * *

Ёмон тушуниладиган нарсани кўпинча умуман тушунилмайдиган сўзлар билан тушунтиришга ҳаракат қилинади.

* * *

Иш ҳеч қачон тамом бўлмайди, у фақат тўхташи мумкин.

* * *

Келажак бизни хавотирлантиради, ўтмиш эса тутиб туради. Шунинг учун ҳам бугунги кунимиз назаримиздан четда колади.

* * *

Сунъийлик доимо пасткашликка олиб боради.

* * *

Сўз фикрни ифодалайди, деган янглиш бир аксиома мавжуд, сўз фикрни нотўғри талқин қилади десак, тўғрирок бўлар эди.

* * *

Тавба қилиш яхши, лекин ёмонлик қилмаслик ундан ҳам яхши.

* * *

Ҳаммасини тушунишга интилиш ва ҳеч нимани айбламаслик. Кўп нарсани билиш ва тинчликни саклаш воситаси шу.

* * *

Тиришқоқлик тақдирни юмшатади.

* * *

Қалбни истакларининг баландлиги билан ўлчаш зарур, худди черков қўнғироқлар минорасининг баландлиги билан ўлчанганидай.

* * *

Қувонч гохида ғамли бўлади, ғам эса қувончли.

* * *

Ҳамма нарса эскиради, хатто ғам ҳам.

Даниель Дефо

(1660—1731 йилларда яшаб ижод қилган инглиз ёзувчиси)

Агар бир кун яшасанг ҳам инсонга ўхшаб яшаш лозим.

* * *

Аклли бўлиб колиш ҳеч қачон кеч бўлмайди.

* * *

Баъзида йўқотилган қувонч ғамга ботириши, дунёнинг бошка лаззатларини хиралаштириши мумкин.

* * *

Бизда йўқ нарса учун қиладиган хамма нола-ҳасратларимиз ўзимизда борига шукр қилмаганлигимиздан келиб чиқади.

* * *

Дўстларсиз қолиш — қашшоқликдан, бахтсизликдан кейинги энг ачинарли ҳол.

* * *

Ёвуз душман камдан кам қаттиқ ухлайди.

* * *

Зарурият халол кишини ўғри килади.

* * *

Иблисни алдаш гунох эмас.

* * *

Киши донишмандлигининг энг юқори даражаси — бу вазиятга мослаша билиш ва ташки хавфлар олдида хотиржамликни сақлай олиш.

* * *

Кишига эришганига қаноатланиш учун донолик етишмайди.

* * *

Моддий неъматлардан тежаб фойдаланмаслик, кўпинча бахтсизликка элтувчи энг аник йўл хисобланади.

* * *

Очлик ҳатто шерни ҳам бўйсундиради.

* * *

Хавф олдидаги қўрқув хавфнинг ўзидан ўн минг марта қўркинчлидир.

* * *

Юк остида эгилсанг, унинг фақат *оғирлигини отирасан.*

* * *

Қўркув қалбни ожизлаштирадиган касалликдир, худди жисмоний касаллик танани ожизлаштирганидай

* * *

Ҳар қандай вазиятда ҳам агар яхшироқ изланса кишини овунтирадиган нарса топилади.

Демокрит

(Милоддан аввалги 460 – 370 йилларда яшаган юнон файласуфи)

Аёлнинг гўзаллиги — камгаплиги, оддий кийиниш ҳам унга мақтов келтиради.

* * *

Аклли киши ўзида йўқ нарсага ачинмайди, ўзида бор нарсага кувонади.

* * *

Бадавлат киши эмас, бойликка эҳтиёжи йўқ киши бахтлидир.

* * *

Бадавлатларнинг кўпчилиги ўз бойликларининг эгаси эмас сақловчисидир.

* * *

Билишнинг икки усули бор: бири сезги ёрдамида, иккинчиси фикрлаш оркали.

* * *

Бировларга хукмрон бўлгувчи киши, олдин ўзига хукмрон бўлиши зарур.

* * *

Борига шукр килиб, йўғига куюнмайдиган киши донодир.

* * *

Бошкаларга қараганда ҳам ўзингдан уялишни ўрганиш зарур.

* * *

Гражданлар уруши ғолибларга ҳам, мағлубларга ҳам бирдай фожиали.

* * *

Душман — сени хафа қилган киши эмас, атайлаб хафа қилган киши.

* * *

Етукликка табиийликка қараганда машқ қилиш орқали кўпроқ эришилади.

* * *

Ёшликнинг устунлиги кучда ва гўзалликда, кексаликнинг устунлиги мулоҳазалиликда.

* * *

Истаклари камбағал бўлган киши бадавлатдир.

* * *

Каттага интилиш баъзида борини ҳам йўқ қилади.

* * *

Кекса киши бир вақтлар ёш бўлган, ёш киши эса кексаликкача яшайдими-йўқми, бу ҳали номаълум. Худди шунингдек, амалга ошган эзгулик амалга ошиш-ошмаслиги номаълум бўлган эзгуликдан афзал.

* * *

Кишининг фақат ишига қараб эмас, интилишига қараб ҳам баҳо бериш зарур.

* * *

Кўп нарсани истамасанг, кам нарса ҳам сенга кўпдай туюлади.

* * *

Мардлик тақдир зарбаларини йўққа чиқаради.

* * *

Тиббиёт — фалсафанинг онаси.

* * *

Нима қилиш зарурлигини олдин ўйлаш керак, кейин эмас.

* * *

Нодонларни мақтайдиганлар уларга катта зарар қилишади.

* * *

Нодоннинг ақлини бахтсизлик киргизади.

* * *

Ножўя ишлар учун тавба қилиш виждонни қутқаришдир.

* * *

Ноҳаклик қилувчига қарши туриш яхши, агар бунинг имконияти бўлмаса ноҳақликнинг иштирокчиси бўлмаслик зарур.

* * *

Одат тусига кирган доимий меҳнат жуда ҳам осон бажарилади.

* * *

Оталарнинг яхши ва ёмон одатлари фарзандига ўтади.

* * *

Оқил ёшлар ҳам, нодон кексалар ҳам бўлиши мумкин. Чунки фикрлашга вақт эмас, эрта тарбия ва табиат ўргатади.

* * *

Совға қилиш имкониятинг бўлса, шошил, вазият ўзгариши мумкин.

* * *

Сўз — ишнинг сояси.

* * *

Уят қилиқларни қиладиганларнинг кўпчилиги чиройли гапиришни ҳам билишади.

* * *

Хатонинг сабаби тўғрини билмасликдир.

* * *

Худди баданда касаллик бўлганидай, яшаш тарзида хам касаллик бўлади.

* * *

Чин дўстлари узоқ сақланмайдиган кишининг характери оғир бўлади.

* * *

Яхши куёвга йўлиққан ўғилга хам эга бўлади, ёмон куёвга йўлиққан қизидан хам жудо бўлади.

* * *

Яхшига катта машаққат ёрдамида эришилади, ёмонга хеч қандай мехнатсиз ўз-ўзидан эришилади.

* * *

Ўзингни ўзинг мактаганингдан, сени бошқалар мақташгани яхши.

* * *

Қариндошлар билан бўладиган душманлик бегоналар билан бўладиган душманликдан анча оғир.

* * *

Қонунлар яхши кишилар учун хам, ёмон кишилар учун хам бирдай фойдасиз. Биринчиларида конунларга эхтиёж бўлмаса, кейингилари конун ёрдамида яхши бўлиб колмайдилар.

* * *

Қўркув хушомадни пайдо килади.

* * *

Хамфикрлик дўстликни яратади.

* * *

Хеч кимни яхши кўрмайдиган кишини хеч ким яхши кўрмайди.

Дени Дидро

(1713—1784 йилларда яшаб ижод қилган француз ёзувчиси ва файласуфи)

Бировларнинг камчилигини сенга хикоя қилувчи сеникини хам бошқаларга етказади.

* * *

Дабдабабозлик бадавлатларни қашшоқлаштиради, кашшоқларнинг эса мухтожлигини чукурлаштиради.

* * *

Дин ва конун — оёғи ожиз кишилардан тортиб олинмаслиги лозим бўлган бир жуфт қўлтиктаёқ.

* * *

Донишмандлик — бахт тўғрисидаги фандан бошқа нарса эмас.

* * *

Дунёда хамма нарса жуда яхши бўлганида эди, яхши нарсанинг ўзи бўлмас эди.

* * *

Зикна вактнинг қанчалик тезлигини ва хаётнинг қанчалик қисқалигини сезмай колади.

* * *

Золим кишилар хаёти доим хавфга тўла бўлади.

* * *

Илм кишига ўз кадр-қимматини беради, хатто кул хам кул бўлиш

учун туғилмаганини фахмлай бошлайди.

* * *

Ишонмаслик нодоннинг камчилиги бўлса, ишонувчанлик — дононинг ожизлиги.

* * *

Иштиёкларни сўндиришни ўзига мақсад қилиш — ақлсизликнинг чўққисидир.

* * *

Киши ўзига ёқадиган ёлғонни хўплаб, аччиқ ҳақиқатни томчилаб ичади.

* * *

Кишилар озод бўлишганидагина меҳнатсевар бўлишади.

* * *

Кишилар ўқимай қўйишса фикрламай қўйишади.

* * *

Мақсад бўлмаса ҳеч нарса қилмайсан, мақсадинг кичик бўлса буюк иш қила олмайсан.

* * *

Менга аёл кишининг латофати ёқади, лекин менга уни намойиш қилишларини истамайман.

* * *

Мўъжиза унга ишонган жойда рўй беради, қанча кўп ишонишса, шунча кўп мўъжиза рўй беради.

* * *

Нафрат кучайган пайтда ҳар қандай ярашиш ёлғон бўлади.

* * *

Рассом пул тўғрисида ўйлаган пайтида гўзаллик ҳиссини йўқотиб қўяди.

* * *

Санъат, бу мураккабликда оддийликни, оддийликда мураккабликни топишдан иборат.

* * *

Табиблар бевосита соғлигимизни сақлаш устида ишлайдилар, ошпазлар эса — уни бузиш учун: кейингилари ўз муваффақиятига кўпрок ишонишади.

* * *

Тарихий фактларга ахлоқ қоидалари билан қараш — катта тушунмовчиликдир.

* * *

Токатли бўлиш шубҳасиз бепарволикка олиб боради.

* * *

Фақат уч нарса кишининг бошқа кишидан устунлигини белгилайди: талант, илм ва кучли характер.

* * *

Халкка сатира ва шикоят қилишга рухсат бериш лозим: яширин нафрат очиқчасидан хавфли.

* * *

Чириш мармар тош тагидами, ер тагидами, барибир чириш.

* * *

Эзгулик яхши иш: яхшилар ҳам ёмонлар ҳам уни мақтайди. Чунки у биринчиларга ҳам, иккинчиларга ҳам фойдали.

* * *

Эркак кишининг аёл кишига бехурмат муносабатда бўлиши, деярли доимо аёл кишининг ҳаддидан ошганлиги оқибатида бўлади.

* * *

Яхшиларни тақдирлаш орқали ёмонларни жазолаймиз.

* * *

Қаерда бўлишингдан қатъи назар, атрофингдагилар сендан нодон бўлишмайди.

* * *

Қанчалик кўп кишиларни бахт ли қилган кишигина шунчалик бахтлидир.

* * *

Ҳамма нарса фойдалилиги билан баҳоланади.

* * *

Ҳамма нарсага ишониш худди хеч нарсага ишонмасликдай хавфлидир.

* * *

Ҳамма халқлар тарихида шундай сахифалар топиладики, агар улар чин бўлганида қандай ажойиб бўларди.

* * *

Ҳаяжонлантириш учун ҳаяжонланиш шарт эмас.

* * *

Ҳақиқат нима? Бизнинг фикрларимизнинг вокеага мос келиши.

* * *

Ҳақиқат учун кам сонли, лекин ҳурматли кишиларнинг тан олиши ҳам етарли, ҳамманинг тан олиши унинг учун зарур эмас.

* * *

Ҳақиқий азоб-уқубат тортганлар ўлимни кутишади, фанатиклар эса унга пешвоз чиқишади.

Диоген

(Диоген Синоплик, милоддан аввалги 404—323 йилларда яшаган юнон файласуфи)

Амалдор билан худди олов билан бўлганидай муомалада бўл — якин хам турмагин, узоклашиб ҳам кетма.

* * *

Бой — бойлигининг эгаси эмас, бойлик — бойнинг эгаси.

* * *

Дунёни зиёфатдан кетгандай тарк этиш лозим, оч ҳам эмас, ичиб маст аласт бўлиб ҳам эмас.

* * *

Душманларимизга пинҳона азоб бериш яхши кайфият келтиради.

* * *

Дўстларга қўл узатаётиб муштни тугиш керак эмас.

* * *

Инсонни излаяпман!

* * *

Кўпроқ эшитиш ва кам гапириш учун кишига иккита қулоқ ва битта тил берилган.

* * *

Лаганбардор — ўргатилган хайвонларнинг энг хавфлиси.

* * *

Мол боқадиган кишилар шуни тан олишлари керакки, мол уларга эмас, улар молга хизмат қилишади.

* * *

Таълим ва тарбия ёшларни босиқ қилади, кексаларни овунти-

ради, камбағалларни бойитади, бадавлатларга чирой бағишлайди.

* * *

Тинмай машқ қилиш орқали эгалланадиган одат бизнинг хулқимизни яхшилайди.

* * *

Тухмат — бу фақатгина ахмоқнинг изланиши.

* * *

Халқ кўп, лекин инсонлар оз.

* * *

Чанқоғини сув билан эмас, май билан қондирадиган киши хайвондан ҳам мулоҳазасиздир.

* * *

Яхши кайфиятда бўлиш — ҳасадчиларингга азоб бериш.

* * *

Ўзини доно қилиб кўрсатишнинг ўзи бир фалсафа.

* * *

Қуёш гўнгли ўрага мўралагани билан обрўсизланмайди.

Достоевский

(Фёдор Михайлович Достоевский, 1821—1881 йилларда яшаб ижод қилган рус ёзувчиси)

Агар иблис мавжуд бўлмай уни инсон ўз тафаккури билан яратган бўлса, уни ўзига ўхшайдиган қилиб яратади.

* * *

Агар уни сақлаш учун кишиларнинг терисини шилиш зарур бўладиган бўлса, ундай цивилизациянинг манфаатига, ҳатто унинг ўзига ҳам лаънатлар бўлсин.

* * *

Бахт бахтда эмас, унга етишишда.

* * *

Бахтсизлик юқувчан касаллик. Бахтсиз ва қашшоқлар касалликларини кўпроқ юқтириб оғирлаштирмасликлари учун улар бирбирига якинлашмасликлари зарур.

* * *

Бизнинг ҳамма орзуларимиз охир бир куни ижобат бўлади, лекин у шундай ўзгарадики, биз уни таниёлмай қоламиз.

* * *

Билмаган нарсангни сева олмайсан.

* * *

Бировларга бўлган хурматини осонлик билан йўқотишга мойил киши, аввало ўзини хурмат қилмайди.

* * *

Вақтнинг қадрига етмайдиган машҳур бўла олмайди.

* * *

Гапга уста бўлмаган кишиларгина тўғрисини гапиришади.

* * *

Дин, бу фақат ахлоқ формуласидир.

* * *

Жазоламанг, оклаб хукм чиқаринг, лекин ёмонликни ёмонлик деб атанг.

* * *

Жиннилигини тан олган жинни — жинни эмас.

* * *

Инсон ҳамма нарсага қуникадиган зотдир, менимча, бу унга берилган энг яхши таъриф.

* * *

Ишонч мўъжизадан яратилмайди, мўъжиза ишончдан яратилади.

* * *

Йиллардан ҳам узоқ туюладиган дақиқалар бўлиши мумкин.

* * *

Киши ўз ғамларини санашни яхши кўради, лекин у ўз қувончини санамайди.

* * *

Кишида жиноятни истовчи дақиқалар ҳам бўлади.

* * *

Кишида энг муҳими ақл эмас, балки уни бошкарадиганлари: характер, қалб, яхши ҳислар, илғор ғоялардир.

* * *

Кишининг қандайлигини билиш учун унинг сукут сақлашини, гапириши ёки йиғлашини, буюк ғоялар олдида хаяжонланишини кўриш шарт эмас, яхшиси унинг кулишига разм солинг. Киши чиройли кулса — демак унинг яхши одамлиги.

* * *

Куч сўкишга мухтож эмас.

* * *

Максадга етишиш учун кетаётган йўлингда хар бир хураётган итга тош отиш учун тўхтайверсанг, максадга етмай колишинг мумкин.

* * *

Нодонлар йўл очишади, улар изидан мулохазалилар боришади.

* * *

Олийжаноб ғояларсиз инсоният яшай олмайди.

* * *

Оқилона иш қилиш учун оқилнинг ўзи камлик қилади.

* * *

Паст ва таъмсиз май яхши сиркага айланиши мумкинлигидай, асарлари муваффақият қозонмаган ёзувчи аччиқ танқидчига айланиши мумкин.

* * *

Пул барча тенгсизликларни тенглаштиради.

* * *

Хайр-эхсон уни берувчини ҳам, олувчини ҳам бузади, бунинг устига у ўз мақсадига эришмайди ҳам, чунки у қашшоқликни фақат чукурлаштиради.

* * *

Талант хайрихохга — уни тушунишларига мухтож

* * *

Талантсиз ёзувчи худди чўлоқ аскарга ўхшайди.

* * *

Тўғри фикрга ҳам карши тура билиш учун буюк киши бўлиш зарур.

* * *

«Файласуф» сўзи бизнинг Русда ҳам бор, у хакоратли бўлиб «тентак» маъносини беради.

* * *

Ўта ярамас киши жуда ҳам сипо кўриниши мумкин.

* * *

Қуёшнинг биргина нури киши қалбини қанчалик ўзгартира олиши ажабланарли.

* * *

Ҳалол кишиларнинг душманлари доим кўп бўлади.

* * *

Ҳамма нарсада ҳам ўтиш хавфли бўлган чегара мавжуд, агар ундан ўтсанг орқага қайтишнинг иложи йўқ.

* * *

Ҳамманинг ҳам ҳаётида чидаш лозим бўлган кунлар бўлади.

* * *

Ҳатто тўғри фикрга ҳам қарши тура билиш учун буюк киши бўлиш зарур.

* * *

Ҳеч нимага ҳайрон қолмаслик, ақл эмас нодонлик белгисидир.

* * *

Чин ҳақиқат доим ҳам ҳақиқатга ўхшамайди, уни ҳақиқатга ўхшатиш учун бироз ёлғонни аралаштириш зарур.

Еврипид

(Милоддан аввалги тахм. 480—406 йилларда яшаган юнон драматурги)

Бадавлат бўлиш яхши, кучли бўлиш ҳам яхши, лекин ҳаммасидан ҳам — чин дўстларга эга бўлиш яхши.

* * *

Бадавлатлик зиқналик ва сурбетликни пайдо қилади.

* * *

Билмасдан қилинган гуноҳни айблаб бўлмаганидек, мажбурлик дан қилинган яхшиликни ҳам мактаб бўлмайди.

* * *

Икки баҳслашувчи кишидан бири баҳсдан кечса, у иккинчисидан ақллироқдир.

* * *

Киши баданида унинг ярамаслигини кўрсатувчи белги бўлмайди.

* * *

Киши учун ўз ватанини ташлаб кетишдан ҳам кучлироқ азоб бормикан?

* * *

Сен ўз қадрингни билсанг, унутма, ўзгалар ҳам ўз қадрларини билишади.

* * *

Тил кишиларни кичкина учкундан катта ёнғингача етаклайди.

* * *

Фақат хушмуомала кишидагина мафтун қилиш қобилияти бўлади.

* * *

Эҳтиёткорлик — ҳақиқий мардликдир.

* * *

Ярамаснинг совғасидан яхшилик кутма.

* * *

Яхши оталарнинг фарзандлари ҳам яхши бўлишади.

* * *

Яхши фикрловчи кишиларга муваффакият доим ёр бўлади.

* * *

Ўзини тута олмаган тил — ҳар нарсадан ёмон.

* * *

Хаёт — бу курашдир.

* * *

Ҳукмдор ёмон бўлса, бунга давлат айбдор эмас.

* * *

Ҳукмдор учта нарсани билиши зарур: у одамларни бошқаради, у одамларни конунларга риоя қилган ҳолда бошқариши зарур, у одамларни абадий бошқармайди.

Жан де Лабрюйер

(Лабрюйер Жан, 1645—1696 йилларда яшаб ижод қилган француз ёзувчиси)

Агар тентак ахмоқона гапни айтишдан қўрқса, демак, у тентак эмас.

* * *

Аёлдан качон туғилганини сўрашдан кексадан качон ўлишини сўраш осонроқ.

* * *

Барча ташвишларимиз бизнинг бир хилда бўлмаслигимиздан келиб чикади.

* * *

Баъзи бахтсизликлар олдида бахтли бўлишга ҳам уяласан.

* * *

Беҳуда ўтказилган вактдан афсусланиш ҳар доим ҳам колган вактдан окилона фойдаланишга ёрдам килавермайди.

* * *

Биз дўстларимизда уларнинг ўзи учун зарар берадиган камчиликларини кўрамиз, яхши кўрадиган кишимизда эса, бизга азоб берадиган камчиликларни.

* * *

Бизга яхшилик килган кишига билдирган миннатдорчилигимиз, ўзи билан бирга унга бўлган бир мунча дўстона мойиллигимизни ҳам етказади.

* * *

Бизнинг ҳар бир харакатимизда бутун характеримиз намоён бўлади: нодоннинг кириши ҳам, чиқиши ҳам, ўтириши ҳам, туриши ҳам, юриши ҳам, индамаслиги ҳам дониникидан фарқ килади.

* * *

Биров сиз билан сухбатлашганидан кейин ўзидан ва ўз ақлидан мамнун бўлса, у сиздан ҳам мамнун бўлиб колади.

* * *

Бировдан тўла мамнун бўлиш жуда ҳам қийин.

* * *

Бировларнинг рози бўлишига караганда ҳам мулойимроқ рад жавобини берадиган кишилар ҳам бор.

* * *

Болалар учун ўтмиш ҳам, келажак ҳам йўк, лекин улар биз кат-

талардан фарқли ўларок, бугунидан фойдаланишни билишади.

* * *

Буюк кишиларга канча якинлашсак, биз уларни фақат оддий инсон эканликларини шунча аник кўрамиз. Улар ўз хизматидагиларга камдан-кам ҳоллардагина буюк бўлиб кўринишади.

* * *

Доимо ҳамма нарсадан норози бўлиб юрадиган кишидан ҳамма норози бўлади.

* * *

Золим ҳукмдор фукароларининг ватани бўлмайди. Уларнинг Ватан тўғрисидаги фикрини ғараз, хушомадгўйлик, шуҳратпарастлик эгаллайди.

* * *

Истеъдодсизликнинг белгиларидан бири — кўп гапиришдир.

* * *

Ишонч — дўстликнинг биринчи шарти.

* * *

Кийинишга ҳаддан ташқари эътиборсизлик ёки ҳаддан ташқари башанглик картайганликни бирдай бўрттириб кўрсатади ва ажинларни кўпайтиради.

* * *

Киши ёш пайтида кариганида сарфлаш учун йиғади, кариганида эса мотамида сарфлаш учун.

* * *

Киши фақат икки йўл билан кўтарилиши мумкин — ўзининг чаккончлиги ёки бошқаларнинг нодонлиги туфайли.

* * *

Кишилар ўзлари билан ўзлари шундай бандларки, атрофдагиларга назар ташлаб уларни холисона баҳолашга ҳам вақтлари етишмайди. Шунинг учун ҳам яхши фазилатлари кўп, лекин ўта камтар кишилар кўпинча панада колиб кетишади.

* * *

Кишилар жуда кам ҳоллардагина кам гапирганларига пушаймон бўлишади ва аксинча улар кўпинча ҳаддан зиёд кўп гапирганларидан пушаймон бўладилар. Бу ҳамма биладиган ва одатда ҳамманинг эсидан чиқадиган эски ҳақиқатдир.

* * *

Кишилар ўз якинларини хурсанд килиш имкониятининг кадрига жуда хам кам етишади.

* * *

Кишилар ўзини кулдира оладиган кишини кам ҳурмат килишади.

* * *

Кишиларга сизга яхшилик килиши ўзлари учун ҳам фойдали бўлишини етказа олиш — бойлик орттиришнинг энг аник ва киска йўлидир.

* * *

Кишиларнинг юкорига кўтарилишига ёрдамлашган камчиликлари уларнинг юкоридан пастга кулашига ҳам сабабчи бўлади.

* * *

Кишининг ташки кўринишига караб баҳо бериш ярамайди, унга караб факат тахмин килиш мумкин.

* * *

Кишининг яхши гапириш учун ақли ёки сукут сақлаш учун соғлом фикри бўлмаслиги бахтсизликдир.

* * *

Кўпинча бировларни ўзимизга кўниктиришга қараганда, ўзимизнинг бошқаларга кўникишимиз осон ва фойдали бўлади.

* * *

Кўпчилик кишилар ҳаётларидаги энг яхши даврини ёмонни яна ҳам аянчлирок қилишга сарфлайдилар.

* * *

Мард ўзгаларнинг ҳомийлигига мухтож бўлмайди.

* * *

Масхаралаш кишиларни муросасиз қилади.

* * *

Муттаҳамлар бошқани ҳам ўзидай деб ўйлашга мойилдирлар.

* * *

Нодонлар ҳам ҳайратланишади, лекин фақат ўзидан каттарок нодонларга.

* * *

Одат зарур бўлмаган нарсаларни заруриятга айлантиради.

* * *

Оддийлик ва самимийликнинг энг нозик муғамбирликка айланиб қолиш ҳоллари ҳам ҳаётда учрайди.

* * *

Охири ҳамма нарса кишиларнинг жонига тегади, ҳатто бошида уларни жуда завқлантирган нарсалар ҳам.

* * *

Оқил кишилар устидан кулиш — бу нодонларга хос ишдир.

* * *

Сахийлик кўп бериш билан эмас, вақтида бериш билан ўлчанади.

* * *

Синаб кўриш учун дўст тутиниш керак эмас, лекин дўстга эга бўлиш учун уни синаб кўриш лозим.

* * *

Сирнинг ошкор бўлишига доимо уни бировга ишониб айтган киши айбдор бўлади.

* * *

Сохта камтарлик — манманликнинг энг ашаддийсидир.

* * *

Эркаклар ўзиникига қараганда ўзгалар сирини яхши сақлашади, аёллар эса ўзгаларникига қараганда ўзиникини яхши сақлашади.

* * *

Яшашни севганимиз учун кексалик ардоқли, ўлимдан қўрқканимиз учун эса кексалик дахшатли.

* * *

Яқинларимиз бизга канча кўп ўхшашса, улар бизга шунча кўп ёкишади: бировни ҳурмат қилиш, афтидан, уни ўзингизга киёслаш билан бир бўлса керак.

* * *

Ўз бойлигига тинчлиги, соғлиги, инсофи ва обрўсини йўқотиш эвазига эришган кишиларга ҳавас қилиш ярамайди.

* * *

Ўзимизни бахтли хис киладиган дамларни кутмай хам кулайлик, бўлмаса бирор марта хам кулмай дунёдан ўтиб кетишимиз мумкин.

* * *

Ўзининг айёр эмаслигига ишонтира олган кишини, унчалик содда деб хисоблаб бўлмайди.

* * *

Қашшоқлик — жиноятнинг онаси бўлса, ақли пастлик — унинг отаси.

* * *

Қул фақат ўз хўжайинининг измида бўлади, шухратпараст эса, унинг кўтарилишига ёрдам бера оладиган хамманинг.

Жан Поль

(Жан Поль, Иоган Пауль Фридрих Рихтер, 1763—1825 йилларда яшаган немис ёзувчиси)

Ақлли киши хар қандай қийин вазиятдан чиқиш йўлини топади. Доно киши бундай вазиятга тушмайди.

* * *

Бир хил нодонликни икки марта қилмаслик зарур, ахир танлаш имконияти саноксиз-ку.

* * *

Дид — бу эстетик ахлоқдир.

* * *

Кичик азоблар жаҳлимизни чиқаради, катта азоблар эса аслимизга қайтаради. Дарз кетган қўнғироқнинг овози бўғиқ чиқади: агар уни синдириб икки бўлакка ажратсангиз — овози яна аввалгидай жарангли чиқади.

* * *

Кишининг характери, айниқса, у бошка бировнинг характерини таърифлаётганида кўпроқ намоён бўлади.

* * *

Мактовга безътибор бўлган эмас, танбехга эътиборли бўлган камтар.

* * *

Сиёсатнинг энг яхши қоидаси — халдан зиёд бошкармасликдир, дейишади. Бу қоида тарбияга хам тегишлидир.

* * *

Сирни билиши тўғрисида мактанган киши, унинг ярмини айтган хисобланади, колган ярмини хам айтишни чўзиб ўтирмайди.

* * *

Ўзгаларнинг ғамига хайрихох бўлиш учун инсон бўлиш кифоя, лекин ўзгаларнинг кувончига хайрихох бўлиш учун эса фаришта бўлиш зарур.

* * *

Ўсимлик кишилар, хайвон кишилар, авлиё кишилар бўлади.

* * *

Қашшоқлик — қанча кўп кишилар шунга маҳкум бўлишса, шунчалик оғир бўладиган ягона ташвиш.

* * *

Хамма сўзлари бош харфлар билан ёзиладиган китобни ўқиш кийин, худди шундай хаётда хам,

агар ҳамма кунлар дам олиш бўладиган бўлса яшаш қийин.

* * *

Ҳакоратли сўз билан учдан бирисига эришилади, яхши сўз ва муросага келиш билан — барисига.

* * *

Ҳеч нимани кейинга сурма, чунки кейин сенга осон бўлмайди.

Жан Жак Руссо

(1712—1778 йилларда яшаб ижод қилган француз ёзувчиси, файласуфи ва маърифатпарвари)

Агар болага кўп ён босавер-сангиз у сизнинг хўжангиз бўлиб қолади, уни итоат эттириш учун эса ҳар сафар шартлашишингизга тўғри келади.

* * *

Аёл кишининг энг асосий ва муҳим сифати — унинг мулойим табиатлилиги.

* * *

Ахлоқ-одоб илмининг барча ёшдаги кишилар учун энг асосийси — ҳеч кимга ёмонлик қилмаслик

* * *

Баджаҳллик кучсизликдан пайдо бўлади.

* * *

Биз бахтни қаердалигини билмай излай бошласак, уни йўқотиб қўйишимиз мумкин.

* * *

Бирор нима билан бандликда фақат зарур гап айтилади, лекин бекорчиликда бетўхтов гапириш истаги пайдо бўлади.

* * *

Болалардаги шумтакаликни сўндирсангиз ҳеч қачон донишмандларни пайдо қила олмайсиз.

* * *

Деярли барча ишда энг қийини — бошлаш.

* * *

Дид — бу кўпчиликка бирор бир нарсанинг ёкиш ёки ёқмаслигини ҳис қилиш қобилияти.

* * *

Доно қонун ижодкори ишни қонун чиқаришдан бошламайди, уни жамиятга фойдалилигини ўрганишдан бошлайди.

* * *

Ёлғон турли кўринишда намоён бўлиши мумкин, ҳақиқат эса фақат бир кўринишда мавжуд бўлади.

* * *

Ёшлик — доноликни эгаллаш, кексалик — уни қўллаш даври.

* * *

Кимки ўз ваъдасига эҳтиёткор бўлса, уни аниқ бажаради.

* * *

Китоб қанча кам ўқилса, уни шунча синчиклаб танлаш зарур бўлади.

* * *

Киши ёмон ниятларда фойдалана олмайдиган даражадаги мукаммал қонунларни яратиб бўлмайди.

* * *

Киши қанчалик кам билса, унга ўз илми шунчалик кенгдай туюлади.

* * *

Кишилар ҳаётни қисқа деб нолишади ва уни ўзлари яна ҳам қисқартиришни исташади.

Хамма нимагадир шошишади, кутишни истамайди. Биров тезроқ эртанги кун келишини, бошқа биров тезроқ кейинги ой келишини истаса, баъзилар ўн йилдан кейинги хаётга тезроқ етишишни истайдилар.

* * *

Кишининг барча кобилиятларини бирлаштирувчи хисобланадиган акл, бошка кобилиятларга караганда кийинрок ва кейинрок ривожланади.

* * *

Кўп нарсани билишдан яхши нарсани билиш мухимрок.

* * *

Менинг вазифам ҳақиқатни айтиш, унга ишонтиришга мажбурлаш эмас.

* * *

Меҳнат қилмайдиган ҳар қандай киши — текинхўрдир.

* * *

Миннатдорлик хисоблашиш зарур бўлган қарз, лекин уни кутишга хеч кимнинг ҳаки йўқ.

* * *

Ношуд кишининг ҳукмронлигидан ортик хавфли нарса йўк.

* * *

Ноҳақликни кўриш ва индамаслик — бу унга хайрихох бўлишдир.

* * *

Ортикча талабчанлик хам, ортикча кўнгилчанлик хам мавжуд, иккаласидан хам узоклашиш зарур.

* * *

Табиатан кишилар бир-бирига хеч хам душман эмас.

* * *

Тарбия, шубҳасиз одатдан бошқа нарса эмас.

* * *

Тарбиянинг асосий сири — ақлий ва жисмоний машқлар бир-бирига хордиқ вазифасини бажаришга эришишдан иборат.

* * *

Тасаввур нафақат бизни осонлик билан келажакка элтади, у бугунги кунимизни хам жозибали кўрсата олади.

* * *

Эриша олмаганларимиз ўзимизда боридан завқланишга халақит беради.

* * *

Ярамас икки тарафлама фойда олади: ўзининг инсофсизлигидан ва ўзгаларнинг халоллигидан.

* * *

Яхши фазилатли киши бўлиш учун шундай бўлишни исташ кифоя.

* * *

Яшамоқ — демак хис қилмоқдир, чунки хис қилиш ақлдан бекиёс даражада устун туради.

* * *

Яшаш — нафас олиш эмас, харакат қилишдир.

* * *

Халол кишининг нигохи доимо фирибгарларни ташвишга солади.

* * *

Ҳар нарсага карши чидаб туриш мумкин, лекин яхшиликка эмас.

* * *

Ҳар кандай ёмонлик ожизлик окибатида содир килинади.

Жомий

(Нуриддин Абдурахмон ибн Аҳмад Жомий, 1414—1492 йилларда яшаб ижод қилган форс-тожик шоири ва олими)

Агарда уйидан чикариб берса,
Бору йўқ яримта нонини гадо.
Ярим хазинасин берган подшодан,
Сахийлик бобида шу гадо аъло.

* * *

Адоват тиғини кўтарган киши,
Адоват тиғидан бўлади халок.

* * *

Аритсанг ойнадан чангу кудурат,
Раншанрок кўринар ойнадан сурат.

* * *

Бу кадим ўрмонда бўлма мунофик,
Шерми, барс, сўз юрит шунга мувофик.

* * *

Дарвешдан хукмдор сўради: «Нечун
Келмадинг олдимга бунчалик узок?»
У деди: «Нимага келдинг дегандан —
Нимага келмадинг, деган яхширок!»

* * *

Ёдингдами, айт чи, сен туғилган он,
Барча хандон эди, сен эса гирён.
Шундай яшагилки, кетар чоғингда,
Барча гирён қолсин, сен боргин хандон.

* * *

Ким агар дўстликда билмаса вафо,
Душманликдан ҳам у тоймайди асло.

* * *

Мансаб билан баландмас одам,
Мансаб одам билан мухтарам.

* * *

Сен одам экансан, ўзга хам одам,
Камчиликсиз одам бўлмайди хеч ҳам.

* * *

Сенга улуғлик лозим бор жойда,
Отанг обрўйи бермайди фойда.

* * *

Гапирмакка агар оғзинг очарсан,
Керак яхши ёмонни ажратарсан
Қафасдан куш чикиб, учганда билгин
Яна қайта уни тутмоқ мушкулдир.

* * *

Айтганинг қайтарар не десанг токка,
Ўрарсан хар неки эксанг тупроққа.

* * *

Бажармайди фарзанд атоси сўзин,
«Ҳолва ема!» деса еб туриб ўзи.

* * *

Доно сухбатидан бош тортса нодон,
Даврондан яхшилик кўрмас хеч качон.

* * *

Душманга кўрсатгил дўстликни, ҳаргиз,
Адоват тиғидан тилинмас пўстинг
Адоват кўрсатма дўстларга асло,
Аламидан душман бўлмасин дўстинг.

* * *

Ёпик, очиқ сир хақида оқиллар,
Айтишибди кўп ажойиб нақллар:
Бири — ярғ хали киндан чиқмаган.
Иккинчиси — ўқдир чиққан
камондан.

* * *

Ким хунарни деса, у доно бўлур,
Нодонлар кудрат деб бойликни
билур.

* * *

Мевасиз шох бошин кўтаради тик,
Мевали шох боши саломга эгик.

* * *

Тамизда бир-бирдан фарқ қилур
одам,
Барча билавермас хар нарсани хам.

* * *

Устод муаллимсиз қолса гар замон,
Нодонликдан қора бўларди жахон.

* * *

Кичикларга хазилу истехзо ўқин отмоқ — улуғлик обрўсин бекорга сотмоқ ва зиллату хорлик ғуборига ботмоқдир.

Жон Кеннеди

(Жон Фицжеральд Кеннеди, 1917—1963 йилларда яшаган америка давлат арбоби, АҚШ нинг 1961—1963 йиллардаги 35-президенти)

Агар жамият қашшоқларга ёрдам бера олмаса, ундай жамият бадавлатларни ҳимоя қила олмайди.

* * *

Биз буни бажарамиз. Уни бажариш осонлиги учун эмас, кийинлиги учун хам бажарамиз.

* * *

Биз «Нима меники бўлса — у меники, сизники тўғрисида эса гапиришамиз» принципида музокара олиб бора олмаймиз.

* * *

Бир киши хам бирор нимани ўзгартириши мумкин, уриниб кўришни эса хамма қилиши лозим.

* * *

Ватанинг сен учун нима қилди, деб сўрама, ватаним учун мен нима килдим, деб сўра.

* * *

Демократия шароитида биттагина сайловчининг бехабарлиги бошқа хаммасига зиён қилиши мумкин.

* * *

Душманларингизни кечиринглар, лекин эсдан чиқарманглар.

* * *

«Инқироз» сўзи хитойча иккита иероглиф орқали ёзилади: биринчиси «Хавф», иккинчиси «Яхши имконият».

* * *

Ё инсоният урушни тугатади, ё уруш инсониятни.

* * *

Илм олмаган фарзандлар йўқотилган фарзандлардир.

* * *

Катта муваффақиятсизликлардан кўркмайдиганларгина катта муваффақиятларга эришадилар.

* * *

Қанчалик номаъқул иш килсам, шунчалик машхур бўламан.

* * *

Қўшма Штатлар жуда ҳам тез ҳаракатланиши лозим, ҳатто уз ўрнида қолиши учун ҳам.

* * *

Ғалабанинг отаси минг бўлади, мағлубият эса ҳар доим етим.

Жонатан Свифт

(1667—1745 йилларда яшаб ижод қилган инглиз ёзувчиси)

Агар Тангри бойликни қимматли нарса деб билганида, уни ҳеч қачон ярамасларга бермаган бўлар эди.

* * *

Бахтсизларгина тақдирнинг ҳокимлигига ишонишади. Бахти чопганлар эса ўзи эришган барча муваффакиятлар асоси ўзининг уддабуронлигидан деб билишади.

* * *

Бировга пичинг отсанг, ундан ҳам шунга монанд жавоб олишга тайёр бўл.

* * *

Бирор нимага умид қилмаган кишининг ҳеч қачон ҳафсаласи пир бўлмайди.

* * *

Буюк воқеалар сабаби, худди буюк дарёлар ирмоғидай кўпинча кичик ва саёз бўлади.

* * *

Бўҳтон, одатда, яхши кишиларга қилинади, худди қурт яхши меваларга тушганидай.

* * *

Гўзаллик қимматбаҳо тошга ўхшайди: қанчалик оддий бўлса, шунча қиммат туради.

* * *

Дунёда ўзгарувчанликдан ортик ўзгармас нарса йўқ.

* * *

Жуда ҳам кам кишилар бугунги куни билан яшашади, кўпчилик эса кейинрок яшаш учун тайёрланиш билан овора бўлишади.

* * *

Илтижоларимизнинг энг катта ва самимий қисмини шикоятлар ташкил қилади.

* * *

Кишининг қандайлигига унинг улфатларига қараб баҳо бериб бўлганидай, унинг қандайлигини гапираётган гапига қараб ҳам билса бўлади.

* * *

Кўпчилик эркаклар ўзи тўғрисида камтарона фикрга эга бўлганликлари учун мактовни ёктиришади, кўпчилик аёллар эса — тескари сабабга кўра.

* * *

Манманлик буюкликнинг эмас, нуфузи пастликнинг белгисидир.

* * *

Ғазабга берилиш, кўпинча, бировнинг айби учун ўзингдан қасд олиш билан тенг.

Жорж Бернард Шоу

(1856—1950 йилларда яшаб ижод қилган инглиз ёзувчиси)

Агар киши бизга ёқмаса, унга ёрдам бермаслик учун истаган

бахонани топиш мумкин, агар у бизга ёкса, унга ёрдам бериш зарурлигига ўзимизни доим кўндирамиз.

* * *

Агар сизда бир олма, менда бир олма бўлиб, бизлар уни алиштирсак, сизда ҳам, менда ҳам бир олма колади. Агар сизда бир ғоя, менда бир ғоя бўлиб, бизлар уни алиштирсак, иккаламизда ҳам иккитадан ғоя бўлади.

* * *

Агар тубан киши ноўрин иш килиб куйса, у ҳар доим бу унинг бурчи эканини таъкидлайди.

* * *

Агар кўшним ўз хотинини ҳар куни урса, мен эса ҳеч қачон ур масам, бу статистика маълумотида ҳар биримиз ўз хотинимизни кун ора урамиз деган маънода бўлади.

* * *

Аклли киши дунёга мослашади, нодон дунёни ўзига мослаштириш га ҳаракат килади. Шунинг учун ҳам ривожланиш нодон кишиларга боғлик.

* * *

Бахтсизлигимни ўйлашга вактим бўлмагани учун ҳам мен бахтлиман.

* * *

Биз ўз тилимизнинг гўзаллигини уни бошка элларда эшитганимизда гина ҳис киламиз.

* * *

Биладиган бажаради, билмайди ган ўргатади.

* * *

Билмайдиганини биламан деб ўйлайдиганларнинг такдирига сиёсатчи бўлиш ёзилган.

* * *

Бировга осмонда 9783012465699 87 та юлдуз бор десанг, у ишонади. Лекин «Янги бўялган» деган ёзувни кўрса, албатта бармоғини тегизиб кўради.

* * *

Дахо нима килиш зарур бўлса шуни килади, талант эса билганини.

* * *

Инсон ўз ҳаракатларини оклаши учун, биттасидан ташкари, истаган сабабни топади, ўз жиноятини оклаши учун ҳам, биттасидан ташкари, ҳар кандай бахонани излаб топади: бу биттаси эса унинг кўркоклиги ҳисобланади.

* * *

Истак бўлмаган ерда йўл ҳам бўлмайди.

* * *

Касалларга дориларга бўлган ихлосни шундай сингдирдикки, энди улар табибларга эмас, дорихоналарга кўп катнашади

* * *

Кишилар, кўпинча, ўзларига мут лако алокаси йўк ишлар билан кизикадилар.

* * *

Кишиларга биз качон карши гапирсаккина, улардан кизикарли маълумотларни оламиз.

* * *

Кулги бўлишдан кўрксанг конькида учишни ўргана олмайсан. Ҳаёт музи сирпанчик.

* * *

Мен миллионер бўлишни истамайман. Мен фақат унингдай яшашни истайман.

* * *

Менинг довруғим ҳар бир муваффакиятсизлигим сайин ошди.

* * *

Менинг ҳазилларим кишиларга ҳақиқатни айтишдан иборат, холос. Ҳақиқат дунёдаги энг кулгили ҳазилдир.

* * *

Муштга мушт қайтармагандан кўркинг: у сизни ҳам кечирмайди, ҳам ўзингизни ўзингиз кечиришингизга йўл қўймайди.

* * *

Пулнинг етишмаслиги барча гунохларнинг илдизидир.

* * *

Сизни осишга жазм қилган кишиларнинг эътиборини чалғитиш учун баъзан уларни кулдириш зарур.

* * *

Соғлом миллат ўз миллатини, худди соғлом киши ўз умуртқасини сезмаганидай сезмайди.

* * *

Табибнинг шухратини унинг даволашидан ўлган донгдор кишилар оширади.

* * *

Тарихдан олиш мумкин бўлган ягона сабоқ шуки, кишилар ундан ҳеч қандай сабоқ олишмайди.

* * *

Фан ҳеч қачон ўнта янги масала қўймасдан битта масалани ечмайди.

* * *

Фақат битта газетани ўқиш зарур, бир неча газетани ўқиш кишини чалкаштириб юборади, уларга сарфланадиган пулни эса айтмаса ҳам бўлади.

* * *

«Хайр»ни ўттизтадан кам сўзда айтишни уддалайдиган аёл топилмайди.

* * *

Хавф ундан қўрқадиганлар учун ҳар доим мавжуддир.

* * *

Эркак ва аёлнинг тарбияси улар ўзларини жанжаллашганларида қандай тутишларида кўринади.

* * *

Ўғирлаган ўғри эмас, қўлга тушган ўғри.

* * *

Қашшоқ табибдан ортиқ хавфли киши йўқ.

* * *

Қарз олиш худди тузоққа тушганга ўхшайди, унга тушиш осон, чиқиб кетиш қийин.

* * *

Ҳар бир кишида ўз фикрига эга бўлиш ҳуқуқи бор — агар у сизникига мос бўлса.

* * *

Ҳеч нарсага ишонмаган ҳамма нарсадан қўркади.

Жорж Вашингтон

(1732—1799 йилларда яшаган Америка давлат арбоби, АҚШнинг 1789—1797 йиллардаги биринчи президенти)

Агар мажбур қилинмаса, кишилар ўзлари учун зарур бўлган ишни ҳам бажаришмайди.

* * *

Агар ўз обрўйингизни сақламоқчи бўлсангиз фақат ҳурматга лойиқ кишилар билан бирор-бир ишни қилинг; нодон улфатлар даврасида бўлгандан ёлғиз бўлмоқ афзалдир.

* * *

Баъзида кўнгилчанлик кишига талабчанликдан кучлироқ таъсир қилади.

* * *

Берган ваъдангизнинг устидан чиқиш чорасини кўринг, қўлингиздан келмайдиган ишни бажаришни зиммангизга олманг.

* * *

Жамият ишончига эришишнинг энг аниқ йўли имкони борича уни кам безовта қилишда.

* * *

Киши қўлидан келган ҳамма ишни қилган бўлса ҳам муваффақиятга эришмаса, бунинг учун уни қойиманг.

* * *

Муваффақиятни кишининг ҳаётда эришган мавқеи билан эмас, шу муваффақиятга эришиш учун унинг енгиб ўтган тўсиқлари билан ўлчаш лозим.

* * *

Парламент менинг чўнтагимга қўл солишга мен уникига қўл солишимдан кўпроқ ҳуқуққа эга эмас.

* * *

Сувости тошлари билан тўқнашишни истамаган кема капитани уларнинг қаердалигини билиши зарур.

* * *

Тухматга энг муносиб жавоб — ўз вазифасини бажаришда қатъийлик кўрсатиш ва сукут сақлаш.

* * *

Урушга тайёр туриш — тинчликни сақлашнинг энг фойдали воситаларидан бири.

* * *

Фақат қилган хатоларимиздан сабоқ олиш ва қимматга тушган тажрибаларимиздан фойда олиш учунгина орқага назар ташлаш зарур.

* * *

Қилич биэнинг озодликка эришишимиз учун охирги восита ҳисоблангани учун озодликка эришганимиз заҳоти, биринчи навбатда, уни ўз ўрнига жойлашимиз зарур.

* * *

Ҳақиқий дўстлик — секин ўсувчи дарахт: бу номга муносиб бўлиш учун у аввало турли зарбаларга бардош бера олиши зарур.

Жюль Ренар

(1864—1910 йилларда яшаб ижод қилган француз ёзувчиси)

Агар бахт пулда бўлмаса, уни қўшнингизга бериб кўринг-чи.

* * *

Агар ўзим шол бўлиб ётсам ҳам бошқаларнинг юришига гап топавераман.

* * *

Биз ўзимизга кичкина бахтни фақат бугун учун ярата оламиз. Эртага яна бошқатдан бошлашимиз керак ва ҳар куни шундай қилишимиз зарур.

* * *

Бор ҳақиқатни айтиш керак эмас, лекин фақат ҳақиқатни айтиш зарур.

* * *

Виждон азобланиши ҳиссиётига эга бўлмаган киши халоллик тўғрисида ўйламай ҳам қўяверсин.

* * *

Ерда жаннат йўқ, унинг фақат дунё бўйича сочилган парчалари бор.

* * *

Камтарлик — атрофдагиларнинг жиғига тегмайдиган мағрурлик тури.

* * *

Менинг ахлоқим менга ўз суягимдай зарур.

* * *

Меҳнат ўйлайди, ялқовлик орзу қилади.

* * *

Олим — бирор-бир нарсага деярли ишонган одам.

* * *

Сенга якин кишилар билан инок яшаш учун уларга нисбатан ўзингни худди уч ойда бир марта кўришадиганлардай қилиб кўрсат.

* * *

Сиз уни бир дақиқага ўлган деб фараз қилинг ва сиз унинг канчалик талантли эканини тан оласиз.

* * *

Талантсиз ёш — бу қари чол.

* * *

Фақат ўз кўнгилсизликларидан шикоят қилиш учунгина маслаҳат сўрашади.

* * *

Эҳтимол, бирор марта куш қўнмаган новда ҳам бордир.

* * *

Ҳаёт қисқа, лекин зерикишга улгурасан.

Ибн Сино

(Абу Али ал-Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Ҳасан ибн Али, 980—1037 йилларда яшаган ўртаосиёлик буюк қомусий олим)

Дўстим душман билан ўлтирмиш бисёр,
Энди ўлтирмайман у билан зинҳор.
Парҳез қил шакардан заҳари бўлса,
Пашшадан коч, қўниш жойи бўлса мор!

* * *

Ёмон ё яхшилик қилғай ҳар киши,
Шу ёмон, яхшини топмоқдир иши.

* * *

Сирингни сўрасалар, ҳар кимсадан тут нихон,
Ҳар кимки гапирмас кўп, удир мулоҳазакор.

Ичингда нихон бўлса, сиринг сени асиринг,
Ўзинг унга асирсан, качон қилдинг ошкор.

* * *

Тўғри йўлдан ажралмаслик, инсофли, адолатли бўлиш, нафснинг хар орзусини бажо келтирмаслик, олим, фозиллар билан сухбатдош бўлишлик, катталарга хурмат, кичикларга шафкат ва мархамат этиш, самимий дўстларнинг маслахатлари билан ишга тутиниш, мухтожларга ёрдам этиш эзгуликнинг маъданидир.

* * *

Чаласаводликдан бесаводлик афзалрок.

* * *

Чангу ғубор бўлмаса, инсон минг йил яшарди.

* * *

Эй нафс, орзу-хавас кишанидан кет,
Бир дам химояси учун шитоб эт.
Дунё, мансаб дема, учма ишвага,
Дўстлардан ажраб хам ёв бошига ет.

* * *

Ўзни доно билган уч-тўрт нодон,
Эшак табиатин килур намоён.
Булар сухбатида сен хам эшак бўл,
Бўлмаса «кофир» деб килишар эълон.

* * *

Хак жахоннинг жонидир, бадандир жахон,
Фаришталар бу танга сезги бегумон
Унсурлардан барча жисм, маволид — аъзо,
Шудир бирлик, колгани хийлаю ёлғон.

* * *

Яхшидир кетмасдан ушбу жахондан,
Аклинг халос бўлса хар пушаймондан.
Эртан кўлдан келганин қилолмагайсан,
Фойдаланиб колгин, бу кун имкондан.

* * *

Кора ер каъридан то авжи Зухал,
Коинот мушкулин барин қилдим хал.
Кўп чигал тугунни англадим, ечдим,
Ечилмай колгани биргина ажал.

* * *

Хеч бир гап колмади маълум бўлмаган,
Жуда оз сир колди мавхум бўлмаган.
Лек билимим хакда чукур ўйласам,
Билдимки, хеч нарса маълум бўлмаган.

Кант

(Иммануил Кант, 1724—1804 йилларда яшаган немис файласуфи)

Агар бола ёмон иш қилганлиги учун жазоланиб, яхши иш қилганлиги учун тақдирланса, у яхши ишни фақат фойдаси учун қиладиган бўлади.

* * *

Агар усиз ҳам эплай олсанг, бировнинг эҳсонини қабул қилма.

* * *

Адолат йўқолган пайтда ҳаётнинг қадрини белгиловчи ҳеч нарса қолмайди.

* * *

Аёллар, хатто эркаклар дидини ҳам нафислаштиришади.

* * *

Айтадиган гапингнинг ҳаммаси ҳақиқат бўлиши зарур, бу асло ҳамма ерда ҳақиқатни айтиш зарур дегани эмас.

* * *

Ахлоқ кишининг характерида бўлмоғи лозим.

* * *

Ахлоқ бахтли бўлишга ўргатмайди, у бахтга лойиқ бўлишга ўргатади.

* * *

Ақл — бу нуктаи назарни яратиш қобилияти.

* * *

Баъзи китобларни жуда ҳам тушунарли қилишга харакат қилинмаганида, улар анча тушунарлирок бўларди.

* * *

Дахо — ўқиш ва ўргатиш мумкин бўлмаганни ихтиро қилувчи талант.

* * *

Гўзаллик — бу тушунтиришсиз ҳам барчага ёкадиган объект.

* * *

Гўзаллик — фақатгина дидга тегишли.

* * *

Жисмимизда яшайдиган конун диёнат деб номланади. Виждон бу киладиган ишимизнинг шу конунга мослигидир.

* * *

Инсон фақат тарбия оркали инсон бўлади. Унинг кандайлиги тарбиянинг натижасидир.

* * *

Инсониятнинг бутун илми ҳис билан бошланиб, тасаввурга утади ва ғоя билан якунланади.

* * *

Исрофгарчилик қилмаган етишмовчиликни кўрмайди.

* * *

Киши ёруғликда — коронғилик тўғрисида, бахтда — ғам тўғрисида, тўқликда очлик тўғрисида жуда кам ўйлайди, аксинча, коронғиликда — ёруғлик тўғрисида, ғамда — бахт тўғрисида, очликда тўқлик тўғрисида доимо ўйлайди.

* * *

Киши умиддан ва тушдан маҳрум бўлса, у дунёдаги энг бахтсиз мавжудотга айланади.

* * *

Кишига истаган ҳамма нарсасини беринг, у шу заҳоти буларнинг бариси ҳаммаси эмаслигини ҳис қилади.

* * *

Кишилар ўзаро мутлақо очиқойдин кўришганида эди, улар бир биридан кочишган бўлардилар.

* * *

Кишининг кундалик яхши фазилатлари — майда пул, уни ҳақиқий олтиндай қабул қиладиган киши — гўдак.

* * *

Кўпчилик кишиларнинг бағритош бўлганлигининг сабаби шундаки, улар олдин рахмдил бўлишган ва кўп алданишган.

* * *

Маданий малакаларни эгалламаган киши кўпол бўлади.

* * *

Маъносидан катъи назар, кишига ёқадиган нарса гўзалдир.

* * *

Нодонлик — бу камчилик ва унга карши дори йўқ.

* * *

Одат канча кўп бўлса, эрк шунча кам бўлади.

* * *

Оқилона масалаларни қўйиш — акл хамда зийракликнинг аник ва муҳим белгисидир.

* * *

Характер — ўз принципларига мувофиқ ҳаракат қилиш кобилиятидан иборат.

* * *

Фикрлаш, бу ўзинг билан ўзинг гапиришиш, ўзингни ўзинг эшитишдир.

* * *

Эркакка ахмоқ деб, аёлга эса бадбашара деб хакоратлаш жуда алам қилади.

* * *

Эртами-кечми ҳар бир халқни камраб оладиган савдо-сотиқ истаги урушга карши бўлади.

* * *

Юзимизнинг қизариши алдаётганимизни билдириб кўяди, лекин у хар доим хам ёлғоннинг исботи бўлиб хизмат қилмайди. Биз кўпинча бирор нимада ноҳақ алдаётганнинг уятсизлигидан хам кизарамиз.

* * *

Ўз аклингдан фойдаланиш жасоратига эга бўл.

* * *

Ўлимдан кўрқиб яшаган киши хеч качон хаётдан хузурлана олмайди.

* * *

Қарз — бу бировнинг ҳақига хурмат.

* * *

Қаттиқ ғазабланиб турганда бериладиган жазо кўзлаган максадига эришмайди.

* * *

Хар кандай табиий фанда математика канча бўлса, ҳақиқат хам шунча бўлади.

* * *

Хеч кимга зарар келтирмаса хам ёлғонни зарарсиз деб хисобламаслик керак.

Катон

(Марк Порций Катон Цензор, мил. ав. 234—149 йилларда яшаган Рим лашкарбошиси ва давлат арбоби)

Агар сени биров мактаса, унинг тўғрилигини ўзинг текшириб кўр.

* * *

Ёшларнинг окаришга эмас, кизаришга мойил бўлганлари яхши.

* * *

Зарурият бўлмаган нарса доимо киммат туради.

* * *

Истаганингни эмас, зарурини сотиб ол.

* * *

Кишининг кийинчилик билан эришган нарсаси хотирада яхши сакланади.

* * *

Кишининг хаётини темирга киёсласа бўлади. Агар уни ишлатсак ишкаланиб емирилади, ишлатмасак занглаб емирилади.

* * *

Кулгили ишларда жиддий бўлган киши жиддий ишларда кулгили бўлади.

* * *

Нодон донишманддан ўрганганига караганда, донишманд нодондан кўпни ўрганади.

* * *

Окил бўлсанг одамлардан ўз камчилигингни сир тут. Уни бошкалардан эшитганингдан ёлғиз ўзинг билганинг яхши.

* * *

Оғрик оғрикни даволайди.

* * *

Факат ўзини хак деб ўйлайдиган киши нохакдир.

* * *

Ўзи билан муросага бормаган киши хеч ким билан муросага бормайди.

* * *

Ўзининг ёмон томонини билган кишига хамма шу тўғрида гапираётгандай туюлади.

* * *

Кахр тентакликдан факат муддати билан фарк килади.

* * *

Ғазаб баъзида журъатсизни хам кучли килади.

* * *

Хаммага хам бирдай ёкадиган конун бўлмайди.

* * *

Химоя ожиз бўлган ерда сурбетлик кучли бўлади.

Квинтилиан

(Квинтилиан Марк Фабий, 35—95 йилларда яшаган Рим нотиги)

Агар истак бўлса кексайганда хам кўп нарсани ўрганса бўлади.

* * *

Айблаш оклашдан, ярадор килиш даволашдан осон.

* * *

Бадномлик — ўлимдан хам оғир жазо.

* * *

Бирор нимани ўргатишга караганда, ўрганганини ташлатиш кийин.

* * *

Виждон — мингта гувох.

* * *

Ёлғончининг хотираси кучли бўлиши зарур.

* * *

Зарар бериш осон, ёрдам бериш қийин.

* * *

Ким жуда истаса, у уддалай олади.

* * *

Кўп тақлид қилиш шахсий хулқка айланади.

* * *

Меҳнатнинг ўзи эмас, у тўғрисида кўп ўйланавериш чарчатади.

* * *

Нима устида кўпроқ меҳнат қилсак, хотирада у мустаҳкамроқ қолади.

* * *

Нодонлар даврасида ўзининг ўқимишлилигини намойиш қилишни яхши кўрувчи кишини олимлар даврасі нодон хисоблайди.

* * *

Нотиқлик санъатида энг муҳими, санъатни сездирмаслик.

* * *

Пулни йўқ қилсанг, урушларни ҳам йўқ қиласан.

* * *

Тажрибасиз назарияга қараганда, назариясиз тажриба қимматлироқ.

* * *

Тарих ҳикоя қилиши зарур, исбот қилиши эмас.

* * *

Тез ёзиб чиройли ёзишга ўрганиб бўлмайди, чиройли ёзиб тез ёзишга ўрганиш мумкин.

* * *

Тушунмаганни айблайдилар.

* * *

Эркинлик ва тартибсизлик — умуман бир-бирига қарама-қарши тушунча.

* * *

Ҳақиқат кўпинча ёлғонга ўхшайди ва аксинча, ёлғон кўп ҳолларда ҳақиқатга ўхшайди.

Клеобул (Клеовул)

(Милоддан аввалги VI асрда яшаган файласуф, қадимги Юнонинг «етти донишманди»дан бири)

Аёлингни биронлар олдида эркалама ҳам, унинг билан жанжаллашма ҳам: биринчиси — нодонлик белгиси, иккинчиси — жоҳиллик.

* * *

Бахтда ҳаддан ташқари ишончли, ҳамда эса ишончсиз бўлмаслик керак.

* * *

Қочиримга уста кишининг масхаралаганига кулма, бўлмаса масхараланган кишининг нафратига қоласан.

* * *

Дўстликни мустаҳкамлаш учун дўстларнинг хизматини қилиш зарур, душманни дўстга айлантириш учун ҳам уларнинг хизматини қилиш зарур.

* * *

Ширакайф чоғингда хизматкорларингни жазолама, акс ҳолда сени мастликда бебошлик қилаётир деб ўйлашади.

* * *

Кўп гапирма, кўп эшит.

* * *

Тақдирнинг бевафолигини мардонавор ўтказишни ўрган.

* * *

Халқнинг душманини ярамас ҳисобла.

* * *

Энг яхшиси — меъёр.

* * *

Эшитиш зарур, яширинча қулоқ солиш эмас.

* * *

Ўзинг билан тенгга уйлан, ўзингдан устунроққа уйлансанг, қариндошинг эмас, хўжайининг кўпаяди.

* * *

Ўзингдан пастларга беписанд бўлма.

* * *

Ҳеч нимани куч билан ҳал қилма.

Клод Адриан Гельвеций

(1715—1771 йилларда яшаган француз файласуфи)

Агар умид бўлмаса, истак, табиийки, ўлади.

* * *

Ақл совликка ўхшайди: унга эга бўлган киши уни сезмайди.

* * *

Ақлга ўткирлик, худди танага гўзалликдай зарур.

* * *

Бадавлат бўлиш учун мулкинг ни кўпайтиришни эмас, нафсингни тийишни билиш зарур.

* * *

Барча иштиёқлар ичида энг аянчлиси ҳасаддир. Ҳасад байроғи остида нафрат, соткинлик ва фитна тенг қадам ташлаб боради.

* * *

Биз қандай бўлсак, тарбия бизни шундай қилган.

* * *

Бизнинг фикрларимизнинг одиллиги ва ишларимизнинг тўғрилиги — шахсий манфаатларимизнинг жамият манфаатларига мос келишидан бошқа нарса эмас.

* * *

Билишни исташ — янглишишнинг сабабларидан биридир.

* * *

Бойлик қашшоқликда жиноят қилишга мажбур қилади.

* * *

Виждон азоби жазоланмаслик тугаган ерда бошланади.

* * *

Далил-исбот бўлмаганида цитатадан фойдаланишади.

* * *

Дунёда ақлдан ортиқ хурматга лойиқ нарса йўқ.

* * *

Жамиятнинг мақсади — имкони борича кўпроқ кишиларнинг турмушини яхшилаш.

* * *

Жасурликдан бутунлай махрум бўлмоқлик учун истакдан бутунлай махрум бўлиш лозим бўлади.

* * *

Илмли киши бесаводни дарров тушунади, чунки у ҳам ёшлигида шундай бўлган, илмсиз киши эса илмлини тушунмайди, чунки ҳеч қачон ундай бўлмаган.

* * *

Ким ўзини бахтсиз деб билса, у бахтсиз бўлади.

* * *

Кишининг характери ва ақлига у танлаган китоб ва дўстларига караб бахо берса бўлади.

* * *

Кишилар кўпинча хакикат изидан ёлғиз боришдан кўпчилик билан бирга адашишни афзал кўришади.

* * *

Кишилар қандай бўлишса шундай бўлиб туғилишмайди, улар ҳаётлари давомида шундай шаклланишади.

* * *

Кишининг эркинлиги ўз қобилиятларидан эркин фойдаланиши билан белгиланади.

* * *

Кўпчилик нима учундир бир давлатни иккинчиси томонидан босиб олинишини айрим шахсларнинг бошқаларнинг мулкига эга бўлиш — ўғирлигига қараганда давлатни кам обрўсизлантиради, деб ўйлашади.

* * *

Кўпчилик ўзини бошкалардан ақллироқ хисоблашади, бу борада нодонлар бошкалардан колишишмайди.

* * *

Мен бутун ҳаётимни узоқ давомли таълим-тарбиядан бошқа нарса эмас, деб хисоблайман.

* * *

Нодон бирор бир мансабга эришса, унинг билан даходай муносабатда бўлишади.

* * *

Санъатнинг вазифаси — юракни тўлқинлатиш.

* * *

Тарбия қанча мукаммал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди.

* * *

Фақат дўстнинг қўлигина юракдаги тиканни суғура билади.

* * *

Халқ бахтсизликларининг тарихини ўрганувчи ҳар бир кишининг ердаги бахтсизликларнинг кўпчилиги саводсизлик окибатида келиб чиқишига ишончи ошади.

* * *

Хато қилиб қўйишдан қўрқиш бизни ҳақиқатни излашдан бездирмаслиги лозим.

* * *

Шафқатсизлик доимо вахима, ожизлик ва қўркоқликнинг оқибати бўлган.

* * *

Эси пастликни хотира пастлиги деб тушунтириш керак эмас.

* * *

Ўзини ҳеч қачон ўрганмаган кишигина ўзини ҳасаддан озод ҳисоблаши мумкин.

* * *

Ўзини ўзи мақташнинг иккита усули мавжуд: биринчиси ўзи тўғрисида яхши гапириш, иккинчиси — ўзгалар тўғрисида ёмон гапириш.

* * *

Қонун кучсиз бўлган ҳамма жойда ожизни кучлидан ҳимоя қилиб бўлмайди, ундай ерда бойликка ноҳақликдан, зулмдан ва нафратдан асровчи восита сифатида қараш мумкин.

* * *

Ҳайрон қолиш учун бир дақиқа ҳам етарли. Ҳайрон қолдирадиган иш қилиш учун эса кўп йиллар зарур булади.

Ключевский В.О.

(Василий Осипович Ключевский, 1841—1911 йилларда яшаган рус тарихчиси)

Айёрлик ақл эмас, ақлнинг йўқлиги сабабли сезгининг кучли ишлаши.

* * *

Ахлоксиз фикр — бефахмлик, фикрсиз ахлоқ — фанатизм.

* * *

Бадавлатлар бойлиги учун эмас, камбағалларни камбағал эканлигини ҳис қилишга мажбур қилганликлари учун зарарлидирлар.

* * *

Баджаҳл нодон ўз нодонлиги учун бошқаларга жаҳл қилади.

* * *

Баъзилар ўзини жуда аяганликларидан доимо касал бўлишади, бошқалар касал бўлишдан қўрқмаганликлари сабабли саломат бўлишади.

* * *

Баъзилар ўзини ақлли деб ном чиқариши учун бошқаларни жинни деб ҳақоратласа бас деб ўйлашади.

* * *

Баъзиларнинг рад жавоби рози жавобидан афзал.

* * *

Бизни тушунишмайди деб шикоят қилиш, кўпинча, бизнинг кишиларни тушунмаслигимиздан келиб чиқади.

* * *

Бир бирини кўролмайдиган кишиларга дўст бўлган киши уларнинг иккивининг ҳам нафратига учрайди.

* * *

Бировнинг меҳнати эвазига яшайдиган киши бировнинг ақли билан яшай бошлайди, чунки ақл шахсий меҳнат ёрдамида шаклланади.

* * *

Гигиена ўз соғлигингнинг зан жирланган ити бўлишга ўргатади.

* * *

Душман томонидан қилинган яхшиликни эсдан чиқариш, худди дўст томонидан қилинган яхшиликни эслаш каби қийиндир. Биз

душманга фақат кўрсатган яхшилиги учун яхшилик қайтарамиз, ёмонлиги учун душмандан ҳам, дўстдан ҳам қасд оламиз.

* * *

Дўстлик одатда, оддий танишдан душманга айланиш учун хизмат қилади.

* * *

Ёруғ жойда туриб қоронғидаги душманларига тикилган киши уларни кўрмайди, балки унинг ўзи ўша душманларига нишон бўлади.

* * *

Ёшлар гоҳо парвонага ўхшашади: гўё ёруғликка учиб келиб оловга йўлиққанларидай.

* * *

Катта ақлга эга бўлиб ақлли бўлмаслик мумкин, худди бурни катта бўлиб ҳид билмаслик каби.

* * *

Катта муваффақият аввалдан ўйланган ва назарда тутилган майдалардан ташкил топади.

* * *

Кексайиш учун мен ҳаддан зиёд кексалик қиламан, ёшлар кексайишади.

* * *

Куч арзонлашганда ақлнинг баҳоси ошади.

* * *

Кучли иштиёқ панасида, кўпинча, ожиз ирода яширинган бўлади.

* * *

Одатда, умид билан уйланишиб, ваъдага ишониб турмушга чиқишади. Ўзгаларнинг умидни оқлашига қараганда ўз ваъдасини бажариш осонлиги сабабли, ҳаётда алданган аёлларга қараганда умиди пучга чиққан эркакларни кўп учратамиз.

* * *

Ота бўлиб қолишдан ота бўлиш анча осон.

* * *

Оқил бўлиш нодонликдан қутулишдан анча осон.

* * *

Оқил кишилар кам деб шикоят қилмай борига шукр қилишлари керак

* * *

Руслар ҳам, украинлар ҳам айёр кишилар ва уларнинг айёрлиги муғамбирлигида намоён бўлади. Булар ҳам, улар ҳам ўзича муғамбирлик қилишади: биринчилари ўзини нодон қилиб кўрсатмоқчи бўлишса, кейингилари ақлли қилиб.

* * *

Соғлом фикр деб кўпчилик ўз фикрини назарда тутади.

* * *

Сўкиниш кучли исбот бўла олмайди.

* * *

Тарих ҳеч нарсага ўргатмайди, фақат уни билмаганни жазолайди.

* * *

Фанда яхши эслаб қолиш учун дарсни кўп такрорлаш зарур, ахлоқда бошқа такрорламаслик учун хатоларни яхши эслаб қолиш зарур.

* * *

Хайр-садака муҳтожликни ка майтиришга қараганда эҳтиёжни кўпроқ оширади.

* * *

Яхши киши — камчилиги йўқ киши эмас, яхши томони кўп киши.

* * *

Яхши ўқитувчи бўлиш учун ўқитаётганингни ва ўқиётганларни яхши кўришинг лозим.

* * *

Ўзини жуда ҳам яхши кўра диган кишини бошқалар яхши кўришмайди, чунки унга рақиб бўлишни истамайди.

* * *

Қалб бўлса бас, ҳам топилади.

* * *

Қўшни бўлиш, бу яқин бўлиш дегани эмас.

* * *

Ҳаёт фақат уни ўрганувчиларни ўргатади.

Конфуций (Кун-Цзу)

(Кун фу-цзи, Кун-цзи, Кун-цю, Кун Чжунни, милоддан аввалги тахм. 552—479 йилларда яшаган Хитой файласуфи)

Агар кишилар орқангдан тупуришса, демак сен олдиндасан.

* * *

Ахлоқ нуқтаи назаридан сенга караганда паст киши билан дўст тутинма.

* * *

Аҳмоқона фикри йўқ киши аҳмоқона ишларни ҳам қилмайди.

* * *

Берахмликни ёмон кўрадиган рахмдиллик кўрсатади.

* * *

Бировларнинг сизга нисбатан қиладиган ишини хохламасангиз, сиз ҳам уларга шу ишни раво кўрманг.

* * *

Ваъданинг тўғрилигини ва бажаришнинг имконияти борлигини ўйлаб ваъда қилиш зарур, чунки ваъда — бу карз.

* * *

Гапиришни билмаган киши ўзгаларни англай олмайди.

* * *

Донишманд киши ўз камчиликларидан уялади, лекин уларни тузатишдан уялмайди.

* * *

Донишманд ҳамма нарсани ўзи дан излайди, нодон эса ўзгадан.

* * *

Дўстлар билан асабга тегадиган даражада муносабатда бўлсанг, улар сендан узоқлашишади.

* * *

Ёмон кишининг ёнига келиш ва эшитиш — бу ёмонликнинг бошланиши.

* * *

Жиноятларнинг энг оғири — шафқатсизликдир.

* * *

Илмга етишишнинг учта йўли бор: фикрлаш йўли — энг тўғри

йўл, тақлид қилиш йўли — энг осон йўл ва тажриба йўли — энг аччиқ йўл.

* * *

Камгаплик — хеч қачон сотмай диган содиқ дўст.

* * *

Ким ўта рахмдил бўлса, у шубхасиз кудратлидир.

* * *

Манманлик, бекорчилик ва меҳмондорчиликка берилиш зарарли дир.

* * *

Менинг ўгитларим фақат шундан иборатки, соф қалбли бўлинг ва ўз яқинларингизни худди ўзингизни севганингиздай севинг.

* * *

Меъёридан ортиқ иззат ўзни камситилишга айланади, меъёридан ортиқ эҳтиёткорлик қўрқоқликка айланади, меъёридан ортиқ довюраклик ақлсизликка айланади, меъёридан ортиқ самимийлик қўполликка айланади.

* * *

Нодон кишилар уни билиш маганидан шикоят қилади, донишманд — кишиларни билмаганидан.

* * *

Одамгарчилик жуда кам ҳолларда гапга усталик ва чиройли кўриниш билан бирга бўлади.

* * *

Одамларни ўргатмай урушга юбориш уларга сотқинлик қилишдир.

* * *

Одатда энг доноларни ва энг нодонларни ўқитиш қийин бўлади.

* * *

Одилона йўл тутиш лозим бўлган пайтдаги харакатсизлик қўрқоқликни билдиради.

* * *

Осмонда иккита қуёш бўлмаганидай, халқнинг ҳам иккита ҳукмдори бўлмайди.

* * *

Сўз фикрни ифодаласа бас.

* * *

Тарбияси ва табиийлиги бирбири билан мувозанатга келганидан кейингина киши улуғ бўлади.

* * *

Тежамкор бўлмаган қийналади.

* * *

Тўғри йўл тутган пайтингда буйруксиз ҳам ортингдан эргашадилар, нотўғри йўл тутган пайтингда буйруқ берсанг ҳам қулоқ солишмайди.

* * *

Улуғ киши тўққиз карсага эришиш тўғрисида ўйлайди: равшан кўришни, аниқ эшитишни, истараси иссиқ бўлишни, ишига бошқалар ҳавас қилишини, сўзлари самимий бўлишини, ҳаракатларида эҳтиёт бўлишни, гумон пайдо бўлганда бошқалардан сўрашни, қаҳрининг оқибатларини ўйлашни, фойда олиш имконияти пайдо бўлганида ҳалол бўлишни.

* * *

Улуғворлик ва золимлик бирбирига ёрдам беради.

* * *

Халқни итоат қилишга мажбурлаш мумкин, лекин нима учунлигини билишга мажбурлаб бўлмайди.

* * *

Фақат самимийлик бўлганида ҳамма нарсани тушунишга эришиш мумкин, ҳамма нарсани тушунганда эса самимийликка эришиш мумкин.

* * *

Фақат фойдани ўйлаш ғазабни кўпайтиради.

* * *

Фақат энг нодон ва энг оқилларгина ўзгармайдилар.

* * *

Фикрламай ўқийдиган янглишади. Ўқишни истамай фикрлайдиган қийналади.

* * *

Фикрсиз илм — фойдасиз меҳнат.

* * *

Шижоат яхши кўрилиб, камбағаллик ёмон кўрилса ғалаён чиқиши мумкин. Инсонийлигини йўқотган кишиларни ўта ёмон кўриш ҳам ғалаённи чиқариши мумкин.

* * *

Яхши киши бошқалар билан инок яшайди, лекин уларга эргашмайди, тубан киши бошқаларга эргашади, лекин улар билан инок яшамайди.

* * *

Яхши киши бошқаларга ўзларининг яхши томонларини кўришларига ёрдамлашади, уларга ёмон томонларини кўришни ўргатмайди. Тубан киши эса бунинг тескарисини қилади.

* * *

Яхши киши бурчни биринчи ўринга қўяди, бурчини бажарганидан кейин фойда олади. Шунинг учун ҳам унинг фойда олиши одамларнинг меъдасига тегмайди.

* * *

Яхши киши одамларни гапига караб танламайди, лекин яхши гаплар номуносиб киши томонидан айтилса ҳам уни инкор қилмайди.

* * *

Яхши киши тўғри ва қатъий бўлади, лекин қайсар эмас.

* * *

Яхши киши фақат бурчни билади, тубан киши фақат фойдани.

* * *

Яхши киши ўзига талабчан бўлади, тубан киши ўзгаларга.

* * *

Яхши киши ўзини айблайди, паст киши эса ўзгаларни.

* * *

Яхши киши кўнгирокка ўхшайди: агар уни чертмасанг — жаранглмайди.

* * *

Яхши кишига майда ишлар билан бахо бериш ярамайди, унга катта ишларни ишонса бўлади. Тубан кишига катта ишларни ишониб бўлмайди, унга майда ишлар билан бахо берса бўлади.

* * *

Ўзини тута биладиган киши кам янглишади.

* * *

Ўрталик — доноликка энг яқин нукта.

* * *

Қадимда кишилар кўп гапиришни яхши кўрмаганлар. Улар

ўз сўзининг устидан чиқмаганни шармандалик деб хисоблаганлар.

* * *

Қадимда кишилар ўз билимини ошириш учун ўқишган, хозир эса бошқаларни хайратга солиш учун ўқишади.

* * *

Қарашлари турлича бўлган кишилар умумий тил топиша олмайдилар.

* * *

Хаёт тўғрисида шунчалик оз билсак, ўлим тўғрисида нимани хам билардик.

* * *

Хар ким ўз адолатсизлигига мувофиқ адашади.

* * *

Ҳақиқий ягона хато — қилган хатоликларини тузатмаслик.

* * *

Ҳеч нарса билмаганни хам бахтли дейиш мумкин: унинг тушунарсиз бўлиш хавфи йўк.

* * *

Хеч качон янглишмаслик эмас, хар сафар йиқилгандан кейин ўриндан туришни буюк шараф дейиш мумкин.

Лао-Изи

(Ли Эр, милоддан аввалги V – IV асрларда яшаган Хитой файласуфи)

Агар буюм бирор максадга ярамаса, уни бошка максадга ишлатиш мумкин.

* * *

Агар давлатда тақиқ кўп бўлса халқ қашшоқлашади.

* * *

Агар киши ўзини хамма нарсани биладиган ва хамма нарсага кодирдай қилиб кўрсатса, билингки у хеч нарсани билмайди ва хеч нарсага кодир эмас.

* * *

Агар халк кўп билса, уни бошқариш кийин бўлади.

* * *

Агар халк хукуматдан қўрқмаса, халқни бошқариш учун ундан кучлироқ хукумат келади.

* * *

Бошқаларни енгувчи кучлидир, ўзини енгувчи кудратлидир.

* * *

Буюк оқиллар хукмрон бўлган ерда фуқаролар уларнинг борлигини сезишмайди. Унчалик оқил бўлмаган киши хукмрон бўлган ерда халк унга боғлиқ бўлади ва уни мақтайди. Ундан хам оқил эмасроқ киши хукмронлик қилган ерда халк ундан қўрқади, умуман оқил бўлмаган киши хукмронлик қилган ерда эса халк ундан нафратланади.

* * *

Дунёдаги барча кулфат майдаларидан бошланади, худди буюк иш кичикларидан бошланганидек.

* * *

Душман бўлмаган ерда уруш хам бўлмайди.

* * *

Душманни писанд қилмасликдан ортик фалокат йўк.

* * *

Жанжаллашмаган айбланмайди.

* * *

Ишончи комил бўлмаган ўзгаларни ҳам ишонтира олмайди.

* * *

Камайиш кўпайишнинг бошланиши, кўпайиш — камайишнинг бошланиши.

* * *

Кишиларни биладиган — оқил, ўзини биладиган — фаросатли.

* * *

Кўп гапирадиганнинг кўпинча омади келмайди.

* * *

Кўп нарса билса ҳам ўзини ҳеч нарса билмайдигандай тутадиган киши оқил, ҳеч нарса билмаса ҳам ўзини ҳамма нарсани биладигандай тутадиган киши нодон.

* * *

Майин ва ожиз қаттиқ ва кучлини енга олади. Дунёда сувдан кучсиз ва майин нарса бўлмаса ҳам, у энг қаттиқ жисмни ҳам емира олади.

* * *

Муваффақиятга эришгач, яхшиси четлашмоқ зарур.

* * *

Осон эришиладиган битимга ишонч кам бўлади.

* * *

Сувдан юмшоқ ва майинроқ нарса йўқ, лекин унга қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилиб кўринг-чи.

* * *

Тартибни ғалаён бошланмасдан бурун ўрнатиш лозим.

* * *

Халқни бошқариш қийинлашаётганлигининг сабаби шундаки, халқ илмли бўлмоқда ва ундаги ақлилларнинг сони кўпаймоқда.

* * *

Халқни эргаштириш учун унга эргашиш зарур.

* * *

Ўз иштиёқининг чегарасини билмасликдан ортиқ бахтсизлик йўқ

* * *

Ўз фикрларингизга эҳтиёт бўлинг, улар қиладиган ишларингизнинг боши.

* * *

Қаноатни билмасликдан ортиқ камчилик йўқ.

* * *

Қанча узоқроқ борсанг, шунча камроқ биласан.

* * *

Қаттиқ ва мустаҳкам — умри тугаётган нарса, ожиз ва нафис — яшашни бошлаган нарса.

* * *

Қонун ва қоидалар кўпайса, босқинчилик ва ўғирликлар ошади.

* * *

Ғилдиракнинг ўттизта кегайи бўлиши мумкин, лекин ғилдиракдан кегайлар орасида бўшлиқ бўлгани учун фойдаланишади. Гулдонни лойдан ясашади, лекин гулдон ичидаги бўшлиқдан фойдаланишади. Қурилган уйга эшик, ойна ўрнатишади, лекин уйда яшаш учун унинг ичидаги бўшлиқдан фойдаланишади. Борлиқ ва йўқликнинг фойдаси мана шулар.

* * *

Ҳаётини аямайдиган киши ҳаётининг қадрини билади.

* * *

Ҳалол кишилар бадавлат бўлишмайди. Бадавлат кишилар ҳалол бўлишмайди.

* * *

Ҳамма кишилар яхшиликнинг яхши эканини билишганида ёмонлик ҳам пайдо бўлади.

* * *

Ҳаракатни энди бўладиганидан бошлаш керак.

* * *

Ҳақ сўзлар чиройли бўлмайди. Чиройли сўзлар ишончга лойиқ бўлмайди. Яхши гапга уста бўлмайди. Гапга уста яхши бўла олмайди. Билган исботламайди, исботлайдиган билмайди.

Лев Толстой

(Лев Николаевич Толстой, 1828—1910 йилларда яшаб ижод қилган рус ёзувчиси)

Агар гапирмаганингга бир марта пушаймон бўлсанг, гапирганинг учун юз марта пушаймон бўласан.

* * *

Агар иккаласига ҳам бир синов деб қарайдиган бўлсак, бахт деб атайдиганимиз ҳам, бахтсизлик деб атайдиганимиз ҳам бизга бирдай фойдали.

* * *

Агар кишида унинг учун ўлишга ҳам рози бўладиган бирор кимсаси бўлмаса, жуда ҳам ёмон.

* * *

Агар сен ўз фаолиятингнинг барча окибатларини кўрсанг, демак сенинг фаолиятинг жуда ҳам майда.

* * *

Агар тинч яшай десанг, кишиларга эмас виждонингга қулоқ тут.

* * *

Айбсиз ҳукмронлик қилиб бўлмайди.

* * *

Афоризмлар фалсафий фикрларни изҳор қилишнинг энг яхши усулидир.

* * *

Бахт доим ўз истаганингни бажаришда эмас, бажараётганингни доим исташингдадир.

* * *

Бахтли оилаларнинг ҳаммаси бир бирига ўхшайди, бахтсиз оилаларнинг ҳар бири эса ўзича бахтсиздир.

* * *

Биз кишиларни уларга қилган яхшилигимиз учун яхши кўрамиз, уларга қилган қахримиз учун эса ёмон кўрамиз.

* * *

Билим — курол, максад эмас. Тарбия ва илм ажралмасдир. Илм ўргатмай тарбиялаб бўлмаслиги сабабли, тарбия илмдай қабул қилиниши зарур.

* * *

Билмаслик уят ҳам эмас, зарар ҳам. Ҳеч ким ҳамма нарсани билмайди. Лекин билмайдиган нарсасини биладиган қилиб кўрсатиш ҳам уят, ҳам зарарлидир.

* * *

Бировлар тўғрисида ёмон, сизнинг тўғрингизда эса яхши гапирадиган киши билан ҳеч қачон сухбатдош бўлманг.

* * *

Бировларнинг айбини мухокама қилишдан олдин ўз айбингни эсла.

* * *

Бирор нима қиладиган бўлсанг, уни яхши бажар, яхши бажаришни билмасанг ёки истамасанг, яхшиси у ишга қўл урма.

* * *

Вақт ўтади, лекин айтилган сўз қолади.

* * *

Виждонинг маъкулламайдиган барча нарсадан эхтиёт бўл.

* * *

Ёмонликни тугатишнинг фақат битта йўли мавжуд — ёмонлик қилган кишиларга яхшилик қилиш.

* * *

Илмсизликдан қўрқма, нотўғри илмдан қўрк. Дунёдаги барча зулм шундан.

* * *

Инсонийликка доғ туширадиган барча жиноятларнинг ҳар ўнтасидан тўққизтаси мастлик оқибатида содир бўлган.

* * *

Инсонни касрга таккосласа бўлади: *махражда — унинг ўзи* тўғрисида ўйлагани, суратда — унинг ҳакиқатда бори. Махраж қанча катта бўлса, каср шунча кичик бўлади.

* * *

Кишилар олдида уялиш яхши ҳис, лекин ҳаммасидан ҳам кишининг ўзидан уялиши яхши.

* * *

Кишилар қандай гапиришни ўрганадилар, аслида қачон ва қандай гапирмаслик илмини олиш зарур.

* * *

Кишиларга ҳақиқатни айтишни ўрганиш учун, уни ўзимизга айтишни ўрганмоғимиз зарур.

* * *

Кулги руҳни тетиклаштиради.

* * *

Кўпинча кишилар хотираси пастлиги сабабли, ўз виждонларини пок деб ҳисоблаб, фахрланиб юришади.

* * *

Мастлик ҳеч қачон ақлий жиҳатдан ҳам, ахлоқий жиҳатдан ҳам олға юрмайди.

* * *

Мен ҳаётда фақат иккита бахтсизликни тан оламан: виждон азоби ва касаллик.

* * *

Моддий ва ақлий заҳарларнинг фарқи шундаки, моддий заҳарларнинг таъми бемаза бўлади, ақлий *заҳарларники эса, ёмон китоблар* мисолида, бахтга қарши кўпинча ёқимли бўлади.

* * *

Мужмал гап мужмал фикрнинг аниқ белгисидир.

* * *

Обрўли кишиларнинг эътирофидан ортиқ санъат тушунчасини чалкаштирадиган нарса йўқ.

* * *

Тана қанча яқин бўлмасин у бировники, фақат қалбгина бизники.

* * *

Урушнинг оқибати ҳар доим оммавий қашшоқлик ва оммавий бузуқлик бўлган.

* * *

Уятчанлик кишига табиат томонидан жиноят иш қилишдан сақланиш учун берилган.

* * *

Фақат лоқайдлик ва ялқовлик оқибатидагина ҳаётни ёмон кўриш мумкин.

* * *

Энг оддий ва катта кўнгилсизликларга етаклайдиган иш «Ҳамма шундай қилади-ку» сўзи билан ўзига таскин бериладиган ишдир.

* * *

Эркакка ўхшашга ҳаракат киладиган аёл, худди аёлга ўхшашга ҳаракат киладиган эркакдай хунук кўринади.

* * *

Эҳтиёж қанча кам бўлса, ҳаёт шунча бахтли бўлади.

* * *

Яхши сифатларимиз ҳаётда бизга ёмон томонларимизга қараганда ҳам кўпроқ зарар келтиради.

* * *

Ўз уйида бахтли бўлган кишигина бахтлидир.

* * *

Ўзинг бажариб биладиган иш билан ўзгаларни безовта қилма.

* * *

Ўзингни ҳар нарсадан тия билиш учун куч зарур, лекин бундай тия билишларнинг энг қийини — тилни тия билишдир. Ҳаммасидан муҳими ҳам шу.

* * *

Ўзини акллироқ кўрсатиш истагидан, кўпинча кишилар бир бировини нодон ҳисоблашади.

* * *

Ўлимдан қўрқиш яхши яшашга тескари пропорционалдир.

* * *

Ўқитувчи учун ўқитиш қанча осон бўлса, ўқувчи учун ўқиш шунча қийин бўлади.

* * *

Ўзига зарурини олган киши ўғри эмас, ўзига зарур бўлмаган нарсани олиб, унга зарурияти бор кишиларга бермайдиган киши ўғридир.

* * *

Қизғин баҳслашув, кўпинча рақибинг нимани исботламоқчи бўлганини ҳеч ҳам тушунмаганингдан келиб чиқади.

* * *

Қисқа фикрлар шу томони билан ҳам яхшики, у ўқувчини жиддий ўйлашга мажбур қилади.

* * *

Қўрқоқ дўст душмандан ёмон, чунки душмандан хавфсирайсан, дўстга эса ишонасан.

* * *

Ҳамма дунёни ўзгартиришни ўйлайди, лекин ҳеч ким ўзини ўзгартиришни ўйламайди.

* * *

Ҳар доим кишиларнинг ёмон томонини эмас, яхши томонини изла.

* * *

Ҳар қандай мавжудотнинг дунёдаги ўрнини кўрсатадиган бир аъзоси мавжуд. Инсон учун бу — аклдир.

* * *

Ҳар қандай ғийбат, фақат уни инкор қилганда яна ҳам куч олади.

* * *

Ҳақиқатни билишдаги энг катта тўсиқ, ёлғон эмас, ҳақиқатга ўхшашликдир.

* * *

Ҳеч нима қилгандан, ҳеч нима қилмаган яхши.

Леонардо да Винчи

(1452—1519 йилларда яшаган итальян рассоми ва олими)

Бизни ҳеч нима ўз фикримиздай алдамайди.

* * *

Билим ҳар қандай аниқликнинг онаси бўлган тажрибадан туғилмаса фойдасиз ва хатоликларга тўла бўлади.

* * *

Бир соат ичида бойишни истаган бир йил ичида осилади.

* * *

Бировларнинг сирига қизиқадиган кўз ва қулоқлар ҳар доим топилади.

* * *

Бошқаларни ҳақорат қилган ўз тинчлигини ўйламайди.

* * *

Донишмандлик — тажриба фарзанди.

* * *

Дунёда ҳаммасидан ҳам кўпроқ ёмонлик қилиш мақсадида тўқилган миш-мишлардан сақланиш даркор.

* * *

Ёвузликни айбламаган унинг амалга ошишига кўмаклашган ҳисобланади.

* * *

Ёшликнинг гўзал таровати ҳаддан ташқари зебу зийнатлар ичида ўз мукаммаллигини пасайтиради.

* * *

Илмсиз тажриба билан шуғулланишга қизиқадиган киши, рули ишламайдиган ёки компассиз кема бошқарувчисига ўхшайди: у қаерга боришини ҳеч қачон аниқ билмайди.

* * *

Иссиқ кийим кишини совуқдан асраганидай, сабр ҳам кишини ранждан сақлайди. Сабрли ва руҳан вазмин бўлсанг ҳар қандай ғам-ташвиш сени четлаб ўтади.

* * *

Кам ўйлаган кўп янглишади.

* * *

Камчилигингизни изловчи душман уни яширувчи дўстингиздан афзалдир.

* * *

Ким қўркиб яшаса, у қўркувдан ўлади.

* * *

Кўп меҳнат қилгангина бахтга етишади.

* * *

Кўп товуқ бир жойда тинч ва тотувликда яшаши мумкин, лекин иккита хўроз бир товуқхонада чиқиша олмайди, чунки уларнинг табиати шунақа.

* * *

Маслаҳатни ўз устидан ғалаба киладиганлардан сўра.

* * *

Нодонлар орасида ўзини ва ўзгаларни алдаш билан банд бўладиган, иккиюзламачи деб номланадиган бир гурух борки, у доим ўзгаларни алдаяпман деб ўйлайди, ҳакикатда эса ўзгаларга караганда ўзини кўпрок алдайди.

* * *

Обрў меҳнат кўлида.

* * *

Оқилона бахона етишмаган жойда, доим унинг ўрнини бақирик эгаллаган.

* * *

Содик дўстларга эга бўлишни истовчи киши мехрибон ва сабрли бўлиши, ўзгаларнинг эҳтиёжига эътиборли бўлиши лозим. Обрў ва ҳурматга куч билан эришиб бўлмайди, унга мурувват ва ҳиммат оркали, ўзида борини мухтожликда яшовчилар билан бахам кўриш оркали эришилади.

* * *

Табиат шундай мукаммал яратилганки, қаерда бўлсанг ҳам ўрганишга нарса топасан.

* * *

Тасвир — бу кўрса бўладиган назм, назм — бу эшитса бўладиган тасвир.

* * *

Темир ишлатилмаса занглайди, турғун сув бузилади ёки совуқда музлайди, кишининг ақли эса, агар фойдаланилмаса ожизлашади.

* * *

Тўсиқ хар доим тиришқоқлик ёрдамида эгалланади.

* * *

Умид ўлган жойда бўшлиқ пайдо бўлади.

* * *

Уч хил кишилар бор: кўра оладиган кишилар, кўрсатсалар кўрадиган кишилар ва кўрмайдиган кишилар.

* * *

Ширин учун аччиқ ҳисоблашишга тўғри келади.

* * *

Яхши илмлилик яхши истеъдоддан турилади: сабабга караганда окибат мақталганидай, биз илмли бўлмаса ҳам истеъдоди бўлган кишини истеъдоди бўлмай илми бор бўлгандан кўпрок мақтаймиз.

* * *

Яхши яшалган хар кандай умрни узоқ умр ҳисобласа бўлади.

* * *

Яхши ўтказилган кундан кейин енгил уйқу келганидай, яхши яшалган умрдан кейин ўлим ҳам осон келади.

* * *

Ўзинг тушунмайдиган нарсани мақтасанг зарар келтирасан, агар танбеҳ берсанг ундан хам катта зарар берасан.

* * *

Ўртамиёналик камчиликлардан ишончли ҳимоя ҳисобланади.

* * *

Ҳаётнинг қадрига етмаган яшашга лойиқ эмас.

* * *

Ҳақиқат охир-окибат яширин бўлиб қолмайди.

Лессинг

(Готхольд Эфраим Лессинг, 1729—1781 йилларда яшаган немис ёзувчиси, танқидчиси ва мутафаккири)

Агар кишилар доим ўз ташаббусларининг якунини ўйлаганларида, улар ҳеч нимага қўл уришмаган бўлар эдилар.

* * *

Баъзилар янглишишдан қўрқиб янглишадилар.

* * *

Билмасдан камчиликка йўл қўйиш бошқа, уни билиб шундай бўлса ҳам камчиликка йўл қўйиш батамом бошқа.

* * *

Бир аёл ҳеч качон иккинчисининг гўзаллигини тан олмайди.

* * *

Дунёдаги ҳеч бир халққа бошқа халқдан нимаси биландир устун бўлиш қобилияти берилган эмас.

* * *

Мўлжалдан қандайдир бир неча қадам янглишиш ёки мўлжалга умуман яқинлашмаслик — моҳиятан бир хил маънони билдиради.

* * *

Уятчанлик эҳтимол барча ерда зарурдир, фақат ўз хатосини тан олишда эмас.

* * *

Хушомад қилиш ёлғонсиз бўлмаганидай, қўполлик ҳам маълум даражадаги ҳақиқатсиз бўлмайди.

* * *

Эҳтиёткор эшак қоқилмасдан юрадиган сўқмоқда қизиққон от ўзининг ҳам, чавандознинг ҳам ўлимига сабабчи бўлиши мумкин.

* * *

Юкори фоизлар билан қарз бериш ўғирлашдан узоқ эмас.

* * *

Яхши нарса ва ҳатто энг яхшиси ҳам кунда такрорланаверадиган бўлса зерикарлига айланади.

* * *

Қадимгиларнинг устунлиги шундан иборатки, улар ҳар нарсадан меъёрни топа билганлар.

* * *

Қувончни кутиш ҳам кувончдир.

* * *

Ғамга караганда ҳам кулги бизни мулоҳазалирок қилади.

* * *

Ҳаётимиз давомида бизга ҳамроҳлик қилиб келаётган иримсиримларни тўлиқ билиб олганимизда ҳам улар бизга бўлган ўз ҳукмронлигини йўқотишмайди.

Ливий

(Ливий Тит, милоднинг 17 йилларида яшаб ижод қилган Рим тарихчиси)

Бахт қанча катта бўлса унга шунча кам ишониш зарур.

* * *

Бахтсизлик бизни мўминликка ундайди.

* * *

Кам ҳоллардагина кишига бахт ва соғлом фикр бир вактда берилади.

* * *

Катта ишларнинг муваффақияти, кўпинча, кичик ишларга боғлиқ.

* * *

Кишилар яхшиликни ёмонликка қараганда кам ҳис қилишади.

* * *

Кишилар ўзлари қўркмасликлари учун хам бошкаларни кўркитишади.

* * *

Меҳнат ва роҳат ўз табиатига кўра турлича бўлишса хам, хар ҳолда улар ўртасида табиий бир боғлиқлик бор.

* * *

Шоҳлар орасидаги дўстлик ишончсиз бўлади.

* * *

Ўзини оқлайдиган кишилар хайратланарли даражада гапга уста бўлишади.

* * *

Қирғоқда туриб кемани бошқариб бўлмайди.

* * *

Кўркув қанча кам бўлса, хавф хам шунча кам бўлади.

* * *

Кўркув хаммасини ёмон томонга талқин қилади.

* * *

Ғараз бўлмаган ерда айб хам бўлмайди.

* * *

Хаммани бахтли қиладиган қонун йўқ.

* * *

Хаммасидан хам таниш азобга чидаш осонрок.

* * *

Харбий хизмат қалбни бешафқат қилади.

* * *

Ҳеч бўлмаганидан кеч бўлгани афзал.

* * *

Ҳужумдагиларнинг руҳи доим химоядагиларникидан баланд бўлади.

Лихтенберг

(Лихтенберг Георг Кристоф, 1742—1799 йилларда яшаб ижод қилган немис сатирик ёзувчиси, адабий танқидчи ва физик олими, Петербург ФА нинг фахрий аъзоси)

Агар биз ўз камчиликларимизни билсак, у бизга зиён келтирмайди.

* * *

Агар бир-бирларининг фикрларини билганларида, жуда кам кишилар дўст бўлиб қолишарди.

* * *

Айбдорни жазолаб қокилган стулини урадиган боланинг хатосини такрорламасмиканмиз?

* * *

Афсуски сувни ичиш гунох эмас. Бўлмаса у канчалик ширин бўлиб туюлар эди.

* * *

Ақл ўргатиш ва ақлли бўлиш — умуман бошқа-бошқа нарсадир.

* * *

Ахмоқона иш — ҳар доим ҳам ахмоқлар иши эмас.

* * *

Баъзи бир олимлар ўз илмларини фақат у билан мақтаниш учунгина йиғишади.

* * *

Биз шундай даврда яшамоқдамизки, унда бир нодон кўп нодонларни, бир оқил эса, жуда кам оқилларни яратади.

* * *

Бирваракайига ҳаммасини қилишга интилиш — хеч нарса қилмаслик демакдир.

* * *

Буюк кишиларнинг камчиликларига танбех бериш мумкин, лекин шу камчиликлар учун кишининг ўзига танбех бериш ярамайди.

* * *

Доимо вакти кам кишилар, одатда хеч нима қилишмайди.

* * *

Дунё уни ўрганишимиз учун яратилган эмас, унга караб ўзимизни мослаштиришимиз учун яратилган.

* * *

Камчиликларингни яшириб яхши бўлиб қолмайсан: уларни самимий тан олишинг эса обрўйингни оширади.

* * *

Кимёдан бошқа нарсани билмайдиган киши уни ҳам етарли даражада билмайди.

* * *

Китоб кўзгуга ўхшайди, агар унга маймун қараса фариштани кўра олмайди.

* * *

Кишиларнинг ғам-ташвишни камайтиришга бўлган интилиши янги ғам-ташвишларни пайдо қилиши жуда ҳам аянчли.

* * *

Кишининг характерини у хафа бўладиган ҳазилдан аникрок кўрсатадиган нарса йўк.

* * *

Кучли шухратпарастлик ва хеч кимга ишонмасликни мен доимо бирга кўрганман.

* * *

Кўп кишилар ўйланмаслик ҳуқуқига эга бўлиш учунгина ўқишади

* * *

Кўпчилик кишилар модага мувофик яшашади, аклга эмас.

* * *

Мағрурлик яхши хислат — у ўз камчиликларини кўра олади. Шу тарафи билан манманлик ундан фарқланади.

* * *

Махмадоналик — нодонликнинг энг шармандали туридир.

* * *

Мияга ўрнашиб қолган кексаяётганлик тўғрисидаги фикрдан ортиқ кишини тез кексайтирадиган нарса йўқ.

* * *

Нодонни окилга айлантириш кўрғошинни олтинга айлантириш дай қийин.

* * *

Ноҳақ танбеҳга жуда ҳам ранжима, баъзида сени ҳеч кандай асоссиз макташадилар-ку.

* * *

Табиатан ҳамма кишилар бир хил, ҳаёт тарзигина уларни турлича килади.

* * *

Худди ўзиникидай, ўзгалар ишининг ташвишини ҳам кам қилишганида эди, баъзи кишилар анча яхши яшашган бўлар эдилар.

* * *

«Яхши товуш» — бу бир парда пастда жойлашгани.

* * *

Ўз камчиликларингни яшириб яхши бўлиб қолмайсан: уларни соф дилдан тан олгандагина бизнинг обрўйимиз ошади.

* * *

Ўртачалик хато хисобланган жойда бефарклик — жиноятдир.

* * *

Ўқиганни эслаб қолмасликнинг асосий сабаби кишиларнинг жуда ҳам кам фикрлашидадир.

* * *

Қулоқларини кесишмасидан олдин бошқаларни эшитмайдиган кишилар ҳам бўлади.

* * *

Ҳаётда киши юпатишга қараганда ҳам панд-насиҳатга кўпрок дуч келади.

* * *

Ҳар доим коралашдан олдин кечириш йўлини излаган маъқул.

* * *

Ҳар нарсада хозирча хеч ким кўрмаган ва унинг тўғрисида ўйламаганни топишга харакат қилиш зарур.

* * *

Ҳар кандай китобнинг яхшилигини аниклаш белгиси — кишининг ёши улғайган сари, унга шу китоб яна ҳам кўпроқ ёкишидадир.

Локк

(Локк Жон, 1632—1704 йилларда яшаган инглиз файласуфи)

Биз учратадиган кишиларнинг ўнтасидан тўккизтаси олган тарбиясига монанд яхши ёки ёмон, кўнгилчан ёки ёвуздирлар.

* * *

Бир хил тарбияланган кишилар ўртасида ҳам турли кобилиятлилари учрайди.

* * *

Битта бузилган ҳақиқатни кечиришдан йигирмата айбни кечириш осон.

* * *

Болани яхши кўрмайдиган кишининг болани жазолашга ҳаки йўк.

* * *

Гимнастика кишининг ёшлигини узайтиради.

* * *

Ёлғоннинг доимий йўлдоши — айёрлик.

* * *

Ёмон қилиқлар кишига яхши қоидаларга қараганда ҳам кучлироқ таъсир қилади.

* * *

Кишиларнинг ҳаракати — улар фикрининг энг яхши таржимонидир.

* * *

Кўп нарсага ўрганиш санъатининг сири — бир вақтнинг ўзида кўп нарсага қўл урмаслик.

* * *

Тажриба — энг яхши ўқитувчи.

* * *

Хушмуомалалик — биринчи ва энг ёкимли фазилат.

* * *

Ўз айёрлигини яшириш даражасида айёр бўлиш хозирча хеч кимнинг қўлидан келган эмас.

* * *

Ўз ўғлингизга қанчалик эрта катта кишидек муносабатда бўлсангиз, у шунча эрта улғаяди.

* * *

Ўзининг истаги бўлмаса, хеч кимни бадавлат ёки соғлом бўлишга мажбурлаб бўлмайди.

* * *

Қонунларни жуда хам кам чиқаринг, лекин уларнинг ижросини назорат қилиб боринг.

* * *

Қўрқув — бу олдинда бизнинг бошимизга тушиши мумкин бўлган кўнгилсизлик тўғрисидаги фикрдан қалбнинг безовталиги.

* * *

Хеч ким синамасидан олдин ўз қобилияти кучининг нималарга қодир эканини билмайди.

Марк Твэн

(Сэмюэл Клеменс, 1835 – 1910 йилларда яшаган Америка ёзувчиси)

Агар сиз дайди итни асраб, яхши яшаши учун шароит яратиб берсангиз, у сизни хеч качон тишламайди. Инсон ва ит ўртасидаги принципиал фарк шундан иборат.

* * *

Агар киши шу муҳитда туғилиб ўсган бўлса, ҳар қандай адолатсизликка ҳам чидай олади.

* * *

Агар малла сочли киши биронбир юқорироқ мансабга кўтарилса, унинг сочини қизғиш-тилла рангли дейишади.

* * *

Агар шубхалансанг, тўғрисини гапир.

* * *

Ажинлар фақат олдин жилмайиш бўлган ерни кўрсатиши даркор.

* * *

Азобланиш учун душман ҳам, дўст ҳам зарур бўлади: биринчиси

сизга тухмат қилса иккинчиси буни сизга етказади.

* * *

Банк бу ўз маблағинг мавжудлигига ишонтира олганингдан кейингина қарзга пул берадиган муассаса.

* * *

Банкир — бу қуёш чиқиб турган пайтда соябонини сизга қарзга бериб, ёмғир бошланадиган пайтда уни қайтиб оладиган киши.

* * *

Бехосдан қизиб турган плитага чиққан мушук ҳеч қачон қизиган плитага бошқа чиқмайди.

Совуғига ҳам.

* * *

Биз билан бир хил ўйлайдиган кишиларнинг ўз ўйлаганларини дадил айтиши бизга жуда ҳам ёқади.

* * *

Бу кишининг фақат қамоқхонада ўтирмагани маълум холос, лекин нима учун ўтирмагани — номаълум.

* * *

Дунёда содир бўлиши мумкин бўлмаган нарса бўлмаса керак.

* * *

Дўстлик — бу шундай олийжаноб, ёқимли, мустаҳкам ва доимий туйғуки, уни бутун умр бўйи сақлаш мумкин, албатта, агар қарзга пул сўралмаса.

* * *

Жасурлик — бу қўркувнинг йўқлиги эмас, қўркувга қаршилик кўрсатиш ва қўркув устидан назорат ўрнатишдир.

* * *

Киши ўзи тик тура олмайдиган вазиятда бошқаларнинг тик турмаганини танқид қилмаслиги керак.

* * *

Кўпдан бери кутган нарсамиз содир бўлса, у тасодифан содир бўлгандай туюлади.

* * *

Манманликнинг чеки йўқ, фақат уни яшира олишнинггина чегараси бор.

* * *

Мен ёш бўлганимда ҳаммасини эслардим — бўлган воқеаларни ҳам, бўлмаганларини ҳам.

Энди мен кексаймоқдаман ва тез орада кейингиларинигина эслай оладиган бўламан.

* * *

Нафсни енгишнинг бир неча йўллари бор, уларнинг энг аниғи — қўркоқлик.

* * *

Одамларнинг ойни яхши кўришларининг боиси шуки, у ўзининг қоронғи томони билан бизга ўгирилмайди.

* * *

Сен ноҳақ бўлганингда ҳам ёнингда қоладиган киши ҳақиқий дўст. Сен ҳақ бўлганингда ҳамма сенинг ёнингда бўлаверади.

* * *

«Сиз куйлайсизми?» — «Мени эшитган кишиларнинг гапига қарагакда, йўқ»

* * *

Тўғрисини гапир, шунда ҳеч нарсани эсга олишга зарурият қолмайди.

* * *

Чекишни ташлашдан осони йўқ, мен уни ўттиз мартача ташлаганман.

* * *

Шовқин ҳеч нарсани исботламайди. Кўпинча тухум туққан товуқ шундай шанғиллайдики, гўёки кичикроқ бир сайёрани туккандай.

* * *

Шундай яшайликки, бизнинг вафотимизга хатто гўрков ҳам йиғласин.

* * *

Юлдузлар бизга кўринганларидай бир-бирига якин эмас.

* * *

Яхши тарбия — бу ўзингиз тўғрингизда юкори, сухбатдошингиз тўғрисида паст фикрда эканлигингизни яшира билиш.

* * *

Яхшилик шундай яхши нарсаки, уни кар эшита олади, кўр кўра олади.

* * *

Яхшиси, бошқаларга нодонга ўхшаб туюлсанг ҳам гапирмаслик афзал, гапириб уларнинг бу тўғридаги шубҳасини тасдиклаганга караганда.

* * *

Ўзини алдай билмаган киши бошқаларни алдаши гумон.

* * *

Қалбида кайғу бўлган кишигина бошкаларни тинчлантира олади.

* * *

Ҳар бир кишининг, худди ойга ўхшаб, ўзининг ёритилмаган томони бўлади ва уни ҳеч кимга кўрсатмайди.

* * *

Ҳар қандай параллель агарда унинг хукукларини поймол килмаганларида экватор бўлиши мумкинлигига ишонади.

* * *

Ҳеч качон гувоҳлар олдида нодонлик килманг.

Махатма Ганди

(Мохандас Карамчанд Ганди, 1869—1948 йилларда яшаган ҳинд мутафаккири ва давлат арбоби)

Агар биз бутун дунёда тинчлик ўрнатишни истасак, ишни болалар тарбиясидан бошлашимиз зарур.

* * *

Агар биз эшитишни билсак, Тангри ҳар биримиз билан ўз тилимизда гапиришади.

* * *

Алдамчи охир-окибат ўзини алдайди.

* * *

Барча яхши ишлар бора-бора ажойиб мевалар беришига қатъий ишонаман.

* * *

Дунё ҳар қандай кишининг эҳтиёжини қондириши учун етарли даражада кенг, лекин инсоннинг очкўзлигини қондириши учун эса жуда тор.

* * *

Жуда кўп ўқиб ва тажриба ортгирганимдан кейин мен бир қатъий фикрга келдим: ҳамма динлар ҳакдир.

* * *

Инсон ўзини тута билиши билан инсондир ва шуни амалда қўллай билиши билан инсон бўлиб қолади.

* * *

Инсон бировлардан паст ёки юқори туришини ҳис қилар экан, ҳеч качон тенглик бўлмайди.

* * *

Кечира олиш жазолашга қараганда мардликдир, ожиз киши кечира олмайди. Кечириш кучли одамларга хос хислатдир.

* * *

Меҳнатсиз олтин ҳам, кумуш ҳам, мис ҳам тупроқ таркибида фойдасиз оддий бир жинсдай қолар эдилар.

* * *

Ор-номус масаласида йиғилишларда қўлланиладиган кўпчилик тўғрисидаги қоида амал қилмайди.

* * *

Чукур ишонч билан айтилган «Йўқ» фақат хурсанд қилиш учун ёки муаммодан қочиш учун айтилган «Ҳа»дан афзал.

* * *

Ўз тилини назорат қила олмайдиган кишига ишонч йўқ.

Маҳмудхўжа Бехбудий

(1875 – 1919 йилларда яшаб ижод қилган мутафаккир, жамоат арбоби, драматург, ўзбек матбуоти асосчиларидан бири)

Агар бизнинг ҳаётимиз ҳуррият ва халқ саодати учун қурбонлик сифатида керак бўлса, биз ўлимни ҳам хурсандчилик билан кутиб оламиз.

* * *

Адолат ҳукм сурган ерда ислоҳни кераклиги йўқ.

* * *

Бадбахт ул кишидурки, анга сўз таъсир этмас.

* * *

Бақадар талаби илм бўлурсан,
Олам бўлгунча талаб бўлурсан.

* * *

Етти пуштини билмайдиган, аждод-авлодини танимайдиган кимсаларни марқук дерлар.

* * *

Жахон аҳли шижоатникидур.

* * *

Заковат эгалари бани одамнинг энг хос қисмидур.

* * *

Ноумидлик хатоларнинг каттасидур.

* * *

Табиб касалга қандай муомала этса, олимда жоҳилга шундай муомала этсун.

* * *

Толиби илм ва толиби мол тўймас харисдур.

Менандр

(Милоддан аввалги 343 – 291 йилларда яшаган юнон драматурги)

Адолатли кишининг ахлоқий сифатлари қонунлар ўрнини бемалол боса олади.

* * *

Бахсни кўпинча ҳақиқат эмас, дадиллик ва гапга чечанлик ютади.

* * *

Душманликда дўст хеч нимаси билан душмандан фарқ қилмайди.

* * *

Дўстингни мақтаганинг ўзингни мақтаганинг.

* * *

Дўстларга ҳам, дўст эмасларга ҳам бир хил ўлчамда баҳо бермоқ зарур.

* * *

Жанжалкаш ва чиқишолмайдиган киши хеч қачон қашшоқликдан кутула олмайди.

* * *

Инсон учун қайғудан оғир нарса йўқ.

* * *

Куч хукмрон бўлган ерда қонун ожиз.

* * *

Кўп нарсага журъат қилган кишининг кўп янглишиши мукаррар.

* * *

Май кўп бўлса, ўй кам бўлади.

* * *

Мен истаган нарса эмас, менга фойдали нарса содир бўлгай.

* * *

Очликни гап билан енга олмайсан.

* * *

Текин топилган пулга хукмронлик хам қўшилса, ақлли деб тан олинган хам ақлдан озади.

* * *

Ўзинг истаган киши билан яшаш қанчалик мазза.

* * *

Ўйланмай айтилган гапни тўхтатиш, худди отилган тошни ушлашдай қийин.

* * *

Қораловчи ва суд бир шахсда мужассамлашмайди.

* * *

Халол киши хеч қачон бойимайди.

* * *

Хар оиланинг ўз кули бўлади, одатда бу, унинг хўжайини.

* * *

Хатто кучли ғазабланганингда хам дўстингнинг сирини ошкор қилма.

* * *

Хеч нима билмайдиган кишининг янглишадиган нарсаси бўлмайди.

Мольер

(Жан Батист Поклен, 1622—1673 йилларда яшаган француз комедиографи)

Айбламоқчи бўлганнинг шошишга хаки йўқ.

* * *

Биз нафақат қилган ишимизга, қилмаган ишимизга хам жавоб беришимиз зарур

* * *

Гап билан иш олдинга силжимайди. Гапириш эмас, ишлаш ке-

рак, ишни сўзга қараганда ҳам баҳс кўпроқ ҳал қилади.

* * *

Гапирганда ҳамма бирдай гапиравераді, лекин ишга келганда кимнинг қандайлиги билиниб қолади.

* * *

Грамматика ҳатто подшоҳларга ҳам ҳукмронлик қилади.

* * *

Кенг тарқалган камчилик яхши фазилатга ўхшаб қолади.

* * *

Кишилар энг зарарсиз машғулотларни ҳам жиноятга айлантиришлари мумкин.

* * *

Кишиларнинг кўпчилиги касалликдан эмас, доридан ўлишади.

* * *

Нафрат — бу юмалоқланган дори, уни афтни бужмайтирмай ютиш мумкин, лекин чайнаб бўлмайди.

* * *

Олимлик мантияси ва шапкасини кийган киши гапирганида ҳар қандай сафсата билимдонликка, ҳар қандай нодонлик эса — оқилона фикрга айланади.

* * *

Тана қартайганида ахлоқ кувватланади.

* * *

Танбеҳга осон чидайдилар, лекин масхаралашга эмас.

* * *

Қизиқувчанлик ҳавасдан бошланади.

* * *

Ҳар ким яхши кўрган кишисидан осонгина алданади.

* * *

Ҳасадчилар ўлишади, лекин ҳасад ҳеч қачон ўлмайди.

Мишель де Монтень

(1533—1592 йилларда яшаб ижод қилган француз ёзувчиси ва файласуфи)

Агар бизда ҳақиқий касаллик бўлмаса, фан ўзи ўйлаб топганлари билан бизни тақдирлайди.

* * *

Азобдан қўрққан киши қўрқувдан азобланади.

* * *

Атрофимизда содир бўлаётган нодонликларни кўриб куюниш ва асабийлашишдан ортиқ нодонлик йўқ.

* * *

Аҳмоқона фикр ҳаммадан чиқиши мумкин. Ёмони уни ўйлаб айтишда.

* * *

Бизнинг ҳаётимиз фикрлаш тарзимизнинг чинакам кўзгуси ҳисобланади.

* * *

Бировни ўргатиш учун ўзинг ўрганганингга караганда ҳам кўпроқ акл зарур бўлади.

* * *

Бировнинг бойлиги, айни пайтда бошқа бировнинг камбағаллигидир.

* * *

Бўлиши муқаррар бўлган нарсага чидашни ҳам билиш зарур.

* * *

Гапириш учун фикрлаш ёки шунга ўхшаш бирор нима қилмоқ зарур.

* * *

Душмандан ҳам баъзи бир нарсаларни ўрганса бўлади.

* * *

Жасурликнинг ҳам худди бошқа яхши ишларникидай ўз чегараси бор, агар ундан ўтсанг камчилик бошланади.

* * *

Жирканиб гапирмасликдан ортиқ ҳақоратли жавоб бўлмайди.

* * *

Иши кам кишилар доимо вайсақи бўлишади.

* * *

Камгаплик ва камтарлик — сухбатлашиш учун энг маъқул сифатлардир.

* * *

Киши маълум бир даражада ўзгалар учун яшамаса, у мутлақо ўзи учун яшамайди.

* * *

Кучли тасаввур воқеани туғдиради.

* * *

Нарсалар ҳисдай ўзгарувчан бўлишмайди.

* * *

Нимага эришишимизга ўзимизни ишонтирганимиз, мақсадимизни аниқлаганимиз бўлади.

* * *

Нодон билан ҳалол ва самимий баҳслашиб бўлмайди.

* * *

Манманлик ўзи тўғрисида жуда ҳам юқори, ўзгалар тўғрисида эса жуда паст фикрда бўлишдир.

* * *

Соғайиш учун биз одатда ҳаётимизнинг зарралари билан ҳисоблашамиз: бизнинг нимамизнидир кесишади ёки кесиб олишади, ёки куйдиришади, ёки овқатдан чеклашади, ёки қонимизнинг бир қисмидан маҳрум қилишади.

* * *

Табиатда фойдасиз нарсанинг ўзи йўқ.

* * *

Таълим тарбия бизни бузмаслиги етарли эмас — у бизни яхши томонга ўзгартириши зарур.

* * *

Фикрлаш тарзимизнинг ҳақиқий ойнаси бизнинг ҳаётимиз ҳисобланади.

* * *

Хушмуомалалик жуда ҳам осон, лекин фойдаси жуда ҳам катта.

* * *

Энг буюк истеъдод ҳам бекорчиликдан ҳалок бўлади.

* * *

Энг жасурлар баъзида энг бахтсизлар бўлиб қолишади.

* * *

Энг содиқ дўст никобини кийган душмандан сақланишдан ортиқ қийинчилик йўқ.

* * *

Эхтиёж билан яшаш ёмон бўлса, эхтиёж билан яшашга эхтиёж йўқ.

* * *

Ўз хотирасига унчалик ишонмаган кишига бошқаларни алдаш осон эмас деб бехудага айтишмаган.

* * *

Ўзини айблаганга доим ишонишади, ўзини мақтаганга ҳеч қачон ишонишмайди.

* * *

Қўркоқлик — шафқатсизликнинг онасидир.

* * *

Қўрқув баъзида оёққа қанот беради, баъзида эса уларни ерга михлаб қўяди.

* * *

Ҳаёт узунлиги билан эмас, ундан қандай фойдаланилганлиги билан ўлчанади.

* * *

Ҳаёт ўтиб кетганидан кейингина биз яшашни ўрганамиз.

* * *

Ҳаётдаги воқеаларнинг яхши ёки ёмонлиги кўпинча уни қандай қабул қилишимизга боғлиқ.

* * *

Ҳаётнинг ўзи яхши ҳам эмас ёмон ҳам: биз ўзимиз уни нимага айлантирганимизга қараб у яхшиликнинг ҳам, ёмонликнинг ҳам сақланадиган жойи.

* * *

Ҳайвонларнинг шундай яхши хусусияти борки, арслон ҳеч қачон кўрққанидан бошқа арслоннинг қули бўлмайди, от бўлса бошқа отнинг қули бўлмайди.

* * *

Ҳақиқий устунлик дарёга ўхшайди, у қанча чуқур бўлса шунча кам товуш чиқариб оқади.

Монтескье

(Шарль Луи Монтескье, 1689—1755 йилларда яшаган француз маърифатпарвари)

Аёлнинг гўзал кўриниши учун битта имконияти бор, ёқимли кўриниши учун эса юз минг.

* * *

Ахлоқсизликни айблаш учун бенуқсон хулқка эга бўлиш зарур.

* * *

Бекорчилик ҳаммасидан ҳам жасурликни кўпроқ ожизлаштиради.

* * *

Бировга нисбатан қилинган ноҳаклик бошқаларга ҳам хавф солади.

* * *

Буюк ишларни бажариш учун буюк даҳо бўлиш ёки бошқа кишилардан устун бўлиш шарт эмас, балки ҳамма билан бирга бўлиш даркор.

* * *

Давлат арбоблари томонидан қилинадиган хатоликлар доим ҳам уларнинг ихтиёрлари натижасида содир бўлмайди: кўпинча хатоликлар улар тушиб қоладиган вазиятнинг муқаррар оқибати ҳисобланади.

* * *

Жиноятларга қарши курашиш воситаси — бу жазолаш, урф одатларни ўзгартириш воситаси — бу ўрнак бўлиш.

* * *

Жуда бахтли кишилар ҳам, жуда бахтсиз кишилар ҳам шафқатсизликка бирдай мойил бўлишади.

* * *

Кексаларга ҳурмат бўлмаса, оталарга ҳам эҳтиром бўлмайди.

* * *

Ким қанча оз ўйласа, у шунча кўп гапиради.

* * *

Кишининг жуда ҳам ёш ва жуда ҳам кекса бўлиши оралиғидаги вақт ҳаддан зиёд қиска.

* * *

Нафрат уни ҳис килган киши учунгина азобли.

* * *

Нодонга айтилган ўринли гап унинг қулоғида ўлаётганини кўришдан ортиқ кишини ранжитадиган нарса йўқ.

* * *

Нотиқ чуқур билмаслигини узун гапириш билан тўлдиради.

* * *

Озгина билиш учун кўп ўқиш зарур.

* * *

Озодлик — бу қонун билан тақиқланмаганларни бажариш ҳуқуқи.

* * *

Солиқ тўғрисида гап кетганида халкнинг берадиганига эмас, унинг доим бера оладиганига эътиборни каратиш зарур.

* * *

Тарих — бу хакикатда содир бўлганлар тўғрисида ўйлаб чиқарилган бир қатор вокеалар.

* * *

Фақат бахтли бўлиш истаги бўлса, унга тезда эришса бўлади. Лекин кишилар одатда бошқалардан бахтлироқ бўлишни исташади, бунинг эса деярли иложи йўқ, чунки биз бошқаларни аслига қараганда доимо бахтлироқ деб ҳисоблаймиз.

* * *

Фойдасиз қонунлар, зарур қонунларни ожизлаштиради.

* * *

Яхши кул бўлиш учун олдин ёмон фукаро бўлиш лозим.

* * *

Ўзгаларнинг бахти бизга доим катта бўлиб кўринади.

* * *

Ўқишни истовчилар хеч качон бекорчи бўлишмайди.

* * *

Қонун панаси ва адолат байроғи остида килинадиган зулм энг шафқатсизидир.

* * *

Қонунлар ҳамма учун бир хил маънога эга бўлиши зарур.

* * *

Қонунларнинг қатъийлиги уларнинг бажарилишига тўскинлик килади.

* * *

Ғалабани сақлаш, уни қўлга киритишдан қийинроқдир, чунки ғалаба бор кучнинг ҳаммаси ёрдамида қўлга киритилади, уни сақлашда эса, одатда, кучнинг бир қисмидангина фойдаланилади.

* * *

Ҳаддан ташқари кўп такрорланаверганлигидан биз ишона бошлайдиган нарсалар ҳам бўлади.

* * *

Ҳаётда муваффақиятга эришиш учун ўзингни бемаънироқ қилиб кўрсатиш, лекин ақлли бўлиш зарур бўлади.

* * *

Ҳаммасидан ҳам максадига кам харажат билан эришадигани мукаммалроқдир.

* * *

Ҳар қандай қилинган яхши ишда эзгулик ҳам, уни бажариш учун етарли куч ҳам бўлади.

* * *

Ҳасадчи ўзига душман, чунки у ўзи пайдо қилган аламдан ўзи азобланади.

* * *

Ҳеч нимаси йўқ қашшоқ эмас, ишламайдиган қашшоқ.

* * *

Ҳукмронлик қилувчи хар кандай кишида хукмронликни суиистеъмол қилишга мойиллик бўлади.

* * *

Ҳурмат қилмайдиган кишиларимни менсимаслик менга доим зарар қилиб келди.

Мужиддин Жувайний

(XV асрнинг биринчи ярмида Хуросонда яшаб ижод қилган мутафаккир)

Бағритош дўстни душман ҳисоблаш лозим.

* * *

Билим кишиларни улуғвор қилар,
Одамдан кетмайди то у ўлгунча.
Олтин, кумуш билан керилма эинхор,
Бу иззат олтину кумуш тургунча.

* * *

Бировнинг айбини гапириб киши,
Ўзининг айбини қилади ошкор.
Бировни ёмонлаб гапирса сенга,
Сени ҳам ёмонлаб гапирмоғи бор!

* * *

Душман билан ҳамсуҳбат бўлганингда ҳам ўзингни ундан баланд тутма.

* * *

Душманингга душман бўлади дўстинг,
Душманингга ул ҳам бўлади ағёр.
Душманингга дўстлик айласа дўстинг,
Душмандир у аканг бўлса ҳам эинҳор!

* * *

Дўсти бор кишилар эмасдир ғариб,
Уйидан юз фарсанг узоқ бўлса ҳам.
Ўз шаҳрида дўстсиз бўлганлар ғариб,
Бошидан аримас бир зумгина ғам.

* * *

Ёмондан нари юриш фарз — бу кабоҳатнинг олдини олади, яхшига ёндашган айни муддао — бу яхши фазилатга йўл очади.

* * *

Истеъдодли одамга — даваллик, қобилиятсизга мансаб яраш майди.

* * *

Кимки айбсиз дўст ахтарса — дўсти камаяди, кимки дўстини хатоси учун итобга олса — душмани кўпаяди.

* * *

Кулиб бокса кишига толеъ,
Камаяди душманлари ҳам.
Бевафолик қилса толеим,
Душманларга тўлар ҳар қадам!

* * *

Савдогар дилидан меҳр излама,
Ҳар ким билан қилар алоқа ҳар он.
Хуш овоз қушни кўр, ҳар бир лаҳзада,
Ўзга гул олдида куйлар беармон.

* * *

Мансабдор мол тўплайди, оқил — фазилат.

* * *

Мулкига шериклик истаган, харамига қасд қилган, сиру асроридан воқиф бўлишга интилган одам подшодан шафқат кутмасин.

* * *

Султоннинг хизматида бўлсанг ҳам сухбатидан ўзингни тий.

* * *

Тўрт эзгуликнинг қадрини тўрт тоифа билади: ёшлик қадрини — кекса, саломатлик қадрини — бемор, хотиржамлик қадрини — бечора, тириклик қадрини — ўлик.

* * *

Хурсанду шодмонлик борга ярашади, бечоранинг унга эргашиб хурсанд бўламан деб ўзини уринтириши — нодонликдир.

Мунис Хоразмий

(Шермуҳаммад Амир Авазбий ўғли, 1778—1829 йилларда яшаб ижод қилган шоир, тарихнавис, маърифатпарвар)

Адолатди улди эл осойиши,
Эл осойиши — мулк оройиши.

* * *

Ақл аҳли макрингга қачон ўлғай фирифта,
Ёлғон кароматингни баён қилмагил абас.

* * *

Гарчи зоҳирда барча дўстдурур,
Бўлма эминки, душманинг йўқдурур.

* * *

Минсанг, эй шоҳ, фалак маркабини кун янглиқ,
Бўлди мағрурки, ул ашҳаб эрур асру асов.

* * *

Сўз маҳзанининг нишонаси ҳам,
Маъни дурунинг хизонаси ҳам —
Ҳар сўзки кўнгулдин ўлди мавжуд,
Ҳат бўлмаса бўлғай эрди нобуд.

* * *

Тутма бадгу бирла сухбатким, ёмон сўз захридир,
Неши занбури киби ҳар дам берур озорлар.

* * *

Эмас мардлик — турғонни йиқса киши,
Агар келса қўлдин, йиқилғонни турғуз.

* * *

Қилма нахори суханварлик фароғе истасанг,
Сийму зар ўрнига ер бошиға санги хора сўз.

* * *

Ғаму мехнат ародур эътиборим,
Ки мумтоз ўлди хористон аро ўт.

* * *

Ғурур этма аслинға, қил касби фазл,
Эрур мўътабарроқ насабдин ҳасаб.

Нажмиддин Кубро

(Бошқа исмлари Аҳмад ибн Умар ибн Муҳаммад Хивақий ал-Хоразмий, Абдулжанноб, Шайх Валийтарош, Шайх Нажмиддин Кубаро, 1145—1221 йилларда яшаган хоразмлик буюк файласуф, шоир, авлиё)

Барча яхшиликларни қамраб олган сифатлар ичида энг яхшиси — хулқ гўзаллиги ва барча ёмонликларни қамраб олган сифатлар ичида энг ёмони ҳасад экан.

* * *

Билдимки, умр ва дунёдан кўра тезлик ила кетадиганроқ, ўлим ва охиратдан кўра яқинроқ, орзу хаёлдан кўра йирокроқ, хотиржамликдан кўра гўзалроқ нарса йўқдир.

* * *

«Дунё балолари денгизлари»дан соғлом ўтишни истаган киши ўз нафси билан бирга қуйидагиларни бажариши лозим: ҳалол (луқма) емоқ, маҳол (имконсиз иш)ни тарк этмоқ, эътикод бутунлиги, саъйи харакатда содиқлик, ўлимга тайёр бўлиш, қабрга кирмай туриб ўз қилмишларини кўздан кечириш, бошқалар айбидан кўз юмиб, ўз айбларини кузатиш, оға-иниларига ўгит беришдан олдин ўзига насиҳат қилиш. Ахлоқни покизалаб, юриш-туришни ўзгартириб, одамлар билан муросаю мадора қилиш, тириклар ва ўликлар ҳақида ёмон сўзлашдан тилини сақлаш, ёлғон айтишдан четланиб, тилни рост гапириш ва тўғриликка ўргатиш, эзгу сўзлар изҳор қилишда барча куч ва диккатни ишга солиш, сабабсиз ҳар ишга аралашишдан тийилиш, шуҳратпарастликдан сақланиш, вақтни бекорга ўтказмаслик, зарур бўлмаган ҳолда (бировдан бирор нарсани) талаб қилмаслик, одобсизлик килганлар тўғрисида сукут сақлаш.

* * *

Дунёю охират яхшилигини қаноатда, ёмонлигини тамада кўрдим.

* * *

Жаннатга киришни ҳалол ейиш ва амримаҳол ишни тарк қилишда кўрдим.

* * *

Инсонга келадиган барча офат тилдандир.

* * *

Камтарлик энг яхши безак ва бахиллик энг ёмон нарса деб ишондим.

* * *

Кўрдимки, экмаган ўрмайди. Шафқат қилмаганга шафқат қилинмайди.

* * *

Кимки менга ўз сир-асрорини айтса, ошкор этмаслигим ва кимки мендан панох истаса, уни паноҳимга олишим шарт, гарчи у кофир бўлса ҳам.

* * *

Муваффақиятни сайъ-ҳаракатда, муваффақиятсизликни лоқайдлик ва дангасаликда, балони тилда, ҳаловатни сукутда кўрдим.

* * *

Одатларнинг энг эзгуси — гуноҳлардан четда туриш, энг савобли иш — кишиларга озор бермаслик, энг яхши бойлик кучли ирода экан.

* * *

Оллоҳ қай кимсани дунё кўллигидан озод этган бўлса, ўша ҳақиқий ҳур, эркин инсондир.

* * *

Она Ватан йўлида, Ватанни ҳимоя қилаётиб шаҳодат жомини нўш айлаш — Аллоҳ висолига етишмоқ билан баробардир.

* * *

Очкўзни махрум, дунёпарастни ғамгин кўрдим.

* * *

Умр ва ризқнинг баракали бўлишини Оллоҳ таолога итоат қилишда кўрдим. Дунёю охират яхшилигини Расул алайҳиссаломнинг суннатига эришишда кўрдим. Неъмат бутунлигини неъмат бергувчидан миннатдор бўлишда кўрдим.

* * *

Хору зорликни махлуқлар хизматида, азизу мукаррамликни Холиқ хизматида бўлишда кўрдим.

* * *

Шариат ва дининг пойдевори сабр ва ишонч; ибодатларнинг энг афзали фарзларни адо қилиш; одатларнинг энг маъқули ва чиройлиси гуноҳлардан, одамларга озор беришдан тийилиш экан.

* * *

Энг гўзал безак тавозе, энг хунуги бахиллик экан.

* * *

Энг ноёб неъмат ростгўйлик ва қаҳрамонлик, энг оғир бало мунофиқ дўстлар экан.

* * *

Энг яхши дўст илм экан.

* * *

Энг яхши сархисобни кишининг нафси билан ҳисоблашишида, оқилни охиратга, жоҳилнинг дунёга интилишида кўрдим.

* * *

Ўлганларнинг ҳолидан, улар қолдирган уй-жой ва мол-мулкидан ибрат олмаган кишини одамларнинг энг жоҳили деб санадим.

* * *

Ўлимдан оғирроқ қулфат ўтган ишга пушаймонлик экан.

Наполеон Бонапарт

(Наполеон I Бонапарт, 1769–1821 йилларда яшаган француз лашкарбошиси ва давлат арбоби, император)

Азобланиш учун ўлишга қараганда ҳам кўпроқ мардлик зарур бўлади.

* * *

Армия зарбасининг кучи унинг массаси билан тезлиги кўпайтмасига тенг.

* * *

Аскардан энг аввало чидам ва сабр талаб қилинади; довюраклик — иккинчи иш.

* * *

Баландда ҳамманинг назарида бўлган киши кескин харакатларни қилмаслиги зарур.

* * *

Бир-бировларини олти ойдан кам билган кишиларнинг турмуш қуришларига йўл қўймаслик керак.

* * *

Бировнинг нодонлиги ҳеч качон бизни окил қилмайди.

* * *

Битта ёмон бош кўмондон иккита яхшисидан афзал.

* * *

Бошкариш санъати кишиларни ўз мансабида кексайишига йўл қўймасликда.

* * *

Буюкликдан кулгилиликкача — бир кадам.

* * *

Гапиришни билмайдиган мансабга ҳам эриша олмайди.

* * *

Давлат кишисининг қалби бошида бўлиши зарур.

* * *

Дўстнинг ёрдам беришига қараганда, душман зарар беришга кўпроқ интилади.

* * *

Имконият бўлмаса — кобилият ҳеч нима эмас.

* * *

«Имкони йўк» — бу фақат нодонлар луғатидангина топиш мумкин бўлган сўз.

* * *

Киноялн ҳакоратдан ортиқ ҳакорат йўқ.

* * *

Кичик киши буюк ишга қўл урса, уни доим ўз истеъдоди даражасида якунлайди.

* * *

Кишиларни харакатга келтирувчи икки ричаг мавжуд — қўркув ва моддий манфаатдорлик.

* * *

Кўтарилаётганда тўхташ мумкин, лекин тушаётганда эмас.

* * *

Лашкарбошиси йўлбарс бўлган қўйлар қўшини лашкарбошиси қўй бўлган шерлар қўшинини ҳар доим енгади.

* * *

Мен нимага қул урсам унинг уддасидан чикканман, чунки мен шуни истаганман. Мен ҳеч қачон иккиланган эмасман, бу менга бошқалардан устун бўлишимга сабаб бўлган.

* * *

Муваффакият буюк кишиларни яратади.

* * *

Муваффақиятга эришинг, мен киши тўғрисида фақат унинг иши натижасига қараб баҳо бераман.

* * *

Нодоннинг ақлли кишидан битта устунлиги бор: у доим ўзидан миннатдор.

* * *

Олдин жангга киришиш лозим, кейин бирор нима ойдинлашар.

* * *

Сиёсатда беақллик камчилик хисобланмайди.

* * *

Сўзнинг устидан чикишнинг энг аник йўли — сўз бермаслик.

* * *

Табиий эмасларнинг барчаси мукаммал эмас.

* * *

Тана учун энг яхши даво — асабни тинчлантириш.

* * *

Тарих бу ҳамма розилик билдирган ёлғон эмасми?

* * *

Тилёғламалик қила билган ғийбатни ҳам уддалайди.

* * *

Уруш кутилмаган вокеалардан иборат.

* * *

Халкни ўқитиш хукуматнинг асосий мақсади бўлмоғи лозим.

* * *

Хатоликдан кейин ҳам, бахтсизликдан кейин ҳам — буюк киши доим топилади.

* * *

Эсда тутинг, менинг одатим — ё ғалаба қилиш, ё жанг майдонида колиш.

* * *

Юқорига кўтарилаётганларга мадад берадиганлар кам учрайди, пастга кетаётганни итарувчилар эса кўп бўлади.

* * *

Яхши маслаҳат берган эмас, уни бажаришни ўз зиммасига олган ва бажаришни буюрган жангни ютган хисобланади.

* * *

Ўз кўшинини боқишни истамаган халқ тез орада душман кўшинини боқишга мажбур бўлади.

* * *

Қашшоқ яшашнинг энг аник воситаси — ҳалол бўлиш.

* * *

Қонунни бажаришга қараганда яратиш осон.

* * *

Ҳамма нарсанинг ўз чегараси бор, ҳатто нафратнинг ҳам.

Низомий Ганжавий

(Абу Муҳаммад Илёс ибн Юсуф ибн Закий Муайяд, 1141—1209 йилларда яшаб ижод қилган озарбайжон шоири ва маърифатпарвари)

Бандасану шоҳ давосин этасан,
Нечук шохсан, ёмонлик ўрнатасан?!

* * *

Беақл бўлма ҳеч, беақл киши
Оёқсиз қурт каби юриш-туриши.

* * *

Тўзишу йўқ бўлиш бу нифоқдандир,
Ғалаба доимо иттифоқдандир.

* * *

Давлат гоҳи келиб, гоҳида кетар,
Бефаҳм кишилар ўзин йўқотар!

* * *

Кимки ўрганишни уят, ор демас,
Сувдан дур топади, тошдан лаъл, олмос.

* * *

Кимнинг бўшроқ чўнтаги,
Тинчроқ тепар юраги.

* * *

Олдин билиб олиб, кейин сўзлагил,
Зарни топиб, сўнгра харжин кўзлагил.

* * *

Сенга маълум қиличбозлик маҳоли,
Ғўдаймаклик бўлур бошнинг заволи.

* * *

Хурмо дарахт баланд бўлмаса эди,
Ҳар бола тошидан завол етарди.

* * *

Яхшилик кўзловчи бўйнига зинҳор,
Қилич тортма бўлса ҳамки гуноҳкор!

* * *

Ўқиб ўрганилган ҳар битта ҳунар,
Ҳунармандга бир кун фойда келтирар.

* * *

Ҳар кеча сўнгида нури зиё бор,
Ҳар бардош сўнгида завқи сафо бор.

* * *

Ҳеч ким демайди, жоним,
Аччиқ менинг айроним.

* * *

Ҳунарингдан бир кун етарсан бахтга,
Ҳунарсиз ким етар тож ила тахтга.

* * *

Билимсиз бўлса киши,
Дуруст чиқмас ҳеч иши.

* * *

Бировнинг олдига боргандан нон деб,
Уйда жим ўтирган яхшидир жон деб.

* * *

Ҳар ким тамаъ йўлин тутса агар неш,
Оқибат бир куни бўлғуси дарвеш!

* * *

Икки юрак қўшилган замон —
Тоғларни ҳам этади талқон.

* * *

Кимнинг ақлу ройи бўлмишдир баланд,
Ул этмас фойдасиз сўзга тилни банд.

* * *

Оз яхши — кўп ёмондин яхши.

* * *

Осмону заминда не бўлса, бари —
Одамнинг фикридан эмас ташқари.

* * *

Узр сўраб келса душманинг ҳар чок,
Уйингдан қувлама, хушёр бўл бирок!

* * *

Эгрилик келтирар бошга ғам-алам,
Тўғрилик-чи, барча ғамларга барҳам.

* * *

Ўзгалар айбига тетик назар сол,
Ўз айбинг кўргандек, ундан ибрат ол.

* * *

Қутулай десанг ғар тезда ўлмоқдан,
Қорнингни шиширма ортик емоқдан.

* * *

Хасиснинг нонига узатгандан қўл,
Филларнинг остида ўлган кўп маъқул.

* * *

Хунар ўрган, чунки хунарда кўп сир,
Ёпик эшикларни очар бирма-бир.

* * *

Қўлингни силка-ю бокма жаҳонга,
Қаноат айлагин битта қок нонга!

Носир Хисраб

(1004—1088 йилларда яшаб форс тожик тилида ижод қилган шоир ва мутафаккир)

Агар киши бўлса касал,
Бемазадир унга асал.

* * *

Ақлга илм бирла бергил кўмак,
Ақл бу илмга харидор демак.

* * *

Дўст дўстдир асли қилмиши билан
Дўст эмас, «дўстингман» дейиши билан.

* * *

Кимки шогирдликка чин дилдан шод,
Бир кун ўзи ҳам бўлгуси устод.

* * *

Киришмоқчи эсанг ҳар қандай ишга,
Охирин ўйлаб кўр, қолма ташвишга.

* * *

Мажлисда сина у ёк-бу ёвинг,
Кўрпангга қараб узат оёвинг.

* * *

Нодон бўлганидан сенга дўст-ўрток,
Донодан душманинг бўлган яхширок.

* * *

Сўздир инсон ақлин далили,
Сири очилур, сўзлагач тили.

* * *

Чинакам дўст айтган ҳар ўгит масал,
Сирти захар эрур, томири асал.

* * *

Яхшилик сен-менинг кўлимизда, бок,
Ким ёмонлик қидирмас юлдузи порлок.

* * *

Қарашга нораво нарсага кўр бўл,
Тинглашга нолойиқ гап-сўзга кар бўл.

* * *

Ақл бирла қул бўлур озод.

* * *

Айблама бировни андиша қилмай,
Ўз айбингни дўстим, яхшироқ
билмай.

* * *

Ақлнинг олтиндан ортиқлиги бор,
Одам олтин билан бўлолмас хушёр.

* * *

Жаҳолат аҳли бирла қилма суҳбат,
Етар ҳар дам бу ишдин жона
заҳмат.

* * *

Кишини ранжитмоқ жуда ҳам
енгил,
Кўнглин олмоқ эса, ундай эмас
бил.

* * *

Нима сўзласанг ҳам билиб сўзлагил,
Оҳиста ва юмшоқ қилиб сўзлагил.

* * *

Одам тилидандир балонинг бари,
Тилда ҳар кимсанинг фойда-
зарари.

* * *

Тутгил кариларнинг калтироқ
қўлин,
Қаригач билурсан карилик йўлин.

* * *

Юз бор синасанг ҳам синамасанг,
бас,
Бўри ошноликка асло ярамас.

* * *

Яхшилик қилмишдир ким сенга
бир бор,
Ёдингдан чиқарма сен уни зинҳор.

* * *

Қирқ ёшда ҳам ақлу одоб
бўлмаса,
Бўлади ундайни одам демаса.

Овидий

(Публий Назон Овидий, милоднинг 17 йилларида яшаган Рим шоири)

Бахтсизларни энг аввало ақл тарк этади.

* * *

Биз ҳар доим тақиқланганларга интиламиз ва ман қилинганни истаймиз.

* * *

Билмаган нарсани орзу қилишмайди.

* * *

Бир тупроқдан фойдали ўсимликлар ҳам, бегона ўтлар ҳам ўсиб чиқади.

* * *

Дарё ҳам, вақт ҳам тўхтаб тура олмайди.

* * *

Денгизда фалокатга учраган тинч сувдан ҳам кўркади.

* * *

Иззат-икром даромад келтиради.

* * *

Ишга унинг якунига қараб баҳо бер.

* * *

Итоат билан ташилаётган юк енгил бўлиб туюлади.

* * *

Майда нарсалар енгилтакларни мафтун қилади.

* * *

Машғулот киши характерида изини қолдиради.

* * *

Натижа ҳаракатнинг ҳосиласидир.

* * *

Санъат — санъатни *яшириш*ни билишдир.

* * *

Узук ҳам вақт ўтиши билан сийқаланади.

* * *

Эга бўлган нарсани саклаш санъати — унга эга *бўлишдагидан* кам эмас.

* * *

Ҳаддан ташқари бахтсизлик кишининг таъсирчанлигини сўндиради.

* * *

Ҳамма нарса ўзгаради, ҳеч нарса йўқолмайди.

* * *

Ҳатто душмандан ҳам ўрганиш лозим.

* * *

Ҳордиқ чиқаринг, ҳордиқ чиқарган дала ҳам яхши ҳосил беради.

Оғаҳий

(Муҳаммадризо Эрниёзбек ўғли, 1809—1874 йилларда яшаб ижод қилган шоир, тарихчи ва таржимон)

Аҳмақ аҳли билмағай сўз ичра ўз бехбудини,
Ўзига қилғай зарар охир чекиб ҳарёнға сўз.

* * *

Бас, кишиким оқилу доно дурур,
Фаҳму хирад бирла тавонодурур.

* * *

Билмаган ўз қадрини не билгуси сўз қадрини,
Ҳайфдур доно демак нодону беирфонға сўз.

* * *

Вайрон кўнгулларни карам ганжи била обод қил.

* * *

Гар бу гулшанда ано бўлса гулу сарв — ато,
Сен каби туғмағуси сарви гуландом ўғул.

* * *

Гар оқил эрсанг, сим-зар жамъига ғарра бўлмаким,
Ғафлат била кўп кимсани қилмишдур мағрур ганж.

* * *

Десанг ўлмасун ёшурин сўзум ушбу олам ичида фош,
Дема харгиз олдида сирин аҳли башарни маҳрами роз этиб.

* * *

Етурдим ҳар жамоатга ўзумни,
Очиб ибрат ила ҳар ён кўзумни.
Барининг ҳолидин бўлдум хабардор,
Аён кўнглумга бўлди борча асрор.

* * *

Илм андоқ ганжи нофъедур бани одамғаким,
Кимда ул бўлса, икки олам бўлур обод анго.

* * *

Камол аҳли аро, албатта, топғай рутбаи олий,
Маоний касбида кимсаким қилди хунар ихлос.

* * *

Касби илм этмай киши гар қолса
махз жаҳл ила,
Икки олам обрўси бўлғуси барбод
анго.

* * *

Кишига лозим эрур ҳар на ҳолда
шукр,
Хоҳ камолда бўлсин, хоҳ заволда,
шукр.

* * *

Одамидур илму дониш бирла одам,
йўқ эса,
Жумлаи ҳайвонгадур, яксон қаду
рухсори лаб.

* * *

Султондур ул гадоки бузуқ
кулбаси аро,
Осудадур топилса бирор пора нон
анго.

* * *

Сўздур инсон кўнглида бир гавҳари
қийматбаҳо,
Они хор этма, дебон ҳар хуши йўқ
ҳайвонга сўз.

* * *

Сўздур бу жаҳонаро қулзуми
жарф,
Покиза маони ангадур дурри
шингарф,
Бу бахр топар кўнгуларо
гунжойиш,
Лекин анга хар кўнгул бўла олмас
зарф.

* * *

Фазл аҳлига хамсухбат бўлмоқга
ибо қилма,
Ким, бўлғусидир жаҳлинг ортарга
ибо боис.

* * *

Хўблардин орзу мехру вафо
қилмоқ ғалат,
Ул вафосизларга ўзни мубтало
қилмоқ ғалат.

* * *

Чун каро ер ости охир бўлғусидур
манзилинг,
Бас не осиғ гулшани олам
сафосидин санга.

* * *

Эй келди фунуни илм таслим
санга,
Қилмоқ анга лозим бўлди таъзим
санга.
Гарчи, йўқ эди кувват оёқимда
вале,
Келдим бош ила олғоли таълим
санга.

* * *

Эй, кўнгул, одам хаёл айлаб дема
нодонга сўз,
Чунки ул инсон эмас, топсанг
дегил инсонга сўз.

* * *

Қарилар холига боқ, лутфинг
кўзидан эй йигит,
Ким, камоли ҳусн ожизлар
дуосидин санга.

* * *

Қилмоқ била парвариш тикан гул
бўлмас,
Ҳам тарбият ила зоғ булбул
бўлмас.

* * *

Қилсалар ҳар ваъда онинг
эътибори йўқтурур,
Олданиб ул ваъдага беэътибор
ўлмоқ абас.

* * *

Хар кимки дахр шоҳлиғин айлади
ҳавас,
Бордур насиб ғуссаи фикри жаҳон
анго.

* * *

Ҳар кимки фақир гўшаси бўлмиш макон анго,
Хотири ҳамиша даҳр ғамидин омон анго.

* * *

Ҳар хасосат шеваға сўзингни зойиъ қилмоғил,
Сўз демак истар эсанг де соҳиби инсонға сўз.

Оскар Уайльд

(Оскар Фингалл О'Флаэрти Уайльд, 1856—1900 йилларда яшаб ижод қилган инглиз ёзувчиси)

Аввалари китобни ёзувчилар ёзишарди ва уни ҳамма ўқирди, ҳозир эса китобни ҳамма ёзади, лекин ҳеч ким ўқимайди.

* * *

Агар биз бахтли бўлсак, ҳар доим меҳрибон бўламиз, лекин меҳрибон бўлган вақтимизда доим ҳам бахтли бўлавермаймиз.

* * *

Аёл киши аслида нима ҳақида ўйлаётганини билишни истасангиз, унга назар қилинг, лекин эшитманг.

* * *

Бекорчилик — жуда ҳам оғир меҳнат.

* * *

Бизнинг давримизда дунёни ғоялар эмас, шахслар бошқаради.

* * *

Бизнинг жамиятимизда бадавлатлардан ҳам кўпроқ пул тўғрисида ўйлайдиган синф камбағаллардир. Камбағаллар пулдан бошқа нарса тўғрисида ўйлай олмайдилар. Камбағалликнинг бахтсизлиги ҳам шунда.

* * *

Гўзаллик даҳоликдан устун, чунки у тушунишни талаб қилмайди.

* * *

Дунёда иккита фожиа мавжуд, биринчиси истаган нарсангга эришмаслик, иккинчиси эришиш.

* * *

Душманларингизни кечиринг, бу улардан узоқлашишнинг энг осон йўли.

* * *

Жазо қанча кам бўлса, жиноят ҳам шунча кам бўлади.

* * *

Илм яхши нарса, лекин шуни эсдан чиқармаслик керакки, билиш лозим бўлганга ҳеч қачон ўргатиб бўлмайди.

* * *

Илмга ташналик — узоқ йиллар ўқиш маҳсули.

* * *

Кексаликнинг фожиаси кекса бўлганликда эмас, ёш эмасликда.

* * *

Киши душман танлашда етарли даражада эҳтиёткор бўла олмайди.

* * *

Киши ҳар сафар нодонликка йўл қўйганида буни энг олийжаноб ният истагида қилади.

* * *

Мен адабий танқидни ижод ичидаги ижод деб номлаган бўлардим.

* * *

Мен Англияда об-ҳаводан бошқа ҳеч нимани ўзгартиришни истамаган бўлардим.

* * *

Мен нафсдан бошқа ҳамма нарсани енга оламан.

* * *

Мени тўғри тушунадилар деган ўй билан доимо қўркувда юраман.

* * *

Меҳмонга келган киши ўзининг эмас, мезбоннинг вактини олади.

* * *

Мона Лиза унинг орка томонида тасвирланган тоғлардан кекса.

* * *

Олов йўқота олмаган нарсасини тоблайди.

* * *

— Сизда бир нарса борки, менга доимо ёқади.

— Фақат биргинами? Мининг камчиликларим жуда ҳам кўп.

* * *

Сурбет — ҳамма нарсанинг баҳосини билса ҳам, ҳеч нарсанинг кадрига етмайдиган киши.

* * *

Табиий бўлиш учун мураббирлик қилишни билиш зарур.

* * *

Тажриба — бу ҳар биримизнинг ўз хатоларимизга берадиган ном.

* * *

Тарих олдидаги бизнинг ягона бурчимиз — уни доимо қайта ёзишимиздадир.

* * *

Фарзандларни яхши тарбиялашнинг ягона усули — уларни бахтли қилишдир.

* * *

Фақат ҳақиқий яхши аёлгина, ҳақиқий нодонликни қилишга қодир.

* * *

Энг катта камчилик — юзаки лик.

* * *

Яхши тарбия, ҳозирги даврда фақатгина тўсиқ. У сизнинг олдингиздаги жуда ҳам кўп эшикларни бекитади.

* * *

Ўз ёшини тўғри айтишга қодир аёл ҳар нарсага қодир. Шунинг учун бундай аёлга ишониш керак эмас.

* * *

Ҳамма ўз дўстларининг ғамига ҳамдард бўлади, лекин баъзиларгина уларнинг муваффақиятига қувонади.

* * *

Ҳар бир ғайриоддий ҳаракатимиз билан ўзимизга душман орттирамиз. Ҳаётда шуҳрат қозониш учун ҳар нарсада ўртамиёна бўлиш зарур.

* * *

Ҳар қандай ғийбат асосида яхши аниқланган ахлоқсизлик ётади.

* * *

Қўлингизда ютуқли карта бўлганида халол ўйнамоқ зарур.

* * *

Ҳаёт ҳеч қачон адолатли бўлмайди. Кўпчилигимиз учун шундай бўлгани ҳам яхши.

* * *

Ҳар ким ўзининг эҳтиёжи бўлмаган яхшиликлар тўғрисида кўп-

рок ваъз қилишади: бадавлатлар тежамкорлик тўғрисида, бекорчилар меҳнатнинг буюк аҳамияти тўғрисида.

Паҳлавон Маҳмуд

(Бошқа исмлари Полвонпир, Ҳазрат Паҳлавон, Маҳмуд Пурёйвалий, 1247—1326 йилларда Хоразмда яшаган шоир, мутафаккир)

Беилму амал равзаи ризвон бўлмас,
Рўза, намоз бўлмаса, иймон бўлмас.
Ўтмакка илож топса-да қилкўприкдан,
Кимки дилозор, мусулмон бўлмас.

* * *

Гар ҳақ дея жим тортса фиғон дўст — чин дўст,
Қилгувчи ибодатни нихон дўст — чин дўст,
Кўз-кўзлама ҳеч бергану олган нонинг,
Нон дўсти эмас, аслида жон дўст — чин дўст.

* * *

Дийдорга тўйинг, бунингдек ҳеч дам бўлмас,
Такрор биров-бировга ҳамдам бўлмас.
Бўлса пароканда агар дом излаб,
Осонлик ила кушлар, ахир, жам бўлмас.

* * *

Дунёнинг иши тўс-тўполон, жанг деб бил,
Номарднингмас, марднинг иши танг деб бил.
Дунёнинг иши бу — нард ўйиндан баттар,
Омадли эрур ҳийлаю найранг деб бил.

* * *

Ёмон билан улфат бўлма, юр йирок,
Йўлингга дон сочиб қўяди тузок.
Ёйни эгри кўриб, тўғрилигидан,
Ўк ундан канчалик кочганига бок.

* * *

Йўлга кара! Йўлни кўрарлар кетди,
Бошла ўзинг! Бошда юрарлар кетди.
Кавмингга бориб ҳолин сўр, кил йўклов,
Йўклаб сени ҳолинг сўрарлар кетди.

* * *

Маҳмуд, ношукурлик ҳар кимда ёмон,
Айб-айбу, лек етук ҳакимда ёмон.
Кийим эскиргани айбга кўшилмас,
Айб шунда гар бўлса кийимда ёмон.

* * *

Нафсингни тийиб, сен унга шоҳ бўл мардсан,
Кимсаси йўкларга панох бўл мардсан,
Номардлар оёк ости қилур мискинни,
Мискин ва ғарибга пойигоҳ бўл, мардсан.

* * *

Олам фили кайтаролмас журъатимиз,
Чархдан зўррок шавкатимиз-кудратимиз.
Гар чумоли кириб колса сафимизга,
Шер этажак уни дархол давлатимиз.

* * *

Подшолик истасанг бўл эл гадоси,
Ўзингни унуту, бўл эл ошноси.
Эл тож каби бошга кўтарсин десанг,
Эл қўлин тутгину, бўл хокипоси.

* * *

Тоза юрак ва соф назар бўлмоқ шарт,
Борлиқни билиш ва бехабар бўлмоқ шарт.
Ҳар лаҳза етишса неча минг дард сенга,
Чекмак барини ва бехатар бўлмоқ шарт.

* * *

Умримиз дарахтин паст қилма, Раббий,
Борлиқ шаробидин маст қилма, Раббий.
Ўзинг карам бирла мард йигитларни,
Нокасларга зери даст қилма, Раббий.

* * *

Чарх урфи ситамдирки яралган дамдан,
Сидқ аҳли халос бўлмади ҳеч мотамдан.
Ит бўлайин вафоси бор одамга,
Ит яхши вафоси бўлмаган одамдан.

* * *

Эй чархи фалак, замонайи дунпарвар
Тескари юришинг тўғрига хатар:
Нодон бош устидаю, доно поймол,
Ё раб, бу фалакни эт зеру забар.

* * *

Ўз нафига ким бўлса амир, улдир — мард,
Ҳам ўзгага бўлмаса ҳакир, улдир — мард.
Ўтмак сира мағлубни тепиб мардлик эмас,
Тутса қўлидан забунни эр, улдир — мард.

* * *

Қалбингдаги шак-шубҳа, гумон кетмишдир,
Рух куввати ҳам бир кун, инон, кетмишдир.
Топдим деб аниқ нишонни мағрурланма,
Топган у нишонинг бенишон кетмишдир

* * *

Ҳакни ҳақ эт, ноҳакни малъун айла,
Яхшини — шод, ёмонни дилхун айла.
Доно оёқ остиндаю нодон бошда,
Ё раб, бу фалакни остин-устун айла.

* * *

Борма айтмаганнинг дастурхонига,
Қўл узатсанг, қадринг тушар, нонига,
Қўшма ўзгаларнинг барра кабобин,
Қотган нону совуқ сувинг сонига.

* * *

Бўл бу дамни эъзоз этганлар ила,
Ғамни қўй, кетсин у кетганлар ила.
Ўтгач ул кўҳна эшикдан, бўласан
Етти минг ёшга етганлар ила.

* * *

Дониш эрур отган ўқим нишони,
Дадиллик манбаи билимим кони.
Эзгулик осмонини махбусиман,
Занжирим фаною самo уммони.

* * *

Дўст билма жаҳонни, дўстлиги оғиру пуч,
Кийну нифоқдан ўзга йўқ зоҳири пуч.

Минг йил яшасанг хамки ўлим
келгусидир,
Минг мулкни эгалла, барибир
охири — пуч.

* * *

Йўқдир хабаринг, бошида не хол
дунё
Эй хожа, хаёлингда мудом
мол-дунё
Бир сидра кафандир улушинг, ох,
уни хам
Кўргайми раво, йўқми бу баттол
дунё.

* * *

Кўзгуга берардим кечкурун сайкал,
Боқдим унга тиник бўлган бир
махал.
Шунча кўп кўринди ўз айбимки,
мен
Ўзгалар айбини унутдим тугал.

* * *

Миш-миш эзади, хаста юрак
инжилади,
Дастимда менинг эмишки дур
янчилади.
Кўз не учун очилмасин, айтинг,
ахир,
Тил тикани лахзада минг
санчилади.

* * *

Олам иши бошида бўлсайди бир
мард,
Номарднинг бошидан чиқарарди
гард
Олам иши доимо мисли нард ўйин,
Найранг билан ютади мардларни
номард.

* * *

Оқил ақли хиста гирифтор бўлмас,
Хасад қилган билан тилло хор
бўлмас.
Номард — ит кабидир, мард буюк
дарё,
Дарё ит дамидин хеч мурдор
бўлмас.

* * *

Софдир бу кўнгил, кийна-ғуборим
йўқдир,
Хаммага ёрман, сира ёрим йўқдир.
Дарахтману меваларим тавхиддир,
Ўткинчи отар тош, сира орим
йўқдир.

* * *

Тупроқ бари оқил элининг
бошларидир,
Зарралари — дур тишу
кўз-кошларидир.
Сарв, лола, сумбул дема ердан
унган,
Қоматлари, гулчехралари,
сочларидир.

* * *

Уч кез Кўхи кофни келида туймок,
Дил конидан бермок фалакка буёк.
Ёинки бир аср зиндонда ётмок,
Нодон сухбатидан кўра яхшироқ.

* * *

Шохлик тиласанг ғариб, гадо
бўлмок шарт,
Хешга ёт, элга ошно бўлмок шарт.
Тож мисли сени бошга
кўтарганларнинг
Кўлларин ўпмак, хокипо бўлмоқ
шарт.

* * *

Эсла, ажал ширин бу жон
қасдидадир,
Умри кунинг хаёт ўлим
дастидадир.
Ер устидадир сенинг омонат
ўрнинг,
Мангу макон хамиша ер остидадир

* * *

Ўткинчи бу оламда киши хуррам эмас,
Йўкки биров, кўнгли унинг беғам эмас.
Шод бўлса бу оламда бирон одам агар,
Бил бу икав на олам, на одам эмас.

* * *

Хар ёқдан ғам отган тошни кўраман,
Кўз очсам чимирилган қошни кўраман.
Қачонгача поймол этиб фикримни,
Тизза кўзгусида бошни кўраман.

* * *

Хеч кора тош дур каби маъдан бўлмас,
Мурч ила занжабил ширин таъм бўлмас.
Тинглаки, Пурёрвалий айтади сўз,
Аслида номард сира одам бўлмас.

Перианд

(Милоддан аввалги 629—583 йилларда яшаган файласуф, қадимги Юнонниг «етти донишманди»дан бири)

Бахтинг чопганида керилма, кулфатда мулоҳазали бўл.

* * *

Беихтиёр ножўя ваъда берган бўлсанг, уни бажарма.

* * *

Ватан учун ўлишга тайёр тур.

* * *

Ваъда бердингми, бажар.

* * *

Душманларингни кувонтирмаслик учун омадсизлигингни яшир.

* * *

Жиноятнигина эмас, унга интилишни ҳам жазола.

* * *

Инсофсизлик билан олинган фойда диёнатсизликни ошкор қилади.

* * *

Мухтож бўлиб яшагандан, зиқна бўлиб ўлган яхши.

* * *

Озодлик нима? Озодлик — пок виждон.

* * *

Сирни ошкор қилма.

* * *

Тинч бошқаришни истаган ўзини найзалар билан эмас, ҳамманинг меҳри билан ҳимояласин.

* * *

Фақат пул учун бўлса ҳеч нима қилмаслик керак.

* * *

Хато қилсанг уни тузат.

* * *

Ўнғай фурсатни кут.

* * *

Ҳаётда энг муҳими — охири.

* * *

Ҳамма нарса тиришқоқликка боғлиқ.

* * *

Ҳамма нарсанинг сабаби нима? Бу — вақт.

Питтак

(Милоддан аввалги 651—569 йилларда яшаган файласуф, қадимги Юноннинг «етти донишманди»дан бири)

Бировларнинг хасадини уйғотмаслик учун бахтингни яшир, лекин бошқаларнинг ачиниш ҳиссини ҳам уйғотма.

* * *

Дононинг иши — кулфатни олдиндан башорат қилиш, ботирнинг иши — кулфат келганида уни енгиш.

* * *

Кишининг ҳар томонлама яхши бўлиши жуда ҳам қийин.

* * *

Кишининг кимлигини мансаб намоён қилади.

* * *

Маст ҳолда айб иш қилган кишидан ҳушёр айбдорга қараганда икки марта кўпроқ ундириш лозим.

* * *

Омонатга хиёнат қилма.

* * *

Ота-онангга нимани қилсанг, фарзандларингдан ҳам шуни кут.

* * *

Режалаштирган нарсангни олдиндан айтма: амалга ошмаса кулгига қоласан.

* * *

Тамагир — тўймасдир.

* * *

Якинларинг сенга сал зарар берса — тоқатли бўл.

* * *

Қасд олишдан кечириш афзал.

* * *

Хаммасидан ҳам нима яхши деб савол беришганида, у шундай жавоб берган экан: «Бажараётган ишингни яхши бажариш».

* * *

Ҳар нарсанинг вақтини бил.

* * *

Ҳеч ким тўғрисида, хатто душманинг тўғрисида ҳам ғийбат қилма.

Пифагор

(Милоддан аввалги 580—500 йилларда яшаган юнон файласуфи ва математиги)

Аввало одам бўлишга ҳаракат қил, ортиқча вақт топсанг олим бўлаверасан.

* * *

Ахмоқона умид ҳам, худди нодон йўлбошчи каби ахмоқона ишларга етаклайди.

* * *

Бахт оркасидан чопма, у доим сенинг ўзингда.

* * *

Бировлар олдида ҳам, яширинча ҳам уяладиган иш қилма.

* * *

Сенинг асосий қоиданг ўзингни ўзинг ҳурмат қилиш бўлиши лозим.

* * *

Болаларни ўргатинг ва сизда катталарни жазолашга зарурият бўлмайди.

* * *

Гапирма, аммо гапирмаганга қараганда яхшироқ бўладиган бўлса гапир.

* * *

Дўстлик — бу тенгликдир.

* * *

Жаҳл чиққанида гапирмаслик ҳам, ҳаракат қилмаслик ҳам зарур.

* * *

Зарурият қайда бўлса, имконият ҳам шу ерда бўлади.

* * *

Илм ақлнинг ўрнини боса олмайди.

* * *

Катта ваъда бермай, катта иш қил.

* * *

Кун ботадиган пайтдаги соянгнинг катталигига қараб ўзингни улуғ киши деб ҳисоблама.

* * *

Кўп кулаверадиган кишига кўп ҳам ишонма.

* * *

Кўп ўқиган саёз ўқийди. Кўп ўқишга қараганда кўпроқ кузат, эътибор қил.

* * *

Кўпинча ейимликнинг эмас, ичимликнинг меъёрини йўқотишади.

* * *

Мастлик жиннилик машқи.

* * *

Мулксиз фуқаронинг ватани бўлмайди.

* * *

Нодонларга меҳмондорчилик қилиш ўта ақлсизликдир.

* * *

Овқатланишда ҳам, ичишда ҳам ҳеч ким меъёридан ошмаслиги керак.

* * *

Пешонасида ажини бўлмаган кишидан маслаҳат сўрама, улар ҳеч қачон ўйланишмайди.

* * *

Сендан яхши яшаш нимадан иборат деб сўрашса, ўзинг билан ўзингнинг ҳамфикрлигингда деб жавоб қил.

* * *

Суҳбатни шундай олиб борки, душманинг ҳам дўстга айлансин.

* * *

Сўзда ҳам, ишда ҳам сийқаси чиқиб кетган бир хилликдан узоқроқ бўл.

* * *

Тартиб-интизом илоҳинг бўлсин! Доим чин дилдан унинг хизматини қил: тартиб интизом ҳамма нарсанинг йўлдоши. Ҳатто табиатнинг ўзи ҳам тартиб сабабли мавжуд.

* * *

Халқ устидан кулиш эмас, ачиниш лозим.

* * *

Энг аниқ ҳақиқат нима? — Бу кишиларнинг нодонлиги.

* * *

Энг тубан киши юзингиздан мактаб, изингиздан нобоп гап тарқатишга қодир.

* * *

Якинини хафа қилганнинг ўзи ҳам хафа бўлади.

* * *

Ўз аёли билан инок яшамаган киши билан дўст тутинма.

* * *

Ўзингдан ҳам узоқ яшамоқчи ва авлодларингнинг хурматини қозонмоқчи бўлсанг, ўзингдан кейин яхши оила ва яхши китоб қолдир.

* * *

Қарилик — камаяётган, ёшлик кўпаяётган нарсага ўхшайди.

* * *

«Ҳа» ёки «йўк» сўзлари жуда кисқа бўлса ҳам, улар жиддий фикрлашни талаб қилади.

* * *

Ҳаёт театрга ўхшайди: у ерда яхши ўринларни доим ўта бемазалар эгаллашади.

* * *

Ҳаёт ўйингохга ўхшайди: бировлар курашиш учун, кимлардир савдо қилиш учун, энг бахтлилари эса томошага келишади.

* * *

Ҳазилни ҳам худди туздай меъёри билан ишлатиш зарур.

* * *

Ҳайкалнинг гўзаллиги кўринишида, кишиники эса — ишида.

* * *

Ҳар куни эрталаб уйкудан турган заҳоти ўзингдан «Бугун нима қилишим зарур?» деб, кечқурун ухлашдан олдин эса «Нима қилдим?» деб сўра.

* * *

Ҳеч қачон халқни алдама, лекин ҳамма нарсани ҳам унга етказма.

Плиний Катта

(23 – 79 йилларда яшаб ижод қилган Рим ёзувчиси ва олими)

Амалга ошмасидан олдин кан чалик ишларни амалга ошириб бўлмайди, деб хисобланарди.

* * *

Дехкончилик меҳнатга боғлиқ, харажатга эмас.

* * *

Дунёга келган биринчи кунидан бошлаб инсондай кўз ёши киладиган бирорта ҳам жонзот йўк. Биринчи кулги эса инсонда туғилганидан кирк кун ўтганидан кейингина пайдо бўлади.

* * *

Ерга эгалик килмоқчи бўлсанг, аввало унинг сувга якинлигига, йўлига ва кўшниларига эътибор кил.

* * *

Инсондан ҳам кўра ожизрок ва инсондан ҳам кўра буюкрок нарса йўк.

* * *

Кеманинг чўкиши аник бўлса, ундаги сичқонларнинг бари уни ташлаб кочишади.

* * *

Кунларни санаш эмас, ўлчаш зарур.

* * *

Миш-мишдан кўпчилик кўркишади, виждондан эса баъзилар.

* * *

Охир-окибат бездирмайдиган лаззат йўқ.

* * *

Пешона эгасига энсадан кўпроқ фойда келтиради.

* * *

Тан олишга ҳам уяласан, лекин барча тирик мавжудотлардан фақат инсонгина ўзига нима фойдали эканлигини билмайди.

* * *

Умид — дунёни ушлаб турган устун.

* * *

Югураётган йиқилади, эмаклаётган йиқилмайди.

* * *

Ҳеч ким ҳар доим ҳам оқил бўлавермайди.

Плиний Кичик

(Кай Плиний Цецилий Секунд, 62—114 йилларда яшаб ижод қилган Рим ёзувчиси ва давлат арбоби)

Агар улар тўғри йўлдан боришган бўлсалар, оталар ва боболар йўлидан бориш яхши ҳамда шарафлидир.

* * *

Агар ҳукмронлик ўз кучини ҳақоратда синаса, бу жуда ҳам ёмон, хурматга кўркитиш орқали эришилса ҳам ёмон, чунки сен ўз лавозимингдан кетганингдан кейин кўркув ҳам кетади ва унинг ўрнини нафрат эгаллайди.

* * *

Ақлнинг ҳаракати танани қандай руҳлантиришини ҳатто тасвирлаб ҳам бўлмайди.

* * *

Бахтсизларни ҳам худди мархумлардек эсдан чиқаришади.

* * *

Беозорлик, айниқса, қаҳр-ғазабнинг сабаби ҳаққоний бўлганида мақтовга лойиқ.

* * *

Бошқалар танбеҳини чидам билан эшитадиган киши катта мақтовларга лойиқдир.

* * *

Бу дунёда ҳеч нарсадан умидсиз бўлмаслик ҳам керак, ҳеч нарсага ишониш ҳам.

* * *

Давр қанча бахтли бўлса, у шунча қисқа туюлади.

* * *

Ёруғликни ҳеч нарса соядек аниқ кўрсатмайди.

* * *

Зарур бўлмаган маълумотларни эсда сақлаш қийин.

* * *

Зарурини айтмагандан, ортиқчаси билан айтган афзал.

* * *

Ишнинг чала битгани ҳам, бошланмагани ҳам бир.

* * *

Кишилар қулоғи янгиликка қувонади.

* * *

Кишиларга қанчалик яхшиликлар қилган бўлсанг ҳам, уларнинг

бирон-бир ишини бажармасанг, улар фақат шуни хотирасида сақ лашади.

* * *

Кулфат кўпинча кишиларни оқил қилади.

* * *

Кўп кишилар оёғи остидагини кўрмай керак нарсасини узоқ-узоклардан излашади.

* * *

Кўп ўзгаришлар бўлган ерда аввалгидек қолган нарса ҳам ўзгаргандай туюлади.

* * *

Кўп ўқиш керак, лекин кўпини эмас.

* * *

Машғулот қувноқлик билан берилса, у яхши кайфият билан қабул қилинади.

* * *

Мақсадга етишиш қанчалик осон бўлса, кишиларнинг унга интилиши шунчалик кучсиз бўлади.

* * *

Мактовга лойиқ кишидан ортик ҳеч ким танбеҳни чидам билан тингламайди.

* * *

Миш-мишдан кўпчилик қўрқишади, виждондан эса баъзилар.

* * *

Одамда ҳам, давлатда ҳам бошдан бошланадиган касаллик энг оғири ҳисобланади.

* * *

Рассом, ҳайкалтарош, ўймакорга фақат шу ишларнинг устаси тўғри баҳо берганидек, донишмандни ҳам фақат донишманд тўғри англайди.

* * *

Фақат бир хил машғулотлар га одатланиш кишининг махорати ни шакллантиради, қобилиятини, ўзига ишончни эмас мағрурликни оширади.

* * *

Фикрни ўлчамай фақат санашади. Тенгликнинг ўзидаги қанчалик тенгсизлик! Ҳолбуки ақл ҳаммада бир хил эмас, ҳуқуқ эса тенг.

* * *

Шоирларга ёлғонга рухсат қилинган.

* * *

Ярамасларнинг содиқлиги ҳам худди ўзларидай ишончсиз бўлади.

* * *

Ўз меҳнатингни қунт билан қайта кўриб чиқишингни маъқуллайман, лекин бунинг ҳам ўз меъёри бор, ундан чиқсанг меҳнат маҳсулинг яхшиланмайди, аксинча барбод бўлади.

* * *

Ўзгалар учун қувониш — яхшиликнинг белгиси.

* * *

Ўзгаларни ўзидан ақллирок ҳисоблаган киши ақллидир, ўқишни истовчи киши илмлидир.

* * *

Ўлмас иш яратаётганнинг ўлими доимо бевақт бўлади.

* * *

Ўтаётган вақт қанча бахтли бўлса, у шунча қисқа бўлиб туюлади.

* * *

Ғам қайғули ўйларни яратади.

* * *

Ҳаммани бошқарадиган шахс ҳамма томонидан сайланиши лозим.

* * *

Ҳар куни ўзи ҳам янглишадигандай ўзгалар хатосини кечирадиган, худди ҳеч кимни хатоси учун кечирмайдигандай ўзини янглишишдан сақловчи кишини энг яхши ва мукаммал деб ҳисоблайман.

Плавт

(Тит Макций Плавт, милоддан аввалги 254—184 йилларда яшаган Рим комедиографи)

Бошқалар тажрибасидан ақлли бўлиш, сенинг тажрибангдан бошқалар ақлли бўлишидан яхшироқ.

* * *

Доно ўз тақдирини ўзи яратади.

* * *

Ёмонга яхшилик қилиш яхшига ёмонлик қилиш билан тенг.

* * *

Ишни қанчалик муҳим ҳисобласанг, уни шунча тўғрироқ бажарасан.

* * *

Кишини фақат ўзи лойиқ бўлган жазогина шарманда қилади.

* * *

Кўрган гувоҳнинг биттаси эшитганларнинг ўнтасидан афзал.

* * *

Муваффақият дўстларни кўпайтиради, тўла қозон атрофида дўстлар кўп бўлишади.

* * *

Сенга содиқ бўлганга содиқ бўл.

* * *

Тангрининг яхши кўрганлари ёш ўлишади.

* * *

Тугатишга қараганда бошлаш анча осон.

* * *

Эски бир дўст янги иккитасидан яхши.

* * *

Ялангочни ечинтириб бўлмайди.

* * *

Ўз фойдасига келганда ҳамма кишилар уста бўлишади.

* * *

Ўзиникилардан кочганга узоқ чопишга тўғри келади

* * *

Қўлсиз қолмай десанг тошни муштлама.

* * *

Ҳазил билан айтилган гапни жиддийга айлантирма.

* * *

Ҳаётда кутилмаган воқеалар кутилганидан ҳам кўп содир бўлади.

Платон

(Милоддан аввалги 427—347 йилларда яшаган юнон файласуфи, асли исми Аристокл, Платон унинг лақаби бўлиб, «елкадор» деган маънони беради)

Адолатсизлик қилишнинг тўлиқ имконияти бўлишига карамасдан одил яшаш мақтовга лойиқдир.

* * *

Барча билимимиз хотирадан бошқа нарса эмас.

* * *

Бир вақтнинг ўзида жуда ҳам яхши бўлиш ва жуда ҳам бадавлат бўлишнинг имкони йўқ.

* * *

Бировларнинг бахтли бўлишига кўмаклашиб ўз бахтимизни топамиз.

* * *

Бошига тушган қулфатда кишилар тақдирни, Яратганни ва ўзидан бошқа барчани айблашга мойилдирлар.

* * *

Бошқаришга рози бўлмаганингни, сендан малакасиз кишига топширишса ва сен унга қарам бўлсанг – бу сенинг инкоринг учун энг буюк жазодир.

* * *

Вақт ҳамма нарсани ўзи билан бирга олиб кетади.

* * *

Ёмонликка ёмонлик билан жавоб қайтаришни кўпчилик маъқулласалар ҳам, бу нохақликдир.

* * *

Жиддий ишларда жиддий бўлиш, жиддий бўлмаган ишларда жиддий бўлмаслик лозим.

* * *

Инсон Тангри томонидан ясалган бир ўйинчоқ. Шуни назарда тутиб ўйнаб яшамоқ керак.

* * *

Ким содикликка ҳеч қачон қасам ичмаган бўлса, у буни ҳеч качон бузмайди.

* * *

Китоб — соқов ўқитувчи.

* * *

Кичигини танлашнинг имконияти бўлганида, ҳеч ким катта ёмонликни танламайди.

* * *

Кишини ҳақиқатдагисидан юқори баҳолаш керак эмас.

* * *

Кулгилисиз жиддийни англаб бўлмайди.

* * *

Кўриш икки ҳолатда бузилиши мумкин: ёруғликдан қоронғиликка кирганда ёки қоронғиликдан ёруғликка чиққанда. Қалб ҳам худди шундай.

* * *

Мардлар жасур бўлишади, лекин ҳамма жасурлар ҳам мард бўлавершмайди.

* * *

Нодонни аниқлашнинг иккита белгиси мавжуд: улар ўзига фойдаси бўлмаган нарса тўғрисида кўп гапиришади ва ундан сўрашмаган нарса тўғрисида фикр билдиришади.

* * *

Ноҳақ иш қилиш ноҳақликка чидашдан ҳам ёмон.

* * *

Ноҳақлик қилмаган киши ҳурматга лойиқ, бошқаларнинг ноҳақлик қилишига йўл қўймаган киши эса икки марта ҳурматга лойиқ.

* * *

Оқил қонуншунос катталарга ёшлардан уялиш маслаҳатини бе

ради, чунки кексалар уятсиз бўлган ерда ёшлар муқаррар уятсиз бўлишади.

* * *

Сабр — ҳар қандай бахтсизликнинг энг яхши давосидир.

* * *

Содир бўлаётганларга ҳайрон қолма, чунки ҳеч нарса сабабсиз содир бўлмайди, ҳамма нарса қандай ўтиши лозим бўлса, шундайлигича ўтади.

* * *

Тарбия — бу яхши одатларни эгаллашдир.

* * *

Тенглик дўстликни яратади дейилган эски мақол ҳақдир.

* * *

Тошчи усталарнинг гапича, катта тошлар кичикларисиз яхши ўрнашмайди.

* * *

Туғилиш — бу ўлимга маҳкум бўлган зотга берилган боқийлик ва абадийликнинг бир бўлакчаси.

* * *

Умид — уйқолар туши.

* * *

Уятсизлик — фойда кўриш учун киши қалбининг шармандаликка чидами.

* * *

Шифокор истаганча алдашга ҳақли, чунки бизнинг соғайишимиз унинг ширин сўзига ва алдовларига боғлиқ.

* * *

Энг оғир ва аччиқ қуллик — кулларга қул бўлишдир.

* * *

Қонун — ҳукмдорлар устидан ҳукмдор, ҳукмдорлар — қонуннинг қули.

* * *

Ҳайрат — ҳар қандай фалсафанинг боши.

* * *

Ҳар қандай донишмандлик асосида сабр ётади.

* * *

Ҳақиқат сўзи содда бўлади.

* * *

Ҳақиқий файласуфлар подшоҳ бўлган ёки подшоҳлари ҳақиқий файласуф бўлган халқ бахтли яшайди.

* * *

Ҳеч ким тасодифан яхши киши бўлмайди.

Плутарх

(46 — 126 йилларда яшаб ижод қилган юнон ёзувчиси ва тарихчиси)

Агар чўлоқ билан дўстлашсанг, ўзинг ҳам оксай бошлайсан.

* * *

Агар эшак сени тепса, тепиб жавоб қайтарма.

* * *

Ақлли аёл эри жаҳл қилиб қичқирганида ва сўкканида жим туради, тинчланганидан кейин эса уни юмшатиш учун суҳбатлашиш йўлини излайди.

* * *

Балиқ бошидан бузилади.

* * *

Еврикрат Анаксандрдан нима учун спарталиклар пулларини жамоа хазинасида сақламайдилар деб сўраганида, у: «Хазина сохчиларини айнитмаслик учун», деб жавоб берган экан.

* * *

Лашкарбошилар орасида энг урушкоклари, энг айёрлари ва энг жасоратлилари бир кўзлилари бўлишган, жумладан Филипп (Македонский), Антигон, Ганнибал.

* * *

Муваффакият — характери табиатан паст бўлган кишиларни ҳам улуғлайди.

* * *

Овқат бизга нафақат яшаш воситаси, ўлим воситаси ҳамдир.

* * *

Саволга уч тарика жавоб бериш мумкин: зарурини айтиш, хушмуомалалик билан жавоб бериш ва ортикча гапириш.

* * *

Сотқинлар аввало ўзини сотишади.

* * *

Хизмати кам кишининг мақтовга эҳтиёжи кўп бўлади.

* * *

Энг ёввойи тойчоқдан яхши от чиқади, бунинг учун уни эринмай тарбиялаш ва ўргатиш зарур.

* * *

Эшитишни ўрган, шунда сен ҳатто ёмон гапирадиганлардан ҳам фойдали гап эшитишинг мумкин.

* * *

Ҳасадгўй буюк кишиларнинг камситилишидан кувонади.

* * *

Ҳукмронлик ишониб топширилган кишининг юриш-туришида кўринадиган кичкина камчилик ҳам каттадай кўринади.

Поль Валери

(1871—1945 йилларда яшаб ижод қилган француз шоири)

Агар сен менинг билганларимни билганингда, ўз билганларингни ҳеч качон билмаган бўлардинг.

* * *

Дунёни доим икки хавф бошкаради: тартиб ва тартибсизлик.

* * *

Гапираётганларингга қараб сени билса бўлади, айникса, ўзгалар тўғрисида гапираётганингда.

* * *

Жиддий кишиларда ғоя кам бўлади, ғояли кишилар ҳеч качон жиддий бўлишмайди.

* * *

Иккита сўздан кисқароғини танлаш лозим.

* * *

Мен доим ҳам ўз карашларимга кўшила олмайман.

* * *

Мени ҳам дахо киладиган киши даходир.

* * *

Онг хукмронлик килади, лекин бошкармайди.

* * *

Орзуларингиз ушалишига эришишнинг энг яхши усули — уйғониш.

* * *

Рассом кўрганини эмас, бошкалар кўрадиганини чизади.

* * *

Табиатда илдиз намликка, шох эса қуёшга интилади ва ўсимлик бир етишмовчиликдан иккинчисига интилиши натижасида шаклланади.

* * *

Тарих — бу энди бўлмайдиганлар ва йўқлар тўғрисидаги фан.

* * *

Фикрлаш — бу мослашишдир.

* * *

Қушдай енгил бўлиш лозим, лекин пардай эмас.

* * *

Ҳаммасидан ҳам биз ўзимиз билмайдиганларимиз тўғрисида кўпроқ гапирамиз.

* * *

Ҳар қандай баҳсда биз ўз нуқтаи назаримизни ҳимоя қилмаймиз, балки ўз Менимизни ҳимоя қиламиз.

* * *

Ҳеч нарсага ўхшамайдиган нарса мавжуд эмас.

Поуп Александр

(1688–1744 йилларда яшаб ижод қилган инглиз шоири)

Бахтнинг каттаси яхшиликнинг чўққисидир.

* * *

Бизнинг назаримиз худди бизнинг соатларимиздай: турли вактни кўрсатади, лекин ҳар биримиз фақат ўзимизникига ишонамиз.

* * *

Денгиз ўзи ажратган давлатларни бир-бири билан боғлайди.

* * *

Ёлғоннинг оёғи йўқ, лекин унинг қаноти бор, унинг ёрдамида у узоқ вақт ва узоқ ерларга учиб бориши мумкин.

* * *

Зиқналар ҳар доим маслаҳат беришга сахий бўлишади.

* * *

Камтарликнинг етишмаслиги — бу ақлнинг етишмаслигидир.

* * *

Касаллик — муддатидан олдин қаришнинг бир тури.

* * *

Кишининг манманлиги қанча бўлса, унга ақл худди шунча етишмайди.

* * *

Кўпчилик кишилар оммани эшитиш учун эмас, гапириш учун излашади.

* * *

Сукут саклаш иодон учун зеб, оқил учун эса айёрлик.

* * *

Туғилган кун — ўтган яна бир йилни кўмишдир.

* * *

Умид бутун умр бўйи бизга йўлдош бўлади, у ҳатто ўлим олдида ҳам бизни тарк қилмайди.

* * *

Энг жиддий кишилар ҳаммадан ҳам ишонувчан бўлишади.

* * *

Янглишиш — инсонга хос, кечириш — Тангрига хос.

* * *

Ҳамма нодонлар бировни масхара қилмай яшай олишмайди.

* * *

Ҳар бир киши бошқасидан ва ҳар куни эса ўзидан фарқ қилади.

* * *

Ҳақиқий оқил тўғри фикрлайди ва уни осон изҳор қилади.

Публий Теренций

(Милоддан аввалги 195—159 йилларда яшаган Рим драматурги)

Агар икки киши бир хил ишни бажарсалар ҳам, натижа бир хил бўлавермайди.

* * *

Аёл аёлни тезроқ тушунади.

* * *

Ақллига ишора ҳам етарли.

* * *

Ёмон бошланиш — ҳунук оқибат.

* * *

Ёмон таърифлаб бўлмайдиган нарса йўқ

* * *

Иккиланган кишини арзимаган бир важ у ёки бу томонга оғдириши мумкин.

* * *

Кексалик — бунинг ўзи бир касаллик.

* * *

Мардга тақдир кўмаклашади.

* * *

Мен инсонман ва инсонийликнинг ҳеч нимаси менинг учун бегона эмас.

* * *

Менинг барча умидим — фақат ўзим.

* * *

Ошиқ уйинида отилган ошиқ бизнинг истаганимизча тушмаса, тушганидан фойдаланишимизга тўғри келади. Кишининг ҳаётини ҳам шунга қиёсласа бўлади.

* * *

Соғ пайтимизда ҳаммамиз беморларга осонгина яхши маслаҳатлар берамиз.

* * *

Ўзингиз истаган нарсаларнинг ҳаммасини ҳам бажара олмасангиз, бажара оладиганингизни истанг.

* * *

Қанча киши бўлса, шунча фикр бўлади.

* * *

Қашшоқ билан қариндош бўлишни ҳеч ким истамайди.

* * *

Қонунчиликка ўта итоат қилишнинг ўзи қонунга ўта хилоф бўлиши ҳам мумкин.

* * *

Ҳар ким ўз фикрига эга бўлиши мумкин, лекин қонун ҳамма учун бир.

* * *

Ҳақиқат баъзида нафрат уйғотади.

Публилий Сир

(Милоддан аввалги I асрда яшаган қадимги Рим шоири)

Агар отанг меҳрибон бўлса — уни сев, агар жоҳил бўлса чида.

* * *

Адолатсизликка кўзга қараганда кулоқ кўпроқ чидай олади.

* * *

Айбли қонундан қўрқади, айбсиз — тақдирдан.

* * *

Айбдорни оқлаш — суднинг ўзи учун чиқарган ҳукмидир.

* * *

Аччиққа айланадиган лаззатдан қоч.

* * *

Бахтсиз учун ҳаётнинг ўзи адолатсизлик.

* * *

Биздаги бировларга яхши кўринади, бировлардаги бизга.

* * *

Билмаган нарсани айблаш ўта нодонлик.

* * *

Бирлашиш бор жойда, ғалаба доим бўлади.

* * *

Бировга бахтлидай бўлиб кўринган эмас, ўзини бахтли ҳис қилган киши бахтлидир.

* * *

Бировга нима қилган бўлсанг ундан шуни кут.

* * *

Бировнинг қайғусидан ўзингга кувонч излама.

* * *

Буюклик майдадан бошланади.

* * *

Буюмнинг баҳоси харидор сотиб оладиган пулга тенг.

* * *

Гапираётганнинг хулқи сўзига қараганда ҳам кўпроқ ишонтиради.

* * *

Гапиришда ҳам, жим туришда ҳам меъёрни бил.

* * *

Гапиришни билмайдиган киши жим туришни ҳам билмайди.

* * *

Гапирмаслик — илтимосни мулойимлик билан рад қилишдир.

* * *

Денгиз сокин бўлганида ҳар ким ҳам дарға бўлавериши мумкин.

Доим тўкилишга тайёр бўлган кўз ёши ғам эмас, айёрлик белгисидир.

* * *

Донишманд ўзгаларнинг хатоси га қараб ўз ҳаракатини белгилайди.

* * *

Дўстни йўқотиш — йўқотишларнинг энг буюгидир.

* * *

Ёмонлик қилмаслик ҳам яхшиликдир.

* * *

Ёмон киши, айниқса, ўзини яхши киши қилиб кўрсатганида хавфли.

* * *

Истамасдан бўйсунсанг — сен қулсан, бажонидил бўйсунсанг — хизматкор.

* * *

Йўқотганингдан бехабар бўлсанг, у сен учун йўқолган эмас.

* * *

Киши нимани билмаслигини билганида камроқ хато қилган бўлар эди.

* * *

Кишини қутқариш учун унга озор берса ҳам бўлаверади.

* * *

Кичкина қарз қарздорни пайдо қилади, катта қарз эса душманни.

* * *

Кўпинча қутганимиз эмас, кўрқканимиз содир бўлади.

* * *

Кўплар ўз обрўсининг ташвишини қилишади, фақат баъзилар ўз виждонининг ташвишини қилишади.

* * *

Кўпчилик кўркадиган киши кўпчиликдан кўркиши керак.

* * *

Меросхўр йиғисида кўпинча қувноқ кулги яширинган бўлади.

* * *

Обрўсини йўқотганнинг бошқа йўқотадиган нарсаси бўлмайди.

* * *

Озни истаганнинг эҳтиёжи ҳам оз бўлади.

* * *

Олдин рад қилиб кейин бажариш — алдашдир.

* * *

Оғриқ, ҳатто айбсизни ҳам ёлғон гапиришга мажбур қилади.

* * *

Синаб кўрмай, ҳеч ким ўзини нимага қодир эканлигини билмайди.

* * *

Сусткашлик ҳеч қачон қаҳр келган пайтдагидай фойдали эмас.

* * *

Такрорланган хато айб ҳисобланади.

* * *

Тақдир — ойна: ялтирайди, синади.

* * *

Узил-кесил ҳал қилиш учун узоқ ўйлаш зарур.

* * *

Умр бўйи яхши яшашга фақат тараддуд кўрадиганлар яхши яшашмайди.

* * *

Унутиш — ҳар қандай мусибатнинг давоси.

* * *

Урушда тез ғолиб бўлиш учун унга узоқ тайёрланиш зарур.

* * *

Уятсиз кишига нисбатан поклик — ҳаддан ташқари нодонликдир.

* * *

Хавф уни менсимаганда тезроқ келади.

* * *

Хавфни хавфсиз енга олмайсан.

* * *

Яхши кишиларнинг ҳеч бири бирданига бадавлат бўлиб қолишмайди.

* * *

Яхши обрў — иккинчи мулк.

* * *

Ўзгартириб бўлмайдиган нарсани шикоятсиз ўтказ.

* * *

Ўзгартириш мумкин бўлмаган карор ёмон қарордир.

* * *

Ўзининг алданганини билган киши алданмаган ҳисобланади.

* * *

Ўзини бошқаришни уддалай олмай бошқаларни бошқаришга уриниш ақлсизликдир.

* * *

Ўзини бахтли хисобламаган киши бахтсиздир.

* * *

Ўлган йўлбарсни ҳатто кучуклар ҳам тишлайди.

* * *

Қайтариб бермайдиганни олиш — талашдир.

* * *

Қатъийлик мардликни мустахкамлайди, иккиланиш қўркувни

* * *

Қўлдан чиқарилган имконият камдан-кам ҳоллардагина такрорланади.

* * *

Қўркок ўзини эҳтиёткор деб, зикна эса тежамкор деб атайди.

* * *

Ҳаёт қиска, лекин бахтсизликда у узун туюлади.

* * *

Ҳар бир кишининг характери унинг тақдирини белгилайдиган одил ҳакам.

* * *

Ҳаммага ёкадиганни сақлаш жуда ҳам қийин.

* * *

Ҳатто хавфсиз жойда ҳам эҳтиёт бўл.

* * *

Ҳеч ким туғилган пайтидагидай қашшоқ яшамайди.

* * *

Ҳеч нимани ҳам эҳтиётлик билан, ҳам тез бажариб бўлмайди.

* * *

Ҳеч кимни кечирмаслик ва ҳаммани кечириш — бирдай шафкатсизликдир.

Ралф Уолдо Эмерсон

(1803—1882 йилларда яшаб ижод қилган америкалик ёзувчи ва файласуф)

Агар кишининг ўзига ишончи катта бўлса, атрофидагиларнинг ҳаммаси унга қўл келади — ҳукумат ҳам, жамият ҳам, ҳатто қуёш, ой ва юлдузлар ҳам.

* * *

Бахт — ўзингга бир неча томчисини томизмасдан бошқа кишиларни сийлаб бўлмайдиган ширинлик.

* * *

Бегона ўт нима? Бу хали яхши сифатлари аниқланмаган ўсимлик.

* * *

Биз ўзимиз ўйлаганимизга караганимиздан хам донишмандрокмиз.

* * *

Биз хаётдан факат унга сарф-лаганимизни топамиз.

* * *

Биз хаммамиз турли даражаларда қайнаймиз.

* * *

Бировларда гунох деб атайдиганимизни ўзимизда тажриба деб хисоблаймиз.

* * *

Дахонинг хар кандай ижодида ўзимизнинг инкор килинган фикрларимизни кўрамиз.

* * *

Доно киши хар доим унга хужум килаётганлар тарафида: хамма дан хам у ўзининг ожиз томонини аниклашдан манфаатдор.

* * *

Дўстингникига тез-тез мехмонга бор: оёк кам босилган сўкмокда бегона ўтлар ўсади.

* * *

Едирадиган кўл тишланиши хам мумкин.

* * *

Ёшликда биз реформатор, кексаликда эса консерватор бўламиз. Консерватор фаровон хаёт истайди, реформатор эса — адолат ва хакикатни истайди.

* * *

Кишиларга ишон, шунда улар сенга содик бўлишади. Улар билан худди буюк кишилардай муносабатда бўл, шунда улар хакикий буюклигини кўрсатишади.

* * *

Кўз бирини, тил бошкасини айтса, тажрибали киши кўпинча биринчига ишонади.

* * *

Маданият ва ташки пардоз — умуман бошка-бошка нарсалардир.

* * *

Менинг барча яхши фикрларим ўтганлар томонидан ўгирланган.

* * *

Оддий нарсада мўъжизани кўра билиш кобилияти, шубхасиз, до нолик белгисидир.

* * *

Пул кўп холларда жуда хам кимат туради.

* * *

Сабаб ва окибат — бир фактнинг икки томони.

* * *

Сени яхши кўришларини истасанг хаддингдан ошмасликни хис килишни ўрган.

* * *

Табиат абадий ўзгарувчан булутга ўхшайди: хеч качон бир хилда колмаса хам доим ўзи билан ўзи колаверади.

* * *

Табиат ноаниқликни ёқтирмайди ва хатоларни кечирмайди.

* * *

Тоғга яқин туриб уни кўриб бўлмайди.

* * *

Уйнинг зийнати — унга ташриф буюрадиган дўстлардир.

* * *

Фақат ўзининг одамгарчилиги билан бутун бир халкни эргаштирадиганлар ҳам бор.

* * *

Цивилизациянинг асосий кўрсаткичи — унинг бойлиги ёки илмлилиги эмас, шаҳарларининг катталиги ва ҳосилининг мўллиги ҳам эмас, у ерда тарбияланаётган инсон қиёфасидир.

* * *

Яхши иш учун мукофот — унинг амалга ошганидир.

* * *

Яхши одатларга майда манфаатлардан воз кечиш орқали эришилади.

* * *

Яхшиликни жуда ҳам эрта қилишнинг имкони йўқ, чунки қачон анча кеч бўлишини билишнинг имкони йўқ.

* * *

Қоронғи тушганидагина юлдузларни кўриш мумкин.

* * *

Хаёл тегирмонидан ўтмаган фактлар ва киши томонидан ечилмай турган сабаблар тақдир дейилади.

* * *

Ҳаёт билан ҳаддан зиёд ўхшашлик санъат учун ҳалокатлидир.

* * *

Ҳаёт кишиларнинг бир-бири билан мулойим муносабатда бўлиши учун вақт етишмайдиган даражада қиска эмас.

* * *

Ҳаёт мавжуд бўлган ҳамма ерда хавф ҳам мавжуд.

* * *

Ҳамма ўз ҳиссиётини камситилган ва барбод қилинган деб ҳисоблайди, чунки инсон ҳаёти ҳеч қачон у орзу қилганидай кечмайди.

* * *

Ҳар қандай инқилоб даставвал бир кишининг миясидаги фикр бўлган.

* * *

Ҳақиқий даҳони у пайдо бўлганида атрофидаги барча нодонларнинг унга қарши фитна уюштирганидан билса бўлади.

Ренан

(Ренан Жозеф Эрнест, 1823—1892 йилларда яшаб ижод қилган француз тарихчиси ва тилшуноси)

Бажарилган бурч буюклигидан ортиқ буюкроқ нарса йўқ, ундан ортиқ кувонч ҳам йўқ.

* * *

Ботирлик — кўпинча ўлим билан жазоланадиган яхши фазилат.

* * *

Миллат томонидан ўлимга хукм килинганлар кўпинча унинг буюк вакили хисобланишади.

* * *

Орзу қилиш яхши ва фойдали, лекин фақатгина уни орзу эканини эсдан чиқармаганда.

* * *

Сиёсий мажбуриятлар ўзгариши мумкин, лекин инсоннинг инсонга бўлган мажбуриятлари хеч качон ўзгармайди.

* * *

Тарихда саноат ривожланиши санъат ривожланиши билан ва умуман цивилизация ривожланиши билан параллел эмас.

* * *

Фалсафа — бу зиравор, усиз овқат мазасиз туюлади, лекин ўзини овқат ўрнида ишлатиб бўлмайди.

* * *

Характер кишиларни ақлга қараганда хам кўпрок яқинлаштиради.

* * *

Шубха — хакикатга тан беришнинг бир тури.

* * *

Эркин фикрлаш кишининг хеч ким тортиб ола билмайдиган хукуки хисобланади.

* * *

Яхши гапириш — бу овоз чикариб яхши ўйлашдир.

* * *

Ўзининг бор кучини харакатга келтириш учун киши ўз олдига рухлантирадиган кандайдир бир яхши мақсадни кўйиши лозим.

* * *

Қўрқоқлик деярли доимо тақдирланади, мардлик ва яхши фазилат кўпинча ўлим билан жазоланади.

* * *

Хаётдан нолиш деярли доимо ундан имконияти йўқни талаб килинганлигини билдиради.

* * *

Хакиқатда билмайдиган нарсасини хам биламан деб ўзини катта фахмлашга караганда, билмайдиганини тан олишса, кишилар анча кам янглишган бўлар эдилар.

Рене Декарт

(1596 – 1650 йилларда яшаган француз файласуфи ва математиги)

Ақл — бу олов олдириб ўзи совиб қоладиган ёндирувчи шишага ўхшайди.

* * *

Ақлингиз тўғри ишлашини истасангиз, ўз баданингизга эътибор қилиб боринг.

* * *

Ақлни мукаммаллаштириш учун кўп ёдлашга қараганда хам кўпрок фикрлаш фойдали.

* * *

Бахилликдан ортиқ кишилар муваффақиятига зарар берувчи бирорта хам камчилик йўқ, чунки у билан зарарланган киши нафақат

ўзгаларнинг, балки ўзининг ҳам шодлигини кўра олмайди.

* * *

Катта шаҳарлардангина ёлғиз бўлиш имкониятини излаш зарур.

* * *

Мен фикрлаяпман, демак ҳаётман.

* * *

Сўзларни тўғри аниқланг, шунда сиз дунёни тушунмовчиликларнинг ярмидан озод қиласиз.

* * *

Тақдир устидан эмас, ўз устингдан ғалаба қилишга, дунё тартибларини эмас, ўз истакларингни ўзгартиришга ҳаракат қил.

* * *

Умид — бу истагимиз амалга ошишига ўзимизни ишонтириш учун қалбнинг интилиши, қўркув эса бизнинг истагимиз амалга ошмаслигига ишонтирувчи қалбнинг мойиллигидир.

* * *

Яхши ақлга эга бўлиш камлик қилади, асосийси ундан фойдалана билишдир.

* * *

Ўзгаларни ҳурмат қилиш ўзингизни ҳурмат қилинишингизга олиб келади.

* * *

Ўзингни англашдан ҳам ортиқ сермаҳсул машғулот йўқ.

* * *

Қўркоқлик жуда ҳам зарарли, чунки у истакни фойдали ишлардан тўхтатади.

* * *

Қўркув баъзи бир умид ва истакларнинг йўқлигидан пайдо бўлади.

* * *

Ҳаётда айб эзгуликка қараганда кўпроқ тақдирланса ҳам, Тангри олдидаги қўркув ва қилган ишига нариги дунёда жавоб бериш лозимлиги тўғрисидаги фикргина кўпчиликка фойдани одилликдан устун қўйишларига йўл қўймайди.

* * *

Ҳамма нарсадан шубҳалан.

Рабиндранат Тагор

(1861—1941 йилларда яшаб ижод қилган ҳинд ёзувчиси ва жамоат арбоби)

Аслида ахлоқсизлик етарли даражада ахлоқли эмас дегани, нотўғри ҳам қисман тўғридан ташкил топган-ку, бўлмаса у нотўғри деб айтилмас эди.

* * *

Барча янглишишларга ўз эшигингни беркитсанг, унда ҳақиқат ҳам ташқарида қолиб кетади.

* * *

Кексалар ўтмиш ва ҳозирги даврни таккослашни яхши кўришади ва кўпинча ўтмишни мақташади, чунки улар учун ўтмиш ёшлик ва умид даврлари, бугуни эса — хулоса чиқариш даври.

* * *

Кишилар золим, лекин инсон одил.

* * *

Кишининг кимлигини унинг билганига караб эмас, унинг нимага кувонишига караб билса бўлади.

* * *

Куч ишлатган ўзининг ожизлигини тасдиклайди.

* * *

Купчилик кишилар яхши фикрларни айтиши мумкин, лекин уни жуда кам кишиларгина эшитишни билишади, чунки бунга акл кучи талаб килинади.

* * *

Одамлар шафкатсиз, лекин инсон мехрибон.

* * *

Сиз куёшни йўкотганингиз учун йиглаётган бўлсангиз, сизнинг кўз ёшларингиз юлдузларни кўришга халакит беради.

* * *

Тирик учун хеч нима тугамайди.

* * *

Куш балиқни осмонга кўтариб яхшилик килаяпман деб ўйлайди.

* * *

Хар бир гўдак — Тангрининг инъоми, унинг бизга бўлган ишончи йўколмаганлигининг белгиси.

* * *

Хатто карокчилар тўдаси хам тўда бўлиб колишлари учун кандайдир ахлок талабларига риоя килишлари шарт.

* * *

Хакикат дарёси адашиш каналларидан окиб ўтади.

* * *

Яхшилик килишни жуда хам кўп ўйлайдиган кишида уни килишга вакт колмайди.

Ромен Роллан

(1866 – 1944 йилларда яшаб ижод килган француз ёзувчиси, жамоат арбоби)

Бунёд этмок — демак ўлимни ўлдирмок.

* * *

Буюра билиш ва буйрукни бажариш — иккита кутб, шарни ясаш учун хам иккита кутб етарли.

* * *

Дўстлар орасига учинчи одам тушмаса, хеч качон жиддий англашилмовчилик бўлмайди.

* * *

Дунё хакикат заррачалари ва кўп микдордаги ёлғон билан озикланади.

* * *

Дунёда ота-оналарнинг фарзандлари билан очик гапиришишларидек кам бўладиган нарса йўк.

* * *

Жаллодларга рахмдиллик килишни уларнинг курбонларига шафкатсизлик килиш деб тушуниш зарур.

* * *

Истак бизнинг эс-хушимизни олади ва биз кўп янглишамиз. Агар биз истакдан воз кечсак бутун хаётимиз хато бўларди.

* * *

Кулфат ёлғиз келмайди, шунингдек, омад ҳам.

* * *

Мард бажаришнинг имконияти борини қилади, бошқалар эса буни ҳам қилишмайди.

* * *

Нафрат — душмандан ҳам ёмонроқ душман.

* * *

Саломатлик ҳам худди касаллик каби юқувчан бўлади.

* * *

Тириклардан ҳам тирикроқ ўликлар, ўликлардан ҳам ўликроқ тириклар мавжуд.

* * *

Энг яхши ва энг ёмон актёрларни биз нафақат саҳнада, ҳаётда ҳам кўп учратамиз.

* * *

Энг кўркоқ ит ҳам оғзидаги суякни олсангиз тишлайди.

* * *

Ҳар қандай шакл қандайдир бир ички ҳолатнинг ифодасидир.

* * *

Ҳақиқий мағлубият, ўзгартириб бўлмайдиган ягона мағлубият душмандан эмас ўзимиздан чиқади.

Рудакий

(Абу Абдуллоҳ Жаъфар ибн Муҳаммад Рудакий 860—941 йилларда Бухорода яшаб ижод қилган шоир)

Агар танангда тескари кўйлак,
Раводир уни шу заҳот ечмак.

* * *

Борига қаноат қил ва обод яша,
Ғам бандидан халос ва озод яша.
Ўзингдан баландни кўриб, чекма ғам,
Сендан камроқлар бор, қара, шод яша.

* * *

Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун,
Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун.
Ҳар қанча бўлса ҳам оламда аччиқ,
Аччиқроқдир доно дўстдан айрилиқ.

* * *

Замона насиҳати: жаҳолатинг боса бил,
Кимнинг тили эрмас банд, тушар оёғига банд.

* * *

Кўп бил душман агар битта бўлса ҳам,
Дўстинг мингта бўлса, жуда камдир, кам.

* * *

Маҳкам қил доимо бино асосин,
Бинонинг соқчиси унинг асоси.

* * *

Одамлар аклининг чироғи билим,
Балодан сақланиш яроғи билим.

* * *

Эвоҳ нечун ақллиларнинг
Фарзандлари эмас хирадманд?
Отасининг илму донишин
Нечун мерос олмади фарзанд?

* * *

Яхшилик ва сулҳга интилар доно,
Жаҳолат, жанжалга интилар нодон.

* * *

Қўлингдаги қилич бўлса ҳам
олмос,
Одамни ноҳак ўлдирмоккамас.

* * *

Ҳар кимки тўғридир — шодликка
етди,
Кимки эгри бўлса — етолмай
кетди.

* * *

Дунё — илон, илонбоздир дунё
кидирган,
Илонбоздан қасдин олур илон
окибат.

* * *

Борлигу йўқликда дунёнинг аҳли,
Токай сенга хасис, номард кўринар.
Дунёдан тамани узган чоғингда,
Барча сенга сахий, жўмард кўринар.

* * *

Илонни қанчалар қилсанг тарбият,
Бир куни заҳрини солади албат.
Паст киши ҳам худди илон
мижоздир,
Ёмон дийдоридан узоқ бўл ғоят.

* * *

Кимнингки қузғундан раҳбари
бордир,
Унинг гузари ҳам ўлаксазордир.

* * *

Кўпинча сўз айтиб бўлдим
пушаймон,
Айтмаган сўзимдан доимо шодон.

* * *

Одамдан юқори тураркан олам,
Билим оширмоккa мухтождир
одам.

* * *

Очофатлик бошга бало келтирур,
Нафс тийиш рохат-даво келтирур

* * *

Ўз нафсингга бўлсанг амир,
мардсан сен,
Кўру карни этма тахкир, мардсан
сен.
Мард тепиб ўтмайди йиқилганларни,
Улар қўлин тутгил бир-бир,
мардсан сен.

* * *

Ўз нафсини мағлуб этолган
марддир,
Ғийбатлардан узоқ кетолган
марддир.

* * *

Ҳаёт сабокларин этолмаса ёд,
Уни ўргатолмас ҳеч қандай устод.

Саллюстий

(Гай Криспп Саллюстий, мил. ав. 86—35 йилларда яшаган Рим тарихчиси)

Агар нодон кишиларга мукофот тегадиган бўлса, беғараз ва халол бўлиш осон эмас.

* * *

Бирлашганда майдалар йириклашади, келишмовчиликда буюклар парчаланади.

* * *

Бойлик очкўзликни камайтирмайди, туби йўқ идишни тўлдириш қийин.

* * *

Иложсизликни хис қилиш, хатто қўркокларни ҳам ботир қилади.

* * *

Жангда айникса қўркоклар хавфга кўп дуч келишади.

* * *

Иш гапдан мухим.

* * *

Иштиёқ ва қаҳр — энг ёмон маслаҳатчилар шулар.

* * *

Сурбетлик химоя ожиз бўлган жойда кучли бўлади.

* * *

Пайдо бўлган ҳамма нарса ўлади.

* * *

Тақдир улуғлаганларнинг эрки чекланган бўлади, бундай кишилар ўзларининг хуш кўриши ёки нафратини ошкор қилмаслиги, хаммасидан хам жахлига эрк бермаслиги зарур.

* * *

Фақат ғолибгина тинчликка уруш туфайли эришади.

* * *

Хавфни ҳар ким ўзининг кўрқоқлик даражаси билан ўлчайди.

* * *

Қандайдир бир истак чулғаган кишига ҳамма нарса секин бажарилаётгандай туюлади.

* * *

Қўлига курол ушлаган кишининг куролсиз оёғидан ёрдам исташи беўхшовдир.

* * *

Кўркоклик ҳали ҳеч кимга шуҳрат келтирмаган.

* * *

Хар қандай урушни бошлаш осон, лекин тўхтатиш жуда хам қийин.

Саъдий Шерозий

(Муслиҳиддин Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Мушрифиддин, 1203—1291 йилларда яшаб ижод қилган форс шоири ва мутафаккири)

Агар бўлса кимнинг муриди султон,
Ёмони ҳам яхши бўлур бегумон.
Кимни подшо тутса ўзидан йирок,
Ҳатто хонадони қилади мазок.

* * *

Агар бўлсанг нодон улфатга ҳамдам,
Нодон каторига қўшилдинг ўзинг хам.

* * *

Агарда муаллим бўлса беозор,
Дарсхонани қилғай болалар бозор.

* * *

Амир хизматида мунгли ва абгор,
Қўлларинг кўксингга қўйгунча ҳар ғал.
Куйса хам қўлларинг майли, биродар,
Кафтингда оҳак тош олганинг афзал.

* * *

Бечора эшакки, бетамиздир,
Юк кўтаргани учун азиздир.

* * *

Душманингга ғаминг сўзлама асло,
Кувониб демасин: «Алҳамдулилло!»

* * *

Ёмонга яхшилик қилмоқ ёмондир,
Буни яхши билар ақли расолар.
Бўрига яхшилик қўйлар бошига,
Келтургай қанчадан-қанча балолар.

* * *

Инкор кўзи-ла қараган кишига,
Юсуфнинг юзи кўринар хунук.
Агар муҳаббат-ла қараса девга,
Дев кўринар фариштадек
туп-тузук.

* * *

Емак лозим яшамоқ, сўйламакка,
Сен ўйлайсан, ҳаёт керак емакка.

* * *

Йўлингда чуқурни кўрсатган инсон,
Наздимда ҳақиқий дўстинг,
бегумон.

* * *

Каъба ёпкичини ўпишар экан,
Ипак қурт туфайли бўлмади улуғ.
Бир неча кун бўлди азиз эгнида,
Шунинг билан бўлди ўзи ҳам
қутлуғ.

* * *

Кимга ёшлигидан берилмас одоб,
Улғайгач, бўлади бахтсиз, дили
ғаш.
Ҳўл новда эгилар кай хилда эгсанг,
Қурукни тўғрилар фақат ўт-оташ.

* * *

Кимки бефойда умрин ўтказди,
Ҳеч нарса олмасдан, олтин
кетказди.

* * *

Кириминг бўлмаса, чиқимни
тўхтат,
Қайиқчилар қуйлар шундай
бир қўшиқ:
«Агар тоққа ёмғир ёғиб турмаса,
Бир йилда Дажла ҳам бўлар
қуп-қурук».

* * *

Мухтож банда илтижода худога
қўлин очар,
Тўқлигида қўлларини қўлтиққа
уриб, қочар.

* * *

Нечун сўзлай, сўзламаган яхши он,
Оғизда тил бошга эрур посбон.

* * *

Овламоқ учун бир кўнгилни нуқул,
Бошқасига озор бермоқ номаъқул.

* * *

Одам оз емакни одат айласа,
Бошга очлик тушса чидай билади.
Фаровонлик ичра кўпга ўрганган,
Тангликда қолганда очдан ўлади.

* * *

Паст кишини мол-дунё кўтармас
бешак,
Эшак атлас тўқими билан ҳам
эшак.

* * *

Сен ўлдирмасанг ёвни жангда
дадил,
Сени ўлдирар у, буни яхши бил.

* * *

Солмагил заифлар дилига алам,
Зўрроқнинг жабрига йўлиқма сен
ҳам.

* * *

Сулҳ истар кишининг кўнглин
синдирма,
Сулҳ эшигин қокса, сен жанг
қидирма

* * *

Сўз демасанг сенда кимнинг иши
бор,
Дедингми, дадил айт, исботла
такрор.

* * *

Сўзлар эрса сендан каттарок бир оз,
Яхшироқ билсанг-да, қилма эътироз.

* * *

Тилла-кумуш бари чиқса ҳам тошдан,
Барча тошда олтин бўлмоғи гумон.

* * *

Тиш бўлмаса ҳам бор емоққа имкон,
Зўр мусибатдир гар бўлмаса нон.

* * *

Хоҳ фарёд айла-ю, хоҳи илтижо,
Қарокчи қайтариб бермагай асло.

* * *

Ризқингдан ортиқни еб бўлмаса ҳам,
Талабда бўлмагил дангаса, беғам.
Ғаввос наҳанг оғзин ўйласа агар,
Қўлга киритолмас ҳеч дуру гавҳар.

* * *

Яхшига яхши бўл, ёмонга ёмон,
Гулларга гул бўлгин, тиканга тикон.

* * *

Учта қийин иш бор: сирни саклаш, зулмни унутиш ҳамда вақтнинг қадрига етиш.

* * *

Чу кўрдинг кўр киши йўлинда чоҳдир,
Индамай ўтирсанг, катта гуноҳдир.

* * *

Чин азму ҳаракат қилмай муттасил,
Хеч кимса муроди бўлмади ҳосил.

* * *

Ярашган ишни қил, кўлдан келганин эмас.

* * *

Ўз манглай теридан нон еган киши,
Ҳотам миннатидан озод ёз-киши.

* * *

Ўзи буюрмоққа ўрганган киши,
Қийин бошқаларга кулоқ солиши.
Ким агар ўсибди нозу неъматда,
Ҳоли оғир бўлар, қолса кулфатда.

* * *

Ўзгалар ғамини чекмаса одам,
Анга нолойиқдир инсон деган ном.

* * *

Ҳар ишдаким инсон кўрсатур ҳиммат,
Тикан ҳам гулдаста бўлур оқибат.

* * *

Ҳар кимки гар сендан қўркувда бўлса,
Ундан тинчлик кутиб, бўлмагил ғофил.
Чаён санчар экан одамга нишин,
Кўпинча кўркувдан санчар, яхши бил.

* * *

Ҳаракат бўлмаса бўшаб кишани,
Орзуга етолмас полвонлар тани.

* * *

Агар душман аро бўлса низо, жанг,
Бориб дўстлар билан хотиржам ўлтир.
Ёвларнинг тили бир бўлганин кўрсанг,
Камон торт, қалъага ғишту тош келтир.

* * *

Агар тарбият кўрмаса одам,
Эшак бўлиб колур юзга кирса хам.

* * *

Акланг кўзи хам тамадан боғлик,
Тамадан илингай домга куш, балик.

* * *

Бир кун ночор йиқилмоғингни
билсанг,
Ўтирма кўп баланд, пастрок ўтир
сал.
Учиб отдан бўйин, бел синганидан,
Пиёда юрганинг афзал, минг
афзал.

* * *

Дил ороми, яхши бўлса гар хотин,
Ёмон бўлса ундан худо сақласин.

* * *

Дўстинг бўлса душман билан
хамнишин,
Ундан кўл ювмокни окиллик дегин.

* * *

Ёмонликни кўрмасанг ўзингга раво,
Бировга хам уни килма, биродар.
Агарда ўз онанг иззатин килсанг,
Кил менинг онамни сўкишдан
хазар.

* * *

Йиллар ўтиб кетди тепангдан
ғир-ғир,
Отанг мозорига бордингми бир
дам?
Онанг хотирига нима эзгулик
Килдингки, ўғлингдан кутасан сен
хам.

* * *

Зулм кўрсанг, кийгил чидам
этигин,
Юмшоклик ёпади уруш эшигин.

* * *

Юмшок муомала, ширин сўз одам
Бир кил билан тортиб кетар
филни хам.
Юмшок бўлгил, юмшок ипакни
хатто,
Ўткир киличлар хам кесолмас асло.

* * *

Кейин урсанг хамки тош билан
юз бор,
Ит унутмас берган овкатинг асло.
Пастларни бир умр эркаласангу
Сал каттик гапирсанг, бошлар
можаро.

* * *

Кимнингки *бошига* кўнаркан
давлат,
Барча бўлгай унга кариндош
янглиғ.
Бахт унинг уйидан юз ўгирган кун,
Эшигу девори бўлгай гўё тиғ.

* * *

Кўринса кимнинг кўзига душман,
Ўлдирмас экан, ўзига душман.

* * *

Лутф этган кишининг хоки пойи
бўл,
Даваллик килса, соч кўзига тупрок.
Даваал кишиларга юмшок гапирма,
Занг арчолмас эгов бўлганда
юмшок.

* * *

Май ичишар янок бўлсин деб зебо,
Охири юзни у килар кахрабо.

* * *

Ноним ошди, обрў камайди, бирок,
Йўкчилик хорликдан кўра яхширок.

* * *

Оз-оздан йиғилиб бўлади бисёр,
Дона-дона ғалла тўлдирур омбор.

* * *

Окилга паст киши кўргузса жафо,
Кўп алам чекмасин бўлиб дил сиё.
Арзон тош синдирса зар косани гар,
Тош нархи ошмайди, пастга тушмас зар.

* * *

Пиёдадан бўлмас отлиқ хабари,
У оҳиста борар, пиёда чопиб.

* * *

Пашша ёпирилса зўр филни енгар,
Салобатли полвон жохилни енгар.
Чумоли бирлашса иттифоқ бўлиб,
Арслон терисин олажак шилиб.

* * *

Сенга сир деб айтса, ишонма ҳечам,
Сенга айтган айтар бошқаларга ҳам

* * *

Сувори жанг маҳали кўрсатаркан оркасин,
Ўзин эмас, ўлдирар ботирларнинг қанчасин.

* * *

Сўз айни савоблигини билмагунча гапирма,
Унга соз жавоблигини билмагунча гапирма.

* * *

Сўзла жавобига чидолсанг ўзинг,
Арпа экиб буғдой кўрмагай кўзинг.

* * *

Ташналар кўзин гар босса уйқу,
Тушига киради бутун олам сув.

* * *

Тинч битар ишга ҳам қилаверса жанг,
Демак, ул одамнинг акли босмиш занг.

* * *

Тор этикдан яхшидир юрмоқлик оёқ яланг,
Мусофирлик аълодир уйинг тўла бўлса жанг.

* * *

Чин азму ҳаракат қилмай муттасил,
Ҳеч кимса муроди бўлмади ҳосил.

* * *

Яхши билсанг, бериш керак нарсани,
Жаҳл қилмай бергил лутф ила хуррам.
Ким ҳоҳиши билан хирож бермаса,
Куч билан олишар миршаб ҳакин ҳам.

* * *

Яхшилар кетидан агар чопарсан,
Истагинг, бахтингни шунда топарсан.

* * *

Шодлик охирида ғам бўлса инок,
Кети шодлик андуҳ ундан яхшироқ.

* * *

Яраштирувчи ёлғон,
Фитна ростдан яхшироқ.

* * *

Қаноат кишини қудратли қилур.

* * *

Ўз аҳдига вафо қилмаган киши,
На севимли бўлур ва на иззатманд.

* * *

Қачон сўзки, дилбанду ширин бўлур,
Сазовори тасдиқу тахсин бўлур.
Бир айтдингми, айтма уни ўзга дам,
Тўйиб бир едингми, етар ҳолва ҳам.

* * *

Ўкчи сабр килса, ақлдан нишон,
Камонга қайтмайди учган ўк ҳеч он.

* * *

Ҳар неки бебаходир,
Кўнгил бермак хатодир

* * *

Ҳар кандай орзу бўлса, бир кун етасан!
Бас, бехуда ғам чекмаки, кариб кетасан.
Душман-ку жафо килса, бўлишгай дўстинг,
Дўстим деганинг душман чикса, нетасан?!

* * *

Ҳарчанд ўқибсан — билимдонсан,
Агар амал килмадинг — нодонсан.

Сэмюэл Батлер

(1835—1902 йилларда яшаб ижод қилган инглиз ёзувчиси, таржимон)

Бир қадам, нафақат буюкликдан кулгилиликкача, балки кулгилиликдан буюкликкача ҳам шундай.

* * *

Бировга пашша бўлган нарса бошқа учун туя бўлиши мумкин.

* * *

Бирор бир киши санъатда пул учун ишлай бошласа, ундан яхши асарлар кутишдан умидни узаверинг.

* * *

Дунёда нодонлар фирибгарлардан кўп, бўлмаса фирибгарлар яшай олишмас эди.

* * *

Инсондан бошқа барча жонзот хаётдаги энг яхши нарса ундан роҳатланиш эканини билади.

* * *

Каннибализм каннибаллар мамлакатида ахлок доирасида хисобланади.

* * *

Модани нодонлар ўйлаб чиқаришади, донолар унга иложсиз эргашишади.

* * *

Пулни севиш барча кулфатлар илдизи деб хисобланади, пулнинг йўклигини ҳам худди шундай хисобласа бўлади.

* * *

То касаллик бор экан, нафақат кўркув, умид ҳам бўлади.

* * *

Фақат ташқи кўринишимизни кўрсатгани учун ҳам кўзгудан миннатдор бўлишимиз зарур.

* * *

Ҳаётни скрипка чалишни ижро килиш пайтида ўрганаётган кишининг тингловчилар олдида якка ижросига киёсласа бўлади.

* * *

Ҳар қандай тижорат — бу келажакни билишга интилишдир.

* * *

Ҳақиқатни ҳар қандай тентак ҳам айта олади, лекин ёлғонни ишонарли килиб айтиш учун калланы ишлата билиш зарур.

Сэмюэл Жонсон

(1709—1784 йилларда яшаб ижод қилган инглиз танқидчиси ва ёзувчиси)

Агар оғрик хузурдан кейин келмаганида ким ҳам унга чидаган бўларди.

* * *

Бадавлат бўлиб яшаш бадавлат бўлиб ўлгандан яхши.

* * *

Баъзи бир айёрлар ўз ҳукмини ўтказишлари учун нодонрок аёлга уйланишади ва доим янглишишади.

* * *

Биз нотанишларга ишоништа мойилрокмиз, чунки улар бизни ҳали алдашмаган.

* * *

Билим икки хил бўлади: биз бирор нимани биламиз ёки у тўғридаги маълумотларни қайдан олишни биламиз.

* * *

Вакт ва пул — ҳаётдаги энг оғир юк, шунинг учун кишиларнинг энг бахтсизи вакт ва пули хаддан зиёд кўпларидир.

* * *

Вактини чоғ қилиб бўлмайдиган кишидан яхши ишларни кутмаса ҳам бўлади.

* * *

Вакт ўтишини четда туриб кузатадиганлар учун у жуда хам секин ўтади.

* * *

Ишончни йўкотгандан алданиш афзал.

* * *

Киши ўзи тўғрисида битта ёкмайдиган ҳакикатни айтганларидан юзта ёлғонни айтишларини хуш кўради.

* * *

Кишининг кандай ўлиши эмас, кандай яшаши мухим.

* * *

Кўп ишларни бажаришдан фикр лаш кийин.

* * *

Мардлик — шармандали иш килишдан кўркишдир.

* * *

Менга нафратланишни билади ган кишилар кўпрок ёкади.

* * *

Мисол доим ваъзга караганда кучлирок таъсир килади.

* * *

Мулкимиз кўпайишига караб бизнинг истагимиз ҳам доим ўсиб боради.

* * *

Сенга сирларини ишонишганини намойиш килиб кеккайиш, одатда сирни ошкор килинишининг асосий сабаби бўлади.

* * *

Ташаккур билдириш — киши ахлоки юқори даражалигининг белгиси. Сиз тарбиясиз кишилардан уни хеч качон эшитмайсиз.

* * *

Тил — фикрнинг кийими.

* * *

Турган гапки, бизнинг ҳаётимиз зерикарли — акс ҳолда биз кандай

қилиб бўлса ҳам вақтни йўқотиш учун доим жуда кўп миқдордаги майда нарсалар ёрдамига мурожаат қилмас эдик.

* * *

Тухмат — бу кўрқоқлар қасди.

* * *

У ҳамма билан шу даражада адабли эдики, бунинг учун ҳеч ким ундан миннатдор эмасди.

* * *

Умид бахтнинг бир туридир, эҳтимол бу дунёдаги ягона бахт бўлиши ҳам мумкин.

* * *

Шикоят — одатда ачинишга қараганда жирканишни кўпроқ уйғотади.

* * *

Эътиборли бўлишни билган киши хотирада сақлашни ҳам билади.

* * *

Ўз сирингни сақлаш — оқиллик белгисидир, ўзгадан уни сақлашларини кутиш — нодонлик.

* * *

Ўз-ўзини танқид — бу яширин мақтов. Биз ўзимизни ҳаллолигимизни намойиш қилиш учунгина сўкамиз.

* * *

Ўнгача санашни биладиган от — зўр от, лекин зўр математик эмас.

* * *

Қайғуни мастликдан бошқа истаган восита ёрдамида йўқотиш мумкин.

* * *

Қизиқарли ҳикоя кам ҳоллардагина ҳаққоний бўлади.

* * *

Қийналиш кўпинча эринчоқликнинг оқибатидир.

* * *

Ғамга ботган кишига сиз доим камроқ ҳамдардлик билдираётгандай туюласиз.

* * *

Ҳаёт — бу ўлим тўғрисида ўйламасликнинг бир воситаси.

* * *

Ҳаёт шундай тузилганки, биз фақат ўзгаришларни кутиб яшаймиз. Ўзгаришларнинг ўзи эса биз учун аҳамиятли эмас, улар содир бўлганидан кейин биз яна бошқа ўзгаришларни кутаверамиз.

* * *

Ҳаёт қиска. Киши ўз бойликларидан қанчалик эрта ҳузурланишни бошласа шунча яхши.

* * *

Ҳамма ҳушомад қиладиган киши менга ҳушомад қилса, мен ўзимни бахтли ҳисоблайман.

* * *

Ҳаммамиз бирор-бир кишининг кўнглини олиш умидида яшаймиз.

* * *

Ҳар қандай ўзгариш ноқулайликни пайдо қилади, ҳатто бу ўзгариш яхши томонга бўлса ҳам.

Сенека

(Луций Анней Сенека, милоддан аввалги 6—3—милоднинг 65 йилларида яшаган Рим файласуфи ва ёзувчиси)

Агар битта аскар айб иш қилса лашкарбоши уни қаттиққўллик би-

лан жазолайди, агар лашкарларнинг ҳаммаси айб иш қилсалар, уларга шафқат қилишга тўғри келади. Донони жаҳлдан нима тўхтатади? Гуноҳкорларнинг кўплиги.

* * *

Агар икки томондан бири қўллаб-қувватламаса, душманлик ўзидан-ўзи сўнади.

* * *

Агар унинг натижаси соғайиш бўлса, ҳеч кандай даволаш золимона ҳисобланмайди.

* * *

Агар хаёлингга сендан олдин канчалик одам бораётир деган фикр келса, сендан кейин канчалик одам келаётганини ҳам ўйла.

* * *

Аёл киши билмаган сирнигина сақлаши мумкин.

* * *

Атрофимизда расво яшаётганлар, аникроғи расво ўлаётганлар жуда ҳам кўп.

* * *

Ахлоқимиз шаклланиши учун бизга намуна сифатида кимдир зарур. Худди эгри чизмаслик учун чизғич зарурлигидай.

* * *

Барча ожиз жонзотларга сал тегиб кетилса, уларга ургандай туюлади.

* * *

Бахтга зарурияти йўқ киши энг бахтлидир.

* * *

Баъзи асарларнинг факат номи чиройли бўлади.

* * *

Баъзи бир дори-дармонлар касалликнинг ўзидан ҳам хавфли бўлади.

* * *

Баъзи бир ёзилмаган қонунлар, хатто ёзилганидан ҳам кучли бўлади.

* * *

Баъзи бир касалликларни беморга айтмай даволаган маъкул. Нима билан касалланганлигини билганидан кейин қанчадан-қанча беморлар вафот қилишган.

* * *

Баъзи ишларнинг буюклиги унинг катталигида эмас, ўз вактида бажарилганлигида.

* * *

Баъзилар арзимаган ранж учун қасос олиш максадида фикрларини чукурлаштириб юборадилар. Ўзини худди лайча хурганига эътибор ҳам қилмайдиган катта ва кучли филдай тутган донодир.

* * *

Бесавод киши ишонувчан ва мулоҳазасиз бўлади.

* * *

Биз кулаётганлар билан куламиз, йиғлаётганларнинг даврасига тушиб қолсак ғамга ботамиз, курашаётганларни кўриб ҳаяжонга тушамиз.

* * *

Бизга азоб берадиган нарсалар арзимас бўлмайди.

* * *

Биз хаётга келган биринчи соатдан бошлаб умримиз кискара бошлайди.

* * *

Билмасдан қилинган ишга хафа бўлиш керак эмас.

* * *

Бир жиноят бошқасига йўл очади.

* * *

Бировнинг бахтсизлиги орқасидан бахтли бўлган киши йўқ.

* * *

Бирон-бир киши ўзгаларни ранжитишни қанчалик яхши кўрса, унинг ўзи ўзгаларнинг озорига шунчалик чидамсиз бўлади.

* * *

Бирон-бир кишининг назарига илмаслиги бизни қанчалик ранжитса, худди шу кишининг ҳурматига лойиқ бўлиш бизга айниқса кўпроқ ёқади.

* * *

Бирор иш билан банд кишиларга ҳаёт қисқа туюлади.

* * *

Бирор нима содир бўлмасин деб ҳамма нарсадан қўрқиб яшагандан яшамаган маъқул.

* * *

Бирор нима тўғрисида гапирмасликларини истасанг, аввало ўзинг гапирма.

* * *

Бойлиги кўп бўлганнинг унга яна эҳтиёжи бўлса — бу қашшоқликнинг энг оғир туридир.

* * *

Бошлаш — бу ишнинг ярмиси дейишади, буни қалбимизга ҳам татбиқ қилса бўлади: эзгу иш қилишни исташ — эзгуликнинг ярмисидир.

* * *

«Бу томонда катта кўпчилик», демак шу томон ёмонроқ.

* * *

Бузуқчиликнинг ахлоққа айланганининг давоси йўқ.

* * *

Бутунни бўлаклар орқали эгаллашади.

* * *

Буюк кишиларни меҳнат озиклантиради.

* * *

Бўшанг киши томонидан бериладиган жазо анча оғирдай туюлади.

* * *

Ватанни буюклиги, катталиги учун севишмайди, уни ўзининг Ватани бўлганлиги учун севишади.

* * *

Вақтдан бошқа ҳеч нима бизга тегишли эмас.

* * *

Гувоҳларни чиқариб юбориб кейин миннатдорчилик билдирадиган киши ярамасдир.

* * *

Дориларни кўп ўзгартиришдан ортиқ соғайишга халақит берадиган нарса йўқ.

* * *

Доим кўз олдида бўладиганнинг қадрига етмайдилар, ўғри ҳам очиқ эшикка кирмайди.

Нодонларнинг одати ҳам шундай — доим тақиқ қилинганга интилишади.

* * *

Дунёга хамма бир тарзда келиб кетишаверади, лекин кейингилар олдингилардан ўзгача бўлишади, чунки одатлар ўзгаради.

* * *

Ёмон хосилдан кейин хам далага экиш зарур бўлади.

* * *

Ёмонлар орасида яхши бўлиш, бу яхши киши дегани эмас.

* * *

Ердан юлдузгача бўлган йўлни босиб ўтиш жуда хам оғир.

* * *

Ёшликнинг ўтаётганини хеч ким хис қилмайди, лекин у ўтиб кетганидан кейингина хаммага сезилади.

* * *

Жазо доим ўтмишники эмас, келажакники деб хисобланиши лозим, чунки у қахр белгиси эмас, огоҳлантириш белгисидир.

* * *

Зарурият қонунларни хам бузади.

* * *

Иккала томонни хам эшитмасдан қарор қилган кимса адолатсизлик қилган бўлади, хатто унинг қилган қарори адолатли бўлса хам.

* * *

Имконияти бор экан — кувнок яшанг.

* * *

Ихтиёрий қулликдан ортиқ шармандалик йўк.

* * *

Ишончсизлик бошланган ерда дўстлик тугайди.

* * *

Камчилик одат тусига кирган ерда уни бартараф киладиганга жой йўк.

* * *

Кексаликнинг ўзи бедаво касаллик хисобланади.

* * *

Келажакдан кўрқиб бугунги хаётингни бузиш нимага даркор? Бир вактлар бахтсиз бўлиб қоламан деган фикрдан ўзингни бахтсиз хис қилиш нодонликдир.

* * *

Келажакдан хадиксирайдиган киши бахтсиз бўлади.

* * *

Киши қайси пристанга йўл олганини билмаса, унинг учун хар кандай шамол хам бир йўналишда бўлмайди.

* * *

Киши қанча бахтли бўлса шунча қахрли бўлишини кўраётганинг йўкми? У айниқса бадавлат, машхур кишилар ва амалдорларда яқкол кўзга ташланади.

* * *

Кишилар то бирор нима истамагунча, нима исташларини билишмайди.

* * *

Кишилар ўз хаётларини гўёки хаёти учун зарур бўлган нарсаларни излашга сарфлашади.

* * *

Кишилар ўргатиб ўрганадилар.

* * *

Кишилар хаммадан хам ўзи қарздор бўлган кишисини ёктиришмайди.

* * *

Кишиларнинг илми макол билан бошланиб фикр билан якунланиши лозим.

* * *

Кишининг мардлигини нафақат қўлига қурол олиб жангда кўрк маслигидан билиш мумкин, бетоб бўлиб кўрпа-тўшак қилиб ётган кишининг ҳам мардлигини сезса бўлади.

* * *

Кулфат — эзгу иш қилиш учун энг ўнғай фурсат.

* * *

Кўпинча биров хушомад қилиб мақталганида бошка биров ранжийди.

* * *

Кўпинча кечаси дахшатли тўлган нарса кундузи кулгилига айланади.

* * *

Лойдан ясалган идишдан худди кумушдан ясалган идишдай фойдаланадиган киши буюкдир, кумушдан ясалган буюмдан лойдан ясалгандай фойдаланадиган киши хам буюкдир.

* * *

Мамлакатлар, шаҳарларни эгаллаган кишиларнинг сон-саноғи йўк, ўзини қўлга олган кишилар эса бармоқ билан санарли даражада оз.

* * *

Масаланинг адолатли хал қилинишига ишон, лекин адолатсизлиққа хам тайёр тур.

* * *

Мастлик камчиликни яратмайди, уни фақат намойиш килади.

* * *

Мен ўзимнинг айтган барча сўзларимни эслаганимда соковларга ҳавасим келиб кетади.

* * *

Менга ишон, ўлим унчалик хам дахшатли эмас, шу туфайли хеч нарсани кўркинчли хисобламаса ҳам бўлади.

* * *

Мендан ҳам бахтлилар бор деган фикр азоб берадиган киши хеч качон бахтли бўлмайди.

Мен умид қилганимдан кам олдимми? Эхтимол мен қилган хизматимга қараганда кўпрок нарсага умид қилгандирман.

* * *

Мулоҳазасиз мардлик — кўркоклиқнинг алохида бир туридир.

* * *

Мурувватни (хайр-эҳсонни) сочиб ташлаш эмас, таксимлаш зарур. Гап сенинг берганингда эмас, кимга берганингда.

* * *

Нафратдан кўркувчи бошқаришни билмайди.

* * *

Нафсни тийиш — бу ихтиёрий қашшоқлик.

* * *

Нима нима, лекин ёмонлик қилишни одамларнинг ҳаммаси яхши билишади.

* * *

«Нима учун ўкидим ўзи?!» — хавотир олма, сенинг меҳнатинг бехуда кетмади: сен ўзинг учун ўкидинг.

* * *

Нимага у шунчалик буюк туюлади? Сен уни эгаллаган ўрни билан ўлчаганинг учун.

* * *

Нодон кишилар томонидан бериладиган танбех — мақтов билан тенгдир.

* * *

Нимани кутасан? Барча истаклар ижобат бўлишиними? Бундай вақт келмайди! Истаклар занжири шунақаки, бир истак иккинчисини пайдо қилади.

* * *

Одатда буюкдан эмас, янгидан ҳайратланамиз.

* * *

Оғриқ тўғрисидаги ўй бизни оғриқдан кам азобламайди.

* * *

Ривожланиш бўлмаса, бу якун яқинлигидир.

* * *

Рохатланиш ҳам меъёридан ошса азобга айланади.

* * *

Саросималикка унинг сабабидан ажратиб назар кил, шунда сен уларнинг иккаласида ҳам қўркувнинг ўзидан бошқа хеч кандай кўркув йўклигига ишонасан.

* * *

Сен яхшиси эришганингга шукур кил, колганини кут ва ҳаммасига эришиб улгурмаганинг учун кувон.

* * *

Сени хафа килган сендан ё ожиз, ё кучли: агар ожиз бўлса унга шафкат кил, агар кучли бўлса — ўзингга.

* * *

Сени яхши кўришларини истасанг, сен ҳам яхши кўр.

* * *

Сени ғазаблантирган кишига ўлимдан ортик нимани тилардинг? Шундай экан хотиржам бўл, сен хеч иш килмасанг ҳам у албатта ўлади.

* * *

Сўз — калбнинг кўринишидир.

* * *

Табиат бизни кетаётганимизда келган пайтимиздагидай тинтиб кўради. Кетаётган пайтимизда келган пайтимиздагидан ортик нарсани олиб кетиб бўлмайди.

* * *

Табиат кишиларга яхши фазилатларни бермайди: унга етишишнинг ўзи бир санъат. Кадимда кишилар гунох иш килишни билишмаганидан бегунох бўлишган, гунох иш килишни билмаслик билан гунох иш килишни истамаслик орасида катта фарк бор.

* * *

Табиат табиий эхтиёжни кондириш учун доимо етарли даражада беради.

* * *

Табиий бўлган нарса уят бўлмайди.

* * *

Тангри жазоламокчи бўлганини педагог килади.

* * *

Такдирдан кочиб бўлмайди — уни факат енгиш мумкин.

* * *

Тежамкорлик — озодликнинг онаси.

* * *

Тиллани олов билан, аёлни тилла билан, эркакни аёл билан синайдилар.

* * *

У ёки бу маънода кул эмас киши йўк.

* * *

Уруш — бу макталадиган вахшийликдир.

* * *

Умр канча узок бўлса, хар доим хам шунча яхши бўлавермайди, лекин хар доим ўлим канча узок бўлса шунча ёмон.

* * *

Факат ортикча нарсалар ораси дан танлаш мумкин.

* * *

Факат паст иш килиб паст кишиларнинг олкишини олиш мумкин.

* * *

Факат шуниси аникки, хеч нарса аник эмас.

* * *

Хиёнаткорга кўрсатилган ишонч, унга зарар бериш имкониятини туғдиради.

* * *

Хушомад хар кимни ўз меъёрида тентак килади.

* * *

Чарчаган кўзларнинг яшилга караши фойдали.

* * *

Шарм хаё гохида конун такикламаганларни хам такиклайди.

* * *

Шон-шухрат химматли кишиларнинг соясидир.

* * *

Энг кучли истагимизнинг бажарилиши, кўпинча бизнинг энг катта кайгумизнинг сабабчиси бўлади.

* * *

Энг киска хаёт — бирор-бир иш билан банд бўлган кишиларники.

* * *

Янглишиш - инсонга хос хусусиятдир.

* * *

Яхшилик кандай туйгу билан кўрсатилса, шундай туйгу билан кабул килинади, шунинг учун уни илтифотсиз кўрсатиш керак эмас.

* * *

Яхшилик килган эмас, яхшилик кўрган бу тўгрида айтиши керак.

* * *

Яшаш — демак фикрлаш.

* * *

Ўз айбини тан олиш — тузалиш белгисидир.

* * *

Ўз тенгинг билан низолашиш хавфли, ўзингдан юкори билан — нодонлик, ўзингдан паст билан — хакоратли.

* * *

Ўз устингдан хукмронлик — олий хукмронликдир.

* * *

Ўзгартира олмаганингга чидамок маъкул.

* * *

Ўзига дўст бўлган киши бошқаларга хам дўстдир.

* * *

Ўзинг мактамайдиган кишилар нинг сени макташига намунча ку вонасан?

* * *

Ўзингдан юкорида турганлар сен билан кандай муносабатда бўлишларини истасанг, ўзингдан пастдагилар билан шундай муносабатда бўл.

* * *

Ўзининг кўлидан келмаганнинг бошкаларга танбех беришга хаки йўк.

* * *

Ўйланган жиноят амалга ош маган бўлса хам, у барибир жи ноятдир

* * *

Ўлимдан кўркандан ўлиш но донлик.

* * *

Ўсиш кобилиятининг борлиги — мукаммал эмасликнинг белгисидир.

* * *

Канча яшасанг шунча кандай яшаш лозимлигини ўрган.

* * *

Кул авлодидан бўлмаган шох йўк, шох авлодидан бўлмаган кул йўк.

* * *

Кул канча бўлса, душман хам шунча.

* * *

Ғазаб совиганидан кейин наф ратга айланади.

* * *

Ғазабга тўлган киши карор кабул килишга шошмагани маъкул.

* * *

Хавас килинадиганлар хам хавас киладилар.

* * *

Хаёт бизга киска килиб бе рилмайди, лекин уни ўзимиз кискартамиз.

* * *

Хаёт театрдаги пьесага ўхшайди: мухими унинг узунлиги эмас, канчалик яхши ўйналгани.

* * *

Хаёт узун, агар ундан усталик билан фойдалана олинса.

* * *

Хаёт худди масалдек, узунлиги билан эмас, маъноси билан ўлчанади.

* * *

Хайвонга жахл килиш нодонликдир, болаларга жахл килиш хам аклдан эмас.

* * *

Хамма тўғри яшашнинг эмас, узок яшашнинг ташвишини килади, вахоланки тўғри яшаш хамманинг ўзига боғлик, узок яшаш эса хеч кимга.

* * *

Хамма ўлимга махкум: бу — конун, жазо эмас.

* * *

Хаммага ишониш хам, хеч кимга ишонмаслик хам хато.

* * *

Хамманинг хаёти эртанги кун ташвишлари билан банд. Кишилар яшашмайди, яшашга шайланадилар.

* * *

Ҳасад қилинадиганлар ҳам ҳасад қилишади.

* * *

Ҳақиқатга қараганда ҳам тасаввуримиз бизни кўпрок ташвишлантиради.

* * *

Ҳеч ким тасодифан яхши киши бўлиб қолмайди.

* * *

Ҳеч нарсага умид қилмаган кишининг умидини узиб бўлмайди.

* * *

Ҳеч қачон ҳеч нимани ўрганмаган киши ҳеч нимани ўрганишни истамайди.

* * *

Ҳеч қачон ҳеч нимадан аялмаган кимса тақдир зарбасига дош беролмайди.

Сервантес

(Мигель Сервантес де Сааведра, 1547—1616 йилларда яшаб ижод қилган испан ёзувчиси)

Агар бемор қабул қилишдан бош тортса, энг яхши дори ҳам унга наф қилмайди.

* * *

Арзон турадиган нарса, арзон баҳоланади ҳам.

* * *

Асосийси, кимнинг фарзанди эканлигингда эмас, ким билан дўст тутинганингда.

* * *

Берахмлик мардликка йўлдош бўла олмайди.

* * *

Берган гапирмасин, олган гапирсин.

* * *

Буюк кишилар буюк яхшиликларга қодирлар.

* * *

Вақт ўчира олмайдиган хотира, ўлим тугатмайдиган оғриқ йўқ.

* * *

Виждонингга кўра яша, кишилар нима дейишса дейишаверсин.

* * *

Дунёда ўлимдан бошқа ҳамма нарсани ўзгартирса бўлади.

* * *

Дўст учун қурбон бўлиш қийин эмас, лекин унинг учун ўлишга арзийдиган дўстни қандай топамиз.

* * *

Ёмонга эга бўлгандан, яхшини кутиш афзал.

* * *

Жангда курбон бўлган аскар қочиб жон сақлагандан жасоратлидир.

* * *

Жуда кам ҳолларда, аниқроғи ҳеч қачон бизнинг шухратпарастлигимиз бошқаларга зарар бермасдан қолмайди.

* * *

Иродасиз кўркок киши нуфузли бир хомийга учраса, у сурбет бўлиб қолади ва ўзидан устун бўлган

кишиларни ҳам ҳақоратлашдан қўрқмайди.

* * *

Йўқолган номус қайтмайди.

* * *

Мансаб кўпинча ахлоқни ўзгартиради.

* * *

Мақтов фақат мақтаётган киши яхши бўлганида яхши.

* * *

Оқил киши ҳамма тухумни бир саватга жойламайди.

* * *

Рим папасининг танаси қабрда оддий руҳонийнинг танаси эгаллаган жойдан кўпни эгалламайди.

* * *

Сотиб олинган нарса совғадан арзон.

* * *

Соткинлик бировларга ёқиши мумкин, лекин сотқин ҳеч кимга ёқмайди.

* * *

Тақдир бахтсизликдан чиқиш учун битта эшикчани доим очиқ қолдиради.

* * *

Тақдир ҳамма вақт ҳам касалликни уни даволайдиган дориси билан юбормайди.

* * *

Тентакка яхшилик қилиш денгизга сув қуйишдай гап.

* * *

Тилингиз секин, кўзингиз чақкон бўлсин.

* * *

Хушмуомалаликдай биз учун жуда осон ва ўзгалар томонидан юқори баҳоланадиган нарса йўқ.

* * *

Шафқатсизлик жасоратга йўлдош бўла олмайди.

* * *

Эшакнинг айби учун эгарини синдирма.

* * *

Ўз касаллигини англаш ва даволанишга тайёр бўлиш даволанишнинг бошланишидир.

* * *

Ўзини кўкка кўтариш кишини ерга уради.

* * *

Ўйламай гапириш мўлжалламай камон отиш билан бирдек.

* * *

Қалам — ақлнинг тили.

* * *

Қалбда доғ бўлганидан юзда ранг бўлгани афзал.

* * *

Қўркоқлар қалбида бахтга ўрин йўқ.

* * *

Ғам азобланаётганнинг тилини бирдай ечиши ёки боғлаши мумкин.

* * *

Ҳаммага ёқадиган асарни ёзишнинг сира ҳам иложи йўқ.

* * *

Ҳар қандай илмда, ҳар қандай санъатда энг яхши устоз — тажриба.

* * *

Хар кандай кишига бажарган ишига караб бахо бериш зарур.

* * *

Хатто лотин тилини билиши хам, эшак бўлиши учун халақит бермайдиган кишилар бўлади.

* * *

Ҳақиқат баъзида букилади, лекин хеч качон синмайди.

Сократ

(Милоддан аввалги 469—399 йилларда яшаган юнон файласуфи)

Агар киши бирор нарса қилиш ёки гапиришга тайёр бўлса, хавфнинг олдини олишнинг жуда хам кўп йўллари бор.

* * *

Агар киши ўз соғлигини доим кузатиб борса, соғ бўлиши учун нима кўпроқ фойдали эканлигини ўзидан яхшироқ биладиган табибни топиб бўлмайди.

* * *

Агар муносабат бўлмаса дўстлик хам бўлмайди.

* * *

Агар сўз ўлдирмаса таёқ ёрдам килмайди.

* * *

Гўзаллик — жуда кисқа вақт хукмронлик киладиган малика.

* * *

Дўстлашишга шошманг, агар дўстлашган бўлсангиз доимий ва якин дўст бўлиб колинг.

* * *

Ёкмайдиган кишисидан хеч ким хеч нарсани ўргана олмайди.

* * *

Истаган — бажариш йўлини излайди, истамаган — бахона изслайди.

* * *

Кишилар учун тилида ёнаётган кўмирни ушлаш сирни саклашдан осон

* * *

Кишиларни давлатнинг ўзи тарбиялайди: яхши давлат — яхшиларни, тескариси — нодонларни.

* * *

Кўнгилнинг икки офати бор. Биринчиси: ўтган ишга қайғуриш, иккинчиси: келгуси ишни ўйлаб ғам алам чекишдир. Биринчисидан одам кўп уйқучи бўлса, иккинчисидан уйқусизликка мубтало бўлади.

* * *

Мен фақат хеч нарса билмаслигимни биламан.

* * *

Менинг эхтиёжим йўк нарсалар жуда хам кўп.

* * *

Овкат ширин бўлиши учун энг яхши зиравор — очлик.

* * *

Оз билан каноатланиш орқали биз илохларга ўхшаб кетамиз, чунки улар хеч нимага мухтож бўлишмайди.

* * *

Пулининг кўплигидан киши яхши бўлиб колмайди, балки киши-

нинг яхшилигидан унинг пули ва бошқа бойликлари кўпаяди.

* * *

Сени кўришим учун гапир.

* * *

Судья тўрт сифатга эга бўлиши лозим: боадаб эшитиш, оқилона жавоб бериш, ақл билан фикр юритиш ва оқилона қарор чиқариш.

* * *

Тушунганларимнинг ҳаммаси — жуда яхши, шундан мен тушунмаганларимнинг ҳам ҳаммаси жуда яхши деган хулосага келдим.

* * *

«Уйланиш керакми ё йўқми?» деб маслаҳат сўраган кишига Суқрот «Билганингни кил, барибир пушаймон бўласан», — деган экан.

* * *

Фақат икки ҳолдагина гапир: гапирадиганингни аниқ-равшан ўйлаганингда ёки бирор нимани айтиш зарур бўлганида; чунки шу икки ҳолдагина гапириш сукутдан афзал.

* * *

Фуқаролари қонунларга итоат киладиган давлат тинчлик кунлари ҳам гуллаб-яшнайди, урушда ҳам уни енгиб бўлмайди.

* * *

Шармандаларча яшагандан, мардларча ўлган афзал.

* * *

Шошиб бажарилган иш кам ҳоллардагина яхши бажарилади.

* * *

Энг кофил одам шундай одамки, ўзининг айбини сезмайди, ўзгаларнинг айбини кидириш ва гапириш билан машғул бўлади.

* * *

Яхши кишиларнинг сўзига, виждонига ишонса бўлаверади, онт ичириш шарт эмас.

* * *

Яхшилик ва ёмонликни фарқлаш олий оқиллик белгисидир.

* * *

Яшаш учун ейиш зарур, ейиш учун яшаш эмас.

* * *

Ўлимнинг нима эканини билмаганлигимиз сабабли ундан қўрқиш керак эмас.

* * *

Ўзига ҳеч қандай фойдаси бўлмаса ҳам бошқаларга зарар берадиган киши ёвуз кишидир.

* * *

Қалбни даволамай танани даволаб бўлмайди.

* * *

Қуёшнинг бир камчилиги бор: у ўзини ўзи кўра олмайди.

* * *

Ҳар қандай одам ўзида қанча кўй борлигини осонлик билан айта олади, лекин ҳамма ҳам ўзининг қанча дўсти борлигини айта олмайди — наҳотки дўстлар бунчалик қадрсиз!

* * *

Ҳеч иш килмагандан маълум максадсиз бўлса ҳам иш килган афзал.

Солон

(Милоддан аввалги 638—559 йилларда яшаган файласуф, қадимги Юнонинг «етти донишманди»дан бири)

Билсанг — тилингни тий.

* * *

Бошқалардан жавобгарликни хис қилишни талаб қилишдан олдин ўзинг уни хис қил.

* * *

Буюришдан олдин, итоат қилишни ўрган.

* * *

Гўзалликка осон етишиб бўлмайди.

* * *

Дўстни шошмасдан танла, танлаганингдан четлашма.

* * *

Дўстни ёлғиз колганидагина айбла, бошқалар олдида макта.

* * *

Ёқимлини маслаҳат қилма, яхшисини маслаҳат қил.

* * *

Иккала томонни хам эшитмасдан карор қабул қилма.

* * *

Мастлик ҳақиқий жинниликдир, у бизни қобилиятимиздан ажратади.

* * *

Номаълумни маълум ёрдамида фахмла.

* * *

Овкатланаётганда бирорта хам нодон жим бўла олмайди.

* * *

Ортиқчани ғамини ейиш, кўпинча, зарурини йўқотишга олиб келади.

* * *

Тенглик урушни пайдо қилмайди.

* * *

То ўлгунича хеч кимни бахтли хисоблаб бўлмайди.

* * *

Қўймаган нарсангни олма.

* * *

Ғам келтирувчи кайфу сафодан коч

* * *

Ҳар нарсада хам меъёр зарур.

Софокл

(Милоддан аввалги тахминан 496—406 йилларда яшаган юнон драматурги, сиёсий ва ҳарбий арбоб)

Агар ақл кишига хизмат қилмаса у жуда ҳам даҳшатли бўлиши мумкин.

* * *

Ақл шубхасиз бахтнинг дастлабки шартидир.

* * *

Буюк ишлар дарров бажарилмайди.

* * *

Вакт барча яширинларни очади, барча маълумларни яширади.

* * *

Гапирмаслик — аёллар кўрки.

* * *

Донишмандлик — бахтнинг тукқан онаси.

* * *

Дунёдаги барча нарса қачонлардир биринчи марта содир бўлган.

* * *

Ёлғиз кексалик барча ғамлардан ҳам ғамлироқ.

* * *

Ёмон ниятсиз янглишган кишига жаҳл қилмаслик керак.

* * *

Ишига маҳкам киши гап-сўздан қўрқмайди.

* * *

Кўп сўзлаш ва кўп гапириш бир хил маънога эга эмас.

* * *

Мен кишиларни қандай бўлиши лозимлигини тасвирлайман, Еврипид эса улар қандай бўлса шундайлигича тасвирлайди.

* * *

Ношукурларга бахт ёрдам қилмайди.

* * *

Оддий ва виждонли бўлиш, ақлли ва алдамчи бўлишдан афзал.

* * *

Тангри бировни хароб қилмоқчи бўлса, дастлаб уни ақлдан оздиради.

* * *

Токи киши ҳаёт экан, тақдир уни бахтли қилди деб хулоса чиқариш нотўғри бўлади.

* * *

Эшит ва сукут қил.

* * *

Ҳеч нима тўғрисида ўйламай диган кишиларнинг ҳаёти энг лаззатлидир.

Стендаль

(Анри Мари Бейль, 1783—1842 йилларда яшаган француз ёзувчиси)

Ақлнинг асосий устунликларидан бири — кишини кексайган пайтида ҳурматга лойиқ қилишидадир.

* * *

Бахтни тасвирлаш уни майдалаштиради.

* * *

Бекорчилик — зерикишнинг онаси.

* * *

Ёзувчига ҳам худди аскарникидай шижоат зарур: биринчиси — танқид тўғрисида, иккинчиси — госпиталь тўғрисида жуда кам ўйлаши лозим.

* * *

Ёшлик — жасорат даври.

* * *

Инсон дунёда бадавлат бўлиш учун эмас, бахтли бўлиш учун яшайди.

* * *

Йўқотганимизни эслаш, ҳар доим келажакдан кутаётганимиздан улуғ туюлади.

* * *

Кишининг характери деб, мен унинг ахлоқий одатларининг йиғиндисини тушунаман.

* * *

Меҳнат — лаззатланишнинг отасидир.

* * *

Меҳнат орқали эришиладиган посанги юки бўлмаса, ҳаёт кемаси

шамол ва бўронларга бардош бера олмайди.

* * *

Муваффакиятга эришишнинг ягона йўли — ўзинг билан ўзинг ёлғиз бўлишга интилишдадир.

* * *

Сухбатлашишни билиш — бу талант.

* * *

Тилнинг энг катта устунлиги тушунарли бўлишидадир.

* * *

Ўткир акл гўзаллик ўрнини боса олади.

* * *

Қандайдир бир фавқулодда вазиятда дўстинг учун ўлиш, ҳар куни пинҳона вазиятда унинг учун ўзингни курбон қилишдан устун эмас.

* * *

Ғоят гўзал аёллар иккинчи бор учрашганингизда илк мартадагидай маҳлиё қилмайди.

* * *

Ҳар бир кишининг ўзига нисбатан ҳам бурчи бўлади.

Стивенсон

(Роберт Льюис Бальфур Стивенсон, 1850—1894 йилларда яшаб ижод қилган шотланд ёзувчиси ва шоири)

Агар бирор-бир машғулот кишига ёқмаса, зарур бўлмаса ва бефойда ҳисобланса, у бу машғулотдан канча тез воз кечса, ўзига ҳам, унга алоқадор бошқаларга ҳам шунча яхши бўлади.

* * *

Бизнесда муваффакият қозонсанг, бошқасида ютказасан.

* * *

Дунё зерикарли кишилар учун зерикарлидир.

* * *

Ёдгорлик ёдда турмайдиганларга қўйилади.

* * *

Йўқолмаган нарсанинг қадрига етишмайди.

* * *

Кишилар орасидаги муносабат жуда ҳам ёқимли ва шу билан бирга жуда ҳам ишончсиз нарсадир.

* * *

Пул учун эркимиз билан ҳисоблашишга мажбурмиз.

* * *

Тақдир миллионер бўлиб туғилганларга қараганда, чиғаноқ йиғишда ишлончиларга кўпроқ ён босади.

* * *

Шишадан бўлган уйда яшовчи бошқаларга тош отмаслиги керак.

* * *

Энг қоронғи давр — ҳозиргиси.

* * *

Энг қўпол ёлғон кўпинча индамасдан изҳор қилинади.

* * *

Яхши тушлик ва узоқ умр орасидаги фарқ шундаки, тушликда ширинлик охирида берилади.

* * *

Яхшилик ва камтарлик — шу икки сифат кишини хеч қачон чарчатмаслиги даркор.

* * *

Яшалган хар бир кунингга йиккан хосилинг билан эмас, эккан уруғинг билан баҳо бер.

* * *

Ҳаётда бора туриб оёғимиз остидаги муз юпқалашаётганини сезиб коламиз ва бизнинг атрофимизда ва оркамизда бизнинг тенгқурларимизни унинг тагига ўйилиб кетаётганларини кўрамиз.

Суворов А.В.

(Александр Васильевич Суворов, 1730—1800 йилларда яшаган рус лашкарбошиси, генералиссимус)

Аскар боскинчи эмас.

* * *

Дунёда Италиядагидай қалъалари кўп ер йўк. Шу билан бирга бошқалар томонидан улардан кўп ишғол қилинган ер хам йўк.

* * *

Ёшлигингдан яқинларингнинг хатоларини кечиришга ўрган, лекин хеч качон ўзингнинг хатоларингни кечирма.

* * *

Машқда енгил бўлса — жангда оғир бўлади, машқда оғир бўлса — жангда енгил бўлади.

* * *

Мен безатилмаган хакиқатни хуш кўраман.

* * *

Муносабатда самимийлик, мулокотда тўғри сўзлилик — хакикий дўстлик шу.

* * *

Нафрат аклни хиралаштиради.

* * *

Тартиб-интизом ғалабанинг онаси.

* * *

Тезлик зарур, шошма-шошарлик эмас.

* * *

Фақат қўркокларгина шафқатсиз бўлишади.

* * *

Хавфга карши юриш уни бир ерда ўтириб кутгандан афзал.

* * *

Хизмат ва дўстлик — бир-бири билан учрашишмайдиган икки параллел чизик.

* * *

Ўзинг ўлсанг хам дўстингни асра

* * *

Ўлимдан қўркма, шунда душманингни енгасан. Киши икки марта ўлмайди, биттасини эса четлаб ўтиб бўлмайди.

* * *

Қўрккан — ярим енгилган.

* * *

Ғалаба — урушнинг душмани.

* * *

Ҳамма айёр деб ҳисоблайдиган киши айёр эмас.

* * *

Ҳар бир жангчи ўзининг харакатини тушунмоғи зарур.

Сюнь-Изи

(Милоддан аввалги тахм. 313—238 йилларда яшаган қадимги Хитой файласуфи)

Агар кишининг бекор вақти кўп бўлса, у кўп нарсага эришмайди.

* * *

Ахмоқона сифат ва қилиқлар кишининг ўзигагина боғлик.

* * *

Баҳслашишни севадиганлар билан тортишма.

* * *

Бурчини бажармай фақат фойда изидан кувадиганни мен қарокчи деб номлаган бўлардим.

* * *

Кишилар эринчоқлигидан ўз ғамини емаслиги сабаблигина кулфатга гирифтор бўлишади.

* * *

Кишиларга ҳукмронлик қиладиган киши бадавлат ва сахий бўлмаса, у қўл остидагиларни бошқара олмайди.

* * *

Мансаб ва вазифа кишилар ўртасида тақсимланмаса бахтсизлик келиб чиқади: кишилар фақат ўзига фойда келтирадиган ишни қилишга интилишади ва ном чикариш учун курашишади.

* * *

Нолойиқ саволларга жавоб бериш, номаъқул гаплар айтилганда, савол бериш ёки нолойиқ нарсалар тўғрисида ҳикоя қилишганида эшитиш лозим эмас.

* * *

Тартиб ва интизом қоидалари ҳаётни сақлашга кўмаклашади.

* * *

Янги туғилган чақалоқлар ҳамма ерда бирдай йиғлашади. Улар катта бўлишганида эса одатлари турлича бўлади. Бу улар олган тарбиянинг натижаси.

* * *

Яхшини кўрганингда унга хурмат билан қараб, ўзингда ҳам шундай хислатлар бор-йўклигини синаб кўр. Ёмонни кўрганда унга нафрат билан қараб, ўзингда шундай сифатлар бор-йўклигини текшириб кўр.

* * *

Ҳаддан зиёд солиқ солмоқ — бу талон-торожликни келтириб чиқарадиган, душманларни бойитадиган ва давлатни хароб қиладиган йўл.

* * *

Ҳаёт тўк бўлмаса халқ тартиб-интизомли, ориятли бўлмайди.

* * *

Ҳукмдор — бу қайиқ, халқ эса — сув. Сув қайиқни кўтариб боради, лекин у қайиқни ағдариши ҳам мумкин.

Томас Фуллер

(1608–1661 йилларда яшаган инглиз адабиётшуноси)

Агар душманинг бўлмаса, демак бахт сендан юз ўгирибди.

* * *

Агар сен хўжайин бўлсанг, баъзан кўзингни кўр тут, агар сен хизматкор бўлсанг, баъзан кулоғингни кар тут.

* * *

Биз йиғлаб туғиламиз, шикоят қилиб яшаймиз ва афсусланиб вафот этамиз.

* * *

Баъзан душман ҳам яхши маслаҳат бериб қолиши мумкин.

* * *

Бесавод киши нодон бўлса ёмон, агар илмли киши нодон бўлса — ўта ёмон.

* * *

Бир кишининг ўзида буюклик ва эзгулик жуда ҳам кам учрайди.

* * *

Биргина булут ҳам қуёш юзини тўсиши мумкин.

* * *

Бутун ҳаётинг давомида бахтли бўлишни истасанг ҳалол бўл.

* * *

Гапга чечанликдан қалқондай фойдаланиш зарур, бошқаларни яралайдиган қиличдек эмас.

* * *

Дўстларсиз яшаш мумкин, лекин қўшниларсиз яшаб бўлмайди.

* * *

Ёмон киши билан дўст бўлиш унинг нафратидан ҳам хавфли.

* * *

Жиноятчиларнинг кўплиги жиноятни оқламайди.

* * *

Илм яхши кишиларни яна ҳам яхши, ёмон кишиларни яна ҳам ёмон қилади.

* * *

Ким озгина билса, озгина билганини тез-тез такрорлайди.

* * *

Кўпинча яхши сузувчилар чўкишади.

* * *

Кўрга кўзгу тортиқ қилсанг раҳмат айтмайди.

* * *

Мақол — кам сўз билан ифодаланадиган катта мазмун.

* * *

Мени баҳода алда, лекин молда эмас.

* * *

Нодонлар устидан доимо кулиш нодон бўлиб қолишнинг энг аниқ йўли.

* * *

Охирги бахтсизлик ҳаммасидан ҳам оғир.

* * *

Очкўзлик бой кишиларни яратганига қараганда, бойлик очкўз кишиларни кўп яратган.

* * *

Пул пулни туғади.

* * *

Пушаймонлик хеч качон эрта келмайди, чунки унинг качон анча кеч бўлишлигини билиш кобилияти хеч кимга берилган эмас.

* * *

Табибни ўзининг меросхўри килиб колдирадиган касалнинг совайиши амри махол.

* * *

Тез келган шухрат тез сўнади.

* * *

Узокда туриб хурадиган ит хеч качон тишламайди.

* * *

Учрашган пайтингда сендан кўркадиган киши, йўк пайтингда сендан нафратланади.

* * *

Хушомад хеч канча турмайди, лекин кўпчилик унинг учун жуда киммат тўлашади.

* * *

Чиройли калпок хар доим хам хурматга лойик бошга кийилавермайди.

* * *

Эринчокнинг тили тинмайди.

* * *

Ўз вактида кокилган йикилмаслиги мумкин.

* * *

Ўз калбини инъом килган киши хеч качон бойлик инъом килишдан кайтмайди.

* * *

Кайнона качонлардир келин бўлганлигини эслолмайди.

* * *

Хаётда омади чопган киши хеч качон ўзини англай олмайди.

* * *

Хар кандай шухрат хавфли, яхшиси хасад уйготади, ёмони — нафрат.

* * *

Хакикатга ўхшамаган хакикатни гапиришдан саклан.

* * *

Хеч качон кўзингни бировнинг кўли билан укалама.

* * *

Хеч нарса тўгрисида сўрамайдиган киши хеч нарсани ўрганмайди.

Тацит

(Тацит Публий Корнелий, тахм. 56—117 йилларда яшаган Рим тарихчиси)

Бехисоб бойликларни кутиш кашшоклашишнинг сабабларидан биридир.

* * *

Ёмон хулклар яхши конунларнинг яратилишига сабабчи бўлишади.

* * *

Дори касалликка караганда секинрок таъсир килади.

* * *

Жиноят тўсатдан килинади, яхши иш узок вактда.

* * *

Инсоннинг табиати ўзи шунака, бирдан бирон-бир амалга кўтарилган

кишини маъқуллашмайди, якиндагина ўз тенги бўлган кишидан кўпроқ камтарликни талаб қилишади.

* * *

Истаган нарсангни ўйлаш, ўйлаган нарсангни айтиш мумкин бўлган вақт энг бахтли даврдир.

* * *

Йироқлик ёқимлиликни оширади.

* * *

Кишилар табиат томонидан шундай яратилганки, улар хавфсиз жойда туриб бошқаларга таҳдид солаётган хатарни кузатишни яхши кўришади.

* * *

Кўпинча кам ғам чекаётган кишигина ғам чекаётганини намойиш қилади.

* * *

Машқ орқали маҳорат пайдо бўлади.

* * *

Миш-миш ёлғонни ҳам, ростни ҳам доим ошириб юборади.

* * *

Миш-мишлар ҳамма вақт ҳам янглиш бўлавермайди.

* * *

Мулойимлик аёлнинг ҳақ бўлиши учун энг яхши восита.

* * *

Номаълум нарсалар буюк бўлиб кўринади.

* * *

Оилавий ишларни бир маромда намунали олиб боришни таъминлаш, кўпинча, бутун бир ўлкани бошқаришдан енгил эмас

* * *

Секин, шунинг учун ҳам тўғри.

* * *

Сотқинлардан, ҳатто, уларнинг хизматидан фойдаланаётганлар ҳам жирканишади.

* * *

Фақат нодонлар ўзбошимчаликни озодлик деб тушунишади.

* * *

Тобе кишилар учун бошликларининг низоси ҳам, якдиллиги ҳам бирдай хавфли.

* * *

Тухматга эътибор қилма, шунда у ўзидан-ўзи сўнади.

* * *

Урушни қўрқоқлар ҳам бошлай билади, лекин унинг хавфи билан фақат жасурлар курашишади.

* * *

Шошилиш қўркувга якин.

* * *

Эсдан чиқариш кишилар эркига боғлиқ эмас.

* * *

Яхши ахлоқ яхши қонунлардан кучли бўлади.

* * *

Ўлим тўғрисида фақат ундан қўркадиган кўп гапиради.

* * *

Ўтмиш билан завқланиш мумкин, лекин замонага эргашмоқ лозим.

* * *

Қадимги деб қадрланадиган ҳамма нарса бир вақтлар янги бўлган.

* * *

Ғалаён ва тартибсизликлар даврида киши қанча ёмон бўлса, устунликка эришиши шунча осон бўлади, тинчлик кунлари эса ҳукмронлик қилишни фақат ҳалол ва виждонли кишилар эплай олишади.

* * *

Ғолиблардан ҳеч ким тушунтиришни талаб қилмайди.

* * *

Ҳар қандай тасодифда бировни айблаш оммага хосдир.

* * *

Ҳар қандай урушда муваффақиятни ҳар ким ўзиники ҳисоблайди, мағлубият учун айбни эса бошқага тўнкайди.

* * *

Ҳукмдорлар ўтиб кетишади, давлат эса абадий.

* * *

Ҳукмдорлар ҳар доим ўзининг ўрнига бўлиши мумкин бўлган кишисидан шубҳаланиб, унга ёмон кўз билан қарашади.

* * *

Ҳукмронлик истаги ҳамма истаклардан устун туради.

* * *

Ҳақорат қилган кишисидан нафратланиш инсон қалбига хосдир.

Теодор Рузвельт

(1858 – 1919 йилларда яшаган Америка давлат арбоби, АҚШнинг 1901 – 1909 йиллардаги 26-президенти)

Бизнесменлар ортиқча фойдасининг бир қисмини хайрия қилганидан ўз ишини ҳалол бажарганлари яхши.

* * *

Бизни бойликларимиз эмас, улардан қандай фойдаланишимиз буюк миллат қилади.

* * *

Инсон характерида шижоатдан ҳам мухимроқ қирра бўлмайди.

* * *

Йўқотишнинг имконияти бўлмаган ёмонликни бартараф қилишга ҳаракат қилманг, акс ҳолда ёмонликни йўқотиб ҳам билмайсиз, обрўйингизни ҳам тўкасиз.

* * *

Кишини одобли тарбияламай, уни заковатли қилиб тарбиялаш — жамият учун бир хавф туғдиришдир.

* * *

Муваффақиятга эришишнинг асосий формуласи — кишилар билан муомала қилишни билиш.

* * *

Овозингни кўтарма, лекин катта тўқмоғингни тайёр ҳолда тут, шунда сен узоққа борасан.

* * *

Сиёсатда бажариш лозим бўлмаган нарсаларни ҳам бажаришга тўғри келади.

* * *

Суюқ ақл тошбағирдан ҳам баттар.

* * *

Бесавод киши юк вагонини шиппшийдам қилиши мумкин, университетни битказган эса, бутун бир темир йўлни ўмариши мумкин.

* * *

Ҳеч ким қонундан юқори эмас ва ҳеч ким қонундан паст ҳам эмас.

* * *

Ҳеч нима қилмайдиган кишигина янглишмайди. Янглишишдан қўркманг, уни такрорлашдан қўркинг.

Томас Жефферсон

(1743—1826 йилларда яшаган Америка сиёсий арбоби, АҚШ нинг 1801—1809 йиллардаги 3-президенти)

Агар Тангрининг адолатли эканлиги ёдимга тушса, ватаним тақдири учун қўрққанимдан мени титроқ босади.

* * *

Агар халқ ҳукуматдан қўркса, бу золимона ҳукмронлик, агар ҳукумат халқдан қўркса, бу озодлик.

* * *

Бизнинг ҳаёт тарзимиз панд-насиҳат бўлиши лозим, сўзларимиз эмас.

* * *

Бошқариш санъати тўлалигича ҳалол бўлиш санъатидан иборат.

* * *

Газеталардан топиш мумкин бўлган ягона ҳаққоний маълумот, бу реклама эълонларидир.

* * *

Мардга қараганда қўрқоқ кўпроқ бахсга киришади.

* * *

Машҳур бўлишдан инсон бўлиш муҳимдир.

* * *

Мен кишиларнинг ҳалоллиги уларнинг бойликлари кўпайган сайин ўсганлигини сезмадим.

* * *

Мен омадга ишонаман. Қанча кўп ишласам, шунча омадим чопишини сездим.

* * *

Сусткашлик хато қилишдан афзал.

* * *

Хушмуомалалик — яхши кайфият яратиш санъатидир.

* * *

Қонунлар оддий кишилар учун ёзилади, шунинг учун улар оддий, тўғри фикрга асосланган бўлиши зарур.

* * *

Ҳаётимнинг энг бахтли онлари — бу, менинг уйда, оилам даврасида ўтказган вақтларимдир.

* * *

Ҳақиқатдан қўрқмаган киши ёлғондан ҳам қўркмайди.

* * *

Ҳеч нарса ўқимайдиган киши газетадан бошқа ҳеч нарса ўқимайдиган кишидан маълумотлироқдир.

* * *

Ҳукуматнинг бутун фаолияти ҳалол бўлиш санъатига йўналтирилиши лозим.

Томас Карлейль

(1795—1881 йилларда яшаб ижод қилган инглиз ёзувчиси ва файласуфи)

Агар киши ўзининг имкониятини билса, у ҳамма нарсани билади

* * *

Агар кишини бирон-бир ножўя ишдан сақламоқчи бўлсангиз, унинг билан шу тўғрида суҳбатлашинг, киши бирор иш тўғрисида қанча гапирса, истаги шунча пасаяди.

* * *

Барча қашшоқлар шуни билиб олишлари керакки: қашшоқ бўлиш нодонликдир.

* * *

Бизнинг давримизнинг ҳакиқий университети — китоб тўплашдир.

* * *

Дунё тарихи — бу буюк кишилар таржимаи ҳолидир.

* * *

Инсон қўрқувни қанча енгса, у шунча кучли.

* * *

Киши меҳнат ёрдамидагина камол топади.

* * *

Китоб — киши қалбининг соф мазмунидир.

* * *

Оломоннинг нима қилажагини ҳеч ким билмайди, ҳатто унинг ўзи ҳам.

* * *

Рақамлар билан истаган нарсани исботласа бўлади.

* * *

Сукунат доим ўзи билан бирга абадийликнинг заррасини ҳам олиб келади.

* * *

Сўзнинг қули бўлма.

* * *

Табиат кўзбўямачиликни кечирмайди.

* * *

Тажриба — ўз дарси учун жуда қиммат ҳақ олувчи ўқитувчи, лекин ҳеч ким ундан яхши ўқита ҳам билмайди.

* * *

Энг катта айб — ўз айбини тан олмасликдир.

* * *

Энг катта ишончсизлик — кишининг ўзига ишончсизлигидир.

* * *

Ҳар бир одам бир тарих ва у бошқа ҳеч бирига ўхшамаган тарих.

* * *

Ҳаёт — икки чексизлик орасидаги вақт учкуни.

Тургенев И.С.

(Иван Сергеевич Тургенев, 1818—1883 йилларда яшаб ижод қилган рус ёзувчиси)

Бахт ҳам худди саломатликдай, уни ҳис қилмасанг, демак, у бор.

* * *

Бизнинг камчиликларимиз яхши томонларимиз ошган сайин ошади, уларнинг бирини кўпориб ташлаб, иккинчисини қолдириб бўлмайди.

* * *

Вақт баъзан қушдай тез учади, баъзан чувалчангдай судралади: лекин унинг тез ёки секин ўтишини пайқамаслик, инсон учун айниқса яхшидир.

* * *

Истисно фақат қоиданинг мавжудлигини тасдиқлайди.

* * *

Кўрсатма бўйича қилинадиган яхшилик яхшилик эмас.

* * *

Мусиқа — бу чиройли товушлар мужассамлашган ақл.

* * *

Худолар томонидан кишиларга берилган охирги ва олий инъом — меъёрни ҳис қилиш деб, қадимги юнонлар бекорга айтишмаган.

* * *

Худбинларнинг уч тури бор: ўзи ҳам яшайдиган, бошқаларнинг яшашига ҳам халақит бермайдиганлари, ўзи яшаб бошқаларнинг яшашига халақит берадиганлари, ўзи ҳам яшамайдиган, бошқаларни ҳам яшашига йўл қўймайдиганлари.

* * *

«Эртага» сўзи шижоатсиз кишилар ва болалар учун ўйлаб топилган сўздир.

* * *

Ўзи нима исташини билмайдиган киши ёки тушунилишга арзимайдиган кишигина бошқалар томонидан тушунилмайди.

* * *

Ҳар қандай ибодатимиз қуйидагига ўхшайди: «Эй Тангрим шундай қилгинки, икки карра икки — тўрт бўлмасин».

* * *

Ҳар қандай фикр хамирга ўхшайди, агар яхшилаб қора олсанг — ундан ҳар нарса тайёрласа бўлади.

* * *

Ҳозиргина қилинган нодонлигингни англашдан ҳам мушкулроқ нарса йўқ.

Вильям Шекспир

(1564—1616 йилларда яшаган инглиз шоири ва драматурги)

Агар ён берилаётганини сезса, ғам кучлироқ босади.

* * *

Аёлларни кўпинча гўзаллиги кеккайишга мажбур қилади.

* * *

Азоб аралашмаган тўла бахт бўлмайди.

* * *

Ақл ва иштиёқ баҳсининг ҳар ўнтасидан тўққизтасида иштиёқнинг устун келиши аниқ.

* * *

Ақлингга қулоқ сол, қаҳрингга эмас.

* * *

Ақлингни йиғ: шошган кишиларнинг йиқилиш хавфи бор.

* * *

Баланд овозни софдиллик ва кучнинг белгиси деб ҳисоблаш нотўғри.

* * *

Балик сувда — инсон ерда килганидай иш тутади — катталари майдаларини йўқотишади.

* * *

Барча мактанчокларнинг кисмати бир: эртами, кечми бир куни нокулай аҳволга тушишади.

* * *

Бахтни тутиш учун югуришни хам билиш зарур.

* * *

Бидъатчи — гулханда ёнаётган эмас, гулханни ёкаётган.

* * *

Биз ўзимизнинг ким эканлигимизни биламиз, лекин ким бўлишимизни билмаймиз.

* * *

Бизга ёкадиган меҳнат ғамни даволайди.

* * *

Бировдаги қандайдир сифатни баҳолаш учун ўзингда хам салгина шу сифатдан бўлиши зарур.

* * *

Бировларни айблашдан ўзингизни тийинг, чунки хаммамизнинг хам ўзимизга лойиқ айбимиз бор.

* * *

Бирор нарсага эга бўлмокчимисан? Уни қилич билан эмас, табассум билан эгаллаш осон.

* * *

Босиб кетилган бечора хашарот хам, худди ўлаётган баҳайбат жонзотдай азобланади.

* * *

Бошқаришни билмаганлар итоат килаверсинлар.

* * *

Бутун дунё, бу — сахна, ундаги аёллар ва эркаклар актёрлардир.

* * *

Буюк кишилар кўпинча ярамаслар томонидан ўлдирилган.

* * *

Буюклар ўтганидан кейин майдалар буюк бўлиб колишади.

* * *

Дам олиш, бу — сукут сақлаш.

* * *

Дўстлик иплари заифлашса, тантанали хушмуомалалик кучаяди.

* * *

Жимлигинг учун танбех беришаверсин, гапирувчанлигинг учун сўкишмаса бас.

* * *

Инсонга караганда мода кўпрок кийимни эскиртиради.

* * *

Ирода етишмаган кишига — ақл етишмайди.

* * *

Истак — фикрнинг отасидир.

* * *

Иштиёқ канча кучли бўлса, унинг охири шунча қайғули бўлади.

* * *

Йўқотиш хакида ва айниқса кайтмайдиган йўқотиш тўғрисида ғам чекиш фойдасиз.

* * *

Кам гапирадиган кишилар яхши кишилардир.

* * *

Катта ғам кичигини даволайди.

* * *

Кишилар бошқалардан ақлироғига эмас, бошқалардан баландроқ гапираётганларга қулоқ тутишади.

* * *

Кулфат чидамаганга кучини кўпроқ кўрсатади.

* * *

Кўпчилик кишиларнинг одобсизлигини, унинг тили фош қилиб беради.

* * *

Майда ёмғир узоқ ёғади, жала эса — қиска.

* * *

Мақсадга етишишни истасанг — адашган йўлинг тўғрисида мулойимроқ сўра.

* * *

Мен аёлман. Мен ўйлаган пайтимда гапиришим лозим.

* * *

Мен фақат яхши киши бўлишим учунгина шафқатсиз бўлишим лозим.

* * *

Мукаррар бўладигандан қўркиб йиғлаш — болаларга хосдир.

* * *

Нодон ўзини доно деб ўйлайди, доно эса ўзининг нодонлигини билади.

* * *

Нодонларнинг бемаънилиги доимо ақлнинг чарх тоши бўлиб хизмат қилади.

* * *

Обрўсизланмаган қалбни қўркитиш қийин.

* * *

Паст туйғуларнинг ҳам энг пасти — қўркув.

* * *

Саломатлик — олтиндан қиммат.

* * *

Совға қилган кишининг ярамаслиги маълум бўлиб қолса, кимматбаҳо совға ҳам арзимас бўлиб қолади.

* * *

Сўз оз бўлган ерда у салмоққа эга бўлади.

* * *

Сўзламайдиган бриллиант аёлнинг ақлига ҳар қандай сўзамолликдан ҳам кучлироқ таъсир кўрсатади.

* * *

Тажриба фақат фаолият ёрдамида қўлга киритилади, вақт ёрдамида эса мукаммаллашади.

* * *

Ташвиш аралашмаган соф бахт бўлмайди.

* * *

Ташқи гўзаллик ички сини қопласа яна ҳам қимматли бўлар эди.

* * *

Улуғ зотларнинг ҳазили доимо кулгили бўлади.

* * *

Уят, хақиқатан ҳам, ҳаммамизни кўркоқ қилади.

* * *

Фақат ўзи учун яшаш — бу суиистеъмоллик.

* * *

Чақирилмаган меҳмон кетса қувонишади.

* * *

Чириган олмалар орасидан танлаш чекланган.

* * *

Шубҳа жиноятқор қалбда доим яшайди, ўғрига ҳар бир бута айғоқчидай туюлади.

* * *

Эҳтиёткорлик — довюракликнинг яхши хислатларидан бири.

* * *

Яра билан ярадор бўлмаган ҳазиллашади.

* * *

Ярамасга яхшилик ҳам, донишмандлик ҳам ярамас туюлади: ифлосга фақат ифлос ёқади.

* * *

Яхши нарса ҳам йўқ, ёмон нарса ҳам, лекин уни ҳам, буни ҳам фикр яратади.

* * *

Яхши ўйлашимиз эмас, ишни бажаришимиз зарур.

* * *

Ўз фарзандини билган ота донишманддир.

* * *

Ҳақиқий дўстгина ўз дўстининг камчиликларига чидайди.

Уинстон Черчилль

(Уинстон Леонард Спенсер Черчилль, 1874—1965 йилларда яшаган Англия давлат арбоби, Буюк Британиянинг 1940—1945, 1951—1955 йиллардаги Бош министри)

Агар сизнинг кўнгил қолиш қобилиятингиз сақланган бўлса, демак, сиз ҳали ёшсиз.

* * *

Баъзилар тадбиркорда ўлдирилиши лозим бўлган бўрини кўришади, бошқа бировлар — доим соғса бўладиган сигирни, фақат кимлардир тадбиркорда аравани тортаётган отни кўришади.

* * *

Буюкликнинг баҳоси — масъулиятлилик.

* * *

Демократия — бу қолган барчасини ҳисобламаганда бошқаришнинг энг ёмон туридир.

* * *

Дипломат — бу, ҳеч нима демасидан олдин икки марта ўйланадиган киши.

* * *

Мактаб директорлари шундай ҳукмронликка эгаларки, у бош министрларнинг ҳатто тушига ҳам кирмайди.

* * *

Пессимист хар кандай имкониятда кийинчиликларни кўради, оптимист хар кандай кийинчиликдан чиқиш имкониятини кўради.

* * *

Саводсизни бахсда енгиб бўлмайди.

* * *

Сенга отиб тегиза олмаганларини кўришдан ортиқ хаётда кишини рухлантирадиган нарса йўқ

* * *

Сиёсатдаги энг кўп тарқалган хатоликлар сабаби – юқори мансабдаги раҳбарга маълумотларни у эшитишни истаган тарзида етказилишидадир. Шундай қилиб воқеалар ривожланиши унинг қарорига боғлиқ бўлган раҳбарда ахвол ҳақиқатдагисидан яхши деган фикр туғилади.

* * *

Сиёсий талант эртага, кейинги хафтада, бир ойдан кейин, бир йилдан кейин содир бўлиши мумкин бўлган воқеаларни башорат қилишдан, кейин эса бу воқеалар нима учун содир бўлмаганини тушунтира олишдан иборат.

* * *

Яхши солиқлар бўлмайди

* * *

Ҳамманинг фикрига қўшилаверадиганнинг фикрига хеч ким қўшилмайди.

* * *

Хисоботнинг хаддан ташқари қалинлиги уни ўқилиш хавфидан сақлайди.

Умар Хайём

(Ғиёсиддин Абулфатҳ Умар ибн Иброҳим Хайём Нишопурий, 1048 – 1131 йилларда яшаб ижод қилган шоир ва олим, математик, файласуф, астроном ва табиб)

Ахил бўлса олов ичра хам инсон,
Ахил кишиларга олов хам осон.

* * *

Бир кун келар экан қўлингдан эинхор,
Азизлар хотирин шод эт, эй дилдор.
Нокасдан сир беркит, тилингни боғла,
Аблахдан яширин бўлмоққа чорла.

* * *

Бир сўнгакка сордек каноат қилгон,
Афзалдур нокаса бўлгандан меҳмон.
Нокаснинг шиннилик нонидан яхши,
Ўзинг топиб еган бурда арпа нон.

* * *

Дил унинг дардига тўлса яхшидур,
Бош йўлин тупроғи бўлса яхшидур,
Ғам тиғин дўст отса, унга ранжима,
Хар нарса дўстингдан келса яхшидур.

* * *

Дўстлар иноқликда бўлингиз обод,
Тез-тез дийдор кўриб, этинг дилни шод.
Соқий тоза майни сузганда айланг –
Мен бечорани хам дуо бирла ёд.

* * *

Кимнингки, бор эса бир бурда нони,
Ўзига яраша уй — ошиёни.
На биров унга кул, на у бировга,
Айт, шод яшайверсин хушдир замони.

* * *

Оғрикдан шикоят килма — энг яхши даво шу.

* * *

Хушвакт бўл, ғуссанинг чеки йўк бир он,
Бу чарх юлдузларга солади кирон.
Сенинг тупроғингдан ясалган ғиштлар,
Бўлар ўзгаларга манзилу макон.

* * *

Кийинчилик чекиб, одам хур бўлур,
Садафда камалиб катра дур бўлур.

* * *

Кимдаки аклдан бирон сатр бор,
Умрин бир лахзасин ўтказмас бекор.

* * *

Бир нон топиб, агар есанг икки кун,
Синик кўзанг бўлса сув ичмок учун,
Ўзингдан пастларга ёлланмок нечун,
Ўзингдек хизматин килмоклик нечун.

* * *

Бир ғариб кўнглини кила олсанг шод,
Яхшидур ер юзин килгандан обод.
Лутфинг-ла бир дилни кул кила олсанг,
Афзалдир юз кулни килмокдан озод.

* * *

Дилим илмлардан махрум бўлмабди,
Бир сир колмадики, мавхум бўлмабди.
Туну кун ўйладим — етмиш икки йил,
Англадим — хеч нарса маълум бўлмабди.

* * *

Жахон сири бўлсин дил дафтарида,
Очсанг бошга бало эл назарида.
Дилдаги хар гапни айтиб бўлмайди,
Сен бу нодонлардан турғил нарида.

* * *

Умрингдан нафас хам ўтса, эй инсон,
Кўлдан чикармагил, бўлмайин шодон,
Кандок ўтказурсан, шундок ўтар умр,
Хушёр бўл, шундака аслида жахон.

* * *

Шод бўлмок истасанг элдан тама уз.

* * *

Хар сирни дилида сакласа доно,
У яширин бўлсин мисоли анко.
Садафнинг ичида катра дур бўлур,
Сир килиб калбида яширгач дарё.

* * *

Хаётга кўп шогирд бўлдигу хануз,
Дунёнинг ишига устод эмасмиз.

* * *

Тўғри келган одам билан бирга бўлгандан ёлғиз бўлган афзал.

Фаридиддин Аттор

(1148 – 1219 йилларда яшаб ижод қилган форс тожик адабиётининг мумтоз вакили)

Агар ўтирсанг доимо бекор,
Ишинг чиройли бўлмоғи душвор.

* * *

Дилинг ҳеч бўлмасин ғализу ғамнок,
Кинадан синангни пок тут, доим пок!

* * *

Доимо бўлғум десанг соғу омон,
Яхшилик кўрсин сендан бутун жаҳон.

* * *

Икки кишидан сир бекитма зинҳор,
Бири яхши табиб, бири — содиқ ёр.

* * *

Кексаларни этсанг азизу ҳурмат,
Сени ҳам кексайгач, этишар иззат.

* * *

Ким агар дўстлар билан якдил бўлур,
Барча максуди анинг ҳосил бўлур.

* * *

Ким каззоб бўлсаю сўзлари ёлғон,
Дўстлигу вафода бўлмас нурафшон.

* * *

Кимки душмандан қилмади ҳазар,
Оқибат ундан кўради зарар.

* * *

Кичик дардга тез айла ғамхорлик,
Ожиз этмасин тағин беморлик.

* * *

Оёғингга кишан тушмасдан дарҳол,
Тилинг эт ўзгалар ғийбатидан лол.

* * *

Қувватим борида фойдам билмадим,
Тушунган вақтимда кучим бўлмади.

* * *

Ҳар кимки дилозордир,
Ҳаёти оху зордир.

* * *

Бўшамаса тили ғийбатдан,
Бўшамайди дил укубатдин.

* * *

Доимо бўлғум десанг соғу омон,
Яхшилик кўрсин сендан бутун жаҳон.

* * *

Дўстлар даврасида қувнок бўл, қувнок,
Душманлигин билсанг, узоқ бўл, узоқ!

* * *

Илм агар оз бўлса ҳам ҳеч этма хор,
Оз илмнинг ҳам буюк қиммати бор.

* * *

Керак бўлса обрў оламда,
Яхши ахлоқ бўлсин одамда

* * *

Ким биров дилини ситамла тилди,
У ўз вужудини ярадор қилди.

* * *

Кимда бўлса ақлу илм ҳам тамиз,
Ақлу дониш аҳлин тутади азиз.

* * *

Кимки кеккаяр манманлик билан,
Дўстлари охир бўлишар душман.

* * *

Мунофиққа ҳамроҳ бўлса ҳар инсон,
Охирида жойи бўлади зиндон.

* * *

Қаердаким офтоб чиқар нурафшон,
Ул жойдан кетади соя ўшал он.

* * *

Ғамгин қаро кунда ким сенга ёр,
Шодлик кунингда ҳам унутма зинҳор.

* * *

Ҳар кимки покназардир,
Жаҳонда мўътабардир.

Фейербах

(Людвиг Фейербах, 1804 – 1872 йилларда яшаган немис файласуфи)

Ахлоқлилик кишининг ҳақиқий, мутлақо соғлом табиатидан бошқа нарса эмас.

* * *

Ақли йўқ кишинигина бошкалар алдашади, эс-хушини олишади, ундан фойдаланишади. Фикрловчи кишигина эркин ва мустақил.

* * *

Бахтли бўлиш учун шароит яратилмаган жойда, яхшилик қилиш учун ҳам шароит етишмайди.

* * *

Дунё фақат ожиз кишига — ожиз, эътиборсиз кишига — эътиборсиз.

* * *

Дунё ғамгин одамлар учунгина ғамгин, бамаъни одамлар учун бамаъни.

* * *

Инсонни тушуниш учун уни яхши кўриш керак.

* * *

Истак бу — йўқ нарсага эҳтиёжнинг борлиги.

* * *

Истак тугаган ерда, ҳаёт ҳам тугайди.

* * *

Киши ўз кучига ишонганидагина бирор нимага эришади.

* * *

Реализм бизни эзгу ниятларимизга етишишимиз учун интилишимизда янглишишлардан асрайди.

* * *

Энг оддий ҳақиқатга инсон ҳаммасидан кейин эришади.

* * *

Яхшилик — кишиларнинг худбинлигига қарши жавоб беришдан бошқа нарса эмас.

* * *

Қобилиятни намойиш қилишнинг имконияти бўлмаган ерда қобилиятнинг ўзи ҳам бўлмайди.

* * *

Ғийбат қилиш осон, шу сабабли ҳам кўпчилик у билан шуғулланишади, асосли мақташ қийин, шу сабабли ҳам камчилик одамлар бунга жазм қилишади.

Филдинг

(Генри Филдинг, 1707 – 1754 йилларда яшаб ижод қилган инглиз ёзувчиси, маърифатпарвари)

Адолатли ва фикрловчи киши ўз қарорини билдиришга ҳеч қачон шошмайди.

* * *

Ахдида турмайдиган дўст — энг хавфли дўст.

* * *

Бадавлатлар бўлмаган ерда қашшоқлар ҳам бўлмайди, ҳеч ким ҳаддан зиёдга эга бўлмаган ерда мухтожлар ҳам бўлмайди.

* * *

Баъзилар томонидан қилинадиган туҳмат бошқалар томонидан қилинадиган мақташга қараганда, гоҳида яхши тавсия ўрнини босиши мумкин.

* * *

Бизни йўқ сифатларимиз билан мақташ бизга доим ёқади.

* * *

Бугунги нуксон эртага яхши фазилат бўлиб ҳисобланиши мумкин.

* * *

Буюк қувонч худди буюк қайғудай товушсиз бўлади.

* * *

Давлат қонунлари билан бир каторда қонун ижодкорлари томонидан чиқарилмайдиган виждон қонунлари ҳам бўлади.

* * *

Ёмон китоблар худди ёмон дўстларга ўхшаб кишини бузади.

* * *

Жиноят эвазига олинган хар қандай фойда қалб ороминнинг тинчлиги ўрнини боса олмайди

* * *

Жуда ҳам айёр кишилар баъзида бошқаларни аслидан анча ақллироқ, аниқроғи айёрроқ деб ҳисоблаб, кўпинча янглишадилар.

* * *

Йўқ сифатлар билан кишини мақташ унга жуда ҳам ёқади. Нодонга жуда ҳам акллисан деб, фирибгарга дунёдаги энг ҳалол кишисан деб айтиб кўринг, улар сизни бағрига босишади.

* * *

Кишиларнинг барча режалари пул билан бошланиб, пул билан якунланади.

* * *

Кишиларнинг у ёки бу вазиятлардаги қиладиган ҳаракатини уларнинг характерига қараб башорат қила билиш уларнинг характерини қилган ҳаракатларига қараб баҳолашдан анча фойдалироқдир.

* * *

Сизга нафрат билан қарайдиган кишини ҳурмат қилиш инсон табиатига хос эмас.

Фирдавсий

(Абулқосим Тусий, 934—1030 йилларда яшаб ижод қилган форс-тожик шоири ва мутафаккири)

Агар кимнинг тили сўзласа юмшоқ,
Қўпол сўзни асло эшитмас қулоқ.

* * *

Бадномликдан сақла ўзингни мудом,
Дунёда тилакка етолмас бадном.

* * *

Билимдан лоф урмоқ асли нодонлик,
Нодонлигинг билсанг — шу билимдонлик.

* * *

Бировга соғинса ҳар ким ёмонлик,
Ниҳоят ул ўзи топмас омонлик.

* * *

Бизлар бир ўткинчи, жаҳон баркарор,
Одамдан фақат сўз қолур ёдигор.

* * *

Гапирмаган гапинг ичингда нихон,
Ҳар томон ёйилар айтганинг замон.

* * *

Дардини табибдан бекитган инсон,
Кўзидан ёш эмас, охир оқар қон.

* * *

Дуч келса қайтариб бўлмаслик бало,
Юзма-юз тур, орқанг кўрсатма асло.

* * *

Еримиз, сувимиз, фарзандимиз деб,
Хотин, бола-чақа, дилбандимиз деб,
Бирма-бир жонимиз этамиз фидо,
Ватанни душманга бермаймиз асло!

* * *

Жаҳон бошдан-оёқ хикмат-ку хикмат,
Нечун ғафлат бўлибдир бизга қисмат.

* * *

Икки дўст тураркан елкама-елка,
Тоғларни ҳам осон айлайди тилка.

* * *

Кимки тиғ кўтарса биров жонига,
Замон ташна бўлур унинг қонига.

* * *

Кимки ўз нафсига бўлибди банда,
Ҳеч кимсадан олкиш олмас жаҳонда.

* * *

Кимнинг иши бўлса ақлга пайванд,
Тақдир юлдузидан нолимас харчанд.

* * *

Кўз кўрмаган, қулоқ тиймаганни то,
Одам илм билан қилади барпо.

* * *

Меҳнат тагидадир, эй ақл, ҳар ганж,
Ганж топмас ҳеч кимса тортмас эса ранж.

* * *

Панду насиҳатдан ким ўгирди юз,
Заҳмати минг бўлур, пушаймони юз.

* * *

Сулҳ, жангдан яхшироқ эрур бегумон,
Хушёр бўл, кетмасин қўлдан молу жон.

* * *

Тажрибали ит барсни тутиб ер,
Қочар тулкидан жанг кўрмаган шер.

* * *

Тўғриликдан келмиш ҳамма яхши от,
Эгриликдан фойда кўрмади бир зот.

* * *

Хушёр, мард кишига бўлмас жаҳон танг,
Тулки овозидан ҳайиқмас паланг.

* * *

Ширин сўзли бўл, эй сен билимдон,
Тилинг совуқ сўз-ла бўлғатма осон.

* * *

Элчи ботир, полвон бўлмоғи лозим,
Дадил сўз, билимдон бўлмоғи лозим.

* * *

Ўзининг айбини билганда одам,
Бошкалар айбини сўзламасди хам.

* * *

Қачонки ақлдан калла холидир,
Яхши бўлмас тили хам ёвдирса дур.

* * *

Ҳаётда қайралиб, эзилган киши,
Устодликка лойиқ: билим хар иши.

* * *

Хунар бирла ақлинг бириккан хамон,
Хар иш бу жаҳонда юришгай равон.

* * *

Ўғилни отага ўхшатар жаҳон,
Бу иш ошкор ва ёки ниҳон.
Агар ерга урса ота комини,
Кеч ундай ўғилдан, дема номини.

* * *

Ақллилар айтур: бир уйда қачон
Қўшфармондор бўлса, ишлар саргардон.

* * *

Билим билан бўлур одамда имон,
Билимдан девни хам боғламоқ осон.

* * *

Билмайсанми, кимки бузди ахд-паймон,
Даврада топмади на шавкат, на шон.

* * *

Биродар, бу дунё ҳеч кимга қолмас,
Қолур яхши номинг жаҳонда, шу бас.

* * *

Дилу жонга доим илм берди нур,
Ғафлатдан қутулмоқ илмдан бўлур.

* * *

Қийин меҳнатга кўрсатиб сабот.
Илмдан қидиргил ҳожатга нажот.

* * *

Гар биров меҳрини бўлдинг қозонмоқ,
Яхши, ёмонлигин аввал синаб бок

* * *

Димоғ чоғлик, тан сиҳатлик бўлса бас,
Шу иккиси бахту иқбол хам хавас.

* * *

Дўстликка ярамас ёлғончи одам,
Шунингдек эгри дил, нопок киши хам.

* * *

Йигитда бўлса хам ақл гавҳари,
Тажрибасиз жило бермас хунари.

* * *

Тотиб кўрмоқ керак яхши-ёмонни,
Ҳаётдаги ширин, шўру нордонни.

* * *

Жонинг душмани бўлса гар доно,
Беақл дўстдан у душман аъло.

* * *

Ким чумоли кўнглин этар экан ғаш,
Ичи қорадуру юрак бағри тош.

* * *

Кимда беҳуда сўз гар бўлса бисёр,
Ул нутқ мажлисида доим бўлур хор.

* * *

Кимки қисқа сўзда дейди кўп маъно,
Равонлик бобида ул киши аъло.

* * *

Мардлик эмас чексиз жаҳл — ҳаяжон.
Ерга йиқилганни тепкилаш осон.

* * *

Нодонликдан ёмонлик келади фақат,
Нодонга ёндашма, босади ғафлат.

* * *

Пароканда лашкар ишга ярамас,
Юзта аҳил аскар — юз мингига бас.

* * *

Сўзинг қолгусидир сендин ёдигор,
Хорлигингга сабаб айлама зинҳор

* * *

Тақдир ёмонликни кўрганда раво,
Сабоқ ол ундан, ҳам тоза ол зиё.

* * *

Фақат ёмонликдир нодондан асар,
Билимсизлар томон ташлама назар.

* * *

Чол қадди сарвдек тик бўлса ҳам агар,
Ёш қилиғин қилса, бетамиз овсар.

* * *

Шубҳа йўқ, илмдан тирикдир инсон,
Машаққат меҳнатни енгади осон.

* * *

Экканингни ўрасан,
Кўргизганинг кўрасан.

* * *

Қайда равшан бўлса тўғрилик нури,
Эгрилик сўнади, қурийди шўри.

* * *

Қудратлидир кимки бўлса билимдон,
Билимдан кексалар дили навқирон.

* * *

Ҳар кимки душманга кўрсатур товон,
Ҳаётида ўтар қашшоқ нотавон.

* * *

Ҳамиша ақлингни раҳнамо этгил,
Нолойиқ ишлардан олисга кетгил.

* * *

Тўғриликдан ўзга йўқдир ҳунарим,
Эгрилик фикримдан жуда ҳам нари.
Жаҳонда ҳаммадан тўғрилик аъло,
Эгриликдан ёмон борми ҳеч бало.

Фитрат

(Абдурауф Абдураҳим ўғли, 1886 – 1938 йилларда яшаб ижод қилган ёзувчи, адабиётшунос, тарихчи, давлат ва жамоат арбоби)

Ақлий тарбия — одам зеҳни, ақл-идрокини камолга етказишдир.

* * *

Аҳоли ўртасидаги муносабат ва муомалаларни тартибга соладиган қонунлар лозим, токи ўртамизда

тушунмовчилик пайдо бўлиб, жамиятимиз паришон бўлмасин.

* * *

Болалар ахлоқий тарбияни мухитдан оладилар, бошқача қилиб айтганда, болалар сувга ўхшайдилар, сув идишнинг шаклини олганидек, болалар хам мухитнинг одоб ахлоқини қабул қиладилар.

* * *

Бу дунё кураш майдонидир. Бу майдоннинг куроли соғлом жисму тан, ўткир ақл ва яхши ахлоқдир.

* * *

Вакиллари исроф касаллигига йўлиққан миллат, шубҳа йўкки, нобуд бўлади. Агар дунё тарихига назар солсангиз дунёдаги қавмларнинг нобуд бўлиши сабабларидан бири шу исрофгарчиликдир.

* * *

Ватан менинг жону таним, саждагохимдур.

* * *

Диёнат ва номус бир оиланинг саодати ва интизоми учунгина эмас, балки бир мамлакатнинг саодати ва барқарорлиги учун хам зарур ва лозимдир.

* * *

Дунё саодатининг рахбари ақлдир.

* * *

Ишнинг кулайини ахтармак ялковликдир, қулай ишдан буюк унум чикмас. Буюк унумли ишлар кулай бўлмас.

* * *

Мухтож бўлмаганга садақа бериш исроф хисобланади.

* * *

Тарбия уч кисмдан иборат: бадан тарбияси, аклий тарбия, ахлок тарбияси.

* * *

Тафаккур этмаслик ва мухокама қила билмаслик диний, ижтимоий ва шахсий ҳаётимизга жуда кўп зарарлар келтиради.

* * *

Ҳар бир жамоанинг раиси ва сардори ўша жамоатнинг хизматкори деган гапдир.

* * *

Ҳикмат ақл камолотининг натижасидирки, илм оркали хосил бўлади.

Форобий

(Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлуғ Тархон Форобий, 1873—950 йилларда яшаган улуғ мутафаккир ва қомусий олим)

Агар ақл ёмонликка қаратилса, инсоний хислатлар разиллик, маккорлик, алдамчиликка олиб боради.

* * *

Бахт-саодатга эришув йўлида нимаики ёрдам берса, уни сакламоқ ва мустаҳкамламоқ, нимаики зарарли бўлса, уни фойдали нарсага айлантиришга ҳаракат килмоқ зарур.

* * *

Ёмон ишлардан ўзини эхтиёт қилиб юрганларнигина билимдон дейиш мумкин.

* * *

Зеҳнлилик — бу бир-бирига зид келиб колган турли фикрлар орасидан тўғрисини топа олиш, бирининг хатолигини кўрсатиб бера олиш, ноҳакини тўғрилаб, мунозаралардан энг ҳақ фикрни кўрсата олиш кувватидир.

* * *

Зийраклик — бу инсондаги тез фикрлилик, ўйлаган нарсасини дарров топа олиш қобилиятидир.

* * *

Максадни амалга оширишда жахд ва ғайрат мўлжалланган ишни бажаришда зўр таъсирга эгадир.

* * *

Мулохазали бўлиш — бу инсонни саодатга олиб келувчи фазилатли фикрларни, бахт-саодат учун изланган нарсаларни тиклай олиш қобилиятидир.

* * *

Мусика фани шу маънода фойдалики, кимнинг феъл атвори мувозанатини йўкотган бўлса, уни тартибга келтиради.

* * *

Тажрибасиз киши бирор ишни амалга оширмокчи бўлганда қийналади, чунки бундай ишни олдин хеч кўрмаган бўлади, баъзан инсон айрим ишларда тажрибасиз бўлиши, бошка бир ишда тажрибали бўлиши мумкин.

* * *

Таълим фақат сўз ва ўргатиш билан бўлади. Тарбия эса амалий иш, тажриба билан бўлади.

* * *

Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаши, олий даражадаги етукликка эришиши учун кўп нарсаларга мухтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди ва уларга эга бўлиши учун инсонлар жамоасига эҳтиёж сезади.

* * *

Ҳар кандай тушунча мухокаманинг натижасидир; мухокама эса тажрибанинг натижасидир, тажриба эса сезги аъзоларимизнинг фаолияти туфайли қўлга киритилади.

Франсуа де Ларошфуко

(1613—1680 йилларда яшаган француз ёзувчиси)

Агар биз ўз истагимиздан кеча олсак, бу бизнинг кучлилигимиздан эмас, истакнинг кучсизлигидан.

* * *

Агар бирор киши бизга яхшилик қилса, унинг озорига ҳам чидашимиз зарур бўлади.

* * *

Агар ўзимиз нимани исташимизни аниқ билганимизда, бизда кучли иштиёқ жуда ҳам кам пайдо бўларди.

* * *

Агар тан олишга кучинг етса, янглишиш ҳар доим кечиримли.

* * *

Агар ўзимизни ўзимиз мактаганимизда, ўзгаларнинг хушомади бизни бузмаган бўлар эди.

* * *

Айёрлик — ақлнинг нишонаси.

* * *

Айёрлик — ақлнинг узоқни кўра олмаслик белгисидир.

* * *

Алданишимизнинг аниқ усули ўзимизни бошқалардан ақллироқ ҳисоблашимиздадир.

* * *

Ақл баъзан бизга фақатгина нодонликни дадилроқ қилишга кўмаклашади.

* * *

Ақл доим қалбдан алданади.

* * *

Ақл кўпчилик аёлларга нафақат уларнинг оқиллигини мустаҳкамлаш учун, балки уларнинг ақлсизлигини оқлаш учун ҳам хизмат қилади.

* * *

Ақл қалб вазифасини бажара олмайди.

* * *

Ақлини тўла англаган киши ҳам қалбини тўла англай олмайди.

* * *

Ақлли бўлишга, ақллидай кўринишга интилиш кучли халақит беради.

* * *

Ақлли киши учун ўзига қандайдир бир фойда олмайдиган даражадаги ёмон вазият, беақл киши учун ўзига зарар келтиришга айлантира олмайдиган даражадаги яхши вазият бўлмайди.

* * *

Ақлли кишининг атрофида нодонлар кўп бўлмаганида эди, унинг қийин аҳволга тушиб қолиши муқаррар бўларди.

* * *

Ақлнинг камлиги қайсарликни туғдиради.

* * *

Бахтли бўлмай ҳам кулиш кулмай ўлиб кетгандан афзал.

* * *

Баъзи бир таъналар мақтовдай қабул қилинади, баъзи мақтовлар эса сўкишдан ҳам баттар бўлади.

* * *

Баъзи кишиларнинг камчиликлари ҳам ўзига ярашади, баъзиларнинг эса ҳатто яхши томони ҳам ўзига ярашмайди.

* * *

Бесаводлар айтиб ёздиришга мажбурлар.

* * *

Беҳасад кишилар беғараз кишиларга қараганда ҳам камроқ учрайди.

* * *

Биз камдан-кам ҳоллардагина нима исташимизни охиригача тушунамиз.

* * *

Биз кўпинча бировларнинг камчиликларини қоралаймиз, лекин улар мисолидан ўзимиздаги камчиликларни тузатишда кам фойдаланамиз.

* * *

Биз фақат маслаҳатнигина жуда сахийлик билан берамиз.

* * *

Бизга муғамбирлик қилаётган кишини ўзини биздан ақллироқ ҳисоблагани учун ҳам ёмон кўрамиз.

* * *

Бизни мақташлари учунгина ўзимизни танқид қиламиз.

* * *

Бизнинг баъзиларимиз ўлиб, бошқаларимиз ўлмаганимизда эди, ўлиш жуда ҳам аламли бўларди.

* * *

Бизнинг тавбамиз — қилган ёмон ишларимиз учун афсусланиш эмас, бу қилмишимизга яраша жазоланишдан қўркувдир.

* * *

Бир кишини билгандан, бутун инсониятни билиш осондир.

* * *

Бировга совға бераётган пайтимиздаги сахийлигимиз асосида, кўпинча, бераётган совғамиздан ҳам қимматлироқ бўлган манманлигимиз ётади.

* * *

Бировларнинг муаммосида донолигингни кўрсатиш, ўз ишингникида кўрсатишдан анча осон.

* * *

Бировни алдаган пайтимизда, камдан-кам ҳоллардагина улар ўзимизнинг бошқа бировдан алданган пайтимиздаги нодонлигимиздай нодон бўлиб кўринишади.

* * *

Бировнинг яхши маслаҳатидан фойдаланишимиз учун ҳам ўзимизга ўзимиз маслаҳат беришимизга етадиганидан кам бўлмаган ақл зарур бўлади.

* * *

Бирор марта ҳам ақлсиз иш қилмаган киши ўзи ўйлаганчалик аклли эмас.

* * *

Бошимиздан кечирадиган кувонч ва ташвишларимиз, унинг каттакичиклигига боғлиқ эмас, бизнинг хиссиётимизга боғлиқ.

* * *

Бошқа бировга қараганда айёрроқ бўлиш мумкин, лекин ҳаммадан ҳам айёр бўлиб бўлмайди.

* * *

Буюк инсон бўлиш учун тақдир инъом қилган барча нарсалардан устомонлик билан фойдаланишни билиш зарур.

* * *

Буюк фикрлар буюк хиссиётлардан пайдо бўлади.

* * *

Виқор — ақлнинг камчилигини яшириш учун тананинг ўйлаб чиқарган ҳийласи.

* * *

Гапириш, айниқса, гапирмаслик уят бўлган пайтда қийин.

* * *

Гўзаллик, ақл ва жасорат мақтов таъсирида мукаммаллашади ва шундай юқори чўккига чиқадики, агар у кўзга чалинмаганида бу даражага ҳеч қачон эришмаган бўларди.

* * *

Душман билан ярашиш, бу фақатгина курашишдан чарчаганни ва қулайроқ вазиятни эгаллаш истаги борлигини билдиради.

* * *

Душманларимизнинг биз тўғримиздаги фикри ўзимизникига қараганда ҳақиқатга яқинроқ бўлади.

* * *

Душманларимизнинг бизга қилиши мумкин бўлган энг катта ёмонлиги — бизнинг қалбимизни нафратга ўргатишидир.

* * *

Дўстларга ишонмаслик уларга алданишимиздан ҳам шармандалироқдир.

* * *

Дўстларимизнинг бизга зарари тегмайдиган камчиликларини жуда ҳам осон кечирамиз.

* * *

Инсоннинг ҳақиқий обрўлилигининг белгиси, уни ҳатто ҳасадчиларининг ҳам мақташга мажбурлигидадир.

* * *

Ишинг чатоқми? Лекин у яна ҳам баттар бўлиши мумкин эди. Агар душманинг дўстинг бўлиб колганида.

* * *

Жиддий ишларда қулай имкониятни яратишга қараганда, бундай имкониятни ўтказиб юбормасликнинг кўпроқ ташвишини қилиш зарур.

* * *

Жиннини даволаб бўлади, лекин эгри ақлни тўғрилаб бўлмайди.

* * *

Жисмоний меҳнат рухан эзилишни эсдан чиқаришга кўмаклашади.

* * *

Жуда ҳам кучли нафрат бизни нафратланадиган кишимиздан ҳам паст қилади.

* * *

Зиқналик тежамкорликдан, ҳатто исрофгарчиликка қараганда ҳам узоқ.

* * *

Иштиёқ кўп ҳолларда оқилни нодонга айлантиради, лекин ундан ҳам кўп ҳолларда нодонга ақл киргизади.

* * *

Кекса бўлиш санъатини эгаллаган кексалар дунёда жуда ҳам оз.

* * *

Кексайган сайин ақлдаги камчиликлар худди ташқи кўринишдаги камчиликлардай, кўпроқ сезила бошлайди.

* * *

Киши ўзини кўпинча эгаллаган мансабига эмас, эгалламаган мансабига кўпроқ муносиб деб ҳисоблашга мойил бўлади.

* * *

Киши ҳеч қачон ўзига туюлганидай бахтсиз ва ўзи истаганидай бахтли бўлмайди.

* * *

Кишилар нодонлик қилиш учун ўз ақлидан жуда ҳам кўп фойдаланишади.

* * *

Кишилар ўз ишларининг буюклиги тўғрисида қанча мақтанишмасин,

буюклик уларнинг тафаккури натижасида эмас, кўп холларда оддий тасодиф натижасида яратилиши мумкин.

* * *

Кишилар ўзини мактовдан четга олишса, бу уларнинг камтарлигини эмас, мактовни жозибалироқ эшитишни истаганини билдиради.

* * *

Кишилар қонун билан қоидани чалкаштирадилар.

* * *

Кишилар ҳеч қачон чексиз яхши ва чексиз ёмон бўлишмайди.

* * *

Кишининг барча орзулари барбод бўлиши унинг душманларига ҳам, дўстларига ҳам бирдай ёкимли.

* * *

Кўп холларда бизга азоб берадиганларга кўнгилчан бўламиз, лекин ҳеч қачон ўзимиз азоб бераётганларимизга кўнгилчан бўлмаймиз.

* * *

Кўпчилик кишилар яна ҳам кўпроқ мурувват кўриш пинҳона истагидангина миннатдорчилик билдиришади.

* * *

Кўрсатилган яхшилик учун жуда ҳам шошиб ҳисоблашиш, яхшиликни билмайдиганликнинг бир кўринишидир.

* * *

Майда камчиликларимизни тан олишимиз орқали, биз атрофдагиларни жиддий камчилигимиз йўклигига ишонтиришга интиламиз.

* * *

Миннатдорчилик худди савдогарларнинг ҳалоллигига ўхшайди: биз қарздор бўлиб қолмаслик учун ҳисоблашмаймиз, зарур пайтда бизга қарз берувчи кишини осонроқ топиш учун ҳисоблашамиз.

* * *

Намойишкорона оддийлик — бу иккиюзламачиликнинг бир туридир.

* * *

Нафратдан фақат унга лойиқ кишиларгина қўркишади.

* * *

Низо фақат бир томоннинг айби билан вужудга келганида, унчалик узоқ давом қилмаган бўлар эди.

* * *

Нима учун биз бошимиздан кечирганларимизни ипидан игнасигача эслаб қоламиз-у, буни неча марталаб бир кишининг ўзига айтганимизни эслай олмаймиз.

* * *

Нодон киши бизни мақтаганида бизга у унчалик ҳам нодон бўлиб туюлмайди.

* * *

Нодон кишилар орасида шундайлари ҳам топиладики, уларнинг яхшилик қилганига қараганда, яхшилик қилмагани кўпроқ фойда келтиради.

* * *

Нодон яхши бўла олмайди, бунинг учун унинг ақли етишмайди.

* * *

Нодоннинг кексаси ёшидан ҳам баттарроқ бўлади.

* * *

Ножўя иш қилган кишиларга насиҳат беришга бизнинг яхшилигимиз эмас такаббурлигимиз ундайди, биз уларни тўғри йўлга солиш учун эмас, ўзимизнинг бегуноҳлигимизни теш қилиш учунгина таъна қиламиз.

* * *

Одатда, тақдир омад тақдим қилмаган кишиларгина уни кўр ҳисоблайдилар.

* * *

Одил бўлинг, шу етарли, бошқаси ихтиёрий.

* * *

Одоб — бу жамиятнинг унчалик муҳим бўлмаган, лекин ҳамма томонидан улуғланадиган конунидир.

* * *

Оқил киши иштиёққа қаршилик кўрсатиш, унга қарши курашишдан осон эканлигини тушунади.

* * *

Сабрли бўлишга ўрганиш учун жуда ҳам кўп сабр керак.

* * *

Сотқинлик кўпинча олдиндан ўйланиб атайлаб қилинмайди, унга киши иродасининг ожизлиги сабаб бўлади.

* * *

Сухбатдошларимизга қанча кам ишонсак ҳам, бошқа сухбатдошларга караганда бизга улар кўпрок самимийрокдек туюлишади.

* * *

Умид қайда бўлса кўркув ҳам шу ерда: кўркув доим умидга тўла бўлади, умид эса кўркувга.

* * *

Фақат буюк шахслардагина буюк нуксонлар бўлади.

* * *

Фақат воқеаларнинг бир бирига тўғри келиб қолиши бизнинг кимлигимизни атрофдагиларга, энг асосийси, ўзимизга кўрсатиб беради.

* * *

Фақат ўзимизга аён бўлган айбимизни осонлик билан эсдан чиқарамиз.

* * *

Фақат эшитиш ва жавоб беришни билиш орқали яхши сухбатдош бўлиш мумкин.

* * *

Фойдадан кечиш иштиёқдан кечишдан осон.

* * *

Хушмуомалалик — бу доимо атрофдагиларнинг хушмуомала муносабатда бўлишларини исташ ва адабли деб ном чиқариш.

* * *

Цезарларни дўстлари ўлдиришади. Чунки улар душманларидир.

* * *

Яхши аёл — бу ҳеч кимнинг нигоҳи тушмаган хазина, уни топган киши ақлли бўлса, бу ҳақда ҳеч кимга мақтанмайди.

* * *

Яхши кўрган кишингдан баъзида ҳақиқатни эшитишга караганда, унинг алдовига чидаш енгилрок бўлади.

* * *

Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам юқувчан бўлади, шунинг учун

кишининг қиладиган барча яхши ишларига ҳам, ёмон ишларига ҳам таклидчилар топилади.

* * *

Ўз сиримизни ўзимиз сақлай олмаганимизда, бошқалардан сиримизни саклашни кандай талаб кила оламиз.

* * *

Ўзимиз нимани исташимизни аниқ билганимизда астойдил хоҳлаганларимиз жуда ҳам кам бўлар эди.

* * *

Ўзимизда камчиликлар бўлмаганида эди, бизнинг ўз яқинларимизга қиладиган танбеҳларимиз ўзимизга шунчалик ёқмаган бўларди.

* * *

Ўзимизни бахтли қилиб кўрсатишимизга караганда бахтли бўлишга камроқ интиламиз.

* * *

Қизиққонлик ёш ўтиши билан бемулоҳазаликка яқинлашади.

* * *

Комат учун гўзаллик худди акл учун тўғри фикрдай маънога эга.

* * *

Ғуруримиз кўпинча бизда ҳасадни уйютади ва шу ғуруримизнинг ўзи кўпинча уни енгишга кўмаклашади.

* * *

Ғуруримиз карз бўлишни, нафсимиз ҳисоблашишни истамайди.

* * *

Ҳаётда бемулоҳазалик билан кутулиб кетиладиган вазиятлар ҳам бўлади.

* * *

Ҳамма нарсада биз билан бир фикрда бўлган кишиларнигина оқил ҳисоблаймиз.

* * *

Ҳамма ўз хотирасидан нолишади, лекин ҳеч ким ўз ақлидан нолимайди.

* * *

Ҳамма ўзининг яхшиликларини мактайди, лекин ҳеч ким ўз ақлини мақташга журъат этмайди.

* * *

Ҳар доим ҳаммадан ақллироқ бўлиш истагидан ортиқ ахмоқона истак бўлмайди.

* * *

Ҳасад доим ҳасад килинаётганларнинг бахтига қараганда узоқроқ давом қилади.

* * *

Ҳасад нафратдан ҳам муросасизроқ.

* * *

Ҳақиқий дўстлик ҳасадни билмайди.

* * *

Ҳақиқий қаҳрамонлик кўпчилик олкишлайдиган ишни гувоҳсиз бажаришдан иборат.

* * *

Ҳеч кимни ёқтирмаган инсон ҳеч кимга ёқмаган инсондан ҳам бахтсизроқдир.

Фридрих Ницше

(1844—1900 йилларда яшаб ижод этган немис файласуфи)

Абадий одиллик мавжуд эмас.

* * *

Аёл тўғрисида фақат эркак билан гапиришиш лозим.

* * *

Аёл эркакка қараганда болаларни яхши тушунади, лекин эркакда болалик аёлникидан кўп.

* * *

Ашаддий ёлғончиликнинг даражаси мавжуд, уни «чин юракдан» дейишади.

* * *

Бахтга бўлган катта умид бахтнинг ўзига қараганда ҳам кишини кўпроқ рухлантиради.

* * *

Бахтсизлик сени четлаб ўтди: бунга худди ўз бахтингга кувонганингдай кувон.

* * *

Бегоналар ғами бизга ҳам юқади, ғам юқувчан бўлади.

* * *

Биз ўз дидимизга ёққан нарсанигина мақтаймиз, яъни биз мақтаганимизда ўз дидимизнигина мақтаймиз — бу билан бошқа хар кандай яхши дидларга карши бўлмаймизми?

* * *

Биз хамма нарсага эгалик қилишни истаймиз, худди хамма нарсага эгалик қилиш учун вақтимиз етарлидай.

* * *

Буюклик муваффақиятга боғлик бўлмаслиги керак.

* * *

Душман билан курашиб яшайдиган — душманнинг ҳаёт бўлиши тарафдори.

* * *

Душманларга эга бўлиш инсоннинг азалий одати, шундай экан, у инсоннинг кучли эхтиёжи ҳамдир.

* * *

Ишонч — ҳақиқатнинг ёлғонга қараганда ҳам хавфлироқ душмани.

* * *

Кунни яхши бошлашнинг энг тўғри усули — уйқудан уйғонган заҳоти «бугун бирор бир кишига қувонч келтира олмасмиканман», деб ўйлашдир.

* * *

Кўпчиликнинг мутафаккир бўлмаслигининг бир сабаби бор — уларнинг хотираси жуда ҳам кучли.

* * *

Мустақил бўлиш ҳаммага ҳам насиб қилаверайди, у фақат кучлиларга насиб қилади.

* * *

«— Нима учун сен бунча қаттиксан? — деди бир куни кўмир олмосга, — ахир биз яқин қариндош эмасмизми?»

* * *

Ожиз киши ўзига мақсад, вазифа излайди, кучли киши эса уларни ўзи яратади.

* * *

Ортиқча — етарлининг душманидир.

* * *

Оғриқ товуқларни ва шоирларни қақағлатади.

* * *

Сўкиниш нимага кераклигини мен тушунмайман. Бировнинг таъбини хира қилмоқчи бўлсанг, унга у тўғридаги бирон-бир ҳақиқатни айтсанг етарли.

* * *

Таълим жуда кўп ҳолларда қобилиятли, қизиқувчан, жўшқин ёшларни ўз устозларининг нусхасига айлантириб қўяди.

* * *

Узоқ ва катта ғам кишини бешафқатга айлантиради.

* * *

Умид кишига барча азобларига қарамасдан ҳаётни ташлаб кетмаслик учун берилган.

* * *

Учишни ўрганмоқчи бўлган киши, аввало тик туришни, юришни, югуришни, тирмашишни, ракс тушишни ўрганмоғи керак: бирданига учишни ўрганиб бўлмайди.

* * *

Фалсафа бефойда ва унинг кучи шунда.

* * *

Фақат дудуқланадиганга ишонишади.

* * *

Янглишиш — ҳаёт шарти.

* * *

Яхши кишилар шунинг учун ҳам яхшиларки, уларнинг ёмон бўлишлари учун кучлари етишмайди.

* * *

Яхшиларнинг панд-насиҳати жир кантиради, баджахлларнинг панд-насиҳати қўркитади.

* * *

Ўтмиш тўғрисидаги тасаввурингни коралашни ўргансанг, амалга ошмаган имкониятларинг учун кам азобланасан.

* * *

Ўтмишда қароқчи ва савдогар моҳиятан жуда ўхшаш бўлган. Ҳатто ҳозир ҳам тижорат этикаси такомиллашган қароқчи этикасидан бошқа нарса эмас.

* * *

Ҳамма биладиган нарсани ҳамма эсидан ҳам чиқаради: агар тун бўлмаганида ёруғликнинг борлигини ким ҳам биларди.

* * *

Ҳар қандай кучли оқим йўналишга эга бўлади.

* * *

Ҳеч бир ғолиб ўз ғалабасининг тасодиф эканига ишонмайди.

Франсис Бэкон

(1561—1626 йилларда яшаб ижод қилган инглиз файласуфи, сиёсий арбоби)

Атеизм — бу юпқа муз қатлами, ундан бир киши ўтиб кетиши мумкин, лекин бутун бир халқ эса тубсизликка ғарқ бўлади.

* * *

Баланд минорага фақат айланма зина орқали чиқилади.

* * *

Билим — бу куч, куч — бу билим.

* * *

Бир кишининг бахтига кўпинча бошқа кишининг нодонлиги сабаб бўлади, чунки тўсатдан муваффақиятга эришишда бировнинг нодонлигидан фойдаланишдан яхшироқ йўл йўқ.

* * *

Бойиб кетишнинг жуда ҳам кўп йўллари бор, лекин ҳалол йўли кам: тежамкорлик — шулардан энг тўғриси. Лекин бу йўлни ҳам пок деб бўлмайди, чунки у кишининг инсонпарварлик, саховат каби мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилади.

* * *

Ватанга муҳаббат оиладан бошланади.

* * *

Димоғдорлик киши камчиликларининг энг яхши сифатидан ҳам маҳрум — у яширинишни билмайди.

* * *

Душманга рахм қилган ўзига рахм қилмайди.

* * *

Катта маърузалар зерикарлидир, шунинг учун ҳам уни кўпчилик эшитишмайди.

* * *

Киши бошқалар устидан хукмронлик қила туриб ўз эркини йўқотади.

* * *

Киши қанча кам билса, унда шубҳа шунча кўп бўлади.

* * *

Кишини билишнинг олтита йўли бор: унинг юз кўриниши, гапириши, фаолияти, характери, максади ва у тўғрисидаги ўзгалар фикри.

* * *

Кўпчилик ҳамма нарсани бойликка сотиб олса бўлади деб ўйлаб, аввало ўзларини бойликка сотишади.

* * *

Масалани тўғри қўйиш, унинг билан бирмунча танишликдан дарак беради.

* * *

Мен ўқиш учун яшашни истайман, яшаш учун ўқишни эмас.

* * *

Оила манфаатлари деярли доимо жамият манфаатларини емиради.

* * *

Пул — гўнгга ўхшайди, агар уни сочмасанг ундан фойда йўқ.

* * *

Сўзга эҳтиёткорлиқ гапга чечанликдан юқори.

* * *

Табиатни фақат унинг қонунларига бўйсунибгина енгиш мумкин.

* * *

Табиатнинг таъсирида ўйланамиз, ўқитувчиларимизнинг таъсирида гапирамиз, лекин ўз одатларимиз бўйича ҳаракат қиламиз.

* * *

Тараққиёт бизнинг камчиликларимизни намоён қилади, кулфат эса эзгулигимизни.

* * *

Тез янглишадиган хатосини тез тузатади.

* * *

Тўқлик бизнинг камчиликларимизни очиб ташлайди, очлик эса яхшиликларимизни.

* * *

Тўғри йўлда ўмбалок ошаётган йўлини йўқотиб югураётгандан ўзади.

* * *

Фақат касос олиш фикри билан банд бўлган кишининг яраси битмайди.

* * *

Уч нарса миллатни буюк ва фаровон қилади: унумдор ер, ривожланган ишлаб чиқариш ва одамлар ҳамда маҳсулотлар ҳаракатининг эркинлиги.

* * *

Хавф кўпинча бизни енгмайди, аксинча, қўркитади.

* * *

Халқнинг буюклиги, ақли ва руҳи унинг мақолларида акс этади.

* * *

Энг оғир йўқотиш — вақтни йўқотиш.

* * *

Якин дўстлар вақт ўғриларидир.

* * *

Ўзгаларнинг хатосини аниқ кўришдан ортиқ лаззатлирок нарса йўк.

* * *

Ўтмишни ҳаддан зиёд улуғлайдиган киши янги даврда кулгига қолади.

* * *

Ўғирлаш имконияти ўғрини яратади.

* * *

Қатъийлик қўркувни, қўполлик нафратни уйғотади.

* * *

Қўркувдан кўркинчли нарса йўк.

* * *

Хаддан зиёд ошкоралик, худди мутлақо яланғочликдай беадаблик-дир.

* * *

Ҳасаднинг дам олиш куни йўк.

Фукидид

(Милоддан аввалги тахм. 460—400 йилларда яшаган юнон тарихчиси)

Бахт сири — озодликда, озодлик сири — мардликда.

* * *

Бошқаришни нозик табиатли кишиларга қараганда кўпол кишилар яхширок уддалашади.

* * *

Душманнинг янглишишига умид қилиб режа тузиш керак эмас.

* * *

Кам билиш кишиларни жасур қилади, фикрлаш эса — журъатсиз.

* * *

Киши табиатан унга ёқишга интиладиганга менсимасдан қарайди, унга эгилмайдиганга хурмат билан қарайди.

* * *

Кишиларни ҳукуқларидан тўла махрум қилишганига қараганда унга салгина зарар беришганига кўпроқ ғазабланишади. Буларнинг биринчиси — кучлига ён босиш дейилса, иккинчиси алданиш дейилади.

* * *

Мен душман хийласига қараганда ҳам ўз хатоларимиздан кўпроқ қўркаман.

* * *

Тарих — бу мисоллардаги фалсафа.

* * *

Уруш — зўравонлик ўқитувчиси.

* * *

Фақат ўзаро кўркув иттифокни мустаҳкам қилади.

* * *

Фақат ўзинг билан тенг мавқедаги кишидан касос олиш мардликдир.

* * *

Эркаклар даврасида танбеҳ ва мақтов айтилмайдиган аёл катта хурматга лойиқдир.

* * *

Ўзи билан тенгга ён босмайдиган, ўзидан кучлига яхши муносабатда бўладиган, ўзидан ожизга холис бўладиган киши кўпга эришади.

* * *

Қашшоқликни тан олиш шармандалик эмас, лекин меҳнат қилиб ундан кутулишга интилмаслик шармандалик.

* * *

Кўркув — хотирадан айиради.

Хилон

(Милоддан аввалги VII—VI асрларда яшаган файласуф, қадимги Юнонинг «етти донишманди»дан бири)

Амалга ошмайдиганни орзу қилма.

* * *

Ахмокона ютуқдан йўқотиш афзал: йўқотишдан бир марта азобланасан, ютуқдан эса умрбод.

* * *

Гапирганингда қўлларингни силкима — бу нодонлик белгиси.

* * *

Дўстлар ёнига яхши кунига қараганда ҳам ёмон кунида шошил.

* * *

Зарур бўлмаган нарсаларга сарфласанг, зарур нарсага пулинг оз колади.

* * *

Кафиллик учун тўлаш лозим бўлади.

* * *

Пўписа қилма: бу мард кишининг иши эмас.

* * *

Сенга зарар берсалар — муросага кел, сени ҳақоратласалар — ўч ол.

* * *

Синов тоши билан олтин, олтин билан эса инсон синалади.

* * *

— Тарбияли киши тарбиясиз кишидан нимаси билан фарклана ди? — Умиди билан.

* * *

Тилингга махкам бўл, айниқса зиёфатларда.

* * *

Тилнинг ақлдан ўзиб кетишига йўл қўйма.

* * *

Шармандаликдан коч.

* * *

Энг ақлли файласуф ҳам ахмоқона саволларга жавоб топишга қийналади.

* * *

Яхши бошқаришни ўз уйингда ўрган.

* * *

Ўзгалар кулфатига кулма.

* * *

Ўликлар тўғрисида фақат яхши гапириш ёки умуман гапирмаслик керак.

Хожа Самандар Термизий

(Хожа Самандар Муҳаммад ибн Бақо, 1638—1740 йилларда яшаб ижод қилган шоир, тарихчи олим)

Аттор каби бўлгин, чунончи аттор,
Ўзгалар либосини қилар муаттар!

* * *

Ақлдан барча иш яхши бўлади,
То ғазаб келмаса ақл барқарор,
Бу ҳикматни оқил яхши билади,
Ғазаб келса ақл бўлади ночор!

* * *

Бемаврид жангу сулҳ фойдасиз, зиён,
Гулга гул бўлгину, тиконга тикон!

* * *

Ботир бўл, майдоннинг соҳиби — ботир,
Тулки дадил бўлса шерни қулатур!

* * *

Гумон билан асло бирор кишига,
Уқубат етказма, бўлғунг пушаймон.
Ошкор бўлган ишнинг ҳақиқий сири,
Сўнгги пушаймондан фойда йўк ишон.

* * *

Гўдакликдан ёмон феълга ўрганса,
Юз меҳнат-ла уни кам қилиб бўлмас.
Яхши йўлга солай дебон уринма,
Ўсиб қотган шохни ҳам қилиб бўлмас!

* * *

Душман агар дўстлик лофини урса,
Ақл соҳиблари санамас ҳеч дўст.
Илон илонликча қолади доим,
Тери ўзгартириб, ташласа-да пўст!

* * *

Душман зараридан бўларсан омон,
Мозорга чироқ ёқилган замон!

* * *

Душман сўзларига ишонса киши,
Пушаймон тортишдир оқибат иши!

* * *

Душманга ишонмоқ самараси ғам,
Ғафлат тухмин эккан тортажак алам!

* * *

Дўстинг учун жонни фидо айлагин,
Дўстингни душмандан жудо айлагин.

Яхши ишга ундар дўстинг
хар онда,
Ёрдам берар ташвиш етган
замонда!

* * *

Ёшлар билан жангу жадал ичра
кир,
Енгиш тадбирин кексадан қидир.
Гарчи ёшлар бўлса ботиру чаққон,
Аммо кекса дили чорагадир кон.

* * *

Кимки хасад ўтин ёқса жахонда,
Бу ўт унинг ўзин қўймас омонда.

* * *

Номусдан афзалроқ бўлса агар
бош,
Салламас, чимматни ёпингин,
эй ёш!

* * *

Покиза инсонлар кўрмайди хорлик,
Лаъл хам кондан чиқиб, зарга
етишди.

* * *

Сидку сафо тўла «Гулистон» аро,
Саъдий ғўзал сўзни айтмиш
мутлақо:
«Сўзни ўйламасдан гапирма хар
дам,
Яхши сўз кечикиб айтилса не
ғам?»

* * *

Сирлар ичкаридан чиқиб ташқари,
Неча ботирларни қилар сарсари!
Қандай яхши гапни айтмиш бир
хушёр:
«Бошинг керак бўлса сир
сақлаш даркор!»

* * *

Тинчлик истасалар, тинчликдан
кечма,
Жангга талаб қилса юз буриб
қочма!

* * *

Уйида юраги ғуссага тўлган,
Кишига хаммадан яхшиси сафар.
Сафарким қанчалар оғир бўлмасин,
Уйда сиқилишдан яхшию бехтар!

* * *

Хизмат хақин билмайдиган
кимсаларнинг хизматин
Қилма, асло кўрмайсан на хурмату
на мактов!

* * *

Ўликдир хаётда хунарсиз киши,
Хунарсиз бўлгандан ўлгани яхши!

* * *

Ғараз эгасига солсанг қулоғинг,
Пушаймондан ўчар нурли чироғинг!

* * *

Хар сўзки яхшилаб ўйланган эмас,
Айтишу ёзишга асло ярамас!

Хун Изичэн

(XVII аср бошида яшаб ижод қилган, Хитой адабиётида афористик жанрни бошлаб берган мутафаккир)

Агар киши ножўя иш қилиб қўйиб, буни бошқалар билиб қолишидан қўркса, у киши яхши томонга ўзгариши мумкин. Агар киши яхши иш қилиб, буни бошқалар билиб қўйишини жуда истаса, у бошқаларнинг таънасига колиши мумкин.

* * *

Агар кишида биргина ғаразли фикр пайдо бўлса, унинг қатъийлиги қўркоқликка, унинг илми мулоҳазасизликка, унинг ҳалоллиги

хатоликка айланади ва унинг бутун хаёти барбод бўлади.

* * *

Агар сен ишончга сазовор бўлсанг, хатто ярамасларни хам алдама.

Агар сен кудратли бўлсанг, ўз устунлигингдан гердайма.

Агар сенинг яхши фазилатларинг кўп бўлса, ўзгаларнинг камчиликларини ошкор қилма.

Агар сенинг қобилиятинг йўқ бўлса, қобилиятлиларга хасад қилма.

* * *

Агар сени омадсизлик қийнаб қўйса, сенга қараганда хам омадсизроқлар борлиги тўғрисида ўйла, шунда ранжинг тарқалади. Агар қалбингни бепарволик эгалласа, иши яхши юришаётганлар тўғрисида ўйла, шунда ишга бўлган иштиёкинг ошади.

* * *

Агар ўз обрўйинг тўғрисида хаддан зиёд қайғурсанг, кишиларга ёрдам қила олмайсан.

* * *

Бировлар олдида қилган гуноҳингни эсдан чиқариб бўлмайди.

Бировларнинг сенга қилган яхшиликларини эсдан чиқариш нотўғри.

Бировларнинг сенга берган озорини эслаш хам лозим эмас.

* * *

Бировларнинг ёмон иш қилиб қўйганини эшитиб, уни айблашга шошма. Эхтимол у тухматга қолган халол кишидир. Бировнинг биронбир яхши иш қилганини эшитиб, унга дўст тутинишга шошма. Эхтимол, у ўз қадрини оширишга интилаётган нобакор кишидир.

* * *

Бўйсунадиганларинг билан кўпол муносабатда бўлма, акс ҳолда улар сенда ишлашни хоҳламай қолишади. Дўстларинг билан одобсиз бўлма, акс холда дўстларинг сифатида нуфузи паст кишиларгина қолишади.

* * *

Дарёнинг суви бир он хам тўхтамасдан шошиб оқади, қирғоқ эса тип-тинч.

* * *

Ёмонликни яширин қилиш, яхшиликни эса намойишкорона қилиш ёмон. Шунинг учун хам намойишкорона ёмонлик қилиш юзаки, яширин ёмонлик қилиш оғир оқибатли бўлади. Намойишкорона яхшиликдан фойда кам, яширин қилинган яхшилик буюк бўлади.

* * *

Жигар оғриса кўриш пасаяди, буйрак оғриса қулоқ оғирлашади. Касалликнинг табиати шундай, ўзи кўринмайдиган, лекин хамма сезадиган ерга жойлашади. Мард киши сезиладиган гунох қилмасликка интилиб, хеч ким кўрмайдиган ерда хам гунох иш қилишдан сақланади.

* * *

Кишиларнинг барча қувонч ва ташвишлари уларнинг ўз фикрлари томонидан яратилади.

* * *

Кишиларнинг бир-бири билан рақобатлашадиган йўли жуда хам тор. Ундан бир қадам ортга чеки-

ниш, ўзига бир қадам кенгроқ жой пайдо қилишдир.

* * *

Оғиз — ақлнинг дарвозаси. Агар уни очиқ қўйсанг, ақл уни ташлаб кетади.

Хаёл — ақлнинг оёғи. Агар уни жиловламасанг, ақлни тўғри йўлдан оғдиради.

* * *

Паст кишилардан олқиш эшитгандан кўра, сўкиш эшитган афзал. Яхши кишиларнинг бепарволигини кўргандан, уларнинг таънасига лойиқ бўлган афзал.

* * *

Тор сўқмоқдан кетаётганингда қадамингни секинлат ва қаршингдан келаётганни ўтказиб юбор. Овқатланганингда ўзингга учдан бирини қолдириб, қолганини якинларингга бер. Бу дунёда доимо бахтли бўлишнинг сири шунда.

* * *

Тоғ ва ўрмонлардаги хаётнинг гўзаллиги тўғрисида фикр юритган киши тоғлар ва ўрмонларда ёлғиз яшашни исташи шарт эмас. Фойда ва обрў тўғрисида гапиришни истамайдиган киши, фойда ва обрў тўғрисида орзу қилмаслиги шарт эмас.

* * *

Тоғдаги ўсимликларни хеч ким суғормайди. Ёввойи қушларни хеч ким боқмайди. Лекин уларнинг таъми хушбўй ва ёқимли. Агар биз ўзимизни оксуякларга хос шартлар билан боғламасак, уларнинг бадбўй хидидан тозаланмаймизми?

* * *

Хизматда бўлганингда иккита хакиқат эсингда бўлсин: «Фақат одиллик донишмандлик ёғдусини сочади. Фақат беғаразлик обрў келтиради».

Уйингга келганингда иккита хакиқатни эсингда тут: «Фақат хушмуомалалик осойишталик келтиради. Фақат тежамкорлик оркали фаровонликка эришилади».

* * *

Ярамаслар билан жанг қилганингда уларга чекиниш учун жой колдир. Улар билан аёвсиз бўлиш — сичқон инини тиқинламоқ билан бир: ўз инида ўлиб колган сичқон иси сасиб, атроф хавони заҳарлайди.

* * *

Яхшилик қиламан деб кўпинча зарар келтириш мумкин, шунинг учун яхшиликни хар томонлама ўйлаб қилиш зарур. Муваффақиятсизликдан кўпинча фойдали сабоқ олиш мумкин, шунинг учун янглишиш келгуси ишларга мадад бўлиши мумкин.

* * *

Ўйламай туриб ваъда берма. Маст пайтингда жаҳл қилма. Кувончли, хаяжонли пайтингда режа тузма. Чарчоқ пайтингда қилинадиган иш тўғрисида ўйлама.

* * *

Қахрни ўзингдан хайда, кулфатдан узоқлашишнинг энг яхши йўли шу.

* * *

Хаётдан кувончни топишни ўрган, бахтни яқинлаштиришнинг энг яхши йўли шу.

Хусрав Деҳлавий

(Яминиддин Абдулҳасан Амир Хусрав ибн Амир Сайфуддин Маҳмуд Деҳлавий, 1253—1325 йилларда яшаган, асли ота-боболари шаҳрисабзлик, форс ва урду тилларида ижод қилган улуғ Ҳинд шоири ва мутафаккири)

Агар илмдан кийган эрса тож,
Ул бош осмондан ундиради бож.

* * *

Агар шилар экан ўз танидан пўст,
Ўзгаларга қачон у бўлади дўст.

* * *

Аёл оқилаю эр ишбилармон,
Демак, кундан-кунга обод хонадон.

* * *

Ақалли бир мушукка бўлсанг мехрибон,
Демак саломатдир сендаги имон.

* * *

Бир чизиқ чизаркан қаламим магар,
Чирок шуъласисиз ул қинғир чиқар.

* * *

Бойлик қидириб кон қазисанг магар,
Аввал тош қум чиқар ва сўнгтидан зар.

* * *

Бу эски оламда бир нарса бунёд,
Айлаки, мангуликка ҳақинг этсин ёд.

* * *

Гапиргандан гапирмаслик кўп яхши,
Кўп гапирган, гапдан топур ҳаяжон.
Садаф шакли ўхшаб турар қулокка,
Шунинг учун дурга тўлиқ у чунон.
Бош устига чиқардилар тароқни,
Юз тил билан жим турган-чун у ҳамон.

* * *

Дўстларинг кўпаяр фаровонликда,
Уларни синаб кўр нотавонликда.

* * *

Ёмон нафсингни одобга ғулом қил,
Одобсизни одобинг бирла ром қил.

* * *

Ёш хар қанча бўлсин ишда ғайратли,
Кўп кўрган кексанинг иши ибратли.

* * *

Агар олов ўту ўланга тушди,
Тез ўчирмадинг хирмонга тушди.

* * *

Агар курт дона бурдойга камалдир,
Ери ҳам, осмони ҳам ўшалдир.

* * *

Аслида шундайдир гумбази жахон,
Қайтарар хар нима деганинг замон

* * *

Бемаҳал сўздан йирок,
Жим ўтирган яхширок.

* * *

Бирга бўлса шодликда-ғамда,
Фақат шуни дўст тут оламда.

* * *

Боғбон иш пайида бўлмаса андак,
Ҳар томонни босиб кетар тиканак.

* * *

Гул бўлмаса дармана беради гулоб,
Коронғи кечада шам худди офтоб.

* * *

Гўштни кесар тиғ кўп оламда билгил,
Лек гўштдан бўлган тиғ бир заҳри қотил.

* * *

Девоналикдан кўп ёшликда асар,
Ёшсифат кексалар жиннидан
баттар.

* * *

Ер чопиб, сув бериб экма хом дона,
Пушаймондан хирмон кўтарма яна.

* * *

Ёндирмокни пеша айлагач бир шам,
Ёндирмокка кодир юз чирокни ҳам

* * *

Жаҳд ила илмга ким урди бошин,
Шамолдан юргизди тегирмон
тошин.

* * *

Жумла жондорларга жонбахш
хушхаво,
Балик ҳаётига бўлади бало.

* * *

Иш вақти бўлмагин ғофил,
паришон,
Охири меваси бўлур пушаймон.

* * *

Ким санъатни ўлчар бойлик, мол
билан,
У гавҳарни кўрар тенг сафол
билан.

* * *

Киши фаросатда канча ногирон,
Айбини оклашда шунча билағон.

* * *

Мева берса дарахт битта бутоғдан,
Шу дарахт яхши минг мевасиз
боғдан.

* * *

Нимаики бўлмабди ўзингга даво,
Бошқага ҳам уни кўрмагил раво.

* * *

Оламда кун йўкки билмаса завол,
Абадий колмайди бу хусну жамол

* * *

Олим гар илмига килмаса амал,
Устига китоб ортилган эшак.
Илмсиз козини эшак деб айтма,
Чунки бу эшакка тухмат ва ўрнак.

* * *

Посбоннинг умиди бўлса фақат
пул,
Уни посбон эмас, зар ўғриси бил.

* * *

То дард йиқитмаса кўзларида нам,
Соғлиги кадрига етарми одам.

* * *

То кадам кўймасанг дастёрликка,
Ҳеч ким келмас сенга дўсту
ёрликка.

* * *

Улуғлик шарафин истаган одам,
Кичикларга айлар химмату карам.

* * *

Хазина келтирган келиндан, зинхор,
Тўғри, ростгўй келин яхширок
минг бор.

* * *

Шаҳар фармондори бўлса мард
одам,
Ҳар кимсага етар осудалик дам.

* * *

Шундай яшагилки, жисми
покингдан,
Қайта яратсинлар сени хокингдан.

* * *

Юз йил тегирмон чарх айланганда
ҳам,
Дарёдан бўлурми бир катра сув
кам.

* * *

Киска сўзлик, кара, не яхши
холдир,
Сергаплик тамоман дилга
малолдир.

* * *

Замин бошдан-оёк гар лолазордир,
Яланг оёк юрма, тикани бордир.

* * *

Карга айтмок бўлсанг сирингни тоза,
Аввал бошқаларга бўлур овоза.

* * *

Кимки билимсизлик зиндонида гум,
Гадодир тиллоси бўлса хам юз хум.

* * *

Лашкарнинг барчаси бўлолмас ботир,
Даштда шер хам бўлар, бўри хам кашқир.

* * *

Нимага хам ярар оёқ кўлсиз бош.

* * *

Одамнинг шарафи — илмининг мўли,
Кимки доно бўлса, мен шунинг кули.

* * *

Оламга сел куйса кўк гумбазидан,
Уйи баланд хабар олмас пастидан.

* * *

Соғлом билмайди бемор холини,
Ухлаган не билсин бедор холини.

Танинг хам кетажак, бору йўнинг хам,
Бахтлидир яхши ном колдирган одам.

* * *

То узокка йўли тушмайин замон,
Якинлари кадрин билолмас инсон.

* * *

Тўғри ўйлаб, тўғри юрса хар киши,
Билгилки, махкамдир унинг хар иши.

* * *

Фил бирор нарсани топтаса агар,
Бунинг учун доим филбон жавобгар.

* * *

Шундай жул чакмонлар бизга аёндир,
Жул чакмон тагида одам ниҳондир.

* * *

Эр киши тирнокча иш килса агар,
Яхши бекач уни минг бор оширар.

* * *

Канча ишбилармон бўлсанг хам бирок,
Топилар сендан хам ишбилармонрок.

* * *

Кўлингга гавхар кираркан шошиб,
Шиша мунчокларни ташлама сочиб.

Цезарь

(Гай Юлий Цезарь, милоддан аввалги 100—44 йилларда яшаган Рим сиёсий арбоби)

Аскарларга узок тўхтаб турган мамлакатларнинг урф-одатлари катта таъсир кўрсатади.

* * *

Бахт хамма нарсада, айникса, урушда катта ахамиятга эга.

* * *

Буюк душман кўпинча энг кам излайдиган ерда яширинган бўлади.

* * *

Буюк кахрамонлик ўйламасдан амалга оширилиши зарур, чунки

хавфни тасаввур қилиш жасоратни сусайтиради.

* * *

Доим ўлимни кутгандан, бир марта ўлган афзал.

* * *

Келдим, кўрдим, енгдим.

* * *

Кишилар, одатда истайдиган нарсасига осонгина ишонишади.

* * *

Кучлиларга яхшисини, ожизларга зарурини бериш лозим.

* * *

Лашкарбошининг вазифаси — ақл билан ҳам, қилич билан ҳам душманни енгиш.

* * *

Римда иккинчи бўлганимдан кичкина бир шаҳарчада биринчи бўлганим афзал.

* * *

Соткинликни яхши кўраман, лекин соткинларни эмас.

* * *

Урушда муҳим воқеалар арзимас сабабларнинг натижаси бўлади.

* * *

Қўшиннинг ожиз томонларини бекитмоқ зарур, худди танадаги ярани бекитгандай.

* * *

Ҳаммасини олишига ишонган, ярмига кўнмайди.

* * *

Ҳеч ким қутилмагандан қўрқмайдиган даражада жасур эмас.

* * *

Ҳар қандай ғалаба бир мағлубият тортиб оладиганидан кўпни келтирмайди.

* * *

Ҳукмронликни тасдиқлайдиган, ҳимоя қиладиган ва кучайтирадиган икки нарса мавжуд — қўшин ва пул, бир-бировисиз уларни тасаввур қилиб бўлмайди.

Цицерон

(Марк Туллий Цицерон, милоддан аввалги 106—43 йилларда яшаган Рим сиёсий арбоби, нотиқи ва ёзувчиси)

Агар киши мўлжалга тегизиш учун куни бўйи найза отса, охир бир сафар у мўлжалга тегизади.

* * *

Агар овози ўзи билан бирга чиқмаганида чақмоқлар кучсизроқ чақнарди.

* * *

Агар оғриқ қийноқли бўлса, қисқа муддатли бўлади, агар узоққа чўзиладиган бўлса, қийноқли бўлмайди.

* * *

Ақлга эга бўлиш кам, ундан фойдаланишни ҳам билиш зарур.

* * *

Барча гўзалликлар кам учрайди.

* * *

Бахтни Тангридан сўра, илмга ўзинг етиш.

* * *

Бахтсизлик айблашга мойилдир.

* * *

Биз доим ўлпонни давлатнинг қон томирлари деб хисоблаганмиз.

* * *

Бошка хисларга хос бўлган тўйиниш хисси дўстликка бегонадир, у худди узоқ сақланган майдай — канча эски бўлса, шунча ширин бўлади.

* * *

Давлат ишларида хар қандай шафқатсизлик зарарлидир.

* * *

Душманлар доим тўғрисини айтишади, дўстлар — ҳеч қачон.

* * *

Дўстлик фақат бир-бирига лойиқ кишиларнигина боғлайди.

* * *

Дўстликда энг қийини — ўзингдан паст бўлган билан тенглаша олишдир.

* * *

Жазоланмаслик — жиноятнинг буюк рағбатидир.

* * *

Жанг тезликни талаб қилади.

* * *

Кексалиги туфайли хазинасини қаерга кўмганини эслолмаган кишини сира учратмадим.

* * *

Кексаликка етишишни ҳамма истайди, етишганларидан кейин эса уни айблашади.

* * *

Кечаси ибодатхонага кирган кишиларнинг ўғри ёки тўғрилигини фарқига бормаган итлар хуриб ўзининг зийраклиги билан одамларни огоҳлантириб, уларга фойда келтиришади. Агар шу итлар кундузи ибодатхонага сиғиниш учун келган кишиларга ҳеч қандай шубҳа бўлмаса хам хуриб, ўз зийраклигини кўрсатганларида, уларни хамма ёмон кўриб жазолашарди. Суддаги айбловчиларни хам шуларга киёсласа бўлади.

* * *

Киши канча ҳалол бўлса, унинг учун бошқаларни инсофсизликда шубҳа килиш шунча кийин бўлади.

* * *

Кишилар кишиларга катта фойда хам, катта зарар хам келтиришади.

* * *

Кишиларнинг ишини бажариб, хожатини чиқарганга қарагандан хам уларни ифода ва сўз билан кўпроқ оғдириб олиш мумкин.

* * *

Кўпинча кейинги фикрлар тўғрироқ бўлади.

* * *

Мамнун бўлганнинг эсидан чиқади, ранжиганнинг эсидан чиқмайди.

* * *

Маълумоти бўлмаса ҳам табиий ва яхши сифатлари бўлган киши, маълумотли бўлиб, яхши хислатлари бўлмаган кишига қараганда обрўга кўпроқ етишади.

* * *

Наср назмга қараганда қийинроқ, чунки назмнинг амал қилиш лозим бўлган қатъий аниқ қоидалари бор, насрда эса хеч нарса олдиндан белгиланган эмас.

* * *

Нотиқ хислатларининг энг яхшиси айтиш зарур бўлганини айтишдагина эмас, айтиш зарур бўлмаганини айтмасликда хамдир.

* * *

Озод бўлишимиз учун қонунларнинг қули бўлишимиз зарур.

* * *

Омад бир келиб, бундан кейин қийинчиликлардан қутулдик, деб ўйлайдиганлар янглишадилар.

* * *

Ортикча машқлардан тана чарчайди, ақл эса машқлардан қувватланади.

* * *

Очкўзлик бировнинг нарсасига бўлган жиноий истакдир.

* * *

Санъатнинг барчаси хақиқатни тадқиқ қилишдан иборат.

* * *

Судья — гапирувчи қонун, қонун эса — тилсиз судья.

* * *

Содир бўлганни қайтариб бўлмайди.

* * *

Сургун қилиш яшайдиган жойи ва яқинлари бор киши учун дахшатлидир, маълум манзили йўқ кишига у билинмайди.

* * *

Табиат томонидан бизга жуда киска умр инъом қилинган, лекин яхши яшалган умр тўғрисидаги хотира абадийдир.

* * *

Тарих — хаёт муаллими.

* * *

Фақат бир холатдагина дўстни хакоратлашдан кўркмаслик зарур — унга бор хақиқатни айтиб, шу орқали унга ўз содиқлигингизни исботламокчи бўлганингизда.

* * *

Фойдага интилиш дўстликни туғдирмайди, балки дўстлик фойдани ўзи билан олиб келади.

* * *

Хат қизармайди.

* * *

Хушомад — камчиликлар кўмакчисидир.

* * *

Шармандалик хеч қачон фойдали бўлмайди.

* * *

Юз — кўнгил кўзгуси.

* * *

Ярамасга кўрсатиладиган яхшиликни мен ёмон иш деб тушунаман.

* * *

Ўзида борини бошқаларга тарқатганидан кейин ўзи мухтожликда қолган киши бошқаларнинг мулкини олишга мажбур бўлади.

* * *

Ўрганишни истовчиларга ўргатувчининг обрўси халақит беради.

* * *

Агар қанчалик донишманд бўлсанг ҳам, совуқда қолсанг, қалтирайсан.

* * *

Қаҳр — тентакликнинг бошланиши.

* * *

Қуроллар гумбурлаганда, қонунлар жим қолишади.

* * *

Қўрққанга караганда умид қилган маъқул.

* * *

Ҳаётда ҳам, нутқда ҳам нима ўринли эканини билишдан қийини йўқ.

* * *

Ҳаётни ақл эмас, омад бошқаради.

* * *

Ҳамдардлик бировнинг қайғуси учун ғам чекишдир, ҳасад эса бировнинг бахтини кўриб ғам чекишдир.

* * *

Ҳамма ёлғонни инкордан устун қўйишга мойил.

* * *

Ҳар бир киши янглишиши мумкин, лекин ўз хатосида қайсарлик билан туриш нодонликдир.

* * *

Ҳар бир киши — ўзининг ички дунёсининг ифодасидир. Киши қандай фикрласа, у ҳаётда ҳам худди шундай.

* * *

Ҳар кимга ўзиники чиройли кўринади.

* * *

Ҳар кимнинг хизматига яраша бериш зарур, бу адолатлиликнинг асосидир.

* * *

Ҳеч қачон ўзидан бошқани яхшироқ деб ҳисоблайдиган шоир ва нотиқ бўлган эмас.

Чарлз Диккенс

(1812—1870 йилларда яшаб ижод қилган инглиз ёзувчиси)

Бировнинг оғирини енгил қиладиган ҳар бир киши бу дунёга фойдалидир.

* * *

Бошқаларнинг мукаммаллашишига кўмаклашмай туриб, киши ҳеч қачон мукаммал бўла олмайди.

* * *

Ёмон одамлар бўлмаганларида, яхши адвокатлар ҳам бўлишмас эди.

* * *

Ёнаётган шам олдида доим парвона ва пашшалар кўп бўлади, бунга шам айбдорми?

* * *

Кредит — бу шундай система ки, унда тўлай олмайдиган киши, бошқа бир тўлай олмайдиган кишига, тўлай олади деб кафолат беради.

* * *

Матонат ва интилиш натижасида инсон томонидан ер юзида эгаллан-маган чўққи колмайди.

* * *

Мехнатсеварлик ҳар бир ишнинг қалби ва яхши яшаш гаровидир.

* * *

Саводсизлик фойдали ҳисоб-ланадиган дақиқалар ҳам бўлади.

* * *

Юқори мавқега эга бўлган ҳар доим ҳам юқори мавқеда бўлавер-майди ва паст мавқели ҳам ҳар доим паст мавқеда колавермайди.

* * *

Ҳаддан ташқари кўп овқат ейиш коринни бузганидек, ҳаддан таш-қари яхши ҳаёт ҳам кишининг характерини бузади, бундай пайтда кишининг танасини ҳам, қалбини ҳам таъми нафақат бемаза, балки ўта ёқимсиз бўлган дорилар муваф-фақиятли даволайди.

* * *

Ҳаёт бизга уни охирги дақиқа-ларгача мардонавор ҳимоя қилиш шарти билан берилган.

* * *

Ҳар бир инсон бошқа инсон учун катта сир бўлиш учун яра-тилган.

* * *

Ҳар қандай вазиятда ҳам оло-мон билан бирга бўлган яхши. «— Агар оломон иккига бўлинган бўлса-чи? — Унда каттарок оломон билан бирга бўлинг».

* * *

Ҳеч қачон «ҳеч қачон» дема.

Честертон

(Честертон Гилберт Кит, 1874—1936 йилларда яшаган инглиз ёзувчиси ва мутафаккири)

Агар бировни тушунмасангиз, уни айблашга сизнинг ҳаққингиз йўқ, агар тушунсангиз, уни айблаш-ни истамаслигингиз ҳам мумкин.

* * *

Биз дўстларни ўзимиз топамиз, душманни ҳам ўзимиз пайдо қиламиз, фақат кўшниларимизгина — худо-дан.

* * *

Дид ҳақида баҳслашилмайди.

* * *

Жасурлик парадокси шундан иборатки, ҳаётни сақлаш учун киши ўз ҳаётини хавфга қўйиши лозим.

* * *

Одатда, кишилар баҳслашишни билмаганликлари сабабли бир-бировлари билан аразлашишади.

* * *

Одил тарихчилар йўқ. Тарих-чилар икки гурухга бўлинишади: биринчилари ярим ҳақиқатни ай-тишади, иккинчилари — ғирт ёлғонни.

* * *

Раҳмдиллик — бу ҳимоясизларни ҳимоя кила оладиган куч.

* * *

Сайёҳ кўзига кўринган ҳамма нарсани кўради, турист эса фақат

кўриш учун келган нарсасини кўради.

* * *

Саёҳат ақлни ривожлантиради, албатта, агарда у сизда бўлса.

* * *

Тушлик пайтидаги мусиқа — бу ошпаз учун ҳам, скрипкачи учун ҳам ҳакоратдир.

* * *

Ғам — қувончнинг тескари томони.

* * *

Ҳаёт доим жиддий, лекин доим жиддий яшаб бўлмайди.

* * *

Ҳақиқий буюк киши бошқаларни ҳам ўзларини буюк деб ҳис қилишларига мажбур қилади.

* * *

Ҳеч качон боғдевор нима учун қурилганини аниқламасдан уни бузманг.

Честерфилд

(Филип Дормер Стенхоп, граф Честерфилд, 1694—1773 йилларда яшаган инглиз давлат арбоби, ёзувчиси)

Агар уддалай олсанг бошқалардан ақллироқ бўл, лекин буни билдирма.

* * *

Бекорчилик нодонлар овунчоғи.

* * *

Бошқаларнинг нохақ эканликларини исботлаб беришдан ўзингнинг ҳақлигингдан ҳам кўпроқ хузурланасан.

* * *

Гапга чечанликнинг охирги мақсади — кишиларни ишонтириш.

* * *

Дўстларинг билан ҳам, душманларинг билан ҳам бўладиган муносабатингда ишонувчанликнинг маълум бир чегарасини бил.

* * *

Ёлғон ва ҳийла — нодон ва қўркоқларнинг қуроли.

* * *

Кишининг ақлига йўлни унинг қалбидан бошлаш зарур.

* * *

Кишилар уларнинг ҳақиқий аҳволини ҳис қилдирадиганларни ёмон кўришади.

* * *

Кўп ва қаттиқ кулги нодонлик ва тарбиясизликнинг белгисидир.

* * *

Маслаҳат кўпчилик кишиларга ёқмайди, айниқса унга кўпроқ мухтож бўлганларга.

* * *

Яхши тарбия кишиларни ёмон тарбияланган кишилардан ишончлироқ ҳимоя қилади.

* * *

Яхши тарбияли киши қўл остидагилари билан ўзини катта тутмай, юқори раҳбарлар билан эса иззат-икром билан ва эркин гаплашади.

* * *

Ўз қадрини билиш ақлли кишини камтаррок ва шу билан бирга катъийрок қилади.

* * *

Қахрга караганда нафратни яширган маъқулрок, чунки хафа гарчилик эсдан чиқиши мумкин, лекин нафрат ҳеч качон эсдан чиқмайди.

* * *

Ҳар бир йўқотилган лаҳза — йўқотилган иш, йўқотилган фойда.

Чехов А.П.

(Антон Павлович Чехов, 1860—1904 йилларда яшаб ижод қилган рус ёзувчиси)

Агар бирон-бир касалга жуда кўп миқдордаги дори тавсия қилинса, демак, унинг дарди бедаводир.

* * *

Агар ёлғизликдан кўрксангиз, уйланманг.

* * *

Агар хар бир киши ўзининг бир бўлак ерида қўлидан келган барча ишни қилганида, еримиз қанчалик гўзал бўлар эди.

* * *

Ақлли ўрганишни яхши кўради, ақлсиз бўлса — ўргатишни.

* * *

Бахт ёки бахтсизликни энг олий ифодалаш — жимликдир.

* * *

Бепарволик — қалбнинг шол бўлиши.

* * *

Бировнинг азоб-уқубатларини масхаралаш кечирилмаслиги зарур.

* * *

Боланинг кўнглини эркалаш билан ололмаган, жиддийлик билан ҳам ололмайди.

* * *

Вақтинг ҳеч нимага етишмаслигини истасанг, ҳеч нима қилма.

* * *

Ёзувчи кўп ёзиши лозим, лекин шошиши керак эмас.

* * *

Ёлғончилар ўлаётиб ҳам алдашади.

* * *

Ижоддан завқланган киши учун бошқача завқ мавжуд эмас.

* * *

Иш билан шуғулланаяпманми ёки бекорчилик билан, деб ўзингдан сўраш ҳеч қачон кеч эмас.

* * *

Камбағалдан сўраш бадавлатдан сўрашга караганда осон.

* * *

Кишида ҳамма нарса гўзал бўлиши зарур: юзи ҳам, кийими ҳам, қалби ҳам, фикри ҳам.

* * *

Кишилар ўз касалликлари тўғрисида гапиришни яхши кўрадилар,

холбуки, бу уларнинг ҳаётидаги энг кизиғи эмас.

* * *

Кишининг кандайлигини унинг ўзига кўрсатсангиз, у яхши томонга ўзгариши мумкин.

* * *

Меҳнатсиз ҳалол ва кувнок ҳаёт бўлиши мумкин эмас.

* * *

Миллий кўпайтириш жадвали бўлмаганидай, миллий фан ҳам мавжуд эмас.

* * *

Обрўни тортиб олиб бўлмайди, уни йўкотиш мумкин

* * *

Охир-окибат ҳакиқат тантана килади дейишади, лекин бу ёлғон.

* * *

Саломатлик мўъжиза эмасми?

* * *

Тентакларнинг ақли жойига киритилмаса, улар ҳеч кимни тинч кўйишмайди.

* * *

Университет ҳамма қобилиятларни оширади, шу жумладан нодонликни ҳам.

* * *

Фақат нодон ва фирибгарларгина ҳамма нарсани билишади ва тушунишади.

* * *

Яхши киши номаъқул иш қилиб кўйса, ҳатто итдан ҳам уялади.

* * *

Яхши тарбия дастурхонга кайла тўкмасликда эмас, бошка бировнинг тўкканини кўриб, уни кўрмасликка олишда.

* * *

Яшаш учун курашда алдов энг *ишончли восита.*

* * *

Якинларингни ҳеч качон уларни йўқотиш хавфи бор пайтидагидек яхши кўрмайсан.

* * *

Ўз яқинларининг тинчлигини ҳамма нарсадан юкори кўядиган киши ғоявий ҳаётдан бутунлай воз кечиши лозим.

* * *

Ўлим кўркинчли, лекин абадий яшайсан ва ҳеч качон ўлмайсан дейишса, ундан ҳам кўркинчлирок бўлар эди.

* * *

Қаерда бўлмасак, шу ер бизга яхши бўлиб кўринади, биз ўтмишда йўқмиз ва у бизга яхшидай туюлади.

* * *

Кисқалик — талантнинг синглисидир.

* * *

Курт — ўсимликни ейди, занг — темирни, тухмат — калбни.

* * *

Кўркқан кишисига хушомад қилишади.

* * *

Ҳамма даврларда ҳам тил бойлиги ва нотиқлик санъати ёнма-ён бўлган.

* * *

Ҳар ким ўз ота-боболаридан кўпни кўришга ва билишга интилиши лозим.

* * *

Ҳеч нарсанинг изсиз йўколмаслигига мен ишонаман, ҳар бир кичик қадам бугунги ва келгуси ҳаётда маълум бир маъно касб этиши аник.

Шамфор

(Себастъян Рош Никола де Шамфор, 1741 – 1794 йилларда яшаб ижод қилган француз ёзувчиси, мутафаккири)

Агар аёллар бўлмаганида, биз — ҳаётимизнинг дастлабки соатларида ёрдамдан, ўртасида хузурҳаловатдан, охирида эса овунтирувчидан махрум бўлар эдик.

* * *

Агар бизнинг бирон бир эзгу ишимизга ҳак тўлашса, унинг эзгулигини тортиб олишади.

* * *

Бахт худди соатга ўхшайди, механизми канча содда бўлса, у шунча кам бузилади.

* * *

Баъзида манманлик ва кеккайишни пасайтириб қўйиш ва ўзингизга безарар қилиш учун унга эътибор қилмасликнинг ўзи кифоя бўлади.

* * *

Донишмандларга караганда мулоҳазасиз кишилар кўп, хатто донишмандларнинг ўзида хам мулоҳазасизлик донишмандликдан кўп.

* * *

Жамиятда қобилиятингга яраша эгаллашга ҳақли бўлган ўрнингдан ўз характеринг сабабли ажралиш — катта бахтсизликдир.

* * *

Жиддий ишларда кишилар ўзларини қандай лозим бўлса, шундай қилиб кўрсатишга харакат қилишади, арзимаган ишларда эса кандай бўлишса, шундайлигича кўрсатишади.

* * *

Инсон бутун ҳаёти давомида ўқувчи бўлиб колади.

* * *

Либос — аёл киши учун бир мукаддима, баъзида эса бутун бир китоб хам.

* * *

Муғамбир киши доим ҳалол кишига ўхшаб кўринишга харакат килади.

* * *

Нарсани ҳукукий қилиш – қонуний қилишдан анча осон.

* * *

Яхши имконият эшигингизни икки марта кокади, деб умид қилманг.

* * *

Яхши фазилатларнинг жуда ҳам кўп бўлиши кишини жамият учун нозарурга айлантиради: бозорга олтин ёмби билан боришмайди — у ерда майда пуллар зарур бўлади.

* * *

Ҳаддан ташқари кўп талаб қилиш ташвишларимизнинг манбаи ҳисобланади ва у сўнгандан кейингина биз ҳаётда бахтга эришамиз.

* * *

Ҳаёт чидаб бўлмас даражада оғир бўлиб туюлмаслиги учун ўзингизни икки нарсага ўргатиб боришингиз зарур: вақт етказадиган жарохатларга, кишилар етказадиган ноҳақликларга.

Шиллер

(Шиллер Иоганн Фридрих, 1759—1805 йилларда яшаган немис шоири ва драматурги)

Агар ишинг бор бўлса, уни тез-рок тугат.

* * *

Агар ҳазилкаш ўзининг гапига ўзи кулса, гапининг ахамияти камаяди.

* * *

Бахтли кишилар яхши кунларга ўз ишлари билан етишадилар, бахтсизлар — азоб-укубатлар билан.

* * *

Буюк қалблар азобларни сукут билан ўтказишади.

* * *

Буюкликни бахтда хам намоён қилиш мумкин, улуғворлик эса фақат бахтсизликда намоён бўлади.

* * *

Дунё тор, кишининг ақл-идроки эса чексиз.

* * *

Дунёни зўравонлик бошқаради, адолат эса — фақат сахнада.

* * *

Дўст мен учун қадрли, лекин душмандан хам фойдаланса бўлади, дўст менинг нималарга қодирлигимни айтса, душман нима қилишим кераклигини ўргатади.

* * *

Ёқловчиларнинг кўплиги одиллик учун ўлчам бўла олмайди.

* * *

Илм баъзилар учун илохий маъбуда бўлиб туюлса, баъзи бировлар учун ёвли сут берадиган сигирдай туюлади.

* * *

Ишонганнинг бошқаларни ишонтириши қийин эмас.

* * *

Келажак ҳаддан ташқари имиллайди, ўтмиш харакатсиз, хозир эса куюндай тез ўтади.

* * *

Кечира олиш — хар қандай ғалабадан хам кучли.

* * *

Кечирим сўраганида қизармайдиган киши кечирим сўрашга одатланган бўлади.

* * *

Кишининг сўзидан унинг кимга ўхшашни исташлигини билиш мумкин, унинг ҳақиқатда кимлигини эса ғайриихтиёрий мимикасидан, имо-ишорасидан, хатти-харакатидан билса бўлади.

* * *

Кишининг мақсади ўсган сайин, унинг ўзи ҳам ўсиб боради.

* * *

Кутилаётган кулфатга қараганда, бехосдан келган кулфатни енгиш осон. Келган кулфатнинг охири бор, кутилаётган кулфат олдидаги қўркувнинг эса чегараси йўқ.

* * *

Куч ким томонида бўлса, ҳақиқат ҳам шу томонида. Кучимизнинг чегараси — қонунларимиз.

* * *

Меҳнат — ҳаётнинг биринчи шарти, донишмандлик мақсади, бахт эса — унга бериладиган мукофот.

* * *

Миннатдорчилик тез эсдан чиқади.

* * *

Нодон, бу — ишни ўртасида тўхтатиб қўйиб, бундан нима чиқишини анграйиб кутиб турадиган киши.

* * *

Обрў ҳаётдан ҳам қимматли.

* * *

Овозни санаш эмас, ўлчамоқ зарур.

* * *

Озодлик кўп бўлган ерда янглишиш ҳам кўп бўлади.

* * *

Ота-оналар фарзандларига ўзларидан ўтган камчиликларни ҳаммасидан ҳам кам кечиришади.

* * *

Тақдир биз билан қизиқ ўйнайди. Нозиккина ипларга кўпинча оғир юклар осиб қўяди.

* * *

Тақиқ қилинмаганга рухсат қилинган.

* * *

Фойда ва офатнинг ўзи ҳозирги даврнинг ўзида халқни қўзғотишга қодир.

* * *

Чеки йўқ қўркувдан дахшатли якун яхши.

* * *

Шоир учун илҳомнинг ўзи камлик қилади, етук акл илҳоми ҳам зарур.

* * *

Яхши актёр учун ёмон роль бўлмайди.

* * *

Ўзини тута биладиган кишигина озод ҳисобланади.

* * *

Қалби очиқ кишининг юзи ҳам очиқ бўлади.

* * *

Ҳаёт — алдовчи лотерея, бунда жуда ҳам кўп ютуқсиз билетларга бир нечагина ютуқлиси тўғри келади.

* * *

Ҳаёт қонунлари фақат ожизлар га аталган.

* * *

Ҳақиқат, баъзи бировлар тан олмагани билан, сира ҳам ўз моҳиятини йўқотмайди.

* * *

Ҳеч ким азоб-уқубатлардан озод бўлиб туғилган эмас.

Шопэнҳауэр

(Шопэнҳауэр Артур, 1788—1860 йилларда яшаган немис файласуфи)

Агар ўзгартириб бўлмайдиган бахтсизлик содир бўлса, «бошқача бўлиши мумкин эди-ку», деган фикрни хаёлингизга келтирманг, акс ҳолда шу фикрлар кишини ўзининг азобловчисига айлантириб қўяди.

* * *

Агар ўзингизга душман орттиришни истамасангиз бошқалардан ўз устунлигингизни кўрсатмасликка ҳаракат қилинг.

* * *

Афсуски, барча муттаҳамлар дилкаш бўлишади.

* * *

Ачиниш — ҳар қандай ахлоқнинг асосидир.

* * *

Бахтимизнинг ўндан тўққизтаси соғлигимизга боғлиқ.

* * *

Баъзиларга нисбатан энг ақлли фикр: «Уни мен ўзгартириб билмайман, шунинг учун ундан фойдаланишга ҳаракат қилишим зарур».

* * *

Биз ҳаётимизнинг яхши кунларини сезмасдан яшаймиз, фақат оғир даврлар келганидагина худди йўқотилган жаннатдай ўша кунларни қўмсаймиз.

* * *

Бизда бўлмаган нарса тўғрисида «агар бу менда бўлса нима қилар эдим?» деб ўйлаб ундан махрумликни ҳис қилгандан, ўзимизда бор бўлган нарса тўғрисида «агар бу менда бўлмаганида нима қилар эдим?» деб ўйлаган маъқул. Чунки биз фақат ўзимизда бор бўлган мулкни, соғликни, дўстларни, яхши кўрган кишимизни, фарзандимизни ва ҳоказоларни йўқотганимиздан кейингина қадрини биламиз.

* * *

Бойлик денгиз сувига ўхшайди: қанча кўп ичсанг, шунча кўп чанқайсан.

* * *

Врач, кишига назар солиб, унинг барча ожиз томонларини кўради, ҳуқуқшунос унинг разиллигини, теолог эса — унинг нодонлигини.

* * *

Гўдакнинг бир соати кексанинг бир кунидан узун.

* * *

Дозаси ҳаддан зиёд бўлган дори билан беморни даволаб бўлмаганидай, ўз меъёридан ортиқ бўлган танқид ва қойиш билан ҳам кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

* * *

Душманинг билмаслиги зарур бўлган гапни дўстингга ҳам айтма.

* * *

Жисмоний ҳаёт доимий харакатда бўлгани каби, руҳий ҳолат ҳам доимий фикрлашни тақозо этади. Умуман, ҳеч нима билан машғул бўлмаслик зерикишни пайдо қилади.

* * *

Инсон бирор максади бўлмаса ҳам, ўзгаларга азоб берадиган ягона жонзот.

* * *

Кишига ҳаётлик даврида ҳайкал қўйиш — келажак авлод уни эсидан чиқармасликка умиднинг йўқлигини эълон қилишдир.

* * *

Кишилар орасида ҳеч ким «мен ўзи кимман?» деб савол бермайди.

* * *

Кумуш ўрнига қоғоз пуллар ишлатилганидай, ҳаётда ҳақиқий хурмат ва дўстлик ўрнида сўз ва мимикаси билан ҳақиқийсига ўхшайдиган сохта дўстлик ҳам кўп учрайди.

* * *

Манманлик кишини эзма қилади.

* * *

Маърифатпарвар, ислоҳотчи, инсонпарварлардан нима фойда? Ҳақиқатан ҳам Вольтер, Юм, Кантлар нимага эришишди? Уларнинг ҳамма уринишлари бефойда ва бехудадир, чунки дунё — бу бедаволар касалхонаси.

* * *

Мулоқотда кишиларнинг онги ва характери осонгина намоён бўлади: агар доно ва етук кишилар даврасига иккита нодон тушиб қолса, улар бир-бирини осонлик билан топишади.

* * *

Нодон ва ахмоқларга ўзингнинг ақлли эканлигингни кўрсатишнинг битта йўли бор — улар билан гаплашмаслик.

* * *

Обрў — кишининг ташқи виждони, виждон эса — кишининг ички обрўси.

* * *

Оқилона яшаш ва ўз тажрибаларимиздан сабоқ олиш учун бошимиздан кечирганларимизни тез-тез эслаб туриш фойдали. Пифагор ҳар куни уйқудан олдин кун давомида қилганларимизни ҳаёлдан ўтказишни тавсия қилган.

* * *

Саломатлик ҳаётнинг бошқа неъматларидан шунчалик устун бўладики, ҳақиқатан ҳам соғлом қашшоқ бемор киролдан бахтлироқдир.

* * *

Уйланиш — бу ҳуқуқларимизни икки марта камайтириш ва мажбуриятларимизни икки марта кўпайтириш дегани.

* * *

Шухратга ҳасад билан курашиш оркали эришилади.

* * *

Қашшоқ кишилар имкониятларининг табиий тенгсизлигини тан олишлари қийин, агар шундай бўлмаса, уни бировнинг бойлигига қўл чўзишдан сақловчи халолликка бўлган ахлоқий истаги қаердан пайдо бўлган? Кўпинча уни қонуний интизом бундай ишлардан тўхтатиб туради.

* * *

Ҳаёт — ёшлар фикрича — чексиз келажак, кексалар фикрича — жуда ҳам қиска ўтмиш.

* * *

Ҳаётнинг бахтлилиги ғам, ташвиш йўқлиги билан ўлчанади.

* * *

Ҳайвонларга рақмдиллик кўрсатиш киши характерининг мехрибонлиги билан чамбарчас боғликдир ва ҳайвонларга бешафқат бўлганни яхши киши эмас деб бемалол айтса бўлади.

Эбнер-Эшенбах

(Мария фон Эбнер-Эшенбах, 1830—1916 йилларда яшаган австриялик ёзувчи)

Ақл ва чиройнинг камчиликлари ёш ўтган сайин кўпаяди.

* * *

Ёшликда киши ўрганади, кексаликда тушунади.

* * *

Истаганимиз доим зарурдай туюлади.

* * *

Кишилар ўртасида обрў олишнинг энг тўғри усули — уларга фойдали бўлишдадир.

* * *

Ожизларнинг ирода кучи қайсарлик дейилади.

* * *

Орзуларинг амалга ошмаганидан нолима, фақат ҳеч қачон орзу қилмаган кишигина ачинишга арзийди.

* * *

Сизга қойил қоладиган кишини нодон ҳисобламоқ қийин.

* * *

Тўйганга қараганда очга ёрдам қилиш осон.

* * *

Энг ёмон касаллик ўлдирадиган касаллик эмас, давосиз касалликдир.

* * *

Яхшилик қилиш никоби остида ёмонлик қилинмаганида, дунёдаги ёмон ишлар қанчалик оз бўлар эди.

* * *

Ўз камчиликларини тан олганларнинг кўпчилиги энди уни тузатиш шарт эмас деб ўйлашади.

* * *

Ўз хатосини жуда осонлик билан тан оладиган кишининг тузалишга қобилияти кам бўлади.

* * *

Ўз эркингнинг хўжайини ва виждонингнинг қули бўл.

* * *

Ўзининг болалигини эсламаган тарбиячи, яхши тарбиячи эмас.

* * *

Қашшоқ киши бадавлатнинг мурувватини эзгу иш деб ҳисобламайди.

* * *

Ҳаммага ёрдам қилишнинг иложи йўқ, дейди бешафқат ва ҳеч кимга ёрдам қилмайди.

* * *

Ҳеч нарса билмайдиган киши ҳамма нарсага ишонишга мажбур.

Эзоп

(Милоддан аввалги VI—V асрларда яшаб ижод қилган юнон масалчиси)

Агар киши бир-бирига карама-карши бўлган икки ишга қўл урса, шубҳасиз, уларнинг бирини бажара олмайди.

* * *

Агар пулинг кўп бўлса — қувонма, агар оз бўлса — куюнма.

* * *

Бахтсизларга ўзидай бахтсизлар борлиги тасалли беради.

* * *

Бошингга кулфат тушса, атрофингга қараб ювун: ташвиши сенидан ҳам баттароқ кишилар бор, шундан сақласин.

* * *

Ватанини ташлаб кетган кишиларни ғурбатда ҳурмат қилишмайди, ватанида эса ундан ётсирашади.

* * *

Ёмон киши яхши бўла олмайди, яхши кишининг ёмон бўлиши осон.

* * *

Ёмон кишининг хушомади хавфли.

* * *

Иш билан исботлаб бўладиганга сўзлаб вақтни беҳудага кетказиш шарт эмас.

* * *

Катта бўлса ҳам, кичик бўлса ҳам ёмонлик қилмаслик керак.

* * *

Кўриниш алдамчи: кўпинча яхши сўзлар панасида ахмоқона ишлар, гўзал савлат ичида жирканч қалб яширинган бўлади.

* * *

Манман ва қайсар киши ҳеч кимнинг маслаҳатига қулоқ солмайди ва тез орада ўз янглишишининг қурбони бўлади.

* * *

Миннатдорчилик — қалбнинг софлиги белгисидир.

* * *

Мулойимлик орқали ҳар доим қўполлик ва куч ишлатиб эришганингдан кўпга эришасан.

* * *

Омад қувончга арзимайди, муваффақиятсизлик — ғамга: ҳаммаси ўткинчи ва ҳеч бири инсонга боғлиқ эмас.

Эмиль Кроткий

(Эммануил Яковлевич Герман, 1892—1963 йилларда яшаб ижод қилган рус шоири)

Агар ўғрилар кўпчиликни ташкил қилганларида, халоллик худди жиноятдай жазоланарди.

* * *

Актёр бошқаларни тасвирлаганидагина ўзига ўхшайди.

* * *

Асаларининг асал беришини эмас, унинг чақишини ўйлашдан хузурланадиган кишилар хам бор.

* * *

Балет — бу карлар учун опера.

* * *

Барабаннинг овози бутун оркестр товушини босиб кетиши мумкин, лекин у унинг ўрнини боса олмайди.

* * *

Булбул сифат билан, чумчук эса сон билан олади.

* * *

Биз вақтни ўлдирамиз, вақт эса бизни ўлдиради.

* * *

Вулкон сўниши мумкин, лекин уни ўчириб бўлмайди.

* * *

Дам олиш кунлари хам хаёт муддатига ўтади.

* * *

Келажак бугун яратилади.

* * *

Ким тўғрисида йиғласак хам, биз ўзимиз тўғримизда йиғлаймиз.

* * *

Кўпайтириш жадвалига ўзгартиришни янглишганингиздагина киритиш мумкин.

* * *

Лаганбардор баъзида алпинистга ўхшаб тепага қараб кетиши хам мумкин.

* * *

Менга кумда курилган нарса мустахкам бўлмайди деб эътироз билдиришса, «Пирамидалар-чи?» деб мен хам эътироз билдираман.

* * *

Ошпаз порциялар билан ўйлайди.

* * *

Сенинг хонангдаги пашша Африкадаги йўлбарсдан хам хавфлирок.

* * *

Соч тўкилиши соч окаришига қарши яхши восита.

* * *

Туғилишда хам, ўлишда хам кимнидир озорлаймиз.

* * *

Тўтикушларнинг хаммаси хам гапиравермайди. Ёзадиганлари хам бўлади.

* * *

У ўз галстугига жуда хам мос эди.

* * *

У ўзининг хатоликларини биринчи марта яшаётганлиги билан оқлар эди.

* * *

У қиска масофага ақлли киши эди.

* * *

Унинг сочидан ёлғизгина тарок қолди.

* * *

Унинг хотираси ёмон нарсаларга яхши эди, яхши нарсаларга эса ёмон.

* * *

Хонада шундай жимлик чўккандики, унинг ҳаётдан қандай кетаётгани эшитилмоқда эди.

* * *

Эсдан чиккан фикр доим мухимдай туюлади.

* * *

Эшакларнинг хам музикада ўз ўринлари бор: уларнинг териларидан барабан ясашади.

* * *

Юракни асраш зарур. Факат ўзингникинигина эмас.

* * *

Яхши хикоя киска бўлиши лозим, ёмони эса ундан хам.

* * *

Ўзгаларнинг дафн маросимида, худди актёр репетицияда хаяжонланганидай хаяжонланамиз.

* * *

Кирол томонидан моданинг бузилиши — унга тобеларнинг модасига айланади.

* * *

Ҳаёт — бу мактаб, лекин уни тугатишга шошмаслик керак.

* * *

Ҳаёт ва пул тўғрисида улар охирлашаётганида ўйлашади.

* * *

Ҳаёт ва ўлим ёнма-ён юришади, лекин бир-бири тўғрисида хеч нимани билишмайди.

* * *

Ҳаёт дўконга ўхшайди: у ерда хамма нарса бор, лекин излаётганинг эмас.

* * *

Ҳаётга енгил караш уни оғирлаштиради.

* * *

Ҳаётда энг ёмони бу унинг ўтаётгани.

* * *

Ҳаётда эътибор қилмаган нарсамизни китобда қизиқиш билан ўкиймиз.

* * *

Ҳар кандай истеъдод охир оқибат ерга кўмилади.

* * *

Ҳак бўлиш камлик килади. Вактида хак бўлиш хам зарур.

* * *

Ҳеч иш қилмаган кишигина янглишмайди. Лекин хеч иш қилмаслик хам хато.

Эпикур

(Милоддан аввалги 341—270 йилларда яшаган юнон файласуфи)

Агар Тангри одамларнинг илтижоларини ижобат килганида, уларнинг бир-бирига тилаган ёмонликларидан ер юзида одам колмас эди.

* * *

Акли бўлмай бахтли бўлгандан, ақлли бўлиб бахтсиз бўлган афзал.

* * *

Баъзилар бир умр ўзининг яшаши учун маблағ тўплаб ўтишади.

* * *

Бирорта ҳам нодон бахтли эмас, бирорта ҳам оқил бахтсиз эмас.

* * *

«Етарли»ни жуда ҳам кам ҳисоблайдиган киши учун ҳеч нарса етарли эмас.

* * *

Кераклисини осон, кераксизини қийин қилгани учун ҳам доно табиатдан миннатдор бўлишимиз зарур.

* * *

Киши ўзининг қўлидан келадиган ишни Тангридан сўраши нодонликдир.

* * *

Кўзга ташланмайдиган бўлиб яша.

* * *

Умуман яшамаслик ҳам мусибат эмас, деб қаттиқ ишонадиган кишига ҳаёт аччиқ эмас.

* * *

Файласуфлар бахсида кўпроқ ютқазган ютади, чунки унинг илми *отади*.

* * *

Эҳтиёжни жиловлашнинг буюк меваси — озодликдир.

* * *

Ўлим биз учун ҳеч нима эмас: чунки барча яхшилик ва ёмонликларни ҳис қилиш орқали англаймиз, ўлим эса ҳар қандай туйғудан маҳрум бўлишдир.

* * *

Қонунлар яхшилар учун чиқарилади — уларнинг ёмонлик қилишлари учун эмас, уларга ёмонлик қилмасликлари учун.

* * *

Қўркинчли бўлиб туюлган қўрқувдан озод бўлмайди.

* * *

Ҳаётдан кетишнинг қўрқинчли томони йўқлигига тўла тушунган кишига ҳаётда ҳеч қандай қўрқинч йўқ.

* * *

Ҳар ким ҳаётдан худди ҳозиргина келгандай кетади.

Эразм Роттердамский

(Герхард Герхардс, 1469—1536 йилларда яшаган ёзувчи ва филолог)

Ақл кишиларни тортинчоқ қилади ва шунинг учун ҳам ҳар қадамда кашшоқ яшаётган, ҳамма ерда жирканиш ва нафрат билан кутиб олинадиган донишмандларни учратамиз. Нодонларга эса пуллар оқиб келаверади, омад жилови ҳам уларнинг қўлида ва умуман, улар тўқ, бадавлат яшашади.

* * *

Дўстларнинг ожизлашишига йўл қўйишдан, уларнинг камчиликла-

рига кўз юмишдан, нуксонларига худди яхши фазилатидек қойил қолишдан ортик нодонликка якин нарса йўк

* * *

Ёмонликка карши бешафкат бўлсанг кишиларга яхшилик қилган бўласан.

* * *

Ёшликда килган гунохларимизни кариганда ювишга тўғри келади.

* * *

Икки мушкул ахволдан енгил роғини танланг.

* * *

Иродали кишига кийин нарсанинг ўзи йўк.

* * *

Киши ўзига ёккани дан кейин гина бошқаларга ёқиши мумкин.

* * *

Кўпинча кулгили қилиқлар хаётни ёкимли килади ва жамиятни бирлаштиради.

* * *

Кўпинча, писанд қилинмаган ғалаба қозонади.

* * *

Омад жасурларни хуш кўради.

* * *

Окил кишиларга буюк хукмдорлар кўпинча нафрат билан қарашади.

* * *

Факат тентакларгагина хеч ким ни хакорат килмай тўғри гапни айтиш кобилияти берилган.

* * *

Уят — бу покликнинг шармандалик олдидаги кўрқувидир.

* * *

Уятчанлик мухтожликка ёрдам килмайди.

* * *

Фақат нодонларни Тангри маъкул кўради, шунинг учун хам улар хамма ерда муваффақиятларга эришадилар.

Юсуф Хос Ҳожиб

(XI асрда яшаб, «Кутадғу билиг» — «Кутга, яъни бахт саодатга эриштирувчи билим» китобини туркий тилда ёзиб қолдирган улкан шоир)

Бек тилида бўлса ширин, эзгу сўз,
Кул кўнгли ўсади, порлаб кетар кўз.

* * *

Билимдан ёзилар бор тугун, чигал,
Билим бил, укув ол ўзинг хар махал.

* * *

Билимсиз бўлади киши белгилик,
Фақат нафси учун этса эзгулик.

* * *

Болам тутсин десанг донолик йўлин,
Кичикликдан тегиз билимга қўлин.

* * *

Бошингни ўйласанг, асрагил тилинг,
Истаган онида бошга етар тил.

* * *

Жуда азиз ахир тириклик куни,
Бекор ишга сарфлаб бўлмагай уни.

* * *

Дўстликка ярамайдиган шахсларнинг энг ярамаси чақимчи кишилардир.

* * *

Икки хил ном қолар тилда бегумон,
Бири яхшилигу бириси — ёмон.
Доно мақтов олар, нодон-чи, сўкиш,
Ўзинг ўйла, сенга маъқул қайси иш?!

* * *

Кишилар эзмаси ёвуздан ёмон,
Ардоқли кишилар камгап ҳар қачон.

* * *

Кўп сўзлаш донолик белгиси эмас, у — эзмалик аломати.

* * *

Одамзод бойиса ортар ҳавоси,
Камтарлик биландир дил муддаоси.

* * *

Сўзни сўзламасанг соф олтин сана,
Тилдан чиқса миса тенгдир росмана.

* * *

Улуғни улуғла, келтир ҳурматин,
Шунда сен оласан улуғлик қутин.

* * *

Берилмас нарсага бўлма зўравон,
Топилмас тилакни тилама ҳеч он.

* * *

Билимни буюк бил, укувни улуғ,
Шу икков улуғлар кишини тўлиқ.

* * *

Бири — зўравонлик, ғофиллик — бири,
Шулардан бузилар бошлиқ тадбири.

* * *

Бор овозни қўйиб кулмагин сира,
Тубанлик бўлар бу кишилар ора.

* * *

Дўст тутмоқ осон, риоя қилмоғи қийин,
Душман бўлмоқ осон, ярашмоғи қийин.

* * *

Жуда яхши деган билимдон доно:
Нолойиқ одамга иш берма асло.

* * *

Кишилар аро чин киши ул бўлар,
То ундан кишилар нафини олар.
Нафи йўқ кишилар кишига зарар,
Нафи бор кишидан эл қутга тўлар.

* * *

Кўчатга ўхшайди бу қутнинг ўзи,
Кўнгил камтарлиги — унинг илдизи.

* * *

Оккуш қўшилмайди қоракушга, боқ
Қоракуш оккушдан жуда ҳам йироқ.

* * *

Тилингни авайла — омондир бошинг,
Сўзингни авайла — узаяр ёшинг.

* * *

Ўкинчли бўлади ғазабнинг иши,
Ишида адашар ғазабкор киши.

«Кобуснома»дан

(Форс тилидаги илк насрий асар ҳисобланган «Қобуснома» 1021—1098 йилларда яшаган амир Унсур ал Маолий Кайковус томонидан ўғли Гилоншоҳ учун жамланган насиҳатнома бўлиб, туркий тилга Огаҳий томонидан таржима қилинган)

Агар беобрў бўлмайин десанг, яхшиликни касб қилғил.

* * *

Агар ёру дўст бўлмоқни тиласанг, ҳасадлик бўлмағил.

* * *

Агар ранжишдан узоқ бўлишни истасанг, битмайдиғон иш учун уринмағил.

* * *

Агар тилинг узун бўлмоғин тиласанг, қўлингни қиска қилғил.

* * *

Агар халойиқнинг севимлиси бўлишни тиласанг, улардан ҳеч нимани аямағил.

* * *

Агар халқ сенинг сўзинг била иш қилмоғин тиласанг, сен ўз сўзинг билан иш қилғин.

* * *

Агар шармисор бўлмайин десанг, қилмағон ишни қилдим дема.

* * *

Агар ўз сирингнинг очилишини истамасанг, бировнинг сирини фош қилмағил.

* * *

Агар кила олсанг ҳеч кишидан яхшиликни дариғ тутмағил, яхшиликнинг фойдаси бир куни рўёбга чикар.

* * *

Азобланишни истамасанг, ҳасадгўй бўлма.

* * *

Бир кишиға бир яхшилик қилсанг, кўргилки, яхшилик қилғон вактда у кишига нақадар рохат етгон бўлса, сенинг кўнглингга хам ундан зиёдрок шодлик ва хуррамлик етишур. Агар бирор кишига ёмонлик қилсанг, унга нақадар ранж етса, сенинг кўнглингга хам ул миқдор танглик етишур.

* * *

Ёлғонлиги аввалдан маълум бўлганни рост деб тасдиқлашдан ортиқ уятсизлик йўқ.

* * *

Донишмандлар охири ғам бўлгон шодликни шодлик билмаслар ва охири шодлик бўлгон ғамни ғам хисоб қилмаслар.

* * *

Икки кишидан эхтиёт бўлиш зарур: биринчиси — ашаддий душман, иккинчиси — айёр дўст.

* * *

Кишига бировлар олдида бериладиган маслахат таънадай қабул килинади.

* * *

Кишига хиёнат қилмоқдин коч ғилки, ҳар ким бирор кишига хиёнат қилса, ўзига хиёнат қилгонидур.

* * *

Кишини киши орқали имтихон қил, ундан сўнг ўзинг имтихон қилиб кўр, нединким, бир одам бировга мувофиқ бўлмаса, бошқа бировга мувофиқ бўлиши мумкин.

* * *

Мазах — фасоднинг мукаддимасидур

* * *

Мол била бой бўлғондан, акл била бой бўлғон яхширокдур, нединким акл била мол жам этса бўлур, аммо мол била акл ўрганиб бўлмас.

* * *

Музавварлик (сохта, ёлғон) хатини ёзмоқ улуғ гуноҳдур, ундан парҳез қилмоқ керакдур.

* * *

Мулойим сўзга бахил бўлмағил, халқ мулойим сўз эшитмаса, мол ва дунёга мағрур бўлур.

Қаттиқ сўз демағил, токи яхши сўз эшитғайсан.

* * *

Сен ота-онангга нима иш қилсанг, фарзандинг ҳам сенинг ҳақингда шундоқ иш қилур.

* * *

Совуқ сўзлик бўлмағил. Совуқ сўз бир тухумдур, ундин душманлик хосил бўлур

* * *

Тилга ҳар нечук сўзни ўргатсанг, шуни айтур, сўзни ўз жойида ишлатгил, сўз агар яхши бўлса, аммо ноўрин ишлатилса, гарчанд у ҳар нечук яхши сўз бўлса ҳам ёмон, нобоп эшитилур.

* * *

Узоқ пушаймонликдин холис бўлмоқни истасанг, кўнгил ҳаваси билан иш қилмағил.

* * *

Халойиқ тўрт нав бўлур, бири улким, билур ва билғонин ҳам билур. Ул олимдур, унга тобе бўлмоқ керакдур. Бири улдурким, билмас ва билмағонин билур, ул кобилдур, унга ўргатмоқ керак. Бири улдурким, билур ва билғонин билмас, ул уйқудадур, уни бедор қилмоқ керакдур. Бири улдурким, билмас ва билмағонин ҳам билмас, ул жоҳилдур, ундин қочмоқ керакдур.

* * *

Халойиқнинг орасида бир кишининг қулоғига сўз айтиш яхши эмасдур. Агар бу сўз гарчанд яхши сўз бўлса ҳам, ташқарисиндан уни ёмон сўз деб гумон қиладилар.

* * *

Шўристонга тухум сочмагилким хосил бермағай, меҳнатинг бехуда бўлғай, яъни яхшиликни билмағон кишига яхшилик қилмоқ шўристон ерга тухум сочмоқдур.

* * *

Эрта туришни одат қил. Ҳар кишиким қуёш чиккунча уйқуда бўлса, ризқи кам бўлур.

* * *

Ўзини доно саноғон нодондин парҳез қилғил.

* * *

Ҳар кишининг билими бўлса-ю, аммо унга лойиқ ақли бўлмаса, бу билим унга зарар етказгусидур.

* * *

Ҳар сўзни андиша била бошлағил, токи айтғон сўзингдин пушаймон бўлмағайсан.

Ҳайдар Хоразмий

(XIV аср охири — XV аср I ярмида яшаб ижод этган шоир, ўзбек мумтоз адабиёти намояндаларидан бири)

Арратек эт базл кейин-илгари,
Теша бикин йўнма ўз ўзунг сари.

* * *

Бухл азиз одамини хор этар,
Эл кўзида ит каби мурдор этар.

* * *

Бўлма ўтуз олиб оғир соткучи,
Унга кепак, сиркага су қоткучи.

* * *

Нафсни ҳақ берганига рози эт,
Ўз амолини ўзина қози эт.

* * *

Одамига яхши қиликдур бихишт,
Етти тамуғдин баттар, ул хўи зишт.

* * *

Одамиға тажриба доя этар,
Ростлик эр ўғлина моя этар.

* * *

Олмоку бермак била хуштур жаҳон,
Олғину бергинки будур кути жон.

* * *

Сарвдек озода бўлу росткор,
Ё ўруку олма бикин мевадор.

* * *

Сендин адаб бирла белинг боғламоқ,
Мендин адаб қоидасин сақламоқ.

* * *

Сўзда керак маъною маънида завқ,
Сўзлагувчида сўз учун дарду шавқ.

* * *

Туз бўлибон тилни тузлукка оч,
Тушса дағи теша емас туз йиғоч.

* * *

Чекмаса деҳқон арақи пой бил,
Емишининг фойдасин топмас эл.

* * *

Эр эсанг эрдек юрагинг тишлагин,
Кечган эранларнинг ишин ушлагин.

* * *

Ярим товоқ ошки, топарсан насиб,
Ярмини берки, есун бир ғариб.

* * *

Ҳар на яхшилик қилсанг, қилки юрт учун,
Ўзингдан орттир-у ўзгага бермак учун.

* * *

Ҳирсу ҳавас, нафсу ҳаво бўйнин уз,
Фақру қаноатни ризо бирла туз.

ТОМА-ТОМА КЎЛ БЎЛУР

Абадий яшайдигандай ўки, эртага ўладигандай яша.

(Жиль Ли Мюизи)

* * *

Аввало онангга, яна онангга, яна онангга, сўнг отангга яхшилик кил.

(«Ал-Жоми ас саҳиҳ»дан)

* * *

Авлиё бўлиш учун фаришта бўлиш шарт эмас.

(Альберт Швейцер)

* * *

Автомобилини сиздан секин ҳайдайдиган — ақли паст, сиздан тез ҳайдайдиган — жинни.

(Жорж Карлин)

* * *

Муаллифнинг фикри унинг нуктаи назарига мос бўлмаслиги ҳам мумкин.

(В. Пелевин)

* * *

Агар аёл кишининг ҳеч қаери оғримаса, унинг боши оғрийди.

(Гейл Шихи)

* * *

Агар айтишга арзийдиган гапингиз бўлса, сиз ҳеч качон яхши нотик бўла олмайсиз.

(Финли Питер Данн)

* * *

Агар баъзи кишиларда мақтанишлари учун ҳеч нарса колмаса, ўз бахтсизликлари тўғрисида мактанишади.

(Артуро Граф)

* * *

Агар бемор яшашни жуда истаса, табиблар ожиз.

(Фаина Раневская)

* * *

Агар биз бирон-бир нарсани йўқотсак, у қаердадир бизнинг ёнимизда яширинган бўлади.

(Риокан)

* * *

Агар биз ўз тўғримизда гапирмасак — жуда ҳам кам гапирамиз.

(Уильям Хэзлитт)

* * *

Агар бизга берилган имконият вақтинча эканини эсимиздан чикармаганимизда улардан ўта окилона фойдаланган бўлар эдик.

(Станислав Лешинский)

* * *

Агар бизга тиш ковлагич зарур бўлса, бутун бир дарахтни кесишга ҳам тайёрмиз.

(Роберт Лембке)

* * *

Агар биздан ҳаётимиздаги энг бахтли кунни сўрашса, биз тезда жавоб бера олмаймиз, агар гап энг оғир дақиқалар тўғрисида борса, хотирани ковлаб ўтиришга ҳожат бўлмайди.

(Феликс Хвалибуг)

* * *

Агар бизнес яхши бораётган бўлса, реклама учун ҳақни у тўлайди, агар ёмон бораётган бўлса — сиз.

(Америка ҳикмати)

* * *

Агар бир-икки ширин сўз кишини бахтли киладиган бўлса, унга шу сўзларни айтмаслик учун ўта ярамас бўлиш лозим.

(Т. Пейн)

* * *

Агар биринчи муваффакиятингиздан ҳаддан ташқари мағрурланиб кетсангиз, ҳеч қачон иккинчисига эришмайсиз.

(Мацусита Коносуке)

* * *

Агар биров менга қарздор бўлса, жуда ҳам аниқ эслайман, агар мен бировга қарздор бўлсам сира ҳам эслай олмайман.

(Аристофан)

* * *

Агар биров пул билан ҳамма нарсани ҳал килса бўлади, деса билингки: унда пул йўқ ва ҳеч қачон бўлган эмас.

(Эдгар Хау)

* * *

Агар биров сенинг учун хисоблашса, буни бирор-бир максадсиз қилаётир деб ўйлама.

(В. Георгиев)

* * *

Агар биров сиз тўғрингизда яхши фикрда бўлса, унга мехрибонлик кўрсатиш зарур.

(Махома)

* * *

Агар биров сизни алдаса — у фирибгар, агар у сизни иккинчи бор алдаса — сиз нодон.

(П. Мериме)

* * *

Агар биров ҳаётнинг маъниси ва қадри билан қизиқа бошласа — демак, у хастадир.

(Зигмунд Фрейд)

* * *

Агар бирор киши бирор нима тўғрисида ўйлашни ҳам истамайман деса, демак, у фақат шу тўғрида ўйлайди.

(Жон Стейнбек)

* * *

Агар бирор нарса бўлмаса, усиз ҳам кўникамиз.

(А. Теллий)

* * *

Агар бирор қизнинг тентаклик қилишини истасангиз, унга жуда ҳам очилиб кетибсиз деб хушомад қилинг.

(Жанна Голоногова)

* * *

Агар боболар ва бувилар неваларининг тарбиясига ўзларининг аралашувини зарур деб хисобласа лар, уларнинг ўз фарзандлари тарбияси муваффакиятли бўлмаганини билдиради.

(Роберт Лембке)

* * *

Агар бошка бировлар хато қилишмаса, мен ўзимнинг тўғри иш қилаётганимни қаердан биламан.

(П.С. Таранов)

* * *

Агар вақти соатингиз етган бўлмаса, сизни ҳатто шифокор ҳам ўлдира олмайди.

(М. Перлстейн)

* * *

Агар гапиришни билмасанг — ўқишни ўрган.

(Помпоний)

* * *

Агар геометрия бизнинг эҳтирос ва эҳтиёжимизга худди ахлоқ ва одобдай қарши турганида эди, биз ҳар қандай исботига қарамай унга карши турган бўлар эдик.

(Лейбниц)

* * *

Агар гуллар бўлмаганида кишилар бир хил рангдаги кийим кийишган бўлар эдилар.

(Козьма Прутков)

* * *

Агар дунёда фақат шод-хуррамлик бўлганида, биз ҳеч қачон сабрли ва мард бўлишни ўрганмаган бўлардик.

(Хелен Келлер)

* * *

Агар дўстларингиз сизни ёш кўринасиз деб мақтай бошлашса, улар сизни карий бошлабди деб хисоблашларига ишончингиз комил бўлаверсин.

(В. Ирвинг)

* * *

Агар ёлғончи бўлиб кўринмокчи бўлсанг, доим тўғрисини гапир.

(Логан Присолл Смит)

* * *

Агар жиннини кўришни истамасанг, аввало ўз кўзгуингни синдир.

(Франсуа Рабле)

* * *

Агар зал эшиклари очиқ бўлса, орка эшикдан киришга на хожат.

(Генрик Ибсен)

* * *

Агар икки киши бир-бирини жуда яхши кўрса, бу бахтли тугаши мумкин эмас.

(Э. Хемингуэй)

* * *

Агар икки ходим ҳамма вақт бир хил фикрда бўлса, уларнинг бири ортикчадир.

(Д. Махоуни)

* * *

Агар илмсиз яшаш хавфли бўлса, илми кўп киши учун яшаш тўла хавфсизми?

(Т. Гексли)

* * *

Агар инсоният адолатга интилганида эди, унга у аллақачон эришган бўлар эди.

(У. Хэзлитт)

* * *

Агар ит одамни тишласа — бу янгилик эмас, агар одам итни тишласа — бу янгилик.

(Чарлз Андерсен Дейна)

* * *

Агар итни боғлаб қўйсанг ундан боғлиқликни кутма.

(Андре Вильметр)

* * *

Агар карвон оркага бурилса, оксок туя олдинга тушиб колади.

(Шарқ ҳикмати)

* * *

Агар келажак тўғрисида ўйламасангиз у сизда бўлмайди ҳам.

(Жон Голсуорси)

* * *

Агар кийимингга кофе тўкилса, энди у кофе эмас, кийимингдаги доғ.

(Т. Готлиб Гиппель)

* * *

Агар киши барча қайғу ва аламларини эсидан чиқармаганида, унинг қалбида қувончга ўрин қолмаган бўлар эди.

(Илья Шевелев)

* * *

Агар киши маслаҳат беришни яхши кўрса, бу унинг ўзи маслаҳатга мухтожлигининг аниқ белгисидир.

(Жорж Сэвил)

* * *

Агар киши ўз яқинларини барча камчиликлари ва яхши томонлари билан бирга тан олишни ўрганмаса, у тинчликка ҳам, шодликка ҳам, ҳақиқий тушунишга ҳам эришмайди.

(Герхард Фридрих Миллер)

* * *

Агар кишига ҳеч нима керак бўлмаса, демак, унинг нимасидир етишмайди.

(Михаил Генин)

* * *

Агар кишилар бир-бирига кўмаклашишни ўрганишмаса, ер юзидан инсоният йўқолиб кетади.

(Вальтер Скотт)

* * *

Агар кишилар сенга қарашларини истасанг, уларга қарашинг зарур.

(Уильям Д.М.)

* * *

Агар кишилар фарзандинг тўғрисида ёмон гапиришаётган бўлишса, демак, улар сен тўғрингда ёмон гапиришмоқда.

(Василий Сухомлинский)

* * *

Агар кишилар фаришта бўлганларида ҳукуматга эҳтиёж бўлмас эди, агар кишиларни фаришталар бошқарганида ҳукуматни назорат қилишга эҳтиёж бўлмас эди.

(Жеймс Мэдисон)

* * *

Агар кишилар фақат аниқ билганларини гапирганларида, дунёга қандай жимлик чўкишини бир фараз қилинг.

(Карел Чапек)

* * *

Агар кишиларга ўз ихлосингизни билдирсангиз, сиз уларнинг майлини қозонасиз.

(Уильям Жеймс)

* * *

Агар кишининг илми ақлидан кўп бўлса, у ўз илми туфайли азобга қолиши мумкин.

(Ибн Авд ал-Барр)

* * *

Агар кишининг ўзи ёмон бўлса, унга ҳамма нарса ёмон бўлиб туюлади.

(Михаил Лермонтов)

* * *

Агар кушхонанинг деворлари шаффоф ойнадан бўлганида эди, жуда кўпчилик гўшт ейишмасди.

(Пол Маккартни)

* * *

Агар кўзанинг устига тош тушиб кетса, кўзанинг ахволи танг, агар кўза тошга тушиб кетса, унда ҳам

кўзанинг аҳволи танг. Доим ва ҳар доим кўзанинг аҳволи танг.

(Лион Фейхтвангер)

* * *

Агар кўр тошга қоқилиб йиқилса, албатта тошни сўкади, бунинг сабабчиси ўзининг кўрлиги бўлса ҳам.

(Генрик Сенкевич)

* * *

Агар кўтарилмоқчи бўлсанг, бошқа бировларнинг кўтарилиши учун ёрдам қил.

(Букер Вашингтон)

* * *

Агар мактаҳса, нимада янглишганлигингни ўйлаб кўр.

(Владимир Георгиев)

* * *

Агар мен ҳаммадан узоқни кўрган бўлсам, бу менинг буюклар елкасида турганлигимдан.

(Исаак Ньютон)

* * *

Агар мендан нимани билмайсан деб сўрасалар, мен жавоб бера олмайман.

(Йоги Берра)

* * *

Агар меҳмонга худди оила аъзосидай муносабатда бўлишса, у кўп ўтирмайди.

(Г. Амурова)

* * *

Агар муваффақиятлар хизматларга тўла монанд бўлганида эди, кишилар ўртасидаги кўнгилсиз муносабатлар камайиши ҳам мумкин бўларди.

(Зигмунд Фрейд)

* * *

Агар муваффақиятларга эришмоқчи бўлсангиз ўзингизни худди унга эришгандек тутишингиз зарур.

(Томас Мор)

* * *

Агар нима ўқиётганингни айтсанг, мен сенинг кимлигингни айтаман. Кишининг кутубхонасини кўриб, унинг ақли ва характери тўғрисида аниқ фикрга келса бўлади.

(Луи Блан)

* * *

Агар нотанишлар ҳам сизни билишларини истасангиз қишлоқда яшанг, агар танишларингиз ҳам сизни билишларини истамасангиз шаҳарда яшанг.

(Чарлз Калеб Колтон)

* * *

Агар одил суд бўлмоқчи бўлсанг, короловчига эмас, ишнинг ўзига қара.

(Эпиктет)

* * *

Агар ожиз ва нодон киши шафқатсиз бўлса — бу нафратлидир, агар аклли ва жасур киши шафқатсиз бўлса — бу даҳшатлидир.

(Анатолий Алексин)

* * *

Агар оилавий жанжалда иккала томон ҳам бирдай нохақ бўлишса, ўзини ҳимоя қилаётган томон устунликка эга бўлади.

(Жан Ростан)

* * *

Агар омадсизга бойлик келса, у ўлади.

(Ливан ҳикмати)

* * *

Агар орадан шарму ҳаё кўтарилса ва киши кишидан уялмаса,

олам низомига халал етар, инсонлар орасида яхшилик тугаб, бир-бирларига нисбатан диёнатли бўлишмас, кучлилар заифларга зўрлик қилар эдилар. Аммо ҳаё сифати борки, бундай ишларга қўймас.

(«Ахлоқи муҳсинин»дан)

* * *

Агар официант бармоғини бо тириб олса, шўрвангиз унчалик қайноқ эмас.

(Уильям Коллир)

* * *

Агар охирида менинг режалаштирганимдай чиқса, мен жуда ҳам сабрлиман.

(Маргарет Тэтчер)

* * *

Агар оврик бир йилдан кейин хис қилинганида, кишилар болға билан бармоқларига кўпроқ урган бўлардилар.

(Николас Гомес Давила)

* * *

Агар роман ахлоқ-одобга ва одатларга катта таъсир кўрсатса, бу китобнинг яхшилигидан эмас, балки даврда орнинг камлигидан.

(Жозеф Жубер)

* * *

Агар саволингга файласуф жавоб берса, саволингни тушунмай коласан.

(Андре Жид)

* * *

Агар сен бажара олишингга ишонсанг, албатта бажарасан.

(Мэри Кей Эш)

* * *

Агар сен бировга 20 доллар берсанг ва у йўқолиб кетса, демак, унинг баҳоси шунча.

(Америка ҳикмати)

* * *

Агар сен дам олишга вакт топа олмасанг, тез орада даволаниш учун вакт топишга мажбур бўласан.

(Жон Уэйнмейкер)

* * *

Агар сен изламасанг — бошқалар топишади.

(Роберт Оппенгеймер)

* * *

Агар сен кеча йиғлаган ва бугун хам йиғлаётган бўлсанг, эртага ҳам йиғлаш учун сабабни албатта топасан.

(Би Дорси Орли)

* * *

Агар сен меҳнат қилмай фойда олсанг, бошқа бировга меҳнат қилса хам фойда тегмай қолади.

(Маймонид)

* * *

Агар сенга ҳасад қилишса, ёмон яшаш уят.

(Геннадий Малкин)

* * *

Агар сени чанқоқ қийнаб турган бўлса, сувли кўзанинг шакли кандай бўлиши сенга барибир эмасми?

(Шарқ ҳикмати)

* * *

Агар сени кадрлашларини истасанг — ўл.

(Итальян ҳикмати)

* * *

Агар сиз бешинчи марта ҳам ўқиганингизга тушунмасангиз, демак уни ҳукукшунос ёзган.

(Уилл Рожерс)

* * *

Агар сиз дарҳол муваффақиятга эришмаган бўлсангиз, бу ишга яна ва яна уриниб кўринг.

Шунда ҳам истаганингизга етишмасангиз, тинчланинг ва беғам, ҳузур ҳаловатда яшайверинг

(Уильям Клод Филдс)

* * *

Агар сиз менга зътироз билдирмасангиз, мен ўз ҳақлигимни каердан биламан.

(Сэмюэл Голдвин)

* * *

Агар сиз нохуш хабар келишига руҳан тайёрлансангиз, унинг келиши сизни шошириб қўймайди.

(Ричард Карлсон)

* * *

Агар сиз ўзингизни бахтли ҳис килсангиз, бахтингизни таҳлил қилманг.

(Паоло Мантегацца)

* * *

Агар сиз юқори ҳароратга чидамасангиз, унда ошхонадан кетинг.

(Гарри С. Трумэн)

* * *

Агар сиз ҳамма нарса кимматлашаётир деб ўйласангиз, бирор нима сотиб кўринг-чи.

(Роберт Лембке)

* * *

Агар сизга кўп қиррали шахссиз дейишса, талтайиб кетманг. Эҳтимол, улар сизни аблаҳ, ифлос ва маҳлуқ деб таърифлашни назарда тутаётгандирлар.

(Ирланд ҳикмати)

* * *

Агар сизда пул бўлмаса, сиз доимо пул тўғрисида ўйлайсиз. Агар сизда пул бўлса, энди сиз фақат пул тўғрисида ўйлайсиз.

(Пол Гетти)

* * *

Агар тажриба ўз таннархи бўйича сотилганида биз миллионер бўлар эдик.

(Эбигайл ван Берен)

* * *

Агар Тангри сен томонда бўлса, ким ҳам сенга қарши бўлади.

(Апостол Павел)

* * *

Агар Тангри қуённи жазоламоқчи бўлса, унга жасурликни беради.

(Г. Амурова)

* * *

Агар танишинг сен тўғрингда қандай фикрда эканини билмоқчи бўлсанг, унинг жаҳлини чиқар.

(Оливер Уэнделл Холмс)

* * *

Агар танлаш имкониятингиз бўлмаса, қарор қабул қилиш жуда ҳам осон.

(Нарасимха Рао)

* * *

Агар тақа бахт келтирганида ҳаммадан ҳам от бахтли бўларди.

(Силован Рамишвили)

* * *

Агар тепада тартибсизлик бўлса, пастда тўс-тўполон бўлади.

(Роберт Уотермен)

* * *

Агар тимсоҳ душманингни еб қўйса, бу ҳали унинг сенга дўст бўлди дегани эмас.

(Александр Фюрстенберг)

* * *

Агар уни маълум қилсак, ҳамма муаммоларни ечса бўлади. Ўзгалар муаммосини қандай ҳал қилишни ҳамма билади.

(Дин Смит)

* * *

Агар фақат ўзингга ишонадиган бўлсанг унда ҳеч ким сенга сотқинлик қилмайди.

(Уильям Пенн)

* * *

Агар далил сен томонда бўлса, далил билан ур, агар қонун сен томонингда бўлса, қонун билан ур. Агар далил ҳам, қонун ҳам сен томонда бўлмаса, унда столни муштинг билан ур.

(Жером Майкл)

* * *

Агар хотиранг паст бўлса, мемуар ёзиш жуда ҳам осон.

(Артур Шницлер)

* * *

Агар эркак киши аёлларни ҳеч тушуна олмадим деса, демак, у аёлларни тушунгани.

(Михаил Задорнов)

* * *

Агар юзингиз куёшга қараган бўлса, кўзингиз сояларни кўрмайди.

(Хелен Келлер)

* * *

Агар ўзгалар нодон бўлишмаса, унда биз нодон бўлар эдик.

(Уильям Блейк)

* * *

Агар ўзингда қувонч бўлмаса, барча қувончлар ғамгин кўринади.

(Вильгельм Фишер)

* * *

Агар кора кўзойнагингизни ечмасангиз, дунёни ёруғ кўра олмайсиз.

(Чарльз Элиот)

* * *

Агар хаёт жим туриш зарур бўлган вақтдан қиска бўлса, нима қилиш керак? *(Т.А. Шумовский)*

* * *

Агар хаёт сенга кулишини истасанг, олдин сен унга кулиб бок.

(Жон Э. Смит)

* * *

Агар ҳамма бир хил ўйлаётган бўлса, демак, ҳеч ким ўйламаяпти.

(Уолтер Липпман)

* * *

Агар ҳақиқат яширилса, у кўплаб миш-мишларни пайдо қилади.

(Вашингтон Ирвинг)

* * *

Агар ҳеч ким сизни нима иш қилаётганингизни билмаса, унда ҳеч ким сизнинг янглишаётганлигингизни ҳам билмайди.

(Жонатан Линн, Энтони Жей)

* * *

Агар ходим бошлиғининг фикрига ҳар доим қўшилишадиган бўлса, ундай ходим бизнесда фойдасиз.

(Фредди Хаббард)

* * *

Агар хурматга лойиқ бўла олмасанг, сени хурмат қилишларини талаб кил.

(Михаил Генин)

* * *

Адабиёт оқимига қарши яхшиси мумтоз усулда сузган маъқул.

(Веслав Брудзиньский)

* * *

Адабиёт соддаликка қанчалик мураккаб йўлдан келгани ажабланарли

(Олдос Хаксли)

* * *

Адабиётда дурдона асар яратиш учун ёлғиз қобилиятнинг мавжудлиги камлик қилади.

Қобилият даврни ҳам ҳис қилиши лозим. Қобилият ва давр ажралмасдир.

(Мэтью Арнолд)

* * *

Адабиётнинг вазифаси — воқеани фикрга айлантириш.

(Жорж Сантаяна)

* * *

Адолат инсонлар тенглигини сақлашдир.

(«Ахлоқи муҳсинин»дан)

* * *

Адолатдин ўлди эл осойиши,
Эл осойиши — мулк оройиши.

(Мунис)

* * *

Адолатлиликдан ортик фазилат йўқ, ёлғончиликдан ортик камчилик йўқ.

(Ҳинд ҳикмати)

* * *

Адолатсиз кишидан рахм шафқат кутиш бефойда ва нодонликдир.

(Пейн)

* * *

Аёл, келган жаҳонга эзгулик эт,
Ёмон ишни ёмонларга кўюб кет.

(Сайфи Саройи)

* * *

Аёл киши йиғламасидан олдин ҳақ бўлмайди.

(Томас Халлибертон)

* * *

Аёл киши худди бошқалардек кийинишни истайди ва худди бошқалардек кийиниш эса унга алам қилади.

(Лешек Кумор)

* * *

Аёл киши ҳар уч йилда бир йилга картаяди.

(Морис Доннэ)

* * *

Аёл кишининг бўйи эркакникига тенг бўлиши учун унинг бўйи эркакнинг елкасига баробар бўлиши керак.

(Анри Дювернуа)

* * *

Аёл кишининг оқараётган сочи кора бўлиб қолса, унинг кексаяётганлиги.

(Янина Ипохорская)

* * *

Аёл киши ҳаёт траекториясини ўзгартиришга қодир.

(Север Ошуа)

* * *

Аёл ҳамма нарсани кечиради, лекин кечирганларини тез-тез эслаб туради.

(Симона де Бовуар)

* * *

Аёлингни асра, уни ўз ихтиёрига ташлаб кўйма.

(Денис Фонвизин)

* * *

Аёллар атирни жуда яхши кўришади, чунки бурунни алдаш кўзни алдашдан осон.

(Жанна Моро)

* * *

Аёллар гўзаллигининг ярми тикувчига боғлиқ деб бир донишманднинг айтгани бежиз эмас.

(Лопе де Вега)

* * *

Аёллар доим нодон кишиларни яхши кўришади.

(Ака-ука Гонкурлар)

* * *

Аёллар ишонарли алдашади, чунки улар ўзларининг тўғрисини гапираётганликларига деярли ишонишади.

(Анри де Ренье)

* * *

Аёллар ҳамма нарсага қодир, эркаклар — қолганига.

(Анри де Ренье)

* * *

Аёлларга ҳукм ўтказишнинг икки усули бор, лекин уни ҳеч ким билмайди.

(Хаббард)

* * *

Аёлларда ўзлари ҳақиқатда қандай бўлишса, шундай эмаслигини кўрсата оладиган ғаройиб қобилият бор.

(Бердяев Николай Александрович)

* * *

Аёлларни мактайдиган уларни яхши билмайди. Аёлларни сўкадиган уларни умуман билмайди.

(Г. Пиго-Лебрен)

* * *

Аёлларнинг вақти ҳеч нимага етишмаслигига ажабланмаса ҳам бўлади: уларнинг қўлидаги соатнинг кичкиналигига бир назар ташланг.

(Юлиан Тувим)

* * *

Аёлларнинг эркаклардан ҳақиқатан ҳам яхши эканлигини аниқ билмайман-у, лекин улардан баттар эмаслигини аниқ биламан.

(Голда Меир)

* * *

Аёлларнинг янглишиш қобилияти ҳам кам эмас.

(Л. Питер)

* * *

Аёлни ишонтириш учун унинг фикрига қўшилиш зарур.

(Г. Малкин)

* * *

Аёлнинг гумони эркакнинг ишончига қараганда аниқроқ бўлади.

(Редьярд Киплинг)

* * *

Аёлнинг кўзларига шунчалик кўп ёш сиғишига ҳеч ким ишонмайди.

(Симона де Бовуар)

* * *

Аёлнинг нимага қодир эканини фақат аёл билади.

(Сомерсет Моэм)

* * *

Ажабланарли ва сирлини аралаштириш керак эмас.

(Артур Конан Дойл)

* * *

Ажалдан қўрққан ҳаёт қувончларини йўқотади.

(Ян Гус)

* * *

Аждодлар айби учун авлодлар ҳисоблашишади.

(Курций)

* * *

Аждодларга ҳурматсизлик ахлоқсизликнинг биринчи белгисидир.

(А.С. Пушкин)

* * *

Аждаҳолардан қутулишнинг ягона йўли — бу шахсий аждаҳога эга бўлишдир.

(Евгений Шварц)

* * *

Ажойиб бир иш яратилмасидан олдин уни бажариб бўлмайди деб ҳисоблаш, кейин эса нимага бу олдин яратилмади экан, деб ҳайрон қолиш инсонларга хос хусусиятдир.

(Ян Мос Коменский)

* * *

Азалдан дунёни нотинч уммон дейишади: унда фақат компас бўйича бораётганлар бахтлилар, компас — бу тарбия дегани.

(Н. Карамзин)

* * *

Азобланиш, лекин яшаш — кишилар шунга маҳкум.

(Лафонтен)

* * *

Азобланишни истамасанг ҳасадгўй бўлма.

(Кайковус. «Қобуснома»дан)

* * *

Азобланмаган ва хато қилмаган киши ҳақиқат ва бахтнинг қадрини билмайди.

(Н. Добролюбов)

* * *

Азобланмай бахтга етиб бўлмайди.

(Ҳинд ҳикмати)

* * *

Азоб-уқубат кучлини яна ҳам кучли қилади.

(Лион Фейхтвангер)

* * *

Айблининг ботирлигидан айбсизнинг жасурлиги кўп.

(Шарль Дюкло)

* * *

Айбдор қилиш уни излаб топишдан осон.

(Марсель Паньоль)

* * *

Айбни англаш бизни бесабр қилади.

(Анна де Сталь)

* * *

Айбсизларни жазолагандан, айбдорларни жазоламаслик афзал.

(Рохас)

* * *

Айбсизлигини билган киши ўзини оқлашни ҳақорат деб билади ва буни у истамай бажаради.

(Жорж Санд)

* * *

Айёрликни донишмандлик билан қиёслаш маймунни одам билан қиёслаш билан тенг. *(Пенн)*

* * *

Айрим ҳолларда хатонинг ўзи бахтли имконият бўлиб қолиши мумкин.

(Альфред Уайтхед)

* * *

Айсберглар харакатининг улуғворлиги унинг саккиздан бир қисми сув сатҳидан юқорида эканлигида.

(Эрнест Хемингуэй)

* * *

Айтилмаган сўзни айта оларсан,
Айтилганни қачон тута оларсан?

(Ибн Камолпошшо)

* * *

Айтиш мумкин бўлмаган рохат рохат эмас.

(Рохас)

* * *

Актёрлар болаларга ўхшашади, уларга ўйин бўлса бас.

(Борис Крутнер)

* * *

Албатта, мен бахтли тасодифга ишонаман, бўлмаса, мен ёмон кўрадиган кишиларнинг муваффақиятини қандай тушунса бўлади.

(Жан Кокто)

* * *

Алдаб фойда кўриш учун кам алдаш зарур.

(Лорд Харви)

* * *

Алдамаётганга ишонмайдилар, ишонч билан алдаётганга ишонадилар.

(Стас Янковский)

* * *

Алдамчи, айниқса, қасам ичганида кўп хайратлантиради.

(Пьер Карнель)

* * *

Алдамчини алдаш — кишига кўш хузур бағишлайди.

(Бурвиль)

* * *

Алдов ва куч — золимлар қуроли.

(Данте)

* * *

Алкоголизм учта тарихий офат: очарчилик, вабо ва урушнинг бирга ликдаги зараридан хам кўпрок вайронагарчилик келтириб чикаради.

(Уильям Юарт Гладстон)

* * *

Алкоголизм шундай ижтимоий иллатки, хатто уни баҳолаш хам қийин.

(В.М. Бехтерев)

* * *

Амалга ўтирган дўст йўқотилган дўстдир.

(Адамс)

* * *

Амалга ошмайдиган нарсани севувчи киши эртами-кечми шу нарсани ёмон кўриб колади.

(Томас Браун)

* * *

Амалдор бўйсунувчиларни кўпайтиради, ракибларни эмас.

(Сирил Норткот Паркинсон)

* * *

Аник ифода бўлмаган ерда шеърият хам бўлмайди.

(Бонвиль)

* * *

Апелляция — бу бир судьядан иккинчисига хурматсизлик кўрсатишни сўраш.

(Финли Питер Данн)

* * *

Аравакаш отни ўлдириш учун эмас, тезрок юргизиш учун қамчилайди.

(Шандор Петефи)

* * *

Арзимаган ишлар ҳам жуда катта бўлишини кўпчилигимиз тушунмаймиз.

(Чарлз Поллок)

* * *

Армиянинг қудрати эмас, қуролнинг сифати ҳам эмас, фақат руҳи баландлик ғалабани таъминлайди.

(Иоганн Фихте)

* * *

Асаларига ўхшатишларини истасанг, чумолидай меҳнат қил.

(Козьма Прутков)

* * *

Аскарларинг ўтирмагунча ўтирма, улар овқат ейишни бошламагунча ема. *(Чжугэ Лян)*

* * *

Атир канча арзон бўлса, ҳиди шунча кучли чиқади.

(Габриэль Лауб)

* * *

Атрофимизга оддий қарашимиз зарур. Бошқа ҳар қандай назар ҳар хил чиройли номлар остида ҳаёт қувончларини инкор қилиш ҳисобланади. *(Эрих Ремарк)*

* * *

Афсус умиднинг ўрнини эгалламагунча киши кексаймайди.

(Жон Берримор)

* * *

Афсуски, бизнинг давримизда ёмон одатларга қараганда яхши одатлардан қутулиш анча осон.

(Сомерсет Моэм)

* * *

Афсуски, виждонли кишиларга қараганда ақлли кишилар анча кўп.

(Борис Парамонов)

* * *

Афсуски, маълум ёшлардагина номаълум ёшдаги аёл ҳисобланиш мумкин.

(Мартин Донне)

* * *

Афсуски, қулоқни ҳам кўздай осонгина бекитиб бўлмайди.

(Ричард Стил)

* * *

Ахлоқ бадиий асарнинг мақсади эмас, хулосаси бўлиши зарур.

(Бенжамин Констан)

* * *

Ахлоқ бузуқлик билан бир вақтда пайдо бўлган. *(В. Гумбольдт)*

* * *

Ахлоқ одобнинг бузуқлиги ҳар доим фикрнинг бузуқлигига олиб келади.

(Сэмюэл Смайлс)

* * *

Ахлоқ фалсафанинг кўп айтилиб, кам бажариладиган қисмидир.

(Я.Б. Княжнин)

* * *

Ахлоқ қоидаларига бўлган бизнинг ҳурматимиз ўз бурчимизни ҳис қилишимиздир.

(Адам Смит)

* * *

Ахлоксизлик нафақат бирор бир ишда, балки сўзда ҳам намоён бўлади.

(Абу ал-Фараж)

* * *

Аччиқ тақдир осмондан тушмайди, у кишилар нодонлигидан туғилади.

(Л. Альберти)

* * *

Ақл — бу мураккаб вазиятдан чиқа олишни билишдир.

(Франтишек Кришка)

* * *

Ақл ва ундан фойдаланиш ко билияти — турлича бўлган иккита неъмат.

(Франц Грильпарцер)

* * *

Ақл — кучдан хам буюкроқ нарса. Куч фойдасиз бўлган ерда ақл ёрдамга келади.

(Миср ҳикмати)

* * *

Ақлга тўлса гар ёш дили поки,
Ҳатто кексалардан ўтар идроки.

(Тусий)

* * *

Ақли ўткир, хар нарсага кизикувчан, лекин бебош ва қайсар бо лалар хам бўлишади. Одатда, бундайларни мактабда ёмон кўришади ва улардан яхши киши чиқишига умид килишмайди. Вахоланки, агар тўғри тарбиялашса, одатда, шулар дан буюк кишилар етишиб чиқади.

(Коменский)

* * *

Ақли қисқанинг тили узун бўлади.

(Аристофан)

* * *

Аклли аёл доимо ўзини эркакдан нодонроқ килиб кўрсата олади.

(Степан Балакин)

* * *

Аклли аёлларга хушомад эркакларга бахо бериш учун, нодон аёлларга эса ўзига бахо бериш учун хизмат қилади.

(Александр Кумор)

* * *

Ақлли аёллардан эмас, аёл ақлидан сақланиш лозим.

(В. Афонченко)

* * *

Аклни камайтириш лозим бўлган ерда алкоголь — энг ишончли восита.

(В.Я. Данилевский)

* * *

Аклсизликни эхтиётлик билан қилиш зарур.

(Анри де Монтерлан)

* * *

Ахволимнинг оғирлиги бошкаларга азоб бериш учун сабаб бўла олмайди.

(Эсхил)

* * *

Ахмоқона ҳолатга фақат ақлли кишилар тушишади.

(Н.П. Акимов)

* * *

Бадавлат киши — бу пули кўп оддий киши.

(Уильям Клод Филдс)

* * *

Бадавлат кишилар сиз билан менга ўхшамайди — уларнинг пули кўп бўлади.

(Эрнест Хемингуэй)

* * *

Бадавлатлар қиммат зерикишади.

(Хенрик Ягодзиньский)

* * *

Бажариб бўлмайдиганни бажаришга тантанали ваъда бергандан, кичкинагина бир эзгу ишни бажарган маъқул.

(Томас Маколей)

* * *

Бажарилиши зарур бўлганни яхши бажариш лозим.

(Николай Пуссен)

* * *

Бажариш кўпчиликка топширилган ишни хеч кимга топширилмаган деб хисобласа хам бўлаверади.

(Айзек Уолтон)

* * *

Бажармаслик керак бўлган ишни, хатто хаёлингда хам бажарма.

(Эпиктет)

* * *

Барча ёзилган ва айтилган гаплар ичида энг аянчлиси «Биз буни қилишимиз керак эди» жумласидир.

(Бэнхед Таллула)

* * *

Барча истакларингнинг хам ортидан борма, лекин хамма истакларингни хам сўндирма.

(Қадимги хинд хикмати)

* * *

Барча одатлар аста-секин тўпланиб боради, худди ирмоклар дарёга айланиб, денгизга қуйилганидай.

(Жон Драйден)

* * *

Барча оқибатларнинг битта асосий сабаби бўлади. *(Ж. Бруно)*

* * *

Барча ресторанлар учун бир хил қоида: сариёғ қанча қаттиқ бўлса, нон шунча юмшоқ бўлади.

(Гарриет Маркман)

* * *

Барча ғалаба ўз устингдан қозонилган ғалабадан бошланади.

(Леонид Конов)

* * *

Бахил хафа кўринса, демак, унинг иши юришмади ёки бошқанинг иши юришди.

(Борисфенит)

* * *

Бахт алдамаганни бахтсизлик хеч качон енга олмайди.

(Бен Жонсон)

* * *

Бахт — бу бир стакан сув, лекин дарё бўйида эмас, сахрода.

(Валентин Борисов)

* * *

Бахт — бу ёмонни эсдан чиқара олиш ва яхшини эслай олишдир.

(Юрий Рибников)

* * *

Бахт — давримизнинг тартиб интизомига монанд яшаётганимиз учун бизга бериладиган мукофот.

(Ричард Дэвис Бах)

* * *

Бахт жасурларга кўмаклашади.

(Вергилий)

* * *

Бахт кексаликни инкор қилади. Кимки гўзалликни кўриш қобилиятини сақлаб колса, у киши каримайди.

(Франц Кафка)

* * *

Бахт кимгадир кулиб боққудай бўлса, тамом орзу-истаклари аклининг бандаси бўлиб қолади, бахт ундан юз ўгиргудай бўлса, акл унинг орзу-истакларига мутеъ бўлиб қолади.

(Қози Аҳмад Ғаффорий)

* * *

Бахт сизнинг кимлигингизга, сизда борига боғлиқ эмас, у мутлақо

сизнинг нима ўйлаётганингизга боғликдир.

(Дейл Карнеги)

* * *

Бахт тана учун фойдали, ғам эса қалбни ўстиради.

(Марсель Пруст)

* * *

Бахт фақат бизни севган, бизга ишонишган ерда.

(М. Лермонтов)

* * *

Бахт шодликда, шодлик эса бахтда.

(Рус ҳикмати)

* * *

Бахт — ўзингда борига қувониш санъатидир.

(Евгений Норкин)

* * *

Бахт — ҳаётнинг мақсади эмас, унинг воситасидир.

(Поль Клодель)

* * *

Бахт ҳам, қулфат ҳам — жо-хилларни янада жоҳилроқ, яхши-ларни янада яхшироқ қилади.

(Александр Круглов)

* * *

Бахт ҳар бир эшикни камида бир марта қоқади.

(Уильям Хэзлитт)

* * *

Бахтга етказадиган йўлларнинг энг тўғриси меҳнат ва қатъийликдир.

(Луи Рейбо)

* * *

Бахтда ҳар ким ўз улушига эга: қашшоқлар ҳам, бадавлатлар ҳам, илмсизлар ҳам, олимлар ҳам, ҳайвонлар ҳам, инсонлар ҳам.

(Жюльен Ламетри)

* * *

Бахтдан кейин бахтсизлик, бахт-сизлик кетидан бахт келади. Доим фақат бахтсизлик бўлмайди, доим фақат бахт ҳам бўлмайди.

(Қадимги ҳинд ҳикмати)

* * *

Бахтли бўлишни истовчи киши учун иккита асосий восита бор: яхши соғлик ва паст хотира.

(Альберт Швейцер)

* * *

Бахтли бўлишнинг йўли — бош-қаларни бахтли қилиш.

(Роберт Ингерсолл)

* * *

Бахтли киши вақтни дақиқалар билан ўлчайди, бахтсизларга эса у ойларга чўзилади.

(Ж.Ф. Купер)

* * *

Бахтли кунларни кутиш, баъ-зан шу кунларнинг ўзидан ҳам лаззатлироқ бўлади.

(К. Паустовский)

* * *

Бахтли учун бахтсизга ақл ўрга-тиш осон.

(Эсхил)

* * *

Бахтли ҳаёт йўқ, фақат бахтли кунлар бор.

(Андре Терье)

* * *

Бахтни бошқа биров билан ба-ҳам кўрсанг у кўпаяди.

(Жюльен Ламетри)

* * *

Бахтсизлар ҳар доим айбдор.

(Франсуа Жозеф Лебийон)

* * *

Бахтсизларнинг дўсти бўлмайди.

(Жон Драйден)

* * *

Бахтсизлик бахтнинг нима эканини кўрсатади.

(Инглиз ҳикмати)

* * *

Бахтсизлик яхши мактаб дейишади, эхтимол шундайдир. Бахт эса яхши университет.

У эзгулик ва гўзалликка мойил қалбни тарбиялашни нихоясига етказади.

(А.С. Пушкин)

* * *

Бахтсизликдан қўрққан бахтга ета олмайди.

(Рус ҳикмати)

* * *

Баъзи бир олимлар банк хазиначисига ўхшашади: унда катта бойликларнинг калити бор, лекин бу бойликлар унга тегишли эмас.

(Людвиг Берне)

* * *

Баъзи нарсалар тўғрисида тўла ва ҳамма нарсалар тўғрисида эса баъзи нарсаларни билишга харакат қилинг.

(Генри Петер)

* * *

Баъзида жанжал чиқариш ўлимдан ҳам қийин бўлади.

(Грэм Грин)

* * *

Баъзида жимлик хавфдан хабар берувчи бўлади.

(Веслав Тшаскальский)

* * *

Баъзида жуда кам холларда бўлса ҳам миш-мишлар тўғри бўлиб чиқади.

(Ричард Бах)

* * *

Баъзида олдинга харакат кетга тепиш натижасида бўлиши мумкин.

(М. Задорнов)

* * *

Баъзида тушимизга ҳаётда бўлмайдиган нарсалар киради, ҳаёт эса баъзида ҳатто тушимизга ҳам кирмайдиган нарсаларга дучор қилади.

(Илья Шевелев)

* * *

Баъзида ҳаракатсизлик ҳам харакат.

(Владимир Монс)

* * *

Баъзилар агар башорати тўғри чиқса, охир замон келишига ҳам кувонган бўлишарди.

(Кристиан Фридрих Геббель)

* * *

Баъзилар берган сўзларини бажармасликдан ҳузурланиш учун сўз беришади.

(У. Хэзлитт)

* * *

Баъзилар йиқилмасликлари учун бошқарув рулига жон жаҳди билан ёпишишади.

(Веслав Брудзиньский)

* * *

Баъзилар мансабга эришиб, одамгарчиликдан чиқишади.

(Ф.Н. Глинка)

* * *

Баъзилар оғзига сувни яхширок тупуриш учун олишади.

(Валентин Домиль)

* * *

Баъзилар оғзидан ҳақиқат сассиқ чиқади.

(Жан Ростан)

* * *

Баъзилар ўз ватанларини худди сотадигандай мақташади.

(Жарко Петан)

* * *

Баъзиларга бўри бўлиб увиллагандан қўй бўлиб маъраш яраша ди.

(Жильбер Сесброн)

* * *

Баҳона — бу кўпинча ўзини оклаш.

(Брехт)

* * *

Баҳона топиб бўлмайдиган даражадаги мудхиш айблов бўлган эмас.

(Томас Мор)

* * *

Баҳсда ютишнинг ягона йўли бахслашмасликдир.

(Дейл Карнеги)

* * *

Беайбни айблашга қараганда жиноятни жазосиз қолдирган афзал.

(Траян)

* * *

Бебаҳо кишини сотиш осон

(Славомир Врублевский)

* * *

Бегона тўшакда доим ёмон ухлайсан.

(Колетт)

* * *

Бегона ўтлар хамма ерда хам ўсавермайди, улар факат эхтиёж бўлмаган ерлардагина ўсишади.

(Михаил Генин)

* * *

Бегунохни хам айблаш мумкин, лекин факат айбдоргина фош килинади.

(Апулей)

* * *

Бекорчи киши худди мили йўк соатга ўхшайди.

(Ж.Ф. Купер)

* * *

Беморга хамдард бўлган шифокор яхши даволайди, бу хамдардликни сезган бемор тез соғаяди.

(Эдуард Севрус)

* * *

Беморлар соғларга караганда серзарда бўлишади, аёллар эркакларга караганда, кексалар ёшларга караганда ва бахтсизлар бахтлиларга караганда.

(Аммиан)

* * *

Бетарафлик: ғолиблар томонида бўлиш.

(Пьет Хайн)

* * *

Бетартиб хордик ишлагандан хам кўпрок чарчатади.

(Рус мақоли)

* * *

Бетоблик — ялков учун байрам.

(Антифонт)

* * *

Бефарклик — кишиларнинг нодонликка карши курашининг бир тури.

(В.Б. Виб)

* * *

Бехатар ғалабани бетантана нишонлайсан.

(Пьер Корнель)

* * *

Биз билан курашаётганлар асабимизни мустаҳкамлайди, билим ва тажрибаларимизни ўткирлайди.

(Эдмунд Бёрк)

* * *

Биз бирор бир нарсанинг миллиондан бир фоизини ҳам билмаймиз.

(Т. Эдисон)

* * *

Биз бирор нимани билиш-билмаслигимизни билмаймиз.

(Метродор Хиосский)

* * *

Биз деярли доим тушунганимизни кечирамиз.

(Михаил Лермонтов)

* * *

Биз дунёга ёлғиз келамиз ва дунёдан ёлғиз кетамиз.

(Жеймс Фруд)

* * *

Биз заруриятдан унинг кучлилиги учун эмас, ўзимизнинг ожизлигимиз сабабли енгиламиз.

(Анна де Сталь)

* * *

Биз излаётган барча муъжиза — бизнинг ўзимиздир.

(Томас Браун)

* * *

Биз ота-оналаримиздан ҳам фарзандларимизни кўпроқ яхши кўрамиз.

(Альфред Конар)

* * *

Биз отамизни ҳам, синглимизни ҳам, аёлимизни ҳам яхши кўрамиз. Лекин қийналганимизда, аввало, онамизни эслаймиз.

(Н. Некрасов)

* * *

Биз фаришталар билан учрашамиз, лекин буни улар кетиб бўлганларидан кейингина англаймиз.

(Жорж Элиот)

* * *

Биз хафалигимиз учун йиғламаймиз, балки йиғлаганимиз учун хафамиз.

(У. Жеймс)

* * *

Биз ўз ақлсизлигимизнинг ижодкоримиз.

(Грэм Грин)

* * *

Биз ўз фазилатларимиз тўғрисида қанча кўп гапирсак, унга шунча ишонишмайди.

(Бошен Эдмон Пьер)

* * *

Биз ўзгалардан шубҳаланамиз, чунки ўзимизни жуда ҳам яхши биламиз.

(Анна де Сталь)

* * *

Биз қанчалик ақлга қараб иш тутсак, шунчалик озодмиз, кўнгилга қараб иш тутсак эса, шунчалик асоратдамиз.

(Лейбниц)

* * *

Биз ҳаётда жуда кўп нарсалардан завқланамиз — энтомологиядан ҳам, океанларни ўрганишдан ҳам, ҳужайраларнинг тузилишини текширишдан ҳам, фақат ҳаётнинг ўзидан эмас.

(Генри Миллер)

* * *

Биз ҳаётимиз китобидан бирорта ҳам бетни йиртиб ташлай

олмаймиз, лекин уни осонлик билан тўлалигича ўтга ташлашимиз мумкин.

(Жорж Санд)

* * *

Биз ҳатто умидсизликка тушганимизда ҳам умид қиламиз.

(Р. Гурмон)

* * *

Биз ҳақлик ёки ноҳақлик ҳиссиёти билан туғилмаймиз, бу ҳисларни қабул қилиш қобилияти билан туғиламиз.

(Пьер Дюпон)

* * *

Биз ҳурмат қиладиган кишимизга қараганда ҳам, бизга ёқадиган киши билан мулоқотда бўлишни кўпроқ ёқтирамиз.

(Кребийон)

* * *

Бизга қилинган танбеҳда ҳақиқат қанча кўп бўлса, у шунча аламли бўлади.

(Уилл Рожерс)

* * *

Бизда ҳалол кишилар авлиёлардан ҳам кам учрайди.

(В. Соловьёв)

* * *

Бизнесдаги муваффақиятнинг сеҳрли формуласи: харидорлар билан худди меҳмондай муносабатда бўл, хизматчилар билан эса одамдай муносабатда бўл.

(Томас Питерс)

* * *

Бизнесдаги ҳалоллик — мижозларни мунтазам алдашнинг ягона йўли.

(Филипп Бувар)

* * *

Бизнеснинг асосий сири сендан бошқа билмайдиганларни билишда.

(А. Онассис)

* * *

Бизнинг биладиганларимиз чекланган, билмайдиганларимиз эса чексиз.

(Апулей)

* * *

Бизнинг давримизда ва бизнинг дунёмизда ваъда фақат ўзимизга фойдали бўлганида бажарилади.

(Эмма Дарси)

* * *

Бизнинг давримизда оқлаш кўпинча сиёҳ ёрдамида амалга оширилади.

(Жорж Прентис)

* * *

Бизнинг исмимиз — бу бизнинг ўзимиз.

(Е. Сальверг)

* * *

Бизнинг ишимизда аслида қандайлигимиз, сўзимизда эса қандай бўлишимиз лозимлиги намоён бўлади.

(С. Смайлс)

* * *

Бизнинг такрорланмас ҳаётимизда ҳар бир кун тарихийдир.

(Александр Кумор)

* * *

Бизнинг тақдиримиз ахлоқимизга боғлиқ.

(Корнелий Непот)

* * *

Бизнинг энг асосий камчилигимиз шундан иборатки — бирор ни-

мани бажариш ўрнига уни кўпроқ мухокама қиламиз.

(Жавоҳарлал Неру)

* * *

Бизнинг ҳаётга бўлган назаримиз театр дурбинига ўхшайди, нарсаларнинг катта ёки кичик бўлиб кўриниши унинг қайси тарафидан қарашимизга боғлиқ.

(Эмиль Сувестр)

* * *

Бизнинг хаётимиз ер тагида томирлари бирлашиб кетган ўрмондаги дарахтларга ёки океандаги ороллар-га ўхшайди.

(Уильям Жеймс)

* * *

Бизнинг ҳаётимиз нодонлигимиз сабабли қисқаради.

(Спенсер Герберт)

* * *

Бизнинг хаётимиз шундайки: кўникмасанг — ўласан, ўлмасанг — кўникасан.

(М. Жванецкий)

* * *

Биласанми тилинг недур оғизда,
Ақл хонасига калит доимо!
Эшик ёпиқ бўлса билиб бўлмайди,
Хона ичра девми, фариштами ё!

(Ибн Камолпошшо)

* * *

Билганингни ҳар доим ҳам айтаверма, нима айтишни ҳам бил.

(Клавдий)

* * *

Билим бойлигига тўймайди одам,
Камаймас бошқага қанча берса ҳам.
Оламда билимдир ганжи бебаҳо,
Ким билим эгаси — ўша подшо.

(Тусий)

* * *

Билимга интилган илм билан шуғулланади. Билимга интилмаган бизнес билан шуғулланади. Билимни ҳам истамаган, бизнесни ҳам эплай олмаган сиёсат билан шуғулланади.

(Мерфи қонуни)

* * *

Билимсиз бўлгандан қашшоқ бўлган афзал, чунки қашшоқ пулдан махрум киши бўлса, билимсиз илмдан махрум кишидир.

(Аристипп)

* * *

Билимсизлик билан ишга
киришсанг,
Фойдаси бўлмайди қанча
тиришсанг.

(Тусий)

* * *

Билимсизликнинг учта тури мавжуд: ҳеч нарса билмаслик, ҳамма биладиган ахмоқона нарсаларни билиш, билиш лозим бўлмаган нарсаларни билиш.

(Шарль Дюкло)

* * *

Билишга интилувчи истак хеч қачон бажарилган иш билан қаноатланиб қолмайди.

(Ж. Бруно)

* * *

Билмаган кишига ҳамма нарса мумкин.

(Кристофор Виланд)

* * *

Биология нуктаи назари билан қаралса, сизни чақадиган ҳамма нарсанинг жинси кўпинча мода бўлади.

(Скотт Круз)

* * *

Бир авлод учун ҳашам ҳисоб ланган, кейинги авлод учун зарурият ҳисобланади.

(Энтони Кросленд)

* * *

Бир-бири билан курашадиган иккита хато танҳо ҳукмронлик қилаётган ҳақиқатдан маҳсулдорроқдир.

(Жан Ростан)

* * *

Бир булоқдан чиққан ирмоқларнинг баъзиларидан тиниқ, баъзиларидан эса лойқа сув оқиши мумкин.

(А.К. Дойл)

* * *

Бир вақтлар чин дилдан чиққан тилакларимиз ҳаётда куп марталаб намоён бўлади.

(Маргарет Фуллер)

* * *

Бир гапни куп такрорлайвериш, хатто итни ҳам жиркантиради.

(Хитой ҳикмати)

* * *

Бир гулдан гулчамбар қила олмайсан.

(Жорж Герберт)

* * *

Бир ишонч камайса — бир ажин кўпаяди.

(Ксавье Форнере)

* * *

Бир марта айтиш учун икки марта ўйлансанг, айтадиганингни икки марта яхши изҳор қиласан.

(У. Пенн)

* * *

Бир марта кўркқан киши кейинги марта ҳам кўрқади.

(Г. Жон)

* * *

Биров тўғрисида аник билмасдан туриб номаъқул гапни гапирма, билган тақдирингда ҳам буни нима учун гапираяпман деб ўзингдан сўра.

(Жорж Санд)

* * *

Бирор нимамизни йўқотганимизда хафа бўлиш эмас, ўзимизда қолган нарсаларга лойиқлигимиз қанчалик камлигини ўйлашимиз зарур.

(Пенн)

* * *

Бирорта ҳам ҳақиқий буюк киши ўзини ҳеч качон буюк ҳисобламаган.

(У. Хэзлитт)

* * *

Бир сафда бораётганларнинг мақсадлари ҳам бир бўлавермайди.

(Веслав Тшаскальский)

* * *

Бир хил туйғу билан банд халкни бошқариш осон бўлади.

(М. Лермонтов)

* * *

Бир шамолнинг ўзи бир кемани бандаргоҳга яқинлаштирса, бошқасини ундан узоқлаштиради.

(К. Боуви)

* * *

Бир ҳақиқат иккинчисини ёритади. *(Ж. Бруно)*

* * *

Бирга ибодат қиладиган оиланинг қалби ҳам бирга бўлади.

(Аль Скалпоне)

• • •

Биргина хотиржам фикр юритиш мингта шошилинч маслаҳатдан афзал.

(Вудро Вильсон)

• • •

Бирданига кўп илоннинг жиғига тегиш ярамайди.

(Б. Жонсон)

• • •

Биринчи навбатда тиш нариги дунёга кетади.

(Я. Ипохорская)

• • •

Биринчи қадаҳ чанқоқ босиш учун, иккинчиси — қувноқлик учун, учинчиси, роҳатланиш учун, тўртинчиси — ақлдан озиш учун.

(Анахарсис)

• • •

Бировлар инсофга эга, бошқа бировлар эса ҳамма нарсага эгалар.

(Юрий Рибников)

• • •

Бировларга таъна қилмасдан, уларни тушунишга ҳаракат қилиш зарур.

(Д. Карнеги)

• • •

Бировлар келажак учун бугуннинг баҳридан ўтишса, баъзилар шу дам учун келажак баҳридан ўтишади.

(Илья Шевелев)

• • •

Бировлар томонидан ихтиро қилинган ҳамма нарса бошқа кишиларга фойда келтиради.

(Жюль Верн)

• • •

Бировлар учун яшаётган кишининг ўз ҳаётини сақламасликка ҳақи йўқ.

(Франсуа Гизо)

• • •

Бировларнинг маслаҳатига қулоқ тутмайдиган кишидан яхши маслаҳатчи чиқмайди.

(Ж.Ф. Купер)

• • •

Бировларнинг тўғри фикрлашини тан олиш ўзингнинг хато фикрингни маъқуллашдан мақтовлироқдир.

(М. Ломоносов)

• • •

Бировларнинг фикрича, сиз бажара олмайдиганингизни бажариб қўйсангиз, бу сизга энг олий завқ келтиради.

(У. Бэджот)

• • •

Бировнинг хатоси — бошқа учун сабоқ.

(Ж. Рей)

• • •

Биродар, ғийбатга берилма сира,
Ғийбатчи юзлари қорадир, қора.

(Камолиддин Биноий)

• • •

Бирон қоғозга қўл қўймокчи бўлсанг, бирон одамни хафа қилиб қўймасликни ўйла.

(Қози Аҳмад Ғаффорий)

• • •

Бирон-бир доно фикр изласанг бу тўғрида кечаси ўйла.

(Эпихарм)

* * *

Бирон-бир ишни йўриқномани бузмасдан бажаришнинг иложи йўқ. Ишнинг бажарилиши билан йўриқнома бузилишини оқлаб бўлмайди.

(Мерфи қонуни)

* * *

Бирор-бир максадга жиддий интилиш — уни муваффакиятли якунлашнинг ярмидир.

(В. Гумбольдт)

* * *

Бирон-бир нарсани билмаслиги билангина кишига баҳо бериб бўлмайди, унинг қандай тез қарор қабул қилишига ҳам эътибор қилиш зарур.

(Максвелл)

* * *

Бирон-бир фанни тушуниш учун унинг тарихини билиш зарур.

(Огюст Конт)

* * *

Бирон-бир ўлкага ҳукмрон тайинлаганида хукмронлик нишони бўлган ханжарни топшираётиб Траян доимо шундай деган: «Сенга ушбу ханжарни тўғри иш килаётган бўлсам, мени қўриқлаш учун, агар нотўғри бўлса менга қарши ишлатиш учун бераётирман».

* * *

Бирор марта ҳам йиғламаган киши бахтлидир.

(Жорж Сантаяна)

* * *

Бирор нарсани тўғрилаш ҳеч качон кеч бўлмайди.

(Нэнси Тайер)

* * *

Бирор ниманг билан бошқалардан ажралиб тур. Ўйлаб кўрчи, агар Пиза минораси кия бўлмаганида унинг мавжудлигини ким ҳам билар эди.

(Луижи Пиранделло)

* * *

Бирор нимани инкор килиш, бу хали аниқлаш эмас.

(Лосев Алексей Федорович)

* * *

Бирорта ҳам жоҳил киши бахтли бўла олмайди.

(Ювенал)

* * *

Битта беайбни жазолагандан, ўнта айбдорни кечириш афзал.

(Рус мақоли)

* * *

Бодани ақлингга ғолиб этмагил.

(Афзалиддин Хоқоний)

* * *

Бозор — бу бир-бировни алдаш ва талаш учун махсус белгиланган жой.

(Анахарсис)

* * *

Бой — пули кўп камбағал.

(Уильям Клод Филдс)

* * *

Бойлиги учун уйланадиган киши ўз эркини сотади.

(Жорж Герберт)

* * *

Бойлик баъзи кишиларга фақат уни йўкотиб қўйишдан кўркувни пайдо килади.

(А. Ривароль)

* * *

Бойлик кишини ўзгартирмайди, фақат унинг никобини ечади.

(Альфонсо Тежа Забр)

* * *

Бола пайтингизда хозиргидай киши бўлиб етишишингиздан фахр ланармидингиз?

(Лоуренс Питер)

* * *

Болалар катталарга кам қулоқ со лишади, лекин уларга тузуккина таклид қилишади.

(Л. Болдуин)

* * *

Болаларни эрка ўстириш зарур, шунда улар ҳақиқий карокчилар бўлиб улғайишади.

(Евгений Шварц)

* * *

Болаликдаги қалбини йўқотмаган киши буюк инсондир.

(Мен Цзи)

* * *

Борига қаноат, яхшироғига эса ҳаракат кил.

(Исократ)

* * *

Борига каноат қилмаган киши ўзи орзу килган нарсасига эришганида унга ҳам каноат қилмаган бўлар эди.

(Бертольд Ауэрбах)

* * *

Бостириб суғориш экинга зиён қилгани каби, хаддан ташқари тўйиб овкатланиш хам кишига шунча зиён.

(Абу ал Фараж)

* * *

Ботирлик аскарларга чирой, ўғриларга эса айб.

(«Қонуни ҳикмат»дан)

* * *

Ботирни уруш синайди, оқилни — кахр, дўстни — мухтожлик.

(Араб ҳикмати)

* * *

Бошлиқнинг қобилияти кўл остидагиларнинг қобилиятига баҳо бериш билан ўлчанади.

(Роберт Лембке)

* * *

Бошқа тилни билиш иккинчи қалб эгаси бўлишдай гап.

(Буюк Карл)

* * *

Бошқалар билганларидан кўпни билмаслик — бу билимсизликдир.

(Жан Ростан)

* * *

Бошқалар қалбига тикандек санчиладиган ҳазилга кулиш ёвузликка шерик бўлишдир.

(Шеридан)

* * *

Бошқалардан яхши ишлайдиган кишини топиб улгурмай, у бошқалардай ишлай бошлайди.

(Анри де Монтерлан)

* * *

Бошқалар ўйламайдилар деб ўйлама. *(Юзеф Булатович)*

* * *

Бошқалар кўлидаги нонинг ушоғи ҳам катта кўринади.

(А.Д. Кантемир)

* * *

Бошқаларга нисбатан ўзимни беозор, мулойим, тоқатли, хушмуо-

мала қилиб кўрсатишим уларни яхши кўрганимдан эмас, бу хулким билан мен ўзимнинг жамиятда тутган ўрнимни мустаҳкамлайман.

(Альберт Швейцер)

* * *

Бошқаларга яхшилик қилишга шайланган киши, аввало, бу ишда унга халакит беришлари мумкинлигини ҳам назарда тутиши лозим.

(Анатолий Кашпировский)

* * *

Бошқаларни ишонтиришнинг ягона йўли — уларни эшитишдир.

(Дин Раск)

* * *

Бошқариш қонунлари кўп киши бўлган ердагина амал қилади. Бир киши бўлган ерда эса, бошқариш эмас, ўзининг алоҳида қонунлари билан мулоқот зарур бўлади.

(Симон Соловейчик)

* * *

Бошқача ном билан айтиладиган гамбургер икки маротаба қиммат туради.

(Эван Эсар)

* * *

Боғ яратишнинг бир канча усуллари мавжуд, уларнинг энг яхшиси — бу ишни боғбонга топширишдир.

(К. Чапек)

* * *

Боғ ҳисобига яшаш учун боғда яшаш лозим.

(Фрэнк Хаббард)

* * *

Боғда боғбон экмаган нарсалар ҳам кўп ўсади.

(Испан ҳикмати)

* * *

Бу дунёда бахт тўсатдан келади. Агар сен бахтга интилсанг ҳеч качон унга ета олмаслигинг мумкин. Бошқа мақсадларга харакат қилган пайтингда, сен ҳатто орзу ҳам қилмаган бахтингга эришишинг мумкин.

(Н. Готорн)

* * *

Бугун амалга ошмаган иш эртага амалга ошиши мумкин.

(К.Э. Циолковский)

* * *

Буйруқ берадиганингни яхши кўриш мумкин, лекин буни унга айтиб бўлмайди.

(Андуан де Сент-Экзюпери)

* * *

Бутун ҳаётинг ўрганиш эканини ва сен эътиборсиз ўқувчи эканлигингни умр тугаётганида билиб қоласан.

(В. Розанов)

* * *

Бутун ҳаётнинг натижаси — ўлим

(Зигмунд Фрейд)

* * *

Буюк алломалар ўз олдиларига мақсад қўядилар, бошқалар ўз истакларига эргашадилар.

(В. Ирвинг)

* * *

Буюк бир кишининг айтган сўзини такрорлашдан чарчамайман: «Ўрнига бошқани алмаштириб бўлмайдиган киши йўқ».

(Ф.Д. Рузвельт)

* * *

Буюк дахолар ўзидан пастларга ҳам беписанд бўлишмайди, бош-

қалар эса ўзидан юқорини ҳам писанд қилишмайди.

(Б. Фонтенель)

* * *

Буюк инсонларга ҳамма дуч келади, лекин кўпчилик улар билан учрашганини сезмайди ҳам.

(У.Э. Чэннинг)

* * *

Буюк киши ўз давридан олдин юради, ақлли у билан тенг, айёр ундан фойдаланишга ҳаракат қилса, нодон ўз даврига кўндаланг туради.

(Эдуард Бауэрнфельд)

* * *

Буюк кишилар бўйи пастлигини инобатга олинмаса, одатда, биздан фарқ қилишмайди.

(Макс Бирбом)

* * *

Буюк қайғулар сукут сақлайди, у кўз ёшлари билан намоён бўлмайди.

(Торквато Тассо)

* * *

Бюрократизм катагида фан олдинга ҳаракатлана олмайди.

(К. Либкнехт)

* * *

Бюрократия — имкони бор нарсани имкони йўкка айлантириш санъати.

(Х.П. Сальседо)

* * *

Бўрон кичик дарахтларга зиён қилмайди, катталарини эса синдириб, томири билан қўпориб ташлайди

(И. Дамаскин)

* * *

Бўш бош сира ҳам бўш эмас, унинг ичи кераксиз нарсалар билан тўла бўлади.

(Э. Хоффер)

* * *

Бўш вакти кўп киши, одатда, уни ҳеч ҳам вакти йўк киши билан ўтказишга интилади.

(Рене Клер)

* * *

Вайсақилик — ёш касали.

(Б. Жонсон)

* * *

Ватанни ҳимоя қилишдаги қаҳрамонлик — яхшилик, қарокчининг қаҳрамонлиги — ёмонлик.

(Бестужев Марлинский)

* * *

Ватанпарвар — бу ватанга хизмат қилаётган киши, ватан эса — бу биринчи навбатда халқдир.

(Н.Г. Чернишевский)

* * *

Вафодорлик олийжаноб ва комил инсонлар хислатидур.

(«Ахлоқи муҳсинин»дан)

* * *

Вашингтонда ягона содиқ дўст — бу ит. *(Гарри Трумэн)*

* * *

Вақт бор, вақт бўлди, вақт ўтиб кетди. *(Р. Грин)*

* * *

Вақт доим ҳаракатда: у сенга бирор нарсани тақдим қилади ёки бор нарсангни тортиб олади.

(Вильгельм Фишер)

* * *

Вактга хасислик мактовлидир.

(Томас Манн)

* * *

Вакт фақат китоблардагина тўхтаб туради.

(Ялю Курек)

* * *

«Вакт ярани даволайди» — бу фақат тасалли сўзлар, албатта, у ёлғон, лекин шундай бўлишини истардим.

(Марлен Дитрих)

* * *

Вакт ўтаверади, вакт келаверади.

(Жозе Сарамаго)

* * *

Вақт ўтган сайин бизнинг аждодларимиз кўпдан-кўп буюк қаҳрамонликлар қилишади.

(Веслав Брудзинский)

* * *

Вақт ўтган сайин нарсанинг моҳияти ҳам ўзгаради.

(Т. Лукреций)

* * *

Вакт ўтган сайин совимайдиган ўтли қаҳр йўқ.

(Ж. Боккаччо)

* * *

Вақт ҳам пулга ўхшайди: бўлар бўлмасга уни сарфлайвермасангиз у сизга етарли бўлади.

(Гастон де Левис)

* * *

Вақтни оқилона тақсимлаш фаолиятнинг асосидир.

(Я. Коменский)

* * *

Виждони бекарор кишиларга яқинлашма.

(Ф. Делакруа)

* * *

Виждони пок кишининг эҳтимол хотираси пастдир.

(Марсель Паньоль)

* * *

Виждонингни йўқотма, топилса азоб беради.

(Виктор Сумбатов)

* * *

Врач сизнинг касаллигингизнинг номини билиши, бу ҳали унинг нима эканини билади дегани эмас.

(Артур Блох)

* * *

Врачларнинг бизга баъзи нарсаларни тақиқлаши аҳволимизнинг унчалик ҳам ёмон эмаслигидан дарак беради: энг дахшатлиси — хеч нимани тақиқламагани.

(Роберт Лембке)

* * *

Вужудимда менга доим жаҳл қиладиган яна бир киши яширинган.

(Томас Браун)

* * *

Газета сифатининг ягона ўлчами — унинг тиражи.

(Уильям Рэндолф Хёрст)

* * *

Гап билан сухбатдошинг фикрини ўзгартириш қийин, баъзида ўзингники ўзгариши мумкин

(Альфред Камю)

* * *

Гапга усталикнинг асосий мақсади ўзгаларнинг гапиришига имкон бермаслик.

(Л. Вермейль)

* * *

Гапинг синишини истамасанг илтимос қилма.

(Жон Драйден)

* * *

Гапириш санъати эшитиш қобилиятига зарар қилади.

(Антон Лигов)

* * *

Гапирмасликни биласан, лекин жим туришни эплай олмайсан.

(Эпихарм)

* * *

Гирдоб ютиб кетишини истамаган киши сузишни билиши зарур.

(Г. Сенкевич)

* * *

Гомер поэмаларини Гомер ёзган, агар у ёзмаган бўлса, шу исмли бошқа бир киши ёзган.

(О. Хаксли)

* * *

Гулнинг тикани борлигига нолимайман, аксинча тиканнинг гули борлигига қувонаман.

(Жозеф Жубер)

* * *

Гунохни элдан яширмоқ, жим ўтирмоқ,
Вале ундан ёмон ёлғон гапирмоқ.

(Фахриддин Гургоний)

* * *

Гуноҳ қилиш барча инсонларга хосдир. Кишилар шу қилган гунохидан виждонлари қандай азобланиши билан бир-биридан фарқ қилишади.

(Альфери Витторио)

* * *

Гуноҳ қилишдан уял, тавба қилишдан эмас.

(Иоанн Златоуст)

* * *

Гўзаллик — бу шакл ва мазмуннинг мужассамлашишидир.

(Генрик Ибсен)

* * *

Гўзаллик ва илмга ташналик хеч ҳам бирга бўла олмайди.

(Томас Браун)

* * *

Гўзалликнинг йўлдоши доимо енгилтаклик бўлган.

(Проперций)

* * *

Дабдабабозлик одатда бизни қарзга ботиради.

(Этель Уотте Мамфорд)

* * *

Далилнинг кучи сонида эмас унинг асослилигида.

(Лотин ҳикмати)

* * *

Дарахт меваси ҳам охирида ширин бўлади.

(Николай Карамзин)

* * *

Дарёнинг йўналиши унинг манбаига боғлиқ эмас.

(Жан Кокто)

* * *

Дарз кетган козонга ямоқли қопқоқ ҳам бўлаверади.

(Япон ҳикмати)

* * *

Даромад билан эмас, харажат билан яшашади.

(Рус ҳикмати)

* * *

Дастлаб сиз ичкиликни талаб қиласиз, кейин ичкилик ичкиликни талаб қилади, сўнг ичкилик сизни талаб қилади.

(Синклер Льюис)

* * *

Демократия — бу тенгсизликни мустаҳкамлашнинг энг яхши йўли.

(Геннадий Малкин)

* * *

Демократия: нимани истасанг гапирасан, нимани буюришса бажарасан.

(Жон Берри)

* * *

Демократиянинг даражаси кишининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатмасдан босиб ўтадиган йўлининг узунлиги билан ўлчанади.

* * *

Денгизда иккинчи бор фалокатга учраган кишининг денгиздан нолиши нохақликдир.

(Жорж Герберт)

* * *

Дил уйин ғамлар супурса, не ажаб,
Янги шодликлар келурлар яркираб.

(Жалолиддин Румий)

* * *

Директор ҳам худди бошқалардай одам, лекин у бу ҳақда билмайди.

(Рэймонд Чандлер)

* * *

Доимо бирон-бир янги нарса яратилишидан олдин, мавжудининг эътибори пасайган бўлиши лозим.

(С Цвайг)

* * *

Доим кўркувдан титраб юриб бахтли яшаб бўлмайди.

(П.А. Гольбах)

* * *

Доимий муваффақият қароқчиларни яхши бизнесменларга айлантиради.

(В. Швебель)

* * *

Доимо тўйиб егандан, баъзида тўймай қолган афзал.

(Абу ал-Фараж)

* * *

Донишманд билан файласуф орасидаги фарқ нимада? Донишманд ноаниқни аниқ қилиб тушунтира олади, файласуф эса аниқни ноаниқ қилиб.

(Александр Красний)

* * *

Донишманд бўлиш санъати нимага эътибор бермасликни билишдадир.

(У. Жеймс)

* * *

Донишмандга ёқай десангиз, ўзингизнинг яхши томонларингизни кўрсатинг, нодонга ёқай десангиз, унинг яхши хислатларини бўрттириб кўрсатинг.

(Сэмюэл Тейлор Колриж)

* * *

Донишмандлар билан мулоқот — ажойиб нарса.

(Аристофан)

* * *

Донишмандлар хатто душманидан ҳам кўп нарса ўрганишади.

(Аристофан)

* * *

Донишмандлик тақдирни енгади.

(Ювенал)

* * *

Доно доим яхши сўзда — сухбатда. Эшитган бахраманд ундан албатта.

(Тусий)

* * *

Доно киши билан дўстлик янги чиққан ойдек тўлишиб боради, нодон билан дўстлик эса худди эски ойдек қисқариб боради.

(Виллювер)

* * *

Дори беморларга танлаб таъсир килади: ким унга ишонса соғаяди, ишонмаган касалланиб юраверади.

(Кир Буличев)

* * *

Драматург сахнадаги ясама жихозларни ўзгартиради, лекин актёрларни колдиради. Тангри эса тескарисини килади.

(Т. Маккоун)

* * *

Дунё азоб укубатларга тўла бўлса хам, шу азоб-укубатлар бартараф килинган мисолларга хам тўла.

(Хелен Келлер)

* * *

Дунё бепоён, хаёт эса гўзал ва ажойиб

(Уильям Годвин)

* * *

Дунё ишчилари эрта уйғонадиганларга тегишли.

(Колюш)

* * *

Дунё — менинг ватаним, барча инсонлар — менинг ога-иниларим, эзгу ишлар — менинг диним.

(Т. Пейн)

* * *

Дунё оптимистларга тегишли, пессимистлар эса унда фақат томошабин.

(Франсуа Гизо)

* * *

Дунё хаёти уч кун: кеча, бугун ва эрта. Кеча ўтди, эртанинг бўлиши номаълум. Шундай экан бугунги кунни қадрлаш лозим.

(Хасан Басрий)

* * *

Дунёга биз азобланиб келамиз, лекин уни хам осонлик билан тарк этмаймиз.

(Томас Браун)

* * *

Дунёда ёшлик даволай олмайдиган ғам йўк.

(В. Ирвинг)

* * *

Дунёда мавжуд нарсаларнинг бари бир вактлар орзу бўлган.

(Карл Эндберг)

* * *

Дунёда топай десанг омонлик,
Бировга заррача килма ёмонлик.

(Муҳаммад Жабалрудий)

* * *

Дунёда топилиши кийин бўлган энг такчил нарса — бу ҳакиқий адолатли киши.

(Ж.Ф. Купер)

* * *

Дунёда яхши китоблар кўп, лекин у китоблар уларни ўкий оладиганлар учунгина яхши.

(Д. Писарёв)

* * *

Дунёда хеч бир киши ўзи уйкудан турганидан кейин бошка бир кишининг кўрпа-тўшакда ётиш хукукини тан олмайди.

(Роберт Линд)

* * *

Дунёда хеч кимнинг кўмагисиз ўз йўлини топиб кетган кишилар жуда хам кўп.

(Антуан де Сент Экзюпери)

* * *

Дунёда хеч нимага хакиқатга эришилганидай кийинчилик билан эришилмайди.

(В. Ирвинг)

* * *

Дунёда қай замонда яшаётганликларини билмайдиган кишилар жуда ҳам кўп.

(Боб Хоуп)

* * *

Дунёда яхши кишилар жуда ҳам кўп, лекин уларнинг ҳаммалари жуда ҳам бандлар.

(Дон Аминадо)

* * *

Дунёдаги энг қийин иш — оддийликдир, бу — тажрибаликнинг юқори чегараси ва даҳоликнинг белгисидир.

(Жорж Санд)

* * *

Дунёдаги ҳамма нарса меҳнатга боғлиқ.

(Луи Пастер)

* * *

Дунёдан норози бўлган, аввало, ўзидан норози бўлиши зарур.

(Вильгельм Фишер)

* * *

Дунёни тартибга келтиришга интилиш зарур эмас, у азалдан ўз тартибига эга. Биз фақат ўзимизни шу тартибга мослашимиз зарур.

(Генри Миллер)

* * *

Дунёқарашингизни кўпинча атрофингиздаги кишилар шакллантиради.

(Р. Карлсон)

* * *

Душман билан ўпишгандан, дўстинг билан муштлашган афзал.

(Шолом Алейхем)

* * *

Душман, одатда, дўстдан чиқади.

(Э. Капиев)

* * *

Душман орттирмокчи бўлсанг, бирон-бир нарсани ўзгартиришга ҳаракат қил.

(Вудро Вильсон)

* * *

Душман сўзларига ишонса киши,
Пушаймон тортишдир окибат иши.

(Хожа Самандар Термизий)

* * *

Душманингдан эҳтиёт бўлиш дўстдан эҳтиёт бўлишдан осон.

(Алкмеон)

* * *

Душманингдан қўркаётганлигингни билдиришдан ортиқ уни рухлантирадиган нарса йўқ.

(Ф. Купер)

* * *

Душманингни хоҳ куч билан енг, хоҳ айёрлик билан, барибир эмасми?

(М.П. Вергилий)

* * *

Душманларимизнинг энг кичигидан кўпроқ қўркиш зарур.

(Лафонтен)

* * *

Душманларингга истаганча ваъда қилиб, лекин унинг баъзи бир арзимасларинигина бажарсанг, уларнинг устидан тантана қилардинг.

(Данте)

* * *

Душманларингдан қўркма — ошиб борса улар сени ўлдиришади. Дўстларингдан қўркма — ошиб борса улар сени сотишади. Бепарволардан қўрк — улар сени ўлдиришмайди ҳам, сотишмайди ҳам, лекин фақат уларнинг сўзсиз ро-

зилиги туфайли ерда сотқинлик ва қотиллик мавжуд.

(Эберхард)

* * *

Душманни кечириш дўстни кечиришдан осон.

(Уильям Блейк)

* * *

Душманни, уни ўзининг қуроли билан урадиган енгади.

(Генрик Ибсен)

* * *

Дўст бўлиш учун ит бўлиш шарт эмас.

(М. Задорнов)

* * *

Дўст — ёмон кунингда, мард — жангда, халол — қарз тўлашда, аёл — камбағалликда, қариндошлар — касал ётганингда билинади.

(Ҳинд ҳикмати)

* * *

Дўст — сизнинг тўғрингиздаги ҳамма нарсани билса ҳам сизни яхши кўрадиган киши.

(Жон Аулер)

* * *

Дўстга сотқинлик — кечириб ва оқлаб бўлмайдиган жиноят.

(Лопе де Вега)

* * *

Дўстингиз сизга 50 доллар қарз беришни ҳам рад қилса, демак, у сизни жуда ҳам яхши билади.

(Лоренс Питер)

* * *

Дўстлардан бирор нимани яшириш хавфли, лекин хеч нимани улардан яширмаслик ундан ҳам хавфли

(Лафонтен)

* * *

Дўстларингизни йўқотмасликнинг энг яхши усули — уларни сотмасликдир.

(У. Мизнер)

* * *

Дўстлик иплари қариндошликникидан кувватли, чунки дўстларни ўзимиз танлаймиз, қариндошларни эса бизга тақдир етказади.

(Ж. Боккаччо)

* * *

Енга олмайдиган кишингизни курашга чақирманг.

(Аттила)

* * *

Енгил табиатли киши жиддий нарсаларга енгил, оддий нарсаларга жиддий қарайди.

(Даламбер)

* * *

Енгилиш ёмон, лекин умуман стартга чиқмаслик ундан ҳам ёмон.

(Америка ҳикмати)

* * *

Ердан юлдузгача жуда узоқ, фойдалидан адолатлигача ҳам худ ди шундай.

(М. Лукан)

* * *

Етарлидан ортиқ билмасанг, хеч качон етарли билмайсан.

(Уильям Блейк)

* * *

Етишмовчилик пайтларини эсдан чиқар, лекин унинг сенга ўргатганларини эсдан чиқарма.

(Соломон Гесснер)

* * *

Ёвузликни қаршиликсиз қабул қилувчи унинг ёрдамчисига айланади.

(Мартин Лютер Кинг)

* * *

Ёзиб, уни имзонг билан тасдиқлаб билмайдиган нарса тўғрисида гапирма.

(Эрл Уилсон)

* * *

Ёзишни ҳамма билади. Лекин ёзувчилар бошқа хеч нимани билишмайди.

(М. Маклофлин)

* * *

Ёлғиз курашаётган киши энг кучлидир.

(Генрик Ибсен)

* * *

Ёлғизлик — кексаликнинг энг аниқ белгиси.

(А. Олкотт)

* * *

Ёлғизлик — синов кунларидаги энг аянчли ахвол эмас, энг аянчлиси — хеч нарса қилмасдан кўл қовуштириб ўтириш.

(Жон Голсуорси)

* * *

Ёлғизлик — энг аянчли ахвол. Баъзида у кишини ўлимгача олиб бориши мумкин.

(А. Грин)

* * *

Ёлғизлик — ўз-ўзингни синовдан ўтказишдир.

(Виктор Кротов)

* * *

Ёлғон худди сув устидаги мой каби хақиқат юзасида сузиб юради.

(Г. Сенкевич)

* * *

Ёлғонга ўхшаган хақиқатдан яхшироқ хақиқат йўк.

(С. Цвайг)

* * *

Ёлғонлиги аввалдан маълум бўлганни рост деб тасдиқлашдан ортиқ уятсизлик йўк.

(Кайковус. «Қобуснома»дан)

* * *

Ёлғонни тўтиқушдай такрорлайверма, ўзингдан хам бирор нима кўш

(Веслав Брудзинский)

* * *

Ёлғоннинг учта тури мавжуд: лоф, алдов ва хисобот.

(Юзеф Булатович)

* * *

Ёмон дўст сояга ўхшайди, куёшли куни ундан кочиб кутула олмайсан, булутли куни — излаб топа олмайсан.

(Абай Қунонбоев)

* * *

Ёмон ишлардан ўзини эҳтиёт килиб юрганларнигина билимдон дейиш мумкин.

(Форобий)

* * *

Ёмон киши кўмирга ўхшайди: куйдирмаса хам сени кора қилади.

(Анахарсис)

* * *

Ёмон кўрадиган кишимизнинггина хатосини кечириб бўлмайди.

(Г. Сковорода)

* * *

Ёмон тарбияланган кишини қайта тарбиялашдан қийини йўк.

(Коменский)

* * *

Ёмон фильмни яратиш яхши фильмни яратишдан осон эмас.

(Роберт де Ниро)

* * *

Ёмон яхшиликни билса ҳам ёмон,
Ит — итдир бўлса ҳам яхши
посбон.

(Абулмажид Саноий)

* * *

Ёмон яшовчилар яхши яшашга йўл кўйишмайди.

(Ларион Земсков)

* * *

Ёмонга кўшилма, бўлурсан ёмон,
Каросин юктирар доимо козон.

(Абулҳасан Фаррухий)

* * *

Ёмонларнинг олкишини олишдан осон иш йўк.

(Артуро Граф)

* * *

Ёмонлик билан муваффакиятли курашиш учун етарли даражада кахр бўлиши зарур.

(Анатолий Анисенко)

* * *

Ёмонлик — ёмонликни туғдиради.

(М. Лермонтов)

* * *

Ёмонлик худди тўлкинга ўхшайди, кирғокка урилиб оркасига кайтади.

(Г. Сенкевич)

* * *

Ёмонлик килиш учун кучи ва материали йўк кишининг яхшилик килишга хам кучи етмайди.

(Ф. Шеллинг)

* * *

Ёмонлик килишдан, ёмонликка чидаган афзал.

(Херман Хессе)

* * *

Ёмонликдан юз ўгирган ёмонлик кўрмайди.

(Абдулла Аҳмад Муҳаммад Али)

* * *

Ёмонликнинг илдизи — унинг мевасида.

(Борис Замятин)

* * *

Ёндириш — нотўғрилигини исботлаш дегани эмас.

(Ж. Бруно)

* * *

Ёруғ келажакни истасанг, коронғи кунингга ғамла.

(Л. Крайнов Ритов)

* * *

Ёш врач хар бир касалликка йигирма хил дори ёзиб беради, тажрибали врач эса — йигирма хил касалликка бир хил дори ёзиб беради.

(Уильям Ослер)

* * *

Ёш ўтган сайин жимлик кишининг дўсти бўлиб колади.

(Ака-ука Гонкурлар)

* * *

Ёш ўтган сайин киши ёшлигини ҳам, гўзаллигини ҳам, соғлиги ва шижоатини ҳам йўкота боради. Факат ёлғиз нодонликкина кишини тарк этмайди.

(Л. Ариосто)

* * *

Ёши катта бўлса ҳам иш билмай, факат гапни олиб кочадиган кишини одам деб хисобламаса ҳам бўлади.

(Коменский)

Ёшлар кексаларни нодон деб ўйлашади, кексалар эса ёшларнинг нодонлигини билишади.

(Жорж Чапмен)

* * *

Ёшларга куйидаги маслахатни берса бўлади: «Бажариш ўзингга ёкадиган кандайдир бир ишни излаб топ, шундан кейин унга хак тўлайдиган кишини хам топ».

(Кэтрин Уайтхорн)

* * *

Ёшлик — бу бой берилган имкониятлар даври. *(Сирил Конноли)*

* * *

Ёшлик — киши умрининг бахор даври, унда хаётнинг бўлғуси йиллари учун уруғ экилади.

(Я.Б. Княжнин)

* * *

Ёшликда киши пул топиш учун соғлигини сарфлайди, кексаликда эса соғлик топиш учун пулини сарфлайди, лекин бунга хозирча хеч ким эриша олмади.

(Хинд ҳикмати)

* * *

Ёшликда кўпинча аёл эркакнинг измида бўлади, кексайганда эса — эркак аёлнинг.

(И. Шевелев)

* * *

Ёшликда мехнат — хузурланиш, кексаликда хузурланиш хам мехнат.

(Илья Герчиков)

* * *

Ёшликда нима эксанг кариликда шуни ўрасан.

(Генрик Ибсен)

* * *

Ёшликда килган гунохларимизни кексаликда ювишга тўғри келади.

(П. Абеляр)

* * *

Ёшликдаги дўстимиз ёки душманимизни учратсак, калбимизни кандайдир бир ёкимли хис чулғайди.

(К. Коротков)

* * *

Жамият нотинч пайтда, хар бир бепарво — норозига, хар бир норози — душманга, хар бир душман кўпорувчига айланади.

(Франсуа Гизо)

* * *

Жамият учун бетайин кишидан ортик хавфли нарса йўк.

(Даламбер)

* * *

Жамиятнинг иллати деярли доимо унинг конунларидан келиб чикади.

(Э. Эчеверрия)

* * *

Жамиятнинг истисносиз барча бойликлари унинг мехнати натижасидир.

(Д.И. Писарев)

* * *

Жанг майдонидаги ғолиб ғолиб эмас, шухрат козонган ғолиб, шухрат ўлимни асирликдан юкори кўядиган томонда.

(Бестужев Марлинский)

* * *

Жасорат бизда жуда хам кўп, лекин уни кўрсатиш зарур бўлган аник бир вокеага дуч келганимизда жуда хам кам.

(Хелен Келлер)

* * *

Жасур генералнинг кўркок аскари бўлмайди.

(Япон ҳикмати)

* * *

Жаҳл чиққан пайтда айтилган гап ва қилинган ишни дўстлар ўртасида инобатга олиш ярамайди.

(Г. Сенкевич)

* * *

Жаҳл чиққан пайтдаги ҳар бир зарбангиз охир-окибат, шак-шубҳасиз ўзингизга қайтади.

(У. Пенн)

* * *

Жаҳли тез дўстингга ишонма, хатто у табиатан яхши киши бўлса ҳам

(Абу ал Фараж)

* * *

Жаҳли тез ҳеч қачон ҳақиқатнинг тагига етмайди.

(Қадимги Миср ҳикмати)

* * *

Жаҳлинг чиққанида алифбедаги ҳамма ҳарфларни ичингда айтиб бўлмагунингча бирор нарса дема ва бирор иш қилма.

(Афинодор)

* * *

Жаҳонда шундай бир масал юради: Айтилган сўз кумуш, айтилмаса зар!

(Ибн Камолпошшо)

* * *

Жиддий касалликлар савлатли кишиларни ёқтиришади.

(Геннадий Малкин)

* * *

Жимлик — сен эшитганларимнинг ҳаммасидан ҳам яхшисан!

(Б. Пастернак)

* * *

Жинниликни ҳам қилиш зарур, лекин жуда эҳтиёткорлик билан.

(А. Монтерлан)

* * *

Жиноят фойда келтириши учун адвокат бўлиб ишлаш зарур.

(Ушл Рожерс)

* * *

Жиноят эмас, нодонлик жазоланади.

(Маргарита Наваррская)

* * *

Жиноят янглишиш ҳисобланмайди, янглишиш жиноят ҳисобланади.

(Шарль Талейран)

* * *

Жиноятга қараганда унинг ҳунук оқибатлари узоқроқ яшайди.

(В. Скотт)

* * *

Жиноятни қорала, уни қилганни эмас.

(Япон ҳикмати)

* * *

Жиноятчи махбуслар орасидаги эси пастлари кўплигининг сабаби шундаки, эси пастларни ҳатто терговчилар ҳам тута олишади.

(Остин О'Мэлли)

* * *

Жиноятчига жазоланмаслик актёрга олкишдай бир гап.

(Эдуард Севрус)

* * *

Жуда тез ёзадиганларнинг камчилиги қисқа ёзишни билмаслигида.

(В. Скотт)

* * *

Жуда ҳам аниқ фактлардан ортиқ кишини чалғитадиган нарса йўқ.

(А.К. Дойл)

* * *

Жуда ҳам баланд кўтарилсанг, йиқилишингни тезлаштирасан.

(Лопе де Вега)

* * *

Жуда ҳам истасанг, лекин кўлингдан келмаса, яхшиси истамаганинг маъқул.

(Владимир Семенов)

* * *

Жуда ҳам катта бахтга эришишни кутиш бахтга етишишга катта тўсиқ бўлади.

(Бернар Ле Бовье де Фонтенель)

* * *

Жуда ҳам кўп нарсани исташ, демак, жуда ҳам кўп нарсадан кечишдир.

(Вильгельм Фишер)

* * *

Жуда ҳам одил ва ҳаддан зиёд оқил бўлма — ваҳимага тушиш сенга нимага керак?

(Экклесиаст)

* * *

Журъатсиз ва иккиланувчан кишиларга ҳеч ниманинг иложи йўқ, чунки уларга шундай туюлади.

(В. Скотт)

* * *

Журналистика — бу, ўзинг тушунмайдиган нарсангни бошқаларга тушунтириш.

(Алфред Чарлз Нортклиф)

* * *

Заковат бошқа, ақл бошқа. Ақл ижодкорлик билан, заковат топағонлик билан бир-биридан фарқ қилади.

(Карл Мария фон Вебер)

* * *

Зарур пайтда ўлишни истамаган ҳам, зарур бўлмаган пайтда ўлишни истаган ҳам бирдай кўркоқдир.

(Иосиф Флавий)

* * *

Зарурият кишиларни яхшилик қилишга мажбур қилмаса, улар нодонлигича қолаверадилар.

(Никколо Макиавелли)

* * *

Заҳар ҳамма нарсада мавжуд: таркибий миқдоригина уни заҳарга ёки дорига айлантиради.

(Парацельс)

* * *

Зид билан зиддан туғулгайдир фано,
Зидки йўқ эрса, қарор топгай бақо.

(Жалолиддин Румий)

* * *

Зиёлилар ўтириб ўлишади.

(Данил Рудий)

* * *

Зиёфатдаги сухбат, айниқса, у ердан камида иккита меҳмон кетганидан кейин кўпрок қизийди.

(Янина Ипохорская)

* * *

Зинапояни пастидан эмас юқорисидан супуришади.

(Немис ҳикмати)

* * *

Зиқна — пул қалъасида яширинаётган кўркоқ киши.

(Жон Стейнбек)

* * *

Зиқналар бойлигини шундай авайлашадики, худди ўзиникидай, лекин ундан шундай кам фойда ланишадики, худди бировникидай.

(Борисфенит)

* * *

Зиқналик — бу гадолик даражасигача етишишдан кўрқувчи доимий камбағалликдир.

(Бернар Клервоский)

* * *

Золимлик қилмай туриб, кишилар ўз кучларига ишонишмайди.

(Александр Солженицин)

* * *

Зулм ва ғазаб кўзларни кўр қилиб қўяди, натижада киши ҳақиқатни кўрмай қолади.

(Ҳожи Байрам Вали)

* * *

Ибодат гуноҳнинг йўлини тўсади, гуноҳ эса — ибодатнинг.

(Абдулла Аҳмад Муҳаммад Али)

* * *

Идрок — бу бир зумда фикрлаш.

(Абдулла Аҳмад Муҳаммад Али)

* * *

Иззат-икром феъл-атворни ўзгартиради.

(Г. Сенкевич)

* * *

Изоҳловчи ибора қора фикрларни тушунтириш учун ишлатилади.

(Козьма Прутков)

* * *

Икки аёлнинг дўстлиги доимо учинчисига қарши фитна бўлади.

(Альфонс Жан Кар)

* * *

Икки дўстнинг бири доим иккинчисининг қули бўлади, гарчи буни хеч қайсиси тан олмаса ҳам.

(М. Лермонтов)

* * *

Икки кишидан эҳтиёт бўлиш зарур: биринчиси — ашаддий душман, иккинчиси — айёр дўст.

(Қобуснома)

* * *

Икки минг йил бурун ёзилган китоб ҳам баъзиларнинг ҳаётини у ёки бу томонга буриши мумкин.

(С. Смайлс)

* * *

Илк таассурот қолдириш учун сенда иккинчи имконият бўлмайди.

(Америка ҳикмати)

* * *

Илм бу хазинадир, унинг сақловчиси эса — акл.

(У. Пенн)

* * *

Илм илм билан топилади.

(Абдулла Аҳмад Муҳаммад Али)

* * *

Илм келади, донишмандлар эса колади.

(Альфред Теллисон)

* * *

Илм нодонни ҳам олимга айлантириши мумкин, лекин у туғма камчиликни тўғрилай олмайди.

(Эдмон Пьер Бошен)

* * *

Илм ортидан қувиб, донолигимизни йўқотдик.

(Т. Элиот)

* * *

Илм ўрганганда мисоллар кой далардан фойдалирок.

(Исаак Ньютон)

* * *

Илмга ўргатиш мумкин, донишмандликни ўргатиб бўлмайди.

(Г. Гессе)

* * *

Илмга ҳам худди овқатга бўлгандай муносабатда бўлишимиз керак. Биз фақат илмли бўлиш учун яшамаймиз, худди фақат овқат ейиш учунгина яшамаганимиздай.

(Ж. Рескин)

* * *

Илмдан олдин ҳар доим тахмин юрган.

(В. Гумбольдт)

* * *

Илми идрок қилиш қобилиятидан кучли бўлган кишининг ўзига қараганда ўзгаларга фойдаси кўпрок тегади.

(У. Пенн)

* * *

Илмий адабиёт кишиларни бесаводликдан кутқаради, нафис адабиёт эса — қўполлик ва қабихликдан.

(Н. Чернишевский)

* * *

Илмий изланиш — давлат томонидан молиялаштириладиган шеъриятнинг ягона тури.

(Жан Ростан)

* * *

Илмий фикрлашнинг мақсади — яккада умумийликни ва ўткинчида абадийликни кўришдир.

(А.Н. Уайтхед)

* * *

Илҳом шеъриятда ҳам, геометрияда ҳам бирдай зарур.

(А.С. Пушкин)

* * *

Имкон топишга эришиш учун имкони йўқ нарсаларни ҳам бажариш зарур.

(А. Рубинштейн)

* * *

Имкони туғилганида дунё неъматларидан фойдаланиб қол, чунки сен ўткинчи тасодифлар қўлидасан. Ҳеч қачон ҳузурланишни эртага қолдирма, чунки эртага ҳам бундай имкон туғилишига ҳеч ким кафил бўла олмайди.

(Араб ҳикмати)

* * *

Имконияти борида истамаганнинг истаганида имконияти бўлмайди.

(Иоанн Солсберийский)

* * *

Инсон бошқа кишини бахтли қила олмайди, лекин бахтсиз қилиши мумкин.

(Томас Шац)

* * *

Инсон бўлиш учун жуда кўп нарсаларни бошдан кечириш лозим.

(Сент Экзюпери)

* * *

Инсон гапира олгани сабабли инсондир, лекин нима гапиришни билиши учун у, аввало, инсон бўлиши зарур.

(В. Гумбольдт)

* * *

Инсон жамиятининг хаёти табиат қонунлари билан белгиланмайди.

(Симона де Бовуар)

* * *

Инсон меҳнат, ғам, ташвиш ва қувонч учун туғилган. Улардан бирортаси етишмаса ҳам ҳеч қандай ҳаёт тўғри бўла олмайди.

(Ж. Рескин)

* * *

Инсон сўзлашга ўрганиши учун икки йил зарур, гапирмасликка ўрганиши учун эса олтмиш йил.

(Л. Фейхтвангер)

* * *

Инсон табиатининг энг чуқур хусусияти, кишилар ўз хизматларини муносиб баҳоланишини исташларидадир.

(У. Жеймс)

* * *

Инсон фаришта ҳам, ҳайвон ҳам бўлиб қолиши мумкин.

(Иоанн Златоуст)

* * *

Инсон характери ёшлигидан бошлаб то ўлгунча шаклланади.

(Элеонора Рузвельт)

* * *

Инсонийлик — бу физик характеристика эмас, бу руҳий мақсад.

(Ричард Дэвис Бах)

* * *

Инсон қанчалик ҳар томонлама баркамол бўлса, у шунчалик кучдан ожизлашади. Ким ҳар хил нарсаларга ўзини урса, уларнинг алоҳида ҳар бирида ўзини кучсизроқ кўрсатади. Куч ва илм ҳар доим тескари пропорционал нисбатда бўлади.

(В. Гумбольдт)

* * *

Инсон ҳаёти бебаҳо бўлса ҳам, биз доим ундан ҳам қимматроқ нарса бордек ҳаракат қиламиз.

(Антуан де Сент Экзюпери)

* * *

Инсониятнинг буюк бахтсизликларидан бири — нодон олимлар кўплигидир.

(К. Чапек)

* * *

Инсонлар бажарувчи ва мухокама қилувчиларга бўлинадилар.

(Николай Рерих)

* * *

Инсонлар келиб-кетишаверади, аммо уларнинг қилган ишлари қолади.

(Ф.Н. Глинка)

* * *

Инсонлар мубтало бўлган мусибатларнинг энг каттаси ё дунё, ё охират ишига машғул бўлмай, бекор ўтирмоқдир.

(Саҳл Тустарий)

* * *

Инсонни тақдир яратади.

(Л. Фейхтвангер)

* * *

Инсоннинг ақли чекланган, қалби эса чегара билмайди.

(А. Ривароль)

* * *

Инсоният тақдири — инсонлар қўлида. Дахшатлиси ҳам шунда.

(Владислав Гжечик)

* * *

Инсониятда фақат иккита йўл бор: юксалиш ёки инқирозга юз тутиш; соф ҳолдаги консерватизм дунё конунларига зиддир.

(А.Н. Уайтхед)

* * *

Инсоният ўз хатоликларидан ўрганади дейишгани рост бўлса, бизни ёркин келажак кутмоқда.

(Лоренс Питер)

* * *

Интеллекти ва дунёкараши билан бошқалардан устун бўлган хар қандай киши, ўз истаги ёки эркидан ташқари, бошқалар учун хам жавоб бериши зарур.

(Жюль Верн)

* * *

Зиёли — уни туртишганида кечирасиз деб жавоб берадиган киши.

(Сигизмунд Кржижановский)

* * *

Зиёли — шу сўзни тўғри ёза оладиган хар қандай киши.

(М.М. Звонарёв)

* * *

Интернетга кирмасдан олдин мен дунёда шунча ахмоқлар борлигини билмаган эдим.

(Станислав Лем)

* * *

Интернетда сени ит эканлигингни хеч ким билмайди.

(Питер Стайнер)

* * *

Инкилоблар қанчалик санъат асарлари ва ёдгорликларни нобуд килганлигини ўйлаш жуда хам оғир. *(Делакруа)*

* * *

Ирим-сиримларга ишонманг, бу бахтсизлик келтиради.

(Тристан Бернар)

* * *

Исботнинг йўклиги йўкнинг исботи бўла олмайди.

(Майкл Папагианнис)

* * *

Исботсиз қабул килинганни исботсиз инкор килса хам бўлади.

(Евклид)

* * *

Истаганингча яшай олмасанг, билганингча яша.

(Цецилий Стаций)

* * *

Истак бўлиб, имконият бўлмаса, кобилиятингиз етишмагани.

(Гелий Аронов)

* * *

Истак — умиднинг бешиги.

(Андриан Декурсель)

* * *

Истак ва афсус ўртасида доим нодонликка жой топилади.

(Дарк Даниэль)

* * *

Истисноси бўлмаган коида: истисносиз коида бўлмайди.

(Уильям Бакли)

* * *

Ит ва мушук ўртасида пайдо бўлган дўстлик ошпазга карши иттифокдан бошка нарса эмас.

(С. Цвайг)

* * *

Ит одамларга шундай содик бўладики, хатто кишиларнинг шунчалик яхши кўрилишига лойик эканлигига ишонгинг хам келмайди.

(Илья Ильф)

* * *

Итга ташланган суяк рахмдиллик белгиси эмас: рахмдиллик — бу ўлгудай оч бўлган пайтингда ўзингда бор бўлган бир бўлак суякни ит билан бирга бахам кўришдир.

(Жек Лондон)

* * *

Итдай яшаб, киролдай ўлишдан ортик нодонлик йўк.

(Роберт Бартон)

* * *

Иттифокчилари бўлган тўлиқ мустақил бўла олмайди.

(Гарри Трумэн)

* * *

Ихтиро қилиш осон, унинг амалда қўлланилишини топиш қийин.

(Томас Эдисон)

* * *

Ичимлик қанчалик енгил бўлса, ақл шунчалик соғлом, қон совуқ, қалб эса бехавотир бўлади.

(У. Пенн)

* * *

Иш берувчининг ахволини ёмонлаштириш орқали ишчининг ахволини яхшилаб бўлмайди.

(У. Боуткер)

* * *

Иш берувчининг орзуси — ишчиларсиз ишлаб чиқариш, ишчиларнинг орзуси — ишламасдан ҳақ олиш.

(Эрнст Шумахер)

* * *

Иш унинг учун ажратилган вақтни тўла банд қилади.

(Сирил Норткот Паркинсон)

* * *

Иш ютилганида адвокат мижозга: «Биз ютдик» дейди, иш ютқазилганида эса, «Сиз ютқаздингиз» дейди.

(Луис Найзер)

* * *

Иш қанчалик яхши бўлса, уни тушунтириш шунча қиска бўлади.

(Пётр Капица)

* * *

Ишдан бўшатмасликлари учун баъзилар ишдан бошқа ҳамма нарсага тайёр бўлишади.

(Альфред Ньюмен)

* * *

Иши юришаётган киши ҳеч качон ўзини фақат шахсий хислатлари учун яхши кўрадилар деб ўйламаслиги керак.

(Марк Анней Лукан)

* * *

Иши юришаётганларга бўлган нодонларнинг ҳасадини уларнинг иши яхши тугамайди деган гумон юмшатиброқ туради.

(Макс Бирбом)

* * *

Ишинг қанчалик юришмаса, шунча яхши кийинишинг зарур.

(Инглиз ҳикмати)

* * *

Ишлашни истаганлар чора излайдилар, истамаганлар эса — бахона.

(С.П. Королёв)

* * *

Ишонма, кўркма, сўрама.

(Варлам Шаламов)

* * *

Ишонмайдиган кишингни ишга ёллама, ишга ёллаган кишингга эса ишон.

(Хитой ҳикмати)

* * *

Ишонмаслик хатодир, аммо ҳаммага ишонавериш жиноятдир.

(Рохас)

* * *

Ишонувчанни алдаш — окиллик эмас. Кўкрагингга бош қўйиб ухлаганни ўлдириш — мардлик эмас.

(Қадимги ҳинд ҳикмати)

* * *

Ишонч мустаҳкам бўлиши учун алдов узоқ бўлиши зарур.

(Дон Аминадо)

* * *

Ишончлини ташлаб, ишончсизга интилган ишончлини йўқотади, ишончсиз эса аввалбошдан унга бегона.

(Хинд ҳикмати)

* * *

Иштаҳа овқатланиш пайтида келади.

(Франсуа Рабле)

* * *

Иштаҳа овқатланиш пайтида келади, айниқса, бошқа киши овқатланаётганида.

(Ян Климек)

* * *

Ихтирони туйғуси ғоясидан устун бўладиган кишилар қилишади.

(Эндрю Янг)

* * *

Ичидагиси зерикарли бўлиб қолмаслиги учун тез-тез упаковкасини ўзгартириб туриш лозим. Шунинг учун ҳам аёллар мамнуният билан модага эргашишади.

(Ноуэл Ковард)

* * *

Иқтисод: баъзиларнинг даромадини қирқиш.

(Жон Б. Мортон)

* * *

Иқтисодда ижодий фикр фойда билан тасдиқланади.

(Владимир Микушевич)

* * *

Йиқилганни уриш яхши эмас. Лекин хавфсиз.

(Анжей Сток)

* * *

Йўқ асти нолишим бегоналардин,
Не келса бошга келди ошинодин.

(Ҳофиз Шерозий)

* * *

Йўқ кишилар ҳеч қачон ҳақ бўлишмайди.

(Рохас)

* * *

Йўқотадиган нарсанг бўлмаса таваккал қилиш мумкин.

(Жан-Луи Лэ)

* * *

Йўқотадиганинг қанча кўп бўлса, ишонч шунча кам бўлади.

(Силован Рамишвили)

* * *

Кам билган кам нарсанигина ўргата олади.

(Коменский)

* * *

Кам гапир, оз егину кам ухла.

(Мотуридий)

* * *

Кам гапирган ишини тез битказади.

(В. Скотт)

* * *

Кам қийналган одам, кам роҳат топади.

(«Қонуни ҳикмат»дан)

* * *

Камбағал киши сехргарга ўхшайди: у бутун дунёни кўради, уни эса ҳеч ким кўрмайди.

(Хинд ҳикмати)

* * *

Камбағалга қарзга беришдан бадавлатга текинга беришни афзал кўришади.

(Жан Пети-Сенн)

* * *

Камбағаллик кишини нафақат хомуш, балки донишманд ҳам қилади.

(Бертольд Брехт)

* * *

Камбағалнинг душмани кам бўлади, бадавлатнинг дўсти эса ундан ҳам кам.

(Мейдани)

* * *

Камбағалларнинг ҳиммати чексиз, ҳеч ким ўз ғояларини тарқатишда улардай сахий бўлмайди.

(Г. Лауб)

* * *

Камбағаллик маблағ йўқлигини билдиради, олийжанобликнинг йўқлигини эмас.

(Ж. Боккаччо)

* * *

Камбағаллик танга ҳам, қалбга ҳам жулдур кийимлар кийдиради.

(Араб ҳикмати)

* * *

Камбағалликнинг сабаби, кўпинча, виждонлилик ҳисобланади.

(Курций)

* * *

Камбағалликнинг устунликларидан бири: врач сизни тезрок даволайди.

(Фрэнк Хаббард)

* * *

Камга кўнадиган кишигина бошқаларга мехрибон бўлади.

(Ж. Рескин)

* * *

Камга кўнган киши ташвишсиз яшайди.

(Вишнаусарман)

* * *

Камон ўқининг яраси тузалади, чопилган ўрмон қайтадан ўсади, лекин аччиқ тил етказган яра ҳеч качон тузалмайди.

(Қадимги ҳинд ҳикмати)

* * *

Камтарлик — энг олий мардлик.

(Араб ҳикмати)

* * *

Камтарликнинг камситилиш даражасигача етишига йўл қўймаслик даркор.

(Аббосқули Боқихонов)

* * *

Камтарона кийинган нодон оқилдай кўринади.

(Михаил Генин)

* * *

Камчилиги кўп кишининг ҳукмдори ҳам кўп бўлади.

(Франческо Петрарка)

* * *

Камчиликда бўлганимизда жасоратимиз, кўпчиликда бўлганимизда чидамимиз синовдан ўтади.

(Ралф Сокман)

* * *

Капитализм — бу кишиларни ўз ҳолига ташлаб қўйилганида уларнинг шуғулланадигани.

(Кеннет Мигоут)

* * *

Капитализмнинг асосий тамойили учта сўзда мужассамлашган: «Сен ёки мен», лекин «Сен ва мен»да эмас.

(Уильям Лейбниц)

* * *

Катта бўлишни орзу киладигангина ҳакикий ёшдир.

(Владислав Гжечик)

* * *

Катта дарвоза ёнида доимо кичкина эшикча ҳам бўлади.

(Владислав Гжегорчик)

* * *

Катта илм — бу санъат, катта санъат — бу илм.

(К. Кушнер)

* * *

Катта кишилар уришганларида кичикларга қийин бўлади.

(Герберт Жорж Уэллс)

* * *

Катта шаҳарларда кўп нарсани кўриш мумкин, кичик шаҳарларда эса — кўп нарсани эшитиш.

(Жан Кокто)

* * *

Кекса врачларга қараганда кекса пиёнисталарни кўпрок учратасан.

(Франсуа Рабле)

* * *

Кексаларнинг донишмандлиги тўғрисидаги фикр — янглишдир. Кексалар донишманд эмас, улар фақат эҳтиёткордирлар.

(Эрнест Хемингуэй)

* * *

Кексаликни сўкиш керак эмас, чунки ҳаммамиз шунгача яшашни истаймиз.

(Борисфенит)

* * *

Кексаликни қирк ёшдан кейин тушуна бошлайсан ва шу ёшдан кейин ёшликни ҳам тушунмай бошлайсан.

(К. Брандис)

* * *

Келажак — бу, унинг қаршисига соатига 60 дақиқа тезликда пешвоз чиқаётганимиз.

(Клайв Льюис)

* * *

Келажак яхши, ўтмиш эса қадрли.

(Евгений Норкин)

* * *

Келажак ҳар доим ҳозиргидан яхши бўлиб кўринади.

(Полибий).

* * *

Келиб чиқиши нуқтаи назаридан ҳамма кишилар тенгдир ва ҳеч кимга ўз оиласини бошқаларга қараганда туғма равишда устун қўйиш ҳуқуқи берилган эмас.

(Т. Пейн)

* * *

Келишув — бу икки томоннинг ҳам хато деб ҳисоблайдиганини бажаришга келишиши.

(Эдуард Сесил)

* * *

Кескин ва кўпол муомала қиладиган киши олдида барча эшиклар ёпилади.

(С. Смайлс)

* * *

Кетаётиб қайтишни унутма.

(Граффити)

* * *

Кетар бировдин инсоф, диёнат,
Кеча кундуз бўлур фикри хиёнат.

(Ҳувайдо)

* * *

Кечаги хурсандчилик эртага қарзга айланиб қолиши мумкин.

(Арнольд Тойнби)

* * *

Кечга қолганнинг кайфияти вактида келганникидан яхшироқ бўлади.

(Э. Лукас)

* * *

Кечиктириш — рад қилишнинг энг хунук тури.

(Сирил Норткот Паркинсон)

* * *

Кечқурун ўзини эрталабгидай хис қиладиган киши — ёш, эрталаб ўзини кечқурунгидай хис қиладиган киши кекса.

(Тадеуш Котарбиньский)

* * *

Кибр — бу ўзидан бошқа кишиларни менсимасликдир.

(Феофаст)

* * *

Ким бировдан қарз олиб, уни қайтармасликни ният қилса, у ўғридир.

(Абу Хурайра)

* * *

Ким илон инидан бўлмиш ярадор,
Атрофидан ўтмас у иккинчи бор.

(Абулмалик Муиззий)

* * *

Ким ўз нодонлигини тан олади? Фақат ақлли киши.

(Евгений Петросян)

* * *

Кимга қарши дўстсиз?

(Анна Ахматова)

* * *

Кимгадир кетмон оғир, кимгадир қалам.

(Абдулла Аҳмад Муҳаммад Али)

* * *

Кимгадир хар биримиз мижғовмиз.

(Эдит Ситуэлл)

* * *

Кимки: «Анави кишининг хулқи меникидан ёмонроқ», деган гумонда бўлар экан, у мутакаббирдир.

(Абу Язид)

* * *

Кимки бадавлатлик айёмида дўстларидан узоқлашса, ожизлик айёмида унга ҳеч ким ёрдамга келмайди.

(«Қонуни ҳикмат»дан)

* * *

Кимки захмат чекмади,
Рохатга ҳам етмади.

(Ҳофиз Шерозий)

* * *

Кимки иш охирин ўйлайди аввал,
Охири шарманда бўлмас ҳеч
маҳал.

(Жалолиддин Румий)

* * *

Кимки, таний олмас нақди гавҳарин,
Билмайин ирғитиб, топар зарарин.

(Тусий)

* * *

Кимки эҳтиёт совутини кийиб олса, замон ҳодисаларининг ўқидан омон қолади.

(Қози Аҳмад Ғаффорий)

* * *

Кимнинг феъл-атвори яхши ё ёмон,
Шу феълини барчага тиркайди
осон.

(Тусий)

* * *

Киноя қарши эътиборсиз бўл, баъзида, хатто хушмуомала бўл.

(Шарль Дюкло)

* * *

Китоб — кўзгу: агар унга орқа ўгирсак, авлиёнинг акси кўриниши маҳол.

(Лихтенштейн)

* * *

Китоблар — доноликни сингдириш қуролидир.

(Коменский)

* * *

Китобларни ёқишдан ҳам оғирроқ жиноятлар бор. Шулардан бири — уларни ўқимаслик.

(Иосиф Бродский)

* * *

Кичик гуноҳ учун аямай жазолашади, каттаси учун мукофотлашади.

(Б. Жонсон)

* * *

Кичик муваффақиятларнинг кўплиги катта ғалабанинг гарови бўла олмайди.

(В. Швёбель)

* * *

Кичик одатлардан кечганга қараганда буюк мақсадлардан кечиш осонроқ

(А. Кумор)

* * *

Кичкина учқундан катта олов ёнади.

(Данте)

* * *

Кичкинагина калит билан катта сандиқни очса бўлади.

(Расул Гамзатов)

* * *

Киши бойликсиз ҳам бахтли яшаши мумкин. Лекин, фаровонлик бахтли яшаш учун шартдир.

(Н.Г. Чернишевский)

* * *

Киши бошқаларга қараганда кўпни истамаса, бахтли яшаган бўларди.

(Силован Рамишвили)

* * *

Киши дунёда фақат ўзининг бахтли бўлиши учунгина яшаши керак эмас. У одамгарчиликнинг буюк қонунларини тушуниши ва унга амал қилиб яшаши зарур.

(Уильям Юарт Гладсон)

* * *

Киши кишига кўзгу.

(Турк ҳикмати)

* * *

Киши табиатининг энг яхши фазилати — бу, унинг бошқа кишиларни ёктиришга мойиллигидир.

(Дэвид Юм)

* * *

Киши тўғрисида унинг дўстлари ҳамда душманларига қараб хулоса чиқариш зарур.

(Жозеф Конрад)

* * *

Киши тўғрисида унинг кийинишига қараб эмас, аёлининг кийинишига қараб баҳо бер.

(Томас Дьюар)

* * *

Киши тўғрисидаги фикр худди ҳар қандай нарса тўғрисидаги фикрдай, унга қанчалик масофадан қаралишига боғлиқ.

(Б. Жонсон)

* * *

Киши ўз касаллигининг тарихини ўзи яратади.

(Иван Иванюк)

* * *

Киши ўз фойдаси учун бирор нима қилмаса, вақт ҳам, тасодиф ҳам унинг учун ҳеч нима қила олмайди.

(Жорж Каннинг)

* * *

Киши калби — дунёдаги энг буюк мўъжиза.

(Данте)

* * *

Киши калбига кўп йиғлаган кўзларгина чукур карайди.

(Элиза Ожешко)

* * *

Киши канча кўп тушунса, унинг тушунишга бўлган истаги шунча кучлирок бўлади.

(Фома Аквинский)

* * *

Киши канча нодон бўлса, уни тушуниш шунча кийин бўлади.

(Владимир Дубинский)

* * *

Киши канчалик илмли бўлса, у жамиятга шунчалик фойдали бўлади.

(А.С. Грибоедов)

* * *

Киши канчалик содда гапирса, уни шунча осон тушунишади.

(Ж.Ф. Купер)

* * *

Киши канчалик халол ва соф бўлмасин, унинг ўз гунохлари бўлади ва шу гунохлари билан арши аълога кира олмайди, гунохлари бу дунёда ёниши зарур. Бизнинг гуноҳларимиз чекадиган азоб-укубатларимизда ёнади.

(Александр Елганинов)

* * *

Киши кахрамон бўлиши учун бир он кифоя, лекин комил инсон бўлиб шаклланиши учун бутун бир умр талаб килинади.

(Поль Брюла)

* * *

Киши хаётлик давридаёк ўз мулкини кандай таксимлаши тўгрисида ўйлаши зарур.

(Уильям Юарт Гладсон)

* * *

Киши хеч качон ўзига туюлганидек даражада бахтсиз бўлмайди.

(Болеслав Прус)

* * *

Кишига лозим эрур хар на холда шукр,
Хох камолда бўлсин, хох заволда, шукр.

(Огаҳий)

* * *

Кишига кўп нарса зарур, лекин ози билан хам яшай олади.

(Голланд ҳикмати)

* * *

Кишига ўзга кишилар озодлигини поймол килишга хукук берадиган вазиятлар бўлиши мумкин эмас.

(Жюль Верн)

* * *

Кишилар билан бирга бўлиш кандай бахт.

(Франц Кафка)

* * *

Кишилар бир хил фикрлайдиган ерда кам ўйланишади.

(М. Уолтер)

* * *

Кишилар камчиликдан эмас, ожизлик ва бахтсизликдан нафратланишади.

(Лейбниц)

* * *

Кишилар кўпинча кўшнилари саёхатга чикишгани учунгина саёхатга чикишади.

(О. Хаксли)

* * *

Кишилар онгига ахлоқ ва урф-одатларни сингдириш улар учун қонунлар чиқариш ва судлар тайинлашдан анча муҳимдир.

(О. Мирабо)

* * *

Кишилар театрга йўталишгани учун келишадими ёки театрга келишгани учун йўталишадими?

(Пьер Данинос)

* * *

Кишилар устидан ҳукмронликка фақат уларга хизмат қилиш орқали эришилади — бу инкор қилиб бўлмайдиган қоида.

(Виктор Кузен)

* * *

Кишиларнинг ўз имтиёзларига мукофот деб қарашидан қанчаданканча тушунмовчиликлар пайдо бўлади.

(Жильбер Сесброн)

* * *

Кишилар ўз отасига қараганда ўз даврига кўпроқ ўхшашади.

(Шарқ ҳикмати)

* * *

Кишилар қушлар уларнинг завқланиши учун сайрашади, деб ўйлайдилар.

(Ж. Сесброн)

* * *

Кишилар ҳатто олдиндан билишса ҳам, ўз тақдирларидан кочиб кутулолмайдилар.

(Иосиф Флавий)

* * *

Кишиларни адолатни севишга ўргатиш учун уларга ноҳақликнинг оқибатларини кўрсатиш зарур.

(Адам Смит)

* * *

Кишиларни қанчалик билган сайин, итга меҳрим шунча ортади.

(Мадам де Севинье)

* * *

Кишиларнинг яшаш шароитини яхшиланг — шунда улар шу шароитга муносиб бўлиш учун яхши томонга ўзгарадилар.

(Хорас Флетчер)

* * *

Кишини бахтли қилиш масаласи оламни яратиш режасига кирмаган.

(З. Фрейд)

* * *

Кишини бахсда ва йўлда билиш мумкин.

(Жорж Герберт)

* * *

Кишини от ўғирлагани учун эмас, бошқаларнинг от ўғирламасликлари учун дорга осишади.

(Жорж Сэвил)

* * *

Кишини шунчалик кўтарурлар гох,
Пастга туширишга йўл қолмас,
эй воҳ.

(Тусий)

* * *

Кишининг ақли унинг муштидан кучли.

(Ф. Рабле)

* * *

Кишининг ақллилигини кўрсатадиган ягона белги — ундаги қарашларнинг ўзига хослиги, яъни ҳамманинг тан олганига ўхшамаслиги.

(Ака-ука Гонкурлар)

* * *

Кишининг даҳолиги бир вақтнинг ўзида унинг қисмати ҳамдир.

(С. Цвайг)

* * *

Кишининг ёш ёки қари бўлиши, у ўзини қандай хис қилишига боғлиқ.

(Томас Манн)

* * *

Кишининг исми унинг учун энг ёқимли ва энг муҳим товушдир.

(Д. Карнеги)

* * *

Кишининг ишончига кириш нинг энг тўғри йўли, у билан ун га энг қадрли хисобланган нарса тўғрисида сухбатлашишдир.

(Д. Карнеги)

* * *

Кишининг сахийлиги унда инсоният жамияти аъзосига зеб берадиган барча хислатлар мавжудлигидан далолат берса, унинг зиқналиги бу хислатларнинг йўқлигидан далолат беради.

(Ака-ука Гонкурлар)

* * *

Кишининг табиати қизиқ: агар бойлигини йўқотса — ранжийди, ҳаётининг бефойда ўтадиган кунларига безътибор бўлади.

(Абу ал Фараж)

* * *

Кишининг тақдири — бу унинг ўзи.

(Б.Брехт)

* * *

Кишининг уй иши вақтининг кўплигига қараб кўпаяверади.

(Сирил Паркинсон)

* * *

Кишининг яхшилиги ёмонлиги дай кўзга яккол кўринмайди.

(Қадимги хинд ҳикмати)

* * *

Кишининг ўзи пок бўлмаса агар,
Бўлмайди покликни кўрмак муяссар.

(Абулмажд Саноий)

* * *

Кишининг қадри ўлганидан кейин билинади.

(Хинд ҳикмати)

* * *

Кишининг қалби унинг ишларига мужассамлашган.

(Генрик Ибсен)

* * *

Кишининг қалбини синайдиган даврлар хам бўлади.

(Т. Пейн)

* * *

Кишининг бойишига сабабчи бўлган омилларнинг ўзи бойликдан ҳузурланишга хам халақит беради.

(А. Ривароль)

* * *

Кишини хавф эмас, ички гина, ишончсизлик, ўзининг ожизлигини хис қилиш кўпроқ эзади.

(Илья Эренбург)

* * *

Кишининг кимлигини унинг нима устидан кулишига қараб билса бўлади.

(У. Мизнер)

* * *

Кишининг кишига бўлган хурмати ахлоқнинг асосидир.

(Уильям Годвин)

* * *

Кишининг табиий холати — соғлом бўлиш.

(А. Невиман)

* * *

Койиш — сенинг ҳукукинг, эшитмаслик — менинг ҳуқуқим.

(Аристипп)

* * *

Колбасани яхши кўрувчилар ва конунга итоат қилувчилар, яхшиси уларнинг қандай тайёрланишини кўрмагани маъқул.

(Жон Годфри Сакс)

* * *

Контракт ожиз томон бажариши шарт бўлган келишув.

(Фредерик Сойер)

* * *

Корпорация қизаришни билмайди.

(Инглиз ҳикмати)

* * *

Косметика — бу катталарни ёш, ёшларни эса катта қилиб кўрсатиш воситаси.

(Г. Малкин)

* * *

Котибанинг вазифаси — муаммоларни ечиш, муаммоларни чикариш эмас.

(Эмма Дарси)

* * *

Кулги — бу ақлнинг шодлиги, табассум эса — қалбнинг шодлиги.

(Адриан Декурсель)

* * *

Кулгига сабабчи бўлгандан, кулишга сабабчи бўлган афзал.

(Гай Арбитр Петроний)

* * *

Кулсанг — бутун олам сен билан бирга кулади. Йиғласанг — ўзинг ёлғиз йиғлайсан.

(Элла Уилер Уилкокс)

* * *

Кулфатга тўсатдан тушилади, жиноятга босқичма-босқич.

(Бестужев-Марлинский)

* * *

Кун қуёш ботиши билан тугайди, тун қуёш чиқиши билан. Қувонч ғам билан тугайди, ғам эса кувонч билан.

(Қадимги ҳинд ҳикмати)

* * *

Кун — ҳаёт бозорида сарфлайдиган тилла тангамиз.

(Витаутас Каралюс)

* * *

Куни билан ишлайдиган кишининг пул топишга вақти қолмайди.

(Жон Рокфеллер)

* * *

Курашадиган ютқазиши мумкин, курашмайдиганнинг эса ютқазгани аник.

(Б. Брехт)

* * *

Курашаётган киши учун ютқазиш шармандалик эмас.

(Ж. Ромен)

* * *

Курашда ғолиб бўлиш руҳи кучли томонда.

(К.Н. Бестужев Рюмин)

* * *

Кутилаётган бахтсизлик ҳеч қачон келмайди, ундан ҳам баттари содир бўлади.

(Жан Ростан)

* * *

Кутма, лекин умид қил.

(Равиль Алеев)

* * *

Куч хар доим хак.

(Ж.Ф. Купер)

* * *

Кучли бўлиш яхши, илмли бўлиш ундан ҳам яхши.

(Иван Крилов)

* * *

Кучли ва донишмандга бу инъомлар ожизлар устидан ҳукмронлик қилиш учун эмас, уларни қўллаб-қувватлаш ва уларга ёрдамлашиш учун берилган.

(Ж. Рескин)

* * *

Кучлироқ давлат сенга кандай муносабатда бўлишини истасанг, кучсизроқ давлатга шундай муносабатда бўл.

(Исократ)

* * *

Кучни қўллашнинг иккита усули мавжуд: пастга босиш ва юқорига тортиш.

(Б. Вашингтон)

* * *

Кўз билан кўрганни тил хар доим ҳам ифодалай олавермайди.

(Ж.Ф. Купер)

* * *

Кўз ёшлари табаррукдир: у ожизликнинг эмас, балки кучнинг белгисидир. Улар катта ғамдан ва таърифлаб бўлмайдиган муҳаббатдан дарак беради.

(В. Ирвинг)

* * *

Кўнгил бермайин аввал синаб бок:
Тип-тик туролмас оёғи чўлок.

(Тусий)

* * *

Кўнгилсизликнинг истиқболига чиқма, бамайлихотир ўтир, шунда ўн кўнгилсизликнинг тўққизтаси сени четлаб ўтади.

(Калвин Кулиж)

* * *

Кўнгилсизликлар навбат кутиб турмайди — келса барчаси ёпирилиб бир вақтда келади.

(Владислав Гжегорчик)

* * *

Кўнглингдаги бор гапни айтишга доим тайёр бўл, шунда ярамас кишилар сендан узоқроқ юришади.

(Уильям Блейк)

* * *

Кўникканимиздан кейингина яхши яшаймиз.

(Виктор Сумбатов)

* * *

Кўнмайдиган киши йўқ, кўндира олмайдиганлар бор.

(Владимир Николаевич Карев)

* * *

Кўп вақиллаган донодан кўра,
Жим ўтирган нодон яхшироқ, жўра.

(Бадриддин Ҳилолий)

* * *

Кўп гапирадиган киши бемаъни гапларни ҳам кўп айтади.

(Пьер Корнель)

* * *

Кўп гапирадиган киши кам ҳоллардагина сўзининг устидан чиқади. Оқил киши эса доимо сўзи ишидан олдин юришидан ҳадиксирайди.

(Хитой ҳикмати)

* * *

Кўп гапирган кам ўйлайди.

(К. Досси)

* * *

Кўп дўстлар орттирдим деб мақтанадиган кишининг ҳеч қачон бирорта ҳам дўсти бўлмаган.

(Сэмюэл Тейлор Кольриж)

* * *

Кўп ейдиган киши, фақат зарур миқдордаги овқатни истеъмол қиладиган кишига қараганда соғлом бўлмаганидек, ҳақиқий олим ҳам кўп ўқийдиганлардан эмас, фойдали китобларни ўқийдиган кишилардан чиқади.

(Аристипп)

* * *

Кўп ейиш оз ейишдан ҳам маҳрум қилади.

(Шарқ ҳикмати)

* * *

Кўп марта кечирим сўраш, бир марта сўралган кечиримдай ишончли чиқмайди.

(О. Хаксли)

* * *

Кўп нарсани аниқ ва қисқа баён қила оладиган киши ҳақиқий донишманддир.

(Аристофан)

* * *

Кўп нарсани билишни истаган ҳукмдорда кўп нарсани кечириш зарурияти пайдо бўлади.

(Домиций Афр)

* * *

Кўз билан кўрганни тил ҳар доим ҳам ифодалайвермайди.

(Ф. Купер)

* * *

Кўп ўқийдиган олим эмас, ўқиганларидан фойдалана оладиган олим.

(Аристипп)

* * *

Кўпинча кишилар ўзига тааллуқли гапни ҳаммадан кейин эшитади.

(Ж. Боккаччо)

* * *

Кўпинча назарга илмаган бугунимиз ёрқин ўтмишимиз бўлиб қолади.

(Вильгельм Фишер)

* * *

Кўплар қарашади, лекин алоҳида кишиларгина кўрадилар.

(К. Чапек)

* * *

Кўпларни ҳурмат қил, лекин камларга ишон.

(Филострат Флавий)

* * *

Кўпни биладиганларнинг маслаҳатига қулоқ солинг, аммо энг аввало сизни севадиганларнинг маслаҳатини эшитинг.

(Артуро Граф)

* * *

Кўппакка ва чўчқага олтин-кумуш керак бўлмаганидай, нодонга ҳикматли сўз зарур эмас.

(Даниил Заточник)

* * *

Кўпчилигимиз ўз яқинларимизга модадан қолган кўйлагимизни бажонидил тортиқ қиламиз.

(Л. Кумор)

* * *

Кўпчилик касалхонанинг асосий вазифаси касалларни даволаш деб ўйлашади. Йўқ!

Касалхона даволамайди. Врачлар даволашади, яхши касалхона эса, яхши врачларнинг фаолияти учун муҳит яратади.

(Брайан Ки)

* * *

Кўпчилик кишилар ҳаддан зиёд имиллашганидан ёки ўнги сўлига қарамай олдинга отилишганидан ҳаёт билан видолашишади.

(Айрис Мердок)

* * *

Кўпчиликнинг тили фикридан ўзади.

(Исократ)

* * *

Кўриниши чиройли, лекин ичида мақтайдиган нарсаси йўқ кишилар жуда ҳам кўп.

(Ж.Ф. Купер)

* * *

Кўричакдан дарҳол халос бўлишади, кариндошлардан эса аста секин.

(Дон.Аминадо)

* * *

Кўриш учун бутун вужудинг билан қарамоқ зарур.

(Лев Шестов)

* * *

Кўрар кўзнинг қиммати
Кўр ёнида кўринур.
Соғ қулоқнинг қувончи
Кар ёнида билинур.

(Махтумқули)

* * *

Кўрмакка чиройли гўзал гул наргиз,
Аммо аччиқ эрур, чайналса харгиз.

(Фахриддин Гургоний)

* * *

«Лекин» ёрдамида бошқариб бўлмайди.

(Шарль де Голль)

* * *

Лотерея, бу — нодонлик учун солиқ.

(Уильям Петти)

* * *

Маданият — бу бизнинг деярли ҳамма қиладиганларимиз ва маймунларнинг қилмайдигани.

(Лорд Раглан)

* * *

Маданиятда баландлик асос бўлиб хизмат қилади.

(Ландау Григорий Адольфович)

* * *

Майда жониворлар кучли ёруғликда кўринишади.

(Д. Фонвизин)

* * *

Майда тўғрисида кўп гапиришса, катта тўғрисида кам ўйлашади.

(Отто Эрнст)

* * *

Майни меъёрида ичган яхширок,
Кўп ичсанг, ақлга тушади ямоқ.

(Тусий)

* * *

Маккор дўстдан очиқ душман афзал.

(Г. Сенкевич)

* * *

Малакаси паст кишининг ҳам ёрдамчи устунлиги бўлиб, кўп машқ қилса, энг яхшилардан ҳам ўзиб кетиши мумкин. Худди ёш бола чизғич ёрдамида тўғри чизиқни устоз ёрдамисиз ҳам яхши чизганидай.

(Лейбниц)

* * *

Мансаб ошган сайин — сами мийлик пасая бошлайди.

(Д. Фонвизин)

* * *

Мард киши хиёнаткор бўлмайди.

(Пьер Корнель)

* * *

Мард кишининг ўзини бахтсиз деб хис килишига хакки йўк.

(Вилгельм Фишер)

* * *

Мартабага эришиш учун кўзга ташланмаслик, панада туриш ва ташаббус кўрсатмаслик лозим.

(Талейран)

* * *

Маслахат ва буйрук факат талаффузи билан фарклана дили.

(Анатолий Брейтер)

* * *

Маслахат сўраш бир кишининг иккинчи кишига кўрсатиши мумкин бўлган буюк ишонч белгисидир.

(Ж. Боккаччо)

* * *

Маст одам — одам эмас, чунки у инсонни хайвондан фарклочи ақлдан махрум.

(Т. Пейн)

* * *

Мастга ёруғ кўча хам коронги.

(К. Ушинский)

* * *

Масъулиятдан кўркка раҳбар бўла олмайди.

(Морис Торез)

* * *

Математика — фанларнинг шохи ва хизматкори.

(Эрик Темпл Белл)

* * *

Машаккат чекмайин асло камола етмас инсонлик,
Йигитликда ярашмас хар ишда бўлмоқ паришонлик.

(Оразий)

* * *

Машхур кишилар томонидан кўллаб-кувватланадиган янглишишдан тез юкадиган нарса йўк.

(Жорж Бюффен)

* * *

Машхур кишилар ўз маблаларини вактни йўкотиш учун сарфлайдилар

(Сюзанна Неккер)

* * *

Машхур эмаслик кийнокларимизнинг энг азоблиси.

(А. Де Мюссе)

* * *

Машхурлик — бу мукофотдай қабул килинадиган жазо.

(Ингрид Бергман)

* * *

Маълум бир ёшга етганингда барча буюк кишилар сенинг ёшингда аллакачон машхур бўлиб улгуришган, деган хулосага келасан.

(Янина Ипохорская)

* * *

Маълумки, кўзгуда хамма нарса тескари кўринади, лекин усиз биз ўзимизни хеч качон кўра олмас эдик.

(Жалолиддин Румий)

* * *

Маълумки, ўткир хис киска, лекин кучли изхор килинади.

(Г. Державин)

* * *

Маълумотли кишининг маълумотсиз кишидан фарки шундаки, у канчалик кўп билмасин, барибир етарли эмас деб ҳисоблайди.

(Константин Симонов)

* * *

Мақсадинг имкониятингдан ортиқ бўлсин, шунда бугунги ишинг кечагидан, эртагиси бугунгидан яхши бўлади.

(Амин Райҳоний)

* * *

Максадсиз хаётда маъни йўк.

(Жузеппе Мадзини)

* * *

Мактов мактаалаётган кишига ёкади, бошқаларнинг эса жиғига тегади.

(Лукиан)

* * *

Мактовнинг изидан қувма, лекин имкони борича мактовга яраша иш қил.

(Коменский)

* * *

Махорат ва иштиёқ бирлашганидагина шоҳ асарлар яратилади.

(Ж. Рескин)

* * *

Мезбон меҳмоннинг хар бир илтимосини бажариши мумкин, мехмон эса хеч нарсани сўрамаслиги лозим.

(Хуго Штейнхаус)

* * *

Мен арзон молни сотиб оладиган даражада бадавлат эмасман.

(Инглиз ҳикмати)

* * *

Мен билан тентакнинг орасидаги фарқ шундаки, мен тентак эмасман.

(Сальвадор Дали)

* * *

«Мен» бор ерда «иккинчи мен» хам бўлади.

(Зигмунд Фрейд)

* * *

Мен бунинг сирлигини биламан, чунки уни хамма ерда гапиришмокда.

(Уильям Конгрив)

* * *

Мен доимо рашкни ёмон кўрганман, у жуда хам хасадга ўхшайди.

(Н. Огарёв)

* * *

Мен кечмокчи бўлган сувдан хали хеч ким кесиб ўтмаган.

(Данте)

* * *

Мен одамларни биламан, лекин улар тўғрисида мен янглиш фикрда эканлигимни жуда хам истайман.

(Г. Кул)

* * *

Мен Римни ғиштли кабул килиб, мармарли қолдираяпман.

(Октавиан Август)

* * *

Мен сизга ишонаман, чунки сизнинг ёрдамингизга мухтожман.

(Мейсон Кули)

* * *

Мен сизга муваффакият формуласини бера олмайман, лекин муваффакиятсизлик формуласини беришим мумкин: хаммага ёкишга харакат килиб кўринг-чи.

(Г. Своуп)

* * *

Мен филларни ёқтирмайман. Қанчалик кучли ва қанчалик итоаткор.

(Чарли Чаплин)

* * *

Мен хирургнинг хизмат ҳаки ҳисобини олганимдан кейингина, уларнинг никобда ишлашининг сабабини тушундим.

(Жеймс Борен)

* * *

Мен шаҳарларга улардаги китоб дўконларининг сонига қараб баҳо бераман.

(А. Рубинштейн)

* * *

Мен ўз билганларимни ўттиз ёшгача ўргандим.

(Жорж Клемансо)

* * *

Мен ўзимнинг нима ўйлаётганимни тушуниш учун ёзаман.

(Дэниэл Бурстин)

* * *

Мен ўлимдан қўрқмайман. Йўк! Абадий йўқолиб кетишдан қўрқаман.

(М. Лермонтов)

* * *

Мен ҳамма нарсани билмайман. Мен фақат бажараман.

(Тони Моррисон)

* * *

Мен ҳамма нарсани истаганим дай ҳеч нарсани истамайман.

(Антонио Ривас Меркадо)

* * *

Мен ҳар тарафлама билимли эмасман

(Роберт Музиль)

* * *

Менга бу муаммони мураккаб деманг. Агар у осон бўлганида муаммо бўлмаган бўлар эди.

(Фердинанд Фош)

* * *

Менга ҳеч нима зарур эмас, лекин мени ҳеч нима билан қаноатлантира олмайсан.

(Жан Ростан)

* * *

Мени танқид қилишганида ўзимни ҳимоя қилишим мумкин, лекин мақтовга қарши мен ожизман.

(Зигмунд Фрейд)

* * *

Менинг келажак тўғрисидаги қизиқишимнинг боиси, унда ҳаётимнинг қолган қисмини ўтказажагимдадир.

(Чарльз Ф. Кеттеринг)

* * *

Менинг учун борлик дунё — менинг ватаним ва ҳар қандай уруш худди уйимда кон тўкилаётгандай мени даҳшатга солади.

(Хелен Келлер)

* * *

Менинг учун яшаш — ишлаш демакдир.

(И.К. Айвазовский)

* * *

Менинг хатоим, фақат гуллайдиган дарахтдан мева кутиш бўлди.

(Оноре Мирабо)

* * *

Мехмоннинг вакти доимо мезбонникидан кўп.

(Т. Котарбиньский)

* * *

Меҳнат билан амалга ошириб бўлмайдиган иш йўқ.

(Ж. Бруно)

* * *

Меҳнат киши қалбини даволайди ва тўғрилайди.

(М. Шагинян)

* * *

Меҳнат кишига иснод келтирмайди, лекин бахтга карши меҳнатга иснод келтирувчи кишилар топилади.

(Г. Симпсон)

* * *

Меҳнатдан кейинги оромдан ширини йўқ.

(У. Чэннинг)

* * *

Меҳнатсевар асалари аччиқ гулдан ҳам асал йиғишни билади.

(М. Богданович)

* * *

Меҳнатсиз енгил қўлга киритилган муваффақиятлар шубҳага сабаб бўлади.

(Леонид Конов)

* * *

Меҳнатсиз ҳаёт — ўғирлик, санъатсиз меҳнат — жоҳиллик.

(Ж. Рескин)

* * *

Меҳрибон ва рахмдил бўлмоқ умринг ва ризқинг баракали бўлишига сабаб бўлади.

(«Ахлоқи муҳсинин»дан)

* * *

Меҳру кина бир-бирига ковушмас.

(Фахриддин Гургоний)

* * *

Мижғов — гап орасида «Ишлар қалай» деб тил учида сўралганга, дархол ўз иши тўғрисида гапира бошлайдиган киши.

(Виктория Токарева)

* * *

Миллат обрўси миллатнинг бой яшашидан, хатто миллатнинг мавжудлигидан ҳам қадрли.

(Вудро Вильсон)

* * *

Миллатнинг орзу ва мақсади тўғрисида унинг рекламасига қараб фикр юритса бўлади.

(Дуглас Норман)

* * *

Миллиардлаб юлдузлар тун эгиёси ичра ўз нурини сенга юборади, лекин сенга бу нур, улар ўлганидан кейингина етиб келади.

(Райнер Мария Рильке)

* * *

Миллионнинг кучи — нолларда.

(Габриэль Лауб)

* * *

Миннатдорчиликка қараганда тез ўтиб кетадиган ҳис йўқ.

(Х. Маккей)

* * *

Мисоллар билан исбот қилинганни тўлиқ исботланган деб бўлмайди.

(Лейбниц)

* * *

Мисолсиз ҳеч нимани ўргана олмайсан.

(Коменский)

* * *

Михни тежасанг — тақадан ажраласан.

(Албан ҳикмати)

* * *

Мол зиқналарнинг, қурол кўр коқларнинг, раҳбарлик заифлар нинг қўлига тушса, ишлар бузилади.

(Абу Бакр Сиддиқ)

* * *

Муаммога айлантириш мумкин бўлмаган масала йўқ.

(Владимир Лебедев)

* * *

Муваффақият бошни бузади, муваффақиятсизлик юракни.

(Лоуренс Питер)

* * *

Муваффақият — бу донишмандликнинг ягона ўлчовидир.

(Эдмунд Бёрк)

* * *

Муваффақият — бу оддий тасодиф. Буни сизга истаган омадсиз айтиши мумкин.

(Эрл Уилсон)

* * *

Муваффақият инсон эришган мавқе билан эмас, муваффақиятга эришиш учун у енгган тўсиқлар билан ўлчаниши лозим.

(Б. Вашингтон)

* * *

Муваффақият сири тўғрисида омадсизлар кўпроқ билишади.

(Марсель Ашар)

* * *

Муваффақият формуласи муваффақиятга эришмаганларгагина маълум.

(Жон Коллинз)

* * *

Муваффақият эмас, тиришқоклик мукофотга лойиқ.

(Ж. Рескин)

* * *

Муваффақиятсизликларга чидаш эмас, бахтни кўтара билиш киши учун энг катта синов.

(Франческо Гвиччардини)

* * *

Мужмал гапиришни ҳамма билади, аниқ-равшан гапиришни эса баъзилар.

(Галилео Галилей)

* * *

Муз ёки сув — яхши ва ёмон кишилар фарқини фақат шунга қиёсласа бўлади.

(Людвиг Берне)

* * *

Мусиқа, бу — сабабсиз шод ва ғамгин қилиш санъати.

(Т. Котарбинский)

* * *

Мусиқа, бу — қалбнинг арифметикадаги ғайришуурий машқи.

(Лейбниц)

* * *

Мусиқа ифодалаб бўлмайдиганни ифодалашда, жимликдан кейин иккинчи ўринда туради.

(О. Хаксли)

* * *

Мусиқа — ғамга ботган киши учун энг яхши юпантирувчидир.

(Мартин Лютер)

* * *

Мукаммалликдан қўрқманг. Сиз унга эриша олмайсиз.

(Сальвадор Дали)

* * *

Мулкнинг бахосини унга эга бўлганда билишади, дўстникини эса — уни йўқотганда.

(Жан Пети-Сенн)

* * *

Мунофиклик белгиси учта: ёлғон гапириш, ваъдага вафо қилмаслик ва омонатга хиёнат қилиш.

(«Ал-Жоми ас саҳиҳ»дан)

* * *

Мусибатга сабр қил, чунки сенинг устингдан кулгувчилар ҳам бор.

(Қози Аҳмад Ғаффорий)

* * *

Мусиқа фақат товушлардан таш кил топган эмас.

(Оливе Мессиан)

* * *

Мусулмон киши кам гапириб, кўп амал қилади. Мунофиқ эса кўп гапириб, кам амал қилади.

(Афзоий)

* * *

Мушкул аҳволга тушган дўстингизга ёрдам қилган бўлсангиз, у иккинчи бор ҳам шундай аҳволга тушса, сиз тўғрингизда ўйлаши шубҳасиз.

(Мерфи қонунлари)

* * *

Мушук жуда ҳам сирли хайвон, ит эса оддий ва содда, худди одамдек.

(К. Чапек)

* * *

Мушукни қопдан чиқариш, уни бошқатдан копга тиқишдан осон.

(Уилл Рожерс)

* * *

Муяссар бўлса тиллодин санга тахт,
Ўзингдин пастга зинҳор айтмагил сахт.

(Сўфи Оллоёр)

* * *

Муқаддас ишларга бўлган ишонч, кўпинча ўзингга бўлган йўқотилган ишончнинг ўрнини босади.

(Эрик Хоффер)

* * *

Муқаддас нарсаларни таҳқирлаш — динсизнинг диндор бўлиб колиши учун ягона йўл.

(Жуандо Марсель)

* * *

Муҳаррир — бу яхши нима эканини ёмон билиб, ёмон нима эканини яхши биладиган мутахассис.

(Евгений Сазонов)

* * *

Муҳими мақсадни танлашда янглишмаслик.

(Геннадий Малкин)

* * *

Мухтожларга пул тарқатиб, кашшоқликни тугатиб бўлмайди.

(Патрик О'Рурк)

* * *

Мўлжалдан бир дюмгина четдан ўтган ўқ, худди милтиқдан отилмаган ўқдай фойдасиз.

(Ф. Купер)

* * *

Назарий жиҳатдан ернинг айланаётганини биламиз, лекин амалда буни сезмаймиз. Вакт ҳам худди шундай.

(Марсель Пруст)

* * *

Найзага суяниш мумкин, лекин унда ўтириб бўлмайди.

(Испан ҳикмати)

* * *

Нафақага чиқишни ўйлайдиган киши ўлими олдидан ором олишни орзу килган кишидир.

(Владислав Гжечик)

* * *

Нафақат саволлар, жавоблар ҳам эскиради.

(Э. Хемингуэй)

* * *

Озодликдан яхшироқ неъмат бўлмас.

(Афзалиддин Хоқоний)

* * *

Нима айтишини ўйлайдиган киши ўйлаётганини айтмайди.

(Алексей Батиевский)

* * *

Нима содир килсанг ҳам ўзингни худди шуни килишни истаганинг дай тут.

(Артур Блох)

* * *

Нима учун кишиларни яхши ишлар эмас, ёмон ишлар бунчалик кувонтиришини билмайман, айниқса, бу уларга тааллукли бўлмаганида.

(Ж. Боккаччо)

* * *

Нима қилаётганингизни ҳеч ким билмаса, уни нотўғри қилаётганингизни ҳам ҳеч ким билмайди.

(Жонатан Линн ва Энтони Жей)

* * *

Нима қилиш зарур бўлса, қилиниб бўлибди, энди менимча эътиборни нима килмасликка каратиш керак.

(Томас Браун)

* * *

Нима килмаслик тўғрисидаги йўл-йўриқни ақл беради ва фақат қалбгина нима қилиш зарурлигини айтиб беради.

(Ж. Жубер)

* * *

Нимага шундай, озор чеккан кишига озор чекаётганлар билан бирга бўлиш ёқади.

(Алексей Калинин)

* * *

Нимага эга бўлсанг, у ҳам сенга эга бўлади.

(Петроний Арбитр)

* * *

Нимадан хурсанд эканлигимизни жиддий фикрлашимиз, нимадан хафа эканлигимизни аниқ билишимиз зарур.

(Карл Краус)

* * *

Нимага қизлар кампирлардек, кампирлар эса қизлардек бўяниш шади?

(Рамон Гомес де ла Серна)

* * *

Ноаниқликка кўпинча ортиқча гапириш ҳам, керагидан кам гапириш ҳам сабаб бўлади.

(Даламбер)

* * *

Нодон бахтни узоқдан излайди, оқил эса уни ўз ёнида бунёд қилади.

(Жеймс Оппенхейм)

* * *

Нодон ва кўрқоқнинг содиқлиги хўжаси учун устун бўла олмайди.

(Вишакхадатта)

* * *

Нодон ўзига-ўзи хушомад қилади, ақлли киши эса нодонга хушомад қилади.

(Эдуард Булвер-Литтон)

* * *

Нодон ўтмиш билан овунади, ақли кам — келажак билан, донишманд эса бугун билан.

(Ҳинд ҳикматли сўзи)

* * *

Нодонга маслаҳат бериш кўрга кўзгу бергандай гап.

(Иоганнес Петер Мюллер)

* * *

Нодонлар кишининг ютуғини эмас, фақат камчиликларини пайқашади. Улар худди тананинг фақат яра бўлган жойига қўнадиган пашшаларга ўхшашади.

(Абу ал Фараж)

* * *

Нодонларга доклад қилишни топширманг. Улар мунозараларга чиқишлари керак

(В. Ардов)

* * *

Нодонлик — ақлнинг туққан қизидир.

(Жованни Жакома Казанова)

* * *

Нодонлик — бу юқумли касаллик.

(Владимир Николаевич Карев)

* * *

Нодонлик ҳаммага кўриниш учун олдинда туради, ақл эса ҳаммани кўриш учун кейинда туради.

(Кармен Сильва)

* * *

Нодонлик ҳар доим ҳам кишини золим қилавермайди, лекин золимлик кишини доим нодон қилади.

(Ф. Саган)

* * *

Нон берадиган қўлни тишлайдиган киши, одатда, уни тепадиган этикни ялайди.

(Э. Хоффер)

* * *

Нон ўрнига сўз билан тўйдирма.

(Аристофан)

* * *

Нотиқлик санъатининг мақсади — ҳақиқат эмас, ишонтиришдир

(Т.Б. Маколей)

* * *

Нолойиқ мактов — яширинча сатира.

(Бредхерст)

* * *

Нолойиқлар улуғланиб ва лойиқлар таҳқирланадиган ерда учта кусур: очарчилик, ўлим ва кўрқув макон топади.

(Қадимги ҳинд ҳикмати)

* * *

Номига доғ тушмаганларгина беобрўларни енгиши мумкин.

(Самад Вургун)

* * *

Нотўғри фикр деб тан олинганларнинг сабаби битта: бошлиққа қайси фикр маъқул бўлишидан фикр эгасининг хабари бўлмаган.

(Козьма Прутков)

* * *

Ноҳақ кишининг жаҳли тез чиқади.

(У. Пенн)

* * *

Обрў аклдан пайдо бўлади, акл обрўдан эмас: акл тан олмаган хар кандай обрў ожиздир.

(В. Скотт)

* * *

Обрў — сизнинг тўғрингизда бошқалар томонидан орқангиздан айтиладигани.

(Эдгар Хау)

* * *

Овоз, бу — кишининг иккинчи қиёфаси.

(Жерар Боз)

* * *

Овоз қанча юқори бўлса, акл шунча паст бўлади.

(Э. Ньюмен)

* * *

Одам арзимас нарсаларга хам жаҳлини чиқаравермаслиги керакки, кишига жаҳлдан хам кучлирок душман йўқ. Чунки жаҳли чиққан одам ўзини билмайди.

(«Қонуни ҳикмат»дан)

* * *

Одамийлик ишларига узок яшаган эмас, кўпроқ кузатган киши яхши тушунади.

(Артуро Граф)

* * *

Одамлар, ўзларини «оддий одамлар» деб айтишларини ёқтиришмайди, айниқса оддий одамлар.

(Уилл Рожерс)

* * *

Одамларга кўрсатаётган хизматимиз — бу дунёда эгаллаган ўрнимиз учун тўланадиган ҳақдир.

(Уилфред Грэнфелл)

* * *

Одамларга уларнинг гапига караб бахо берган киши каттик янглишади.

(Мадлен д'Арсен де Пюизье)

* * *

Одамларни давлатинг етарли ва ишинг юришиб турганда эмас, балки камбағаллик ва ночорлик пайтингда сина, шунда уларнинг яхши ёки ёмон эканини биласан.

(Шарқ ҳикмати)

* * *

Одат — бу хотира.

(Гарри Лорейн)

* * *

Одатда, бизга бахт эмас, бахтли бўла олиш кобилияти етишмайди.

(Морис Метерлинк)

* * *

Одатда, бизнинг ташвишларимизнинг манбаи — бизнинг янглишишимиздир.

(Ж. Массийон)

* * *

Одатда, судланувчи ўзининг обрўли эканлигини исботламагунча айбдор хисобланади.

(Лоуренс Питер)

* * *

Одатда, тушунчаси кам одамлар кўп нарсани биламан деб ўйлашади, умуман акли йўклар эса, хамма нарсани биламан деб ўйлашади.

(Ж. Бруно)

* * *

Одатда, туғилганларгина ўлишади. Туғилиш ва ўлим ўзаро карздор.

(Тертуллиан)

* * *

Одатда, ҳакикий чўчкалар одамлардан фаришта бўлишни талаб қилишади.

(Юлиан Тувим)

* * *

Оддий ва аник ёзиш худди самимий ва яхши бўлишдай кийин.

(Сомерсет Моэм)

* * *

Оддий инсон ва унинг меҳнати ҳаёт асосидир.

(М. Андерсен Нексе)

* * *

Оддий яшашга харакат қилинг.

(Р. Карлсон)

* * *

Оддийлик акл ва истеъдоднинг яқин қариндоши.

(Ф.М. Глинка)

* * *

Одиллик конундан кейин юради.

(Қадимги Рим ҳикмати)

* * *

Одоб, бу ёмон сўздан ва ишдан ўзини тиймоқдур ҳамда ўзининг ҳам, ўзганинг ҳам иззатини сақлаб, обрўсини тўкмасликдур.

(«Ахлоқи муҳсинин»дан)

* * *

Одобсиз юз киши билан ҳам ёлғиз.

(Шоҳид Балхий)

* * *

Ожиз, нотавон одамнинг дуоси қудратли бўлади.

(Абдулла Аҳмад Муҳаммад Али)

* * *

Озодлик — бу икки карра икки тўрт эканлигини айтиш ҳуқуқи борлиги.

(Жорж Оруэлл)

* * *

Озодлик ва саломатлик битта умумийликка эга — уларнинг қадри фақат етишмаган пайтдагина билинади.

(А. Бек)

* * *

Озчиликда ҳукук бўлганида, кўпчилик доим янглишади.

(Генрик Ибсен)

* * *

Оила — бу кичкинагина жамият бўлиб, бутун инсоният жамиятининг хавфсизлиги ва бутлиги унга боғлиқ.

(Ф. Адлер)

* * *

Оила — ҳулқнинг Олий мактабидир.

(С. Смайлс)

* * *

Оилавий жанжалнинг манбаи — тенгликка интилиш.

(И. Шевелев)

* * *

Олган илмдан фикр туғилиши — илмнинг мевасидир.

(Абдулла Аҳмад Муҳаммад Али)

* * *

Олдин йўл қўйилган камчиликларни тузатишдан, қоралаш осон.

(Ж. Боккаччо)

* * *

Олдин кучлиларни тартибга сол, кейин ожизларни; олдин каттани тартибга сол, кейин кичикни; олдин ўз хаётингни тартибга сол, кейин бошқани.

(Чжугэ Лян)

* * *

Олдин мени кийин аҳволдан қуткар, ақлни кейин ҳам ўргатаверасан.

(Лафонтен)

* * *

Олдин уч марта ўйлаб кўр, кейин гапирма.

(Анри де Ренье)

* * *

Олдин юришни ва гапиришни ўрганамиз. Кейин тинч ўтиришни ва жим бўлишни ўрганамиз.

(Марсель Паньоль)

* * *

Олдин ўзинг ишон, кейин ишонтир. *(К. Станиславский)*

* * *

«Олдин ўйла, кейин сўйла» — танқид шиори, «Олдин сўйла, кейин ўйла» — ижод шиори.

(Эдуард Морган Форстер)

* * *

Олдинга юриш, айниқса, тиз чўкканлар учун қийин.

(Леонид Сухоруков)

* * *

Олдинга қарамаган ортда қолади.

(Герберт Жорж Уэллс)

* * *

Олдинги йиллари ичган сувларимиз бугунги чанқоғимизни боса олмайди.

(Л. Фейхтвангер)

* * *

Олдинлари адабиёт санъат ҳисобланарди, савдо эса коммерция. Ҳозир эса ҳаммаси тескари.

(Жозеф Ру)

* * *

Олдинлари қизларни уялтиришса қизаришар эди, ҳозир қизлар қизаришса уялишади.

(Морис Шевалье)

* * *

Олийжанобликнинг биринчи белгиси — бу табиийлик ва оддийликдир.

(С. Моэм)

* * *

Олимлар ҳам баъзан саёҳатчилар ҳолига тушиб қолишади. Агар сайёх бахтга карши йўлидан адашиб, канча кўп йўл босса, мўлжалдан шунча кўп узоқлашади.

(Н. Мальбранш)

* * *

Олма дарахтдан ерга узилиб тушганини миллионлаб кишилар кўришган, лекин фақат Ньютонгина ўзидан ўзи сўраган — «Нима учун?»

(Бернард Барух)

* * *

Олмани тишлаб, унда тирик куртни кўриш, яримта куртни кўргандан қувонарлироқ бўлади.

(Мартти Ларни)

* * *

Оломон ичида кичкирмаганга эътибор қилишмайди.

(В.П. Крачковский)

* * *

Оломонга ҳеч качон маслаҳат берманг.

(Араб ҳикмати)

* * *

Олтин темирга караганда кўпроқ инсонларни ўлдирган.

(В. Скотт)

* * *

Олчоқ одамда номус бўлмайди.
(Шарқ ҳикмати)

* * *

Омад кўп нарсани вақтинча фойдаланиш учун беради, абадий фойдаланиш учун эмас.
(Станислав Лешинский)

* * *

Омад — сенга тақдир томонидан зарур томонга учиш учун бир марта бериладиган қанот.
(Виктор Кротов)

* * *

Омадли нодон — катта офат.
(Эсхил)

* * *

Омадлини сувга ташла ва у оғзида балиқ тишлаб сузиб чиқади.
(Юлиан Тувим)

* * *

Омадсизлар ҳеч қачон кеч қолишмайди, лекин улар доим ўз вақтида келишмайди.
(Дон-Аминадо)

* * *

Оммага аён бўлган ҳақиқат қисқа фурсатда таниб бўлмас даражада бузиб талқин қилинади.
(Жорж Бюффон)

* * *

Она — бу ёш болалар тили ва қалбидаги Тангрининг номи.
(У.М. Теккерей)

* * *

Она — ўз фарзандининг адвокати, унинг барча қилмишларини оқлайди: ота эса кўпинча прокурорга ўхшайди — жуда кам ҳолларда ўғлини эркалатади.
(И. Шевелев)

* * *

Онг ҳеч қачон йиғламайди, бу унинг иши эмас, қалб эса ҳеч қачон фикрламайди — бизга у бунинг учун берилган эмас.
(Жорж Санд)

* * *

Оптимизм — умидга бўлган карикатура.
(Жильбер Сесброн)

* * *

Ор кўрма билмаганни сўрмага,
Сўрмайинча илм ўрганмас киши.
(Сайфи Саройи)

* * *

Орденлар — орден берувчи олдидаги хизмат белгиси.
(Кароль Бунш)

* * *

Орзу — бу аклдаги режа, режа эса — қоғоздаги орзу.
(Владислав Гжечик)

* * *

Орзулар ҳақиқатдан узоқлашиш эмас, уларга етишиш воситасидир.
(Сомэрсет Моэм)

* * *

Орзунинг дам олиш куни йўқ.
(Роберт Бартон)

* * *

Ортиқча нарсадан воз кечсангиз, ортиқча тозалашдан ҳам қутуласиз.
(Р. Карлсон)

* * *

Ортиқчалик доим ҳам яхшиликка эмас. Агар сизда битта соат бўлса, аниқ вақтни биласиз.

Агар соатингиз иккита бўлса ҳеч қачон аниқ вақтни билмайсиз.
(Ли Сигалл)

* * *

Орқасига жуда кўп қарайдиган киши қоқилиб йиқилиши мумкин.

(Э.М. Ремарк)

* * *

Орқасида яхши ният ва эзгу иш бўлган сўз ахмоқона бўлмайди.

(Анахарсис)

* * *

Осон ишонувчан киши ўзини сиртмоққа осон етаклайди.

(Себастьян Брант)

* * *

Осон эришиладиганнинг қадрига етмаймиз. Ҳар нарсанинг қадри унга етишиш учун қиладиган харжимиз билан ўлчанади. *(Пейн)*

* * *

Осонлаштиринг, қийинлаштирманг, хурсанд қилинг, нафратлантирманг.

(«Ал Жоми ас саҳиҳ»дан)

* * *

Осонликка оғир меҳнат орқали эришилади. *(Н. Айвазовский)*

* * *

От кишнаши отга, мол маъраши молга таъсир қилади.

(Дун Чжуншу)

* * *

Отлар ҳеч қачон ўз жонига қасд қилишмайди, чунки гапира олишмагани сабабли уларда муносабатларни ойдинлаштириш имкониятлари йўқ.

(Владимир Маяковский)

* * *

Отни сув бўйига келтириш мумкин, лекин уни сув ичишга мажбур қилиб бўлмайди.

(Инглиз ҳикмати)

* * *

Ота-онангиз билан қандай муносабатда бўлсангиз, фарзандларингиз ҳам сиз билан худди шундай муносабатда бўлажакларини унутманг.

(Фалес)

* * *

Офтоб қанчалик бўлса ҳам равшан,
Бир парча булут ҳам беркитар баъзан.

(Абулмажид Саноий)

* * *

Очкўз ва арақхўрлар ейиш ва ичиш нима эканини билишмайди.

(А. Брийя-Саварен)

* * *

Ошналик одатидин махрум ул кўнгли қаро,
Итданам паст, почадан олмас ит ўлгач ошино.

(Соиб Табризий)

* * *

Ошпаз қанчалик бемаза тайёрласа, официант шунчалик ширинсўз бўлиши лозим.

(Геннадий Малкин)

* * *

Оқар сув тинч сувга қараганда кам бузилади.

(Рохас)

* * *

Оқил ва мардлар нодон ва пастларни бошқарган ерда тартиб-интизом ҳукмрон бўлади.

(Мо-Цзи)

* * *

Оқил киши ҳеч қачон ёмон гап айтмайдигина эмас, ёмон гап эшитмайди ҳам.

(К.Л. Берне)

* * *

Оқил кўради ҳам, эшитади ҳам, нодон кур ва кар.

(Эпихарм)

* * *

Оқилона ва тўғри сиёсатни олиб бориш учун кишиларни билиш етарли эмас, уларни севиш ҳам зарур.

(Артуро Граф)

* * *

Оғир йиллар — бу яхши кишиларнинг қорни тўқ бўлиши учун ўзини нолойиқ тутадиган даврлар.

(Вильгельм Швебель)

* * *

Парилардек покдир яхши табиат,
Ёмон хулқ, дев каби барчага офат.

(Тусий)

* * *

Парламент — мунозара жойи эмас.

(Борис Гризлов)

* * *

Парма қоидаси: олдинга силжиш учун буралмоқ зарур.

(Александр Ратнер)

* * *

Пархезнинг биринчи қоидаси: агар бу мазали бўлса, демак сиз учун у зарарли.

(А. Азимов)

* * *

Паст киши бадавлат бўлса зўравонлик қилади, агар камбағал бўлса беобрўлик қилади.

(Хуан Куань)

* * *

Паст кишилар кораламайдиган бирор-бир яхши фазилатли киши бормикан? Улар камтарни нодон дейишади, катъий ишончлини — манман, халолни — фирибгар, мардни — шафқатсиз, самимийни — тентак, хушмуомалали кишини — ожиз, гапга чечан кишини — вайсақи дейишади

(Бхартрихари)

* * *

Пашша сиркага қараганда асалда кўпрок ғарқ бўлади.

(Лафонтен)

* * *

Пашшалардан нафратланиш осонлик билан ўргимчакларни ёктириш га айланади.

(Валериу Бутулеску)

* * *

Педагог ўзиникига қараганда, бегоналарнинг фарзандларини тарбиялашни яхши биладиган киши.

(Ж. Фалкенаре)

* * *

Пессимизм бирорта жангни ҳам ютган эмас.

(Дуайт Эйзенхауэр)

* * *

Пессимист — бу ҳаётининг энг яхши онларини ёмон даврлар келишини кутиб ўтказадиган киши.

(Борис Крутнер)

* * *

Пиццани саккизта бўлакка эмас, тўртта бўлакка бўлсангиз, чунки мен саккизта бўлак пицца ейдиган даражада оч эмасман.

(Йоги Берра)

* * *

Поездда зерикарли бўлгани учун ўқишади, трамвайда — қизиқарли бўлгани учун.

(Илья Ильф)

* * *

Полковник майорга бақира оладиган киши.

(Габриэль Лауб)

* * *

Пок виждонлилик, кўпинча ёмон хотира маҳсулидир.

(Марсель Паньоль)

* * *

Пок дилларга асло зиён етмайди,
Етганда ҳам кўйлагидан ўтмайди.

(Рукниддин Авҳадий)

* * *

Поэзия — бу олий даражадаги овунчоқдир.

(Уистен Хью Оден)

* * *

Президентликдан бўшаганимдан бери гольф ўйинида кам ютадиган бўлиб қолдим.

(Эйзенхауэр)

* * *

Пул сарфлаш мумкин бўлган нарсага асабингизни сарфламанг.

(Леонид Леонидов)

* * *

Пул табиат адолатсизлигини тўғриламайди, балки уни чуқурлаштиради.

(Леонид Андреев)

* * *

Пул топиш учун жасорат, уни сақлаш учун ақл, сарфлаш учун эса санъат талаб қилинади.

(Бертольд Ауэрбах)

* * *

Пул унга эга бўлганлардан фарқли ўларок сасимайди.

(Валентин Домиль)

* * *

Пул характерни бузади.

(Амин Райҳоний)

* * *

Пул ҳамма вақт бор, фақат чўнтаклар ўзгаради.

(Гертруда Стайн)

* * *

Пул ҳамма эшикларни очади, шу жумладан дўзахникини ҳам.

(Георгий Ратнер)

* * *

Пулга қарши пулсиз курашиб бўлмайди. *(Жон Стейнбек)*

* * *

Пулнинг орқасидан қувиш эмас, унинг қаршисига чиқиш зарур.

(Аристотель Онассис)

* * *

Пулнинг қудрати шундайки, кишилар олқишга арзимайдиганларни олқишлашади, ҳурматга арзимайдиганларни ҳурмат қилишади, мулоқотга арзимайдиганларга яқинлашишади.

(Ҳинд ҳикмати)

* * *

Пулдан ҳам мухимроқ нарсалар бор, лекин пулсиз уларни сотиб олиб билмайсан.

(Проспер Мериме)

* * *

Пулидан бошқа нарсаси йўқ киши жуда ҳам қашшоқдир.

(Артуро Граф)

* * *

Пулсиз бажариладиган ягона иш — бу қарз олиш.

(Хайнц Шенк)

* * *

Рассом — расм билан ўйлайди.
(Сальвадор Дали)

* * *

Рассомнинг вазифаси тасвирлаш, исботлаш эмас. *(Александр Блок)*

* * *

Рашкка ҳаммаси аён, лекин исбот йўқ.
(М. Лермонтов)

* * *

Рақибнинг жиддийлигини ҳазил билан қайтариш зарур, ҳазилини эса жиддийлик билан.
(Горгий)

* * *

Режалаштирганинг тўғрисида гапирма: бошқага ошкор қилинган режа кўпинча амалга ошмайди.
(Қадимги ҳинд ҳикмати)

* * *

Реклама — кишиларни олдин ҳатто эшитмаган нарсасини ҳам эҳтиёжга айлантирадиган восита.
(Марти Ларни)

* * *

Реклама кишини сифатсиз товарни сотиб олишга кўндиради, лекин бир маротаба.
(Дэвид Огилви)

* * *

Рекламалар орасидаги очиқ жойларни тўлдириш учун газеталар бирор нимани ёзиши керак-ку.
(Ричард Р. Фалк)

* * *

Римликларда буйруксиз, ҳатто қозонилган ғалаба ҳам шуҳрат келтирмайди.
(Иосиф Флавий)

* * *

Рози бўлмай рози бўлишга ҳаракат қилинг, ҳаракатларингиз бекор кетмайди.
(Р. Карлсон)

* * *

Романнинг энг қийин қисми уни тугатиш.
(Э. Хемингуэй)

* * *

Россияда подшоҳ — тирик қонундир. Подшоҳдан қўрқмаслик қонундан қўрқмасликдир.
(Н. Карамзин)

* * *

Россияда фақат оптимист олимлар колишган, пессимистлари ал лақачон чет элларга кетиб бўлишган.
(Жорес Алферов)

* * *

Рюмканинг энг тагидаги арақ қувватлирок бўлади.
(Юзеф Булатович)

* * *

Сабабсиз хафалашиш — нодонлик белгиси.
(Қадимги ҳинд ҳикмати)

* * *

Сабр ва вақт куч ва иштиёқдан ҳам кўпни беради.
(Лафонтен)

* * *

Сабр — ожизликнинг таянчи, шошқалоқлик — кучнинг ўлими.
(Чарлз К. Колтон)

* * *

Сабр сабабли эмас, бесабрлик сабабли халқлар озодликка эришадилар.
(К.Л. Берне)

* * *

Сабр тоқат — бу бошқаларни тушунишга ҳаракат қилиш.

(К. Чапек)

* * *

Сабр — ҳақиқий донишмандликни билишнинг аниқ белгиси.

(Генрик Ибсен)

* * *

Савдо — миллатлар бойлигини тенглаштирувчи восита.

(Уильям Юарт Гладсон)

* * *

Саводсизлик — дунёдаги энг осон фан, унга ҳеч қандай меҳнатсиз эришилади.

(Ж. Бруно)

* * *

Садақа берган киши камбағал лашмайди.

(Маймонид)

* * *

Саёзга тушиб қолган сув тошқинини орзу қилади.

(Владимир Лебедев)

* * *

Салбий дақиқаларни ўйлайверманг.

(Р. Карлсон)

* * *

Саломатликнинг ўзи ҳузур-ҳаловатдир ёки шак-шубҳасиз ҳузур-ҳаловатни пайдо қилади, худди олов иссиқликни пайдо қилганидай.

(Томас Мор)

* * *

Самимий, қиска ва ўтирган ҳолда гапириш лозим.

(Ф.Д. Рузвельт)

* * *

Санъат учун санъат ҳисобига яшаш — ҳақиқий санъатдир.

(Владислав Гжечик)

* * *

Санъат — бизга ҳақиқатни кўришга ёрдамлашувчи ёлғон.

(Пабло Пикассо)

* * *

Санъат қаерда бидъат яширинган бўлса, шу ерга шошиши керак.

(Б. Брехт)

* * *

Санъатга элтувчи йўллар жуда машаққатлидир, лекин бу йўлда баъзан чиройли гулларни узиш мумкин.

(Жорж Санд)

* * *

Санъатни тушуниш эмас, ҳис қилиш зарур.

(Р. Гурмон)

* * *

Санъатнинг барча турлари буюк бир санъатга — дунёда яшаш санъатига хизмат қилади.

(Б. Брехт)

* * *

Санъатнинг табиати шундай: рассом ёлғиз ўзи азоблана олмайди.

(Ханс Келлер)

* * *

Сарик чакага ҳам арзимайдиган киши жуда ҳам осон сотилади.

(Владимир Шойхер)

* * *

Сарой аёнлари вилоятлардаги солиқлар миқдорини ошириш маслаҳатини берганларида, Тибе-

рий: — Яхши чўпон қўйининг юнгини қиркади, лекин терисини шилмайди, — деб жавоб берган экан.

* * *

Сарсон дилга бехиштдин ҳам
кўчанг яхши,
Ғариб қушга гулистондин ватан
яхши.

(Камол Хўжандий)

* * *

Сафарда сиз нима қилишнигина эмас, нима қилмасликни ҳам билиб оласиз.

(П. Чистхольм)

* * *

Сахийлик зиқналикдан фойдалирок.

(Л. Фейхтвангер)

* * *

Сахийликнинг гўзаллигини тушуниш учун камбағал бўлиш зарур.

(Ж. Элиот)

* * *

Сақланишнинг ягона воситаси — янгилик.

(Питер Дракер)

* * *

Сахнадан кетган кўпинча суфлёрликка ўтади.

(Александр Кумор)

* * *

Секин шошил.

(Октавиан Август)

* * *

Семириш — бу кексайиш.

(Француз ҳикмати)

* * *

Сен менга жамият ёшларининг мияси нима билан банд эканини айтсанг, мен сенга кейинги авлод характерини айтиб бераман.

(Эдмунд Бёрк)

* * *

Сен нимага ўқисанг ҳам ўзинг учун ўқийсан.

(Гай Петроний Арбитр)

* * *

Сенга ғийбат қилган, сени ҳам ғийбат қилади.

(Испан ҳикмати)

* * *

Сендан ақллирок бўлган киши, доимо хаддан ташқари ақллидай туюлади.

(Анатолий Рас)

* * *

Сендан нима гапиришни кутишаётганларини билмасанг, тўғрисини гапириш кийин.

(Геннадий Малкин)

* * *

Сени тушунмайдиган кишининг ёнингда бўлиши — бу ҳақиқий ёлғизликдир.

(Э. Хаббард)

* * *

Сенинг жонингга хуш ёққан ҳазил,
Ўзга дилига наштари қотил.

(Камолиддин Биноий)

* * *

Сенинг қандайлигингни ҳамма кўради, лекин ҳамма ҳам сени ҳақиқатда қандайлигингни билмайди.

(Н. Макиавелли)

* * *

Сидқидилдан айтилмаган ҳақиқат хатоликларни пайдо қилади.

(Жильбер Сесброн)

* * *

Сиёсат — бу жамият ахлоки, ахлоқ — бу шахсий сиёсат.

(Г. Мабли)

* * *

Сиёсат қонуни: тўртта норозини пайдо қилиш битта мамнун ва учта ҳасадчини пайдо қилгандан ҳавфсизроқдир.

(Жильбер Сесброн)

* * *

Сиёсатчи ҳеч қачон шахсий фикрини айтмайди.

(Ричард Никсон)

* * *

Сиёсатчилар ва актёрлар ҳеч қачон ўз вақтида кетишмайди.

(Фрэнк Хаббард)

* * *

Сиёсий илмнинг ахлоқийдан ажратилиши — дунёда рўй бериши мумкин бўлган энг фалокатли хато ҳисобланади.

(П. Шелли)

* * *

Сиз билан содир бўладиган баъзи воқеалар, кўпинча кейинчалик маъно касб этади.

(Лопе де Вега)

* * *

Сиз билан нима содир бўлган бўлса, танишларингизнинг бирортаси билан ҳам ундан бешбаттари содир бўлган.

(Мерфи қонуни)

* * *

«Сиз нима, мени жинни деб ўйлаяпсизми? — Йўқ, лекин мен адашишим ҳам мумкин-ку, ахир»

(Тристан Бернар)

* * *

Сиз сиёсат билан шуғулланмасангиз ҳам, сиёсат сиз билан шуғулланади.

(Монталамбер)

* * *

Сиз шундай ажойиб савол бердингизки, уни мен ўз жавобим билан бузишни истамайман.

(Евгений Ясин)

* * *

Сиз ўз ишингизни сотишингиз мумкин, қалбингизни эмас.

(Ж. Рескин)

* * *

Сиз, ҳатто ҳақ йўлда бўлиб ҳам ҳаракат қилмасангиз, сизни барибир қувиб ўтишади.

(У. Рожерс)

* * *

Сиздан фақат пул сўраётган кишига ҳеч қачон маслаҳат берманг.

(П. Кальдерон)

* * *

Сизни бошқалардан фарқ қилишмагани — сизни ҳақоратлашгани.

(Ака ука Гонкурлар)

* * *

Сизни меҳмондан кетаётганингизни эшитган кишиларнинг сиз билан жуда мулойим бўлиб қолишлари жуда ҳам ҳайратланарли.

(Майкл Арлен)

* * *

Сизникидан бошқача фикрлайдиганларнинг фикрини ҳеч қачон қатъиян инкор қилманг.

(Артуро Граф)

* * *

Сим ихтиро қилинмасидан олдин қалдирғочлар қаерда ўтиришган экан?

(Грегуар Лакруа)

* * *

Симфония — бу мусиқа асбоблари учун ёзилган пьеса.

(Колин Уилсон)

* * *

Сирлар якдилликни бузади.

(Г. Линн)

* * *

Сирни ҳаммадан ҳам уни билмайдиган киши яхши сақлайди.

(Де Ла Б. П. Кальдерон)

* * *

Сиқилган муштлар билан бировнинг қулини сиқиб бўлмайди.

(Индира Ганди)

* * *

Паришонхотирликни даволаб бўлмайди, лекин уни эсдан чиқариш мумкин.

(Фаина Раневская)

* * *

Соддалик — кексалар ва болаларга хос хусусият. Содда кишида ҳам болалик, ҳам кексалик мужассамлашган бўлади.

(Б. Брехт)

* * *

Содиқ дўстнинг хизматини ҳаддан ташқари кўп қилдим, деб ҳеч качон айтиб бўлмайди.

(Генрик Ибсен)

* * *

Содиқликка мажбур қилиб ҳам, сотиб олиб ҳам эришиб бўлмайди. Унга лойиқ бўлиш зарур.

(А. Гресуолд)

* * *

Солиқ тўғрисида гап борган ерда ватанпарвар бўлмайди.

(Жорж Оруэлл)

* * *

Солиқ қонунчилиги бошқа ҳар қандай қонунчиликка қараганда кўпроқ жиноятчиларни яратди.

(Барри Голдуотер)

* * *

Сомонни осмонга от ва сен шамолнинг қаёқдан эсаётганини кўрасан.

(Ж. Селден)

* * *

Сотилганида виждон ўлади.

(Жорж Санд)

* * *

Сотиш харидор йўқ деганидан кейин бошланади.

(Америка ҳикмати)

* * *

Сотқинлик қилган қалб ҳар қандай кутилмаган воқеани ўчнинг бошланиши деб қабул қилади.

(Фозил Искандар)

* * *

Сотқинликни кечириш мумкин, ноҳақ аламни эса кечириб бўлмайди.

(А. Ахматова)

* * *

Соч оқлиги кишининг кўп нарсани бошидан кечирганлигини билдиради, соч йўқлиги эса кўп нарсани йўқотганлигини.

(Лидия Ясиньская)

* * *

Соғайишни жуда ҳам истаган киши соғаяди.

(Ж. Боккаччо)

* * *

Совликни қилсанг хавас,
Оз овқат еб, айла бас.
(Камолиддин Биноий)

* * *

Совликнинг қадрин билгин,
Хаста бўлмасдан бурун.
Хасталик шукрин қилгин,
Токи ўлмасдан бурун.
(Махтумқули)

* * *

Талабани алгебра ёки геометриядан хам мураккаброк муаммога дуч келишига ишонтириш кийин.
(Эдгар Хау)

* * *

Сув қайнаётган қозоннинг совук жойи бўлмайди.
(Хитой ҳикмати)

* * *

Судья қасамга ишонмайди, чунки унинг ўзи хам қасам ичган.
(Альбер Юссон)

* * *

Сукут сақлаш — сухбатлашиш санъатининг алохида тури.
(У. Хэзлитт)

* * *

Сурбет сурбетлигича колади, хатто кечирим сўраганида хам.
(Ян Цибис)

* * *

Сусткаш киши умр бўйи кўнгилсизликларни ечиш билан овора бўлади.
(Гесиод)

* * *

Сутли сигир бўлур тепонгич.
(Авҳадиддин Анварий)

* * *

Сухбати ножинсла бўлгунча
чаман бўстон аро,
Яккалик афзал, деяр доно киши,
зиндон аро.
(Зебуннисо)

* * *

Сўз баъзида ўлдиради хам.
(Александр Грин)

* * *

Сўз — жуда хам яхши тўсик, фақат ундан фойдаланишни билиш зарур.
(Ф.Д. Рузвельт)

* * *

Сўз кишининг қандайлигини кўрсатиб берганидай, адабиёт жамиятнинг қандайлигини кўрсатиб беради.
(Бональд Л.Г.А.)

* * *

Сўз фикрни тўлиқ ифодалай олмайди, китоб эса сўзни.
(Хитой ҳикмати)

* * *

Сўз эркинлигига эришилганида фикр эркинлиги тугайди.
(М.А. Волошин)

* * *

Сўз хам ўзининг қалбига эга.
(Брехт)

* * *

Сўзни қисқа, фикрни кенг қилиш коидасига астойдил амал қил.
(Н.А. Некрасов)

* * *

Сўкиниш — бу орқага чекиниш ва муштлашишнинг ўзаро муросага келиши.
(Ф. Питер Данн)

* * *

Сўкиниш ҳар доим носоғлом фикрлаш белгиси бўлган.

(Леонид Конов)

* * *

Таассурот ва шижоатнинг ҳам чегараси бор.

(Александр Грин)

* * *

Таассуротлар канча тез ва шиддатли изҳор қилинса, у шунча юзаки ва ўткинчи бўлади.

(Н.А. Добролюбов)

* * *

Табассум — чиройли кўринишнинг энг осон йўли.

(Ч. Горди)

* * *

Табиат инсонга иккита буюк инъом берган: уйқу ва келажакни билмаслик

(В Фишер)

* * *

Табиат табиий бўлганлиги сабабли ҳам бизга ёқади, ўзига қизиқтиради ва илҳомлантиради.

(В. Гумбольдт)

* * *

Табиат шоҳларга мурувват кўрсатади: йўлбарс сутида ёв сигирникидан олти баробар кўп.

(В. Колечицкий)

* * *

Табиат ҳеч қандай қоидани билмайди, унга фақат қонунлар аён.

(Адамс)

* * *

Табиатан журъатсиз кишининг қандайдир мардлик кўрсатиши у ёқда турсин, у қўрқув хиссини ҳам уйғотади.

(Томас Мор)

* * *

Табиатда қарама-қарши сабаблар кўпинча бир хил оқибатларга олиб келади: от харакатсизликдан ҳам, кўп минилгандан ҳам бир хил чарчайди.

(М. Лермонтов)

* * *

Табиатни асраш — ватанни асраш демакдир.

(Михаил Пришвин)

* * *

Табиб билан мулоқотдан кейин бемор енгил топмаса, у табиб эмас.

(В. Бехтерев)

* * *

Табиб чеҳрасининг қувноклиги — бемор соғайишининг бошланиши.

(Рохас)

* * *

Табибнинг касалга тасалли берувчи бир оғиз сўзи канчалик сирли даволовчи кучга эга эканлиги ва аксинча, табибнинг касалга унинг касаллиги тўғрисидаги билиб-билмасдан қиладиган совуқ хукми қандай таъсир қилиши ҳам ҳаммага маълум.

(В. Бехтерев)

* * *

Тавба қилиш — йўқотилган қадрнинг акс-садоси. *(Э. Литтон)*

* * *

Таёкнинг икки учи бор, лекин таёк остида кўпчилик тўртта деб ҳам айтади.

(Ян Чарний)

* * *

Тажриба — нодонлар ақли.

(Н. Некрасов)

* * *

Тажрибадан бошқа хеч нима орттирмаган кишилар ҳам бор.

(Дон Херолд)

* * *

Такаббурлик калтабинлар ва инсонийлик тариқидан чиққанларнинг хислатидир.

(«Ахлоқи муҳсинин»дан)

* * *

Талант — бажаришга хеч ким бизни ўргатмаганни қилиш қобилияти.

(Альфред Конар)

* * *

Талант — бу муваффақият дегани эмас, муваффақият — бу талант дегани эмас.

(И. Шевелев)

* * *

Талант — бу муваффақиятга ишониш қобилияти.

(Ж. Леннон)

* * *

Талант ишлайди, дахо яратади.

(Роберт Шуман)

* * *

Талант тан олиниш йўлини доим хам топавермайди.

(И. Шевелев)

* * *

Талантли киши ҳар тарафлама талантли бўлади.

(Л. Фейхтвангер)

* * *

Талантнинг асосий белгиси — киши нима исташини билишида

(П. Капица)

* * *

Тамагирлик — офат. Тамагирлик билан адолат бир-бирига зиддир.

(Қози Аҳмад Ғаффорий)

* * *

Тамагирлик — сунъий кашшоқлик.

(Данте)

* * *

Тананинг ҳамма аъзолари чарчайди, лекин тил эмас.

(Конрад Аденауэр)

* * *

Танбех — дўстлар совғаси.

(Араб мақоли)

* * *

Танла дейишди унга: бойликми ёки акл? У ақлли эканлигидан бойликни танлади.

(Мечислав Шарган)

* * *

Танлаш зарур бўлган пайтда танламаслик — бу ҳам танлаш.

(У. Жеймс)

* * *

Танқид — агарда қўлимдан келганида, мен уни қандай бажарган бўлишимни муаллифга тушунтириш.

(К. Чапек)

* * *

Танқид — бу биз тўғримиздаги ўзимизнинг фикримиздан фарқли бўлган ҳар қандай фикр.

(Р. Карлсон)

* * *

Танқид худди хат ташувчи каптарга ўхшайди: у доим қайтиб келади.

(Д. Карнеги)

* * *

Танқид қўйдай тишлаши керак, итдай эмас.

(Ж. Боккаччо)

* * *

Танқидчи — бу, йўлни биладиган, лекин машинани бошқара олмайдиган киши.

(К. Тайнан)

* * *

Танқидчиларнинг фикрларига эътибор қилманг: ҳали бирорта ҳам танқидчига ҳайкал қўйишмади.

(Ян Сибелиус)

* * *

Тараққиёт — тасодиф эмас, заруриятдир.

(Спенсер Герберт)

* * *

Тарбиялашда энг асосийси, тарбиячининг кимлигидир.

(Д. Писарев)

* * *

Тарбиячи амалдор эмас, агар у амалдор бўлса, тарбиячи эмас.

(К. Ушинский)

* * *

Тарих — бу гўштдан тайёрланадиган паштетга ўхшайди: яхшиси унинг қандай тайёрланишини кўрмаганимиз маъқул.

(О. Хаксли)

* * *

Тарих — бўлиб ўтганлар тўғрисидаги роман, роман — бўлиши мумкин бўлган тарих.

(Ака ука Гонкурлар)

* * *

Тарих кичкинани яшириб, каттани улуғлайди, худди шамол шамни ўчириб, гулхан оловига куч берганидай.

(Б. Пастернак)

* * *

Тарих сабоқлари шундан иборатки, кишилар тарихдан сабоқ олишмайди. *(О. Хаксли)*

* * *

Тарихдаги буюк кишилар камдан кам ҳоллардагина яхши ўқувчи бўлишган, яхши ўқувчилар эса камдан-кам ҳоллардагина буюк киши бўлиб етишишган.

(Оливер У. Холмс катта)

* * *

Тарихнинг қатъий қонуни шундай: ҳукмронлик қарздордан қарз берувчига ўтади.

(Дэниэл Мойнихэн)

* * *

Тарихнинг ҳам, худди табиатдай ўз қонунлари бор.

(Л. Фейхтвангер)

* * *

Тартибни сақла ва тартиб сени сақлайди.

(Лотин ҳикмати)

* * *

Тартибсизлик сўзини биз тартибни ифодалаш учун ихтиро қилган эдик, лекин у тушунилмади.

(Генри Миллер)

* * *

Тасаввур бўлмаган жойда кўркув ҳам бўлмайди. *(А.К. Дойл)*

* * *

Тасаввур қилиш — қалбнинг кўзи. *(Жозеф Жубер)*

* * *

Таслим бўлишни истамаган японларни биз фанатик деймиз. Худди

шундай қилган америкаликларни эса қахрамон деймиз.

(Роберт Мейнард Хатчинз)

* * *

Тасдиклаш ва инкор қилишдан ҳақиқат туғилади.

(Л. Фейхтвангер)

* * *

Тасодифий чизиқларни учириб ташлаганингдан кейин ҳаётнинг нақадар гўзаллигини кўрасан.

(А. Блок)

* * *

Ташвишларимизнинг тўқсон фоизи ҳеч қачон содир бўлмайдиганларга тегишли.

(М. Тэтчер)

* * *

Ташхис билан эмас, касаллик билан курашинг.

(Норман Казинз)

* * *

Ташқи кўринишга жуда ҳам ишонма.

(Вергилий)

* * *

Таъсирчан кишидан ўзгаларга ёрдам берувчи фарзанд туғилади.

(Роберт Браунинг)

* * *

Таъзияномадан ёмонроқ реклама йўқ.

(Брендон Бехан)

* * *

Тақдир ва характер — бир тушунчанинг ҳар хил номланиши.

(Новалис)

* * *

Тақдир истаганимизни унга эҳтиёжимиз қолмаганида бизга тортиқ қилади.

(К. Ижиковский)

* * *

Тақдир нодонларга ён босади.

(Б. Жонсон)

* * *

Тақдирда тасодиф бўлмайди. Инсон ўз тақдирини кутиб олмайди, балки ўзи яратади.

(А. Вильмен)

* * *

Тақдирдан қочиб қутулиб бўлмайди, кишилар уни хатто олдиндан билишса ҳам.

(И. Флавий)

* * *

Тақдирни ғазабга топшириш — эҳтиётсизликдир.

(Жан Расин)

* * *

Театр — бахтлидир, у тинчлик пайтида ҳам, уруш даврида ҳам, очлик кунлари ҳам, мўл ҳосил кунлари ҳам, инқилоб даврида ҳам, тинч кунлари ҳам зарур ва томошабинларга тўла бўлади.

(К. Станиславский)

* * *

Тежамкорлик — эҳтиёткорликнинг қизи, мўътадилликнинг синглиси ва озодликнинг онасидир.

(С. Смайлс)

* * *

Тежамкорлик ҳеч нимани бекорга сарфлашни истамайди, зиқналик эса ҳеч нимани умуман сарфлашни истамайди.

(С. Смайлс)

* * *

Тез такрорланаверадиган бўлса, ҳар қандай туйғу заифлашади.

(Жорж Санд)

* * *

Текинга фақат қушлар сайрашади.

(Фёдор Шаляпин)

* * *

Текинхўрларни йўқ қилиш ва меҳнатни улуғлаш — тарихнинг доимий йўналишидир.

(Н.А. Добролюбов)

* * *

Тенглик — инсонларнинг буюк формуласи.

(А. Барбюс)

* * *

Тенгсизлик, табиий равишда олий синфни бойитади, ўрта синфни бемаза қилади ва паст синфни шафқатсизлантиради.

(Арнольд Мэтью)

* * *

Тепадан қарагандан кўра тепага қараган афзал.

(Мей Уэст)

* * *

Тешик кўзани тўлдириб бўлмайди.

(Тит Лукреций Кар)

* * *

Тижоратга асосланган дўстлик дўстликка асосланган тижоратдан афзал.

(Жон Рокфеллер)

* * *

Тиз чўкиб яшагандан, тик туриб ўлган афзал.

(Долорес Ибаррури)

* * *

Тил инсонга ўз фикрларини яшириш учун берилган.

(Талейран)

* * *

Тил учи биз топа олмайдиган сўзлар макони.

(Пьер Данинос)

* * *

Тилида «давлат», қалбида эса — давлат ҳисобидан текин пирог бўлган айёрлар ҳам бор.

(Салтиков-Шедрин)

* * *

Тилингни ҳар қандай шамол эсганида ҳам хилпирайдиган байроққа ўхшамаслигига ҳаракат қил.

(Аменхотеп)

* * *

Тилнинг бирлигидан дилларнинг бирлиги афзал.

(Румий)

* * *

Тилла астарли плаш ҳамма камчиликларни яширади.

(Лопе де Вега)

* * *

Тимсоҳ — шафқатсизликда инсондан кейин турадиган жонзот.

(Луи Брессенар)

* * *

Сизнинг қуролни топширганингиз тинч чекиниш ҳисобланмайди.

(Р. Карлсон)

* * *

Тинч яшашни истасанг, пасткаш одам билан душманчилик қилма.

(Шарқ ҳикмати)

* * *

Тириклар қаторида йўқ дўстларимизни эслаганимизда, биз ўзимизни яна ҳам ёлғиз ҳис қиламиз.

(В. Скотт)

* * *

«Тиришкок» — унинг тўғрисида бошқа ҳеч нима айтиб бўлмайдиган ходимга берилган характеристика.

(Пьер Даниное)

* * *

Тишли ғилдирак қанча кичик бўлса, шунча тез айланади.

(Александр Жуков)

* * *

То кишини танийдиганлар бар ҳаёт экан — киши ўлмайди.

(Чингиз Айтматов)

* * *

То сўрамасалар тилинг бўлсин лол,
То чақирмасалар оёк бўлсин шол.

(Масъуд Саъд Салмон)

* * *

Тозалик учун курашиш эмас, супуриш зарур.

(Илья Ильф)

* * *

Томчи тошни куч билан эмас, уни тинмай томиш билан парчалайди.

(Ж. Бруно)

* * *

Топилмаса — сув ҳам кўп киммат,
Топилганда кадрсиз албат.

(Абулмажд Саноий)

* * *

Тош ўрнига сўкиш отган биринчи киши — цивилизациянинг яратувчиси бўлган.

(З. Фрейд)

* * *

Тоғнинг тепасига осмонни кўриш учун эмас, пастликни кўриш учун чиқишади.

(Ясон Эвангелу)

* * *

Тулкининг айёрлиги бўрининг вахшийлигидай хавфли: биз иккаласидан ҳам бирдай сақланишимиз зарур.

(Т. Пейн)

* * *

Тумшуқбоғли ит учун энг аянчлиси, унинг эснай олмаслигидир.

(Рамон Гомес де ла Серна)

* * *

Тун канча коронғи бўлса, юлдузлар шунча ёркин кўринади.

(А. Майков)

* * *

Турмушда бахтли яшаган оддий киши ёлғиз яшовчи дохийдан ҳам бахтлидир.

(Д. Карнеги)

* * *

Тутунсиз олов бўлмайди, лекин оловсиз тутунни мен жуда ҳам кўп учратганман.

(Маргарита Наваррская)

* * *

Тушуниш — ҳис қилишдир.

(К. Станиславский)

* * *

Тушунмаслик дўстни душманга айлантиради.

(Л. Фейхтвангер)

* * *

Туянинг орзуси: бутун дунё янток бўлса.

(Леонид Сухоруков)

* * *

Туғилиш ва ўлишга даво йўқ, шунинг учун улар орасидаги вақтдан унумли фойдаланиш зарур.

(Жорж Сантаяна)

* * *

Тухмат — бахиллик қуроли.

(Софья Сегюр)

* * *

Тухмат — худди ўт очар қуролдай хавфли.

(А. Рубинштейн)

* * *

Тухмат шундай ғалати қусурки, уни сўндиришга интилсанг, у куч олади, ўз ҳолига ташлаб қўйсанггина — у ўлади.

(Т. Пейн)

* * *

Тухматдан ҳам кўркинчлирок қурол мавжуд: бу қурол — ҳақиқат.

(Ш.М. Талейран)

* * *

Тухматчининг заҳарли гапларига қарши дори йўқ.

(Аристофан)

* * *

Тўла ҳақиқатга эришиб бўлмайди, лекин ҳар ким шунга интилиши зарур.

(Ж. Рескин)

* * *

Тўлов қобилиятининг йўқлиги исботлангунча адвокат ўз мижозини айбсиз деб ҳисоблайди.

(Робин Холл)

* * *

Тўрт нарсага беэътибор бўлмаслик керак: оловга, касалликка, душманга, бурчга.

(Иоанн Дамаскин)

* * *

Тўғри, оғир меҳнатдан ҳали ҳеч ким ўлган эмас, лекин таваккалчилик нимага керак?

(Р. Рейган)

* * *

Тўғри ҳар офатдан қутулиб кетар,
Масал бор: «Тўғрилар мақсадга етар».

(Камолиддин Биноий)

* * *

Тўғрилик учрамас ҳечам балога,
Сарв қуриса ҳамки, ярар асога.

(Сайидо Насафий)

* * *

Тўғрисини айтмаслик учун жуда ҳам кўп гапириш керак бўлади.

(Анна Каменская)

* * *

Узоқ гапирма, чунки ҳаёт қиска.

(Марти Ларни)

* * *

Узоқ муддатли кредитнинг маъноси: қанча кам тўласанг, шунча кўп тўлайсан.

(Колюш)

* * *

Узоқдан — бирор нима, яқиндан — ҳеч нима.

(Лафонтен)

* * *

Узоқни кўра билиш натижа билан ўлчанади.

(Николай Пирогов)

* * *

Узун тиллар қўшнилар ва халқлар ўртасига душманлик уруғини сепишади.

(В. Скотт)

* * *

Уй аёл ҳаётининг чегараси эмас, маркази бўлиши зарур.

(Маргарет Тэтчер)

* * *

Уй бекаси ўзини қанча кўп тута билса, у шунча кўп меҳмондўст бўлади.

(Дон Аминадо)

* * *

Уй ишлари — аёлнинг буни бажармай кўйганида пайқайдиганларинг.

(Эван Эсар)

* * *

Уй — ҳаёт машинаси.

(Ле Карбюзье)

* * *

Улкан талант улкан меҳнатсеварликни талаб қилади.

(П Чайковский)

* * *

Улуғлиғинг ошса, хушхулқ бўлгил.

(Маҳмуд Кошғарий)

* * *

Умид билан яшаш ҳар доим умиднинг йўқлигини билиб яшашдан афзал.

(Ака ука Гонкурлар)

* * *

Умид ва сабр ... етишмовчиликда бошимизни кўйишимиз мумкин бўлган иккита энг юмшоқ ёстиқ.

(Роберт Бартон)

* * *

Умид тунги осмонга ўхшайди: унинг исталган қисмига иштиёқ билан тикилиб қарасангиз, албатта қандайдир бир юлдузни топасиз.

(Октав Фелье)

* * *

Умидсиз юрак ёрилиши ҳам мумкин.

(У. Кэмден)

* * *

Умр бўйи чиябўри бўлгандан, бир кун бўлса ҳам арслон бўлган афзал.

(Элизабет Генри)

* * *

Умрим бўйи нодонлардан кўркиб келганман. Айниқса, нодон аёллардан. То улар даражасига тушмагунча, улар билан қандай гаплашиш лозимлигини билмайсан.

(Ф. Раневская)

* * *

Умуман айтганда, матбуотни бахтсизлик боқади.

(Клемент Эттли)

* * *

Умумий душман топмагунча, кишилар орасида якдиллик бўлмайди.

(Исократ)

* * *

Умумий яшаш жойидан ортиқ кишиларни бир-бировидан ажратадиган нарса йўқ.

(З. Холодюк)

* * *

Унвонлар — нодонлар зийнати, буюк кишиларга ўз исми етарли.

(Буюк Фридрих)

* * *

Университетни тугатган ҳар бир киши олдин олти ой сартарош бўлиб, яна олти ой такси ҳайдовчиси бўлиб ишлаши зарур. Шундан кейин у ҳакикий маълумотли кишига айланади.

(Ал Магуайр)

* * *

Уриштириладиган итда асосийси оғирлиги эмас, уришқоқлиги.

(Д. Эйзенхауэр)

* * *

Уруш — бу шундай ўйинки, унда баъзан яхши кишилар мағлуб бўлишади.

(К. Отатурк)

* * *

Уруш — жуда ҳам жиддий иш, уни ҳарбийларга ишониб бўлмайди.

(Ш.М. Талейран-Перигор)

* * *

Уруш — сиёсатнинг давоми эмас, сиёсатнинг мағлубияти.

(Ханс фон Сект)

* * *

Урушни ҳарбийлар эмас, сиёсатчилар бошлашади.

(Генерал Уильям Уэстморланд)

* * *

Устод падардан илғор,
Ундан ортиқ ҳақи бор.
Падар ҳаёт беради,
Устод нажот беради.

(Камолиддин Биноий)

* * *

Уч нарсани аёллар арзимас нарсадан қила олишади: ўзига кўйлакни, салатни ва оилавий жанжални.

(Жон Барримор)

* * *

Уч тоифа одам ҳамманинг назарида ёв: бахил, золим ва такаббур. Уч тоифа одамни кўрмай туриб ҳам яхши кўриш мумкин: олимни, сахийни ва одил кишини.

(«Қонуни ҳикмат»дан)

* * *

Уч тоифа одамнинг хизматидан дилтанг бўлмаслик керак: ота-она хизматидан, бемор хизматидан ва меҳмон хизматидан.

(«Қонуни ҳикмат»дан)

* * *

Учта хўжайини бўлган қул, қул эмас, озод кишидир.

(Лотин ҳикмати)

* * *

Уят — бизни ўзгалар кузатаётганлиги тўғрисида огоҳлантирувчи ички овоз.

(Генри Менкен)

* * *

Уят ва обрў худди кўйлакка ўхшайди, улар қанча ифлослашса, унга шунча эътиборсиз бўламиз.

(Апулей)

* * *

Уят — кўпчилик кишиларда ўзгалар фикридан қўрқишдан бошқа нарса эмас.

(Жеймс Тейлор)

* * *

Фалсафа нарсалар асосини, санъат ҳақиқий гўзалликни излаганидай тарих инсон тақдирининг суратини ҳаққоний, тўлиқ ва аниқ ёритишга ҳаракат қилади.

(В. Гумбольдт)

* * *

Фалсафа: мураккаб саволларга мужмал жавоблар.

(Адамс)

* * *

Фалсафа ҳайратдан бошланади.

(А.Н. Уайтхед)

* * *

Фан бизнинг жуда кўп касалликларимизни даволашга дори ихтиро қилган бўлса ҳам, бизнинг энг оғир касаллигимиз — бепарволигимизга карши малҳам топа олмади.

(Хелен Келлер)

* * *

Фан — бу илмларнинг жамлангани.

(Спенсер Герберт)

* * *

Фан учун касалликка жавоб топишдан дори топиш осонрок.

(Жан Ростан)

* * *

Фан фантазиядан ўзадиган давр лар ҳам келади.

(Жюль Верн)

* * *

Фан фойда келтирсагина мақтовга арзийди.

(У. Пенн)

* * *

Фан ҳозирча ҳайвонни одамга айлантириш йўлини топган эмас.

(М. Булгаков)

* * *

Фанга бир вақтнинг ўзида ҳам ишониш, ҳам шубҳаланиш зарур.

(Л. Гиршфельд)

* * *

Фанни ўрганишда коидага караганда мисоллар фойдалирок бўлади.

(Исаак Ньютон)

* * *

Фанатизм — максад йўқотилган холда, кучнинг кескин ошишидир.

(Жорж Сантаяна)

* * *

Фанатик — бизга карши бўлган хар кандай киши.

(Уилл Рожерс)

* * *

Фаолият — буюк нарса. Агар кишилар зарур бўлган нарсаларни дадиллик билан килаверсалар, вакт ўтиши билан бу уларга ёкиб колиши мумкин.

(Ж. Рескин)

* * *

Фаолиятни тўхтатиш бўшанглиққа, бўшанглик эса каришга олиб келади.

(Апулей)

* * *

Фарзандлар билан мақтаниш, худди умидлар билан мақтанишдай бемаъниликдир.

(Лотин ҳикмати)

* * *

Фарзандингни ҳаётда яшашга тайёрлар экансан, уни бўйсунишга эмас — буюришга ўргат.

(Фран Лебовиц)

* * *

Фарзандларингизни тарбиялашдан олдин ўзингизнинг тарбиянгизни текшириб олинг.

(А.С. Макаренко)

* * *

Фарзандларни катта бўлганида зарур бўладиган илмларга ўргатиш лозим.

(Аристипп)

* * *

Фарзандларнинг ота онасига бўлган мухаббати онгли равишда бўлганидагина чин маънога эга бўлади.

(Симона де Бовуар)

* * *

Фақат айтмоқчи бўлган гапингни айтсанг, ҳеч қачон сергап бўлмайсан.

(Делакруа)

* * *

Фақат биз яхши билмайдиган кишиларнинггина ақли жойида бўлади.

(Жо Ансис)

* * *

Фақат биргина азоб мавжуд — ёлғиз қолиш.

(Г. Марсель)

* * *

Фақат вақт ўтказиш учунгина китоб ўқийдиган кишига ҳеч қандай асар узун туюлмайди.

(Ж. Боккаччо)

* * *

Фақат давлат хизматидагина ҳақиқатни англайсан.

(Козьма Прутков)

* * *

Фақат золим кишилар қахрдан кўркишади.

(В. Скотт)

* * *

Фақат кузатиб турибгина, кўп нарсаларни кўришингиз мумкин.

(Йоги Берра)

* * *

Фақат курашаётгангина ғалаба қозонади.

(А. Сен Жюст)

* * *

Фақат кучлиларгина кечира олишади.

(Элиза Ожешко)

* * *

Фақат нодон ва мурдалар ўз фикрларини ҳеч қачон ўзгартиришмайди.

(Лоуэлл Жеймс Рассел)

* * *

Фақат нодонгина нима эшитаётган бўлса, шуни эшитади.

(О. О'Малли)

* * *

Фақат нодонлар душманни ожиз ҳисоблашади.

(И. Дамаскин)

* * *

Фақат ожиз ва кучсизлар ўлишади, яшаш учун курашда совлом ва кучлилар доим ғолиб бўлишади.

(Чарлз Дарвин)

* * *

Фақат олий маълумотлилигим туфайли мен ҳеч нимани билмаслигимни биламан.

(Данил Рудий)

* * *

Фақат полни ювадиган киши оёқни қандай артиш кераклигини билади.

(А. Лигов)

* * *

Фақат судралувчилар қокилиш майди.

(В. Бутулеску)

* * *

Фақат талантлигина тан олинмаган талантлини кўра олади.

(И. Шевелев)

* * *

Фақат юрак сергак. Энг муҳим нини кўз билан кўра олмайсан.

(Сент Экзюпери)

* * *

Фақат ўзига ишонган одамнинг қўлидан кўп нарса келади.

(В. Гумбольдт)

* * *

Фақат ўлим киши ҳаётини тақдирга айлантиради.

(Андре Мальро)

* * *

Фақат ўтмиш билан яшасанг келажагингни қискартирасан.

(В. Лебедев)

* * *

Фақат ўқимишли кишилар ўқишни исташади, ўқимаганлар эса ўқитишни афзал кўришади.

(Э. Ле Баркье)

* * *

Фақат ўқув юртида таълим олган бола — илмсиз бола.

(Ж. Сантаяна)

* * *

Фақат ҳис қилиш мумкин бўлган кучларни кўриб бўлмайди.

(Апулей)

* * *

Фикрламайдиган киши — бу фанатик, фикрлай олмайдиган киши — бу тентак, фикрлашдан қўркадиган киши — бу қул.

(У. Драмонд)

* * *

Фикрнинг ишга айланиши, бу эрк эмасми?

(Бестужев Марлинский)

* * *

Фил — бу ҳукумат буюртмаси бўйича ишлаб чиқарилган сичқон.

(Р. Хайнлайн)

* * *

Фиръавнлар ўзларини пирамидалари билан реклама қилишган.

(Рамон Гомес де ла Серна)

* * *

Фирибгар билан тентак жанжалида кишилар доимо фирибгар томонида бўладилар.

(Г. Менкен)

* * *

Фитна оташини шундай ёқибсан,
Коп-кора юз билан элга боқибсан.

(Абумансур Дақиқий)

* * *

Фожиа шундан иборатки, уни ҳеч ким сезмайди.

(Л. Леонидов)

* * *

Фортепьянода ўйнаш — бармоклар ҳаракати, фортепьянодаги ижро — қалб ҳаракати.

Одатда, биз фақат биринчисини эшитамиз.

(А. Рубинштейн)

* * *

Функциясини тушунишни истасангиз, структурасини ўрганинг.

(Ф. Гарри К)

* * *

Фуқаролари вақтичоғликда ва роҳат-фароғатда яшаётган давлат энг яхшидир.

(Н. Макиавелли)

* * *

Фуқароларнинг ҳақиқий тенглигига қонунларга ҳамманинг бир хилда итоат қилиши орқали эришилади.

(Даламбер)

* * *

Хавфнинг эҳтимоли қанча кам бўлса, у шунча даҳшатли бўлади.

(Ж. Голсуорси)

* * *

Хавфсизликни бахтдан юқори қўйган киши, шу баходан уни олади ҳам.

(Р.Д. Бах)

* * *

Халқ содда бўлса, уни бошқариш осон бўлади.

(Шан Ян)

* * *

Хавф қанча катта бўлса, унинг ғолибини шарафлаш ҳам шунча катта бўлади.

(Ф.Н. Глинка)

* * *

Халқ истаги тўғрисида, одатда, унга буюрувчилар гапиришади.

(К. Чапек)

* * *

Халқимга бир нафим тегмаган
кунни,
Умрим ҳисобига қўша олмайман

(Масъуд Саъд Салмон)

* * *

Халқнинг ахлоқи аёлларга бўлган ҳурматига боғлиқ.

(В. Гумбольдт)

* * *

Халқнинг ахлоқий сифатлари миллатнинг асосий бойлигидир.

(Н. Чернишевский)

* * *

Халқнинг илм олишига халақит бериш мумкин, лекин унинг билганини эсдан чиқартиришнинг иложи йўқ.

(К. Берне)

* * *

Характер — бу тўла шаклланган ирода.

(С. Смайлс)

* * *

Характернинг қандайлигини майда нарсалардан билса бўлади.

(Ш. Лемель)

* * *

Характеристика — нафақат берилган кишининг, балки берган кишининг ҳам баҳосини белгилайди.

(В. Тарасов)

* * *

Хато қилиб ўрганамиз.

(Л. Крайнов-Ритов)

* * *

Хатолар бизни акллирок ва бахтсизрок қилади.

(А. Брейтер)

* * *

Хато қилиш кишига хос, лекин хатосини бошқага тўнкаш одамларнинг одатидир.

(Мерфи қонуни)

* * *

Хиёнат менга ёқади, лекин хиёнаткордан жирканаман.

(Октавиан Август)

* * *

Хизмат хатингизни ўқишларини истасангиз, у бир варақдан ортиқ бўлмасин.

(Вудро Вильсон)

* * *

Хизмат ҳақин билмайдиган
кимсаларнинг хизматин,
Қилма асло кўрмайсан на ҳурмату
на мактов.

(Хожа Самандар Термизий)

* * *

Хизматкорингга сирингни айтсанг, уни ўзингга хўжайин қиласан.

(Н. Бейли)

* * *

Хизматлари учун мен ҳурмат қиладиган кишимнинг менга бўлган ҳурматидан ҳам қадрлироқ ҳурмат бўлмайди.

(Апулей)

* * *

Хоккей — иккита оқ танли йигитларнинг урушишларини кўриш мумкин бўлган ягона ўйин.

(Ф. Дефорд)

* * *

Хорлик истасанг хиёнатчи бўл.

(Мотуридий)

* * *

Хотинимнинг барча қариндошлари орасида менга ҳаммасидан ҳам ёқадигани ўзим.

(Ж. Кук)

* * *

Хотининг тўғрисида ўйлаганларингдан уялма, сенинг тўғрингда ҳам у чакки ўйламагандир.

(Ж. Ростан)

* * *

Хотира тори узилса, ҳаёт мусиқаси ўчади.

(К. Жером)

* * *

Хотира — қизиқ элак: унда фақат бизнинг яхшиликларимиз ва ўзгаларнинг ёмонликлари қолади.

(Веслав Брудзинский)

* * *

Хотираси яхши қайсардан ортиқ хавфли киши йўқ.

(К. Монсивес)

* * *

Хотирлаш — биз қувилмайдиган ягона жаннатдир.

(Демосфен)

* * *

Худойим, янги йил олдингисидан қисқа бўлмасин!

(Б. Крутнер)

* * *

Худбинлик — бу кишиларнинг инграшини эшитмаслик учун қулоққа тиқиладиган пахта.

(Г. Сенкевич)

* * *

Худбин бўлиш тинч яшаш дегани эмас.

(М. Дитрих)

* * *

Хурофот — илмсизликнинг фарзандидир.

(У. Хэзлитт)

* * *

Хуррак отадиган киши олдин ухлайди.

(А. Блох)

* * *

Хурсандчилик эсдан чиқиши мумкин, лекин ғам ҳеч қачон.

(М. Лермонтов)

* * *

Хушомад ёқадиган киши ҳимоясиздир

(А. Граф)

* * *

Хушомадга нодонлар илинишади.

(М. Андерсен-Нексе)

* * *

Хушомадгўйлардан узоклашинг — улар қиёфасини ўзгартирган ўғрилардир.

(Т. Пенн)

* * *

Хушхабарга қараганда шум хабар тез тарқалади.

(Ж. Мильтон)

* * *

Хўжайин бўлиш учун сиёсатчи ўзини хизматкор қилиб кўрсатади.

(Шарль де Голль)

* * *

Хўроз эҳтимол чиройли кичқирар, лекин тухумни фақатгина товук туғади.

(М. Тэтчер)

* * *

Цивилизациянинг ривожланиши инсоният ўйламай бажараётган фаолият соҳаларининг кенгайишидан иборат.

(А. Уайтхед)

* * *

Чаманзорга ишлов бериб турилмаса, у чангалзорга айланади.

(Абдулла Аҳмад Муҳаммад Али)

* * *

Чарчоқ аёлларни кўп, эркаклар ни эса кам гапиртиради.

(К. Льюис)

* * *

Чақимчилар рағбатлантирила диган ерда айбдорлар танқислиги бўлмайди.

(К. Мальзерб)

* * *

Чигирткалар тўпи — табиий офат, ўзи ёлғиз бўлганида эса сира ҳам қўркинчсиз оддий ҳашарот. Аҳмоқлар ҳам худди шундай.

(К. Чапек)

* * *

Чидам — бефарқликнинг бошқача номланиши.

(С. Моэм)

* * *

Чидамли кишининг қахридан қўрк.

(Ж. Драйден)

* * *

Чиройли дафн маросимига ҳам ҳавас қиладиган кишилар бор.

(В. Гжегорчик)

* * *

Чиройли қушнигина катакка жойлайдилар. *(Хитой ҳикмати)*

* * *

Чиқаётган қуёшнинг мухлиси ботаётганникидан кўп бўлади.

(Буюк Помпей)

* * *

Чуқур ишонч билан айтилган «Йўқ», фақат хурсанд қилиш учун ёки муаммодан қочиш учун айтилган «Ҳа»дан афзал.

(Махатма Ганди)

* * *

Чўкаётган, одатда, сувни лойқалатади.

(А. Сток)

* * *

Чўққидан йўл — фақат пастга.

(П. Таранов)

* * *

Шафқатсизлик — бу ёвуз ақл ва кўрқоқ қалбнинг маҳсули.

(Л. Ариосто)

* * *

Шафқатсизлик, сабабсиз араз лаш, бировнинг мулкини ўғирлаш, қариндошларга ва дўстларга муросасизлик — шуларнинг ҳаммаси паст кишиларнинг табиатига хосдир.

(Бхартрихари)

* * *

Шаъма қилиш — назокатли кишининг ақлли кишига илтимоси.

(В. Кротов)

* * *

Шамол таъсирида қўпорилган дарахтнинг шохи томиридан кўп бўлади.

(Хитой ҳикмати)

* * *

Шармандаликни эккан, бахтсизликни ўради.

(Горгий)

* * *

Шахмат ўйинида аёл киши ҳеч қачон эркак киши билан тенглаша олмайди, чунки у беш соат мобайнида шахмат тахтаси ёнида тинч ўтира олмайди.

(П. Керес)

* * *

Шерни ҳам қилгувчи бир тулки мижоз,
Эҳтиёждир, эҳтиёждир, эҳтиёж.

(Жалолиддин Румий)

* * *

Шеър — отда елиш, наср — яёв юриш. Яёв юриб узоққа борасан, отда манзилга тезроқ етасан.

(Р. Гамзатов)

* * *

Шикоят қилиш ва нолишдан ҳузурланадиган кишилар ҳам бўлади, улар бундай ҳузурланишдан баҳраманд бўлиш учун ҳатто бахтсизликни излашга ҳам рози бўлишади.

(Де Ла Барка Педро Кальдерон)

* * *

Ширин бўлган барча ерда шўр ҳам топилади.

(Гай Петроний Арбитр)

* * *

Шифокор бўлиш камлик қилади, даволашни ҳам билиш зарур.

(Брехт)

* * *

Шогирд бўлмаган киши устоз бўла олмайди.

(Боэций)

* * *

Шон-шуҳрат кишини энг кучли тўлқинлантирадиган воситадир.

(Грэм Грин)

* * *

Шошилинчни кўпинча муҳим билан адаштиришади.

(А. Зигфрид)

* * *

Шошмайдиган киши ҳамма нарсага улгуради.

(М. Булгаков)

* * *

Шубҳа мени билишдан кам завқлантирмайди.

(Данте)

* * *

Шубҳани чўктириш жуда ҳам қийин, чунки у яна осонлик билан қалқиб чиқаверади.

(Ф. Дюрренматт)

* * *

Шубҳасиз, турмуш ўртоғингизнинг ўз камчиликлари бор. Агар у фаришта бўлганида сизга ҳеч қачон уйланмас эди.

(Д. Карнеги)

* * *

Шундай кишилар ҳам борки, улар билан одамга ўхшаб гаплашишса, ҳайвонга айланиб қолишади.

(К. Осипович)

* * *

Шуни эсдан чиқармангки, эшита олиш — бу буюк куч. Дунё эшитувчиларга муҳтож.

(Б. Зигель)

* * *

Шуҳрат ўзининг афзаллик ва камчиликларига эга. Афзаллиги шундаки, мени ҳамма танийди. Камчилиги эса шундаки — мени ҳамма танийди.

(Ж. Спрингер)

* * *

Шуҳратнинг энг катта устунлиги шундаки, буюк нодонликларни ҳам ҳеч жазоланмасдан айта оласан.

(А. Жид)

* * *

Эгри ойнада букри ҳам Аппо-лондай кўринади.

(В. Счисловский)

* * *

Эгрилик ҳосили — қабоҳат эрур,
Тўғрилик ҳосили — саодат эрур.

(Абулмажд Саноий)

* * *

Эзгу иш нафрат ва ғараз билан эмас, меҳр билан қилинади.

(Ж. Рескин)

* * *

Эй биров қасдига чоҳ қазган инсон,
Оқибат ўзингга кўясан қопқон.

(Жалолиддин Румий)

* * *

Эй Тангрим, мени доноларга бошлиқ қил, доноларни эса менга.

(Филострат Флавий)

* * *

Эйнштейннинг даҳолиги Хиросимагача олиб келди.

(П. Пикассо)

* * *

Экилган уруғга нисбатан ҳосил кўп олинур. Қаҳр эмас, меҳр уруғини сочинг.

(Абдулла Аҳмад Муҳаммад Али)

* * *

Эл учун адлу адолат бўлса, бас,
Андин ўзга посбонинг шарт эмас.

(Жалолиддин Румий)

* * *

Эллик минг фунт ишлашни орзу қиладиган ҳар бир кишига эллик минг фунтни мерос қилиб олишни орзу қиладиган юз киши тўғри келади.

(А. Милн)

* * *

Энг аввало, яхши кўрган кишисини алдашади.

(Надин де Ротшильд)

* * *

Энг асосийси кишини фикрлашга ўргатиш лозим.

(Брехт)

* * *

Энг ашаддий душманингизнинг сиз тўғрингизда юзингизга айтган ҳунук гаплари якин дўстларингизни оркангиздан айтган ёмон гаплари олдиди ҳеч нима эмас.

(Мюссе)

* * *

Энг аянчли жиноят — дўстнинг ишончини суиистеъмол қилишдир.

(Г. Ибсен)

* * *

Энг даҳшатли хавф ҳам аник ўлимдан афзал.

(А.К. Дойл)

* * *

Энг замонавий кишилар• хам маст бўлганларидан кейин инсонийлигини ва аклини йўкотишади.

(Ж. Верн)

* * *

Энг зарарлиси — бу боши айлантирилган овсар.

(Ж. Голсуорси)

* * *

Энг катта нодонликларни ўзимиз ўйлаб топамиз.

(К. Кушнер)

* * *

Энг кучли туйғу — манманликдир. Агар мени шундан асрасанг, бошка камчиликлардан ўзим халос бўламан.

(Шеридан)

* * *

Энг нодон аёл хам аклли эркак билан келишиши мумкин, лекин нодон эркак билан факат аклли аёллар келишишади.

(Р. Киплинг)

* * *

Энг оғир санъат — бошкариш санъатидир.

(К. Вебер)

* * *

Энг хавфсиз кема — қирғоққа судраб чиқарилгани.

(Анахарсис)

* * *

Энг эпчил ўғри хам бир кунмас-бир кун қўлга тушади.

(Лафонтен)

* * *

Энг яхши истакларини амалга оширибгина инсоният илгарилайди.

(К. Тимирязов)

* * *

Энг яхши одат — хеч кандай одатга эга бўлмаслик.

(А. Декурсель)

* * *

Энг яхши олқиш — хеч кандай яхшилик қилмаган кишингдан чикадиган олқиш.

(Абу ал-Фараж)

* * *

Энг яхши конунлар одатлардан туғилади.

(Ж. Жубер)

* * *

Энг кийин иш, бу — бошлашимизга юрак бетламай турган ишдир.

(Ш. Бодлер)

* * *

Энг кийин касб — инсон бўлишдир.

(Х. Марти)

* * *

Энг кийини дастлабки кадамдир.

(Марк Теренций Варрон)

* * *

Энди менинг учун барибир деб ўйлайдиган киши, доим янглишади.

(Георгий Ратнер)

* * *

Эр билан хотиннинг, ота билан ўғилнинг орасига тушма.

(Қадимги ҳинд ҳикмати)

* * *

Эринчоқлик — бизнинг қобилиятларимиз ривожланишига энг катта тўсиқ.

(Д. Эжен)

* * *

Эриша оладиганимга караганда доимо кўпни истаганим учун худога шукур киламан.

(Микеланжело)

* * *

Эркаклар кечиришади ва эсдан чиқаришади, аёллар эса фақат кечиришади.

(Ф. Жерфо)

* * *

Эркаклар оддийгина алдашади, аёллар эса кўзида ёш билан алдашади.

(Дон Аминадо)

* * *

Эркаклар ўзи тўғрисида нима ўйлашаётганига эътиборни қаратишади, аёл учун эса нима гапиришаётгани муҳим.

(Теодор Готлиб Гиппель)

* * *

Эркакнинг ишончига қараганда аёлнинг гумони аниқроқ бўлади.

(Р. Киплинг)

* * *

Эр-хотин урушида, одатда, тинчликнинг қадрига етмайдиган томон ғолиб бўлади.

(Ж. Ростан)

* * *

Эр-хотинлик қайчига ўхшайди, тиғлар бир-бирига қарши йўналишда харакатланиши мумкин, лекин уларнинг ўртасига тушганнинг ҳолига вой.

(С. Смит)

* * *

Эрта турганнинг иши юришади деб ҳисоблайдилар. Йўқ! Яхши кайфият билан турганнинг иши юришади.

(Марсель Ашар)

* * *

Эртага бажарадиган ишингни бугун бажар: бугун айтмоқчи бўлганингни эртага гапир.

(Казимеж Тетмайер)

* * *

Эртага эртанинг шамоли эсади.

(Япон мақоли)

* * *

Эртадан бошлаб ҳеч нимани эртага қолдирмайман.

(С. Левинсон)

* * *

Эртак — бу қурбақага уйланиб, унинг маликага айланиб қолиши. Ҳақиқат эса — унинг тескариси.

(Ф. Раневская)

* * *

Эртанги кун келмасидан олдин, бугун сенинг учун қанчалик яхши эканлигини тушунмайсан.

(Л. Левинсон)

* * *

Эсдан чиқара олмаслик — невроз касаллигининг асосий сабабчисидир.

(Э. Чоран)

* * *

Эсингда бўлсин: сен эҳтиёт қисмларсиз дунёга келгансан.

(Америка йўлларидаги огоҳлантириш)

* * *

Эсингизда бўлсин, табиатда ҳамма нарса мувозанатда: агар сизга ёмон бўлса, бошқа бировга яхши!

(А. Рас)

* * *

Эсингиздан чиқарманг, санъат бу «мен», фан — бу «биз».

(К. Бернар)

* * *

Эътиборли бўлишдан эркалаш анча узоқ, эркалашдан эса — ҳақиқий яқинлик.

(Ш. Дюкло)

* * *

Этика — барча тирик мавжудотлар учун бизнинг чексиз масъулиятимиз.

(А. Швейцер)

* * *

Эътироз билдириш одати ақлнинг касали бўлиб, юракка зиён етказади.

(Э. Бошен)

* * *

Эшитишда такрорлашдан ҳам уятлироқ бўладиган ифлос ғийбатлар мавжуд.

(Ж. Деваль)

* * *

Эҳтиёжи имконияти даражасида бўлган киши бадавлатдир.

(И. Шевелев)

* * *

Эҳтиёжимиз бор нарсани ўзимизга раво кўрамиз, лекин истаган нарсамизни эмас.

(Ф. Рузвельт)

* * *

Эҳтиёт бўл: гувоҳларсиз яхшилик қилма.

(Т. Лерер)

* * *

Эҳтиёт бўлинг, ҳар бир дўстингиз маълум бир пайтда собиқ бўлиб колиши мумкин.

(Я. Жангирова)

* * *

Эҳтиёткорлик ҳам жангчи учун худди жасурликдай зарур.

(Ф. Купер)

* * *

Эҳтиётлик билан ҳазил қилиш зарур, сени тушунмасликлари мумкин.

(Борисфенит)

* * *

Эҳтимол, ҳаётни равшанроқ кўриш учун кўзимизни вақти-вақти билан кўз ёшларимиз ювиши лозимдир.

(А. Тан)

* * *

Юз бармоқ ишлолмас бир бошнинг ишин.

(Ф. Гургоний)

* * *

Юзга айтиладиган тўғри гапни кулоққа айтган маъқул.

(Л. Навроцкий)

* * *

Юракда ажин бўлмайди, унда фақат чандиклар бўлади.

(Колет)

* * *

Юракни ушламаслик учун ақлни ушлаш зарур.

(В. Танков)

* * *

Юкори мансабдагиларнинг кавушини ўпувчи кишигина кўл остидагиларга кўпол муносабатда бўлади.

(Н. Добролюбов)

* * *

Якшанба — ҳафтага мукофот.

(В. Брудзинский)

* * *

Ялтирайдиганнинг ҳаммаси ҳам олтин эмас. Лекин, бошқачаси ҳам тўғри: олтиннинг ҳаммаси ҳам ялтирайвермайди

(Ф. Геббель)

* * *

Ялковлик бу тананинг нодонлиги, нодонлик — бу ақлнинг ялковлиги.

(И. Зейме)

* * *

Ялқовлик бойликнинг қизи ва қашшоқликнинг онасидир.

(Декурсель)

* * *

Ялқовлик — қобилиятларимизнинг ривожланишига энг катта тўсиқ.

(Делакруа)

* * *

Янгидан қуриш эскини қайта қуришдан анча осондир.

(Бестужев Марлинский)

* * *

Янгилик шамолини ҳис қилган киши унинг олдига тўсиқ эмас, шамол тегирмони қуриши даркор.

(Кинг Стивен)

* * *

Янглишиш нафақат инсонга хос — бу унинг асосий юмушидир.

(В. Крачковский)

* * *

Янглишмайдиган киши бўлмайди.

(Шотланд ҳикмати)

* * *

Ярамас киши тарози палласига ўхшайди, сал нимага осмонга кўтарилади ёки пастга эгилади.

(Хинд ҳикмати)

* * *

Ярашган душмандан эҳтиёт бўл.

(Роберт Бартон)

* * *

Яхши адвокат яхши инсон бўлмаслиги ҳам мумкин. *(Ж. Пенни)*

* * *

Яхши биладиган кишингга яхши тавсиянома ёзиш ҳаммасидан қийин.

(Фрэнк Хаббард)

* * *

Яхши бошланмаган иш камдан кам ҳоллардагина яхши якунланади.

(Лотин ҳикмати)

* * *

Яхши бўла олиш қобилияти бор бўлган дўст яхши дўстдир.

(Кливленд Эмори)

* * *

Яхши ва чиройли фикрларни тўплаш бебаҳо хазина бўлар эди.

(Делиль Жозеф Никола)

* * *

Яхши гапни айтмиш кўп кўрган инсон,
Уруш ташқаридан кўрганга осон.

(Ф. Гургоний)

* * *

Яхши дўст бўлган киши, яхши дўстларга ҳам эга бўлади.

(Н. Макиавелли)

* * *

Яхши изҳор қилинган фикр барча тилларда ҳам жарангдор эшитилади.

(Ж. Драйден)

* * *

Яхши иш қилиш, яхши киши бўлишдан осон.

(Ж. Вольфром)

* * *

Яхши ишлов берилмаган ерда яхши ҳосил унмайди

(Шарқ ҳикмати)

* * *

Яхши кексалар бўлмаган ерда, яхши ёшлар ҳам бўлмайди.

(Адигей мақоли)

* * *

Яхши киши сўрашганидан ҳам кўпни қилади, ақлли эса сўрашмасидан олдин қилади.

(А. Брейтер)

* * *

Яхши муомала яхши дўстларни пайдо қилади.

(Р. Фрост)

* * *

Яхши одатларни қашшоқликда сақлаш анча қийин.

(Л. Хеллман)

* * *

Яхши тарбияли киши ҳамма нарсани ўқиши мумкин.

(Я. Гашек)

* * *

Яхши тингловчи бўлиш ҳам бир санъат.

(Р. Карлсон)

* * *

Яхши фазилат кўзга камчиликдай яққол ташланмайди.

(Қадимги ҳинд ҳикмати)

* * *

Яхши — хотирада узоқ сақланади, ёмон — эсга тез-тез келиб туради.

(В. Гжегорчик)

* * *

Яхши хулқ қуёш қорни эритганидек хатоларни эритади. Ёмон хулқ асални сирка бузганидек амални бузади.

(Ибн Аббос)

* * *

Яхши хулқли кишини,
Яхши дегил ишини.

(Жалолиддин Румий)

* * *

Яхши шеър насрдан яхши, ҳатто энг яхшисидан ҳам

(М. Цветаева)

* * *

Яхши шеърларнинг ёмонидан фарқи шундаки, яхшисидан яхши сатрлар эсда қолади, ёмонидан ёмон.

(О. Брик)

* * *

Яхши яшалган умр йиллар билан эмас, бажарилган ишлар билан ўлчанади.

(Шеридан)

* * *

Яхши ўқувчи яхши ёзувчидан ҳам кам учрайди.

(Х.Л. Борхес)

* * *

Яхши қонунлар ёмон хулқлар оқибатида пайдо бўлади.

(Макробий)

* * *

Яхшилар эмас, энг чаққонлар омон қолишади.

(И. Мечников)

* * *

Яхшилик ва ёмонлик осмондан тушмайди, уни ўзимиз яратамиз.

(Ж. Апдайк)

* * *

Яхшилик қил ва бу тўғрида ҳаммага маълум қил (Ҳозирги замон саховатлиларининг шиори.)

(Роберт Кеннеди)

* * *

Яхшилик қилган кишиларингнинг биридан баъзан шундай миннатдорчилик билдирилиши мумкинки, бу барча яхшилик билмайди-

ганларга килган яхшилигинг учун сенга гўё бир мукофотдир.

(Ф. Гвиччардини)

* * *

Яхшилик килиш хам жонга тегиши мумкин.

(Н. Макиавелли)

* * *

Яхшилик хар доим гўзалликдан устун бўлган.

(К. Бови)

* * *

Яхшиликни олкишлайдиганлар кўп, лекин эргашадиганлар оз.

(Марти Ларни)

* * *

Яхшиликнинг маъноси — эхтиёжни кондириш.

(У. Жеймс)

* * *

Яхшининг чеки йўк, ёмоннинг эса охири.

(Ю. Рибников)

* * *

Яшаш — хар дакика сайин кайта тугилишдир.

(Э. Фром)

* * *

Яшашда икки усул манжуд: хамма нарсага ишониш ва хеч нарсага ишонмаслик. Иккаласи хам бизни фикрлашдан куткаради.

(А. Корзбеки)

* * *

Яширинча бахт, ошкора шармандагарчиликдан афзал.

(А.К. Дойл)

* * *

Якинларингнинг хатосини ўзингникидай хурмат кил.

(В. Леви)

* * *

Ўз бойлигингга караб яшаш учун унга эга бўлиш зарур.

(Данила Рудий)

* * *

Ўз бойлигини меросхўрларига ташлаб кетаётган киши буни рахмдиллиги учун килаётгани йўк, унда бошка илож йўк.

(Уильям Юарт Гладсон)

* * *

Ўз бойликларини сандикларда асровчи зикна бадавлатларга жамиятдан унинг бойлигининг бир кисмини яшираётгандай караш лозим.

(Ф. Глинка)

* * *

Ўз гунохингни сўраб элдин ўтин,
Нафрат ўти ичра бўлмасдин ўтин.

(Анбар Отин)

* * *

Ўз жонига касд килишга карор килган кишини ўлдириш шарт эмас.

(В. Вильсон)

* * *

Ўз ёшингизга караганда ёшрок кўринишга харакат килинг, лекин сиз тўгрингизда ўйлашаётганларидан ёшрок эмас.

(Дон-Аминадо)

* * *

Ўз истагига эргашишни исташ етарли, унга бахона хар доим топилади.

(С. Лузан)

* * *

Ўз истагига эришишни истовчи киши амалга ошадиганини истагани маъкул.

(М. Хуан)

* * *

Ўз истагини бажариб, уни сўндиришни ўйлайдиган киши оловни сомон билан ўчиришга интиладиган нодонга ўхшайди.

(Форс ҳикмати)

* * *

Ўз итимиз учун ҳар биримиз Наполеон, шунинг учун ҳам итни яхши кўрамиз.

(О. Хаксли)

* * *

Ўз ишинг тўғрисида бировдан маслаҳат олмоқчи бўлсанг, аввало, унинг иши қандайлигига эътибор қил.

(Исократ)

* * *

Ўз ишончига шубҳаси бор киши ишончига бўладиган таъна-маломатлардан хавфсирайди.

(У. Филлипс)

* * *

Ўз камчиликларига эътибори ни каратган киши бошқаларнинг камчиликларини кўриб улгурмайди.

(Шарқ ҳикмати)

* * *

Ўз раҳбарларига раҳбарлик қилишни истовчи киши жуда ҳам тез ўзининг кўл остидагиларга бўйсунадиган бўлиб қолиши мумкин.

(В. Брудзинский)

* * *

Ўз камчиликларини тан олишга уяладиган киши, вақти келиб энг катта нуқсон — уялмасдан ўз нодонлигини оқлайдиган шахсга айланади.

(Г. Сковорода)

* * *

Ўз манфаатларимиз бўлмаган ердагина биз одил бўламиз.

(Б. Констан)

* * *

Ўз муаммоси ечилишини истамаган кишининг муаммосини ҳеч ким еча олмайди.

(Р.Д. Бах)

* * *

Ўз уйингдан узоқда қозонилган ғалаба жиноятдай кўринади.

(Б. Окужава)

* * *

Ўз танлаган йўлингдан кетавер, кишилар нима дейишса деяверишсин.

(Данте)

* * *

Ўз фарзандларингизга пулнинг нима эканлигини тушунтиришнинг энг осон усули — пулга эга бўлмаслик.

(К. Уайтхорн)

* * *

Ўз фикрини очиқ айтиб бера олмайдиган шахс ҳурматга лойиқ эмас.

(Г. Грин)

* * *

Ўз хатоларини тан олиш олий мардликдир.

(Бестужев Марлинский)

* * *

Ўз шахсий ҳаётининг тарихини таъсирчан кўрсатиш учун ҳар ким унга озгина афсона қўшади.

(Ж. Марсель)

* * *

Ўз эрига дўст бўлмаган ва дўст бўла олмайдиган аёл, яхши хотин бўла олмайди.

(У. Пейн)

* * *

Ўз ютуқларимиз тўғрисида қанча кўп гапирсак, шунча кам ишонишади.

(Э. Бошен)

* * *

Ўз ярамаслигини оқлаш учун бирорта баҳона топа олмайдиган даражадаги нодон киши йўқ

(Т. Кернер)

* * *

Ўз яқинларини йўқотган кучсизланади.

(Федр)

* * *

Ўзаро ён босиш — оила биносининг мустаҳкам пойдевори.

(И. Шевелев)

* * *

Ўзаро муносабатлар мураккаблашди: сен — менга, мен — унга, у — сенга.

(С. Пивоваров)

* * *

Ўзаро пайдо бўладиган хусумат ва жанг иккала томон учун ҳам мусибат келтиради.

(Ғулом Муҳаммад Восиф)

* * *

Ўзга халқни кўролмайдиган киши, ўз халқини ҳам севмайди.

(Н. Добролюбов)

* * *

Ўзгалар бахтида кандайдир мижовлик бор.

(О. Хаксли)

* * *

Ўзгаларга хурмат ўз-ўзига хурматдир.

(Ж. Голсуорси)

* * *

Ўзгаларни мақташ худди олтин, қимматбаҳо тош сингари кам бўлгандагина қадрли бўлади.

(Б. Жонсон)

* * *

Ўзганинг оромидай кишини чарчатадиган нарса йўқ.

(А. Сток)

* * *

Ўзи ҳақида ҳақоратли шеърни тоқат билан эшитган Тиберий ғурур билан: «Озод мамлакатда фикр ҳам, тил ҳам озод бўлиши зарур», — деган экан.

* * *

Ўзига дўст изламаган, ўзига душман кишидир.

(Ш. Руставели)

* * *

Ўзига ишонган кишигагина ишонишади.

(Шарль Морис де Талейран)

* * *

Ўзига ишонган кишигина бошқаларга содиқ бўла олади.

(Э. Фром)

* * *

Ўзига ишонмаган киши Тангрига ҳам ишонмайди, киши ўзидан нафратлана бошласа, ўз ўлимининг эшикларини ҳам ланг очади. Бу бутун бир халққа ҳам тааллуқли.

(Вивекананда)

* * *

Ўзига ишонмаслик — кўп муваффақиятсизликларимизнинг сабабидир.

(Боуви)

* * *

Ўзига оро бермаган аёл сизни яхши кутиб олади, деб умид қилманг.

(П. Баст)

* * *

Ўзига юқори баҳо қўювчи кишини назар-писанд қилмаслик хавфли.

(Ф. Рузвельт)

* * *

Ўзидан бошқани айблаш инсон табиатига хос хусусиятдир.

(Д. Карнеги)

* * *

Ўзидан кейин биргина ёркин, янги фикрни, инсониятга биргина фойдали ишни қолдирган киши изсиз ўлган эмас.

(Бестужев Марлинский)

* * *

Ўзидан яхшироқ кийинган йўлдош билан бирор ерга бормаслик керагини аёллар яхши билишади.

(Малкович)

* * *

Ўзимиз талаб қилмагунча бизда ҳуқуқ йўқ.

(Ричард Дэвис Бах)

* * *

Ўзингни худди бахтли кишидай тут ва шунда сен ҳақиқатан ҳам бахтли бўласан. *(Д. Карнеги)*

* * *

Ўзимизни четдан, худди бошқалар кўрганидай кўра олиш — киши учун энг фойдали қобилиятдир.

(О. Хаксли)

* * *

Ўзимизнинг эзгу ишларимизни намойиш қилишни истаган заҳотимиз, у иш ўз эзгулигини йўқотади. *(Этьен Кей)*

* * *

Ўзимизнинг қаришимиз оғир, ўзгаларники эса фақат ташвишли.

(Владислав Гжечик)

* * *

Ўзинг билан тенг киши зўравонлигига тобе бўлишдан ортиқ киши учун аччиқ ва камситадиган тобелик йўқ.

(Н. Бердяев)

* * *

Ўзинг тирик экансан, бахт ўлмайди.

(Бестужев Марлинский)

* * *

Ўзинг ҳам яша, ўзгаларнинг яшашига ҳам халақит берма.

(Г. Державин)

* * *

Ўзинг ҳақингда бирор-бир сирни яшириш жуда ҳам қийин.

(Лафонтен)

* * *

Ўзингни алдамасликка қараганда бошқаларни алдаш жуда ҳам осон.

(Жуандо Марсель)

* * *

Ўзингнинг эркак эканлигингни кўрсатиш учун чекишни ўрганасан. Кейин эса эркак эканлигингни кўрсатиш учун чекишни ташлашга ҳаракат қиласан

(Жорж Сименон)

* * *

Ўзингни шубҳадан йироқ тут.

(Муҳаммад Сиддиқ Рушдий)

* * *

Ўзингни яхши кўришинг ўзингни ҳалоқ қилишингдир.

(Абулҳасан Сойиғ Динаварий)

* * *

Ўзингиздан ақллироқ кишини ишга ёллаб, ҳар ҳолда ақллироқ эканлигингизни намойиш қиласиз.

(Р. Грант)

* * *

«Ўзингизни худди уйингиздагидай хис қилинг» дейишса, меҳмонга келишдан на қувонч.

(Доминик Опольский)

* * *

Ўзингнинг билимли эканлигингни кўрсатиш учун кўп вақт зарур бўлади, лекин билимсизлигингни бирпасда кўрсатишинг мумкин.

(Дон Херолд)

* * *

Ўзини қадрламаган кишини бошқалар хам қадрламай қўйишади.

(Фредерик Дуглас)

* * *

Ўзини ўзи ўлдирган кишилар сони, бошқалар томонидан ўлдирилган кишилар сонидан анча кўп.

(Жон Леббок)

* * *

Ўзини хурмат қилмаган киши бахтсиздир, ўзидан жуда хам мамнун киши эса нодон.

(Ги де Мопассан)

* * *

Ўзиникилардан қочган узоққа қочади.

(Петроний)

* * *

Ўзининг омадсизлигида бошқаларни айбламагунча кишини омадсиз деб хисоблаб бўлмайди.

(Жон Барроуз)

* * *

Ўзининг катъий фикри бўлмаган энг жасур киши хам кўркокка айланади.

(Делакруа)

* * *

Ўйлай олмайдиган кишилар сергап бўлишади.

(Шеридан)

* * *

Ўйламаслик учун жуда кўп нарсалар ўйлаб топилган.

(К. Чапек)

* * *

Ўликлар билан даъволашувда хар доим тириклар хак.

(Стефан Цвайг)

* * *

Ўликни кулдириб бўлмайди, нодонни ўргатиб.

(Даниил Заточник)

* * *

Ўлим — бу кўпчиликка қўшилиш дегани.

(Петроний)

* * *

Ўлим олдидаги қўркув ўлимдан хам қўрқинчлироқ бўлади.

(Ж. Бруно)

* * *

Ўлим осон ва тез бўладиган иш, яшаш эса анча қийин иш.

(Л. Фейхтвангер)

* * *

Ўлим — сенга томон камондан отилган ўқ, хаёт эса унинг сенгача етиб келиш лахзаси.

(Ал Хусри)

* * *

Ўлим шуки, ундан кейин хеч ниманинг қизиғи йўқ.

(Розанов Василий Васильевич)

* * *

Ўлим ўлмайди.

(Дэвид Лоуренс)

* * *

Ўлимга хукм қилинган кишининг кўзини аскарлар унинг нигохини кўрмасликлари учун боғлашади, бунинг тескариси учун эмас.

(Жильбер Сесброн)

* * *

Ўлимдан баттар ҳеч нарса содир бўлмайди, ўлимни эса четлаб бўлмайди.

(М. Лермонтов)

* * *

Ўлимдан эмас, умрнинг бекор ўтишидан кўркиш лозим. *(Брехт)*

* * *

Ўлимнинг нималигини хатто ўликлар ҳам билишмайди.

(Рамон Гомес де ла Серна)

* * *

Ўлчам — кишилар ва мамлакатлар буюклигининг энг ишончсиз жиҳати.

(Ж. Неру)

* * *

Ўн дақиқалик нутққа тайёрланишим учун менга бир ҳафта зарур бўлади, 15 дақиқалик нутқ учун эса — уч кун, ярим соатлик учун — икки кун, бир соатлик нутқни эса ҳозир ҳам ҳеч қандай тайёргарликсиз бошлашим мумкин.

(Вудро Вильсон)

* * *

Ўрганиш қобилияти йўқолганидан кейин қариш бошланади.

(Артуро Граф)

* * *

Ўрганишга караганда, ўрганганни унутмок қийин.

(Инглиз ҳикмати)

* * *

Ўргатганларинг учун ҳар доим жавобгарсан.

(Сент Экзюпери)

* * *

Ўрмонни соғломлаштириш учун чириган дарахтлар кесиб ташланади.

(К.А. Федин)

* * *

Ўрта ёшли аёлларнинг баъзиларида собиқ келинларни кўрса бўлади, кўпчилигида эса бўлажак кайноналарни.

(С. Янковский)

* * *

Ўртача иқтисодий кўрсаткичларни олдиндан айтиб бериш — бу сузишни билмайдиган кишига, дарёнинг ўртача чуқурлиги 1,2 метрга тенг, шунинг учун унинг нариги томонига бемалол ўтса бўлади деб ишонтириш билан тенг.

(Милтон Фридмен)

* * *

Ўт-оловлик кучимизни оширади.

(Инглиз ҳикмати)

* * *

Ўтган вақтдан афсусланиш — вақтни йўқотиш.

(Мейсон Кули)

* * *

Ўтган даврларни унда яшаганларгина яхши деб ҳисоблашади.

(Д. Зайцев)

* * *

Ўтган хаётингни ўз муаллиминг бил.

(Мотуридий)

* * *

Ўтириб ишлайдиганлар тик туриб ишлайдиганлардан кўп хак олишади.

(Огдэн Нэш)

* * *

Ўткир ақлнинг хусусияти шундаки, у кўп фикрлаб, кўп тушуниши учун салгина кўрса ва эшитса бас.

(Ж. Бруно)

* * *

Ўткир тил — фойдаланилган сайин ўткирлашиб борадиган ягона кесувчи куролдир.

(В. Ирвинг)

* * *

Ўткир тил — қобилият, узун тил эса — бошга ташвиш.

(Дмитрий Минаев)

* * *

Ўтмишни ўрганиб келажакни биламиз, аникни ўрганиб ноаникни биламиз.

(Мо Цзи)

* * *

Ўтмишини эсламаган киши, уни қайта бошидан кечиради.

(Ж. Сантаяна)

* * *

Ўтиб кетган хавф худди ўтиб кетган оғриқдай тезда эсдан чиқади.

(М. Эжворт)

* * *

Ўчирилган компьютергина ишончли химояланган бўлади.

(Е. Касперский)

* * *

Ўқимишли ахмоқ — тентакларнинг энг жонга тегадиган туридир.

(Ж. Тейлор)

* * *

Ўқитувчи бўлишнинг учта яхши сабаби бор: июнь, июль, август.

(Америка ҳикмати)

* * *

Ўқитувчининг сўзини такрорлаш унинг йўлини давом этдириш дегани эмас.

(Д.И. Писарев)

* * *

Қабиҳ ва паст ишлардан қўрқиш мардликдир.

(Б. Жонсон)

* * *

Қадимги яҳудийларда барча гуноҳ ва камчиликларни унга тўнкаш максадида бирон-бир сабабчисини топиш одати бўлган. Шунинг каби холдинг компаниясини яратиш ғояси ҳам янгилик эмас.

(Америка ҳикмати)

* * *

Қайсарлик — нодонлар шиори.

(Я. Княжнин)

* * *

Қайсарлик — ожизларнинг ягона кучи ва уларнинг яна бир ожизлиги.

(Артур Шницлер)

* * *

Қайта соф сув окса қуриган жойда,
Балиқ ўлганидан кейин не фойда.

(И. Ямин)

* * *

Қалб — бизнинг ёлғиз маслаҳатчимиз.

(Ж. Апдайк)

* * *

Қалб ғамининг ягона чораси — меҳнат қилиш.

(П. Чайковский)

* * *

Қалбнинг қувноқликка мойиллиги дам олиш ўрнини боса олади.

(С. Смайлс)

* * *

Қандай кийим кийиш мен учун барибир деб тушунтираётган аёл, худди қандай овқат пишириб дастурхонга қўйишингиз мен учун барибир дейдиган эркак каби шубҳалидир. Уларнинг нимасидир жойида эмас.

(Б. Жон)

* * *

Қандайдир бир муҳим қадам ташлашдан олдин, эркак киши «нима дейман» деб, аёл киши «нима кияман» деб ўйланади.

(Мадлен де Пюизье)

* * *

Қанча кўп билсанг, шунча кам тушунасан.

(Мейстер Экхарт)

* * *

Қанча яшасак ҳам, биринчи йигирма ёш ҳаётимизнинг энг узун қисмидир.

(Роберт Саути)

* * *

Қари кишининг мияси худди қари отга ўхшайди: иш қобилиятини сақлаш учун уни доим машқ қилдириш лозим.

(Адамс)

* * *

Қариган пайтингда қасос энг ишончли, одил судлов эканлигини билиб қоласан.

(Анри Бек)

* * *

Қарилик: ҳавас қилиш ўрнини афсусланишнинг эгаллашидир.

(Владислав Гжечик)

* * *

Қариш зерикарли, лекин у узоқ яшашнинг ягона имкониятидир.

(Шарль Сентбёв)

* * *

Қатъийлик — ақл ва идрокка асосланган куч.

(В.А. Жуковский)

* * *

Қаттиқ ёнғоқ, кўпинча пуч бўлади.

(Владзимеж Счисловский)

* * *

Қаттиқ қонун айбдорларни кўпайтиради.

(Рус мақоли)

* * *

Қачонлардир ўзингнинг эски уйингга келсанг, эски уйингни эмас, унда ўтган ўзингнинг ёшлигингни қўмсаганлигинг маълум бўлиб қолади.

(Сэм Юинг)

* * *

Қашшоқлар бадавлат ўтган аждодлари билан мақтанишади, бадавлатлар эса, қашшоқ ўтган аждодлари билан.

(Раймон Кено)

* * *

Қашшоқлик — мамлакатдаги тартибсизликларнинг асосий сабаби.

(Мо-Цзи)

* * *

Қашшоқлик қанча аянчли бўлса, умид ҳам шунча кўп бўлади.

(Шолом Алейхем)

* * *

Қаҳр доим ёмон маслаҳатчи ҳисобланади.

(Эмиль Золя)

* * *

Қаҳри келганда бақирадиган — кулгили, сукут сақлайдиган — даҳшатли.

(Абай)

* * *

Қаҳрамонлик худди истеъдод каби мақсадга эришиш йўлини қисқартиради.

(Леонид Конов)

* * *

Қаҳрингни жиловламасанг, у кўпаяди.

(Қадимги Миср ҳикмати)

* * *

Қизиқ воқеалар ҳикоя қила оладиганларга кўпроқ учрайди.

(Г. Малкин)

* * *

Қизиқ: мен доим врачнинг пул тўлаш тўғрисидаги ҳисобини ўқий оламан, лекин у ёзиб берган рецептни ҳеч қачон ўқий олмайман.

(Финли Питер Данн)

* * *

Қизғанчиқлик ўғриликни туғдиради.

(В. Жуковский)

* * *

Қийин нарсалар ортида осонлик туради.

(Абдулла Аҳмад Муҳаммад Али)

* * *

Қийин савол бериш осон.

(У.Х. Оден)

* * *

Қийналмаган қалб ҳеч қачон бахтга эриша олмайди.

(Ж. Санд)

* * *

Қийшиқ кўзгулардан кейин ўзингни тўғри кўзгуда кўрсанг кулгинг қистайди.

(С. Смешко)

* * *

Қилган барча ёмон ишларингизни қолдириб, қилишингиз лозим бўлган яхши ишлар тўғрисидагина ёзган бўлсангиз — демак, сиз мемуар ёзибсиз.

(Уилл Рожерс)

* * *

Қилган гуноҳларингни шайтонга юклаб, фаришта бўла олмайсан.

(В. Георгиев)

* * *

Қилмишларимизнинг ҳаммаси Тангрига маълумлигини инобатга олсак, ибодатхонага келган киши чин дилдан фақат биргина илтижони қилиши зарур: «Эй Тангрим, хизматларимга яраша ҳиммат кўрсат».

(Аполлоний Тианский)

* * *

Қилмишни эксангиз одатни ўрасиз, одатни эксангиз характерни ўрасиз, характерни эксангиз эса тақдирни ўрасиз.

(Уильям Майкнис Теккерей)

* * *

Қирол мулозимларини алмаштиришдан қиролнинг ўзини алмаштириш осон.

(Федр)

* * *

Қирқ ёшга кирганимизда танловга дуч келамиз: ёшлигимизни узайтиришимиз керакми ёки ҳаётимизни?

(Жак Деваль)

* * *

Қобилият — бу киши учун бахт, талант эса баъзида ғам.

(И. Шевелев)

* * *

Қобилияти етишмаганни мажбур қилма.

(Коменский)

* * *

Қобилиятлиларга ҳасад қилишади, истеъдодлиларга азоб берадилар, даҳоларга қасд қиладилар.

(Никколо Паганини)

* * *

Қовушган қўл — ҳар доим ҳам содиқлик белгиси эмас.

(Ж. Рескин)

* * *

Қозон канча кичик бўлса, у шунча тез қайнайди.

(К. Мелихан)

* * *

Қоидадан доимо истисноси кўп бўлади.

(Мерфи қонуни)

* * *

Қоматдан не фойда, диди бўлмаса,
Гул рангидан не фойда хиди бўлмаса.

(Б. Хилолий)

* * *

Қонун биз билан кучли, биз эса қонун билан.

(Демосфен)

* * *

Қонун ўргимчак уясига ўхшайди, унда майда хашаротлар курбон бўлишади, йириклари эса эсон омон ўтиб кетишади.

(Анахарсис)

* * *

Қонунга адолатли деб баҳо бериш кам, уни бажарадиган кишилар адолатли деб баҳо беришлари зарур.

(Тертуллиан)

* * *

Қонунларни ҳар қандай давлат ўз фойдаси учун чиқаради.

(Фрасимах)

* * *

Қонунларнинг кўплиги гунохларнинг кўплигини тасдиқлайди.

(Ж. Мильтон)

* * *

Қора кун — ёруғ келажак кунларидан бири.

(Е. Кашеев)

* * *

Қувнок киши ўзи учун кувнок дунёни, тунд киши эса ўзи учун тунд дунёни яратади.

(С. Смайлс)

* * *

Қувнок кишилар тез соғайишади ва узоқ яшашади.

(А. Паре)

* * *

Қувноклик — бу фақат саломатликнинг бир белгиси бўлибгина колмай, у кишини соғайтирадиган воситалардан бири ҳамдир.

(С. Смайлс)

* * *

Кувонаётган киши ҳеч қандай ёмонлик тўғрисида ўйламайди.

(А. Мицкевич)

* * *

Кувонч кўкракни кенгайтиради, ғам қалбни сикади — хаёт нафаси шундан иборат.

(И. Шевелев)

* * *

Кувончга шерик — уни икки марта оширади, ғамга шерик — уни икки марта камайтиради.

(Швед ҳикмати)

* * *

Қудратли, хатто илтимос қилганида ҳам мажбурлайди.

(Лаберий)

* * *

Қуёш нурини тўсган ернинг соясини, биз тун деймиз.

(Гигин)

* * *

Қуёш нурини ҳаммага бирдай сочади.

(Гай Петроний Арбитр)

* * *

Қул бўлиш осон, озод бўлиш эса қийинлиги учун ҳам киши қул.

(Н. Бердяев)

* * *

Қулоғингни тиркишга тутма, ўзинг тўғрингда номаъқул гапларни эшитишинг мумкин.

(В. Скотт)

* * *

Қурт охирзамон деб атайдиган нарсани ўқитувчи капалак дейди.

(Ричард Дэвис Бах)

* * *

Қутулиш қийин бўлган ёмон одатлардан бири — бошқаларга маслаҳат бериш одатидир.

(Ж. Стейнбек)

* * *

Қуш ўз қанотлари ёрдамида қанча баланд кўтарилса-да, бу унинг учун жуда ҳам баланд ҳисоблан майди.

(Уильям Блейк)

* * *

Кўл кўлни ювади, берсанг оласан ҳам.

(Эпихарм)

* * *

Кўлингдан ҳеч нима келмаса, табассум кил.

(В. Карев)

* * *

Кўлингни кўтар! Бир овоздан...

(Т. Клейман)

* * *

Кўркинчли дарёда ким садаф излар,
Жонини ховучлаб турар у кезлар.

(Тусий)

* * *

Кўркинчлиси ўлим эмас, унинг доим муддатидан олдин келиши кўркинчли.

(С. Бородин)

* * *

Кўркитиш — кўркув остида турганларнинг куроли.

(Ж. Боккаччо)

* * *

Кўркок бўлиб қолишдан ҳавфсираш ҳам кўркокликдир.

(С. Пинигин)

* * *

Кўркок юз марта ўлади, мард эса бир марта, унда ҳам тез эмас

(Бестужев-Марлинский)

* * *

Кўркоклар ҳам ўзларидан кўр кишаётганини сезишса, ботир бўлишади.

(Рохас)

* * *

Кўркоклик ўсиб, золимликка айланади.

(Г. Ибсен)

* * *

Кўркув ва бахиллик кишини жоҳил қилади.

(Гийом Рейналь)

* * *

Кўркув маслаҳат бермаслиги лозим.

(Данте)

* * *

Кўркув — оқилларни нодон, кучлиларни эса ожиз қилади.

(Ф. Купер)

* * *

Кўркқан киши ҳар нарсага тайёр бўлади.

(Расин)

* * *

Қўрккан кишигина ёлғон гапиради.

(Г. Сенкевич)

* * *

Ғазаб — ожизлик қуролидир.

(С. Сегюр)

* * *

Ғазабнинг аввали жиннилик, охири надоматдир.

(Абдулла Авлоний)

* * *

Ғалаба катта хатоликларда яширинган бўлади.

(Н. Крен)

* * *

Ғам ёшни донишманд қилади, кувонч эса, донишмандни ёш.

(Р. Гамзатов)

* * *

Ғамни вақт ўз қанотида олиб кетади.

(Лафонтен)

* * *

Ғафлат уйқусидан уйғон гар тилар бўлсанг мурод,
Ким, етар мақсадга ҳар ким бўлса ул бедорроқ.

(Бобур)

* * *

Ғамли кунларда бахтли онларни эслашдан оғир азоб йўқ.

(Данте)

* * *

Ғамни билмаган динни ҳам билмайди.

(М. Розанов)

* * *

Ғийбат қилиш эркак кишилар учун доимо уят ҳисобланган.

(Шеридан)

* * *

Ғолиб мард бўлса, ютқазиш жуда ҳам алам қилмайди.

(Юджин О' Нил)

* * *

Ғофил одамнинг ҳаёти — уйқу бирла хомхаёл,
Ҳайфдир жоҳил билан суҳбатда ўтган дамларинг.

(Зебуннисо)

* * *

Ҳа, албатта, ит вафодорлик тимсоли. Лекин у нима учун бизга ибрат бўлиши керак? Ахир у ин сонга содиқ, бошқа итга эмас.

(Карл Краус)

* * *

Ҳаддан ташқари жанг қизиса, жангчилар сафи эрий бошлайди.

(В. Брудзинский)

* * *

Ҳаддан ташқари кўп кишилар бизда ишламасдан яшашади, деярли шунчаси эса яшамасдан ишлашади.

(Чарлз Р. Браун)

* * *

Ҳаддан ташқари кўпол ҳам бўлма, ҳаддан ташқари қайсар ҳам, ҳаддан ташқари бўш ҳам бўлма, ҳаддан ташқари исботлашга мойил ҳам, ҳаддан ташқари жаҳлдор ҳам бўлма, ҳаддан ташқари ишонувчан ҳам. Нима бўлишидан қатъи назар, ҳаддан ташқарилик хавфли: кўполлик кишиларни жиркантиради, қайсарлик узоқлаштиради, бўш-мулойимлик шубҳалантиради, исботлашга мойиллик кишиларни хафа қилади, кўр-кўрона ишониш кишини кулгили қилади, ишонмаслик камчиликка етаклайди.

(Қадимги ҳинд ҳикмати)

* * *

Ҳаддидан ошмасин орзунинг купи,
Тоғни кўтаролмас бир сомон чўпи.
(Жалолиддин Румий)

* * *

Хаёлпараст – атиргулнинг хиди карамникидан яхшироқ бўлганлигидан, унинг шўрваси ҳам мазалироқ бўлади деб хулоса чиқарадиган киши.
(Генри Луис Менкен)

* * *

Ҳаёт — агар саломат бўлсанг, бу — мукофот, агар касал бўлсанг — бу жазо.
(Г. Матюшов)

* * *

Ҳаёт бир хил тарзда, лекин ҳар ким учун ўзича.
(Тамара Клейман)

* * *

Ҳаёт — бу тоғдир: жуда секин кўтарилиб, тез тушасан.
(Ги де Мопассан)

* * *

Ҳаёт — бу ўрганишдир.
(Абдулла Аҳмад Муҳаммад Али)

* * *

Ҳаёт — жуда узун, ўлим эса — бир лаҳза.
(М. Лермонтов)

* * *

Ҳаёт зиналари зирапчалар билан тўла ва улар юқоридан пастга томон сирпаниб тушганда кўпрок санчилади.
(Уильям Браунелл)

* * *

Ҳаёт интизомни яратади, лекин интизом хаётни яратмайди.
(Сент Экзюпери)

* * *

Ҳаёт — от эмас, у феъл.
(Шарлотта Гилман)

* * *

Ҳаёт охирига етганидагина, уни кандай бошлаш лозим бўлганлигини яхши тушуниб оласан.
(Элеанор Маркс)

* * *

Ҳаёт узлуксиз изланиш ва хатолар тизимидан ўзга нарса эмас.
(Р. Дональд)

* * *

Ҳаёт уч босқичдан иборат: келдим, кўрдим ва кетдим.
(М. Арсанис)

* * *

Ҳаёт фикрлашга мавзуни кўп беради, лекин вактни оз
(Владимир Соколов)

* * *

Ҳаёт — эстафета таёкчаси.
(Евгений Норкин)

* * *

Ҳаёт — яшалган кунлар эмас, эсда қолган кунлар.
(П.А. Павленко)

* * *

Ҳаёт ўргатади, лекин ҳар доим ҳам фақат яхшиликкагина эмас.
(Тамара Клейман)

* * *

Ҳаёт қисқа, лекин уни нима кисқа килади? Бизнинг уни кисқа зканини билишимиз.
(Э.М. Ремарк)

* * *

Ҳаёт қонунларидан бирида айтилишича, агар бир эшик ёпилса, иккинчиси очилади. Ачинарлиси шундаки, биз очилган эшикка

эътибор қилмай, ёпилганига караб ўтираверамиз.

(Андре Жид)

* * *

Ҳаёт ғилдиракка ўхшайди, бугун пастда бўлган қисми эртага юқорида бўлади

(Г. Михайловский)

* * *

Ҳаёт ҳеч кимга абадий берилмайди, у вақтинча берилади.

(Тит Лукреций Кар)

* * *

Ҳаётда мен нафақат ўз ақлимдан, балки бошқалардан олиш мумкин бўлган ақлдан ҳам фойдаланаман.

(Вудро Вильсон)

* * *

Ҳаётда осон муваффақият ва бутунлай муваффақиятсизлик жуда кам учрайди.

(М. Пруст)

* * *

Ҳаётда содир қилиш мумкин бўлган энг катта хато — доим хато қилиб қўйишдан қўрқиб яшаш.

(Элберт Хаббард)

* * *

Ҳаётда — худди грамматикадагидай, қоидага қараганда ундан чиқиш кўп.

(Р. Гурмон)

* * *

Ҳаётда икки марта яшамайдилар, баъзилар эса бир марта яшашни ҳам эплай олмайдилар.

(Р. Фридрих)

* * *

Ҳаётда энг осони — ўлим, энг қийини — яшаш.

(Мавлоно Абул Қалам Озод)

* * *

Ҳаётда ўзинг ҳам адолатсизлик қилиш имкониятига эга бўлгунингча адолатсизликларга чидашни ўрганиш зарур.

(А. Камю)

* * *

Ҳаётда ҳақиқий бир дўстни топиш — катта ютуқ, икки дўстни топиш — жуда ҳам катта ютуқ, учта дўстни топиш — амалга ошмайдиган иш.

(Адамс)

* * *

Ҳаётда ҳамма нарсадан ўз меъёрида фойдаланиш яхши, агар меъёридан ошиб кетса, у фойда ўрнига зарар келтириши мумкин.

(Апулей)

* * *

Ҳаётдаги энг биринчи ва зарури, ўзни қўлга ола билишга интилишдир.

(В. Гумбольдт)

* * *

Ҳаётимизнинг ҳар дақиқасида биз бошқалардан нимамиз билан фарқ қилишимизни эмас, бошқаларга нимамиз билан ўхшашлигимизни излашга ҳаракат қилишимиз зарур.

(Ж. Рескин)

* * *

Ҳаётини тўлиқ бахтни излашга бағишлаган киши одамларнинг энг бахтсизи бўлиб қолади.

(Анна де Сталь)

* * *

Ҳаётни билиш ва унга баҳо бериш учун узоқ яшашнинг ҳам зарурияти йўқ — унда азоб чекилса етарли.

(Жан Гюйо)

* * *

Ҳаётни узайтиришнинг сири уни кискартирмасликдадир.

(Э. Фейхтерслебен)

* * *

Ҳаётнинг ўлчами бахт бўладиган бўлса, у жуда ҳам аянчли туюлади.

(Сомерсет Моэм)

* * *

Ҳазм бўлмаган таом уни еганни ейди.

(Абу ал-Фараж)

* * *

Ҳайбатли бўлмаса муаллим, эй ёр, Соқолидан тутиб, ўғлонлар ўйнар.

(Сайфи Саройи)

* * *

Ҳакимлар айтади: «Синалмаган дўстга ва синалган душманга ишонмоклик катта хато».

(Хожа Самандар Термизий)

* * *

Ҳали бирорта ҳам аёл ўзининг хаёти тўғрисида бор ҳақиқатни айтган эмас.

(А. Дункан)

* * *

Ҳалол бир кишининг таҳкирланиши — барча яхши одамларнинг қаттиқ ғазабини чиқариши ва уларга инсон қадр-киммати топталганлиги учун азият чектириши лозим.

(Л. Андреев)

* * *

Ҳалоллик ва одоблиликнинг ўзи бахтнинг ярми.

(Эмиль Золя)

* * *

Ҳалоллик — ҳақиқат принципининг оддий ифодасидир.

(С. Смайлс)

* * *

Ҳамжиҳат бўлган ожизларни куч енга олмайди; яқин ўсган буталарга бўрон хавфли эмас.

(Қадимги ҳинд ҳикмати)

* * *

Ҳамжиҳатлик шарофати билан кичик давлатлар гуллаб-яшнайди, низолар оқибатида буюк давлатлар емирилади.

(Г. Сенкевич)

* * *

Ҳамма аёллар ёш, лекин баъзилари бошқаларига қараганда ҳам ёшрок.

(Марсель Ашар)

* * *

Ҳамма айбдор бўлган ерда хеч ким айбдор эмас.

(Рус мақоли)

* * *

Ҳамма гап лаҳзададир. У киши хаётини белгилайди.

(Франц Кафка)

* * *

Ҳамма ерда ҳам истаган ўсимлигимизни ўстира олмаймиз.

(Публий Вергилий Марон)

* * *

Ҳамма замонларда дўстлик ҳаётнинг энг яхши неъмати ҳисобланган.

(И.А. Крилов)

* * *

Ҳамма кишилар маълум миқдордаги ақлсизлик билан туғилишади ва уни ҳаёти давомида сарфлаб боришади, ёшлигида уни кам сарфлаганнигина бахтли дейиш мумкин.

(Виктор Шербюлье)

* * *

Ҳамма нарса бизнинг қўлимизда, шунинг учун уни туширимаслик керак.

(Коко Шанель)

* * *

Ҳамма нарса шундай хавфлики, ҳеч нарсадан бемалол ҳанфсирамаса бўлади.

(Гертруда Стайн)

* * *

Ҳамма нарсага қараганда ҳам вақт бизга тегишли эмас, бунинг устига у бизга етишмайди ҳам.

(Бюффен Жорж)

* * *

Ҳамма нарсани доим тушунаман деганни тушуниш ҳаммасидан қийин.

(Л. Сухоруков)

* * *

Ҳамма нарсани тушунтириш мумкин, хатто тушуниб бўлмайдиганни ҳам.

(Иван Иванюк)

* * *

Ҳамма нарсани эмас, зарурини биладиган донишманд ҳисобланади.

(Эсхил)

* * *

Ҳамма нарсани яхши деб ҳисоблайдиган кишига, шунингдек, ҳамма нарсани ёмон деб ҳисоблайдиган кишига ва айниқса, ҳамма нарсага бефарқ бўлган кишига ишонманг.

(Иоганн Каспар Лафатер)

* * *

Ҳамма нарсанинг якуни бор, фақат тун тонг отганида тугайди.

(В. Гжегорчик)

* * *

Ҳамма нимадир содир бўлишини исташади, ҳамма бирор нима содир бўлишидан қўрқишади.

(Булат Окужава)

* * *

Ҳамма одил бўлишни истайди, лекин буни ҳар киши ҳам эплай олмайди.

(Жон Голсуорси)

* * *

Ҳамма ялтираган нарса олтин бўлганида, олтиннинг нархи тушиб кетарди.

(Рохас)

* * *

Ҳаммага ёқишга ҳаракат қилсанг, ҳеч кимга ёкмай қоласан

(Артуро Граф)

* * *

Ҳаммада бир нарса бор — бу умид. Кимда ҳеч нарса бўлмаса ҳам умид бўлади.

(Фалес)

* * *

Ҳаммамиз кимгадир ёқмайдиган нусхамиз.

(Эдуард Эбби)

* * *

Ҳаммамиз одам бўлмасак ҳам, ҳаммамиз инсонлардан чиққанмиз.

(Л. Сухоруков)

* * *

Ҳаммани кечириш, ҳеч кимни кечирмасликдан яхши эмас.

(Ж. Ларош)

* * *

Ҳаммаси аллақачон айтиб бўлинган, лекин ҳеч ким эшитишни истамаганидан ҳаммасини бошқатдан такрорлашга тўғри келади.

(Андре Жид)

* * *

Ҳаммаси тўғри: ёлғизлик ҳисси бўлмаслиги учун одамлар ит сақлашади. Ҳақиқатан ҳам итлар ёлғизликни ёктиришмайди.

(К. Чапек)

* * *

Ҳаммасидан ҳам биринчи миллион долларни ишлаб топиш қийин.

(Аристотель Онассис)

* * *

Ҳаммасидан ҳам вактини йўкотганига аччиқланадиган киши энг акллидир.

(Данте)

* * *

Ҳаммасидан ҳам меҳнат билан топилган пул яхши, мерос қолган пул — ундан ёмонроқ, оға-инидан олингани — ундан ҳам ёмонроқ, энг ёмони — аёл кишидан олингани.

(Ҳинд ҳикмати)

* * *

Ҳаммасидан ҳам шубҳаланмаган душманинг хавфли.

(Рохас)

* * *

Ҳаммасини йўкотган пайтингда, фақатгина келажак қолади.

(Кристиан Боуви)

* * *

Ҳаммасини тушуниш — демак ҳаммасини кечириш.

(Анна де Сталь)

* * *

Ҳар бир асрнинг — ўз ўрта асри бор.

(П. Таранов)

* * *

Ҳар бир зиёфатда иккита тоифадаги меҳмонлар бўлишади: бировлари эртароқ кетишни исташади, бошқалари кўпроқ ўтиришни. Бунда энг кийини уларнинг эр-хотин эканлигида.

(Энн Ландерс)

* * *

Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаши, олий даражадаги етукликка эришиши учун кўп нарсаларга мухтож бўлади. У бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди ва уларга эга бўлиши учун инсонлар жамоасига эҳтиёж сезади.

(Форобий)

* * *

Ҳар бир инсоннинг қалбида ўз халқининг кичкинагина портрети бўлади.

(Г. Фрейтаг)

* * *

Ҳар бир инсоннинг қиммати химматига кўрадир.

(Иброҳим ибн Довуд Қассор)

* * *

Ҳар бир киши энг яхшилар учун овоз беришга тайёр, лекин уларнинг номзодини сайловга кўйишмайди.

(Фрэнк Хаббард)

* * *

Ҳар бир кишининг яхши ва ёмон фаришталари бўлади, улар бутун умр бўйи кишига ҳамроҳлик қилишади.

(Роберт Бартон)

* * *

Ҳар бир куни дақиқасигача режалаштирилган болалар бошқаларга караганда кўпрок зерикишади.

(Р. Карлсон)

* * *

Ҳар бир кунингизни кулиб бошлаб, кулиб якунланг.

(Уильям Клод Филдс)

* * *

Ҳар бир миллат дунёда, асосан, ўз камчиликлари билан маълум булади.

(Жозеф Конрад)

* * *

Ҳар бир миллат ўзини бошқа миллатдан устун кўяди. Бу ватанпарварликни ва урушни туғдиради.

(Д. Карнеги)

* * *

Ҳар бир санъат асари ўзида нур олиб келади.

(Карлос Пелицер)

* * *

Ҳар бир умид эришилганидан кейин ўлади.

(В. Ирвинг)

* * *

Ҳар бир хушомадгўй уни тинглаётган ҳисобига яшайди.

(Лафонтен)

* * *

Ҳар бир қалб — бу кичкина бир сирли жамиятдир.

(Жуандо Марсель)

* * *

Ҳар бир қилган яхшилигингизга раҳмат сўраш — уни сотган билан тенг.

(Д. Адриан)

* * *

Ҳар бир хаёт — поэма, шу каби ўлим ҳам.

(Дайе-Соко)

* * *

Ҳар бир ҳақиқий аёлнинг қалбида осмону фалак ўтининг учқуни ёниб туради, у бахтли кунлар ёвдусида бемалол ухлаб, бахтсиз кунларда аланга олиб, чараклаб, кора булутларни кувади.

(В. Ирвинг)

* * *

Ҳар биримиз кунига беш дақиқагача нодон бўлиб оламиз, донишмандликнинг белгиси шу лимитдан ошмасликдадир.

(Хаббард)

* * *

Ҳар биримиз вазият тақозоси билан вахший ёки фаришта бўлишимиз мумкин. Яхши киши ёмондан танлай олиши билан фарқ қилади.

(У. Жеймс)

* * *

Ҳар биримизнинг вужудимизда бирининг ишини иккинчиси инкор қилувчи икки киши мужассамлашган.

(Г. Сенкевич)

* * *

Ҳар доим охиригача кутиш ақлдан.

(Лафонтен)

* * *

Ҳар доим узоқ ва обрўсиз умрдан қисқа ва ҳалол умрни афзал кўр.

(Эпиктет)

* * *

Ҳар доим ўзини мисол қилиб кўрсатаверадиган кишидан ҳам бемаза киши бўлмаса керак.

(Франсуа Гизо)

* * *

Ҳар ким ўз елкасига кучи етган юкни кўтаргани маъқул, агар юк имкониятдан катта бўлса, кўтарув-

чини беихтиёр балчиққа йиқитиши мумкин.

(Данте)

* * *

Ҳар ким ўз истаганига ишонади.

(Демосфен)

* * *

Ҳар ким ўз тақдирини ўзи яратади.

(Клавдий)

* * *

Ҳар ким ўз фикрига эга... вақт бўлса — ўзиникига!

(Граффити)

* * *

Ҳар ким ўзи учун гуноҳ қилади.

(Петроний)

* * *

Ҳар ким ўзича, ўзининг мойиллиги ва одатларига монанд қашшоклашади.

(Эдмунд Бёрк)

* * *

Ҳар кимки фақир ғўшаси бўлмиш макон анго,
Хотири ҳамиша даҳр ғамидин омон анго.

(Огаҳий)

* * *

Ҳар кимки вафо қилса вафо топғусидир,
Ҳар кимки жафо қилса жафо топғусидир.
Яхши киши кўрмагай ёмонлик ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса жазо топғусидир.

(Бобур)

* * *

Ҳар киши нокас билан ҳамкосадур,
Минг шарофатни касофат босадур.

(Машраб)

* * *

Ҳар тирик жон агар қилса ҳаракат,
Ҳаракатга қараб топар баракат.

(Камолиддин Биноий)

* * *

Ҳар сафар беш шиллинг тежаганимизда бир кишини кунлик иш ҳақидан маҳрум қиламиз.

(Жон Кейнс)

* * *

Ҳар сафар бўш вазифага киши тайинлаганимда, юзларча норозиларни ва битта кўрнамакни пайдо қиламан.

(Людовик XIV)

* * *

Ҳар қандай буюк ғояда унга тенг ёки унинг улуғлигидан ҳам юқорироқ бўлган камчилик бўлади.

(Мерфи қонуни)

* * *

Ҳар қандай буюмнинг яхшироғини ясашдан кўра, ундан камчилик топиш осон.

(Альбрехт Дюрер)

* * *

Ҳар қандай жамият жандармерияга бўлган эҳтиёждан пайдо бўлади.

(Ака-ука Гонкурлар)

* * *

Ҳар қандай жиноят тўғрисидаги номсиз чақув эътиборга олинмаслиги зарур, акс ҳолда у ахмоқона ибрат бўлар эди.

(Траян)

* * *

Ҳар қандай лойиҳада муваффақиятга ишонч муҳим омил ҳисобланади, ишончсиз муваффақият қозониб бўлмайди.

(У. Жеймс)

* * *

Ҳар қандай мақсадга эришишнинг яқин ва узоқ йўли бор.

(Зигмунд Фрейд)

* * *

Ҳар қандай муаммонинг ҳам ечими бор. Ягона қийинчилик уни топишда.

(Эвва Неф)

* * *

Ҳар қандай ортиқчалик кишининг дидини ва ахлоқини бузади.

(Жозеф Жубер)

* * *

Ҳар қандай яхшилик бефойда кетмайди.

(Қадимги ҳинд ҳикмати)

* * *

Ҳар қандай ўзгариш бошқа ўзгаришларга йўл очади.

(Николло Макиавелли)

* * *

Ҳар қандай ҳақиқат гўзаллик эмас, лекин ҳар қандай гўзаллик ҳақиқатдир.

(К. Станиславский)

* * *

Ҳар қандай ҳукумат — мувақкатдир.

(Леонид Крайнов-Ритов)

* * *

Ҳаракат — бу ҳаёт... Лекин ҳамма вақт ҳам яхши ҳаётмас.

(Марк Меламед)

* * *

Ҳасад барча хислат, нуқсондан ёмон,
Ҳасад аҳли барча ёмондан ёмон!

(Камолиддин Биноий)

* * *

Ҳасадчи қалб ўзгалар унинг бахтини тортиб олаётгандай гумон қилиб, кишиларни кўролмасликка мойил бўлади.

(Жорж Санд)

* * *

Ҳасса зарби узоқ турмайин кетар,
Тилдан етган зарба бир умрга етар.

(Ибн Камолпошшо)

* * *

Ҳатто бизга ёқмайдиган киши ҳам бизни мақтаса, биз унинг эйраклигини юқори баҳолаймиз.

(Либби Фьюдим)

* * *

Ҳатто дахо ҳам пул топишга мажбур.

(Пиндар)

* * *

Ҳатто нотўғри айтиб ёздиришаётган бўлсалар ҳам тўғри ёз.

(Юзеф Булатович)

* * *

Ҳатто энг кекса кишилар ҳам умид қилишади ва қандай қилиб бўлса ҳам ўз аҳволларини яхшилаш режаларини тузишади.

(Жакома Леонарди)

* * *

Ҳатто орзуларинг амалга ошишига ишонмасанг ҳам, улардан ажрала олмайсан.

(Э. Рей)

* * *

Ҳатто энг катта қалб оғриғини ҳам кичиккина тиш оғриғи юмшатиши мумкин.

(Лидия Ясиньская)

* * *

Ҳақиқат жуда ҳам содда, унга етишиш эса кўпинча жуда ҳам мураккаб.

(Жорж Санд)

* * *

Ҳақиқат излаётганга ишонинг, уни топдим деганга ишонманг.

(Андре Жид)

* * *

Ҳақиқат калишини кийгунча, ёлғон дунёнинг ярмига етади.

(Инглиз ҳикмати)

* * *

Ҳақиқат кўпинча шунчалик содда бўладики, унга ишонмайдилар ҳам.

(Ф. Левальд)

* * *

Ҳақиқат сўзи оддий бўлади.

(Г.С. Сковорода)

* * *

Ҳақиқат фақат уни излаганга пешвоз чиқади.

(Феликс Минуций)

* * *

Ҳақиқат шунчалик аччиқки, у фақат зиравор сифатидагина ишлатилади.

(В. Гжечик)

* * *

Ҳақиқат ҳақиқатга зид бўла олмайди.

(Ж. Бруно)

* * *

Ҳақиқатга хафа бўлиш керакмас. Яхшиси худди шундай жавоб қилиш керак.

(Д. Рудий)

* * *

Ҳақиқатни айтиш доимо қийин, ёлғонни эшитиш доимо осон.

(Сюзанна Броан)

* * *

Ҳақиқатни исботлаш қийин, чунки у исбот талаб қилмайди.

(В. Каверин)

* * *

Ҳақиқатни тушунарли қилиб айтиб бўлмайди. Уни ишонадиган қилиб айтиш зарур.

(Уильям Блейк)

* * *

Ҳақиқатни эшитишдан хафа бўладиган кишилар ҳам топилади.

(Софья Сегюр)

* * *

Ҳақиқатнинг яширинишга эҳтиёжи йўқ.

(Ф.Н. Глинка)

* * *

Ҳақиқий артист — доимо артист, ҳатто саҳнада ҳам.

(Михаил Генин)

* * *

Ҳақиқий буюклик, ўзини тута билмоқдан иборат.

(Лафонтен)

* * *

Ҳақиқий дўстинг ёрингдур улким,
Қўлунг тутса оёқдин тушганингда.

(Сайфи Саройи)

* * *

Ҳақиқий ёзувчи доим биладиган нарсамизни ёзиб, бизни ҳайратга солади.

(Жан Ростан)

* * *

Ҳақиқий зийнат, бу — инсонларнинг бир-бири билан бўлган мулокоти.

(Сент-Экзюпери)

* * *

Ҳақиқий йўлбошчи эргаштирмайди, йўл кўрсатади.

(Генри Миллер)

* * *

Ҳақиқий мардлик камгап бўлади, қаҳрамонликни у мардлик эмас, бурч деб ҳисоблайди.

(Бестужев-Марлинский)

* * *

Ҳақиқий оптимизм ҳаммаси яхши бўлади деган ишончда эмас, ҳаммаси ҳам ёмон бўлавермайди деган ишончда.

(Жан Дютур)

* * *

Ҳақиқий санъат, одатда, оддий бўлади, агар санъат оддий бўлса, у ҳақиқий бўлади.

(Жон Леннон)

* * *

Ҳақиқий шуҳрат — бу сизнинг ишингизга қараганда исмингизнинг юқори баҳоланиши.

(Дэниэл Бурстин)

* * *

Ҳақиқий этика, сўздан фойдаланиш тўхтаган жойда бошланади.

(Альберт Швейцер)

* * *

Ҳақиқий қудрат буюк билимларга мухтож.

(Х. Мануэль)

* * *

Ҳақиқий ғурурли киши ўзидан юқорида ва пастда турганларни билмайди. Биринчиларни у тан олмайди, иккинчиларни эса инкор қилади.

(У. Хэзлитт)

* * *

Ҳақиқий ҳаёт эллик ёшдан бошланади. Бу ёшга келиб киши ҳақиқий ютуқлар нимага асосланишини билади, киши нимага эришиши лозим бўлса, шуни эгаллайди, бошқаларни нимага ўргатиш лозимлигини фаҳмлайди, қаерда нима қуриш лозим бўлса, шу ерни тайёрлайди.

(Эдвард Уильям Бок)

* * *

Ҳақорат ва бировларни масхаралашнинг доим омма орасидаги талаби катта бўлган.

(Жон Апдайк)

* * *

Ҳақоратни ҳазм қилишдан ҳам ютиш осонроқ.

(Веслав Тшаскальский)

* * *

Ҳеч бир аср ўзининг тарихини ёза олмайди.

(Спенсер Герберт)

* * *

Ҳеч ким билан қўпол муносабатда бўлма, сенга ҳам шундай жавоб қайтаришади. Қўпол сўз кишини озорлайди ва унинг акси сенга ҳам тегади.

(Қадимги ҳинд ҳикмати)

* * *

Ҳеч ким ишни бамаслаҳат қилинганидан зиён кўрган эмас.

(«Ахлоқи муҳсинин»дан)

* * *

Ҳеч ким доим нодон бўлмайди, баъзида ўзимиз ҳам нодонлик қилишимиз мумкин.

(Жорж Герберт)

* * *

Хеч ким яна бир неча йил яшамайдиган даражада кекса бўлмайди, хеч ким шу бугун ўлмайдиган даражада ёш хам бўлмайди.

(Рохас)

* * *

Хеч ким хеч кимни эшитмайди, эътибор килинг ва бунга ишонасиз.

(М. Миньон)

* * *

Хеч кимга ишонмайдиган кишига ишонманг.

(Артуро Граф)

* * *

Хеч кимга хавас килмайдиган кишининг ахволига хавас килиб бўлмайди.

(Эсхил)

* * *

Хеч нарса ўтмишдай тез ўзгарувчан бўлмайди.

(Жан Поль Сартр)

* * *

Хеч нарсадан тап тортмайдиган айбдордан ортик беайбга ўхшайдиган киши топилмайди.

(Тристан Бернар)

* * *

Хеч нима кишининг илк таассуротларини иккинчисидай йўкка чикармайди.

(Л. Сухоруков)

* * *

Хеч нима кишининг фикридай эркин эмас.

(Дэвид Юм)

* * *

Хеч нима килмайдиган киши хеч качон янглишмайди.

(Теодор де Банвий)

* * *

Хеч нима килмасликка карор килган киши учун мажлис энг яхши восита.

(Жон Кеннет Гэлбрейт)

* * *

Хеч нимаси йўк кишининг хамма нарсаси бор кишини хурмат килишига каратилган конун адолатли бўлиши мумкин эмас.

(Альфонс де Сад)

* * *

Хеч кандай ёмонлик килмаган кишингдан эшитадиган хакорат энг оғир хакоратдир.

(Абу ал-Фараж)

* * *

Хеч кандай хис ёктирмасликдай тез пайдо бўлмайди.

(А. Де Мюссе)

* * *

Хеч качон «Сиз мени тушунмадингиз» деманг, яхшиси «Мен ўз фикримни яхши ифодалай олмадим» деган маъкул.

(М.А. Робер)

* * *

Хеч качон шошманг ва сиз ўз вактида улгурасиз.

(Шарль Морис де Талейран)

* * *

Хеч качон ўзингизнинг хаётингиз ва ўзгаларнинг хаётлари яхшиланишига бўлган ишончнинг йўкотилишига йўл кўйманг.

(Андре Жид)

* * *

Хеч качон ўнг кўлингиз бажарган ишни чап кўлингиз билишига йўл кўйманг.

(Ф.Д. Рузвельт)

* * *

Хеч качон ўтмишга қараб келгусини башорат қилиб бўлмайди.

(Эдмунд Бёрк)

* * *

Ҳийлани бемулоҳаза енггандан, ақл билан четлаб ўтиш осонроқ.

(Ж.Ф. Купер)

* * *

Ҳис-туйғуларингни жиловла, бўлмаса улар сени жиловлашади.

(Эпиктет)

* * *

Ҳозир ҳаммаси ёмонлигидан, илгари ҳаммаси яхши эди деган фикр чиқмаслиги керак.

(Валентин Домиль)

* * *

Ҳозирги давр ўрнига ўтган даврни кўкларга кўтариб мақташ — кексаликнинг илк белгиси.

(Сидни Смит)

* * *

Ҳозирги даврда, бирор киши тўғрисида «у яшашни билади» деганларида, одатда, ҳалоллиги билан бошқаларга қараганда устун бўлмаган киши тушунилади.

(Жорж Галифакс)

* * *

Ҳозирги замон аёлларининг тақдири: ўттиз ёшгача ўзингни катта қилиб кўрсатишга интиласан, ўттиздан кейин — ёш қилиб.

(Феликс Кривин)

* * *

Ҳозиргача мен сичқонлар унинг тўғрисида нима дейишаётгани ташвишлантирадиган бирорта ҳам мушукни учратмадим.

(Юзеф Булатович)

* * *

Ҳукмдорлар кишиларни ватанпарварлик ҳисси йўқлигида айблаш эмас, уларнинг ватанпарвар бўлишлари учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилишлари зарур.

(Т.Б. Маколей)

* * *

Ҳукмдорларнинг ақлига, энг аввало, у ўзига кимларни яқинлаштиришига қараб баҳо беришади.

(Никколо Макиавелли)

* * *

Ҳукмдорларнинг чақимчиларни жазоламагани, уларни рағбатлантиргани ҳисобланади.

(Домициан)

* * *

Ҳукмронлик ахлоқни бузади, ҳукмронликнинг йўқлиги эса ахлоқни умуман издан чиқаради.

(Эдлай Стивенсон)

* * *

Ҳукмронлик истаги — истаклар ичида энг кўп тарқалгани ва енгилмасидир.

(Симона де Бовуар)

* * *

Ҳунук аёл бўлмайди — фақат чиройли эканлигини билмайдиган аёллар бўлишади.

(Вивьен Ли)

* * *

Ҳушёр бўл ва шубҳаланишни ҳам бил.

(Эпихарм)

* * *

Ҳўкизлар жангида ҳўкизлар эмас, одамлар ютишади. Одамлар келишмовчилигида одамлар эмас, адвокатлар ютишади.

(Норман Огастин)

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Мысли и афоризмы. Составители П. Ландесман, Ю. Согомонов. — Баку: Издательство Азернешр, 1962. —262 стр.

2. Рубоийлар. Умар Хайём. Тузувчи ва таржимон Шоислом Шомухамедов — Тошкент: F. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1971. —304 б.

3. Афоризмы по иностранным источникам. Составители П. Петрова, Я. Берлин. —М.: «Прогресс», 1972. —480 стр.

4. Хикматлар. Амир Хусрав Дехлавий. Тузувчи ва таржимон Шоислом Шомухамедов. —Т.: «Ёш гвардия», 1973. —160 б.

5. Куёш соати. Омон Матжон. —Тошкент: «Ёш гвардия» нашриёти, 1974.

6. Донолар бисотидан. Тузувчи ва таржимон Шоислом Шомухамедов. —Т.: F. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. —309 б.

7. О жизни, учениях и изречениях знаменитых философов. Диоген Лаэртский. —М.: «Мысль», 1979. —620 стр.

8. Бахористон. Абдурахмон Жомий. Таржимон Ш. Шомухамедов. —Т.: «Ёш гвардия», 1979. —104 б.

9. Ўзбек тилининг изохли луғати. З М Маъруфов тахрири остида тайёрланган. —М.: «Рус тили» нашриёти, 1981, —1347 б.

10 Рабиндранат Тагор. Крипалани К. —М.: «Молодая гвардия», 1983. —287 стр.

11. Хикматли сўзлар. Алишер Навоий. Тузувчилар А. Рустамов, М. Рахматиллаева. —Т.: Ўзбекистон КП МК нашриёти, 1985. —144 б.

12. Абу Райхон Беруний. Абу Али ибн Сино. Азиз Каюмов. —Т.: «Ёш гвардия», 1987. —249 б.

13. Жомий ва Навоий. Тўпловчи Махмуд Хасаний, нашрга тайёрловчи Аскарали Шаропов. —Тошкент: F. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. —112 б.

14. Как завоевывать друзей и оказывать влияние на людей. Дейл Карнеги — М : «Прогресс», 1989. —720 стр.

15. Моя жизнь, мои достижения. Генри Форд. — М.: «Финансы и статистика», 1989. —206 стр.

16. Панчататра или пять книг житейской мудрости. Перевод И. Серебрякова. — М.: «Художественная литература», 1989. —479 стр.

17. Достоевский. Селезнев Ю.И. — М : «Молодая гвардия», 1990. — 541 стр.

18. Избранные жизнеописания. 1 и 2 тома. Плутарх. — М.: «Правда», 1990 —1200 стр.

19. Суждения и афоризмы. Франсуа де Ларошфуко, Блез Паскаль, Жан де Лабрюйер. — М.: Издательство политической литературы, 1990. — 384 стр.

20. Так говорил Заратустра. Фридрих Ницше. — М.: Издательство Московского университета, — 1990. — 302 стр.

21. Аждодлар ўгити. Тўпловчи Бўривой Ахмедов. — Т.: «Чўлпон», 1990. — 240 б.

22. Қутадғу билиг. Юсуф Хос Ҳожиб. — Т.: «Юлдузча», 1990. — 192 б.

23. Семья. 1- и 2-я книги. Андреева И.С. — М.: «Политиздат», 1991. — 873 стр.

24. Юз бир ҳадис. Таржимон ва нашрга тайёрловчи Тешабой Зиёев. — Т.: «Меҳнат», 1991. — 48 б.

25. Ҳикматнома. Таржимон М. Ҳасаний, тўпловчи Норжон Эшонқулова. — Т.: «Чулпон», 1992. — 112 б.

26. Нозик иборалар. Аз-Замахшарий. Таржимон Убайдулла Уватов, нашрга тайёрловчи Асад Дилмурод. — Т.: «Камалак», 1992. — 80 б.

27. Ким агар озоддур. Паҳлавон Маҳмуд. Таржимон Матназар Абдулҳаким. — Т.: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992 — 62 б.

28. Ҳикматлар. Аҳмад Яссавий. Нашрга тайёрловчи Иброҳим Ҳаққулов. — Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991 — 256 б.

30. Ҳикмат дурдоналари. Таржимон ва нашрга тайёрловчи Асадали Ҳакимжонов. — Т.: «Меҳнат», 1993. — 32 б.

31. Буюк хоразмийлар. Садриддин Салим Бухорий. — Т.: «Ёзувчи», 1993. — 16 б.

32. Табаррук зиёратгоҳлар. Садриддин Салим Бухорий. — Т.: «Ёзувчи», 1993. — 48 б.

33. Жаннат калити. Анвар Ҳожиаҳмад. — Т.: «Чўлпон», 1994 — 96 б.

34. Қобуснома. Кайковус. Таржимон Муҳаммад Ризо Огаҳий. Нашрга тайёрловчилар С. Долимов ва У. Долимов. — Т.: «Истиқлол», 1994. — 173 б.

35. Зороастрийские тексты. Суждения Духа разума (Дагестан-и меног-и храд). Издание подготовлено О.М. Чунаковой. М.: Издательская фирма «Восточная литература» РАН, 1997.

36. Золотая книга руководителя. Таранов П.С. — М.: Агентство «ФАИР», 1998. — 496 стр.

37. Дафтар хошиясидаги битиклар. Ўткир Хошимов. — Тошкент: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни, 1998. — 160 б.

38. Дурдоналар хазинаси. — Т.: «Шарқ» нашриёт матбаа концерни, 1999. — 192 б.

39. Шарқ жавоҳирлари. Ғуломхон Ғофуров. — Т.: «Маънавият», 2000. — 184 б.

40. Советы мудреца. Бальтасар Грасиан. Ростов-на-Дону. «Феникс», 2001. — 320 стр.

41. Великие мысли великих людей. Антология афоризмов в 3-х томах. Составители И.И. Комарова, А.П. Кондрашов. — М.: Издательский дом «РИПОЛ Классик», 2003. — 2159 стр.

42. О жизни, смерти и бессмертии. Составитель В.В. Марасин. — М.: «Издательство АСТ», 2003. — 565 стр.

43. Энциклопедия афоризмов. Составитель Э. Борохов. — М.: «Издательство АСТ», 2003. — 714 стр.

44. Законы Мерфи на каждый день. Артур Блох. — Минск: «Попурри», 2003. — 192 стр.

45. Корабль дураков или афоризмы житейской мудрости: от А до М. Гитин В.Г. — М.: ООО «Издательство АСТ». Харьков: «Торсинг», 2004. — 524 стр.

46. В мире мудрых мыслей. Составитель Э. Борохов. «Издательство АСТ», «Транзиткнига», 2004. — 571 стр.

47. Золотая книга этикета. Автор-составитель В.Ф. Андреев. — М.: «Вече», 2004. — 400 стр.

48. Кўҳна Шарқ дарғалари. Хамиджон Хомидий. — Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош тахририяти, 2004. — 352 б.

49. Сайланма. Махтумкули. Таржимон ва нашрга тайёрловчи Мирзо Кенжабек. — Т.: «Фан», 2004. — 256 б.

50. Эй, фарзанд. Абу Хомид Ғаззолий. Таржимон Йўлдош Эшбек. — Т.: «Мовароуннахр», 2005. — 96 б.

51 Боғистон. Абдулла Ахмад Муҳаммад Али — Т.: «Фан», 2006. — 264 б.

52. Донишманд ҳикматлари. Жуброн Халил. Таржимон Маҳкам Андижоний. — Т.: «Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти», 2006. — 264 б.

53. Звезды говорят. 4000 золотых афоризмов. — М.: Издательский дом «РИПОЛ Классик», 2006. — 448 стр

54. Формула человечества. Составитель И.И. Комарова. — М.: Издательство «Игра слов», 2006. — 352 стр.

55. Суперпамять. Гарри Лорейн. — М.: Издательство «Эксмо», 2006. — 384 стр.

56. Антология мудрости. Составитель В.Ю. Шойхер. — М.: ООО Издательский дом «Вече», 2007. — 848 стр.

57. Афоризмы, мысли и высказывания выдающихся мужчин. Составитель Е.О. Хомич. — Минск: ООО «Харвест», 2007. — 512 стр.

58. Большая книга афоризмов. Составитель К. Душенко. — М.: Издательство «Эксмо», 2007. — 1056 стр.

59. Мысли, афоризмы и шутки выдающихся женщин. Составители К. Душенко, Г. Манчха. — М.: Издательство «Эксмо», 2007. — 640 стр.

60. Мысли, афоризмы и шутки знаменитых мужчин. Составитель К. Душенко. — М.: Издательство «Эксмо», 2007. — 800 стр.

61. Мысли и изречения древних. Составитель К. Душенко. — М.: Издательство «Эксмо», 2007. — 640 стр.

62. От смешного до великого. Остроумные афоризмы. Составитель С.Б. Барсов. — М.: Издательство «Центрполиграф», 2007. — 311 стр.

63. Разумный мир. Александр Свияш. — М.: ЗАО «Центрполиграф», 2007. — 495 стр.

64. Энциклопедия ума. Составитель С. Дмитренко. — М.: Издательство «ОЛМА Медия Групп», 2007. — 606 стр.

65. Маширкзамин — ҳикмат бўстони. Тўпловчилар Ҳамиджон Хомидий ва Махмуд Ҳасаний. — Т.: «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси Бош тахририяти, 2008. — 464 б.

66. Азизлар анжумани. Форсийдан Матназар Абдулҳакимнинг эркин

таржималари. — Т.: «O'zbekiston» НМИУ, 2008. — 280 б.

67. Донишмандлар тухфаси. Таржимон ва нашрга тайёрловчи Эргаш Очилов. — Т.: «O'zbekiston» НМИУ, 2009. — 400 б.

68. Тасаввуф алломалари. Хамиджон Хомидий. — Т.: «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош тахририяти, 2009. — 209 б.

69. 10000 афоризмов, мыслей, высказываний великих и знаменитых. — Минск: ООО «Харвест», 2010. — 400 стр.

70. Новая книга афоризмов. Составитель К. Душенко. — М.: Издательство «Эксмо», 2010. — 1120 стр.

71. Большая книга. Все афоризмы: 57000 афоризмов и крылатых выражений. Составитель М. В. Адамчик. — Минск: «Харвест», 2011. — 1200 стр.

72. Нажмиддин Кубро (рисола). Замира Исхокова. — Т.: «ABU MATBUOT KONSALT» нашриёти, 2011. — 44 б.

73. Большая энциклопедия Кирилла и Мефодия. Версия 2008 г.

74. Энциклопедия Брокгауза и Ефрона DVD Soft — 2007 г.

75. Русча-ўзбекча луғат. М.Қ. Қўшжонов рахбарлиги остида тайёрланган. — Тошкент: Ўзбек Совет Энциклопедияси, 1983—1984. — 1608 б.

МУНДАРИЖА

Хикматга айланган эзгу туйғулар . 3
Алишер Навоий 5
Абдулла Каххор 7
Абдулла Кодирий 9
Абдулла Авлоний 10
Абу Мансур ал-Мотуридий 11
«Авесто»дан 12
Августин 15
Авраам Линкольн 17
Аврелий 17
Агата Кристи 18
Аддисон 19
Аз-Замахшарий 20
Аксель Оксеншерна 23
Ален 24
Александр Дюма-ота 25
Александр Дюма-ўғил 26
Альбер Камю 26
Альберт Эйнштейн 27
Ал-Хоразмий 29
Амброз Бирс 30
Амир Темур 32
Амьель 33
Анатоль Франс 34
Андре Моруа 36
Антисфен 36
Аристотель 37
Ахмад Югнакий 44
Ахмад Яссавий 45
Байрон 47
Бальзак 47
Бедил 49
Белинский 51
Бенедикт Спиноза 52
Бенжамин Дизраэли 52
Бенжамин Франклин 54
Бертран Рассел 57
Беруний 58
Биант 60
Бисмарк 61
Блез Паскаль 61
Бобур 63
Бомарше 65
Буаст 67
Виктор Гюго 69
Вовенарг 71
Вольтер 72
Гегель 74
Генри Бичер 75
Генрих Гейне 76
Генри Дэвид Торо 78
Генри Форд 79
Генри Шоу 80
Гераклит 81
Гердер 81
Геродот 82
Герцен 83
Гёте 84
Гиппократ 87
Гоголь 88
Гомер 89
Гораций 90
Грасиан 91
Гюстав Флобер 94
Даниель Дефо 94
Демокрит 95
Дени Дидро 97
Диоген 99

Достоевский 100
Еврипид 102
Жан де Лабрюйер 103
Жан Поль 106
Жан Жак Руссо 107
Жомий 109
Жон Кеннеди 110
Жонатан Свифт 111
Жорж Бернард Шоу 111
Жорж Вашингтон 114
Жюль Ренар 114
Ибн Сино 115
Кант 116
Катон 118
Квинтилиан 119
Клеобул (Клеовул) 120
Клод Адриан Гельвеций 121
Ключевский В.О. 123
Конфуций (Кун Цзи) 125
Лао-Цзи 128
Лев Толстой 130
Леонардо да Винчи 133
Лессинг 135
Ливий 136
Лихтенберг 136
Локк 138
Марк Твен 139
Махатма Ганди 141
Махмудхўжа Бехбудий 142
Менандр 142
Мольер 143
Мишель де Монтень 144
Монтескье 146
Муиниддин Жувайний 148
Мунис Хоразмий 149
Нажмиддин Кубро 150
Наполеон Бонапарт 152
Низомий Ганжавий 154
Носир Хисрав 155
Овидий 156
Огахий 157
Оскар Уайльд 159
Пахлавон Махмуд 161
Периандр 164
Питтак 165
Пифагор 165
Плиний Катта 167
Плиний Кичик 168
Плавт 170
Платон 170
Плутарх 172
Поль Валери 173
Поуп Александр 174
Публий Теренций 175
Публилий Сир 176
Ралф Уолдо Эмерсон 178
Ренан 180
Рене Декарт 181
Робиндранат Тагор 182
Ромен Роллан 183
Рудакий 184
Саллюстий 185
Саъдий Шерозий 186
Сэмюэл Батлер 191
Сэмюэл Жонсон 192
Сенека 193
Сервантес 201
Сократ 203
Солон 205
Софокл 205
Стендаль 206
Стивенсон 207
Суворов А.В. 208
Сюнь-Цзи 209
Томас Фуллер 210
Тацит 211
Теодор Рузвельт 213
Томас Жефферсон 214

Томас Карлейль 215
Тургенев И.С. 215
Уильям Шекспир 216
Уинстон Черчилль 219
Умар Хайём 220
Фаридиддин Аттор 222
Фейербах 223
Филдинг 223
Фирдавсий 224
Фитрат 227
Форобий 228
Франсуа де Ларошфуко 229
Фридрих Ницше 236
Фрэнсис Бэкон 237
Фукидад 239
Хилон 240
Хожа Самандар Термизий 241
Хун Цзичэн 242
Хусрав Дехлавий 245
Цезарь 247
Цицерон 248
Чарльз Диккенс 251
Честертон 252
Честерфилд 253
Чехов А.П. 254
Шамфор 256
Шиллер 257
Шопэнхауэр 259
Эбнер-Эшенбах 261
Эзоп 262
Эмиль Кроткий 263
Эпикур 264
Эразм Роттердамский 265
Юсуф Хос Ҳожиб 266
«Қобуснома»дан 268
Ҳайдар Хоразмий 270
Тома-тома кўл бўлур 271
Фойдаланилган адабиётлар 393

Адабий-бадиий нашр

ҲИКМАТЛАР ШОДАСИ

Мухаррирлар *А. Зиядов, Б. Худоёрова*
Рассом *Х. Умаров*
Бадиий мухаррир *Р. Зуфаров*
Техник мухаррир *Д. Габдрахманова*
Кичик мухаррир *Д. Холматова*
Мусаххих *С. Салохутдинова*
Компьютерда сахифаловчи *К. Голдобина*

Нашриёт лицензияси AI № 158. 14.08.09.
Босишга 2013 йил 6 майда рухсат этилди. Бичими 60×84 1/16.
Офсет қоғози. «Virtec Peterburg Uz» гарнитурасида офсет усулида босилди.
Шартли босма табоғи 23,25. Нашр табоғи 21,33.
Адади 3000 нусха Буюртма № 13-245.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.
e-mail: uzbekistan@iptd.uzbekistan.uz
www.iptd.uzbekistan.uz

РАСЫПКА